

Собир ЎНАР

Кунсулунинг сирли хатлари



Собир ЎНАР

КУНСУДУВНИНГ СИРЛИ ХАТЛАРИ

Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи
ТОШКЕНТ – 2021

УЎК 821.162.3-3
КБК 84(5Ў)6
Ў 75

Ўнар, Собир.

Кунсулуннинг сирли хатлари: ҳикоялар / С. Ўнар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2021. – 432 б.

Ушбу китобда ёзувчининг турли йилларда ёзган ҳикоялари жамланди. Ҳикояларда қишлоқ одамларининг танти феъл-атвори, эзгу юмушлари, севги-муҳаббат изтироблари, турмуш машаққатлари, орзу-интилишлари, янги асарларида эса ёшларнинг реал дунёқарашлари ўзига хос маҳорат билан кўрсатиб берилган. Мазкур ҳикоялар Сиз азиз ўқувчиларни жозибали тили ва табиийлиги билан мафтун этишига ишонамиз.

УЎК 821.162.3-3
КБК 84(5Ў)6

© С. Ўнар, 2021
© Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2021

ISBN 978-9943-6450-3-5

ЙИГИТЛАРНИНГ БИРИ

Қаноат қорин тўйдиради.

Мақол

Одам гуноҳ ишни билиб қилсагина ўзини-ўзи қийнаши – виждони азобланиши мумкин, аммо шу ишнинг хариш эканлигини билатуриб ўзини қайтара олишга кучи етмаган кишини қандай айблаш мумкин, – у ҳам ўйласа – биз ёндошларимизга, тенгдошларимизга бундан кўра қандоқ қилиб яхшироқ яшаш мумкинлиги ҳақида айтаётган кундалик фикрларни тушунса, айтгиси келса унинг ҳам. Биз бирор куни (тирикликда) ўша – ҳамма кўришни истаётган, кўриш учун минг йил (эҳ, имкон бўлсайди!) яшашни хоҳлаётган шаффоф манзилни у ҳам орзу қилаётган бўлса, бошқалар яқдил бўлса-ю, у ҳам ўйлаб ўтирмай почасини сириб олдинг сафда туриб оладиган даражада шижоатли бўлса, лекин “бошқалар” деётганимизнинг энг ёмон касри унга урган бўлса, биз ўзимизнинг унга ёрдамимиз керак бўлиб турган бўлса? Ўйламанг яна: мен чалкашаётганим, чалғиётганим йўқ, улардан бири – сизу менинг тенгдошимиз, ўйдошимиз – исми Рауф, шахсан мен ёрдам беролмайман унга. Сиз-чи?

...Кўчада одам кўп, бозор куни бўлгани учундир, автобус муштлаб тикқандай тирбанд, одамнинг дами қайтади, ҳар бекатда автобус ҳайдовчиси бир неча дақиқа эшикни ёполмай қийналади, “эшикни қўйиб юборингла-ар!” деб бақиради. Йўловчиларнинг деярли ҳаммаси терлаб-пишиб кетган, бировининг нафаси ёнидагининг баданини куйдириб юборади. Анави қозоқ амаки бўлса, шу тикилинчдаям оғзи тинмайди, дунёдан

буткул кўнгли тўқ одамдай жуда бемалол сўзлайди, мол бозори, қўйларини қанчага пуллагани, харидор билан қандай тортишганини гапиради. Ёзнинг иссиғи бўлишига қарамай, бошида телпак, эгнида чопон.

“Бу одам мол олиб, мол сотиш билан даромад қилса керак”, деган ўй кечди Рауфнинг миясидан, жуда тез кечиб ўтди бу ўй, – шу заҳотиёқ унутилиб бошқа ўйлар эгаллаб олди, одамнинг юзига тикилиб қолди: унинг жуда содда, валломат эканини билди, шу ҳақда ўйлай бошлади, ўзининг отасига қиёслади. Тушувчилардан бири орқа эшик томонга силжиб-сурилиб, Рауфни қозоқ амакига бирлаштириб, нақ эзиб юбораёзди, шунда унинг биқинига бир қаттиқ нарса тиралди. “Пичоқнинг сопи”, деб ўйлади аввал, кейин, қаттиқроқ ботиб кетганида “пичоқнинг ўзи” деди, биқинимни тешиб юбормасин деб дарҳол ушлаб итармоқчи бўлди-ю, шу заҳоти унинг тўртбурчак пачка эканлигини билиб, “пул!” деган қарорга келди. Ҳа, пул! Қалинлиги барзангининг муштидай келади! “Ўмганингизни тортинг, амаки, эҳтиёт бўлмайсизми пулингизга?!” деди. Йўқ, демади. Негадир овози чиқмай қолди. “Минг сўмлар бор-ов, вой-вўй, минг сўм-а, опқўйсаммикан? Сездирмай опқўйсам-а? Билиб қолармикан?” Чап елкасидаги шайтон билан ўнг елкасидаги Раҳмон уни миясидан сиқиб ушлаб икки ёққа торта бошлади. Шайтон зўрлик қилгани сайин унинг оёқлари, қўллари қалтираб борар, ҳали пулни олмаган бўлса ҳам ўғирлагандан баттар титрарди; пул шундоқ биқинига тиралиб турибди, оғритади, бошқа биров бўлганида дарҳол ишини битириб кетган бўларди, у бечора бўлса шу кезде бутун дунёнинг ваҳимасини бошдан оёқ ўйлаб чиқди-ёв: отаси, онаси, укалари, ўқиш, жиноят, ҳайдалиш, қамоқ... Даҳшат! Лекин нимадир унинг қўлини пулга теккизди, ток ургандек бадани жимираб кетди. “Буни мен оляпман, йўқ, бошқа биров олаяпти”, деб ўйлашга зўр бериб уринди, аммо пул кўп эди; дастрўмолга

қаттиқ қилиб тугилган, тортган эди, чиқмай қолди, нимадир ушлаб тургандек. “Лаънати, тўғноғич билан ҳам қотирилган экан, бунча беркитмаса ўлармикин?” Амакининг шу бепарволиги бўлса чўнтагини юлиб олсанг ҳам сезмайди, унинг устига тескари ўгирилиб олган, тўғноғични икки қўллаб, пишиллаб ечганини ҳам сезмади. Хайриятки, шу тобда ёнидагиларнинг ҳатто унга томон бурилиб қарашга ҳам имконлари йўқ. Олди. Оласолиб ўзининг қўйнига тикди. Кўйлакнинг ичида яққол кўриниб турарди. Кўрқиб-титраб папкасининг замогини очиб, пулни унга яширди, папканинг дўмпайган жойини қўлтиғи остига олди. “Ҳеч ким кўрмади. Энди тушиш керак. Ҳозирги бекатда тушиб қоламан. Қандай қилиб узоқлашсам экан шу одамдан?” Бир қадам силжишга имкон йўқ. “Ҳозир, мана шу туришда квартирада пайдо бўлиб қолсам-а! О, қани эди, қани эди! Ҳеч ким тополмасди-я, ҳеч ким! Ҳаракат қилиш керак, тушиш керак”. Рауф зўр бериб орқа эшик томон интилар, ён-веридагилар унинг типирчилашидан ғижиниб койинарди, у эса бўғриққан, ҳансираган бир ҳолатда: “Ҳозир, тушаман!” дерди ўмганлаб-ўмганлаб.

– Қайсисида тушасиз, мунча қўполсиз? – дерди яна кимдир.

– Мана шу ерда, “Гастроном” бекатида, – кўзлари жавдираб жавоб берди у, гуё ҳечқурса шу одам билиб қолгандек. Хафа бўлиб кетди, лекин бўлар иш бўлди-ку. “Эҳ, автобус мунча имилламаса! Нега тўхтаб қолдийкин? Анави рус хотин мунча қарғайди, Худо урди, ҳозир ушлаб беради шу хотин”. Кимдир Рауфни туртди. Жуда қаттиқ туртди. Биқини ўйилиб кетай деди-ёв. Сзди: қозоқ амаки, ҳозир ушлаб бўғиб олади у. Қарамаслик керак. Ўлдим. Қарамади. Аммо туртки иккинчи марта такрорланди. Барибир қарамасликка тиришди, сезмаганликка олди ўзини. Автобус тўхтади, светофорга дуч келди, шекилли, юргунча яна икки марта бош бар-

моғининг учи билан қаттиқ туртди ўша қўл. “Нега туртади-а? Туртиб қаратиб шарманда қилмоқчимикин?” Ўша қўл агар шу тобда унинг ичак-чавоғини суғуриб олса ҳам рози эди, фақат туртмаса – уялтирмаса бас. Қозоқ амакимикин? Аблах экан, индамай туртади-я. Буям етмагандек ўша бегона қўл энди қаттиқ чимчиб олди, омбур тишлатдими ўзиям. Йигит шўрлик Гоголнинг “Вий” қиссасидаги жинлар қўлида қолган талабанинг аҳволига тушди. Қоқсуяк жинлар зўр бериб уни излашди, топишолмади. Энди улар сардорни, энг доно ва топқир ажина – Вийни келтиришди. Агар Рауф билмай қараб қўйса, Вий: “Ана-а!” деб бақириб юборадигандек.

Охир-оқибат бизнинг талаба ҳам ўша талабага ўхшаб дош беролмади: қарагиси келаверди. Қаради: калтабақай, семизроқ, мўйлабли йигит. У бир кишининг ёнидан зўрға бу ёққа сирғаниб чиқди-да, “тенг шерикмиз” ишорасини қилди, қўли билан: унинг ёнида яна битта ориққинаси қараб турибди. У ҳам қўлини бўйнига пичоқ қилиб кўрсатди – “бўлмаса, бошинг кетади!” “Ўлдиришади энди! – тезроқ қочиш қолиш керак”. Автобус ҳам зўрға тўхтади бекатда, эшик томонга қийшайиб ғийқиллади. “Тушасолиб қочаман!” – зўр бериб талпинди: ўзидан олдинги бир одамни ҳам ҳай-ҳайлашига қарамай суриб тушириб кетди; тушатуриб илқис орқасига ҳам ўгирилди: “каллакесарлар” ҳам тушишяпти. Қочса, ушлаб олишади. Тутиб олса, ўлдиришади. “Кўринишидан билса бўлади – улар ғирт безорилар-ку!” Шу фикр миясига яшиндай урилди-да, у орқа эшиқдан тушгани замон кўчага қараб қочиш ўрнига олдинги эшик томон чопди. Бекатдаги йўловчиларни ҳам уриб-суриб эшикка тирмашди. Шошиб зўрға чиқиб олди. Ортидагилар ҳалиям қувиб келишяптими, улар ҳам чиқиб олишдими, билолмади. Агар ўша безорилар қолиб кетишганида Рауфни ҳам тортиб тушириб қолган бўлишарди; урган, сўккан, ҳеч бўлмаганда жар солиб одамлар олдида уялтирган бў-

лишарди, қараб ўтиришмасди. “Ё чиқиб олиб орқамда туришибдимикин?” деб ўйлади. Энди унинг мақсади битта: бориб пулни эгасига – қозоқ амакига бериш. Ҳа, пулни эгасига қайтариб бериш керак. Шундагина безорилардан қутулади. Ўлимдан ҳам. “Ё тавба, одамлар бунча ваҳший бўлмаса. Шу арзимас пулга шунча-я!”

...Бешинчидами ё ундан ҳам қуйироқдаги синфдами ўқирди ўшанда.

Онаси Рауфнинг қўлига пул тутқазиб, магазиндан чой ва қанд олиб қайтишни тайинлар экан, шуларни уқтирарди:

– Тушириб қўйма. Ма, мана бу рўмолга туғиб, киссангга сол. Мактабдан қайтишингда ўйнаб-нетиб юрма. Эҳтиёт бўл.

Шусиз ҳам Рауф эҳтиёткор, юмшоқ бола, унга қолса, қуни билан пулини қўлда сиқимлаб бошқа ишларга, ўйинга ҳам унамасликка тайёр. Фақат онасининг тайинлаганини уддаласа, хурсанд қилса бўлди, шундан ўзи ҳам шод. Магазин уч чақирим нарида, катта мактабнинг ёнида. Онаси магазин учун алоҳида овора бўлиб юрма, мактабдан қайтишингда биратўла шу ишниям тиндириб келарсан, деган эди. Шунини ёдида тутиб, жўраларига ҳам қўшилмади, ҳар галгига ўхшаб эшак кўпқари ҳам ўйнамади; киссасидаги “жонивор”нинг сустими ё онасининг хийла баджаҳлликими, уни янада хушёрроқ қилиб қўйди. Шу боисдан тинчгина, эшагини чуҳлаб кетаверди. Худди катталардай тоғаваччаси Жамол мингаштир, деб ялинган эди, кўнмади; киссасига эҳтиёт бўлди.

– Белида яғири бор, ётиб қолади.

– Шу мочангнинг белини қизғандинг-а, нокас?

– Нокас дема! Мен нокас эмасман, нокас эмасман! Ма, бўлмаса, ўзинг мин! – Унинг жаҳли чиқди, эшакдан ирғиб тушди. Лекин Жамол аразлаганди, минмади.

Рауфга учинчи соатда жисмоний тарбия дарси бўлди; шу соатда нариги синф билан чопиш мусобақаси

ўтказилди. Мусобақада Рауф югураётиб пулини тушириб қўйибди. Олдин сезмади. Дарслари тугагандан кейин мактабнинг пастигаги тутга арқонланган эшаги қошига келди. Устида хуржун. Шунда хуржунни кўргач, лоп этиб эсига тушди: уйига қанд, чой опкетмоқчи эди-ку. Пул тушиб қолганини кўнгли сезгандай дарҳол чўнтагига қўл тикди: йўқ. Бошқа киссаларниям кўрди: йўқ! Йиғлаб юбораёзди. Уй-уйига шошаётган синфдошларидан сўради. Олган одам “олдим” дермиди?

“Онамга нима дейман, нима дейман онамга энди? Магазинчи Худоёр акадан насияга олсаммикан? Йўқ, барибир бермайди. Қарзга беринг, деб айтолмайман ҳам. Шошиб-пишиб излади, тентиради. Топилмади. Шумрайиб уйига қайтганда ўйлаганидай бўлди: онаси дарғазаб бўлиб, ҳам куйиниб қарғади, афсусланди: “Мен мия хатоям майда пул бермай, нақ йигирма беш сўмлик берибман-а. Эси кириб қолган, майдалатиб, қолганини ажабтовур қилиб қайтариб келади, дегандим-а. Бу ёғи етиб турса эди, гўргайди. Паншаха билан курак судраган отанг бир нима орттирармиди. Аттанг-а, аттанг”. Сўнг чидаёлмай: “Жувонмарг, ўла бийтганингча”, деди. Йўқ, буни ихтиёрсиз равишда айтиб юборди. Жаҳли тушгач, қайтиб олди бу гапни, жаҳл чиқса ақл кетади, ахир.

Рауф юз марта, минг, миллионлар марта пушаймон бўлди, афсус чекди ўшанда. Аммо ҳеч нарсга ўзгармади – пули топилмади. Бир омадли топган чиқар. Кимдир. Ким экан у номард! Эртаси куни синф раҳбари Ражаб акага айтган эди, у киши гарчи орадан бир кун ўтиб кетган бўлса ҳам, синфда ҳамманинг чўнтагини бир бошдан тортиб чиқди. Олса, Йўлдош муаллимнинг ўғли Бердибек оларди, унда йўқ, ҳеч қайсиси олмаган. Бошқа биров топган.

Лекин у ўша пайтлари қаердан бўлмасин ўша йигирма беш сўмни топишни, онасига келтириб гуноҳини оқлашни истарди. Ҳатто бир куни айна йигир-

ма беш сўмни онасига келтириб бериш имкони ҳам туғилди.

Тушдан сўнг мактабнинг спорт майдончасида бир гуруҳ ишчилар волейбол ўйнашарди. Улардан бири, Ниёзмат ака деган шофёр камзулини ечиб Рауфга ушлатиб қўйди-да, ўзи ўйинга берилиб кетди. Рауф каттакон камзулни кийиб олди. Шундан кейин қизиқиб унинг чўнтакларига қўл солиб кўрди: ён чўнтакларида очқич, болт ва гайкалар бор экан, у ҳеч кимнинг ўзига қарамаётганини кўриб, камзулнинг қўйин чўнтаклари-га ҳам қўл тикди: чап томондаги қўйни киссасида кўп-бало пул буклами ёғимланиб ётган экан. У шунча пул-нинг тахланмай, хор бўлиб ётганига ҳайрон қолди. Рауф улардан бирини олиб қўйгиси келди, қараб кўриб она-си берган йигирма беш сўмликка ўхшаган бир пулни олди-да, дарҳол ўзининг киссасига солиб қўйди. “Нима қилаяпсан-эй?!” деб бақирди кимдир шу пайт. Чўчиб тушиб ўз чўнтагидаги пулни қайтиб Ниёзмат аканинг чўнтагига солди. Кейин кўз ости билан “авайлабгина” овоз келган томонга қаради. Волейболчилардан бири фирромлик қилиб, тўпни иккинчи томонга бермаяпти, судья йигит унга бақирган экан, Рауф у кишининг овозига чўчиб тушибди. Шу пайтда Ниёзмат ака коп-токни чизик чеккасидан шундай қаттиқ зарб билан ўйинга ташладики, тўпни қабул қилган йигит чалқан-часига йиқилиб кетай деди. Тўп унинг бошига тегиб, сувга учиб тушди. Қалқиб-қалқиб сув бетида оқа бош-лади. “Секинроқ-да, Ниёзмат ака, бу туришда ма-йиб қиласиз-ку одамларни”, деди судья йигит. Бола-лар чувиллашганча сувда оқаётган коптокни қувиб ке-тишди. Рауф Ниёзмат аканинг зарбини кўриб жон-по-ни чиқиб кетаёзди. Назарида, агар ҳозир унинг пулига тегинганини кўрган бўлса, мана шундай зарб билан уни ҳам солиб қоладигандай туюлди. Бир солса тил тортмай ўлсам керак, деб ўйлади. Болалар сойдаги сувга тушган тўпни тутолмай узоққа кетиб қолишди.

Уйинчилар эса ҳафсалалари тушиб тарқала бошлашди. Ниёзмат ака келиб Рауфнинг қўлидан, “э, маладес”, деб камзулини олиб кияётганида киссасидан ширт этиб бир сўмлик пул ерга тушди. “Пулингиз тушди”, деди Рауф. “Олақол, сеники шу”, деди Ниёзмат ака бепарво оҳангда. “Олмайман, керак эмас”, деди Рауф. “Ҳа, пулинг кўпми шунча? Олавер, печенье сотиб олиб ейсан”, – Ниёзмат ака шундай деб Рауфнинг кўкрак чўнтагига тикиб қўйди пулни. “Менинг пул ўғирламоқчи бўлганимни сезган бўлса керак, раҳми келиб шундай қилди”, деб ўйлади Рауф ва бундан баттар эзилди.

Ҳа, бешинчи ё тўртинчи синфда ўқирди ўшанда.

Рауф ўша йўқолган йигирма беш сўм пул оиласи учун унча-мунча эмас, каттагина зарар келтирганини энди яхшироқ ҳис қилади, ўз айбини онасидан кўра ҳам аввало ўзи кечира олмасди. Шу-шу бу нарс ҳеч кўнглидан чиқмади; аллақандай эртакнамо тасодифларга, отаси айтган Хўжаи Хизрга бот-бот ишонди, вақт ўтди, лекин не учундир бундан кейин ҳам ҳаёлидан сира кўтарилмади.

Ҳозир яна ўйлади шуларни; кеча ҳам, олдинги кун ҳам шунга ўхшаш воқеаларни ўйлаганди, бу воқеалар одатда узук-юлуқ бўлар, узук-юлуқлигича тушига ҳам кирар, баъзан, унутилиб кетар, гоҳида эса ойлаб эсидан чиқмай, ўзи ҳам ҳайрон бўлиб юрарди. Бугун кўрган тушининг таъбири ҳақида ҳар қанча зўр бериб ўйламасин, барибир тузук фикр чиқаролмади.

Катта сайҳонлик. Оппоқ кўпикларни олиб уриб, айқириб-думалаб сел оқади. Бу сафарги селда балиқлар одатдан ташқари кўпайиб кетибди. Шунчалик кўп эмишки, сонглоқдаги сувга сиғмай кетганмиш. Рауф югуриб бориб, улардан бирини, энг йиригини қучоқлаб олибди-да, қиргоққа судрабди. Балиқ тинмасдан ликиллармиш. Барибир Рауфнинг кучи етибди унга; қучоқлаб уйига судраб оборибди. Бола шу чоғ тилланусха балиқнинг кўзларига қараса, бирам мунг-

ли эмишки, одамникига ўхшаш киприги, қовоғи бор эмиш, кўзини очиб-юмармиш одамга ўхшаб. Баъзида кўзини хиёл қисиб қорачиқларини осмонга қаратиб ўйга чўмармиш. Рауф ухлармиш. Тилланусха балиқдан пичирлаб кечирим сўрармиш. Ҳали айтганимиздек, бунинг қанақа туш эканлигини ўзи билмайди. Бир-бирига туташмаган-да, хаёлларига ўхшаб. Одам нега хаёл суриши ва нима учун айнан шу хаёл бошига урилишини билолмайди-ку. Менимча туш деганимиз шундай: одам энди уйғоқликда эмас, ухлаётиб ўйлайди. Хаёлий воқеаларда ўзи иштирок этади. Худди кинода роль ўйнаганга ўхшайди. Лекин барибир тушда ҳам одам бировнинг ролини ўйнамайди-ку, тўғрими?

Рауфнинг иккинчи туши биринчисига айқашиб тушади. Икковини бир-биридан ажратолмайди, кинолентамидики, унинг бирини олиб тўлиқ экранга қўйиб, кейин иккинчисини томоша қилсанг. Масалан, кўпинча баланд жойдан ҳайҳотдай пастликка қараб гувуллаб тушиб кетасан. Гавданг ерга тушган заҳоти ўлишингни биласан-да, ғужанак бўлиб оласан, юрагинг кўкрагингдан чиқиб бўғзингга тошдай қадалади. Ерга тушасан ҳам, энди ўлишинг керак, лекин бу туш – уйқудаги хаёл-ку, шунинг учун ўлишинг керак бўлган лаҳзада ерга гупуллаб тушмайсан; секингина, оҳиста қўнасан. Бироқ туш кўраётиб ўзингга: “Э, бу тушим-ку”, деёлмайсан. Хаёл сураётиб эса: “Э, бу хаёл-ку”, дея оласан. Уйқу – чала ўлим, деб шунга айтар эҳтимол. Уйғоқлик яхши-да, уйғоқлик.

Хуллас, Рауфнинг иккинчи туши биринчисига айқашиб тушади. Даставвал бояги тушидан олдин кўрдими буни ё кейинми – буниям фарқламади.

У ўзининг қишлоғида, ўша қабристон биқинидаги тупроқ йўлда кетатуриб, тангача топиб олди Қўрқмади, нега қўрқсин, қайтанга қувонди – йўлда ётибди-ку танга... Шунда у ўйлади: “Буларни менга ажина ташлади, у мендан қўрқади. Агар ўзини кўриб қолганимда

сочидан тортиб, момомга ўхшаб тоза қийнаган бўлардим; ўзи сезиб ташлаб кетибди. Бу тангаларнинг сеҳри бор: бирор нарса харид қилсам, яна ўз қўлимга қайтиб келаверади. Ажойиб нарса-я!”

Балки, Рауф буларни ўнгида ўйлаган чиқар, айтдик-ку, тушнинг хаёлдан фарқи йўқ, деб. Ўша заҳоти Рауф қувонганидан эмас, даҳшатдан уйғониб кетган эди, чунки ерда тангалар шунчалик кўпайиб кетган эдики, уларни териб улгуриш мумкин бўлмай қолди. Лекин Рауф қанча кўп танга термасин, қўлидаги уч-тўрт донаси сира кўпаймасмиш, аччиғланганидан сўкиниб бақирармиш. Шунда у ўнгида ҳам бақирди, ўртоғи Мирза секин уни туртди: “Уйқусирамай ёт, Рауф, қўрқаётган бўлсанг, ёстиғининг тагига пичоқ қўйиб ол”.

Кўчада юрганида ҳам шуларни ўйлаб тиржайиб-тиржайиб юрди, “аҳҳ, ўшалар ўнгимда бўлсайди-я”, деди ўзига-ўзи. Бир пайтлар момоларидан бирови ажинанинг сочидан тортиб бир толасини юлиб олган ва ўзининг лозимига боғлаб қўйган экан, ажина кўп эланибди, момоси – иримчи, билар экан-да – унинг ялинганига эримабди, сўнг ажина тангалар берибди. Момоси эса унинг сочини қайтариб берибди. Ўша тангаларни кампир нақ ўн йиллар Сарибой деган атторга ишлатган, тоза шўрини қуритган, аттор эса бу сирдан беҳабар қолган экан. Аммо-лекин тангани ишлатишнинг ҳам ўзига яраша расми бўлар экан, унга аччиқ ичимлик, умуман, аччиқ нарса, оёқ ёки поча буюми сотиб олса, “аразлаб” қайтиб келмай қўяр экан. Момоси ҳам кунларнинг бирида чалкашиб бир ўрам нос сотиб олганида тангаларидан маҳрум бўлган экан.

Тушлар хаёлларининг давоми эканлигини билмагани учун бирон тўхтамли хулосага келолмайди, улардаги воқеаларга бугунги бўлиб ўтган ҳангомаларнинг анча-мунча алоқаси борлигини ҳам сезмайди. Момоси тўғрисидаги қизиқ ҳикоя эса уни унчалик қониқтирмасди. Бир-икки чақанинг ўзи нима бўларди дейсиз; у

момосиникидан кўра кўпроқ бойликни орзу қилганди. Бу орзунинг ҳақиқатга айланмаслигини ўзи ҳам биларди, аммо нима учун одам орзу қилади, идеал излайди, деб ўзидан суриштириб кўрмаган одам барибир қандайдир ҳавойи бахтнинг (агар уни ФАВҚУЛОДДА БАХТ деб атасак) келиб қолишига ишонаверади, эҳтимол, шулар ҳақиқатга айланмаслигининг ўзи Рауфнинг орзусини кучайтириб борарди. (Орзугина боши очиқ кўча!) Мана шу бошбошдоқ орзулари унинг топ-тоза – уят, ҳалоллик, тенглик ҳақидаги туйғуларини пароканда қилиб юбораверар эди. Уларни йўқотганда ташналиги ошарди.

...Сурилиб-сурилиб зўрға етди амакининг ёнига. Бояги, оғиз жуфтлаб, қалтираб айтолмаганини энди, овозини чиқариб, баралла айтди: “Амаки, пулингизни эҳтиёт қилсангиз бўлмайдими?”

Қозоқ амаки ҳалигача билмаган экан, дарҳол ўғирилди-ю, кўзларига ишонмади. Рауфнинг қўлидаги дастрўмолга тугилган пулларни кўриб талмовсираб қолди; чўнтагини пайпаслади, кейин шодланди:

– Э, қай жерга тусипти? Раҳмат-э, вўси, раҳмат.

Амаки ўзининг пулини олар экан, Рауфдан сира шубҳа қилмади; дастрўмолини ечиб кўриб ҳам ўтирмади. Қайтанга унинг шаънига таҳсинлар ўқиб, қайта-қайта алқади, мақтади. Сенинг ўрнингда бошқаси бўлганда қайтариб бермасди, деган гапларни гапирди.

– Ай болам, бовринг кенгакан, ўмрингдан берсин Худой, – деди такрор-такрор. Дам “вўси” деди, дам “бола” деди, гоҳи “улим” деди. Ишқилиб, тинмади.

Бизнинг Рауф эса чексиз азоблардан қутулгандай енгил тортди. Автобусдан тушаётиб энди олазarak бўлиб эмас, эркин кўз югуртди одамларга. Бояги “рақиблари” кўринмади. Демак, чиқишмабди. “Хайрият! Агар менинг ўрнимда шулар бўлганида чинданам амакининг чўнтагини кесиb кетишарди. Киссавурлар, безорилар, аблаҳлар!” деб ўйлади. Шунда у ҳеч қачон

ўғри бўлолмаслигини, ўғирлик қўлидан келмаслигини англади. Бироқ туриб-туриб ўша безорилардан миннатдор бўлди: “улар мени шу йўлдан қайтаришди-ку”, деди ўзига, уларнинг нега қувиб келишмаганига эса ҳалигача ҳайрон қолади.

Факультет биноси қошида якшанбалик бўлиши керак эди. Рауф комсорг, тезроқ етиб бориши шарт, бўлмаса, бутун группа болалари кетиб юборишса, у маломатга қолади. У оёғи тортиб-тортмай нариги бекатга ўтиб бораркан, бир хаёл кватирага қараб шартта жунаб қолсамми, деб ўйлади. Нимагадир унинг ҳозирги қилмиши ўзидан бошқаларга ҳам, ҳаммага, шунингдек, ўзининг группадоларига ҳам аёндек, ҳамма кўзлар: “Сенга нима бўлди, Рауф, асло ўғри эмассан-ку, Рауф?!” – дейишадигандек, қизиқишадигандек, ҳайрон бўлишадигандек туюлаверди. Айни пайтда у орқага қайтишни ҳам истамасди. Ҳолбуки, кетаверса ҳам бўларди, бир неча дақиқа бурун келиб тушган автобуси ҳозир қайтади: ана, бояги бакироқ шофёр “каталак”дан йўлланма-қоғоз кўтариб қайтиб келмоқда.

Қозоқ амаки қаёққа кетдийкин? Бозорга – Олойга бурилган бўлса ажаб эмас, ҳозир у ўша пулларнинг бир қисмини болаларига кийим-кечак, мева-чева харид қилишга сарфлайди, тўлиб-тошиб боради уйига, бола-чақасининг кўнглини хушнуд қилади. Яна ким-бировлар шу автобус билан Черняевкага – Қозоғистоннинг чегарасига йўл олишмоқда, балки, ўша ердаги бозорга боришар. (“Бозорга ўхшайди асли бу дунё” – у ёқда ҳам бозор, бу ёқда ҳам, – Рауф кулди.) Уларнинг ташвишлари ҳам ўша амакиникидан кам эмас, балки, мол олишар, эҳтимол тўй қилишар, яна ким билсин, ишқилиб, барчасида рўзгор ташвиши.

У ҳозир ҳеч нарсани хоҳламади, назарида, юриб кетаётган ёп-ёруғ йўли бирдан тарамланди-ю, шу тарам йўлларнинг қайсисидан юришга лол қолганди. Агар

шу тобда овлоқми ёки ертўлами, ҳарқалай одамлардан холироқ бир жой бўлганида, у ерга бориб секингина, ўз ёғига ўзи қоврилиб, шу билан ўзини жазолаган бўларди.

Ён-веридан ўтиб турган одамларнинг ўз юмушларига шошилишлари, шошиб гапиришлари, бақириб-чақиришлари унинг қулоғига ҳаётнинг асл моҳиятини “мана” деяётгандай, кишиларнинг овозлари орқали ҳаётнинг қонунларини жаранглатаётгандай бўлаверди, шунда улар ҳаммасининг ҳаётлари ўзлари-ча мукаммал, маънодор ва жозибадор, фақат ўзиникигина маъносиз, жозибасиз, номукаммал ва қоронғи туюлди. Туюлаверди, туюлаверди: айти лаҳзаларда у туйқус, – аввал бўлмаган эди бунақа ҳолат, – ўз ҳаракатларининг маъносини йўқотади, ўз қобиғининг ичида ўзи қолиб кетади, бироқ юрагининг бир четида ланжлик аралаш бир ҳайрат йўқолмайди: “Бунча юраги кенг бўлмаса қозоқ амакининг, ҳатто мендан шубҳаланмади ҳам-а?! Қандай ажойиб одам! Бундай одамларга, ҳа, шундай бепарво одамларга жуда яхши нарсалар насиб қилади! Ахир, улар учун дунё жуда кенг...”

Бирдан ўжарлиги тутати. “Ҳамма одамлар ҳам ўйлайди-ку менга ўхшаб. Қозоқ амаки ҳам ўйлайди. Ахир, унинг ҳам бола-чақаси, оиласи бор. Пулини ўмарганимда зор қақшаб қоларди ўша болалари. Отамга ўхшаркан, шу одамнинг ўрнида отам бўлиб қолганда-я, пулини бир безори шилиб жўнаб қолса. Роса бахти куларди-да уни. Йўғ-э... Кетаётганингда тап этиб осмондан бир пачка пул тушса ёки бўлмасам, лотореяга нақ ў-ўн минг сўм ютиб олсанг. Бирданига ўзгариб, бойиб, орқаланиб кириб борсанг уйингга; отанг, онанг ўзларида йўқ қувонишади: “Бизнинг молтопар ўғлимиз, мана, оиланинг юкини бир ўзи эплайдиган бўлибди!”

“Оилада инқилоб бўладими шунда?”

– Бўлиши мумкин эмас. Ҳаммаси ҳавойи, – дея рад этади ўзини ўзи, овозини чиқариб.

Шундан кейин ҳам у бири кам дунёнинг жуда кўп кемтикларидан бўйлайди: бири эмас, жуда кўпи кам экан бу дунёнинг. Жураларидан кўпчилигининг оддийгина, оилавий осойишталикка, отага, онага, ёхуд меҳрга муштоқлари борлигини эслайди. Унинг учун эса бахт дегани жуда мураккаб эмас: Гёте айтганидай, “чўнтак тўла бўлса бас” экан, айна чокда “чўнтак тўла бўлса бас” дан кейинги истиқболни ўзича тасаввур қилишга куч топади; ўзининг устидан кулгандай бўлади.

Бундай ҳиссиётлар жуда кўп кечади унинг дилидан, аммо барибир шу чегаранинг атрофида айланиб юраверади; ўзи доим кўриб туради, ўзи изоҳлайди, ўзи ҳукм чиқаради, барибир худди шундай бўлиши шартдай эртаси кун ийғониб яна хонасига мудраб кўз югуртади, кўзи тўла очилгандан кейин: “Эҳ-ҳ, мана шу тумбочканинг ғаладони тў-ўла пул бўлса, йигирма бешталикларми ё элликталиклар”, деб хаёл қилади. Сўнг уларни нималарга ишлатишни ўйлайди, илжаяди. Ҳар доим шу оддий – ожизликдангина эмас, биз ҳеч қачон қутула олмайдиган муҳтожликдан пайдо бўладиган ҳис Рауфнинг вужудини қоплаб олаверади, у эса буни рад этишга ҳам уринади, ўз ақли, ўзининг бўлак ҳислари билан ўзини тўйинтиради, туйғулари мураккаблашиб-мураккаблашиб охири оддийга келади – вужудини бошқа, қандайдир оилада сира бахти чопмаганлардан, ишқилиб, кимлардандир устунман-ку барибир, кучлиман-ку, деган қониқиш ҳисси қоплайди.

Кимдир устма-уст хуштак чалади шу пайт. Рауф пайқамагач:

– Ў-ў, комсорг, – деб қичқиради.

Рауф ёнига келиб тўхтаган автобуснинг ойнасидан шаҳарлик курсдошининг башарасини кўриб хаёллари тумандай тарқалиб кетади; ўзига ўхшаб кетадиган ва шу билан бирга ўзига сира ўхшамайдиган ҳамкурсларининг ёнига шошади.

1985 йил

ҚИШ КУНЛАРИДАН БИРИ

Аввалига кун сал совиб, кейин яна илиқлашди. Қор ҳавоси уфурди. Ҳадемай биринчи қор ҳам тушди. Осмон кун бўйи элагини элаб, калиш кўмарлик қор ёғди. Ҳад-ҳисобсиз қоримиз Еримизнинг учсиз бурчакларигача кўмиб ташлади, шекилли. Қорли кунларда овоз ҳам алланечук эшитилади. Мактабга бораётган болалар уйимизнинг пастидаги сой кўчадан ўтишаётиб, укамни чақирдилар. Болаларнинг овозлари худди кўрпа тагидан эшитилаётгандай бўлди. Унчалик қалин ёлмаган қор Ернинг акс-садоларини ҳам ютиб юборгандек... Болалар мактабга бормадилар. Бу ташаббус укамдан чиқди. “Борганимиз билан ўқитмайди барибир. Болта маллим “зулмоно-таликлар кун совуқда келмаса ҳам майли деган”, деб уқтирди у.

– Ўтрик айтмагин яна.

– Улайин агар, шундай деган. Ишонмасанг агар Болтанинг ўзидан сўра.


Сўзини ўтказиш учун қасам ичади, яна гапига ишонмагани учун аччиқ қилиб, “Болта” дейди.

Болалар бу гапнинг ёлгонлигини билишса ҳам ўзларининг кўнглидагидай баҳона топилди. Энди улар уйларидаги хўжайинларига ҳам, муаллимларига ҳам гап топиб беришади. Укам ҳовлида этигини тарақлатиб бетонга ишқалай бошлади.

“Бир этикди бир ойга етказмайсан, ер босмагур”.

Онамнинг қичқиригидан сўнг ура қочиб қолади у. Онам урмайди, лекин жаҳл билан қарғайди. Укам шу

У-8995/1



нисидан кўрқади, эшитгиси келмайди. Отам урса ҳам ундан кўрқмайди.

Онам пича ёлғон аралаштирди. Укам агар бир ойда битта этик кийганида онамдан ҳар куни уриш эшитган бўларди. У бир этикни бир йил ҳатто ундан ҳам кўп кияди. Оёғидаги эса менинг эски этигим – мен анча одобли бўлганим учун этигимнинг биронта тиши ҳам катилмаган. Укам эса уни бетонга ишқалаб тишларини туширди. Аммо этиги жуда учқур бўлди. Жураларининг ҳавасини келтириб уйимизга анча олис дўнгликлардан эрталабдан кечгача яхмалак отди. Уртоқларининг этиклари сирпанавермагач, уларни паровоз бўлиб тиргакка олди. Кечқурун кийимларини ҳўл қилиб қайтди. Кечки аёз ҳўл шимларига ёпишгач, қорларни қотган хамирдай музлатибди. Шимининг ўтиргич жойи хийла катталиқда йиртилган.

– Нима бало, ўтириб тойдингми? Шуйтиб яна бир-икки марта тойсанг думғазангниям ишдан чиқарсанг керак сен бола, шимам, иштонам тутмайди сенга.

Онамнинг айтишича, агар укам шу зайлда кетса, ундан одам чиқмасмиш, акаларига тортмаётганмиш. Неча марталаб ўзим жиққа ҳўл бўлиб келиб, отамдан таёқ еганим, онамдан қарғиш эшитганим эсимга тушиб сездирмайгина кулиб қўяман. Лекин онамнинг гапларига қарши чиқолмайман.

Укам совқотиб ҳаракатта келмай қолган қўллари билан этигини ечолмайди. Атайлаб онам ҳам, мен ҳам ёрдам бермаймиз. Ўзи ҳам ёрдам сўрамайди, кенжа синглимни чақиради.

“Куниминан тойганингдан кейин ҳақинг-да”.

Алам қилиб синглимни сўкишга тушади. Шундаям индамайди. Кўриб туриб ёрдамлашмаганимиз баттар алам қилиб жаҳли чиқади. Эшикни қарсиллатиб тепади, этикни сўқади. “Бу этикни бошқа киймайман”, деб ўзига-ўзи сўз беради. Ана кичик боланинг катта жаҳли. Жаҳл ҳам иш бермагач, ожизликнинг энг баланд тоғидаги қорлар ёш бўлиб оқа бошлайди...

Онам ўнг оёғидаги, мен чап оёғидаги этигини ечиб қўямиз... Ҳа, укам онамдан кўп уриш эшигади, аммо ҳали бери эси кирмайди – болалигининг кети кўринмайди.

Бир марта отам менга ёшлигида қумда сирпанаве-риб мўкисини йиртиб қўйгани, жазосига ўша қиш бо-босининг янги мўки тикиб бермай қишни калиш би-лан ўтказганлигини айтиб берган эди.

Агар буни укамга айтиб берсам, уларни роса мот қилган бўларди, лекин айтмайман. Хуллас, қиш бай-рамини болалар бошлаб беришди. Эҳтимол, қордаги биринчи изни ҳам улар солишгандир?!

Бир кунлик қорнинг аёзи кечаларигина ўз кучини кўрсатади. Чошгоҳга келиб қуёш тикка бўлавергач, сойдаги музлар эриб сувлар катта шовқин билан оқа бошлайди. Кечқурун у яна жимиб қолади. Гўё куни билан қўшиқ айтавериб чарчагандек. Қуёш иситавер-са, қалин музлар нураб-нураб сувларга тушади. Шунда сой кўприклардан бўшаб қолади.

Одамларга эса барибир – қишлоқнинг энг ўрта-сига иккита узун теракдан мустаҳкам кўприк қуриб қўйишган. Кечалари бир-бирлариникида бемалол тўпланишиб, гурунглашиб ўтираверишади. Ярим тунгача қартабозлик қиладилар. Ўрол қийшиқ бугун яна ютқазади. Жўраларининг калакасидан чўчиб, эр-талаб улардан олдинроқ ишга кетади...

Ўн кундан бери касал ётган Розия момонинг қичқи-риши ҳаммани тетиклантиради. Кеча эчкиси келмай қолгани учун чакана чўпон Турдиқулни қаргаяпти.

Хотинлар ёқа ушлашади: “Кечагина ўлардай бўлиб тўшақда ётган эди. Ёмон одам ўлмайди!” Розия мо-мо тенгқури Бувихол момога кўнглини очади:

– Бу уйинг куйгур қайси йилиям бир эчкини гум-дон қилган-да, тешиб чиққур илоё.

– Ҳиййа, Розия опа. Кўзидан кўрқаман шунинг, са-риғилоннинг кўзидай йилтирайди, – ҳамдардлигини билдиради кампир.

Розия момо Турдикулнинг уйига қарганиб ўтади. Гапига ишонмай қайнаётган қозонини очиб кўради. Турди тухматдан қўрқади. Хайриятки, суяк йирик, демак – мол гўшти. “Армиядаги ўғлининг келишига сўяман деб сомонхонага қамаб қўйган бўлмасин тагин”. У ердан ҳам тополмагач, кампир жим бўлади, гум бўлади.

Шунда ҳам у қайтаётиб чўпоннинг бўйнига уч кунлик муҳлат кўяди. Бўлмаса, товон тўлатаман дейди.

“Топилиб қолар”, дейди Турдикул гуноҳқорона оҳангда. Оҳанг Розия момони гердайтиради.

Хотинлар ундан ҳол сўраб ўтишади. Ачинган бўладилар-у, Турдикулнинг қулоғини қичитадилар. Буви-хол момо ва уни қувватлаган кампир “тўлатиб олинг”, деб маслаҳат беришади.

Эчки учинчи куни эмас, тўртинчи куни кунчиқардан ўзи маъраб қайтди. Ферманинг молига қўшилган экан – чўпон ҳайдаб юборибди. Турди тухматдан қутулди. Аммо Розия момо бошини ҳам қилмади. Турдикулни чақириб келди. Айёрона, бироқ келиштириб кечирим сўради. Турдикул тилининг учидаги сўкишни яна ичига ютди. Эгилган бошни болта қирқмас. Узрдан сўнг тилини тишлади. “Шундай адашиш бўлиб қолар экан, Турдикул ука. Мен анови йилдагига ўхшатиб...” “Анови йилда” ҳам Турди бўш-баёвлиги туфайли бегуноҳ шарманда бўлганини эслайди. Индамайди. Бунинг ўрнига бош қашиб ёш боладай тураверади.

– Ётган жойинг кафан бўлсин ўзингга, бундай тухмат қилгунингча, – дўсти устидан ҳукм чиқаради Буви-хол момо. Гўё дугонасининг феълини бугун англагандек. – Шу бечорага айб тўнкаганига ўласанми. Бир-икки кун сабр қилганингда ўзи келаркан-ку. Ёмон одам ўлмайди шуйтиб!

Хотинларга туганмас ҳангома топилди. Ундан кейин неча тўй-азалар ўтиб бу воқеалар ҳам сийқаланиб кетди. Турдикул эса ўғли армиядан келган кунда ўз молини сўйди...

Ўзи учун ясалган кичиккина қўлбола стулда кун-шувоқнинг тафтига эриб ўтирган Қўлдош бобо кўзига довур тушган қошларини сал-пал кўтариб атрофга назар солади. Ўтирганда ўзи бўйи узун ҳассасини ерга уриб қўяди. Қизиқларнинг ҳаммасини билгиси келади. Қуюқ қошлари орасидан хийла ўткир боқувчи кўзлари тўқсондан ўтиб ҳам бу дунёни ҳали-бери тарк этмаслик нидосини англатади. Эркаклар кўпинча ундан: “Хотин зоти ўзи азалдан шундай яратилган, ақл кирадиган замон бўлмаса керак уларга”, деган хулосани эшитадилар ва чол умр бўйи хотинга ёлчимагани учун бу зот тўғрисида бирор марта яхши гап сўзламаганини эслайдилар. “Бу йил қиш яхши келди. Ҳар гал тўқсон яримлаб қор тушарди. Ер тўйди бу йил”, деб қўяди чол.

Кундузлари ҳаво илиқ бўлганидан кўп жойларнинг қори эриб, қирлар ола рангга кирди. Аввал кунбеткай томондан эриди. Қуёш қирлар елкасидаги қорларни сойгача “кураб” қўйди. Ер туни билан тин олиб, энди нафас чиқараётганга ўхшарди. Заминнинг намхуш буғидан тупроқнинг тўйимли ҳидини сезасан. Тандирда энди узилган ноннинг ҳиди бундан зиёда. Онанг ҳозиргина узиб келган қип-қизил нонни қўлингга олиб синдирсанг-да, бир неча жойидан бармоғинг билан тешиб сариеғ суркасанг. Сўнг қўлингни куйдираётган нонни иштаҳа билан есанг...

Шунда бирдан кўпроқ пишиб патирдай қотган жойига етиб қоласан. Дастлаб онангга ва онангдан бошқа яна номаълум кимсагами, нарсагами шукроналар айтгинг, қучгинг, ҳайқиргинг келади. Бундай ҳол қиш пайтлари ёз ва кузнинг хуштаъм неъматларини зўр иштаҳа билан истеъмол қилиб ўтирганингда кўп такрорланади.

Мағриб қизариб одамлар кўнгилларида сезиларли кўтаринкилик туйдилар. Товуқларнинг ахлат титаётган панжалари совқотиб қўноқлари томон йўл олишди. Моллар оғилхоналар олдига тўпланиб, хўжайинларидан иссиқ жой ва емиш кута бошладилар. Қилиғи

совуқ кал эчки түппа-түғри ғаллахонанинг эшигини боши билан турта бошлади. У қўриқчи итдан қўрқмайди. Чунки ит жуда ёш-да, баҳайбат эчкига ташланишга кучи етмайди. Аммо кучукбачча ҳам эчкидан қўрқмайди. Чунки унинг шохи йўқ. Ишқилиб, шу ит ҳалитдан эсли чиқиб, эгасига содиқ эканлигини намойиш қила бошлади. Укамнинг ундан яқинроқ ўртоғи ким эканлигини ўзи ҳам билмаса керак.

Моллар жойлангач, уй ичидагилар ҳаммаси жам бўлишди. Онам тезак ёқилавериб кулга тўлиб кетган печкани тозалайди. Қўйнинг гўнгидан бўлган қаттиқ чолма тикади. Отамнинг айтишича, бу Россиядаги торфлардан ҳам дурустроқ ёнармиш. Қозондаги макка гўжа биқирлайди. Қиш кунлари оқ овқат ейиш расм. Кўпинча, қурут қотилган овқат ичилади. Қуртоба ичиб олсанг совуқ кунда ҳам ичингда иссиқ сақлайди. Гўжа ҳаммамизнинг севган овқатимиз. Ҳозир онам гўжага қурут қотди, яъни қурути эзилган сув қўшди. Қалин тунукадан қайрилиб ясалган печканинг тешикчаларидан олов гуруллайди. Печ устидаги чойнак жизиллашга тушди. Бироз ўтгач, иккинчи чойнак ҳам жизиллай бошлади. Иккови қўшилиб чақалоқнинг йиғисига ўхшаш овоз чиқара бошлайди. Онам оловга тикилиб ўтириб хаёлга толади. Эшикдан отам кириб келади. Отам билан молхонанинг ёқимсиз хиди қўшилиб киради. Бироз ўтгач, тарқалиб кетади...

Қишлоғимиз шаҳарга жуда олис, шундай тоғлар орасида бўлишига қарамасдан, бу ердаги радиолар ҳам Америка, отамнинг сўзи билан айтганда унинг “Пошшоси”, сўнг ядровий уруш тўғрисида гапириб қолади. Шунда онам юрак ҳовучлаб, “шу қирилгурлар бир балони бошлаб юбормасаку-я”, деб қолади. Ўзи саводсиз бўлса ҳам армияда бўлиб “кўп нарсани тушунган” отам Япониядаги икки шаҳар воқеасини эслатиб, “шундан кейин бугун дунё Америкага қарши бўлиб қолди, у гинг дейишгаям қўрқади ҳозир”, дея онамни юпатган бўлади. Мен эса ўзимдан кичик укам хизмат

қилаётган шаҳарнинг чегарадан жуда олис, мамлакатнинг қоқ ўртасида эканлигини айтаман. Шундан сўнг онамнинг кўнгли сал таскин топгандай, “ишқилиб тинчлик бўлсин-да”, деб қўяди. Шундай маҳаллари яна шаҳарга кетиш ҳақида ўйлаш ёқимсиз, таътил кунларининг узунроқ бўлишини истаб қоламан.

Ҳа, бу ердагилар, мана шу тоғлар орасидаги тинчгина кишлоқчада ҳам одамлар уруш тўғрисида хаёл суриб қоладилар. Бировлар эса ҳеч қачон ҳеч қандай хавф-хатар бўлмайдигандек, ўз ишларидан ўзлари қаноатланиб юраверадиладар. Бундайлар бизнинг кишлоқда жуда кўп Ўзгалар билан тортишиб, ёқалашиб, хурсандчилик қилиб, яна бировларнинг кўнглини олиб юраверадиладар. Гўё шу кўҳна ва кенг дунёнинг, момо Ернинг нонхўр ва арзанда фарзандларидай юпаниб юраверадиладар. Уларга ҳавасинг келади. “Рост, ҳамма шулардай бўлиши керак”, дейсан. Йўлинг доим ялангдай очиқ бўлса-ю, оёқ кериб юраверсам дейсан. Ҳамма ўзим баробари, ҳеч ким дунёнинг хўжайини эмас, катталар – қондошларим, тенгқурларим – жонажон дўстларим, кичикларнинг барчаси – укаларим дегинг келади.

Биз кишлоқи одамларни эртага қандай ташвишлар, янгиликлар кутаяпти – бу номаълум. Лекин ҳар доим тилагимиз – яхши кун. Яхши кунлардан бири ўтди. Тун қўйнида аллакимлар бугунги кундан рози, яна бировлар норози гап отишяпти. Нариги бетдаги Розия момоникига меҳмонлар келишган. Меҳмонларнинг қошига гапдон кампирларнинг ҳаммаси йиғилишди. Менинг жуда билгим келади – улар нималарни сўзлашяпти экан.

Киш йилнинг бошига тушган оқ сочдай ҳамма ёқда уфуриб турибди. Янги йил яқин. Баҳорга эса ҳали жуда эрта. Кунлар – беташвишдай туюлган бу кунлар кўнгилга мойдек ёқади. Бир-биридан сокин ва бир-биридан тотли кунлар.

1985 йил

КУНСУЛУВНИНГ СИРЛИ ХАТЛАРИ

Ўша воқеани Жамшид унутгани йўқ...

Танига яра тошгач, онаси касалхонада олиб ётган. Ўшанда у чиройли бир қиз билан танишган, қизнинг исми Гулчеҳра эди. Онаси бу қиз отангининг жияни бўлади деган. Қизнинг юзлари оппоқ, ўзиям ойдеккина эди. Овози бирам ширин, ўзи бирам меҳрибон эдики, Жамшид билан тезда эл бўлиб кетишди. Отамнинг жияни бўлса, амма дейишим керак, деб ўйлади бола ва уни шундай деб чақирди. Шунда қиз: “Вой, Жамшидбек-ей, дарров бизни амма қилиб олдингизми?” дея опичлаб олди.

У аммасининг бўйнидаги шода-шода мунчоқларни ўйнашни яхши кўрар, ҳадеб шуларни тортқилайверарди. Гулчеҳра хониш қилса, Ҳалима Носированикига овози жуда ўхшаб кетарди. Шунда Жамшиднинг онаси: “Қурмағур-ей”, дея кулиб қўярди. Ўша қиз бир куни дабдурустан Жамшиднинг онасига: “Янга, мени катта ўғлингизга олиб бермайсизми?” деди. Сўнг унинг бошини силаб: “Мени янга қиласанми, а?” дея эркалади. Эсида, у оқ қўйлакли опоқилардан кўрқарди, шунданми, онасидан ажралгиси келмасди. Кейин ўша қизга ўрганиб қолди, назарида, у кўтариб юрса ўзини қушдек енгил сезарди. Бора-бора унга шу қадар боғланиб қолдики, кўрмаса туролмасди.

Соғайиб чиқишига беш кун қолганида аммасини опқочиб кетишди; қандайдир беярашиқ, товушлари ҳам ёқимсиз қизлар... “Ойдан ҳам гўзалсан, кундан ҳам... Гули”, деди улардан бири. Гулчеҳра сузилиб

жилмайди, кейин икки ўрим сочини орқасига ташлаб: “Ичинг куйяптими?” деди. Ёнидаги қизлардан бири уни чимчилади, бари бирваракайига қиқирлаб кулишди ва бир-бирини турткилашиб касалхона ҳовлисига чиқишди. Ва... Гулчеҳрани даст кўтариб опқоча бошлашди. Боёқишнинг дўпписи учиб тушди, у: “Қўйинглар”, дея ёлворди. Шунда Жамшид йиғлаб юборай деди...

Бу воқеани у унутгани йўқ. Бир кун келиб ўша қизни яна учратгандай бўлди. Бироқ бунинг номи бўлакча – Кунсулув. Тагин уни “амма” деб эмас, “янга” деб чақиради. Энг чатоғи – янгаси унинг исмини айтиб чақиролмайди. Нима эмиш – “Ҳуштакчи” эмиш. Янгаси шундай деб чақирса ўзини у улғайиб қолгандек ҳис қилади ва қўлларини мушт қилиб икки бармоғини оғзига тикади-да, булбулча бўлиб бир сайрайдики, асти қўяверинг! Янгасининг қойил қолгани кўзларидан билиниб туради. Кейин: “Яна битта чалиб беринг”, деб қистайди.

Улар бу ҳовлига эрта кўкламда кўчиб келишган, ер офтобда тобланиб, ундан пар кўтарилиб турган пайтлар эди. Ҳовли харобага айланиб қолган экан. Уй катта амакисидан қолган (улар икки йил бурун чўлга кўчиб кетишганди) ва қишлоқ болалари учун эрмак бўлган, деразалар синдирилган, ҳамма ёққа қушлар уя қуриб ташлаган эди.

Холназар амакиси молхонага довур тозалаб, сувади. Кейин...

Холназар амакиси – подачи. Қачон у молларни олдига солиб қир ошиб кетишини Жамшид билмайди, кўрмаган. Қачон у уйқусидан турса янгаси нон ёпаётган ёки кир юваётган бўлади. Шунда Жамшид пақирни олади-ю, сув таший бошлайди.

– Яхши боласиз-да, Ҳуштакчи, – дейди янгаси.

– Янга, мени Жамшид деяверинг! – дейди у эркаланиб.

– Уят бўлади-да, Ҳуштакчи.
– Мен ҳеч кимга айтмайман.
– Айтмасангиз ҳам уят. Ўзи, жиянимнинг исмиям сизникига ўхшаш-у...

– Жамшидми?

– Ҳа, Жам...

– Ва-а! Ана, отимни айтдингиз! Энди ойимга айтаман сизни...

Янгаси ростдан ҳам чўчийди. Таомил шунақа, қайнуканинг номини тутмаслик керак. У бўлса...

– Сизнинг эмас, акамнинг ўғлини айтдим-да, Ҳуштакчи.

У янгаси билан ҳазиллашишни ёқтиради.

– Жамшид дедингиз-ку, ахир. Ойимга шуни айтаманда.

Янгаси “шўрлик” тоза тавбасига таянғач, у: “Бўпти, айтмайман”, дейди ва ўзи пиқ-пиқ кулади. Барибир айтмайди-ю, янгаси бунча қўрқмаса?!

Гоҳо у чўнтагини пистага тўлдириб, янгасининг олдига боради ва гердайганча “чирс-чирс” чақади. Бу – мақтангани. Янгаси ҳам ялиниб ўтирадиганлардан эмас, пайт пойлаб бир узалади-ю, бор пистасини тортиб олади. Кейин иккаласи яйраб кулишади.

Амакиси ҳозир ям-яшил майсага бурканган анави қирлар ортида мол боқиб юрибди. Жамшид унинг олдига – яйловга борганида роса зериккан. “Кетаман”, деб қисталанг қилган, ўшанда амакисидан дакки эшитиб тинчиган. Сўнг бир кўза айронни кўтариб Холмурод жўраси иккови яна боришган. Шундагина амакисининг ёнида дарров зерикишини пайқаган. Амакиси унча-мунчага чурқ этмайди, камгап. Лекин янгаси... Тўғри, гоҳо у ҳам ҳеч ким билан гаплашмайди, кун мисдай қизиб кетганига қарамай рўмолини иягидан ўраганча пичан ўради, ғарамлайди, пода қайтар маҳали пешонасидаги реза-реза терларни сидиради-ю, шоша-пиша келиб қозон-товоққа уннайди. Меҳри ийса

Жамшидга альбомини бериб қўяди – томоша қилиш учун ёки унга битилган шеърларни овоз чиқариб ўқиб беради. Жамшид ҳарфларни танимайди, унга расм томоша қилиш бўлса... Янгасининг қизалоқлик чоғидаги, сўнг октябрятлик нишонини тақиб тушган суратлари қизиқ-да. У янгасининг ҳам ўзига ўхшаган бола бўлганлигини сира ақлига сиғдира олмайди.

Янгаси гоҳо бир нималарни дафтарга ёзади, Жамшид: “Бу – нима?” деб сўраса, “хат” дейди. Ҳеч охири кўринмайдиган бу “хат”га Жамшид жуда қизиқади, ғалати-да, у конвертга солиб жўнатилмайди, бари дафтарда қолиб кетади. Янгаси навбатдаги хатни битиб бўлгач:

– Ҳуштакчи бола, – дейди, – битта қўшиқ айтинг!

Жамшид йўқ деган маънода танглайини такилла-тади.

– Сиз фақат ҳуштак чалишни биласиз.

– Ҳм.

– Ҳеч бўлмаса, бир ҳуштак чалиб беринг.

У кўксини ҳавога тўлдириб шундай бир куйни чалдики, ҳатто янгаси ҳам сел бўлиб кетди.

Қуёш чарақлаб турган бўлса-да, тоғларга тиралиб турган булутлар чақмоқ чақди – момақалдироқ гумбурлади. Бир ёнда ёмғир, момақалдироқ, бир ёнда чароғон қуёш ва осмоннинг тиниқ бир парчаси... Бу ҳол кўпга чўзилмади. Қора булут ҳамма ёқни тўсиб қўйди. Жала қўйди, ўзиям бирор соат роса забтига олди. Кунсулув эридан хавотирланиб бир эшикка чиқди, бир ичкарига кирди, плаш илиб қўйилган қозикқа минг бора қаради-ёв. Агар подани ташлаб келса моллар тарқаб кетади. Келолмайди. Ўзи олиб борсамикан? Аёл боши билан-а. Ҳарҳолда, эрига ҳам ёқмас. Ким билсин – у яйловнинг қаерида. Шу хаёллар билан у тумбочка устидаги радио-приёмникни олди-да, мурватини буради. Шовқиндан бўлак садо эшитилмади. Ғаши келиб, радионинг унини

ўчирди-да, яна эшикка чиқди Осмон ўйилиб, бир дарё сув қуйилаётгандай эди. Зикланди. Ўзи шундай: осмон-да булут кезинса, юраги қисилади. Худди бир кулфат ёпирилиб келаётгандай. У ёмғир тинишини узоқ кутди. Дераза олдида турганча момақалдироқ садоларини бетоқат эшитди. Ниҳоят, ёмғир шовури тинди ва тўда-тўда булутлар бир-бирини итариб жануб сари силжий бошлади. Улар нимталанганида ора-сира оқ ёғдулар тараларди. Қуёш кўриниш берди. Заминнинг икки қутбини туташтириб камалак ёйи намоён бўлди. Кунсулув анчадан бери бундай манзарани кўрмаган эди. Назарида, камалакнинг бир учи эри мол боқиб юрган яйловга тушгандек. Камалакни у жонли нарса каби тасаввур қилар, қизалоқлик кезлари унинг бир учига тирмашиб осмонга чиқиш мумкиндай туюларди. Эҳтимол, ҳозир Ҳуштакчи ҳам шундай ўйлар.

У оғилхонага туташ бостирмага борди. Дагаллашиб қолган қўлқопни кийди-да, таппи қилишга уннади. Кейин молхонани обдан тозалади. Олдига қўйилган сомонга эрталабдан буён тумшуғини теккизмаган бузоқнинг арқонини ечиб, қўйиб юборди. Яйрагиси келиб турган, шекилли, бузоқ туёқларидан лой сачратганча шаталоқ отиб кетди. Кунсулув унга пича меҳр билан қараб турди-да, келиб ўчоқдаги қозоннинг қопқоғини олди ва унга икки челақ сув қуйди. Ўчоққа ўтин қалаб гугурт чақди. Нам тортиб қолган ўтин тутаб ёна бошлади. У ичкаридан кирларни олиб чиқди-да, айвоннинг бир бурчагига қўйди, ўзи қудуқдан яна икки челақ сув тортди. Ҳуштакчи боладан ҳалиям дарак йўқлиги кўнглини алағда қилди...

Жамшид мактабдан келгач, янгаси уни эркалади. Шунда бола ўша – сирли мактублар ҳақида сўради. Кунсулув унга ғалати қараб турди-да, кейин дафтари-ни узатди. У ҳижжалаб ўқигани учун ҳам ҳеч вақони тушунмади. Ахийри, мактубларни янгасининг ўзи ўқиб берди. Негадир...

Дафтарнинг муқоваси қалин ва қаттиқ, ҳар бир саҳифадаги ёзувдан сўнг ҳашамдор ҳарфлар битилган. Бир хил жойларига ҳатто расмлар ҳам қўйилган эди.

“Қошлари қоп-қора экан... Наҳот, умр бўйи излаганим шу бўлса...”

Бола ҳайрон бўлди. Янгаси илгари ҳеч бунақа қилмаган. Жуда ёрилгиси келса, шеър ўқиган ёки суратларини кўрсатган, дугоналари билан сиртдан таништирган. Бугун негадир...

“Минг қатла шукр, Холназарим, меникисан, мен ҳам сеникиман! Ўлсак ўлигимиз ортиқ улардан...”

Бола пиқиллаб кулиб юборди. Янгаси бирдан жиддий тортди ва унга чимирилиб қаради, барибир, у кулгисини тия олмади.

– Нима, дебман? Сизни алдадим, Ҳуштакчи бола. Яна айтиб юрманг бировга.

Тошиб келаётган кулгининг зўрлигидан у қизариб кетди. Ғалати-я, бу – янгаси, унақа дейиши уят-ку, ахир!

– Амакимга, янгам сизни севаймиш, дейман, ва-ҳа-ҳа!..

– Сизнинг ойингиз ҳам отангизни севади. Ҳар нарсани гапираверманг-да.

Бола ниҳоят ўзини қўлга олди, бироз жим ўтиргач, янгасининг хижолатли боқиб турган кўзларига қараб:

– Амаким сизни қўймоқчимиз? – деб сўради.

– Вой, ким айтди сизга бундай деб?

– Катта отам келиб шундай деди. Отам ҳам, ойим ҳам эшитди. Кейин у яйловга – амакимнинг олдига кетди.

– Бекор гап, деди янгаси. – Бекор!..

Бола унинг ҳолатидан ўнғайсизланиб қолди. Хафа қилиб қўйганига изза бўлди.

– Янга, сиз бор-ку, сиз... Ҳасан-Ҳусанни кучоқланг.

– Қайси Ҳасан-Ҳусанни?

– Осмондаги-да.

– Камалакними? Нега ундай дейсиз?

– Шунда эгиз туғасиз. Шарофат холаям бир марта уни кучоқлаб эгиз туққан. Сиз ҳам бир кўринг-да.

Бир маҳал бола ўзини янгасининг кучоғида кўрди.

– Айланиб кетай сиздан. Шунга етган ақлингиздан ўргилай!

– Қўйинг, нима, мен чақалоқмидим? – деди бола ўзини катта олиб.

– Беўйсиз-да, Ҳуштакчи бола. Қанийди ҳаммаям сиздай поккўнгил бўлса...

У янгасининг ширин гапидан ийиб, ўзича ғурурланди. Гўё қимматли нарсасини совға қилгандай аввалгидан ҳам яхши кўра бошлади. Бу жуда ғалати туйғу эди.

Янгасининг ўзигина эмас, дафтар ва альбоми, улардаги ёзувларгача сирли ва азиз туюлар эди. Уларни жонидан ортиқ кўрарди. Шоди қассобнинг тўйида янгасини у бир барзанги йигитдан ҳатто ҳимоя қилди. Нотаниш бу йигит маст эди, ҳадеб Кунсулувга тегишаверди. Ўйинга тортди. Кунсулув уни жеркиб ташлаб, ўзини хотин-қизларнинг орасига урди. Бироқ йигит яна тирғалди, гўё Кунсулувнинг уялаётганини сезмагандай.

– Чеча, энди одамни уялтирманг-да, – деди у ялинганнамо.

– Ўйинни билмайман! – деди Кунсулув.

– Чеча!

Шунда Жамшиднинг жаҳли чиқди, янгасини қизғаниб бориб унинг пинжига суқулди-да, ўйнамайсиз, деди.

– Анавини қаранг, Ҳуштакчи бола, – деди янгаси. – ўзингиз бир уришмасангиз!..

– Янгам ўйнамайди! – деди Жамшид унинг ёнини олиб, кейин йигитга муштини дўлайтирди.

– Э-э, бунинг ҳимоячиси бор экан-ку! – дея кулди йигит. – Билмапмиз. Кўркдик, кўркдик! Лекин янга деган бизга ўхшаган қайниларини сийлаши ҳам мумкин...

Жамшид нима деярини билмади. Тушунмади. Йигит бу гапни “Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит” қабилда айтган эди. Янгасининг аччиғи чиқиб: “Ҳа, тилинга куйдирги чиқсин!” деди. Йигит қарғишни эшитмаган каби бурилиб кетди. Фақат тўйдан қайтишаётганларида ўша йигит яна уларнинг йўлини тўсди.

– Кунсулув, мени ер билан битта қилмоқчи бўлинг-а? – деди у. – Биз ҳам қараб турадиганлардан эмас. Кўрдинг: сендан сулувроқлар билан ўйнадим!

Янгаси индамади.

– Гапир, ҳой, – деди йигит – нима, мум тишлаганмисан? Шунчасига чидадим...

– Қоч йўлимдан! – деди янгаси.

– Ҳалиям бўлса уйланаман! Бошимда кўтариб юрман, Кунсулув!

– Қоч!

– Ўша подачи тилло қаср қуриб бердими сенга?

– Яхшилиқча кет.

– Таппи ҳидига тўйи-иб юрибсан...

– Ишинг бўлмасин, йўлингдан қолма!

– Бахтиқаро! Қарғаганман, сенга қарғиш теккан!

– Йўқол деяпман!

– Ҳалиям кетаман, пишириб ейдиган одатим йўқ.

– Лекин сени ўша подачига тенг бўлганинг алам қилади менга.

– Сен унинг тирноғига ҳам арзимаёсан!

– Н-нима?!

– Даф бўл!

Йигит титраб кетди. Янгасини ургудай важоҳатда. Жамшид уни чапаничасига сўка бошлади, урай деса, кучи етмайди, алаmidан йиғлади. Йигит бунга эътибор ҳам бермади.

– Хўп, хўп. Бир оғиз сўзинг. Лекин шуни билиб қўй: ҳали бу подачи ҳам сени қон қақшатади. Туғмасак деб

итдай ҳайдайди. Шунда... Шунда бош уриб ўзинг бора-сан, лекин...

Янгаси йиғлади, қон бўлиб йиғлади, анча йў юришгач:

– Янга, ким ўзи у? – деб сўради Жамшид.

– Темир чилтангнинг ўғли.

– Сизни ёмон кўрадимиз?

– Йўқ. Яхши кўради.

Бола тушунмади.

– Сиз-чи?

– Ундан ўч олишим керак, – деди янгаси ҳиқиллаб.

– Каттарсам, ўзим боплайман уни, янга! – деди Жамшид юраги тўлиб.

Эмишки, отаси бориб Холназарга: “Бахтинг боғла-ниб юраверасанми, бошқа сочи узун йўқми?” деган-миш. Холназар эса унсизгина йиғлаган эмиш, йиғлай-вериб ўзини, бутун оламни унутиб қўйган эмиш.

Ўша куни яйловдан ҳам кеч қайтган эмиш... Жамшид буни кечқурун ойисининг оғзидан эшитди. “Умрлари хазон бўлаётир, – дея қўшимча қилди ойи-си ҳам. – Акамнинг куйиб-пишганича бор-да, ахир Бўлак турмуш қуришса ўнгланиб кетишармиди. Кунсулув ҳам чўп бўлиб юрмасди...”

“Тирноққа зор одам меҳрга ҳам зор бўлиши керак экан-да, Холназар!...”

“Кимни айблай, Кунсулув?”

“Оққўнгилсиз. Яна айрилиқ вақти етганида қўнгли бўшлиқ қияпсиз. Отангиз ҳам кетди. Уришиб ажраш-сак, бундай оғир бўлмасди”.

“Кунсулув, мен айбдорман-ку...”

“Ундай деманг! Доим шундай дейсиз... Ишга ке-чикманг яна. Ёмғир ёғармиш, радио айтди... Мен сизга кўринмай кетаман”.

“Кетар чоғингда бунча меҳрибон бўлма, Кунсулув”

“...Сиз кетаверинг, ана қуёш чиқяпти. Мен акам-нинг ўғлини кутаман. Кейин... Ҳа, айтганча, қалинрок

кийининг. Ёмғирда ивиб, вой, буйрагим, деб қолманг яна. Буйрагим деб...”

“Хайр, менинг борлигим, Холназарим! Хайр, Ҳуштакчи бола! Ҳали сиз мактабдан қайтиб келасиз, мана шу хатни ўқийсиз. Ҳа-я, энди исмингизни айтсам ҳам бўлаверади. Хайр, Жамшиджон!.. Менинг борим – Холназар эди, севган ёрим Холназар эди. Усиз кўрган куним – кунми?”

Сиз менга Ҳасан-Ҳусанни қучинг деган эдингиз. Ҳасан-Ҳусанни қаердан топай, Жамшиджон?!”

Кунсулув ёмғирни писанд қилмай қир ошиб борар эди. Рўмолининг тагидан чиқиб турган сочларига шабнам қўнгандай. Ёмғир ҳўл ёноқларидан сирғалиб иягига тушади. Оёқлари лойда тойиб-тойиб кетади. Бир пайт булутлар ортидан алангаланиб қуёш чиқди. Ёмғир ёғяпти, ҳам қуёш! У туйқусдан қаршисидаги камалакни кўриб тўхтаб қолди. Худди олдида тўсиқ пайдо бўлгандай. Баландлиги қуёшгача чўзилиб кетган. Бир учи яйловга тушган, иккинчиси орқада қолган, эҳтимол, Жамшид ўқиётган мактабнинг оппоқ биносига туташгандир. Бепоен дашт ўз кўркини намоиш этар, Кунсулув бу ўнгими ё тушими, билмас эди. Бироқ камалакнинг нариги учига Жамшиднинг борлигига ишонар, бу учига қараса... гўё энди кўз очган чақалоқ ингалаётгандай туюларди. Йўқ, улар битта эмас, иккита эди – Ҳасан-Ҳусан эди...

– Плашни опкелдингми, Сулув? Қара, сени кўриб, ҳавоям очилиб кетди – менинг қўнғимдай...

Кунсулувнинг ёш тўла кўзлари чақнар, назарида Холназар Холназар эмас, гўё бир рангга айланиб камалак бағрига сингиб бораётгандай эди...

1986 йил

ҚОРА ЧОЛ

*Тинибек бобом қиссагўйлик қилатуриб айтган:
“Ай болам-ай, сўйламакни эмас, суймакни эпла-
ганлар суйсин-да ахир”*

– Сўнгминан анакей... медаль дейсанми?.. Орден?..
Э, шошма, бердисини айтаман. Аввал худойини эшит.
Хатлаб олмасанг, эсингда турмас-ов. Сени миянгга
шунча гап сиғмайди, болам. Хўш, охирида нима деб
эдим? Қочганини айтдимми? Чориқулни де? Юнус-
ними? Майли, шуйтиб, сўнгминан анакейин уста
Ширин тўрт бармогини болталаб ташлаган. Ҳм-м...
Нимага дейсанми? Ай, болам-ай, жон ширин-да, жон
ширин. Кейин пойтеша қирқиб кетди деб важ қилган.
Чўлтоқни ким олади урушга, автоматни ушлаёлмаса,
ушлаганда отолмаса, э-э, нима дейсан, тепкини бориб
Қоратанг босадими? Сўнгминан анакей, бизлар бун-
дай шумликлар борлигини билмаган эканмиз. Шуни
қилмасак ҳам бориб манави қўлнинг суягини пашист-
га топшириб келавердик. Э-э, сен мунинг ҳаммаси-
ни ёзма-да, уста Шириндан балога қоламан, болам.
Мунда-ай, расамадини келтириб, қоидасиминан ёз.
Газетага чиқадиған қил. Тағин “Қора ота”, деб юрма,
“Ғоппор исмли бобой”, де. “Ғоппор ота” ёки “Ғоппор
бова” десангам бўлади. Памилияси – Мусулмонов.
Қизил тонг шўросидаги Қўрғонтепа деган қишлоқда
истиқомат қилади, ўзи ветеран, деб қўй. Сўнгминан
анакей...

Хуллас, Қора отасини у газетага ёзмоқчи эди. Бўл-
мади. Редакциядагилар мақолани қайтаришди. Са-
баби, Қора отаси ҳозир жамоат учун фойдали иш
қилмаётган экан. Чолнинг ўзи эса газетада чиқишни
жуда-жуда истарди. Ҳукуматга шунча хизмат қилиб,

урушда қўлимнинг илигидан айрилиб, бир марта газетада чиқмай шундай ўтиб кетавераманми энди, дер эди. Буни албатта, бошқа бировга эмас, район газетасида номи чиқиб турган, ким-кимларни, уста Ширинларними-ей – мақтаб ёзаётган неварасига хиёл ўксиниб айтарди. Невара эса шунда ноқулай аҳволда қоларди. Рости, бобосининг ёзишга арзигулик яна нимаси борлигини яхши англай олмасди. Уни ўзи билганича ёзди. Лекин қайтаришди-ку, “фойдали иш билан шуғулланмайди”, дейишди. Бошқаларни қанча ошириб ёзса, чиқаришади, жўралари ҳам “мухбир” деб уни ҳурмат қилишади, ҳайиқишади. Бироқ бобоси... Ўзи ҳам тўқимай, ҳаммасини ёзган эди-да. Феъл-атвори, қўрқоқлиги, мақтанчоқлигию лопиллаши – барини рўйирост ёзган эди. Нега шундай қилганини ўзи ҳам билмасди. Муҳаррир, вазмин оҳангда гапирадиган салобатли киши уни масалага юзаки қарашда айблади, ижтимоий наф келтираётган одам ҳақида ёзинг-да деди, қаҳрамонингиз фойдали иш билан шуғулланмайди, фронтдаги мардликлари, қанча душманни қирганлиги ҳақида, ҳеч бўлмаса ҳозирги фаровон турмушдан мамнулиги ҳақида ёзиш мумкин эди-ку, деди. Район марказидан қайтиб келгач, Қора отасидан уриш эшитгани ортиқча бўлди.

– Ҳукуматга зиён етказган жойим бор эканми? Мунча немисни плен қилган, ҳисобини ўзиям билмайди, энг чатоқларини қириб ташлаган демайсанми, э-э...

– Барибир, фойдали иш қилмаяпсиз-ку?

– Гап билмайсан-да, бўшлиқ қияпсан, тирамода заготовкага уч синтир майиз, жийдаминан туршак топширган мен билан сенми? Шунини айтмагансан. Э, каллаварам-э.

Невара қовоқ-тумшуғи осилиб анчагина жим қолди, охири:

– Сиз газитга сигмайсиз, Қорота, – деди.

Қора отасининг дўлворлигидан бир-икки кун ала-ми келиб юрди, кейин 5-“А”нинг ўқувчилари, гарчи икки ёш кичик бўлишса-да, 7-“Б”ни футболдан 4:1 га ютишгани, бир муаллими ўттиз йилдан бери ёш авлодга ҳормай-толмай таълим бериб келаётганлиги, ўзларининг бўлимида баҳорги буғдой экиш ишлари қизғин бошлаб юборилгани ҳақида газетага ёзиб юборди. Қора отасини мактаб чиқиш эса гарданида қарз бўлиб қолди. Эҳтимол, бу армони ҳеч қачон ушалмас. “Жамоатга катта унум келтираётир, фойдали одам”, деб ёзса-ку, чиқаришади-я, лекин...

Неваралари уни Қора ота деб чақиришарди. Гап орасида эса Қорота бўлиб эшитиларди. “Қоротамнинг қўли мана бунақа”, шундай деб улар енгларини юқори тириб, қўлларини орқага букиб кўрсатишар эди. Лекин барибир тақлид қилишолмас эдилар Бобосининг тирсагидан юқорисида суяк деган нарсa йўқ, қўлини, афтидан, терию мускул ушлаб турарди. Кўнгли хуш пайтлари у невараларига тегишар, яктагининг енгини тириб, жуда хунук бурушиб битган яралар ўрнини букканида суяк-пуюклари терисини тешиб чиққудек бўладиган қўлини тумшуғининг тагига келтириб: “Нима бу?” дер эди. Баъзан, индамай туриб билагини бир-икки марта айлантириб ташларди. Шунда неваралари кўрқиб, додлаб йиғлашар, қочишар, Қора ота эса атай энг кўрқоғини ўша қўлига олиб эркалай бошларди. Шунақа. Сўрашганингда ҳам баъзан ўша қўлини бериб, қўлингни қаттиқ сиқиб қўярди. Ғалати эди унинг Қора отаси.

Аллақачонлар оламдан ўтган янгалари бир пайтлар унга “Қора”, “Қоражон”, “Қорабой”, деб от қўйишган эмиш. Болалик қилиб ўзи ҳам шунга рози бўлган. Шушу у “Қорабой”, кейинчалик “Қора ота” бўлиб кетган. Биз айтган невара ҳам шуларнинг йўриғига юриб, бобосини Қора ота деган. “Янгаларининг шундай қилгани кейинчалик бобомга алам қилгандир, уларни роса

сўқкандир”, деб ўйлайди. Билади, бобосининг феъли шунақа, баъзан чарслиги тутиб қолади. Жаҳли ёмон. Урушда, айтишича, то қўлига осколка теккунича немис деганни шундай қирганки, шундай қирганки, эшита-туриб, ўзиям ер юзида немиснинг уруғиниям қолдирмаган, шекилли бу чол, деб ўйлаб қоласиз.

Қийратаверган, қийратаверган. Аввалига тўп-тўпи билан қайтарган, немис сийраклашиб қолгач, бешотарини кўтариб чиққан-да, биттама-битта уриб ағдараверган.

– Сўнгминан анакей, шу отаман, шу отаман, қурғур автомат елкага тепавериб...

Невара ҳайрон бўлади: “Боя бешотар деяётган эди-ку?”

– Бешотар денг?

Бобо кўз учида шоша-пиша унга қараб олади. Сўнг томоқ қириб гапида давом этади:

– Сўнгминан анакей, пича дам олсамми дейман. Аксига олиб айнаи шу пайт пастқамдан анча немис чиқиб қолади. Командирини кўзи жалтанглайди, пича индамай тураман, кейин, “мана сенга”, дейман-да, шартта отиб ташлайман.

– Ҳаммасиними?

– Ҳаммасини. Сен газитга шундай деб ёз: бобом ўша пайтда шошиб ҳисобдан адашиб кетган, де. Эҳ, сержант Юра бўлганида борми, ай, келбатли ўрис эди-да ўзиям, ўша ҳисобдан адашмасди. Ўлиб кетди бечора. “Тий единий гирой”, дегич эди.

Бу гаплар нечоғлик тўғри – невара фарқига бормасди, бобо шундай сўзлардики, уруш боягина бўлгандек, чиндан ҳам ўзи жамики немисни қириб, жангтоҳдан чиқиб кетгандек туюларди. Бунга ишонмай кўр-чи. Ўмизига осколка теккан бўлса...

Эҳтимол, бобоси ростдан ҳам газетада чиқишни жудаям истар. Шунинг учундир, у неварасига тушунарли қилиб манзара чизарди:

– Немис Эшбойнинг чорбоғидай жойда келаверади. Бизнинг взвод, айтайлик, мана шу супада турибди. Анови ўрик-пўрик, олма-полма, гилос қаёқда дейсан! Ҳамма ёқ тап-тақир. Немис бўлса келаверади. Қўлида – автомат. Писаман дейсан, писадиган жой йўқ. Файзи эмаклаб қолади. Юнус бўлса, “Мен кетдим, немисдан пойда, ҳаёти зўр советникидан”, деб ура қочади. “Қайт-қайт, ўл-э, сотқин!” дейман. Сўнгиминан анакей Жумаканинг ори келади, “кетавер-кетавер”, дейди, ўзи эса Юнусни чўклаб туради. “Ҳай, жўра, ҳай, отилиб кетса нима қиласан, жўражон!” дейди Юнус – ялтоқланади, қандай югуриб келганини ўзиям билмай қолади. Сўнгиминан анакей, бир қиёмат бўлди, бир қиёмат бўлди, ҳеч сўрама. Пайзи кўзидан, мен қўлдан ажрадим. Юнусга балоям урмади...

Қора отанинг ёлғиз ўғли бор. У ҳам омонатга берилгандай, уриниб-суриниб, дам трактордан йиқилиб, дам қирдан юмалаб юради. Шу ҳолига ичишнйям қўймайди тагин. Қора ота садақаю иссиқ-совуқ қилавериб, койийвериб унинг жиндай танобини тортди, холос. Ўғлидан гап очилса, у тутаб кетади. “Ҳеч иши юришмади, юришмади-да, – дейди, – пухта-пишиқ эмас, ваҳ-ҳей”, – деб қўяди ҳар замон. Дейлик, бугун ҳам ўғил яп-янги тракторни тариллатиб ўнқир-чўнқир тоғ йўлига чиқди-да, сой йўлига бурилди, унинг бўлим марказига жўнаётганини кўриб, Қора ота ўзини қўярга жой тополмай қолди. Бир марта ҳув анави қиядан у трактор-практори билан қўшилиб юмалаб кетган. Ўшанда посёлкага пиво келиб, у роса бўккан, яна кабинада ён-верини тўлдириб пиво олиб келаётган эди. Иссиқ элтиб... Трактор бехосдан қияликка тўнкарилганда кабина эшиги очилиб кетган, энди мудрай бошлаган йигит қумлоқ энишда тушиб қолган. Худонинг асрагани шу бўлса керак-да. Дума-лай-думалай, келиб сойга тушгунча титилиб кетган тракторни кўриб Қора отанинг юраги ёрилаёзган,

ўғлининг тўрт мучаси соғ бўлса ҳам бўкириб йиглаб юборган. Кечга томон иича ўзини босиб, худойи қилиб юборсамми, деб турганида кампири ҳовлига войвойлаб кириб келди. Боёқиш Карвондаги қизиникига меҳмонга кетувди, қайтаётиб қирда тушовсиз ҳанги эшакка рўпара келиб қолибди, бечоранинг эшаги бир ҳунар кўрсатган экан, устидан учиб кетибди, суяги тошга урилиб чатнабдимий-ей.

– От ёлини тушармиш, эшак туёғини, кўзингга қарасанг ўласанми? – Чолнинг кулдиргичлари тиришиб ажинга айланди бирдан. Кейин “Қайдасан Митан?” деб касалхонага қараб кетишди. Эртаси кундан бошлаб уй ҳувиллаб қолди. Ўғли тонг саҳарда титилиб кетган тракторининг эҳтиёт қисмларини тўплаш учун қирга чиқиб кетади, кампир – Митанда. Қора ота нима қиларини билмай невараларини уйига йиғиб, урушда бошидан кечирганларини бирга ўнни қўшиб айтар, шулар билан овунар эди. Шундай кунларнинг бирида невараси: “Ҳеч газитга чиққанмисиз, Қора ота?” деб сўраб қолди. Қора ота аввалига: “Ҳа, бўлмасам-чи”, деди, кейин...

Энди бу – Қора отанинг нимасини ёзиш мумкин? Жамиятга фойдали иш қилмаса. Қишин-ёзин товукларга ўралашиб юргани-юрган. Бир пайт қарасанг, сомонхонага кириб, бедаю сомонни аралаштириб, ғалвир тоғорада емиш кўтариб чиқади. Куймаланади. Молларгаям гапираверади. Масалан, кўпинча говмушига шундай дейди: “Ўлмасанг бўлдик-да, қурмағур, мунча тиланасан, ма, бугунча сенга шу”. Моллар емишни еб тугатгунча оғилхонада куймаланиб юради, товуклар ўралашса, “кишт-кишт” лаб, гоҳида одамни сўккандай сўкиб қувади, охурдаги емишни сачратиб туширмасин дейди. Невара уни кузатади, лекин кимга нафи тегаётганига ақли етмайди. Рост, кеча унга бобоси “Участник ВОВ” деган ёзуви бор “орден”ини ҳам берди, невара уни кўкрагига тақиб олди. “Бир ёзмасам

бўлмайди энди”, деб турганида бобоси оғзига тупурди. Шу қилиғи ҳеч ёқмади унга. Қора ота бир дақиқа бўлсин, носсиз туrolмасди. Тағин “мухбир” неварасини қаттиқ суярди денг. Уни тутиб олиб пийпалаётганида неварасининг оғзига тупук сачраб кетди. Бола афтини буриштириб қочди, шунда бобоси: “Искашгайм кўнмайсанми? Унда соқол қиламан”, дея қува кетди.

– Ўл-а, мўйсафид бўлмай. Ёш боланинг қилиғини қилади. Бировлар қариса Хизрдай бўлиб юргич эди, бу шилдир бўлса... – бувиси бўлганда, албатта, шундай дерди. Илгари бу гапни кўп айтган. Кампири минғирлаб гапиргани учун бўлса керак, чол эшитсаям эшитмаганга олиб кетаверади.

– Энди кеп-кеп, сендан кўрқайинми, – деб қўяди баъзан. – Гапир-а. Шунча немисдан кўрқмаган кеп-кеп қушночдан кўрқсинми? Қушноч бўлсанг ўзингта. Ундайига олсак, биз – мулло. Эски мактабни кўрганмиз.

– Қора отангнинг меҳри иссиқ, – дейди онаси. Бола анчага довур Қора отаси ҳақида ўйлаб ётади. Қизиқ-да. Қора отаси баъзан уни шунақа қувадики, оғзидан нослари тўкилиб кетади, оёғидан кавушлари отилиб кетади. Шунда-да, маҳсичанг лой демай, қор демай уриб келаверади, ишқилиб, етмай қўймайди. Бир гал бобоси қувганида югуриб бориб ўзини ўнглаёлмай, Абди аканинг лойхандагига учиб кетган. Лойхандақда у войвойлаб ётибди-ю, бобоси келиб устига таппа ўзини ташлаган-да, “искаган”, яъни тиканақдай соқолу мўйловини унинг юзига ишқаган. Яхшиям ўшанда қиш эди, ҳамма ёқ қор эди. Йўқса, лойхандақга тушиб ё майиб бўларди у ё ўларди...

Ўшанда бобоси уни кўтариб уйига олиб кетган. Бобосининг уйи зўр-да. Кузда шифтга илиб қўйилган узумлару шўр олмалар дейсизми, беҳилар дейсизми... Уйга киришингиз билан беҳилар ҳиди гуппа димоғингизга урилади. Шулардан олиб бериб унинг кўнглини кўтаради.

– Сизлардаям борми беҳи?

– Бор!

– Йўқ сизларда. Отангнинг беҳиси бормиди ўзи? Ўтирикчи-ей. Чойларинг-чи?

– Бор.

– Отанг “йўқ” девди-ку, бизлар лалмимиз – чоям, сувам ичмаймиз, деб эди-ку. Ҳа-а-а. Сенам ўтирикчи, отангам. Нонларинг-чи, нонларинг борми?

– ...

– Бундай ширин бўлмаса керак, а?.. Ширин? Қўйсанг-чи. Нон ейишда бисмилло дейишни биласанми?

– ...

– Майизларинг-чи?

– ...

– Мана, иккита беҳи, битта олма, бир ҳовуч жийда единг. Ҳўш, қанча бўлади бу?.. Билмайсан? Унда библиб қўй, уч сўму саксон тийин. Бу ёғи олти пиёла чой, иккита нон, ҳаммасини қўшиб ҳисобласак, беш сўму қирқ олти тийин. Қани, тўлаб қўй-чи.

– Мен кетаман, Қора ота. Уйга.

Қора ота этагидан ушлаб тураверади.

– Қаёққа кетасан? Аввал пулини тўла, кейин ўзинг биласан. Шунча қарз бўйнида қолиб кетаверайкан-да одам. Пулинг бўлса, тўла-да, қутул. Бўлмаса, ўтир. Отанг келиб ҳисоб-китоб қилади. Кейин ўзи сени опкетади. Гапни қўп қилма. Ҳа, танамдан-а, танамдан.

– Ўпманг, вуй.

Сўнг соқолини суйкаб қитиқлашга ўтади бобоси. Қулдиравериб, ичакларини қотириб юборади.

– Ичагини узасиз-ку боланинг! Ўв-в, бўлди-да энди, ўлсин агар сал-пал ярашса шу қилиқ.

– Энанг нима дейди? Лўлдилингни чиқариб битта нос бер. Бир сўк энангни...

У йиғлайди: “Эшикни очинг, эна”, дейди.

– Энангга нос бермоқчи эдинг-ку. Вий, об-бў, шайтон, не қилдинг?.. Ҳа, майли, боланики ҳалол, кичкин-

тойлигингдаям бир марта Ўнар акам эркалайман деб энди қўлига олганида устига чоғтиргансан. Ҳе, сени...

Бу – хотира, болалигидан қолган гаплар. Энди шу бобосининг газетага ишқи тушган, жиллақурса, бир марта чиқсам ҳам майлийди, дейди.

– Кифтини келиштириб ёзгин-да мундай. Ё ўзим айтиб турайинми?.. Унда эшит, бир бошдан айтаман. Сўнгминан анакей... Ай, эшитдингми, анави Юнусни, биттаям немисни ўлдирмаган, сотқин эди. Фақат қирқ иккинчи йилда оёғини осколка узиб кетувди. Шунга ҳукумат мошин берипти. Нега Қоротангни қутқилайди булар? “Ҳой, Гаппор ота, шунча хизмат қилдингиз, қариганда бир гашт қилинг деб, манави “Московуч”-ни ҳукумат сизга берибди, олинг, чолларнинг кўзини ўйнатиб бир мининг тўю сафарларга”, дейдиган одам йўқ. Инсоф борми буларда. Сенинг-чи... мухбирман дейсан, қўлингдан бит ўлмайди. Э-э...

Ахийри енг шимариб ўзи киришди. Қора ота бормаган идора қолмади. Лекин иши битмади. Кимдир, “сиз иккинчи группа инвалидисиз, биринчига алмаштириш учун Тошкентга боринг, деб маслаҳат берди. Сўнг ўзининг ибораси билан айтганда, “инвалидлар министри”га кирди Қора ота. Ҳеч натижа чиқара олмагач, тагин районга, сўнг областга неча борди, қатнади. Йўқ, қўлингиз сингани билан бошқа жойингиз бут, қолаверса, майиб қўлингиз ҳам ёмон ишламайди, дейишди мутасаддилар.

– Немис келса бованг керак, жунга дар қилсанг – бованг керак, узум жегинг келса – бованг керак, баҳори буғдой зарил бўлса – бованг керак, газитга чиқиш қолса, бованг керак эмас, “Московуч” деса – бованг керак эмас, шундайми? Ҳе, ўргилдим сени зақунингдан! – Қора ота шундай деб эшикни шарт ёпди-да, этагини силкиб келаверди.

Ўшанда Қора отанинг улардан қаттиқ кўнгли совиған эканми, тўй-маърака билан аралашиб бир йилни

ўтказди. Тенгқури Юнус “Москвич” ини янгилаганини эшитиб, бир-икки кун ўйланиб юрди-да, тағин жияни Қурбонбойни олдига солиб “туври Тошкентга, Олий Совутга” йўл олди.

Худди шу кезлар неvara пойтахтнинг бир четида, ижарада яшаб ўқир, ҳамма тенгқурлари қатори чой ичар, мутолаа қилар, орзу-тилаклар билан кунларни ўтказар эди. Баъзан, “гап-гап билан уч йил ўтиб кетибди-я”, дея сергак тортар, яна ёшлигига, эртанги кунига умид боғлаб дарсга чопарди. Қайтиб келгач, қизлар ҳақида ўйлар ё ҳамхоналар билан “Декамерон”нинг “энг зўр жойлари” ҳақида валақлашиб уйқуга кетар, Қора отасини ҳатто эсидан чиқариб юборган эди. Ҳеч қутилмаганда...

– Шаҳарни қоқ ўртасида яшайди десак, қишлоқда турайкансан-ку, – Қора ота энгашиб уйга кирди-да, шундай деди. Яктагига у ўша “орден” ини тақиб олган эди. – Энди йўлини топдик... – Қора ота неварасига қараб кулиб қўйди.

Шаҳар дунёсига сингиб кетган неvara Қора отаси билан кўриша туриб, қачонлардир димоғига ўтириб қолган ажиб ҳидни туйди, трактордан тушиб қолгач ҳам, уйқуси қочмаган амакиси, бобосининг “мунча узум единг, пулини тўла” дейишлари, ундан қочаётиб лойхандақга қулаб тушгани – бари-бариси бирдан хаёлида жонланди. Беихтиёр кулиб юборди.

– Нимага куласан?

– Тағин “Московуч” деб юрибсизми? – гапни айлантирди неvara.

– Гап шунда дейсанми, ҳе-ей...

Қора ота икки кунга зўрга чидади. “Кеча лўлдири чеканка бўлган неварамни бир соғиндим, бир соғиндим”, деб жиянини хит қилди.

Поездга чиққач, хайрлашар экан, умрида биринчи марта неварасига бошқача тикилди. Сўнг бирдан тутақиб, ишини тиндирмаган комиссиядагиларни қаторга қўшмай сўқди:

– Менга ўхшаб қўли мажақлангани кўп бўлса ўнта ё ўн бешта, айтдим шуни, ҳадемай ўлиб кетамиз, шу аробангни миниб қолайлик десам, сизнинг асосий суякларингиз бут, ҳеч иложи йўқ дейди. Оббо онангни от тепкир-э. Оббо, отангни... Шунча йўлга келиб ҳалак қилди-я одамни! Ҳали кўрасан, Азроил қисиб келганда ўша мошинини тикиштиради булар. Шунда ўзим биламан нима дейишни. Қараб тур, шунда кўрсатаман буларга. Бир тутиб сўкай, опкет замбилингни дей, немис келса бованг керак, “Московуч” деса керак эмас...

Невара укасидан хат олди “Ака, – деб ёзибди у, – Қора отамминан Қурбонбой ака Тошкентдан эсонмон келишди. Шу куни уйи қариндош, қўшниларга тўлиб кетди. Қора отамни ўша ердаги энг катта комиссия кўрибди. Ўзи қизиқ қилиб айтиб берди. Одати бор-ку, шунақа. Бундай дейди: “Сўнгминан анакей, шундай кириб бордим. Бир оқ соч дўхтур чопиб олдимга чиқди, келинг отахон деб. Тошканда мамилани жуда қотиришаркан. Узоқдан кепсиз-да бобо, деб ачинди у. Кейин мен бошқа гапни қўйинг дўхтур бово, мен гурпанинг ташвишиминан юриппан, дедим. Қани қўйлакни ечинг бўлмаса деди. Сўнгминан анакейин, аттанг битта жароҳат етмас экан, деб бош чайқади. Жароҳат бўлмаса қаердан оламиз энди, ўзингиз тўғирлаб юборинг, дедим. Бир вақт мен сизга порахўрмидим дейди. Ҳов, ўпкангни бос, дедим. Қўрғонтепадай жойдан келдим, бир сенинг сўкишингни эшитмаганим қолувди дедим-да, шартта столнинг устидаги давотини олиб манглайдан бир солмоқчийдим-у, каттаси қўйинг-қўйинг, деб ўртага тушди. Эсли аёл экан ўша. Ҳамма гапимни эшитиб турган экан. Бундай бобойларнинг қадрига етиш керак, ўртоқ палончиеп, неча жангтоҳлардан ўтиб, қон тўкиб қайтган, деб ҳалигини уришиб ташлади. Бизлар учунам қон тўккан, деди. Ана шу аёл ҳақиқатан, одамнинг қадрига етар экан. Кўп қийинчилик кўрган бўлса

керак. Отахон, хапа бўлманг деб йиглаб қолди. Э, ни-
мага хапа бўламан дедим мен...”

Ҳа, бир неча йиллар бурун Қора отаси такрор-
такрор айтган: “Қайтаришди де, ёзишни эпласанг ёз-
да. Ҳэ-э, мунда кел, ўтир, ўзим айтиб турай, биратўла
“Қизил Ўзбекистон”га ёз. Сўнгминан анакей эл бил-
син-да, вой-буй Қўргонтепа деган қишлоғам бор экан
бир жойларда, Гоппор деган – Қора ота дема тагин –
зўраборнинг юрти экан, деб юрсин-да...” Рост, шу-
ларни ёзмоққа у мени кўп ундаган. Мен эса ҳамон
Қора отам ҳақидаги ҳикояни қандай бошлашни
билмай қийналаман. Қўлимга қалам олган заҳотим
у таъна-маломат билан шундай деяётгандек бўлаве-
ради:

– Немис келса бованг керак, жунга дар қилсанг бо-
ванг керак, узум егинг келса – бованг керак, баҳори
буғдой зарил бўлса бованг керак, газитга чиққиси кел-
са, бованг керак эмас. “Московуч” деса – бованг керак
эмас, шундайми? Ҳэ, ўргилдим сени закунингдан!..

1986 йил

ЎЛМАЙДИГАН ОДАМ

Бозорбой бобо ўлмайдиган одам. Мундайроқ айтганда, ўлимни эсидан чиқариб юборган. У тўшакка михланиб, бу дунёдан умидини узаётган тенгқури Бардош бобони ўйламайди. Демак...

Бир хил тенг-тўш, бўйинса кишилардай бу икки чол ҳам қўп хотираларни бирга бошдан ўтказишган. Бир уруғдан бўлгани учун тўқсабонинг замони, колхознинг буғдой ўрими, Фаргона ариғи-ю, уруш асоратлари таъмини ҳамкорликда тоттишган. Тириклик аробасини торта-торта, мана, саксондан ҳам ошиб қолишибди. Кейинги тақдир аробаси Бардош бобога яқинроқ эканми, уч-тўрт йилнинг ичида бирдан чўкиб қолди. Уч-тўрт йилдан бери эса Бозорбой қорасини кўрсатмайди.

Бардош бобо шифтга қараб ётиб, кайфияти бузилган пайтлари чексиз интизорлик билан Бозорбойни – уруғнинг энг кексасини сўрай бошлайди. У бултурдан бери қўлидан келадиган биргина иши – жойнамоз ёзиб намоз ўқишниям эплаёлмай қолди. Рўзани қўйганига эса икки йил бўлди. Бир хил тенгқурлари каби пана-панада ўғринча эмас, шундай – қурби етмай, чидаёлмай қолгани учун оғиз очиб қўйди. Икки йилгина бурун молларини ўзи ҳайдаб келиб қўрага қамарди, ўғли унга ёрдам бериш тугул, ҳатто молларини танимасди ҳам. Ота бирдан чўккач, ўғли бир дастёрдан айрилгандай бўлди. Гўё бурни оқса эплаёлмайдиган беш ўғли олтига етгандай бўлди. Яхшиямки, Бардош чолнинг ўғли дилини олади – унинг қари кўнглини тушунади. Келин эса... Келинни келин эмас, чолнинг қизи дерсиз.

Чол қариб-қартайса ҳам мияси соф, кўнгли ҳам аввалгидай сахро каби кенг эди. Жисми ҳолсиз, сўзи қувватли эди.

У салқин саҳарда уйғониш одатини ҳалиям ташламаган, кичкинтой неварасига ҳам шуни ўргатиб қўйганди. Намоз ўқиётганда чолни калака қилиб, ётиб тураверадиган, суралар ўқиётганда жажжигина бўлиб, неларнидир вижир-вижир қиладиган кичкинтой энди уни “эшак” қилиб минадиган бўлди. Чол неварасига:

– Менга боғул опкемайсанми улим? – дерди. Не-вара бедазорнинг қоқ ўртасига экилган боғулга етиб бораман дегунча неча марталаб суриниб, йиқилиб, иштони эрталабки шудрингларда ҳўл бўлиб қайтиб келаркан, чол гул билан қўшиб неварасини бошдан-оёқ ҳидлар, ҳидлаб тўймас эди.

Бардош бобо ҳаётни энди илгаригидан кўра кўпроқ суя бошлагандай кўринарди. Чол ҳамон ҳол сўраш учун келганларга аввалгидай босиқлик билан бизлар “ҳикматли” деб айтадиган ҳангомаларни сўзлаб ўтирарди. Бардош бобо ён-вери қариндош-уруғ, фарзанду невараларга тўлиқ бўлгани учун хурсанд, гўё уларнинг бундай тўпланишиб ўтиришлари чолга қувват бериб, умрини яна ҳам узайтираётгандай, сўнгги сафарга отланишга йўл қўймаётгандай туюларди.

– Ҳозир менам шу неварамга ўхшаб бир мункиб туриб кетайин дейман-ов, оёқ қурмағур айтганни қилмайди-да, – дейди у юзи тамоман ёришиб.

Эшикдан пилдираб кириб келган кичик невара бобойнинг тиззасига тармашади. Дастурхон атрофидагиларнинг бирови уни чолнинг тиззасидан ерга олиб қўяди:

– Қара, ҳамма ёғинг ҳўл бўлиб кетибди, э, расво.

Бола буни тушунмади, йиғламоқчи бўлиб баттар бобосига интилади.

– Сувга тушиб кетдингми? – деб сўради уни кўтариб олган аёл. Болакай индамади, бунинг ўрнига бобоси-

нинг алқашини кутди. Бобоси ҳўл иштонли неварасини қўлидан ушлаб ўзига тортди.

– Шудрингга ботибсан-да.

Қанчалик куч-мадори камайиб бораётганини сезмасин, чол шу пайтгача бир марта ҳам ўз ўлими ҳақида оғиз очмаган. Ҳол-аҳвол сўраганларга пича табассум аралаш:

– Ишқилиб, кириб-чиқишга яраб турибман, – дейди.

– Шу ҳам катта гап-да, бово, бировлар қариса айниб қолади, сиз ҳеч дард кўрмагандайсиз.

– Э, дард кўрмаган одам бор эмишми бу дунёда? Меҳнат-меҳнат эмас, дард меҳнат экан-ку.

Қариндош яна не деярини билмай каловланиб қолди.

– Қарисангиз ҳам яхши қаридингиз дейман-да.

Чол нимжон қўлларига таяниб жойини алмаштиришга уринади. Қариндош унинг қўлтиғидан кўтарди-да, нарироқ суриб, ёнбошига ёстиқ суяб қўйди.

– Бу йил ҳаво қурғоқчил келди, бово.

– Бу йил тўрғай келмади, – деди чол гўё унинг гапини эшитмагандай. – Қарғаям, қузғунам келмади. Негадир йил бошқачароқ, эртани-кеч шамол қўзғайди. Бу шамол агар ёзда қайтмаса қишда қайтади...

Қариндош ажабланди.

– Ҳеч эътибор бермапман-а. Қаранг, тўрғай йўқ, қарға-қузғунам йўқ. Бу ненинг аломати экан, тавба. – У ҳозир чол бу сирнинг ҳам таъбирини айтади, деб кутди.

– Ненинг аломати эканини билмадим-ов, лекин илгари тра-тра йўқ вақти юрт анча осойишта бўлгич эди. Кун иссиқ бўлсаям қурғоқчил келмасийди. Тра-тра келгандан бошлаб қуруқ йил кўп келадиган бўп қолди.

– Сиз биласиз, бово.

Қариндош бот амин бўлдики, чол айнамаган. Ачиhib кетди: “Одам қариганда сал беобрўроқ бўлиб қолса яхши экан, ўлганда ачинмайсан...”

Бобой очик деразадан ташқарига қаради. Ғайри-ихтиёрий равишда тарк этилажак олам: катта сой, сой бўйидаги кўкмак ўтлоқ, қирга ўрлаган қишлоқ моллари, нарига қарайверса – қир устида ялпайиб қора булут ётибди. Бўйинини чўзиброқ қараб ажриқ босган ариққа тикилиб қолди; ҳар йили ўзи кетмон эговлаб ариқнинг ажриғини қирқиб чиқарди. “Қирқ йилдан сўнг ҳам елкам ерга тегса, кўкараман”, деркан ажриқ. Бозорбой шу ажриққа ўхшайди...” Чол ичида чўзиқ афғон билан бир нима деди, ҳеч ким англамади. Ўзи ҳам англамай айтган экан, анграйганларга ҳеч гап демади. Нурсиз кўзлари гўё бепарволик билан тўкиб-сочиб овқат еяётган невараларига термилиб қолди. Бирор ярим соатдан сўнг яна ўрнидан кўзғатишди. Укаси уни қучоқлаб кўтарди, шу кўйи ерга туширмай турди.

– Енгилгина бўлиб қолгансиз, ака, – деб кўзига ёш олди бирдан. Уканинг кўнгли бўшлиғи ҳеч кимни ажаблантирмади. Фақат бироз хижолат тортдилар. Укасининг ҳамдардлиги дилини эритдимми ё кўнгли тусанганларнинг кўпчилиги шу ерда эканлигиданми, чол қарилик тазйиқини бир нафас эсидан чиқаргандай, эркалик қилгиси келгандай бўлди. Унинг кўкраги кўтарилиб тушаверди...

Эшикдан ўрта ёшлардаги икки киши кириб келди. Уларни кўриб укаси дадил ўрнидан турди. Ўзи ҳам сал сергак тортиб, уларга қаради: ҳамуруғлари – Темир тегирмончи билан Холдор тракторчи. Оқибатни тушунган одамлар – ҳол сўрагани келишибди.

– Бодомчалидан, кўпқаридан қайтйпмиз, – деди Холдор.

– Чопдингларми силарам? – ҳайрон бўлди чол.

– Бизнинг уруғдан чавандоз чиққанми ўзи, ака? – деди Темир. – Соқолим оқариб мен чопишни эпларман-ов, лекин манови укангизда уқув йўқ, – у Холдорни кўрсатди.

“Темир ҳалиям ўша – бардамлиги ўзида, ҳалиям тегирмон юргизади”.

– Ҳа, энди шу шалоқ аробага кучимиз етаяпти – катта гап-да шуям. Мана чол бўлиб қолдик бизам, – кулибгина жавоб қилди Холдор.

– Саксон тўртга кирдингизми, ака? – сўради Темир Бардош бободан.

– Ҳа, янги ҳисобпинам...

Иккови чолга кўпкари ҳақида сўзлай кетдилар. Чол эса чарчаган эди, ётқизиб қўйишди.

– Э-э, ака, – деди тегирмончи, – Бозорбой жўрангиз жийронни миниб, кўпкари чопиб юрибди, сизга не бўлди?

Бардош бобо Бозорбойни эшитиб ҳушёр тортди.

– Кўпкари чопдими уям? – деди хийла қизиқиш билан. Кейин яна индамай ўйланиб қолди. Бозорбойни эслаб ётди. Уни кўргиси келарди.

Фарғона “ариғида” тупроқ кўтариб юришганида Бозорбой қув кўзларини қисиб:

– Бир қизиқчилик қилайлик, жўра, – деди. – Ҳуркадиган одатинг бор эди, кулдириб ўлдирардинг-да, одамни. Шу қилиғингни бир кўрсат, зерикиб тамом бўлдим.

Бардошнинг ҳам бир шўхлик қилгиси келди. Нарироқда кетаётган бир бўйинса жўрасига “э-э-эй, Тўхтабой, мен ҳуркаман ҳозир”, деб қичқирди.

– Нимадан? – анграйди у.

– Мановдан, – Бозорбойни кўрсатди Бардош.

– Ўл-э, қилиғи совуқлар. – У шундай деб йўлида кетаверди.

– Ҳозир кўрсатаман қилиғи совуқликни, ҳуркит мени, – деди шеригига. Бозорбой “ҳуркитган” бўлди. Бардош зингиллаб бориб қопнинг оғирлигидан энкайиб кетаётган бўйинсасини елкаси билан уриб юборди. Ҳалиги бечора ўмбалоқ ошиб, сувга тушиб кетди. Ҳовлиққанича сувни шалолатиб нарёққа сузиб бориб қайтиб келди.

Бардош ёмон важоҳатда келаётган жўрасини кўриб югургандан-югуриб келиб, қотиб-қотиб кулаётган Бозорбойни ҳам уриб юборди. Бояги жойда энди Бозорбой сузиб юрар, бояги шериги эса дўриллаб куларди.

– Шуйтмаса кун ўтмайди-да, – деди кейин Бардош ўзи ҳам ичаги узилгудек бўлиб куларкан.

Бардош олов экан ўша чоғлари. Бозорбойдан ҳам оловроқ экан.

У Бозорбой иккови буғдой ўриб юришганда чинакам “хурккан”.

Биргина Бардош эмас, иккаласиям “хурккан” ўшанда. “Хурккан” демайлиг-у, ростини айтганда икковиям жон-понлари чиққудай кўрқишган. Тегирмончининг айтишича, ҳатто юраклари ёрилай деб ағанаб тушишларига сал қолган.

Иккови ким ўзарга буғдой ўришаётиб, мукофот талашиб юришган бир пайтда осмондан бир бургут “ўкириб” соя ташлаб учиб келаверди. Қарасалар, ажабтовур бургут, бироқ бўкиради. Бу не хислат бўлди, дейишиб ёқа ушлашди. Бардош бошқаларга қарамади-ку, лекин ўзи икки қир ошиб қочиб кетди. Бозорбой эса қарама-қарши томонга қараб қочиб икки қир ошиб кетди. Бургут тобора ерга яқинлашавергач, соясиям, товушиям каттараверди-ю, лекин у одамларга тегмади, бўкирганча Оқтовдан ошиб кетди... Товуши пасайиб, ўзи кичрайиб қолди.

– Ойрипилон, – деди райондан келган янги ўқитувчи. – Учадиган машина. Ичида одам бор, бошқариб туради.

Ҳаммалари ёқа ушлаб қолишди. Шунда Бардош нима деди: Ойрипилон бўлмай ўлсин, ҳамманинг юрагини ёрмай. Биз-ку майли, икки қир ошиб қайтиб келдик, арқондаги молларнинг бариси ипини узиб кетди-ку, бир хилларини ҳалиям тополмаймиз.

Ўшанда мукофотга даъвогарлар – Бардошнинг ҳам, Бозорбойнинг ҳам уч-тўрт кун ишлари унмай юрган.

Кунлар ўтиб, бирининг ортидан иккинчиси сингиб, сингавериб, охири тақдир отли ҳаётнинг бутун кўриниши – бугун келиб қолди.

Чол шуларни эслади. Икков меҳмон эса Бозорбой бобонинг қандай қилиб кўпқари чопгани, отдан йиқилиб салласи жарга думалаб тушгани, шундаям ўрнидан ирғиб туриб бориб отини ўзи ушлаб олгани ҳақида сўзладилар.

– Ана ўзиям, – деди Холдор.

Бардош бобо ётган жойида бир интилди. Ўтириб олди-ю, лекин туролмади.

– Ў, занғарнинг келадиган куни бор экан-ов.

Бобонинг овози анча баланд, бояги ҳолатига беярашиқроқ эди. У қувонарди.

– Йў-ў-ўқ. Ўтиб кетди, – деди Холдор. – Журангизда оқибат йўқ, ака.

– Майли, бир кўрайин шундаям, – деди чол. Унинг қўлтиғидан тутиб, дераза қошига олиб келишди.

– Қуриб кетмагўрнинг кетишини, ҳеч ўлмайдигандай-а!

Бу гапни чол жуда қизиқиш ва ҳайрат билан айтди.

Деразадан кўриниб турган олам ҳамма учун аввалгидан кўра қадрлироқ кўринди. Чолнинг каломи ҳаммаларининг дилида номсиз туйғуларни ғимирлатиб юборди, ҳаммалари дунёга бир зум чолнинг назари билан термилдилар: “Ростдан ҳам, худди ҳеч ўлмайдигандай-а?!”

Очиқ даричадан кўринаётган асов жийрон ва унинг устида тўрғайдай ихчам ўтириб кетаётган чолнинг қораси узоқ вақт кўздан йўқолмай турди.

1986 йил

ЖИНКУЧАДАГИ МУШТИПАР

Уни ҳар куни учратар эдим. Ўша – жийдага ўхшаш заҳил юзи, қуруқшаган лаби, қоқсуяк қўлларига эмас, балки, букчайиб қолган бу кампирнинг маъсумона боқувчи кўзларига кўзим тушмасин учун, – ёшини яшаб қартайиб-мунғайиб қолган шўрлик шу бечорага ҳеч маҳал ёрдам беролмаслигимни билиб, дунёдаги энг ёмон мусибатни шунинг қиёфасида кўришни истамаганимдан, ҳамиша ўзимни ундан олиб қочиб юрардим. Унинг пича қийшайган жағи анграйишига жуда мос, гўё соддалиги бўртиб кўзга ташлансин учун Яратганнинг ўзи атай шундай қилгандек. Жавдираган кўзларини айтмайсизми, кўзмунчоқнинг ўзгинаси, улар эски шаҳарнинг жинкўчасидан ўтувчиларга мўлтираб тикилади, худди бир нима тилаётгандек...

Бундан чамаси тўрт йилча бурун ҳовлиси мўъжазгина уйида ижарада турганимда, кампирнинг ўзи айтганки, бир кам саксонни қоралаяпти. Унинг ҳисоб-ки-тобиям ишонимли эмас, гоҳо икки йилни бирга қўшиб “чўтга соларди”. Биз ижарада яшаган икки йил бадалида кампирнинг ёши етмиш тўққиздан саксонга ҳатлаб ўтган эмас; аслида аллақачон саксонга кирган, бироқ гап орасида нукул “бир кам саксонга кириб қўйибман”, деб айтар эди. “Буви, сиз бултур бир кам саксонга кириб қўювдингиз”, деб тортишсак ҳам у тан олмас эди. Шунда ҳамхона дўстим билан: “Кампир бечора йигирма йил илгариям “бир кам саксонга кириб қўйибман”, деб тортишган чиқар” дея кулишардик.

Тақдирнинг уйинини қарангки, атай қочиб чиқиб кетган ўша жинкўчага яна ўз оёғим билан қайтиб боришга мажбур бўлдим. Ҳозир яшаётган ижара-уйим ҳам тор ва ивирсиган шу кўчанинг ўзгинасида эди. Ҳар гал кампирнинг уйига яқинлашгач, қадамимни тезлатаман, шунданми, анчага довуру мени пайқамай юрди. Кампирнинг уйидан ўтгач, рости, ўзим эзилиб кетардим: кўча поёнидаги муюлишга етгач, албатта, ўгирилиб ортимга қарардим. Шунда бечора кампир ўтган-кетганга ювошгина термилиб турганини кўриб, ич-этимни ер, мунофиқлигимдан ижирғанар эдим. Пича юргач, “бошқа нимаям қилардим, ахир”, деб ўзимни овута бошлардим. Ишга бораётиб, яна ортда қолган куйган кўнгил тепишини ҳис қилардим, хаёлимда эса ўша – жийда юз, акашак қўллар, жовдираган кўзлар жонланар эди... Шунда ўзим истиқомат қилаётган жинкўча, бу дунё кўзларимга қафасдай бўлиб кўринар, бош олиб бир ёқларга қочиб кетишга эса на йўл, на имкон бор эди. Нега шундай, нимага? Ахир мен нимадан кўрқаман? Нега? Шу яқин орада яшайдиган дўстимнинг қораси кўринмасмикан, деб йўл қарайман, нега у йўлиқиб қолса агар, тезда элакишиб, бетайин суҳбатлар, ғийбату мақтанишлар оламига ғарқ бўлиб кетаман? Нега? Ҳамиша ўзим истаган ва ҳеч кутмаган тасодиф туфайли бу туйғу мени ўз-ўзидан тарк этади ва мен кампирни буткул унутиб юбораман, нега?

Кечқурун эса яна ўша – маъсум ва нажотсиз кампир яшайдиган чордевор биқинидан ўтишга маҳкумман. Қорли-қировли кунларда ҳали ҳеч ким ишдан қайтмай туриб, кулбасига кириб кетган бўлади. Кўклам келиши билан то қадам узилгунча, ҳамма ёқ ҳувиллаб қолгунча, у даричаси олдида – ичкаридан тушадиган хира ёруғликда мунғайиб кўчада ўтиради. Бир куни тонг саҳарда ишга кетаётиб ўша дўстим – Ҳамидуллага рўпара келиб қолдим. Кайфиятим хийла кўтарилди, шу боисми билмадим, гапга андармон бўлиб, кампирнинг дари-

часи олдидан ҳам ўтиб кетибмиз. Шу кўчада яшаётганимдан бери биринчи марта шу уйга безътибор, парвойи фалак алфозда ўтиб кетишим бўлса керак. Бахтга қарши... қўққисдан таниш йўқлов қулоғимга чалинди, бир хил бўлиб кетдим. Бундан рошпа-роса тўрт йил бурун қандай чақирса, худди шундай – хиёл мунгли, ялинчоқ оҳангда исмимни тутди у:

– Мухтор-ув, у-у, Мухтор!

Беихтиёр ортимга ўтирилдим. Ўша... Кампирнинг исминиям билмасдим. Тўхтадим. Қандай куч таъсирида унинг олдига қайтганимни ўзим ҳам билмайман. Ҳали сўрашиб бўлмай туриб у:

– Мухтор, – деди, – ўғлим келди!

– Йўғ-э? – Шу гап оғзимдан чиқди-ю, тилимни тишладим. Унинг севинч чақнаган кўзларидан кўзимни олиб қочдим. Сўнг қийнала-қийнала ўғлининг исмини эсладим. – Сайдали ака келдиларми? – дедим, шу гап унга ёқишини билиб.

– Ҳа, Сайдали-да. Сайдали аканг келди, болам.

– Яхши бўпти-да. Энди кетмасмикан?

– Йў-ўқ. Қаёққа кетарди. Хотини билан аразлашиб юрувди, ахийри бағримга келди. Бир ойдан бери ҳар куни уйда.

Кампирнинг юзига қараб туриб, ҳозир йиғлаб юборса керак, шунда нима қиламан? Шарт бурилан-да, кетаман-бораман, деб ўйладим. Кўнглимдан шу ўй кечганлигини билгандай унинг ўзи кифтимга қоқиб:

– Майли, болам, йўлингдан қолма, – деди. – Ишингдан кечикиб юрма тагин.

“Ё тавба, – дейман ичимда, – бир маҳаллада яшашим тугул, ҳатто ишлашимниям билади. Қаёқдан билади?”

Кампир, “ҳа, шундай, биламан” деган каби тикилиб турарди менга. Мум тишлаганча изимга қайтатуриб, бир нимани унутиб қолдиргандек бўламан. Ҳа,

унга бир нима демоқчи эдим, шундай истак бор эди дилимда, лекин нима – шуни англолмайман. Қандай гап экан у? Билмайман. Бир нима ичимни кемиради. Бориб, ахийри дўстимдан сўрайман: “Айт, биродар, шундай пайтларда инсон инсонга нима дейиши керак? Шикаста кўнгилни нима деб кўтарса бўлади?” У ўйла-ниб туради, кейин қўл силтайди: “Бош қотирадиган нарсами шу? Юр, кетдик”.

“Айт!”

“Сен билмаган нарсани мен қаёқдан билай”.

Наҳот, биргина мен эмас, ҳатто дўстим ҳам шундай бўлса?! Шундай пайтларда бир нима деб одамнинг кўнгилни кўтаришга наҳот ноқобил бўлсак?

Анчага довур сассиз-садосиз йўл босамиз. Кейин дўстим яқинда партия аъзолигига ўтганлигини айтади. “Энди йўл очилди, – дейди, – ҳадемай бўлим бошлиғи этиб тайинлашса керак”. Менга ҳам шуни маслаҳат беради. “Маъқул” дейман, айти пайтда ўзимни ўзим қийнагим келади, шу тариқа дўстимни ҳам эзиб ташласам, дейман. Ўзим ҳамиша асраб-авайлаб, маромини бузишни сира-сира истамаган сокин иқлимни бир ўжарлик билан остин-устун қилиб ташлагим келар эди. Афсус, шуни ҳам эплаёлмас эдим, табиатан юмшоқкўнгил одам бўлганим учунми, бунинг уддасидан чиқа олмасдим.

Кампир эркалабми, кўпинча, “ҳа, Саритой” дейишини эслайман; сариқлигим учун шундай дерди, атай исмимни айтмасди.

Бир ҳамкурсим билан ижара-уй қидириб тентираб юрганимизда ичи ачидими, бир аёл бизга шу уйнинг даричасини кўрсатди. Дабдурустдан ҳовлига кириб борганимизда кампир хийла вақт оғзини очиб, анграйиб қараб турган. Ҳамон эсимда, кейин у аввалдан бизга илҳақ бўлиб ўтиргандай: “Келинглار, келинглар. Кўп овора бўпсизлар-да, майли, сизлар манави катта уйда турақолинглар”, деган. Ўзларига эса ката-

лакдек хона қолган. Боз устига, “катта уй”га ўша хона орқали ўтилар эди. Кейин у ғоят очик кўнгиллик билан ўзининг бор бисотини бизларга кўрсатган, кечқурун эса ҳатто “овқат қип енглар” деб ҳам ёғ, ҳам гўшт, ҳам гуруч кўтариб келганида аввалги ижарамиз хўжайинини эслашганмиз. У жуда қурумсоқ эди, устига устак, ижара ҳақини ҳам жуда ошириб юборди, ахийри биз чидаёлмай чиқиб кетдик. Кампирнинг эса... ортиқ даражада меҳрибонлиги ғашимизга тегди, шекилли. У ёш боланинг худди ўзи эди, анқовсираб бир хил нарсаларни минг марталаб сўрарди. Бошлаб турган йилимизнинг ёзида футбол бўйича жаҳон чемпионати бўлган. Деярли ҳар куни телевизор орқали шундан репортаж бериб борилган. Гоҳо биз саҳарга довур кампирнинг хужрасида ўйинни томоша қилардик. Ҳозир шуни эсласам кўнглим ғаш бўлади, ўшанда биз ҳатто унга халал бераётганлигимиз ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаганмиз, томоша тугашини кутиб ўтирган шўрлик кампир: “Бизаникиям гол-пол қилишяптими?” деб сўраб қолса энсамиз қотар эди. Ҳа, кейинчалик ҳеч тап тортмай муштипарнинг масаллиқларини бир бошдан кемира бошладик, ундан сўраб ҳам ўтирмай ёғу гўшт – ҳамма-ҳаммасини кунпаякун қилиб ташладик, шунда ҳам унинг жаҳли чиқмаган. Ҳолбуки, бу нарсалар тўй-маърака қилган ҳаммаҳаллалари, меҳрибон ҳамсоялари томонидан тортиқ этилган ёки арзимасгина нафақа пулига дунёнинг бир четидаги бозордан харид қилинган эди. Ахийри, биз – бу улкан шаҳардаги неча “ҳазайин” билан ижиқилашиб, ҳақ талашиб ўрганиб қолган талабалар бир нима етишмаётгандек маъюсланиб қолдик. Энди кампирга ачина бошладик. Шахсан менинг дилимда шундай туйғу пайдо бўлдики, биз оддийгина қилиб айтадиган ачиниш ҳиссидан у устун келди. Ҳақиқатан ҳам, тушуниксиз туйғу эди бу. Аслида, саховатманд кишиларга менинг ҳам меҳр қўйгим келарди. Ўша кунлар кампир мени ўзига жуда яқин

олиб, эркалаб Саритой деб атай бошлаган, бунга дарров кўникканман, чунки ғайритабиий эмасди. Лекин...

Бир оқшом нимадандир гап чикдию кампир ўтмишини айтиб берди, шунда дўстим иккаламиз анг-танг бўлиб қолганмиз. Ҳарқалай, умр бўйи – ёшлигию қиртайганида ҳам феъл-хўйи сира ўзгармаган одам камдан-кам бўлади; кўпинча кексайганда киши юввош тортиб ёки инжиқ бўлиб қолади; баъзи кўнгилчан қариялар, суриштириб кўрсанг, болалигида ерга урсанг кўкка сапчиган, инжиқлари эса ёшлиқда бўш-баёв бўлган. Кампир эса қизлигида ҳам, келинлик пайтида ҳам табиатан ҳозиргидай юмшоқ, соддадил экан билсам. Мана шу – ўта беозорлигию кўнгилчанлиги учун ҳам турмуш қургач, икки йил ўтмай эри ундан бутунлай совиган. Шунда ҳам у – шўрлик келинчак, қўлида олти ойлик чақалоғи, эрини ниҳоятда ҳурмат қилган, оиласининг бузилишига сабабчи – қариқиз дугонаси Гулсуннинг тўйида ўзи бош-қош бўлган, эри унга уйлангач, бизга ўхшаб, ижарада тургандек яшай бошлаган ўз уйида. Уларнинг кирини ювган, овқатини пиширган. То ўғли кучга тўлгунча чўрига ўхшаб яшаб юрган, сўнг иккаласи биз турган шу уйни қуриб олишган.

Кампир шуларни сўзлаётиб, меҳру вафо, одамгарчилик ҳақида бизга бир оғиз ҳам гапирмас, буларни бизга ибрат бўлсин деб айтмас эди, гўё биздан ҳам ёшроқ, ғўрроқдек кўринар, шу хангомаларни ҳам афтидан, шулар зерикиб қолмасин тагин, деб сўзлаб ўтирарди. У на эрини рашиқ қилган, на чеккан қийинчиликлари учун уни койиган. На зорланади, на ҳазил қилади, ҳар қараганда худди сени энди кўриб тургандай ғалати тикилади.

– Нега биздан пул сўрамайди у? – деди ҳамхонам бир куни ажабланиб.

Мен кифтимни қисдим.

Худди шу куни ҳали бизга нотаниш бўлган ва авиация заводида ишлайдиган ўғли – Сайдали ака коман-

диновкадан келди. Биз ҳовлида еручоқ қилиб ошга уннаётган эдик. Бир-иккита ўртоқлар келган, сермой бўлсин, деб ёғни кўп қуйиб, оловни гуриллатиб қўйганмиз... Бир маҳал қарасак, гуручи қотиб қолибди. “Нима бўлса бўлди энди”, деб хижолат бўлиб, ошни суздик, шунда Сайдали ака: “Э-э, ошни боплабсизлар-ку, молодес” деб алқаган. Гарчи ёлчителиб ош емаган бўлса-да, биз ичимизда ўзимизни қойиб ўтирган пайтда у шундай деган. Мен, Сайдали ака онасидан ҳам озурдажон, мусичакўнгил экан-ку, деб ўйлаганман. “Йўқ, – деганман сўнг, – шунчалар беозорлик ҳам яхши эмас. Одам деган сал ғаддор бўлишим керак. Ҳаммаям манави она-боладай бўлса, кўнглинг учун гапингни маъқуллайверса, мабодо, жиндай ҳурмати бўлсаю сени қаттиқ севаман деяверса, ҳаёт жудаям зерикарли ва бетайин бўлиб кетади-ку. Ҳамма нарса бир-бирига мувофиқ ва муносиб бўлиши керак”. Мен ҳам, дўстим ҳам қандайдир мунгли ва беҳад меҳрибон бу хонадонда ортиқ яшай олмаслигимизни сезиб турардик...

Кампирнинг айтишича, Сайдали ака шаҳарнинг қайсидир массивида буфетчи бўлиб ишлайдиган жувонга уйланмоқчи экан.

– Сайдали жуда пишиқ бола, ўз ишини битказиб юради, – дейди кампир, ўғлидан кўнгли тўлиб.

– Пишиққа ўхшайди, насиб қилса ҳали неvara тўйиям кўрасиз, – дейман мен.

Шундан кейин у гапга тушиб кетади, мен қўлимга китоб оламан.

– Дарсингга халақит беряпман-а? Шунақа эзман-да ўзи. Жуда ёқимтойсан, Саритой. Менга ўхшаган ойинг бордир сениям. Йўлинг тушганда опкел, бир меҳмон бўп кетсин. Шаҳарни кўрсин, айлансин.

Мени соғингандай, анчадан бери энди кўриб тургандай қўлини у елкамга қўйиб олади, кейин бошимни силайди... Э-э, нимасини айтасиз, шунда ўзим қўмсаб, орзу қилиб юрадиган кенгликларга қараб қочиб кет-

гим келади. Қўққисдан нега ўгли биринчи хотини билан ажрашиб кетганлиги ҳақида айтганлари эсимга тушади. Қанча гапирмасин, асл сабабни – келин нега кетиб қолганлигини сира тушунтириб бера олмасди. Гап келинига тақалганда уни мақтар, шундай бўлганлигига билинар-билинемас афсус чекиб ҳам қўярди. Сайдали аканинг ўзи ҳам гап орасида “хотиним зўр эди” дерди. Шунда бизнинг шўхлигимиз келарди, жўрттага хотин билан яшашнинг “сиру асрорини” суриштирардик, у киши эса пича уялинқираб бир бошидан ҳаммасини – эру хотинигагина маълум сирли ҳодисаларни батафсил айтиб берарди, шунда унинг тўллигидан биз ўнғайсизлана бошлардик.

Ўша йили тўлиқ, ҳатто янги йил байрами ўтгач, яна икки ҳафта яшадик бу хонадонда. Лекин менинг, дўстимнинг ҳам роса безоримиз чиқди. “Давай, кўчиб кетамиз”, – дедим ахийри. У ҳам худди шуни – менинг турткимни кутиб юрган экан, дарҳол “кетамиз”га тушиб қолди. Кетар кунимиз буни эшитиб кампир ҳайрон бўлди.

– Энди қаёққа борасизлар? Ё хапа қип қўйдимми, а? – деди у жовдираб.

– Йўғ-э, ойи, унақа деманг. Биз хафа эмасмиз. Ўқшимиз битди-да. Энди уйга кетмасак бўлмайди, – деди дўстим ҳеч иккиланмай.

– Ундай бўлса майли-я, аввалроқ айтмапсиларам, – деди кампир, дарҳол рози бўла қолди. – Ота-онангларга салом денглар. Бир қурмағур кампир бориди, деб эслаб юринглар, чироқларим! – Шундай дейишга деди-ю, лекин сира биздан ажралгиси келмади, дўстимни неча бор ўпди, йиғлади, сўнг “Саритойим” деб мени қучиб олди.

Ҳа, биз бу мўъжаз иқлимдаги ортиқча меҳрибонлик, қўнғилчанлик ва соддаликка чидай олмай, бош олиб чиқиб кетган эдик. Кампир: “Сайдалижонимнинг тўйида бош-қош бўласила девдим”, дея зорланиб, ор-

тимиздан мўлтираб, йиғлаб қолган ушанда. Эҳтимол, шу дийдиёси, юмшоққўнгиллиги сўнгги бор ансамизни қотиргандир.

Кекса, инжиқ бир кишининг уйини ижарага олдик. Бу хонадонда яшаш, ҳарқалай, унғай эди. Кейинчалик эшитдикки, кампири тушмагур: “Болалар қишда совқотамиз деб чиқиб кетишди”, дебди орқамиздан. Эҳтимол, бу гап ёлғондир.

Ҳаммасидан ҳам бугун унинг ортимдан: “Мухтор!” деб чақиргани, ҳамон мендан қўнгил узмагани, менинг эса ундан қочиб юришим, уни унутишга уринишим алам қилиб кетди. Йўлда йўлиққан дўстим ҳам бирга ўқиган. Ҳалиги гапидан сўнг бирдан уни ёмон кўриб қолдим. Энди мен саксон йил яшаб, биронтага на панд, на озор бермаган мискин, муштипар аёл ҳақида ўйлар эдим. Бундан кейин ҳамма вақт уйига бораман, дуосини олиб юраман, деб қўнглимга тугардим. Э-э, айтмоқчи, ўғли Сайдали ака уйланмоқчи эди-ку! Кампир тўй кўрмоқчи эди, келин... Бугун, албатта, қўнгил сўраб уйига кираман.

Кечга довур фикрим ўзгарди: “Яхшиси, қўни-қўшниларидан суриштираман”.

Йўқ, Сайдали ака уйланмаган экан, ҳозир қаёққадир, Сибиргами, ишқилиб, узоқ шаҳарга командировкага кетибди.

Эрталаб жинкўчада кампирнинг қораси кўринмади. Қўшни аёллардан бирининг айтишича, у касал экан. Икки кеча ўтгач, Ханифа хола деган аёл тоғорада кампирнинг кирини олиб чиқиб кетаётганини кўрдим. Ювиб бермоқчи, шекилли. “Шу бечора кампирни кириб бир кўриб чиқай”, деган хаёлга бордим. Тағин... пайсалга солдим. Ханифа холага ич-ичимдан тан бердим, жонқуяр экан-да, шундай аёллар сариштали фарзандлар ўстиришади. Дарвоқе, кампирнинг емак-ичмагидан ҳам шу аёл бохабар экан... Нимагадир шўрлик кампирнинг узоқ ётмасли-

гини хоҳлар эдим. Узоқ ўтмади ҳам. Икки кун ўтиб қазо қилди. Айтишларича, Ханифа холанинг ўғли бориб, унинг амаки укасини чақириб келибди. Нима бўлганда ҳам, бечоранинг жасади кимсасиз, қаровсиз кулбада қолиб кетмади ахир, юк машинасида қаёққадир олиб кетишди.

Кампирнинг ўлиmidан сўнг инсоннинг қадри-қиммати ҳақида, қандай кишилар қариганда ҳам бу дунёда эъзоз топиши ҳақида узоқ ўйландим, мен узоқ ўйландим – такаббур ва шуҳратпараст, умр бўйи қийналмай яшаган, мол-дунё йиққанларнинг азасида қанча кўп одам тупланиши, қабрларига баҳайбат мармартош ўрнатилиши сабабларини ҳам...

Бу ёруғ оламдан шундай бир кампирнинг узилиб кетиши ҳеч кимни йиғлатмади.

Ҳеч ким йиғламади-я...

1987 йил

АЛАҒДАЛИК

Ҳар йигирма ё ўттиз йилда қай гўрдан ҳам бу бало бир ёпирилиб келади. Шунда ҳамма таҳликага тушади, қисинади. Ўзларини гариб ва ночор ҳис этишади. Тўрт томонга югуришади. Кейин...

I

Қўштамғали томондан лорсиллаб келган сарик кучук ҳаммани таҳликага солиб кетди, кетатуриб, Абдулла қайнарнинг итини бир қопди. Уч-тўрт кун ўтмай қайнарнинг ити ҳам қутурди. Бу – одамлар кўргани, эҳтимол, бошқа мол-ҳолга ҳам касофат теккан чиқар, кўрмай туриб бир нима дейиш қийин, шунинг учун ҳам узунбулоқликларни ваҳм босди, ахийри, ҳар икки итни тоғқоровулга оттиргач, сал ўзларини босишди, тагин бошқага касри урмасин, деб ёқиб юборишди ҳам. Улар тўғри қилишди, бошқа илож йўқ. Аммо ўша офатнинг зиёни ҳали-бери тегиб келаётир...

Ўша – саросимали кунларнинг сўнгида, бир куннинг ичида ҳам Қўлдош бригадирнинг, ҳам Раҳмонқулнинг итлари ўзидан кетишди. Бригадирнинг ити, ўзининг айтишича, олдин кўзлари қизариб, қорачиқлари кенгайиб, сўнг ялоғидаги ювиндигаям қарамай қўйибди, карахт бўлиб ётаверибди. Шуни пайқагач, бригадир қозикдан бўшатмаёқ итини отиб ташлабди Раҳмонқулники эса, ҳеч бир нарсани сездирмай ишни битирибди: ҳам ғунажинни, ҳам эчкиларни қопибди-да, бадар кетибди. Раҳмонқул буни кейин билибди.

Бундан йигирма йил бурун ҳам шу тахлит гаплар бўлган. Нариги ошувдаги қишлоқдан улоқиб келган кучук қанча молни увол қилган, докторлар келиб қишлоқда ит қолдирмай дори берган. Дори еган жониворнинг ичи куйиб кетса керак, жонҳалпида дуч келган нарсага ўзини уриб, кетатуриб ўлган. Хонбуви момонинг кучуги ўшанда ажаб ҳангомалар қилганди-да.

Кампирнинг момикдайгина кучуги кўп суюмли, невараларию ўзига дуруст овунчоқ экан, адашган мол ё одам келса ҳуриб турар экан. Улоққан ит қишлоқни оралагач, бу кучукни ҳам докторлар “эмлаб” кетишибди. Шўрлик боғлиқ экан, ўлишини сезганми, эгасига бирам мўлтираб қарабдики, асти қўяверасиз. Кампирнинг раҳми келибди, “бечора-я” деб бориб қозикдан бўшатиб юборибди. Кучук аввалига булк этмай чўзилиб ётаверибди. Кампир “энди жонивор ўлмас экан-да”, деб таскин топиб, уйига кириб кетибди. Шунда кучук ирғиб турибдию бориб эшикка бир-икки суйкалибди, сўнг икки оёғини дераза раҳига қўйиб, тумшук чўзиб, деразадан ичкарига қарабди. Кампирга у гўё дардини ёрмоқчидай бўлиб туюлибди.

– Жониворгина-я, – дебди кампир, – майли, берган ош-нонимга розиман. Мехри ийиб, у битта кулча олибди-да, жониворга ташлабди. Кучуги уни шошилмай ебди. Кампир не хаёлга бориб, яна уни ипидан етаклаб қозикқа боғлабди. Орадан бир соатча ўтгач, шўрлик ўзини тўрт томонга урибди ва ёғоч қозикни қарсиллатиб синдирибди, ўзини эшикка урибди, ичкарига кирибди. Қўрқиб кетган болалар чирқираб бувиларига ёпишибди, сўнг ҳаммаси ташқарига қочиб чиқишибди. Кучук сандикни туртиб кўрпаларни қулатибди, сўнг қориб қўйилган хамиру тушаклар оралаб, билган амалини қилибди. “Нима қипти?” дейсизми, э-э, айтишга тил бормайди, анови зормандага ичи тўлиб кетган эканми, уйнинг ҳаммаёғини билганидай қилиб ташлабди. Тағин денг, ўшандай важоҳат билан деразани син-

дириб чикиб кетибди. Эски тегирмонда мулла Салимининг қизи ошиғини пойлаб турган экан, касофат кучук бориб унинг ҳам ўтқасини ёриб, шу ерда ўлиб қолибди. Шундан бери Хонбуви момонинг уч кун бадалида бурун жийириб кир ювгани ҳам, ошиғини кутаётган қизнинг лозимини ҳўллаб қўйгани ҳам оғиздан тушмайди. Мулла Салимининг қизи эрга тегиб, ўн битта бола туғибди ҳамки, узунбулоқликлар шуни айтиб кулги қилишади.

Кучуги улимаган қишлоқда бир нима етишмагандай бўлар экан. Хусусан, тоғ биқинида жойлашган Узунбулоқдай қишлоқда...

II

“Ҳеч нима қилмас, одамлар айтаверади-да, – деб ўзини овутарди Раҳмонқул. – Шу ёшга кириб касофати ит қошиб кутурган молни кўрмадим-ку ҳали”.

Шундай деб ўйларди-ю, барибир, дилидаги шубҳа тарқалмасди. Ахийри, кийиниб йўлга чиқди, бориб Давир тоғасига оғиз солди, ҳарқалай, кўпни кўрган одам.

– Буям бир гап-да, – деди чол. – Кўравериб, кўзимиз пишиб кетди-ку. Қопганда ҳаммасиям қутуравермайди, гап бор-да, гап бор. Итнинг тиши қаттиқ ботмаса, захри томмаса – бас. Айтайлик...

Довур тоғаси узоқ жавради. Афтидан, тешик қулоқ топилганидан, хусусан, жиян гапини эътибор билан тинглаётганидан у мамнун эди. “Қариганда эзма бўлиб қоларкан-да киши”, деб ўйлади Раҳмонқул. Кўнгли сал таскин топгани учун ҳам тоғасининг гапини бўлмай, ўз ўйларига берилди: “Энди... Заҳри тушмаган чиқар, қопаётганда шошиб қопган. Эчкиларни ёмон қипти, лекин. Ҳатто бирининг қулоғиниям узиб опти, ғунажиннинг думини тишлагани, касофат”. Тоғасининг кўзига кўзи тушишини истамасди у ўйлашиб туриб, дабдурустдан сўради:

– Давоси йўқми, а, тоға?

Асли шуни сӯраб кӯраман, деб кўнглига туккан эди, шу туфайлими, оғзидан чиқиб кетди-да.

– Эй, тавба, – дея жеркиди тоғаси, – хаёлинг қаёқда. Ҳозир айтдим-ку! Давоси бор-а. Йўқ, давоси. Тузалмас икки дарднинг бири шу.

– Энди... – Раҳмонқул ёш боладай шошиб қолди. – Қари билганни пари билмайди, деб... бир сӯрагим келувди-да, тоға. Жаҳл қилманг энди.

– Жаҳл қилаётганим йўқ, – деди тоғаси. – Ўзинг билатуриб сӯраётганингга айтаман-да. – Чол жиянини ранжитганидан хижолат чекди, шекилли, соқолининг учини қайириб оғзига солди, кейин ўйланиб қолди. Пичадан сўнг:

– Дарвоқе, – деди, – яна бир гап эшитгандим. Қадим замонда бақувват бир йигит... Отинг ўчгур шу касални юқтириб олибди-да. Кейин кўзибди бечораники. Ҳартугул, бошқаларга зиён етказмабди. Ай-й, жиян, Худо одамдан нари қилсин-да шу балони. Ҳайвон қутурса, урарсан, ўлдирарсан, куйдирарсан, лекин одам... Одам азиз-да. Боёқишнинг бўлари бўлганидан кейин кўплашиб-кўмаклашиб, бўйнига арқон солиб, овлоқ бир жойга опкелишибди. Шу жойда ёрматом бор экан, унинг ичида йўгон устун бор экан, шунга тортиб боғлашибди-да, ташлаб кетишибди. Не бўлсаям, тузалмас дард, бечора ўзини билмай, бўкириб, жони ичига сиғмай, ўмганини ўзи ғажиб ташлабди. Қон булоқ бўлиб оқаверибди. Шу атрофда бир чўпон қўй боқиб юрган экан, шўрликнинг овозини эшитиб, келибди. Қараса, шу аҳвол. Аввалига кўрқибди. Бир йигит ўзини билмай айикдай айқириб, ўзини ўзи ғажиб ётса... кўрқмай бўладими, ахир. Кейин қани, нима бўларкин, деб қўлидаги зарангтаёқни – ўзиям отамерос экан-да – анавига тутибди. Тошниям чайнаб юборадиган важоҳатда турган йигит таёқни тишлаб ғажий бошлабди. Тишлари синиб, оғзи қонаб кетибди, барибир чайнайверибди. Чўпон ёндошишга чўчиб, изига қайтибди. Сурувни олдиға солиб энди қирдан ошаётганида биров

чақиргандай бўлибди. Қулоқ солса, овоз ёрматом томондан келаётган эмиш. Ҳайрон бўлиб, ҳалигининг олдига қайтиб келибди. Йигит: “Энди мени бўшатиб юборинг, ака”, деб ялинибди. Чўпон унинг айтганини қилибди. Шунда йигит: “Энди сиз билан ака-ука тутинаман, сизнинг олдингизда бир умр қарздорман”, дебди. Шуйтиб бу дарднинг ариганини бир марта эшитганман. Ундаям бўлса чўпоннинг таёғидан тузалган.

Тоғаси “чўпон таёғи” деганидаёқ Раҳмонқул бунинг нақд эканлигини англади. Лекин яна қайта сўради:

– Шу бўлганмикан ўзи?

– Нима, бўлмай чўпчакми бу? Ота-буванг ўтирик айтиб қолдирадими сенга? Чўпон таёғида гап кўп, қанча гиёҳга тегади, шунинг кучи уради-да унга.

Раҳмонқул аввалига кулди, сўнг олти йилдан бери кўтариб юрган таёғини эслаб, шунга ишонгиси келди. Бирдан не ўйга борганлигини англаб қаттиқ сесканди. Эчкилари билан ғунажинини... Ичи ачиди. Қирт-қирт ишлаб, манглай тери билан орттирган эди-я. Энди оғзи нонга етганда... Қулоғига бошқа гап кирмади. Чол ҳамон бир нималарни жавраётган эди. “Яхши боқиб эдим, эчкиларнинг қорни кўтарилиб қолувди. Оқ эчки ҳар йили эгиз туғарди. Касофат лоақал бузоққа тегмаса бўларди-ку”.

Тоғаси ундан: “Ўзи нима гап, жиян? Нега мунча тирпирилаб қолдинг?” – деб сўрамади. Элнинг оғзида ҳозир шунга ўхшаш гап, эҳтимол шу боис индамаган чиқар. Ғурбат, саросима. Раҳмонқул ўзидан ўтганини ўзи билади, молларни ит қопганини ҳеч ким кўрмаган. Ўшанда ҳадеб ит молларини қувганини кўриб хавфсираётган эди-я... Нега шартта отиб ташламади, шундай қилса бўлар эди-ку. Ҳатто ўзига ҳам бир ташланиб қочганди-ку. Яна “ювоштина ит” деб, “ундай эмасдир” деб... Кўзи қиймади-да, кўзи қиймади. Шуниям манфаат билди, итидан фойдаланиб қолгиси келмади. “Оқсимлиги йўқ”, деди, “Бегонагаям қулоқ читмайди”, деди, хуллас, мана энди...

III

Қўйларга емиш бераётиб ҳам шуларни ўйлади. Қўли ишга бориб-бормай, сомонни охурга чала-чулпа сочиб, қопни сомонхонага ирғитди. Қўрадан қайтиб келиб, ҳовлида ўғлининг улоқни қучоқлаб ўйнаётганини кўрди.

– Ога, ота, – дея қийқирди ўғли, – оқ эчкининг қулоғи тушиб қопти, қаранг. Яна ўсиб чиқадими бошқа қулоқ?

Раҳмонқулнинг юраги шув этди.

– Кап-катта боланинг ишими шу? – деди, кўнгли баттар ғашланди.

“Улоқ эчкига суйкалади, эмади... хотинга айтсамми-кан?” Шунга ботинмади. Қўрқади, деб ўйлади. Сарибўйин бадар кетганига хотини унча ташвишлангани йўқ. “Улоқиб кетган. Бир-икки кун ичида кеп қолади, эсли ит”, деди.

Раҳмонқул шу кеча мужмал, аммо қўрқинчли тушлар кўриб чиқди...

IV

Эрталаб болалари қатори ширчай ичди. Ҳеч кўнгли тортмади, билади – ғунажиннинг сутидан, шуни билатуриб, миқ этмай ичди. Кейин болалари талашиб сут ичаётганини кўриб, индамай ўрнидан турди-да, ташқарига чиқди. “Яхши бўлмади” деб ўйлади у, мунофиқлик қилаётганини, беқарорлиги юрагига тўкилди. Қўрага бораётиб яна тоғасиникига қайрилди.

– Қишнинг чўзилганини қаранг, тоға. Бултур шу пайт молларни даштга ҳайдаган эдик. – Гапни узоқдан бошлади у, юрагидагини бирдан айтиши маҳол эди. – Чиллаям ўтди, тўқсон ой орасиям ўтди. Куннинг исимаганини қаранг.

– Ҳа, Худонинг берган куни-да, – деди тоғаси. Бу – Худонинг берган куни эканлигини Раҳмонқул-

нинг ўзи билмасмиди. Қарғанинг қағиллаши ёмон, ҳали анча-мунча чўзилади, буниям биларди у. “Ҳой, жиян, бир дардинг боров сенинг?” демайдими тоғаси, у бор гапни айтиб, шу балодан қутулмайдими?

Ахийри, юраги чидамади.

– Шу, қутурган кучук тишлаганда қон чиқмаса бас, юқмайди, дейишади. Чинми шу? – Ҳапқиришини боса олмай, жўрттага қўшиб қўйди: – Энди сиз кўпни кўргансиз, тоға. Шунга сўраяпман-да.

Чол бу гапдан ғурурланди. Қишлоқда ҳукм сураётган таҳликали аҳволнинг бирдан-бир билимдони ва халоскоридай тутди ўзини. Томоқ қириб, деди:

– Тишлаганники бир ой ичида, суйкаланган ё яланган бўлса уч ой ичида билинади, жиян.

Бежолигини пайқадими, бобой маъноли тикилди, шунда у: “Шунчаки ўзим” деган маънони англаймоқчи бўлиб печка биқинида мизғиётган мушукнинг қулоғига чертди, асабийликданми қаттиқ чертиб юборди. Мушук сакраб турди-ю, эшикка отилди. Даҳлизга чиқиб зорлангандек миёвлади. У хижолат бўлди.

– Дунёдаги энг маишатпараст ҳайвон шу, – деди. Бироқ кўнгли таскин топмади. Тоғасидан нигоҳини узди.

– Тоға, шу дардга энди чалинган молнинг ғўштини тоза пишириб еса ҳеч нарсаси қилмайди, дейишадими?

– Обдон пишириб ё қовуриб еганлар бор, дейишади. Шундайам на ҳаром, на ҳалол – жайраники қатори бўлармиш. Энди, касал бўлганини билганингдан кейин қандай қилиб егинг келади. Ёмон-да, жиян, ёмон, кўнгил тортмайди.

– Ҳакимбойнинг гапига унча ишонгим келмади, – деди Раҳмонкул тагин. – Жонсиз нарсаям қутуриб кетармишми-ей, шуйтиб ваҳима қип қолди. Бир пайтлар момосини эшак талаган экан, шунда балиқчи отанинг сувига ювингани борибди, қайтишда кийимларини ёқиб юборибди, лекин бўйнидаги мунчоғини кўзи қиймапти, опкеп деворга осиб қўйипти, қирқ кун ўтиб, де-

вордаги мунчоқ қутурган эмиш-эй, миҳда осиглиқ турганча селкиллайверган эмиш-эй. Қаранг, шу гапга ишониб бўладими ахир?

Чол кулди.

– Боланинг гапи бу! – деди, – нега йуқ ердаги бўлмагур гапларни топиб юрибсан? – деб сўради. – Фақат жон қутуради, тирик жон. Жонсиз нарсага балоям бўлмайди. Каллангни мундай ишлат ўзинг: тупроғам, шох-шаб-баям... ҳе-хе-хе... кўрпаларам қутураверса, биласанми, нима бўлади? Ҳе-хе-хе, болалигинг қолмади-да, жиян.

Раҳмонкул мот бўлди. Миқ этолмай қолди. Аммо енгилганидан хижолат эмасди. Ўзининг хавотирли хаёлларига ўралашди у: “Нима қилай, оворам чиқди-ку тоза. Ё бор гапни тоғамга айтсаммикан? Ош-қатиғимни таъмин қип турган сигирчам...” десаммикан. Сути увуздан энди ажраб эди. Пушти наслдор бўлади деб умид қилувдим. Ҳеч бўлмаса, гўшти... Ахир биратула куйиб қолавераманми? Ундай десанг...

Йуқ, буни айтолмади. Лозим кўрмади. Ўзича бир қарорга келди: “Пича сабр қилай. Агар, сезилса... Бош омон бўлса, мол топилади. Куйдириб юбораман!”

Кўнглидагини айтмагани кейин – тоғасиникидан чиқиб, анча йўл юргач, ўзига алам қилди. “Оббо-о, айтиш керак эди-да. Бирон жўяли маслаҳат чиқса, сал тинчирмиди. Ахир тишлагандан бериям уч кун ўтди, энди нима бўлади?”

Кечга бориб тоғасига бор гапни айтмаса бўлмаслигини ўзиям сизди. Ҳадеб қатнаб қолганимга кулмасин, деб бир тўрва ерни баҳона қилди. Ўзини саховатли кўрсатгиси келди, бориб отидан тушмай овоз берди, келин чиққанини кўриб:

– Тоғамни чақир, тоғамни, – деди. Тоғаси кўриниш бергач:

– Камикўрмангизнинг таги кўриниб қолган чиқар, тоға. Бугун ем келувди, бир тўрва ташлаб ўтайин, дедим. У олдига ўнгарилган халтани узалиб ерга қўйди. – Мен

отдан тушмайин, тоға, – деди кейин. – Сизга маслаҳат солай деб эдим. Шу, сабил кучугимиз кетишида бирор қилиқ кўрсатиб кетганми дейман, кўнглим алағда.

– Нима? Шубҳанг борми? – деди чол сергак тортиб.

– Илгари кўрмаган эдим. Эчкилардан икковининг қулоғи сал-пал тирналгандай. Шунга кўнгил нотинч. Нима қиламан экан, деб гаранг бўп турипман.

– Э, чатоқ-ку унда. Ҳаракатингни қил, мундай хотиржам бўлма. Янаям духтурда қарши укол бўлади, деб эшитганман. Кўзинг қиймаса Қаршибой зоотехникминан гаплаш. Укол қилган духтургаям... Ҳай қара-да, жиян, агар қон чиққан бўлса... Ғунажинминан бир эчки нима деган гап... баҳридан кеч.

– Битта эмас-да, тоға, иккита эчким.

– Учта бўлмайдими. Шунинг баҳридан ўтсанг, бир жойинг камайиб қоладими? Нафсиғолиблик қип, балога учрама тагин. Эшитдингми? Ҳов Накруд деган қишлоқда...

“Бўлди-бўлди, куйдираман. Танисоғлик керак кишига. Бош омон бўлса дўппи топилар”. Қарори қатъийлашди. Уйга келиб, хотинига шу гапни айтган эди, у аввалига ўйланиб қолди, кейин кучукни қарғади, ахийри:

– Кун кўрарманми деганда... Укол қилдирсак қандай бўларкин? – деди.

– Фақат эчкилар эмас-да, ғунажинам шундай. Думини қара, ишонмасанг, – деди Раҳмонкул ўртаниб. Хотинининг гапи уни ҳам эзиб ташлаган эди.

– Қопганини кўзингизминан кўрмаган-нетмаган бўлсангиз, ия, айтаберасиз-да. Бари молни қирасизми энди улоққан ит қишлоқни оралади, деб? Кимнинг моли қутурди-ю, сизники қутурсин. Хотини торикди. Раҳмонкул ўйланди: бир ҳисобдан бунинг гапийам тўғри. Лекин ...

– Э, қўй. Икки эчкиминан бир ғунажиндан айрилсанг қиёмат бўлмас. Худо кўрсатмасин, агар... Қўй, торикма, хотин.

– Ўзингиз биласиз, – деди хотини, сўнг ўйланиб қолди.

– Эмаса... – Раҳмонқул яна иккиланди. Сўнг деди: – Пастрамкаминам бир сатил красин опчиқ қани.

Номозгар ҳамма ёқ тинчиб қолган, шу пайт қир тарафдан аввал ғунажиннинг бўкиргани, бироздан сўнг эчкиларнинг зорланиб маърагани эшитилди. Кейин... анчагача кетмоннинг тарс-турс товуши келиб турди.

Қош қорайган пайтда биров уриб сулайтириб ташлагандай алфозда Раҳмонқул уйига кириб келди. Хотинига у: “Елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди-э, уч кундан бери уйқу йўқ эди”, деди ва огир хўрсинди.

V

Эртаси кун якшанба эди. Бозорга тушган Раҳмонқул кам эмас, кўп эмас, роппа-роса ўн кило гўшт кўтариб қайтди. Ундай-мундай эмас, сон гўшт эди. Хотини қувониб қолди. Эри ҳеч қачон бозордан бунча гўшт харид қилмаган аввал. Шуниси ажаб туюлди унга, “гўшт опкенг” демаганди ҳам, бу бўлса қонини силқитиб бир белбоғ гўштни кўтариб келаверибди.

Хотини ҳайрон бўлса-да, индамади: эрининг одатдаги бадқилиқларидан бири, деб ўйлади. У, бозор оқшоми, деб анча гўштни ошга босди. Кечқурун бир-икки қўшнилари ҳам чиқишди.

– Бу ишингиз бежай бўлди-да, Раҳмонқул ака, – деди Дўсан. – Мундай пайтда нафсибаландлик қилмаслик керак. Ҳов, қишлоқни чигиртка босган йили эсингиздами, бойловдаги новвосим шундай бўп қолди, денг. Отам жониворнинг устидан сув элади, элабтуриб боладай йиғлаб қўяверди. “Раҳматилланинг суннатига боқаётгандим сени”, дейди. Эй, борсин, дедим... молни ўйламанг ака, омонлик бўлсин, омонлик.

Раҳмонқул ҳадеганда одамга эл бўлавермайдиган, ароқ деса ўзини томдан ташлайдиган қўшнисидан

бундай гапни биринчи марта эшитиб туриши эди. Унинг гапини маъқуллади. Раҳмат айтди. Лекин яна гап нукул шунинг атрофида айланавергач:

– Бўлак ҳангома қуриб қолганми? – деди жеркинқираб.

Шу-шу, мавзу ўзгарди, лекин гап айланиб келиб яна Ҳурзия янгага, унинг туя тишлаб қутурган отасига келиб тақалди, яна шу касофат ҳақида ўйлашга Раҳмонкул мажбур бўлди.

– Ҳаҳ, шўрлик-шўрлик. Ажали шундан экан, не қилсин, – деди Умарнинг шериги Дўсан. – Духтур тузатолмаса, мулла билмаса, табиб билмаса, Худога ялинсанг, бўлмаса. Норқулнинг челақлик ошнаси айтади, бир ҳамсояси бор экан, шунинг эшаги қутурадиган бўлиб қопти, буни пайқаган йигит бозорга опчиқиб сотиб юборипти. Энди қанчага пулласа пуллаган. Қайтиб келган. Кўнгли жойида. Ана шу йигит, ишонсангиз, қирқ кун ўтиб эшак пули касрига қутурибди. Кўрдингизми, даже пулгаям урар экан таъсири.

– Э-э, қўйинг бу гапни, – леди Умар. – Пул қандай қилиб қутуртиради, ахир? Эшакнинг ўзидан юққан бўлса керак.

– Эшакка ҳали ҳеч бало бўлмасидан сотган!

– Мундан чиқди, ҳаром пул ҳам қутуртираркан-да одамни, а? Йў-ўқ, бу ерда бир гап бор, ҳеч ишонгиси келмайди одамнинг. Йигит эшакнинг қутуришини билиб сотганми?

– Билиб сотган.

– Тавба, ҳеч ақлга тўғри келмайди-я!

– Ишонмайман, де? Ке. Гаров ўйнаймиз, ўша челақлик пандавоқиминан юзма-юз қиламан сени.

Ўртага иккита ароқни қўйиб гаров ўйнашди. Дўсан Раҳмонкулга юзланди.

– Қўлни кесинг, ака.

Раҳмонкул ичига ўт тушгандай типирчилаб қолди.

– Ҳозир, – деди-да, секин ўрнидан туриб, ошхонага чикди, бориб дамлаб қўйилган ошни қозон-позони билан даст кўтарди. Оғилхона ортидаги чуқурга элтиб қозонни тўнкарди. Сўнг кетмон олиб чиқиб ошнинг устига тупроқ тортди. Айниқса гўшти айириб олиб чуқурроқ кўмди, “ит-пит титиб емасин”, деди...

Қайтиб келгач, имлаб хотинини даҳлизга чақирди ва унга очиғини айтиб қўяқолди. Хотини яхши ният билан ошга босган гўшт ғунажинники экан. Ўзларининг ғунажининики...

– Эски гўшtdан битта ош қил...

– Бозорга бордим эмиш. Бозорга бормай ўлсин, шуйтиб. Одамларди алдаб, ҳаммани қутуртирмоқчи эдими?

– Қўй энди, унчаликка борма, – деди эри паст келиб.

– Давир тоғадан сўраб эдим, ҳалолгаям, ҳаромгаям юрмайди, жайра гўшти қатори, деб эди, увол бўлмасин, деб... Биздан ўтибди, кампир, қўй энди.

Аёлини умрида биринчи марта “кампир” деди. Айбига иқрорлигини сездирдиш, уни эркалаш учун... Лекин жуда ғалати эшитиларкан, ўзи уялиб кетди.

“Кампир” эса қозонни куйдира бошлади...

VI

Эртаси кун қишлоқ фелъдшери Шариф кириб келди. У Раҳмонқулнинг ити касал бўлганию молларини куйдирганидан хабар топган экан. “Куни эртадан қолмай болларингизни, беморхонага ётқизинг, укол олишсин. Ўн иккита уколи бўлади, киндикдан. Шуни олиб, сўнг қайтиб келишади”, деди ва район касалхонасига йўлланма ёзиб берди. Раҳмонқулнинг хотини, икки ўғли, икки қизи – ҳаммаси, улар қайтишгач, Раҳмонқулнинг ўзи ҳам бориб ётадиган бўлишди.

Шариф билан бирга-бирга бориб, Раҳмонқул Тенглашникига қайрилди. Қишлоқда ундан бошқанинг улови йўқ Райондан машина чақирай деса, бориб келгунича хуфтон бўлади.

– Жўра, хижолат бўпқолдим энди, – деди у гарчи Тенглаш ўзидан ўн ёш кичик бўлса ҳам “жўра” деб, сўнг вазиятни тушунтирди. – Касалликнинг олдини оладиган тўққиз-ўнта уколчаси бўлармиш, уч-тўрт кун туриб келишсин. Шунга бир юкиниб келувдим. Мошининг билан...

Тенглаш тилла йигит. Дарров кўнақолди.

– Майли-майли, мен бормасам ким оборади, ака?! – деди у. – Одамнинг қадри бошга иш тушганда билинади-да. Эй, акам-эй.

Раҳмонқул ҳам уни алқади. Бу яхшилигининг тўйларингда қайтарайин, деди. У уйига қайтиб келиб кампирини кузатар экан: “Тирикчиликдан унча қайғурма, – деб тайинлади. – Қўни-қўшни, нариги томонда келинлар бор. Беш-ўн кун бир илож билан ўтар энди”

“Кампири” ҳалқумида тўпланган йиғини ҳарчанд яширишга уринмасин, ихтиёрсиз равишда ўзи фош бўла бошлади. Кўз ёшлари шудрингдай бўлиб киприкларига илинди, илинди-ю, булоқдай тошиб келаверди, ахийри, хўнграб йиғлаб юборди. Ким билсин, балки бу йиғи ожизликдан хўрлиги келган кўнгилнинг нолаи зоридир. Эҳтимол, тинчини бузган касофатга норозилиги аломатидир. Балки, бунчалар баландпарвоз сўзларга у арзимас ҳам. Ҳар нечук шу аниқ эдики, табиатнинг ғайриоддий таҳдидига чидай олмаган шўрлик ўпкаси тўлиб йиғлади...

Раҳмонқул касалхонадан қайтгач, бориб бўлимдан мол докторини чақириб келди. Қолган жониворларини бирма-бир эмлатди Кенжатоининг “жийрони” қора тайхар ҳам, ҳатто мушук ҳам бундан четда қолмади.

VII

Кеч кирди. Раҳмонқул пича енгил тортгандай бўлди. Бир чақирим наридаги қўрага – қўйларига емиш солиб келишга отланди. Қайтишда тоғасини кўриб, бўлиб ўтган гапни айтиб беришни кўнглига тугди. Бораётиб, тўрт ҳовли наридаги қўшниси Ялғошнинг уйи биқинидан ўтаётиб, оғили олдида дўмпайиб ётган қўрага кўзи тушди. Ҳайрон бўлди.

– Бунинг нима, Ялғош? – деб сўради.

– Э, сўраманг, эшакни ўлдириб олдик, ака.

– Йўғ-э?

– Шариф дўхтур болаларни алдаб, “итингга берсанг, ичидаги қуртини ўлдиради”, деб иккита дори ташлаб кетган экан. Болалар шунинг бирини итга, бирини эшакка берибди, денг. “Қурти тушганини кўрайлик”, деганда тушмагурлар. Эшак-ку, майли, қурғур итлигига бориб тандирнинг ичига кириб ўлибди. Кечадан бери ўт ёқамиз, тагин бир касри тегмасин, деб Ҳамсоясининг аҳволига унинг ичи ачишди.

– Кўргулик, – деди. Ва шуни англади: бу ёруғ оламда тагин бир умумий дард бор экан, у ҳам одамларни бир-бирига яқин, кўнгилчан, айна пайтда янада мунис қилиб қўяр экан. Дарди бир, ташвиши бир кишилар бир-бирига, дардларига малҳам бўлишни исташар экан. Шунданми, Раҳмонқул ўзи тенги қўшнисига дабдурустдан насихат қилиб қолди:

– Нимасига қайғурасан? Бош омон бўлса бас, буёғига куюнма. Эшакниям кўмиб ташланглар, буйтиб дўмпайиб ётмасин, энди не бўлса бўлибди, ўтган ишга саволат.

– Кўмишга кўмаверамиз-ку, бу қочмайди, – деди Ялғош.

– Кўммасанг сасиб кетади, ҳаммани гаранг қилади, – жеркиб берди Раҳмонқул.

– Буни ўзимам биламан, лекин ишга пешком қатнайдиган бўлдик-да, энди, шунга қуяман, – деди қўшниси.

“Оббо, бунинг дарди меникидан ошиб тушди-ку”. Ялғошнинг ўн чақирим наридаги посёлкада ишлаши, ишга эшақда қатнаши Раҳмонқулнинг эсига тушди. Унга ачинди, бир кўнглини олгиси келиб қолди.

– Ана, бор бизнинг мочани мин, ҳайда. Ўзи илдам. Худога шукур, бизда от бор. Кунимизга ярайди. Отни сўрасанг ҳам бераман! – Катта кетди у, яна қўшиб қўйди: – Ҳеч фалокат бўлмабди-ку, ахир, шунга қувонмайсанми!

Раҳмонқул ҳозир қўрага боради. Қўйларни даштдан ҳайдаб келган шериги билан охурларга ем-емиш солади. “Тўкиб-сочиб емайсанми, майли”, деб охурни тўлдириб солади. Бундан унинг кўнгли ўсади.

Ҳаммага, ҳатто шу жониворларга ҳам яхшилик қилгиси келади унинг “Тирик жон омон бўлсин, – деб қўяди ичида, – бало-қазодан Худо сақласин”.

Қайтишда, албатта, тоғасиникига киради. У кишига шуларни ва тахминан шунга ўхшаш гапларни айтади. Кейин, аввал-бошда тоғасига очиқ айтмагани учун узр ҳам сўрайди. Бош эгаси. Тоғаси нима деса, бундан буён шундай қилади.

VIII

Шом чўкиб бормоқда эди. Раҳмонқул отига қамчи уради. Дили равшан тортади. Аллақандай ашулани ўзича хиргойи қила бошлайди

...кейин бало аригач таҳлика унутилади ва шуни эслаб одамлар қулиб юришади.

1987 йил

ОФАТ

Қишлоқни, уй-пуйлару пишиб тўкилаётган зардолларгача – бари-барини ер ютиб кетадиган бўлди-да. Бус-бутун замин ҳадемай тарс ёриладию ҳамма шу ёриқдан унинг қаърига тушиб гумдон бўлади. Момонинг ўйича, ҳеч ким омон қолмайди. Аммо... қишлоқдан шаҳарга, чўлга чиқиб кетганлар-чи? Ёки қўшни посёлкага қатнаб ишлаётган Шалдирбойга ўхшаш шопир-попирлар-чи? Момо шуларни ўйлаб, ҳеч ўйининг адоғига ета олмасди. Инсоф билан айтган-да, ер ютадиган бўлса ҳаммани бирдан ютиши керак. Бунинг устига Шалдирбойнинг мошинаси... кўп бесўнақай...

Нима бўлганда ҳам Тилла кампир шундай кун келишига шубҳа қилмас ва ҳатто Зиннатнинг қирқилган сочи тугул Шалдирбойнинг шапкасигача – ҳамма-ҳаммаси ернинг ёригига тушиб кетишини даҳшат билан кутарди...

Тилла кампир бундай ўйга бормаслиги ҳам мумкин эди, лекин бултур шундай бўлган-ку! Фаровонми-Мировонми деган қишлоқни ер ютган-ку! Ҳурлиқо кампир буни кўрган, кўрган бўлмаса ҳам кўргандай қилиб айтиб берган! “Фаровонми, Мировонми, эсимда йўқ, ишқилиб, бурун замонларда Гўрўғлиминан Аваз, Мисқол парилар кеп қирқ кечаю қирқ кундуз дам опкетган жой экан. Бир сири бордир-да. Бурноғи йил шу жойнинг одамларидан пир кетди, чироғим. Бир тўйда эркаги аёлминан шайтонлаб ҳай ўйнади, ҳай ўйнади. Эстрад қип, қизлари кўкрагини очиб ўйнади. Бир пайт десангиз қасир-қусур қилиб

ер тарвуздай ёрилса бўладими! Ҳалиги шармандалар шовшабгина тўкилди-кетди. Яратганнинг қаҳри келган-да”.

Тилла кампир гўнг титаётган ҳўрозига тикилганча туриб қолди “Сенгинаниям ер ютади-да, – деб ўйлади, – қандай кунларга қолдик. Ҳўрлиқоям...”

Ҳўрлиқо кампир “ўпкам” деб читиниб юрарди. Қув-қув йўталиб, ахийри, кетди-борди боёқиш. Тилла кампир якка ўзи қолди. Ўйлаб қараса, тенгиларидан ҳеч ким қолмапти. “Ҳиййа” деб гапини маъқуллаб турадиган одам йўқ. Ўкинчи шундан. Ҳўрлиқо кампир омон бўлганида унга бориб айтарди: “Ай, дугона, эшитдингма?”, “Нени!”, “Нениймиш, Сарибойнинг қизини-да!” “Ҳа-а-а...” “Қишлоқни шарманда қилди-ку, жувонмарг...” “Эй-й охир замон денг. Ўлдик энди, Тилла! Ер ёрилади, ер ютади ҳаммамизни”.

Кампир биринчи кунни ҳўрозни ошга босди, иккинчи кунни товўқни... ер ютадиган бўлгач... Кутди, кутаверди, лекин офат ёғилмади – Ер ёрилмади. У яна бир товўғини сўйиб, шўрва қилмоқчи эди-ю, фалакнинг ишига тушунмай... гарангсиб туриб қолди. Ҳамма ёқ тим-тирс, одамлар хотиржам, ана, бир-бир чўлдаги қариндошлариникига – тўйга кетишяпти, думоқлари чоқ. Кампир ҳайрон бўлди, йўқ гап, шекилли, деб шу кеча хотиржам ухлади. Аксига олиб фалокат худди шу кунни ёпирилди...

Кампир туш кўрди. Тушида Сарибойнинг қизи қаймоқдай сонлари лорсиллаб югуриб юрган эмиш. Кампирнинг олдига келиб, жўртага рақсга тушармиш у, ўзиям шу қадар катта эмишки, кампир унинг тўпигигаям тенг келмасмиш, шундай бўлса-да, у ҳеч тап тортмай қарғайверибди. Сарибойнинг қизи бўлса оппоқ сонларини селкиллаб, муқом қилиб, кампир қичқирган сайин авжга минармиш. Тавба, унинг эғнида кийим бор эмиш-у, белидан пасти яланғоч эмиш. Кампир қарамайин деса бўлмасмиш, атайин унинг

учун ўйнаётганмиш-да, қаёққа юзини бурса, шу ёққа липиллаб ўтармиш, баҳайбат оёқлари билан ерни ларзага келтириб тепармиш: “Гум-м, гум, гум-м”.

Тилла кампирнинг кулоқлари қоматга келди. Сачраб уйғонди. Сездики, оғзини каппа-каппа очяпти-ю, бақи-ролмаяпти. Гумбурлаш кунчиқарга учиб ўтадиган аэроплан ғовурига жуда-жуда ўхшаб кетарди. Кўча четида кучук вовуллади. Оғилдаги молларнинг патирлаши, сўнг ғунажиннинг қаттиқ “мўла”гани эшитилди. Кампир ўрнидан туришга уринди, қараса, худди биров туртиб юборгандек, шишачироқ лангиллаб ўйнаётир. У қўрқиб кетди. “Чироқ мунча чайқалмаса?” Ҳалиги ғовур ҳам тобора кўчайиб боряпти-а: “Гумм-ммм...”

Ўтакаси ёрилаёзган кампир ниҳоят, зилзилани пайқади. Хира тортган кўзлари бирдан равшанлашди. Барибир, қарилик – қарилик-да, тураман деб, орқага ағдарилиб тушди. “Ўлсин-эй” деди куймаланиб. Сўнг ўзига ярашмаган эпчиллик билан ирғиб турди. Дадил эди шу тобда. Бунга сабаб – “зилзилада йиқилган ўнгмайди”, деб эшитганди. Шундан қўрқди. У бориб, ғафлат босиб ётган ўғлини ҳам турғазди.

Фалакнинг карами кенг-да. Буни қаранг, шу уйни зилзила теп-текис қилиб ташлаши мумкин эди, бироқ яна: “Ке, қўй, шу Тилла кампир ҳам тўрт кун умр кўрсин!” деди, шекилли, анчага довур огоҳлантирди, она-бола эсон-омон ташқарига чиққач, бир гувранди – девор ёрилиб кетди. Шунда кампирнинг миясига қон урди “Вой яшшамагур! Вой, нас босган, сенинг касрингга уйим бузилди-я!” – У яна Сарибойнинг қизини қарғай бошлади. Ўзи бироз анди эди. Ҳеч маҳал етти марта ўлчаб, бир кесмасди. Ҳозир миясига келгани шу – Сарибойнинг қизи, кейин Сарибойнинг ўзи, хотини бўлди “Нега энди кўплашиб-қўмаклашиб шуни йўлга солишолмайди-а? Ахир қиз бола бўлса... Қандай чидаб турар экан Сарибой?”

Ўша кунни у ўғлига ҳаммаси тўқликдан, ташвиш йўқлигидан деб айтди. Кейин қўшиб қўйди: “Одам деган номусини унутдими – орқаси палакат деявер!” Хурлиқо кампирдан эшитганларини ҳам айтиб берди. Кейин ёзғира-ёзғира бошидан ўтганларни, қийинқистов йилларда кўрганларини мингинчи марта нақл қилди. Ўғли жеркинса-да, кампирнинг жаҳли чиқмади. “Шунчалик қийинчилик кўрсам ҳам, ўттизга чиқмай бева қолсам ҳам чидаганман, сени ўйлаганман”, деди у мингинчи марта. Ўғил эса бу гапларни эшитишни истамайди, кетиб қолган хотинию қизчасини ўйлади шу вақтда: “Уларнинг аҳволи не кечдийкан!”

“Диркиллаган эчки...”, “Шўртумшук”. Ўғил мавзу хотинига кўчганлигини фаҳмлади. Билади – хотини шундай, лекин нима қилсин? Нега онаси келинининг шўртумшуклигини юзига солади? Шундай деган билан у ўзгариб қолмайди-ку, ахир. “Мотам тутавермай каллангни кўтариброк ўтир. Ҳали қўйнингга шундай ғайрати тошган, бошида кўтариб юрадиган қизни солиб қўяйки...”

Кампир ростдан ҳам зилзила бўлганлигига, яъни ер ёрилмаганлигига ва ўзларининг омон қолганликларига энди ишонганди. Шукр қилиб ҳовлида у ёқдан бу ёққа юрар, челақ, супурги, яна алламбалоларни – жанда-жундаларни наридан берига ташир, нега ундай қилаётганига ўзининг ҳам ақли етмас эди.

– Бу ёққа келинг, опа! Молларингизнинг бариси ўлиб ётибди!

– Вой, ўлайин-ай, вой ўлайин, – кампир қўлидаги супургисини отиб югурди. Шошганидан ўзи ташлаган супургига қоқилиб йиқилди. Титраб-қақшаб турар экан, ўғлига жавобан ғўлдиради: – Худога шукр деб ўтирсам... палакатнинг бари бу ёқда де!

Молхонанинг сой бетидаги девори қулаб тушган, бу-ку, майли-я, касофат сигирнинг бўйнидан хари босиб қолганди. Шўрлик сигир оёқларини қарсиллатиб ерга урар, остидан калласини суғуриб олишга уринар-

ди. Кампир бориб унинг қулоғидан тортди. Уддасидан чиқолмагач, ўғлига бобиллади:

– Келсанг-чи, нега анграясан?

– Қочинг, ўлмоқчимисиз томнинг тагида қолиб! – деди ўғил ҳам бақириб.

Кампир бир нима деб тўнғиллади, кейин харини итариб бир қўли билан сигирнинг шохидан тортди. Гуё шу кучи билан молни хари остидан тортиб чиқариб қўядигандек.

Оғилнинг сойбет девори қулагани билан бошқа томонлари бут. Лекин ўртадаги шопил оғиб кетган эди. Уни суяб турган устун ҳам қийшайиб қолган, шопилга чандиб боғланган симларгина майишиб зўрға тутиб турарди уни. Том сувоқлари, сувоқ остига босилган янтоқлар қоп-қорайиб осилиб қолган, том шу ҳолида қай вақтгача “жон сақлайди”. Лекин Тилла кампирнинг бу билан иши йўқ, сигирдан сира айрилгиси келмасди шу лаҳзада.

– Қочинг! Ҳозир том босиб қолади.

Ўғил югуриб бориб онасининг енгидан тортди ва уни ташқарига олиб чиқди.

– Каллангиз ишлайдими ўзи? Ўласиз-ку!

– Сигир ҳаром ўлса майлими? – деди онаси, унинг гапига эътибор бермай.

Ўғил ниманидир эшлагга уринди, кейин ғаллахонага кириб ойболтани кўтариб чиқди ва бориб сигирнинг нақ бўйнидан чопди, тизиллаб отилган қон билан гига сачради. Сигир хирқираб қолди. Жон халпида оёқ қоқа бошлади.

Кампир анг-танг бўлиб қолди. Қўни-қўшнилар тўпланди, ким тўрт кило гушт олди, ким беш кило. Шундай қилиб, кампирнинг суюмли сигиридан ному нишон қолмади. Эртаси куни оғилхонанинг бўлак деворлари ҳам қулаб тушди Кампир эса Сарибойнинг суюқоёқ қизини ер муштлаб қарғаб қолаверди.

Кузнинг бошлари. Кеча сутдай ёруғ. Кампир келини билан аразлашиб юрган кезлар. Ўғли тунги смена-

даман, деб ишхонасида қолиб кетади. Сув навбати келган-у, экинни суғорадиган одам йўқ. Шундай бўлгач, унинг ўзи кетмонни кўтариб чиқди. Олдин токзорга таради сувни, сўнг бедапоёю маккажўхориларга. Бир хаёл бориб ётмоқчи бўлди, яна сув уриб кетмасин деб, эрмакка жун титиб ўтирди...

Бир пайт кампир сувдан хабар олай деб келса, шайтон ораладими, ҳарқалай, макка шитирлаб қолди. Кейин икки шарпа ичкаридан чиқиб икки томонга қочди. Калтабақай йигит югуриб бориб қатор экилган наъматакларга ўзини урди. Ниҳоят, шохларини синдириб чорбоғдан чиқиб кетди. Кампир аввалига кўрқди, кўрққанидан ҳеч нарсага тушунмай анқайиб турди. Шу чоғ ярим яланғоч ҳолда ура қочган қизни кўрди-ю ҳайрон бўлди: “Авратпўшиям йўқми жувонмаргнинг!” Сочи қирқилган экан, таниди. “Вой шарманда-а-а!” Кейин қарғади. Қарғади-ю, ўзи кўрқиб кетди: “Энди ер... Яхши бор, ёмон бор...”

Сигиридан айрилгач, молхонаси вайрон бўлгач, кампир буткул тинчини йўқотди. Бу ёғи куз келиб қолган, эрта-индин қорли-қировли кунлар бошланади. Токларни қирқиш, кўмиш, маккани ўриб-йиғиб олиш керак. Бу камдек, молхона бундай жайраб қолди.

Кампирга алам қиларди: “Нега ҳеч кимнинг оғил-поғили қуламади, ақалли ёрилмади ҳам. Гуноҳга ботган Сарибойнинг қизи-ку! Нега бало менинг оғилимга урди!” Энди турмушга чиққан кезлари қайнотаси қуриб берган молхона аллақачон путуридан кетганини, харилари сондан чиққанини сира унинг тан олгиси келмасди. Ҳамма-ҳаммасига, ҳатто ишлари орқага кетаётганига ҳам Сарибойнинг ер ютгури сабаб, деб ҳисобларди. Ахийри бўлмади. Сабри тугагач, ҳап, сеними деди-да, кампир йўлга чиқди: “Зиннатни би-ир юлиб келмасам! Ҳа, уйинг куйсин сени! Ўзингни расво қилганинг бир сари, қишлоқниям булғадинг-а, беномус. Мана, оқибати. Ҳали кам бу!..”

Кампир пастки ҳовлидаги ҳамсояси Ҳалимага ҳам “юр, бирга борайлик” – деб кўрди. Йўқ, Ҳалима унамади: “Қўйсангиз-чи, сиз билан менга нима – шунча эркак турганда. Бир оёғингиз...” Шунда Тилла кампир: “Рост, нима қиламан аёл бошим билан, уятдир!” деган ўйга борди. Кейин бузилган молхонаси ёдига тушди. “Ҳадемай қиш тушади, ким менга молхона қуриб беради энди?” Яна Зиннатни қарғади, алами тарқамади. Дока чорсисини бошига ташлаб, пистокни жегдасини кийиб, йўлга тушди. Қирни айланиб ўтатуриб, Сарибойга айтадиган гапларини ҳам ўйлаб олди: “Қизининг газитда ишлашини айтмайман. Мисол учун мени муштум қилиб ёзса нима қиламан? Нега деганда қўлидан келади-да жувонмаргнинг. Йў-ўқ, бунисидан кўрқмайман. Сенинг қизингни газитга ёзадиганлар ҳам бор, дейман. Абдимуродга айтаман, боплаб қизингни муштум қилади, дейман. Холдор чўпонни бир муштум қилган эди, кўрдинг-ку, қамалиб кетди. Агар қизингниям, “шу суюқоёқ енгилтаклик қилмаганида Тилла момомизнинг молхонаси қуламасди” деб ёзса, неча пуллик одам бўласан, беор!” дейман.

Кампир ким йўлиқса шу гапни айтарди.

Нарзулла муаллим ундан кулди:

– Бориб, Сарибойнинг калтагини еб келманг тагин.

– Калтак есам ерман, лекин айбини бўйнига қўйиб келаман.

– Ўзингиз биласиз, – қулиб қуйди муаллим, – ҳарқалай, сиз айтган замонлар ўтиб кетган, чеча...

Дарвоза олдида бойлоғлик ит турарди. “Вой, уйинг куйгур, кучук боглаб қўйгани нимаси! Шунга айтади-да, ёмоннинг бир қилиғи ортиқ деб”. Кампир кесак олиб итга отди. Ит вовуллади. Дарвоза табақаси очилди.

У дарвозадан ичкарига мўралади. Ёттинчи синфда ўқийдиган Сарвар супада кичкина укасининг иштони-ни юваётган экан.

Қизча бошини кўтариб, унга қаради:

– Уйга киринг, момо.

– Кираман, кираман, лекин... Юр қани сен ҳам, қизим.

Қизча кампир бесар келмаганлигини пайқади.

Қўлини артди. Ичкарига киришди.

– Қизим, – деди у Сарварга ўгирилиб, – ўтир мундай. Мен кўп ўтирмайман, чойга унама.

Қизча чўккалаб унга қаради.

– Асли отангами, онангами, айтишим лозим эди-ку, отанг йўқ экан, онанг... Ҳеч бўлмаса сенга айтиб кетай. Зиннат опанг қайда?

– Самарқандда.

– Шу опанг... дуруст чиқмади.

– Бировлар шундай дейди. Нима қипти опачам?

– Бузуқлик қилди. Нечта эркак билан юрди. Бу туришда ҳали палакат кўп бўлади, қизим.

– Ундай эмас. Ўзи шеър ёзади. Опам...

– Бошқа иш қўлидан келмагач, шеър ёзади-да бу...

Қизча хафа бўлди.

– Нега ундай дейсиз? Газитдаям чиққан.

– Сен билмайсан, қизим. Мен кўп одамдан эшитдим, жуда кўп одамдан. Эл билади. Кейин опанг сочи-ни қирқди. Ҳозир иштонсиз юрибди.

– Сочини қирқтирса нима қипти? Яхши-ку қайтанга...

– Яхши эмас! Опанг бузилган, билдингми! Ҳа, майли, мен тентак ўзи нега сенга минак қоқаяпман. Ҳа-а, биласанми нима, илгари тоғнинг нарёғида Фаровон деган қишлоқ бўлган. Шунинг аёллариям яланғоч бўлиб, ўйин тушишган эркакларминан. Бу Худога ёқмаган, охири шу қишлоқни бус-бутунича ер юти-иб юборган. Сенинг опанг ҳам ҳали кўп касофат келтиради деб қўрқаман-да. Зиннатга айт, бу йўлдан қайтсин!

Қизча тумшайиб қолди, лаблари бурилди.

Тилла кампир қирдан ошиб келар экан, ўз-ўзича ўйлар эди:

“Буғалтир бўлди – бўшади, газитда ишлади – бўшади, шеър ёзди – бўмади. Мана энди Самарқанддай-

миш. Нима иш битиради у ерда? Тавба, газитгаям ҳар хил одамни олаверайкан-да”.

Қўшниси Абдимурод ҳам ёшлигида ул-бул ёзиб ҳавасманд бўлиб юрган. Ҳозир қишлоқ Советининг котиби. Унинг бу ҳунари кампирга ёқмас, “эркаклар қиладиган ишни қилсанг бўлмайдими?” дер эди. Ҳозир қўққисдан шу эсига тушиб қолди. Кечқурун уни чақиртирди.

– Болам, бир вақтлар сен ҳам ғазал ёзайдинг, ёзган-даям мана шу бузуқдан ўтказиб ёзайдинг. Қўлингдан келади-ку, а, шуни катта китоб қип ёзиб бир шармандасини чиқармайсанми?

– Қўйсангизчи-е, нима деб ёзади буни? – жеркиди қўшниси.

– Ҳамма қилиқларини ёз. Қишлоқни шарманда қилиб, кейин Самарқандга қочиб кетди, де. Бир бечора онаси бор эди, шунгаям ичи ачимади, мабодо кўча-кўйда кўриб қолсанглар – сочи қирқилган, оти Зиннат, оёқлари Тилла момонинг белидай бор, – қиз эмас у бузуқи, қишлоқни расво қилди деб, ишқилиб келиштириб ёз-да.

Абдимурод кулди. Кейин тушунтирган бўлди.

– Бундай деб ёзса чиқармайди.

– Бўлмаса, газитга ёз, болам.

Кампирнинг қистови билан газетага ёзадиган бўлишди. Кампир айтди, котиб ёзди: “Бизларнинг Қўрғон қишлоғимиздан битта эрсираган чиқиб қолди. Кейинги вақтларда жуда бузилиб кетди. Чоршанба куни у бир калтабақай йигит билан бизнинг маккайимиз ичида бузуқчилик қилишган. Биздан бошқаям кўплар билади буни. Оти Зиннат”.

Шундан кейин момо қизнинг ота-онаси, уйлари-га боргани ҳақида гапирди, охиrhoғида эса “агар шу қиз бузуқчилик қилмаганида зилзила бўлмас эди”, деб айтди. Хат тугагач, ориқ, қалтироқ қўли билан эгри-бугри қилиб имзо чекиб қўйди...

1988 йил

АЛЛА

Мухтасар ака янги уй қуриб олгач, эски уйи қошидаги оғилхонаси узоқлик қилиб қолди. Шундай бўлсаям янги уйга бор бисотини сарфлагани учун бошқа оғил қураман деб роса уч йил тиршанглади. Бульдозер текислаган ўриннинг ҳам тупроги чириб, нишаблари ўпирилиб, яна бир марта текисланадиган бўлиб қолди. Эски молхонаси уйидан анча йироқ, нақ жарнинг лабидаги жин урган ерда жойлашгани туфайли қизлари совуқ тушган пайтлари сигир соғишда овлоқсирашарди.. Мухтасар ака қизларининг танбеҳларидан безиб, ҳар дакки эшитганида, шу йил, албатта қурамиз, деб онт ичиб юрди. “Шу йил, шу йил” билан роса уч йилни ўтказди-ю, мана энди ишга киришмаса бўлмай қолди. Охир тирамоҳ бўлса, ёғин-сочиндан қўрқмай, шу йил ёздан турмуш қила бошлаган янги хотинининг эркакча койишлари далдасида ишни бошлади. Мажбур эди-да, илгари бир ёқдан иқтисодни ўйлаб чўчирди, энди бўлса икки эмас, олтита боласи бор. Эси кирганининг ҳаммаси шуни гапиради, биз ҳам ёрдам берамиз, қийналмайсиз, дейди. Хотини бир куни Тўрабек жўрангиз “напармон” деб яхши от қўйган экан, аёл киши бўлгандаям шу ишни аллақачон битирган бўларди, деб қолди. Шундан кейин ўзининг қарамидаги хўжалик боғигаям бормай чин дилдан ишлади: “Майли, сен айтгандай бўлсин. Мана, у ёқниям қўйдик. Молхона битгунча кечдим ўша ишидан!”

– Гап бу бўпти-да, э...

Аввал тагпахсасининг жойини қазиб чиқди. Сўнг терак қирқиш ташвишига тушди. Қишлоқ фельдшери Қурдош аканинг бир сой терағи бор эди. Ўтгизтасини илтимос қилди. Бу замонда уй кўпайгани учунми, ёғоч дегани заҳардан қиммат. Элликдан қўл олишиб зўрга кўндирди. Қулатишнинг ўзига ўн кунча имиллади. Якка-ёлғиз ўғли ҳам ўзига торггани учунми, унча шошилмади. Икковлон ётқизилган теракларни қирга олиб чиқамиз деб адойи тамом бўлишди. Охири куёви билан унинг укасини ҳашарга чақиришди. Олиб келинадиган кун машинанинг тайини бўлмади. Дўсан шофёр икки ҳафта алдади. Мухтасар аканинг бўш феъли учун шуям бир баҳона эди. Лекин хотини унинг орқасини ерга қўйдирмади.

Мухтасар ака илгариги хотини қаёққа пуфласа ўша ёққа учарди. Хотини кутилмаган тасодифдан вафот этганидан сўнг эса иш бошқарувчилар бўй етган қизлари – Муҳаррам ва Мунавварлар бўлиб қолди. Аммо улар тўғри йўлга ундашаётганини биларди. Ўзи эркак бўлиб бир ишни ўз билигича қилмасди. Хотинининг буйруқнамо насихатларига юзини терс қилишни истайди-ю, лекин жанжалга сира тоби йўқ. Улар кунимда топганим билан яна ажрашиб кейин нима бўламан, деб ўйлайди.

Эски молхонанинг ёғочлари ўнгиб, чириб кетган. Аммо катта қолип билан қуйилган ғиштлар бақувват эди. Тош аралаш қора тупроқли девори темирдай мустаҳкам. У ердаги ғиштларни янги жойга замбилда ташишга тўғри келди.

Мухтасар ака ўша жойнинг ўзидан ғишт қуяверайлик деган эди-ю, ўғли Нурали қўймади – нима қиламиз ташвишни кўпайтириб, кузнинг салқинида қуримай-диям, деди. Хотини бўлса, пичоғингиз қачон ип кесган, нимани хоҳласангиз шуни қилаверинг, дея жеркиди. Эрнинг жон-жонидан ўтиб кетди бу гап. “Пул олсанг ҳам шу тишлаб гапиришингни қўй, хотин” демоқчи бўлди-ю, ҳали хотинига бунақа гап айтиб ўрганмага-

ни учун тилини тийди. Почасини шимарди ва бош-кўзига қарамай ишлайверди. Нурали – якка-ёлғиз ўғли тепада туриб шунги билан ғиштларни бутунисича қўпориб пастга тушираверди. Отаси ва ўғай онаси замбил кўтарди. Сингиллари бўлмиш уч қиз ҳам қараб турмай синиқ ғишт бўлакларини ташиб туришди. Гуё улар ҳам иморат қуришнинг янги ҳаёт қуриш каби қийинлигини сезардилар.

Гулсара янга оқ рўмолини кўзигача тушириб, қисиб ўрайди. Келинчаклар каби уятчан кўринади. Яна худди келинчаклардай кичик-кичик қайинлариниям “сиз” лайди. Ҳазил қилса кўтаради. Не бўлса ҳам янги оила, шу эрга тақдирини, ўй-ташвишини бахш этган – кўтармай иложи қанча. Кексаларнинг нақлича оила – бўйинингта солинган бўйинтуруқ, то қудратинг тамом бўлгунча тортиб боришга мажбур эмишсан. Асли умрингдаги мазмун ҳам шу экан.

Гулсара янга кўпинча жиддий бўларди. Негадир ҳеч нарсадан кўнгли тўлмагандай кўринарди Мухтасар аканинг кўзига. Мухтасар ака ҳам кўпчилик тенгқурлари каби об-ҳавою нархи-навонинг авзойига қараб иш тутар, етти ўлчаб бир кесишга тиришар, лекин шунда ҳам ўз хотини билан ёзилиб гаплашолмагани учун ич-ичидан зиқ бўлаверарди. Хотини унинг ҳар ишидан нуқсон топавергач, ўралашадиган бўлди. Қараса, у нотўғри гапирмаётир, ишнинг бўларини ўйлаётир. Аммо шу тинчгина кўринган турмушда кўзга ташланиб турмайдиган қандайдир тушов-чигаллик бор эдики, Мухтасар ака буни йўқ қилгиси келарди.

– Сиз олдидан кўтаринг, ҳарна эр одамсиз.

Мухтасар ака бу қадар қитиққа тегадиган ҳар қандай гапни ҳам эшитиб, унча ғижиниб ўтирмади, ташийверди. Хотини ҳам баробар, сал ошириб айтганда, пешлик қиламан деб кўтарарди. Танасидаги кучга келганда ҳам эридан чандон устун деса бўларди. Миқтироқ-да, кейин ғўлабир. Мухтасар акага ўхшаб оёғи ҳам чалишмайди, тўппа-тўғри кетаверади. Ақлдан-да бир бўғин пеш, ғай-

рат кўрсатишда ҳам унга бўй бермасликка қурб и етади. Аммо ўзини тияди. Шунинг учун эрини олдинга ўтказди.

– Ўзингни чарчатиб қўйма, хотин, – деб ачинган бўлди Мухтасар ака. Лекин ўзи шу баҳона бир нафас ростлаб олмақчи бўлди.

– Майли, дам оламиз.

Куз қуёши ҳадемай тепадан кўр тўка бошлади. Кун ҳам бир тутам бўлиб қолган. Мол-қоллар-ку ҳозир ангорда, тезроқ молхона битирилмаса ўтлар ҳам ёмғирдан чирийди.

– Қани кўтардик, ҳадемай туш бўлади.

Мул чангли йўлакда калиш ва этик излари пайдо бўлар, ўғил эса ғиштларни ўпириб туширар, излар чангда кўмилиб қоларди...

Гулсара янга эрининг имиллашига тоқат қилолмайди. Ҳазиллашиб замбилнинг ортидан итариб-итариб қўяверди. Эри шунда сизди, жуда чақмоқ эмас экан – эрирган буям. Унинг ҳам ҳазиллашгиси келди. Пайт тополмай турди. Бир вақт хотини энгашиб, замбилга ғишт солаётганда тегишди: “Ўзунроқ қўйлак кийсанг ўласанми?” Хотини ҳазилни кўтарди. Ўзи қишлоқи бўлсаям: “Даврингизда посанг бўлиб юрайлик-да”, деди. Мухтасар ака билди: хотинига ёзилиб гапира оларкан. Аммо илгари бу қилиқлар аллақандай андишасизликдай бўлиб кўринди. Ёйинди. Ёйинди-ю, ғинг деёлмади. Ёйинг деёлмасди. Зеро, янги онанинг синашталиги ҳам худди бугун – янги иморат қурилиши арафасида билинмоқда. Мухтасар акага ишнинг буёғи ошондай кўринди. Руҳан кўкка чиқди. Оёқлари ҳам чалкашмади, аҳтимол, ҳозирнинг ўзида тарқалиб кетгандир чарчоғи.

Хотини тушлик тайёрлаш учун уйга кириб кетди. Мухтасар аканинг ўзи ғиштларни девор тагига қалаб қўяверди. Ёнида ғимирлаб юрган қизчаларини “уйга боринглар” деб дўқлади. Эрмакталаб болалар кетишмади, гўё улар ҳам янги ҳаёт қурилишида иштирок

этишаётгандай, ёрдамлашишаётгандай эди... Бир махал уларнинг каттаси – Гулжаҳоннинг қўлидан девор ёриғидан чиққан чаён чақиб олди. Гўдак эмасми, ҳадеганда чирқираб қолди. Отаси “ҳа-ҳа” лаб югуриб борди, тупроқ устидан ўрмалаётган чаённи кўриб ўлдирди. Қизини кўтариб уйга олиб кирганида хотини худди ўзини чаққандай ранг-рўйи ўзгариб кетди. Заҳрини олади, деб челақда ўсган патакгулдан кесиб босишди. Уни олиб янгисини босдилар ҳамки, қизча йиғидан тўхтамади. Ранги оқариб кетди. Тепа овулдаги докторни чақириб келиш керак бўлиб қолди. Мухтасар ака ўғлига буюрган эди, боргиси келмади, шекилли, “Ой-дав қушночга кўрсатсаям бўлади-ку”, деди танбаллик билан. Нуралининг онага бегоналиги худди шу ерда билинди.

– Бор, бўлмаса ҳақингни оласан, – дўқ қилди ота. Қараса, падарининг авзойи ёмон. Нурали индамай йўлга тушди.

– Эшакни миниб ол, – ортидан қичқирди Мухтасар ака.

Нурали қарамай қистаб кетаверди. Барибир докторни айтиб келди.

...Ўша куни – узум олая бошлаган, ёзнинг ўрталари эди чоғи, Накруддаги қизи Муҳаррам меҳмонга келди. Ўнғайсиз бўлди – қўни-қўшнилар ўғай она ва ўғай қизни бир-бирлари билан таништириб қўйишди. Ўша вақти Муҳаррам опанинг кўзи ёриб келолмаганди тўйга. У суриштириб билса, янги она ўзидан катта эмас, ҳатто бир ёш кичик экан. Урфни бузмаслик фарз – барибир она! Катта фарзанд укаларига ҳам бир-бирларининг ўғай кўрманглар, деб тайинлади. Ҳаммаси гапга кирди, лекин Нурали эл бўлмади.

Еттинчи синфда ўқийди – кирадиган эси кириб бўлган. Афтидан унга она даркор эмас, аммо...

Мухтасар ака юввош одам-да. Бир вақтлар жўраси Тўрабек акага ёрилиб, ўз орзусини сўзлаган эди: “Ўл-

санг, кампирингдан аввал ўлсанг. Қарилигингда – мункайиб кириб-чиқишга ярамай қолганинга биргина кампиринг ёрдамчи бўлади, ҳа, жўра. Ўғлинг – ўғил, қизинг – ўзганики, келин – ўғлингники, ақлинг кириб, эсингни таниб ҳидлашганинг – биргина хотининг. Шунинг учун у сенинг ўлигингни кўтаради. Охирги кунингача парвона бўлади. Шуларни ўйласам, юрагим зирқирайди, Тўрабек”. Жўраси унга тасалли берибми ё чинданми Оқмўлада эридан ажралиб тўрт қизи билан қолган жувон бор экан, ҳамуруғинг Холдор сенинг ташвишингда совчиликка бориб юрибди, деди. Холдор ака ишни обдон пишитиб бўлгандагина Мухтасар акага шипшиди. Мухтасар ака рози бўлди.

Ими-жимиди тўй ҳам бўлиб ўтди.

Одамзодга аталгани бир тўй экан-да. Ҳа, бир марта-си тузук экан. Сепсиз-несиз, тўрт болани кўзичоқлардай маъратиб, бечимилдиқ биров келди. Айни пишиқчилик – ёз эди, бортли машинада келишганди. Лекин Мухтасар ака хотинга ёлчиди. Тетик эди, тинмасди. Мухтасар ака қувонарди ичида. Жувон ҳам янги эр билан тез элакишди. У ўғай қизи Ўлбўсин билан ангор бўлган томорқалару адирлардан бир қишнинг тезагини қоплаб ташиб келди. Ўлбўсин оиладаги унинг энг яқин суянчиғи бўлди: аёл киши бошқалардан сўраб билолмайдиган сирлару танимайдиган қариндошларини сўраб-суриштирди.

Нурали тўрт қиздан кейин гўё нур бўлиб дунёга келган, унинг отини расм билан қўйганди онаси. Кичик қизидан кейин “Ўл–ўғил бўлсайди”, деб орзу қилдилар. Аммо қиз туғилди. “Ўл бўлсин энди, ул!” дея Ўлбўсин қўйишди отини. Кейин ул – ўғил бўлди. Ҳаттоки, ундан кейингиси Нуралининг укаси ҳам ўғил эди. Аммо у онасини нариги дунёга олиб кетди; бунинг гувоҳи – уруғнинг кайвониси Момогул момо. “Оймомо, агар ўғил туғсанг, исмини Жамол қўямиз, оламнинг жамолини кўришга қийналяпти”, деганди у. Чақалоқ

дунёга тескари йўлдан келди. Шунинг учун дунё унга насиб бўлмади. Онасига ҳам. Юзини кўрсатмади, дунё жамолини кўрмади ўзи.

...Ҳаммага элакишган, ҳамма унга маъқул бўлган келинчак Нуралини бағрига ололмади. Нурали унинг кучоғига сиғмади. Унга энди бошқа она керак эмас, отасини ўйлайди, отамга керак, дейди. Агар Нуралининг индамас бўлиб қолганини ҳисобга олмаса, бу оилани бемалол тотув, деб айтса бўларди. Мухтасар ака қизларини ўғай демади, қурби етганча кийдириб-ичира бошлади. Бўйинсалари: “Энди болаларингнинг бошини бошмоқлаёлмай қолсанг керак, а?” дейишганида, у мардона туриб: “Нима қипти, ҳаммаси қиз – бир бошдан сотиб ейман, ҳозирча боқиб турай”, деб қўярди. Ва шу билан ўзининг ҳам кўнгли таскин топгандай бўларди...

Нурали онасини “Тулжаҳоннинг опаси”, дерди. Ўзига эса сира гапирмасди. Она ҳам унга тирғалайверишни эп кўрмади. Нурали уйдагилар билан уришмас, хафалашмас, лекин боя айтганимиздай индамас эди. Бу отасига ҳам ноқулайлик туғдира бошлади. Ота кимни устун қўйиши керак бу хонадонда: янги хотин ва ўғай қизлариними ёки ўз зурриёдиними? Йўқ, у холис бўлади, бу ҳақда куйинади. Ўғлининг кейинги пайтларда умуман камгап бўлиб қолганлиги уни ўйлантирарди. Шунинг учун ўғилнинг ҳам ўғай она билан унча элакишмаслиги унинг айби эмасди.

Ҳадемай Улбўсин ҳам отасининг палахмонидан учди – Оқсойга келин бўлиб тушди. Тушган жойининг тупроғини ялаб, майсасини гуллатиб, ўзи илдизлаб кетди. Шунда у Нуралининг энг яқин кишиси эканлиги билинди. Назарида отаси ҳам энди уники эмас, мана шу арзандаларники, мана шу хотинники эди.

Ўғай онанинг ниятлари эса бошқа: Нуралига ҳам сеvimли она бўлишни хоҳлар, ўз фарзандлари ўрнида кўришга ҳаракат қилар, гирдикапалак бўларди. Бу

ҳаракатлар эса ўғай ўғилга ботмас, аллақандай сунъий, сунъий бўлмаса ҳам кўн нарса етишмаётгандек бўлиб туюлар, бунинг учун онани ҳам айблай олмасди.

– Агар огироёқ бўлмаганимда ўзимоқ бориб келардим-ов ўша дўхтурига, – деганди ўғай она ўшанда.

– Жаҳлинг чиқмасин, ана боряпти-ку, – тасалли берган эди Мухтасар ака.

– Э, кетмай кетувсиз қолсин, шунчалик ҳам тескари бўладими одам? Қачонгача ўғайлигимни эсга солиб туради?

Машариф духтур келиб икки марта укол берганди қизга. Яна патакгулни маҳкам босишганди. Қизча соғайиб ўйнаб кетди. У шўх, онасига ўхшарди.

Мухтасар ака молхонани нақ қишнинг тумшуғига бориб битирди. Сал бўлмаса моллари совуқда қолиб кетаёзди. Агар хотинининг тергови бўлмаганда шунга ҳам улгуролмасди. Ўзи ҳам хотинига эҳтимол, бир кунлари миннатдорчилик билан айтгандир.

Оиладаги биринчи ўзгариш оғил қуриш бўлса, иккинчиси ундан ҳам катта бўлди: қишда фарзанд – ўғил кўришди. “Яхши бўлди, Нуралига жўра туғилди”, – деб қувонишди. Болага ирим билан Жамол деб исм қўйишди. Лекин бунини бошқа ирим билан – Нурали билан жам бўлиб юрсин, деб қўйишди. Момогул момо – отам замондан қолган кампир гирди-балони билади-да, бу гал ҳам у киши ўзининг аввалги тадбиркорлигини кўрсатди. Ким билсин, Нуралининг аввалги укасини эслагандир, эҳтимол.

Дунёнинг янги жамоли Нуралига ёқди. У оилада биргина шу Жамол билан тортинмай “суҳбатлашарди” – уни кўрганда яйраб кетар, эркалатар, кулдиар, сўғич сўрдиарди. Онаси ҳам бемалол иш тайинлайдиган бўлди. Она бунга ўзини ҳақли деб биларди... Жамолни ҳамма яхши кўрарди. Нуралининг Жамолни эркалатгани унинг бошқаларни ҳам яхши кўрганидан аломат берарди.

Ёз келиб Жамолни ҳовлига, зардоли остидаги ел-бешикка беладилар. Кечаси Нурали каравотда, бошқалар эса супа устидаги кўрпачаларда ухлашарди. Бир куни кўзи илинаётганда Жамол бирдан йиғлаб қолди. Онаси уни овунтириш учун алла айта бошлади. Нурали ҳали ўгай онасининг оғзидан алла эшитмаган эди.

Алла... Дунёдаги энг соф, энг оҳангдор, эрка туйғули, қалб кўри билан куйланадиган оналик кўшиғи. Бу кўшиқни куйлаётганларнинг меҳри қанчалик иссиқ бўлади. О, ҳаммага ҳам насиб этсайди бу кўшиқ!

Нурали бирдан ўзининг онасини эслади. Кечалари мойчироқ атрофида қўй жунини титиб ўтиришарди. Онаси, гарчи Нурали ҳали гўдак бўлса ҳам “Нуралига гиламлик, хотини иккови ҳали шунинг устида думалайди” дер эди. Нурали эса бу гапни уят деб билгани учун қикирлаб куларди. Онаси ҳам ҳазиллашишини қўймасди. Гўё шу билан бутун оналик меҳрини қондириб олар, ҳатто айтаётган эртаклари-га ҳам болаларининг исмини қўйиб айтарди. Нурали кўпинча Алпомиш, Рустам Муродхонларнинг ўрнида бўлар, ҳар бало-қазоларни енгиб юрар, шу қадар ғурури тошиб кетар эдики. Ахир у бутун бошли катта халқини, Ватанини қутқарар, гоҳида қонхўр подшоларни қилич билан чопиб ташлар, минглаб душманларни бирма-бир ўлдириб чиқарди. Бир гал онасининг эртаги тугаб қолиб: “Бўлди, ётинглар энди” – деди. Қизлар билан қўшилиб Нурали ҳам “айтинг-айтинг” деявергач, бўлмаса чақалоқликларингда эшитган аллани айтаман, деб куйлаб кетди. Нурали тўрт ёшлар чамаси ёшгина, аммо опалари катта – эсайиб қолганликлари учун бир-бирларини туртишиб кулардилар. Ўшанда мутаассир бўлиб тинглагани учунми, эсида қолганди.

Аллага ҳам Нуралининг отини қўшган эди онаси:

– Чамбилбелнинг ой даласи даладур,
Ой далада бир қўй ётиб қолодур.
Қўй жонворни Нурали билан,
Улбус ҳайдаб келодур-эй-эй.

Угай она ўша қўшиқнинг куйини хиргойи қияпти. Сўзи йўқ, куйи бор. “Майли, барибир алла жуда ёқимли қўшиқ” – Нурали ясланиб ётиб олди-да, берилиб тинглай бошлади. “Бу онам ҳам билар экан-а қизиқ, овозлари ҳам ўхшайдими?” Нурали онасини эслади: “Ҳа, унинг овози худди шунақа эди!” Кўкраги тўлиб ҳаприқиб кетди, йиғлаб юборай деди. Онасининг жуссасини тўлиқ – аниқ-тиниқ эслай олганида эҳтимол, йиғлаб юборган бўларди. Афсуски эслаёлмайди. Ёстикқа бошини буркади...

Угай она ҳамон хиргойи қилар, сўз айтмасди. Нурали тиниқ, тип-тиниқ осмонга, осмондаги ёп-ёруғ йўлга, йўлда сочилган юлдузларга, нон юзли ойга боқиб туриб ўша аллани қайта эслади. Кутилмаганда бирдан овозини қўйиб айтиб юборди. Отаси ва онасинини эшитиб қолишидан чўчимади.

Чамбилбелнинг ой даласи даладур,
Ой далада бир қўй ётиб қолодур,
Қўй жонворни Нурали билан,
Жамол ҳайдаб келодур-э-э-эй...

Ухлаётганлар чўчиб-чўчиб уйғондилар, лекин оҳангга тўла осмон остидаги бу ҳолат ҳеч кимга эриш туюлмади.

1988 йил

ОЛИШУВ

Бобошер Ханифага хат ёзганмиш. Бу – Бобошернинг элчиси Нурмат түрткүздан чиққан гап. Абдимурод Бобошернинг рақиби. У элчининг бекорга бундай жаврамаётганини сезади. Элчи Абдимурод бу “янгилик”дан сўнг энди қай аҳволга тушаркин, деб кузатади. Абди эса ўзини қўлга олиб, совуққонлик билан чидайди, тишини тишига босади.

Нурматга ўхшаган элчилар ҳар бир синфда бўлади. Масалан, VIII “В”нинг сардори (шефи) Бобошер. Бобошернинг ўзи киму у дарга бўлган синфда элчи ким бўларди, Нурмат-да. Абдимурод VIII “А”нинг шефи. Элчиси – Жума тентак. Нурмат түрткүз Бобошерни, Жума тентак Абдимуродни ҳозирги VIII синф ақлини танигандан бери бир-бирига гиж-гижлаб келади. Аммо ҳали-ҳануз бу икки “пахлавон” бирор марта яккама-якка чиқиб уришмаган, “марду майдон ичра” олишмаган. Синфдошлари Абдимуроднинг бўйига қараб фол очишади. Яна нима деб: “Бобошерингни бизнинг Абди қўлтиғига бир боғ бедадай қистириб, момосиникига олиб бориб келади”. Бобошернинг синфдошлари унинг тошбақаникига ўхшаш калта ва йўғон қўлига қараб бичиб-тўқишади: “Шу қўллар бир чирпаниб Абдимуроднинг белига ёпишса борми, э, Худо кўрсатмасин, қорнига зўр келиб...”

Бир ҳакам келиб, иккала полвонни олиштириб, икки томондан бирининг популдириғини пасайтириб қўймади. Натижада, “Абдимурод ўнинчидаги Тўхлиевни оёғини осмондан келтириб урибди”, “Бобошер тур-

никка йигирма беш марта ияк етказиб тортинибди”, деган узункулоқ хабарлар мактаб болалари ўртасида қуюндай пайдо бўлиб, шамолдай тез тарқаларди. Бу куни қарасанг, нариги ботир узунликка олти метрга сакрайди, униси етти метрга. Саккиз, ўн метрларгайм сакрашади... Кейин синфдошлардан билағонроғи жаҳон рекордидаям бундай юқори натижа қайд этилмаганини уқтиргач, бу баҳс “баландликка сакрашда Бобошер ўтиб кетарди”, “Йўғ-э, Абдимурод!” деган бақир-чақирли тортишувларга айланади.

Рақиблар гўё бир-бирларига “агент” қўйиб, шулар орқали зимдан – мафкуравий курашардилар.

– Абдимуроднинг жони йўққа ўхшайди, – дейди бир куни Сайдаз.

– Ҳа, нимага?

– Эрталаб Шер коридорда эшикка суяниб турувди, Абдимурод, яхшимисиз, деб ўзи кўришиб кетди.

Абдимурод дув қизариб, энди оғиз жуфтлаётганда, қаердандир Тўрткўз пайдо бўлади.

– Минг қилсаям шеп шеп-да. Бекорга тарбиялаётганимиз йўқ. “А”дан қўрқсак, нима деган одаммиз.

Абдимурод зўрлаб кулмоқчи бўлади. Бироқ у ўзини босолмай аламзадалиқ билан сўкиб юборади. Элчиям сўкади ва қочади. Эшикда қора булутдай бўлиб Шер кўринади. Бургут бургутнинг кўзини чўқимайди. Алдамчи қуш, чақимчи қуш, зағчаларнинг овози ҳар тарафни тутиб кетади...

Бошида айтганимиздай, бугун тўрткўз нариги синфдаги Ханифа тўғрисида гап топиб келди. Аввал айтиб ўтайлик: тўрткўз учун, агар у билан кеча уришган бўлсангиз унча аҳамияти йўқ; бугун бемалол очилиб-сочилиб гапираверади сизга – худди ҳеч гап бўлмагандай.

Бир марта, бешинчи синфдалигидамиди-ей, Абдимурод коридорда кетаётса, элчи қўлини унинг устидан дарвоза қилиб қолган. Кейин: “Ва-а-а, бўйинг ўсмай-

ди энди!" деб калака қилган. Абдимуроднинг қаттиқ жаҳли чиққан. Аслида-ку, бу тентакча қўлини дарвоза қилгани билан бировнинг бўйи калтариб ё ўсмай қолмайди, бу – бўлмаган гап. Лекин Нурматнинг калакаси унинг жинини қўзитдими, шартта ёқасидан олди. Расм муаллими Эшбек ака кўриб қолиб, улар энди жиққамушт бўлай деганида икковининг ҳам қулоғидан тортиб, ўқитувчилар хонасига олиб кириб кетди. Жанжал сабабини суриштириб билгач, элчини синфига етаклаб кириб, қолоқ Холида билан бирга ўтқазиб қўйди. Мактабда агар бирор номақбул иш қилиб қўйсанг ўқитувчилар қиз бола билан ўтқазиб қўямиз, деб қўрқитишарди. Ҳатто қизлар томондаги партага ўтирсанг ҳам калакаю надоматдан қутулолмайсан: болалар қийқиравериб ёнингдаги қизни нақ сенинг севгилинга айлантириб қўйишади. Агар қиз бола бирор қилиқ қилса унинг ҳам ҳолига вой: қолоқ бир ўғил боланинг партадоши бўлади, то йиғлагунча. Ўшанда расм дарси тугагунга қадар Нурмат Холида билан ўтирган. Кейин доскаларда "Нурмат + Холида = севги!" деган ёзувлар пайдо бўлган. Нурмат танаффусда йиғламсираб, алам қилиб жўраларини сўккан эди. Жўралари эса баттар авжга чиқишганди. Ҳа, қишлоқ ўқувчиси учун бундан иззалироғи йўқ!

Нурмат ўзи шу калакаларга лойиқ эди; қачон қарасанг пешонасидан ғурра аримайди, эҳтимол, у "тўрткўз" деган лақабни шунинг учун кўтариб юрган чиқар. Бекордан бекорга Ханифани гапирмайди у. Бир ойлари бурун "Б" синфдаги Ханифа Абдимуродга хотира дафтарини берган. Унда одатдагидай бош қисмида табрик учун саҳифа, сўнгра "Орзу", "Она", "Дўстлик" деб сарлавҳа қўйилган саҳифалар бор эди. Айтишларича, Абдимурод шу "қонун"ни ўзича бузган эмиш. Ханифага севги изҳор қилган жойлариям бор эмиш. Нурмат уни ўқиб, "Ханифа, нима учундир доим ўйчан, маъюссиз", деган жойларини ёдлаб олиб-

ди. Ўшандан бери Абдимуродни кўриб қолган жойда ўзича мингирлаб: “Ханифа, нима учундир доим ўйчан, маъюссиз” деб ўтиб кетади. Олдида ўзининг яқин жўралари бўлса, хохолаб кулишади. Абдимуродга ўша сўзларни ёзгани учун минг пушаймон қилдиради. Агар Абдимурод, нега одамни масхаралайсан, деб унинг ёқасидан олса, у: “Мен сенга нима қилдим, бор, ишингни қил”, дейди. Яна қўшимча қилиб: “Нима, кўчада гапирганиям қўймайсанми энди зўрман деб, биламиз, зўрсан, фақат Шердан камкучсан”, дейди. Абдимурод эса нимагадир унга сира гап топиб беролмайди. Нега деганда, Нурматимиз шунақа-да – ўзига сув юқтирмайдиган хилидан.

Узунқулоқ гапларга қараганда шу кунларда Абдимурод: “Энди нима қилайин, Ханифа, ахир, сени Бобошер севаркан-ку?” деб шеърлар ёзаётганмиш. Бу овозанинг мубошири ҳам Нурмат. Куни кеча у катта танаффусда, болалар мактаб ҳовлисидаги ҳовуз тева-рагида қалдирғочлардай тизилишиб ўтирганда: “Ханифаси тушмагур Бобошеримизни севиб қоптими-ей, бугун икковимиз қолайлик дарсдан сўнг, деганмишми-ей” деди. Ҳовузнинг нариги қирғоғида ўтирган Абдимурод баралла айтилган бу гапни эшитмай қолмасди. Болалар қиқирлаб кулишарди. “Йўғ-э, йўғ-э” дейишди баъзилари. Қисқаси, Нурмат шу гапни айтди. Сўнг, гўё ниятига етгандай Сайдазни етаклаб буфет томон чопиб кетди.

“А” синфдаги Жума тентак Нурматга ўхшаб айёрлик, ҳийла деган нарсаларни билмайди. У ўз синфининг “Б” синф олдида кам кетишини хоҳламайди, холос. Шунинг учун Абдимуродга хайрихоҳ – Бобошернинг олдида синфдошини мактаб гапиради. Уни “Б”нинг шефидан устун қўяди. Қайси фандан “беш” олдию муаллим уни нима деб мактади – барини ёдлаб олиб айтиб юради. Ҳатто Абдимуроднинг жавоб бераётганда ўзини қандай тутганини ҳавас билан сўзлай-

ди. Лекин унинг тентак деган номиям бор: Жума баъзан, кўнглига ўтирмаса ўртоғини ҳам аямай қолади: сўкиб ҳам, жарга итариб ҳам кетаверади. Жини тутмасин унинг. Абдимурод ҳали унинг пишагини пишт дегани йўқ. Шунинг ва ўртоғига бояги ихлосининг эвазига на-риги синфдаги “дунё хабарлари” дан оғиз кўпиртириб етказиб келади. Бир куни дарсдан сўнг Абдимуродга ёрилиб, худди унинг ҳолини тушунаётгандай:

– Ханифа барибир уни яхши кўрмайди, – деди.

Абдимурод уни жеркиб ташламоқчи бўлди-ю, тагин... “Нима, бу менга лайчами Бобошернинг лай-часига ўхшаб”, деб ўйлади. Кўзларига тикилиб туриб, бирдан юмшади – ҳурматининг белгиси бу деган қарорга келди ўзича.

– Абдимурод, сен ёзган йўқдирсан анави хотирада-гини?

Абдимурод индамади. Жума дарҳол хулоса қилди: “Севаркан!”

– Яхши кўрсанг, бориб ўзига айтмайсанми, бунча гап бўлгандан кўра...

Жума бу гапни ташида айтдими, ичида айтдими – ўзи ҳам билмай қолди. Йўқ, ичида айтган экан. Абди-муроддан садо чиқмади.

Ўша куни... Ҳа, Абдимуродга севги, Бобошерга ға-разли рашк аралаш тўполон туйғулар ато қилган ўша кунларнинг бирида бу майдонсиз беллашувлару турли шубҳаларга бирдан – биратўласига барҳам берилади-ган бўлиб қолди. Тўсатдан, томдан тараша тушган янг-лиғ келиб қолди бу фурсат. Мактаб спорт майдонча-сининг чеккасида Саврон бобонинг чорбоғи ичидаги тиззага урадиган ўт устида икки паҳлавон бел олиша-диган бўлди. Энди барча кинояларга, “ким зўр?” деган жавобсиз гумонларга ўрин қолмайди. Кутилмаганда, адабиёт муаллими Қуддус ака эшакдан йиқилиб кел-май қолган, жисмоний тарбия ўқитувчиси Саъдулла ака мажбур бўлиб икки синфни бирга қўшиб ўтадиган

соатда. Уша, ёғочлари чириб, тикан симлари осилиб
ётган Саврон бобонинг чорбоғида.

“Давра кенгроқ бўлси-ин!” деб жўраларини орқа
томонга суриб-итариб юрган Исмоил бақалоқ дегани-
миз кайвониликда отасидан қолишмай, ўқитувчилар
билан гўё қирқ яшар одам бўлиб гаплашади. Гапининг
сўнгида катталардай “оллога шукур” деб қўйишниям
унутмайди. Ҳозир ҳам Саъдулла акасидан тап торт-
мади. Синфдошлари Исмоил тушмағурнинг нафақат
кайвони, ҳам шоир эканлигини бугун билдилар. У чап
қўлини белига тираб, ўнг қўлини ҳавога силтаб дoston
ҳам ўқий кетди. Қурмағурнинг ота-бобоси шоир-да,
бир сўзларни қўшиб-чатиб тўқий кетди:

Муниси Алпомиш,

Алпларнинг бири.

Муниси Кўкалдош,

Тўқсоннинг зўри.

Алпомиш деб Абдимуродни, Кўкалдош деб Бобо-
шерни кўрсатди.

Ойбарчинхон бугун талаш бўлади,

Бугун бир зўр олиш – кураш бўлади.

Эй, ҳалойиқ, иккига бўлинайлик. Қаёғинг қалмоқ,
қаёғинг ўзбек?

– Бизлар ўзбек, – чувиллади “А”.

– Йўқ, бизлар ўзбек, – қичқиришди “Б”.

– Келишиб олайлик, бу ёғинг ўзбек. Нега деганда
Алпомиш ўзбек. Бу ёғинг қалмоқ – Кўкалдош қал-
моқ, – у “Б”ни кўрсатди.

– Бошланади бир зўр кураш... – деб яна бахшилик
қилди Исмоил.

– Ханифахон бунда талаш, – деди кимдир.

Элчи (тўрткўз) болаларнинг орқасига яшириниб
олган эди...

– Ким у? Бекмирзами? Тилингни кесиб оламан ҳо-
зир.

– Мен эмас, тўрткўз.

– Бўлди, тилларингни тийиб ўтиринглар.

– Кайвонича-ей...

– Кайвони кампир....

– Курашадиган бўлсанглар, бошланглар-да энди, – деди Саъдулла ака.

– Булар бир-бировидан қўрқаяпти.

– Номатқулни айтибсан, Бобошеринг қўрқаяпти.

Шалпайишини қара.

– Бўлди! – деб қичқирди Исмоил. – Бек Алпомиш ҳам, алп Кўкалдош ҳам бир-биридан қўрқмаган. Қани энди, бўлинглар сизларам. Ноз-фироқларинг тугагандир?

Абдимурод костюмини еча бошлади. Кейин ботинкасини ечди. Бобошер ҳам шундай қилди.

Исмоил сайради. Оломон ҳайқирди:

– Э-ҳей!

– Ол-а!

– Бор экансан-ку, бақалоқ!

Бошланди. Икковиям бир-бирига белини бермай энкайиб олишди. Одатда бундай бошланган курашлар узоқ давом этади. Ҳамманинг дами ичига тушган.

Яланг оёқлар ўтда пистоқи ранг олди. Пешоналар тер олди. Абди барзанги, Шер – калтабақай. Абди оёгини бермайди. Шер – белини. Энкайишиб, бир-бирига оғирликларини ташлаб юраверишди. Кураш узоқ давом этди...

Абдимурод ўзини ўнглагунга қадар рақиби устидан босиб олди. У йиқилишига ишониб қолган, энди фақат елкасини ерга теккизмасликка ҳаракат қиларди. Бобошер эса уни салмоқ ташлаб босаверди, у ғирромлик қилди – рақибининг юзига тирсагини тираб аямай ўзини ташлаб юборди. Абдимурод “воҳҳ” деб читиниб кўзини юмди. Ўзини қўйиб юборди.

– Оҳ-а, таслиммисан? – пишқирди Бобошер, – таслиммисан, таслиммисан? – У яна бугун гавдаси билан сапчиб тушиб босаверди.

– Бўлди, эй, гўрсўхта, – деб Бобошерни тортиб юборди муаллим. – Аҳмоқмисан, нима бало бўлди сенга?

Жуманинг лаблари титраб кетди.

– Ҳе, онангни... Нима қип қўйдинг бунинг бошини? – деб бақириб юборди.

Абдимуроднинг бошидан сизиб қон оқар, кўйлагидан сирғалиб орқасидан тушарди. Боши ўтлар орасидаги қиясига кесилган тол новдасига теккан, қулоғининг ортидан ярим қарич жойни тилиб юборган эди.

Шундаям “Б” синфдаги Наби, Нурмат, Абдивалилар қувонганларидан чапак чалиб ирғишлай бошлашди. Бошқалар маъюс қолдилар. Қизлар “вой ўлдим-эй”, дедилар. Бобошер эса жилмайиб ҳаммага қараркан:

– Олдинроқ йиқитишим керак эдику-я, просто... – деб пишқирди-да, сўнг Нурматнинг қўлидан камзулини олиб кийди. Саъдулла ака унга:

– Номард экансан-ку, шунақа курашадими одам? Бор, жўрангга ёрдам бер, – деб пўписа қилди. Бу орада Жума тентак билан Нурмат жанжаллашиб қолдилар. Жума сўкиниб, дабдурустдан Нурматнинг чаккасига шапалоқ қўйиб юборди.

Боя Абдимурод чўккалаб қолганида Нурмат оёғини тутиб қолган, чалиб юборган эмиш, Жума унга ёпишибди, сўкибди. Улар жанжаллашиб ётганларида, Саъдулла ака уларга андармон бўлганида бу аҳвол рўй берибди.

Саъдулла ака кабинетидagi аптечкадан бинт ва дори келтириб Абдимуроднинг бошини боғлади. Сўнг Абдимурод жўраларидан ажралиб сув бўйига бориб йиғлади. Йиғлаётганини билдирмаслик учун сой сувидан бетини ювиб турди. Танаффусга чиққан болалар унга ачиниб қарашди, у эса ожизларча, болаларча йиғларди. Жума унинг йиғлаётганини сезиб турар,

гирдида Бобошеру унинг элчисини бўралатиб сукиб айланишар, қон теккан кўйлагини ювишарди.

– Ҳаммаси Нурматдан бўлди, Нурматдан! Онангни... Ҳали кўрсатамиз уларга.

Абдимуроднинг қалбида алам чўғи баландроқ ўт олди. Энди у ўзини тўхтатиб тура олмасди. Барча аламлари тилига кўчмай иложи йўқ эди:

– Уларни бирма-бир ўлдир!..

Ҳа, у шундай деди. Қизишди. Эрта бир кун бу сўзни бутунлай юрагидан чиқариб ташлаши мумкиндир. Лекин ҳозир... Ҳозир у ўзини тўхтата олмасди. Шу ҳолатда синфга киришнйам истамасди. Аммо Жума қистайвергач, у синфга борди. Дарсда қизарган кўзларини яшириб охирги партада ўтирди. Шу ҳолатда уч соат ўқиди. Танаффусларда ҳам ўрнидан жилмади. Уйига кетгиси келди. Аммо уйига бориб нима дейди? Бошини партага қўйиб олди. Сўнгги соатда шу алпозда, бошини партага қўйиб ётганида Теша муаллим кириб келди. Абдимурод ҳам туриб салом берди. Муаллимнинг “Нега?”, “Нима бўлди?” деган саволларига жавоб бергач, ўтираётиб партасининг устида бир китоб кўрди. Сиртига қоғоздан жилд қопланган китобни олиб ичини очди: “Сўна”. Фламастер билан қуйидагилар ёзилганди унга:

“Абдимурод, улар қанчалик майда бўлса, сен шунчалик улкансан! Шу китобни ол.

Қўлдошева Х”.

Абдимуроднинг кўз ўнгида ҳар доим эндигина тўйиб-тўйиб йиғлагандай бўлиб кўрунувчи қизнинг сиймоси намоён бўлди. У ич-ичидан жўшиб, қувониб, ҳатто “Сўна”ни бағрига босиб қуйлагиси келди. Қуйласа, қуйлайверса. Қуйлаб туриб йиғласа...

1988 йил

БИР ҰЛАРМАН ЧАВАНДОЗ

Эй жұлалар-эй, эй ёронларим-эй, бир гапнинг гали келди, гапнинг гали келдима ўзи, айтинглар. Биродарим ҳақида айтиб берайин, бировингиз биласиз уни, бировингиз билмайсиз. Билмаганингизга қизиқ, билмаганларга айтайин – бош гурунг бўлмасам қайтайин. Ўзим орқаси ер искамас жайдари табилчи бўлсам – танобчиямас табилчи, хулласи ёзувчиямасманда – гапга чечанамасман, ёзувчилигим бўлганда-ку, ўзим билардим-а, ҳа майли, Худойимнинг берганига шукр.

Жўрамнинг оти Давлатбой, баданида яроқли жой йўқ, яроқлиси қовурғасими – дўхтир нақ учовини санаб туриб кесиб ташлаган. Соғ бўлса кесармиди, кўп қарида синдирган, кейин дўхтир опташлаган. Гап қовурғадами, мен айтайин, сиз ишонаверинг, тағинам ўзингиз биласизку-я, ярим гавдасини кесиб ташласангизам бу ўларман ҳеч бало кўрмагандай юраве-ради, сизга гарантия берайин, оёғини жодига қўйиб қирқинг, вой демас. Индаллоси гап, жўрамнинг гавдаси тиккайиб қолган, мен қаридим, қаддим букилди, унинг эгилмаганига сабаб – ўнг эгнидаги суяги синиқ, опташлаганми, олишмаганми, унисини билмадим-у, аммо тиккайиб қолганининг маниси шу. Энгашса томири тортишиб оғрийди.

Мақтамайман, мақтагулиги йўғ-у, бари бир қурмағурнинг ёшлигида девими, бир балоси борийди, ҳайрон қолар эдим унинг полвонлигига: эшгиртиб қўйсанг тоғни кемирар эди, дарёни симирар эди, қиё-

мат эди; полвонлиги бир сари, бардошига балли дер эдим. Айримингиз биласиз офатининг чавандозлигини, эна сути овзидан кетмай от чопар эди; кўпкарининг энасини эмдирар эди; синиғининг бари шу кўпкарининг касри; тағи айтайин, танасида яроғи бор жой кам, шунинг учун қип-қизил тентак, шекилли бу, деб ўйлаб қолар эдим, баъзан. Бир гал қаҳратон қишда Гарашага тўйга кетяпмиз, менинг остимда чўбир, унинг остида бўз, гапдан гап чиқиб уни мактаб юбора қолибман, совуққа ўлгудай чидамли деб, бу гўрсўхта ўзидан кетиб пўстин билан телпакни ечиб тагига, эгарга тўшаб олди денг.

Ҳов, бир касрни қиларсан, ўларсан манов аёзда дейман, қаёқда қулоқ солса, қайтанга камзулиниям ечяпти. Шу гапнинг нари-бериси, ҳай-ҳайлашимизга қарамай бир фасилда чиппа майкачанг бўлди-қолди. Эгарда тўрғайдай ўтириб кетаётир. Шерикларимизам дод деб ялинади, менам. Мазақ учун аҳён-аҳёнда пишқириб қўяди. Совуқни-ку, гапирмайин – одамнинг суягидан ўтиб кетади. Мен пўстин кийганман, шунинг устидан еб бораётир чимилаб. Қошнинг устига қиров қўнади, терласа мўйлабинг музлайди. Жон-поним чиқиб, “бор-э”, дедим, менга деса ўлмайсанми, хоҳласанг лунгингниям еч дедим, бепарво ҳайдайвердим, анави бизни калака қилиб, мускулларини ўйнатиб қўяди ҳар замон. Совқотяптими, деб разм соламан, бурни қизарган, лекин ишонсангиз бадани ҳечқурса товуқники сингари бўртмайдиям, ё пирим, дейман, тавба қиламан. Аввал ачинишиб турган эдик, тўйхонага етавергач, номусимиз келди: бало-да энди, аёз, бўрон уриб турса-ю, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, дабдурустдан майкачанг кириб борсанг. Яна тўйга! Уни-ку тентак-пентак деб ўйлар, ёнида борган бизни ким деб ўйлайди одамлар. Отининг жиловидан ушлаб, жўражон, укажон, акажон, деб ялинавердик, ўзингни ўйламасангам бизга ичинг ачисин. Жонимизга аро кирди, сал эриди чама-

си, майли, деб кийимларини бирин-кетин кийиб олди. Агар ақлинг бўлса уни ёнида мақтама, ўлдинг мақта-санг. Кўпкариниям ўзи гурсуллатиб чопа қолади, хул-лас, эшгиртманг, эшгиртсангиз бирон аъзоси мажак бўлиб кетгани биланам иши бўлмайди, ишонмасангиз ҳозир кўринг бориб: тиззасининг кўзи жойида турмай қолган – гоҳ пастга, гоҳ юқорига силжиб кетади, шунда юролмай қолади, вой-войлайди, ўзи улай-булай қўли билан ирғаб-ирғаб ўрнига солади-да, кейин қаққайиб сўфидай кетиб турган куни. Ўша тўй куни кўпкарида бу хуни-муни Кўлибой полвонга илашди денг. Кўлибой-нинг оти зўр, отиданам ўзи зўр. Давлатбой нима унинг олдида, сапчадай отиб юборади керак бўлса. Улоқнинг бир путига тирмашиб кетяпти, шуйтиб майдонни нақ тўрт марта айланиб чиқди-ёв; уям бу чакамик экан деб, қўяқолмади, буям камкучман демади, чўзилишиб, ўз-лариниям қийнаб, отлариниям қийнаб юрди-да қўй-ди; одам бори тонг қотган, Кўлибойга куч бермаган бу ўларман ким бўлди деб. Минг қилсаям кучли кучли-да, зўрга пеш бўб бўладими, Кўлибой улоқни тақимига ўхшатиб босиб, гавдасини ёнга олиб бир силтаган эди, икки от нақ қўшмоқ бўлиб қолди. Эгарқош эгарқошга тегиб қарсиллади, Давлатбойимиз эгардан учиб кетди; энди гупчак бўлиб ерга тушади-ёв, бир қиёматни қила-ди-ёв, деб турсак, йўқ, шу бўз отнинг нақ ёлида қолиб кетди. Оёқ узангидан чиқмаган экан, гавда ерга шалви-раб кетган, оёқ ёлда. Шу аҳволдаям бир майдон айлан-ди-да, охири қўйиб юборар десак, барибир қўймади-е, отнинг айили узилиб, эгар-пегари билан учиб бориб, Кўлибойнинг отига қапишиб қолди; оломон “қўй!” деб қичқиради, чувлайди, бу қўймайди. Одамлар Кўлибой энди бу шўрликни улоқ-пулоқ билан қўшиб чортоққа гупчак қилиб ташлар экан-да, деб туришган эди. Ча-камик бўлса шилимдай ёпишиб чортоққа етмай олиб қолди. Тўрт ё беш қулочлар қолган эди, узоқ эмасди; улоқни узиб тушиб, ўзи яёв сомонга судраб олиб бориб

ташлади. Раис ҳам бардошингга балли сенинг деб, соврин – юз эллик сўмни қўлига тутди, қурғур яна ўжарлик қилди, мардлиги бор-да ўзи, юз элликни халқнинг кўз ўнгида Қўлибойнинг қўлига тутқазди. Раҳмат айтди. Қайтангга Қўлибой полвон изза бўлиб қолди.

Шуйтиб кўп томошаларни кўрсатиб келганмиз Гарашада. Кейин катта чавандоз бўлиб танилиб кетди. Кичкина ўгли Санжар унинг ўзига тортган. Худди қуйиб қўйгандай. Кеча мачитнинг берисидаги бўзлоқда ўзидан барзангироқ бир бола билан курашяпти. Ҳалиги бола буни дустаман олиб тушди, елкасини ерга теккизаман, деб ҳай уринди, терлаб-пишиб, кўкариб кетди, охири бўлмади. Санжар устига салмоғини солиб, босиб турган болани бир типирлаб кўтариб туриб кетса бўладими! Ай, сенингам баданингда борақан дедим.

Давлатбой билан тўққиз-ўнинчи синфларни рай-центрда, Қўшработда битирганмиз. Қўрғонтепадан, нақ ўттиз чақиримдан нонни белга туғиб қатнаймиз; нима қилайлик, бу ерда ўрта мактаб йўқ. Унинг эшаги бор, жуда илдам. Лекин кичкина, орқаси чўнтоқ, мингашиб ёлчимайсан, икки қадамдан кейин тушиб қоласан. Икковимиз алмашиб миниб борамиз.

Энди борган кезларимиз. Ўзимизни панароққа олиб юрамиз. Бошингни сал кўтарсанг, центрликлар популдириғингни пасайтириб қўйишади. Дўкайлари бор ўзларининг, ҳар қайсисининг мушти менинг бошимдай келади камида, ғиринг десанг каллангни олиб ташлайди. Бир куни улар бизни чақириб, тўққизинчи синфда ўқийдиган местний болани кўрсатиб, “курашасан бировинг шу билан”, деди. Мен энди, айёрроқман, дарров Давлатбойни рўпара қилдим. Давлатбой олишиб, охири йиқди. Дўкайлар кейин нариги тўққизинчи синфнинг зўрини чақириб, “шу билан курашасанми?” деди Давлатбойга. Буям киприк қоқмай “ҳа” деб юборди. Унисиниям йиқди. Чарчаб қолди. Ҳалиги кураштираётган бола айтдики, шу мактабнинг ишон-

ган шепи мен бўламан, отим палончи, энди мен билан чиқ, йиқсанг, ўрнимга сен шепсан, тан бераман, қўлни ташла, деди. Давлатбойга қарасам, қўлига бир тупуриб ишқалади-да, “бўпти, кел”, деб юборди. Мен бориб ҳалиги шепнинг оёғига йиқилдим. “Жон жўра, жон жўражон, шеп ўзингсан, агар курашсанг буни ўлдириб қўясан, ўзи егим бола, сенинг шеплигингни тан олади”, деб ялинавердим. Шеп Давлатбойга қараб: “Шунақами?” деди. Давлатбой менга термулиб туриб: “Ҳа”, деди-да ёнига тупуриб юборди. “Тан бердингми, курашмай-а?” деб қайта сўради бола. Мен Давлатбойга жовдираб тикилдим. “Тан бердим”, деди у ноилож. Давлатбойни шунда, бир мартагина сўзидан қайтаролганман, ўшандаям қайтиб келаётганимизда одам қаторига қўшмай бўралатиб сўккан. Аммо мен ундан ақллироқ эдим, бирдан-бир тўғри йўлни танлаган эдим. Аниқ ишонардимки, агар Давлатбой униям енгса, дўкайларнинг бизга хусумати ошиб, охири бир кун уриб ўлдириб қўярди. Енгмасанг ўлмайсан, ишқилиб, мусофирчиликда омон-эсон битириб кетайлик, деб тайинладим.

Ўқишдан қайтаётганда икки чақирим йўл юрмай Давлатбойга эшагингни бер, биродар, ўладиган бўлдим, деб ялинардим, у рostaкамига ишонарди, туша солиб, “ма, мин, менинг оёғим умуман оғримайди”, дерди. Эшаги ҳалиги айтганимдай жуда йўрга, минсанг роҳат қилар эдинг, ҳеч тушгинг келмасди. “Мана шу қирдан ошайлик, кейин сен миначан”, – дердим мен ҳам инсоф билан. У ишонарди. Калтабақай бўлгани учун қирга секин кўтариларди. Мен атайлаб эшакни ниқтаброк ҳайдаб, ундан ўзиб чиқардим-да, ошувдан ўтгач, энишга қараб қўшоёқ оттириб чоптирардим. Халалаб чоптираверардим. Давлатбой у қирдан кўринганда мен бу қирдан ошаётган бўлардим. Жўрам қораси кўрингандан муштини ўқталиб сўкина кетарди, етиб олсам бурда-бурдангни чиқараман, дерди. Мен унинг жаҳлига

ишонмасдим, тўхтамай кетаверардим. Кейин у ялинишга тушарди: “Ҳой, Амрилло, секинроқ ҳайда, етиб олай, мингашиб кетамиз, тўхтагин!” Ишонармидим мен бу гапга – эшакка хала босганча кейинги қирдан ҳам ошиб кетардим. Шу пайтлари сезардим: орқамдан Давлатбой югуриб келяпти, етиб олса аямай урса керак, лекин хайриятки, эшак дидни олади – жуда илдам. Мен қишлоққа етиб келганда Давлатбойнинг қораси ҳали-вери кўринмаган бўларди. Уйнинг туши – тўғрайига келганда эшакдан ирғиб тушиб, ипини йиғиштириб бўйнига боғлардим-да, орқасига халачўп билан бир уриб уйига ҳайдаб юборардим. Билардимки, эшак, албатта, уйини топиб айвонига кириб боради.

Эртаси тонг саҳар тагин қишлоқнинг оёғидаги зардоли остида Давлатбойни кутиб турардим. Менга кўзи тушиши биланоқ у узоқдан дағдага қилиб, сўкиниб келар, уриб ўлдираман дерди нукул. Мен ўзимни бечораликка солардим: “жон Давлатбойжон, ўзинг биласан, сендан бошқа кимим бор, бошқа ишонадиган одамим йўқ-ку, ўзинг билиб туриб қийнайсан-а. Майли, ўл десанг ўлайин, лекин буйтиб ҳаром ўлдирма”. Шўрликнинг дарров авомлиги тутарди. То менинг олдимга келгунча жаҳлидан тушиб, раҳми келиб, бошқа қиёфага кириб қолар эди, чинакам ачинар эди менга. Эшакдан тушиб, мени миндирарди. Одам кўп яёв юрса бақуват бўлади, деб қўярди. Бориб етгунча алмашиб миниб кетардик. Қайтаётганда эса... яна худди кечаги ҳол такрорланарди; эрталаб ҳам ўша аҳвол – ҳар кунгидай ўларманлик қилиб “кечиргин” деб ялиниб туриб олардим. Давлатбой кеча қандай кечирган бўлса, бугун ҳам шундай кечириб юбораверар эди. Жуда ҳайрон қолар эдим. Баъзан, ўзимни ҳам койиб қўяр эдим. Начора, ишонувчан, авом бўлса ўзидан кўрсин, деб қўл силтаб кетаверардим. Шундай қилиб, нақ икки йилни ўтказдим. Икки йил ҳар куни уришиб, ҳар куни ярашдик. Кейин мен ўқишга кирдим, ҳисобчи бўлдим; ҳозир кўриб турганингиздай табелчи-

ман. Давлатбой эса ўша кезлариёқ ўқишга парво қилмади, ўзини кўпқарига урди. Даромадниям кўпқаридан орттирди, касофатниям; лекин оч яшамасди – ҳар маҳал дастурхони обод бўлди. Бир қисим ўғиллариниям уйлантирди. Энди икковимиз эллик учга кирибмиз. Кеча кичик ўғлининг олишаётганига қараб, бундан қирқ йил бурунги Давлатбойни кўргандай бўлдим, кейин қурмағурнинг ўзи эсимга тушди; тип-тикка бўлиб қолган қомати, юриб кетаётганда бирдан тиззасининг косаси тойиб кетиб, оёғи қотиб қолиши, бечора вой-войлаб ўтирасолиб, ишқалаб-ишқалаб бир амаллаб кўзни ўрнига солиши, сўнг ҳеч бало кўрмагандай кетавериши кўз олдимга келди. Нега зарил экан, дейман-у, тагин маюс тортиб ўйлаб қоламан. Нега бунақа одам, а?! Тавба, нега бунақа ўзи?!

Бир нарсага бугун ҳам имоним комил: агар Давлатбойни ҳозир бориб ҳам эшгиртсам билган амалини қилади. Эсли-ҳушли бўлгани билан гупуртирсам агар, ниманидир қайириб, ниманидир синдириб, ишқилиб ўзининг хуморини ёзади. Ҳа, ҳозир ҳам кучи кўп унинг.

Мен эса... Мен бутунлай бошқа одам, Давлатбойнинг тесқарисиман. Бир соат ҳам ундай мард, ундай паҳлавон бўлолмайман, ўзимни қаттиқ авайлайман.

Давлатбойнинг эса қариб-қартайишини ҳеч тасаввур қилолмайман. Нафасимни ел учирсин-у, кучи тошиб, қутурибми, ё бир жойдан тушиб кетибми... жон топширса керак деб ўйлайман.

Кечиринглар, жўралар, жўраларамас, ёронлар, гапимнинг охири мунглироқ бўлиб кетди. Кеча жўрамнинг кичкинаси Санжарчани кўриб бир ўйчан тортган эдим-да, Давлатбойнинг бир-иккита қизиқ хангомалари эсимга тушиб кетди, холос. Ҳар хил одам бор экан-да ер юзида; яшайвераркан, ҳаммаси меники тўғри деб. Ҳай, майли, биродарларим, ҳаммамиз ўтиб кетамиз дунёдан!..

1989 йил

УМИДСИЗЛИК

Унинг ёзувчи бўлиш орзуси йўқ, демак, бошқа баъзи дўстларидай даҳо бўлиш истаги ҳам бўлмаган, аммо шу – йўқлик сари бирин-сирин сингиб кетаётган кунлар тўғрисида ўзига-ўзи бир нарса дегиси, шуни ёзиб қўйгиси келарди. Ниҳоят, у бир йилдан буён фақатгина кун саналаринигина қўйиб, бошқа бирор сўз ёзмай келаётган кундалигига бугун биринчи марта ёзиб қўйди. Шу сўзларни ёзгунича у бир йил ўзи билан олишди, бир ёзувчи айтмоқчи “ўз-ўзини ниҳоят енгди”. Бунинг учун эса енгиш кайфияти зарурлигини ҳам у биларди. Уй соҳибаси ҳам қаёққадир кетган, ҳовли жимжит эди, ишдан ҳориб қайтгани учун ухлаб олмоқчи бўлди. Бугун шанба – қисқа иш куни. Эртага дам олиш куни бўлишига қарамай кўча ва қўшни ҳовлилар ҳам жимжит эди. Уйқудан турганида қош қорайиб, кун адоғи аллақандай ваҳшатли, умрнинг ўткинчи эканлигини янада бўрттириброк эслатиб турарди. У қўлларини остига олиб, дустанан ётгани учун уюшиб қолган, ўзи қарахт эди. Шу ҳолатда ўзининг ғоят хунук ва кераксиз эканлигини туйқус англади, ўрнидан туриб, “барчасини енгиш” учун деразани ланг очиб юборди. Кеч кузнинг ҳавоси хонани тўлдирди. Ҳар куни шу маҳал иштаҳаси карнай бўларди, ҳозир эса ҳеч нарса егиси келмади. Ҳолбуки, боши, юраги, бутун вужуди дам олган эди, ҳовлига чиқиб крандан юз-қўлини муздай сувга чайиб, артинди. Энди сал бошқача – руҳи тетикроқ эди. Қайтиб келиб дераза рафида турган ручкани олди-да, ҳар галгидай нима ёзишни билмай ўйлаб қол-

ди. Даставвал, у уч юзу саксон сана рақамини кўздан кечириб чиқди, кейин уч юзу саксон биринчи саҳифани очиб шу кунги числони ёзди. “Рухни ўзгартириш керак!” – деди ўзига-ўзи. Шунини ёзиб қўймоқчи бўлди. Ёзолмади. У овозини баралла қўйиб:

– Бошқача рух керак, бу рухни ўзгартириш шарт! – деди ўзига-ўзи. Кейин шу сўзларни бақириброқ айтди ва шу заҳоти ёзиб қўйишга жазм қилди. Лекин бир нарсадан қўрққандай қўллари қалтиради.

Кенг саҳифали дафтар узра энгашди. Ва шу заҳоти айтмоқчи бўлган гапини ёзишдан бирор мақсади йўқлигини билди.

У жуда кўп орзумандлар каби абадийликни ёқтирарди. Нимадир бир абадий қолажак сўзни ёзиб қўймоқчи эди. Бироқ ё билмайди, ёки бунга арзийдиган сўз унинг бисотида йўқ.

Ҳозиргина ёзиб қўйган рақами устида энгашиб ўтиравериб, кеч тушгач, куз тунида кўринмай кетди, лекин туриб чироқни ёқишга ҳафсала қилмади. Қоронғида пайпаслаб кроссовкасини топиб олди. У пастқам қурилган эски уйлар оралиғидаги тор кўчадан кетар экан, ростдан ҳам ҳозир кеч кузлигига ўзини ишонтиролмай гаранг эди. Мана, қошидан бир туп, бир тупгина дарахт чиқди. У дарахтга синчиклаб тикилди ва ҳар кунини қошидан ўтадиган ердаги нарса дарахт эканини билди. “На-да сарғаяди, на-да яшнайди – қотиб қолган яшиллик”. Тор кўча катта кўчага туташади. Катта кўчада машиналар тезликни ошириб пойга қўйишади.

Пиёдалар юрадиган йўлкада сочи қирқилган бир қиз пайдо бўлиб, кўча ўртасида ўйнай бошлади. Яқин-атрофда эса бошқа ҳеч ким кўринмайди. Қиз қайси уйда тураркин? Балки у ҳам йигит каби якка-ёлғиздир. Балки у ҳам ўзини енгил учунгина шундай қилаётган – ўйнаётгандир. Йигит қизнинг ўзига томон ўйнаб келишини кута бошлади. Бироқ қизнинг ортида яна бир шарпа пайдо бўлди; қиз чопқиллаб борганча унинг қўлтиғидан

олди: шериги йигит экан. Йигит уларни жим кузатди, кейин ортига бурилди, ғоят секин юргани учун қиз ва йигит унга ҳадемай етиб олишди. Йигит неон чироқлари остида бир зум тек қотиб қолди: сулув, жудаям сулув эди қиз. Йигити эса ногирон – оёғи оқсоқ эди.

Қаҳрамонимиз уларнинг ортидан энди шарпадай эр-гашиб кела бошлади. Кўп ўтмай анча орқада қолиб кетди.

Катта йўлакнинг юз қадамча жойи кўприкдан иборат эди. Йигит шу заҳоти неча марта бу ердан ўтганига қарамай кўприкнинг тагида машиналар туришини ҳозиргина билди. Кўприкнинг кўча чироқларидан тушиб турган кўланкаси машиналар сақланадиган майдончанинг ярмини эгаллади; ёруғ жойида эса бир фаррош кампир узун дастали супургисини асфальт майдон узра сермаб атрофдан учиб келган хазонлар ва қогозлардан тозалар эди. Йигит кўприк устида унга термулганча тураверди.

– Эй, бабуля! – деб кичқирди у.

– Ҳа, нима дейсан? – шошиб жавоб қилди кампир.

– Э, кечирасиз... неча сўм маош оласиз?

– Етмиш. Нима, мухбирмисан?

– Йўқ, олимман.

– Мухбирми дебман. Бир мухбир шаҳар газетига ёзган эди, касбнинг яхши-ёмони йўқ деб. Мабодо, сен ҳам...

Йигит унинг кўнглини кўтаргиси келди. Нимадир яхши гап айтиш учун оғиз жуфтлади. Миясига яхши, кўнгилни кўтарувчи гап келмагач, “бор-э” дея шарт ўгирилиб жўнаб қолмоқчи бўлди.

Кампир жуда ҳафсала билан – рўмолини тузатиб, супургисини ерга қўйиб, у билан суҳбат қургиси келди.

– Э болам, олим бўлсанг олам сеники.

Йигит кампирнинг гапини кетаётиб эшитди. Ортига бурилганида хижолат тортган фаррош яна ўз ишига уннамоқда эди. Кейин йигит нима учун бу ерларга келганини ўзича ўйлай бошлади. Унинг ўйларини наридаги пастқам ва эски уйлар ортидаги кичиккина беда-

зорда давра қурган ёш-ялангларнинг шовқини бузди. Улар магнитофон қўйиб, аския эшитишар ва қийқириб кулишарди. Магнитофоннинг овози баланд. Йигит ўша аскияларни тинглагиси ва ўзини унутар даражада берилиб кулишни истарди. Аммо ўзи ҳам тушунмаган ҳолатда кайфияти ўзгариб, бояги кампир, қиз ва йигит, мана бу ўзи каби ёш йигитлар, ҳатто аския айтаётган артистга ҳам ачиниб кетди.

Унинг ишхонасида тинмасдан ҳисоблаш машиналарининг шовқини эшитилиб туради; мана шу шовқинга ёш олим ўрганган, гоҳида ҳатто дам олиш куни бўлишини ҳам хоҳламайди, узлуксиз ўзи тушунмаган, кераксиз юмушлар билан андармон бўлишни истаб қолади. Даставвал, у ҳар бир навқирон йигит каби ёниб яшай бошлаган ва йирик олим бўлиш, юртига обрў келтиришни ҳам сидқидилдан истаганди. Кейин эса ҳаёт уни ҳар хил, бир-биридан “маърифатпарвар” гуруҳларнинг чангалига отиб юборди, бу гуруҳларнинг юҳоникидай каттакон оғзи бир неча марта чайнаб-чайнаб туфлаб ташлади, қобилият ва билимдан ташқари кўп укувсизликлари учун нарига ва ундан ҳам нарига сураверди, сураверди. Бу нарсалар ёш бошига тақдир бўлиб синга бошлагач, фақатгина болалик ва болаликдаги ёлғончи орзуларгина қадрли кўриниб қолди, уларни соғиниб юрди. У яна биларди, ҳозирги кунларнинг, мана шу хаёл суриб юришларнинг бир пайтлар келиб тагин қадрли туйилишини. Яна биларди: ҳаёт бемақсад одамларни биринчи жазолайди, кейин яхши ният билан ҳаракат қилганларни, энг сўнгиде яхшиларнинг пайини қирққанларни. У негадир ўзи фаҳми етаётган нарсаларни ўйлашдан безор бўлиб кетаверарди. Ва тагин энди фарзандлар кўриши, уй олиши, шу каби муттасил турмушни тасаввур қиларди. Шунда ўзини четдан ҳам кузата бошларди: ўшанда фарзандлари ва невараларининг қуршовида ўтириб, мўйсафидона: “Э-э, биз ёшлиқда...” дея нималарни сўйлаб беради? Ўз зурриётларининг уни тингламаслигидан қўрқади!

Йигит айна фаҳм-фаросати етаётган нарсалар – келажак, армон ҳақидаги мужмал, лекин сира тарк этолмаётган хаёллардан қутулиш мумкинми дерди ўзига. Худди ҳозир югурса хаёллари ортида қолиб кетадигандай, ўзи улардан ўзиб кетадигандай бўлди. Чопаверди, чопаверди. Икки бекат югургач, қайрилиб, ортига, “уйи” томонга қараб чопди. Терлаб кетди. Ўтаётган кетаётган унга ағрайиб қаради. Тикилаётганларга ичидан, сассиз жавоб берарди: “Ҳайрон бўлманг, мен ўзимни енгишим керак”.

“Оббо, касофат-эй, тун пайти, тор кўчада зарил кептими?” “Катта кўчага чиқса тулупи йиртилармикан?”

“Спортсмен кўп машқ қилиши керак дейди, чемпион бўлгиси келаётгандир-да”.

У жисмоний меҳнат қилиб чарчаган, терлаган ва ўзини унутган кезлари қандайдир ёқимли кечар, яшаш осондай бўлиб қоларди. Ҳозир у худди шу кайфиятни туйди. “Уйи”-га келиб яхшилаб ювиниб олди. Чой қўйиб ичди, мияси тиниққандай бўлди, фақат оёқлари оғрий бошлади, чарчаган экан. Буни унутиш учун газета ўқий бошлади. Фикрлари яшнаб, газетадаги хаттоки ҳар бир эълонгача алоҳида хайрихоҳлик билан ўқий бошлади, бироқ танаси чарчагани учун кўп ўтмай уйқу элитаверди.

Эртаси куни жуда кеч – чошгоҳда уйғонди. Агар меҳрибон ойиси – “хозяйкаси” бўлганида эртароқ уйғотармиди. Ўрнидан уф тортиб турди. Бармоқларининг суякларини қисирлатиб ўйланиб турди пича, бугун ва эрта ҳақида ўйлади. Атроф шундай жимжит эдики, бирдан унинг бўкиргиси келиб қолди. Лекин бўкирмади.

Ювиниб келгач, нонушта қилди: озгина нон билан чой ичди. Ҳаво булут эди. Дилтортар суҳбатдош қўмсади. У билан одамларга қўшилишни, одамови бўлмасликни хоҳлади. Ўйлаб кўриб ёр-биродарим деганларининг ҳеч қайсиси ором беролмаслигини сизди. Кийиниб бозорга – шовқинзорга, ташвишзорга бормоқчи бўлди. Қарори қатъийлашиб, жўнади. Қозоқ ва лўли аёллар-

нинг мева, кийимлар сотаман, деб қичқирувлари, хушмуомала тожикнинг анорга чорлаётганини эшитиш ёқимли эди. У бугун бозорни айланиб чиққунча ўнлаб савдогарлар таклиф қилди, шунда йигит ўзини хиёл тақаббурона тутиб, уларга кулимсираб ўгарди. Сомса сотаётган қиз жуда мулойим ва жарангли овозда, ялинганнамо чорларди; қиз унга ниҳоятда ёқиб қолди. Ёнига бориб ҳазиллашгиси келди. “Бунча бақирасиз?” деди.

Овози жиддий чиқиб кетди. Қиз бунга эътибор бермади.

– Келинг, ака. Қайноқ сомса, нечта?

– Уч сўмга бир ўпич беринг, – деди у.

Қиз йигитнинг бетига тупуриб юборди. Ёнида турган сомсапазлар қаҳ-қаҳ отиб кулишди. Бир хотин: “Ўл-а, бу кунингдан, ўл йигит бўлмай” дерди тиззасига уриб куларкан. Қиз бўлса ҳеч нарса бўлмагандай бошқаларни “қайноқ сомса”га чақирарди...

Унинг сира бозордан чиққиси келмади. Бошқа ерда зерикадигандай кўринди. Яна бир марта, ҳатто бу гал аёллар, чоллар ва болаларга зингил солиб, хийла ажабланиб тикилиб чиқди. Иккинчи марта айланганидан кейин бозор ҳам жонига тегди. Шу юрганларнинг бирортаси ўзга бировнинг қалбига кирсам, қалбида яшасам, деб ўйламайди. Қиёфалари шунинг учун ҳам жуда зерикарли. Бироқ шуларнинг барчасида қалб бор. Инсоний қалб. Шунинг учун ҳам йигит шу одамлар ва шу “одамзор”дан кўнглини узолмасди.

Бирданига у тепаликни, тепалик пастидаги кенгликни, эпкинда ҳар томонга чайқалиб ётган ўтларни қўмсади. У ерда ҳаётни севиш, “севама-ан!” деб бақиритиш мумкин. Шу ҳаёллар билан тўрт бекатлик йўлдан “уйи”га яёв келди. Яна чарчаган эди, аммо бу гал у кундаликка ёзди, ниҳоят бир йилдан сўнг ёзди: “16 октябр, 19..

Бесамар кун”

1990 йил

ИНТИЗОР

Ё тавба, одам одамни шунчалик ҳам қўмсайдимми? Шунчалик ҳам зориқадими, ахир, – икки йил, ҳа, икки йилдан ҳам ошиб кетган қўришмаганимизга, дарвоқе, у мени ҳатто танимаслиги ҳам мумкин-ку, бироқ шунчалик ҳам тип-тиниқ хотирлайдими кишини. Мана, ҳозир қўриб қоламан уни: ҳам истаяпман, ҳам ишонапман. Шуурим тиниқлашиб, хотирим ёрқин тортиб бораётир: қизиқ, у қанақа йиғларкин-а, ахир газетадаги мақолани ўқиб кечгача йиғладим деганди-ку. Эри тутоқиб, уришиб берганида ҳам у тўхтамаган-ку. Йў-ў-ўқ, эҳтимол, йиғламагандир, жуда мағрур-ку у; мабодо йиғласа ҳам одам зотига ўхшаб йиғламаса керак, дейман, биров овутиб, тўхтата олмайдиган ҳолга тушиб йиғласа керак. Нечукдир шунақа тасаввур қиламан: кўпчилик қизлардай хўнграб йиғлашини кўз олдимга келтира олмайман: тишини тишига босиб, бирор нарсага кўзларини ўқдек қадаб, шу ҳолича ёши шўргалаб йиғласа керак.

Аммо мен айни пайтда у нега йиғлайди, нима сабабдан ундай йиғлайди, деб савол беролмасдим ўзимга. Биласизми, айни маҳалда чиндан ҳам ишонардим унинг рўпарамдан дуч келиб қолишига. Ишонардим. Мен овсар, балки беҳудадир, мана шу ишончни йўқотиб қўймасликка зўр бериб тиришардим. Эътибор берганмисиз, аксар ҳолларда ўта қаттиқ интилган режангиз амалга ошмайди ёки чаппасидан келади. Шу лаҳзада, ишонасизми, шу нарсаларни ҳам ўйладим; бироқ барибир аланг-жалаң уни излардим. Бир мовий қўйлак кийган

жувон ёнгинамдан ўтиб кетди, гарчанд у кўпшак етаклаб олган бўлса-да, шошиб қолиб ўша деб ўйлаб метрогача эргашиб бордим. Сўнг у итининг бўйнидан ушлаганча метрога кириб кетди. Йўқ, дейман ўзимга, мен бунчалик ҳовлиқмаслигим керак, ўзи шундоқ табиий вазиятда учраб қолади. Ҳозир аллақаерлардан лоп этиб пайдо бўлади (ортимдан келиб кўзимни беркитса-я, йўқ, бу мумкин эмас – унинг феълига тўғри келмайдиган қилиқ), мен эса уни қучиб ўпиб оламан. Уради. Лекин ахир нега уради, масалан, сиз агар орзуингиз ушлаб кўриш мумкин бўлган моддий нарсадан иборат бўлганда эди, имоним комил: кечгача ўпган бўлардингиз у аёлни. Эҳтимол, аёлни метрода кўришим мумкин, мен ҳозир кўпдан бери биринчи марта шундай ҳолатга тушиб қолдим: йўлим кенг бир ялангдай, ҳеч ким менга халал бермайдигандай, хоҳласам, шу яланг узра учадигандек. Сизда ҳам бўлса керак шундай туйғулар, менга ҳозир, ҳамма ишдан қайтаётиб метро бекатида одамлар қумурсқадек уймалашиб кетса-да, тўсқинлик қилишмас эди. Барчаси менга хайрихоҳдек эди, шундай лаҳзалардагина ҳамма нарсани, ҳатто душманингни ҳам бирданига сева оласан киши. Бояги аёл бегона бўлиб чиққанидан ҳафсалам пир бўлди. Ва шу заҳоти икки йил бурунги...

Ҳафталик газетанинг, гарчи бошқалар ҳавас қиладиган адабиёт бўлимида ишлаш-да жонимга теккан, эшик тақиллатиб кирган ҳар қандай киши ҳам кўзимга балодай кўринарди. Жума куни бўлгани учун иш вақти тугамасдан бурун жуфтакни ростлаб қолишга шайланиб тургандим; эшикни қия очиб қўйдим: бош муҳаррирнинг ўтганини кўрсам бас, мен ҳам ғойиб бўламан; шу чоғ эшикнинг ёпиқ табақасига бир қиз келиб суянди. Сочи жуда калта қилиб кесилган, қулоқлари усти оврупача очиб қирқилган, кўзлари кўкиш, бўйчан, русгаям, ўзбеккаям ўхшарди, дурагай экан-да, деб хаёл қилдим. Ўзбекчалаб, жуда бурро тилда салом берди. Алик олганимдан сўнг:

– Тоҳир ака сизми? – деб сўради.

– Ҳа, мен.

– “Кунтуғмишнинг орзуси”ни сиз ёзгансиз-а?

Нимагадир тилим айланмай қолди. Бирор жанжал-каш муаллифдир ёки бўлмасам улардан бири жунатган чиқар, деган хаёлга бордим, жанжалнинг қизиғини бошлаб юбормасам-ку, деб нафас ютиб туравердим.

У эса ерга қаради. Қизарди. Мен енгил тин олдим. Аммо иккимиз ҳам миқ этмадик.

– Яқинда газетангизда парча чиқди-ку? – деди у ва менга ялт этиб бир қаради-ю, сўнг деразага тикилди. Мен ҳам деразага тикилдим.

– Ҳа, ҳа, тўғри.

– Демак, сизники?

– Ҳа, дарвоқе, мен ёзганман ўша қиссани. Кечирасиз, саволингиз эсимдан чиқибди. Э, кирмайсизми ичкарига, остонада турманг, ёмон бўлади.

– Динга ишонасизми? – деб сўради у, секин ичкарига кираркан.

– Бунинг динга алоқаси йўқ, момомнинг остонада турманглар, деган танбеҳи эсимда бор, нимаси ёмонлигини ўзим ҳам билмайман рости.

– Мен ҳам ишонмайман. Лекин... ўша қиссангиз зўр экан.

Бу муомала менга ёқмади. Хушомадгўйга ўхшаб кетдими-ей. Кутганимдай у менга бир ҳикоя берди. 48 саҳифали дафтарга яшил сиёҳли ручкада ёзилган, деярли тўла эди. Ҳикояда севгисига етишолмаган қизнинг ҳижронлари баён этилган, йигит айбдор қилиб кўрсатилган, қораланган эди. Ростини айтсам, худди шунақа асарларни ўқисам тепа сочим тикка бўлиб кетарди. Тавба, келишиб олишгандай қизларнинг ҳаммаси шу мавзуда ёзишади-я. Бироқ асарнинг ҳуснихати шу қадар бежирим ва чиройли эдики, кўрган кўз қамашар эди. Боз устига менга ўхшаган “ҳарфхўр” ҳам бирорта имловий хато тополмайди. Афтимнинг бужмайганини кўриб қиз сесканди.

– Ахир ҳаммаси бўлган воқеалар, мен исмларни ўзгартирдим, холос, – дерди у.

– Тушунмаяпман, – дейман, мен ҳам. – Ўтироз билдираётганим йўқ-ку.

Ўқиб чиққач хўрсиндим.

– Наҳотки, қизларнинг ҳаммасини фақат шу нарса ўртаса?!

– Қандай экан? – деди қиз хотиржам оҳангда.

– Баёнчилик экан, фикрлашингиз жўнроқ.

– Ўнинчи синфни битирганман, холос.

– Ўқишга кирмаганмисиз?

– Энди кирмоқчиман.

– Журналистикагами?

– Ҳа, жуда қизиқаман.

Мен уни кўпроқ гапга тутгим келаверди, қиёфасида соддалик аралаш жозиба бор эди. Бирдан у:

– Сиз менга қандай ёзиш кераклигини ўргатинг, – деб қолди.

– Майли, – дедим мен, гарчи бу ваъдам бемаъни бўлса-да. У менга анча жиддий тикилди. Чамаси ишонди.

– Жуда яхши бўлар эди, шу кунларда ҳар куни келиб турсам майлими?

– Бемалол, бу ерга эмас фақат, бизникига борсангиз биргалашиб ёзишимиз ҳам мумкин.

– Йўғ-э, вақтим бўлмайди менинг. Ҳозир ҳам жуда шошиб турибман.

– Ие, шошган қизни ўзингиз биласиз-ку.

У дув қизариб кетди.

– Менинг эрим бор, – деди у ниҳоят, – сиз бошқа нарсани хаёлингизга келтирмаслигингизни илтимос қиламан.

– Ростданми? – мен чиндан ҳам таажжубда эдим. – Худди қизчага ўхшайсиз-а.

– Раҳмат эркалатганингиз учун. Бунақа гапларни эшитиш қандоқ приятний. Уф-ф, лекин ўн бир йил бўлган эрга чиққанимга.

Ёпирай, ё қудратингдан! Бундай мўъжизаларинг ҳам бормиди! Ахир мен унинг мактабни тугатганига шубҳа қилиб ўтирсам-а. Наҳотки! У энди нечундир менга эмас, деворда осиглиқ турган Хемингуэйнинг сервиқор суратига тикилиб ўтирарди. Менинг ҳаяжонимга у деярли парво қилмади. Ёки сездирмади. Тўғриси, унинг эрга текканига ўн бир йил бўлганига шубҳам бор эди.

– Ҳа, ишонгим келмаяпти, – дедим.

– Уйдагилар эрта бевворишган, мактабни тугатар-тугатмасимдан эрга чиққанман.

– Хоҳишингиз биланми?

У ўнғайсизланди.

– Поччамиз яхши одамми ишқилиб? – дедим яна.

– Ундан бошқасини тасаввур қилолмайман, – деди у жиддий. – Ўзиям ўлгудай рашкчи. Мени бу ерга келганимни билсалар, билмадим – нима бўлади. Нон дўконга ҳам бир ўзимни чиқармайдилар. Мен ҳам шунга яраша рашкчиман-де, бир-биримизни жуда яхши тушунамиз. Газета-журналларни бирга ўқиймиз. Бир гал “Оқшом”да жудаям таъсирли бир мақолани ўқиб қолдим-да, уларнинг олдиларида хўнг-хўнг йиғлайверганман, овқатам емаганман, то эрталабгача йиғлаганман. Кейин битта дафтарни тўлдириб “Оқшом”га ёзиб юбордим. Негадир жавоб келмади. Биласизми, мен ҳар қандай ишни эплейман, фақат ўқишга киришим керак, журналистикага. Газетада мақолалар чиқарса имтиёз беради дейишадди, тўғрими?

– Имтиёз эмас, бу мажбурий – мақолангиз чиқмаган бўлса хужжатингизни олишмайди. Кечкига кирмоқчимсиз, ё сиртқигами?

– Икковининг биттасига-де. Ёмон экан мунақа шарти бўлса.

– Қоида шунақа-да.

– Демак, мен умуман киролмас эканман-де, а?

Бирам илтижоли тикилдики, ихтиёримда бўлса, уни ўқишга киритиб қўйиш истаги туғилди беихтиёр. шу баробар унинг мендан нажот истаётгани боисми, ихтиёрсиз бир ғурур ҳам пайдо бўлди.

– Унақа умидсизликка тушманг, мақолалар чиқарсангиз бўлади, масалан “Оқшом”га ёзсангиз тезроқ чиқаришади. Ростини айтсам, сиз мана бу ҳикоядан воз кечинг, эълон қилишга арзимаиди-да.

– Нима учун? – деб сўради у тагин таажжубланиб.

– Қандай тушунтирсам, примитивроқ-да.

– Нима дегани у?

– Жўнроқ демоқчиман.

– Ахир мен бўлган нарсани ёзганман, ишонмасангиз ўша одамларнинг уйиниям кўрсатиб қўйишим мумкин.

– Сиз тушунмаяпсиз. Мен бадийлигини назарда тутяпман. Шу томондан талабга жавоб бермайди.

– Бошлигингиз борми? – деб қолди у бирдан.

– Муҳаррирми?

– Ҳа, муҳаррир.

– Шу ерда бўлиши керак, фақат у кишининг бунақа қўлёзмаларни ўқишга вақти йўқ.

– Мен жуда шошиб турибман, – деди яна у, – қайнонам хавотир олаётгандирлар. Кичкинам касал эди.

– Болаларингизам борми?

У кулимсиради. Мен ўнғайсизландим. Сухбат давомида унинг жувон эканлигини дам-бадам унутиб қўярдим. Ёки... Йўқ, у эҳтиросга берилмасди, пича совуққонроқ, ҳаётни мендан кўра яхшироқ биладиган кўринарди. Мен, боягина унинг бошини айлантиргим келган одам эса бир кичик гўдакка ёрдам бераётгандай ғамхўрлик қилгим келарди.

– Саволим ноўрин бўлса, кечирасиз, мен сизни ҳамон ўсмир қиз деб тасаввур қияпман.

– Ёқимли гап. Шундай деганида унинг чўзиқроқ юзи янада ёришиб, лаблари қимтилиб, шундай ҳолат-

га тушдики, худди намоёишга қўйилган маликадай бўлди-қолди.

– Каттам иккинчи синфга борвотти, – у шундай деб яна деворга, Хемингуэйнинг суратига тикилди. Худди шу лаҳзада “Сиз жудаям гўзал экансиз”, деб юборгим келди. Ўзимни зўрга тийдим. Аслида-ку, менинг суқланиб тикилишларимдан зада бўлиб ҳам кетди, яна “кетаман”га тушди.

– Менинг сизга маслаҳатим: “Оқшом”га ёзиб турунг. Тез-тез мақола чиқариб турунг, – дедим яна.

– Қизиқ, нимани ёзсам экан? – деб менга термулди.

Чамаси, у умрида биринчи марта нажот сўраётгандай туюлди.

Азбаройи ёрдам бергим келаётган бўлсаям:

– Маҳаллангиздаги яхши одамлар ҳақида, – дедим беихтиёр. – Борми ўзи шундайлар?

– Ҳа-а, бор-бор, – деди у, – Юсуф бува деган борлар, урушда қатнашганлар, ўшаларни ёзсам-а, чиқазишармикин?

– Албатта.

У шошма-шошар эмас, аксинча, оҳиста гапирар, бироқ одамлар билан кам мулоқотда бўлгани боисми, содда фикрларди.

– Кечирасиз, сиз қаттансиз ўзи?

– Сурхондарёлик. Ўхшаяпманми?

– Билмадим. Очиғи, мен ҳеч жойни кўрмаганман, ҳатто ўзим туғилиб ўсган Тошкентни ҳам дуруст билмайман. Ишонмаяпсиз? Йў-ў, серёзний, ман алдамаяман.

Дунёда бировни алдаш қўлидан келмайдиган инсонлар бўлади. Улар билан бир зум суҳбатлашсангиз бўлди, кўнгли очилдастурхондай билиниб туради. Баъзан одамёввойи, қишлоқи қизлар, айниқса, тоғликлар ҳақида бировга сўзлаб берсангиз, суҳбатдошингиз, албатта, ўша қизнинг қолоқлигига, бироқ барибир ўта ифбатлилигига қойил қолиб ўтиради. Қаршимда ўтирган жувоннинг эса улардан фарқи шаҳарда яша-

ганлиги эди, холос. Қўйиб берсангиз у ҳамма нарсага боланинг кўзи билан қарар, боланинг дили билан ҳайратланиб қоларди. Аммо у ўзини атайдан мағрур ва катта олар, эҳтимол атрофидагиларга кулмасликлари учун шундай қиларди. Унга тегишиш учун:

– Сизни Сурхондарёга олиб кетаман, – дедим.

Жувон эса бу гапни жуда жиддий қабул қилди.

– Қизиқ гапирасиз-а, қандай қилиб бораман? – деди.

Дарҳол гапни бурдим:

– Бу қадар содда бўлманг. Ўзингизга қийин бўлади.

Менга шундай туюлдики, гарчи у сочини қирқтириб, ўзича модага мослаб кийинган бўлса-да, зоҳиран мағрур кўринса-да, анчайин одамови жувон. Унинг биринчи марта уйидан сўрамай чиққанига ҳам имоним комил эди. Жувоннинг – уни ҳеч шундай атагим келмайди, кўнгил изҳори ва менга ёзиб келган бояги ҳикоясининг соддалиги шундан далолат берар эди. Мен энди фақат тоғу даштлардагина эмас, орамизда юрган, биз кўриб-кўрмай, кўрсак-да, кўпинча эътибор қилмайдиганимиз – сулув ва гўзал қалбли қизлар ҳақида биринчи марта ўйладим. Нақадар гўлмиз, дедим ўзимча, кўнгил жозибаси ҳақида суҳбатлашсак ёки ўйласак, фақат ўзимизча тасаввур қилган қишлоқ қизлари тўғрисида гапирамиз ёки ёзамиз. Жувонга нисбатан алланечук ҳавасми, рашкми, ишқилиб бир туйғу билан дил изҳор қилиб қўйгим келди. Дарвоқе, шунда у мендан ёшимни сўради. Айтдим. Тўрт ёш кичик экансиз, деб кулди. Ёшим ундан катта кўрингани учун хижолат чекдим.

Аёл кетмоқчи бўлиб ўрнидан тураётганида бир гап беҳосдан оғзимдан чиқиб кетди:

– Ўзи мен доим шунақа: жувонларни яхши кўриб юраман.

– Ие, уйланмаганмисиз? – дея ажабланиб қолди у.

– Ҳа, уйланмаганман, идеал қиз йўқ. Борлари насиб қилмайдиганлар – сизга ўхшаган.

Унинг энди бироз жаҳли чиқди.

– Кечирасиз, – дедим. – “Оқшом”га ёзиб туринг.

– Кечирасиз, – деди у ҳам шошиб. – Энди барибир бу йил киролмасам керак. Вақт жуда оз қолди-ку.

– Кўнглингизни туширманг-да, лекин.

– Раҳмат.

Ҳис-ҳаяжонсиз, босиқ, жуда табиий чиқди бу сўзлар унинг оғзидан.

Ке-етди. Шундан сўнг бирон марта қорасини кўрсатмади.

Мана, ниҳоят икки йилдан сўнг мен энди уйланиб, бир боланинг отаси бўлсам-да, ҳамон ўзимни ёлғиздек ҳис қиладиган бир ҳаваскор банда бутун борлигим билан ўша жувонни учратишга жон дилдан ишониб турибман. Учратаман, бу аниқ. Бу ерда бўлмаса, сал нарида, ёхуд ундан ҳам нарироқда, албатта, учрайди. Савқи табиий бир туйғу бутун шууримни қоплаб олиб, ўзимни тушда кечган ҳодисалар ҳозирнинг ўзидаёқ кўз ўнгимда рўй беришига ишонтириб турибди. Ҳа, у ўша ҳаворанг қўйлагида товланиб, эҳтимол, анҳор бўйида кутиб турган бўлади. У пешвоз чиқади. Лабларини бироз қимтиб, кўкимтир кўзларини хиёл сузиб, жилмайиб, бўйчан қомати ярашгандан-ярашиб, оҳиста қадамлар билан, жиндек гуноҳкордек... уялиб...

Каминани ёлғончига чиқармаслигингиз учун пайти келганда айтиб ҳам қўяй: орадан анча-мунча вақт ўтиб, у менга телефон қилганди; овозидан танигандим, адашмасам, ўша эди – қизларни дини исломга даъват этувчи мақола ёзгани, шу мавзуда ёзилган нарсани чиқариб бўладими ё йўқлигини сўраб; мендан ҳадеб ўша жувонмисиз деган мазмундаги терговнамо саволлар олавергач, жимгина гўшакни босиб қўйганди, ўшандан бери бир улуг жимлик ҳукм сураётгандек. Қолаверса, мендай гуноҳларга ботиб, ҳаётнинг турли сўқмоқларига бошини суқиб чиққан эса-да, излаган хазинаи давлатини тополмаган кимса. Юрак уриб, би-

ровга – тушунгучи, жилақурса, бош эгиб эшитгучи, фариштамисол ожиза қошида эмраниб би-ир ёрилсам ҳам дейман.

...оҳиста қадамлар билан кела бошлади – худди ҳинд фильмларидаги нозанин каби бу эртакка ишонмайин дедим, лекин бўшашиб, ҳарсиллаб, ўзимни йўқотар алфозга тушдим. Тушга ўхшаш муҳмал бир ҳолат. Туйқус қўлим қўлига тегди. Азбаройи ҳаприққанимдан, худди уйқуда тошнинг устидан тушиб кетдим. Юрагим орқага ёпишиб урмай қолди, гўё. Бироқ томдан ағанаган киши ерга тушади-ку. Мен ўзимга келиб нашъа қила бошладим, шу ҳақда унгаям сўзладим, лекин ўзим сезмадим, тавба, нималарни сўзладим, сўзларимга қулоқ тутгим келди, учиб бораётган сўзларни тутиб олиб эшитдим бир-иккитасини: “Лайли эмасмисиз, Лайли эмасмисиз, сиз, мен...” Менинг сўзларим унинг юзига урилди, қизил лаблари тагин-да қизарди, юзи ҳам қон тусини ола жўнади. Ўша лабларнинг орасидан эгиз чақалоқлардек бир-икки жондор сўз чиқа келди. Уларни олиб кўксимга қўйдим. Сўнг ўша таниш лаблар қоя атрофида қайга қўнишини билмай юрган мусича каби қайноқ нафас уриб талвасаландилар. Вужудимнинг титроқ буйруғи ила мен мусичаю жондор сўзларнинг эгасини бирдан қўлларим ила қучдим. Энгашдим. Хира туман каби парда тортилдию шу парда ортидаги эга тўлқинли сувдаги акс мисол чайқалди. Белдаги қўлларим иссиқ сувни қучгандай бўлдилар. Йўқ, ахийри билсам, у сув ҳам эмас, нимадир хиёнат юз берди шу ерда. Ҳаво – оддий бўшлиқ қолди, холос. Қизнинг ёрқин чехраси балқиб турган бир сурат ҳавода чайқалди. Суратга қўл чўзсам, у ҳам йўқолди-да, ҳангу манг бўлиб қотиб қолдим. Ёнимда солланиб оқаётган анҳорнинг юзини-да ҳижоб янглиғ бир парда қоплаб ётарди. Уятдан юзим чўғдай қизиб кетди...

1991 йил

ҚУШ

Саксонип муаллимнинг ўғли Норбўта кеча Тўти бозордан ажабтовур хабар топиб келди: аллақандай араблар лочин деган қуш қидириб юрган эмиш, бизнинг тоғлардаям лочин бор экан, тутиб берган одамга нақд беш минг долларни қуртдай санаб бериб опкетишармиш. Бу гапни бегона эмас, ўзининг амакиваччаси Эсиргап айтди. Жиззахдаги Дав бахшининг уйига араблар келиб тураркан, ўшалар буюртма берган эмиш. Эсиргапнинг кирмаган тешиги, танимаган одами йўқ, ўзи бирон юмушнинг қўлидан тутмаган бўлсаям уздабурон овчи, эпчил чавандозлигининг орқасидан нозик-нозик одамлар, прокурору мелиса бошлиқларигача ака-ука тутиниб юради. Чамаси, Дав бахшигаям ё ўзига дам солдиради, ё тумор-пумор ясатиб юради.

Норбўта аввалига бу гапга эътиборсиз қаради. Келиб отасига айтгач, оқсоқол муаллимнинг кўзлари чақнаб кетди. “Йўғ-э, беш минг доллар деганинг анча нарса-ку!” деди. Ҳойнаҳой, пулнинг куч-қудратидандир, Саксонипнинг тинчи йўқолди. Эсиргапнинг уйига ўзи бориб масалани ойдинлаштириб келди. Нафақадаги биолог ўқитувчи бўлмиш Саксонип шундан кейин баттар безовталанди.

Эсиргап унга деди:

– Бахшининг уйида ўз кўзим билан кўрдим. Оқишдан келган малларанг, жуда чиройли қуш экан, кўзлариям тимқора. Шундан топиб берсанг, донасини беш минг доллардан сотиб оламан, деб айтди. Дав бова, бизда бунақаси йўқ, десам, суриштириб кўр, овчисан, учраб қолар, деди.

Саксонип ўзининг тилидан отилиб чиққан сўзни беихтиёр ушлаб қололмади.

– Эҳе, нима деясан, манов тоғда бор у қуш. Дарслик китобдаям шу ерда борлиги ёзилган. Лекин таърифига қараганда жуда чиройли қуш. Патлариям хол-хол ҳошияли, оёқлари кўкиш, кўзлари қоп-қора, деб ёзган. Қизил китобга киритилган. Нурота тоғида ё ўттиз, ё йигирма нафар тамғали лочин бор, деб ўқиганман.

Муаллим уйига қайтаётиб айтган бу гапидан ўзи пуншаймон бўлди: бу ярамас айғоқчи-ку, қаердаги одамлар билан жўрачилик қилади, сотиб-нетиб қўйса-я...

Уйига кириб осмонга қараб ўйлаб ётди. Овчи болалар какликка жела қилиб тузоқ қўйиб ётишарди. Анча-мунча тутишадиям. Лочин дегани жониворлар, асосан паррандаларни тутиб ейдиган қуш, қайтанга, какликдан кўра бунга тузоқ қўйиш осон-ку.

Олти ойча бурун тоғдаги моллардан йигирма чоғли семиз-семизини ўғрилар тоғдан ошириб ҳайдаб кетган эди. Шулардан учтаси Саксонипники эди: икки туғадиган сигир ва бир ҳўкизча. Қўриқланадиган чегарадан ўтказиб тоғ ичига қўйиб юбориладиган бу молларга биров қарамас, чўпон боқмас, демак, ихота қилинмаган бўларди. Тоғ қоровули, ов участкасининг нозири, табиатни асраш бўлимининг ходими, ички ишлар ходими ҳам уларни ҳайдаб, бир жойга қамаб қўйиб, эгасига жарима солиши мумкин эди. Қолаверса, қиш юмшоқроқ келган йиллари бўриям бирдан кўпайиб кетиб, молларга қирон келтириб қоларди.

Мол эгалари икки-уч кун, бир ҳафта деганда хабар олишар, хабар ололмаганларига сеникиям юрибди; Куйган тоғда, Солининг сойи ё Томчисойда ўтлаяпти, деб келарди. Албатта, бу одамлар муғомбирлик қилишади. Яқин атрофдаги чакана мол боқувчи чўпоннинг олдига солай деса, ҳар бошига бир ойда минг сўмдан бериб туриш керак, унинг устига яйлов дегани тамом бўлди: очиқ жой борки, буғдой, арпа, нўхат экилган.

Чупонгаям, мол эгасигаям қийин: бир нарса топиб емаса семирмайди, сут бермайди, гўшт қилмайди. Шунинг учун гарчи таъқиқланган бўлса-да, тоғнинг ўт-ўланларигача ҳимоя қилинадиган ҳудудга қўйиб юборишади. Кузда бориб молларини ҳайдаб келишади. Агар омон қолса.

Йўқса, бировдан ўпкалолмайди. Ўзининг тили қисқ.

Йигирма бош қорамолни ҳайдаб кетган ўғриларнинг изиниям топишолмайди. Ички ишлар ходими тоғни оралаб бировнинг молини топиб, ўғрини тутиб бериши даргумон. У гумондор одамнигина чақириб сўроқ қилади. Гумондорлар эса жуда кўп. Одамлар бир-биридан шубҳаланиб устидан ёзаверади: ўша куни фалончининг тўйи бўлаётган эди, пистончи унинг тоғаси бўлсаям тўйга келмади, кўрганлар бор, ўша куни у молларидан хабар олиш баҳонасида Куйик тоғидан Белсойга қараб йигирмадан ортиқ қорамолни ҳайдаб чиққан. Нега ҳайдайди – текшириш керак. Ҳойнаҳой, шу гумдон қилган ёки шерикларига ҳайдаб обориб берган, кейин улар тинчитишган. Бўлмаса, нега ўзининг моли йўқолмади? Қани, шу сўроққа жавоб беринг-чи? Унинг ўғри эканини кўзлариям айтиб турибди: бежо. Тўй-маъракагаям ўшандан бери аралашмайди. Хўш, сабаби нима? Ўртоқ Писмадончиеп, шуни текшириб, аниқлаб берсангиз, ўғри топилади, бу – аниқ.

Бу шикоятларни қишлоқдаги икки ё уч зақунчи ёзиб беради. Шунинг учун хуснихатлар ҳам икки ё уч хилда бўлади. Шикоят рўйхатга олингач, яна бир терговчи овора: гувоҳ тўплаган, сўроққа тутган, тўйга келмаганининг сабабини сўраган. Гумондор оддийгина қилиб молларни кейинги сойга ҳайдаб суғордим, у ерда ўтлоқ яхши, молнинг тили тегмаган экан, бирор ҳафта бошқа жойга улоқиб кетмасин деб, ўша ерга ўтлатиб қайтдим, шунга тўйга келолмадим, дейди. Ҳеч ким унинг ёқасидан ололмайди. Кунлар ўтиб бир йигит машина сотиб

олса, тагин унинг боши милисабозликдан чиқмайди: бунинг ортиқча пули йўқ эди-ку, қаёқдан олди машинани, ўша куни уни тоғда кўрганлар бор, тоғнинг орқасидаги қишлоқларда ошналари борлигини биламиз, фалон йили олқор отиб қўлга тушганда писмадондай қилиб қутулиб кетган, жуда туллак йигит, эҳтиёт бўлиб ушлаш лозим... Ва ҳоказо, ва ҳоказо.

Хуллас, Саксония домланинг пайтавасига қурт тушди. Қани энди ўша қушдан бир талайини тутиб пулласанг-у, гуруллаб юрсанг, ўглингга манаман деган “Нексия” ми, бирор чет эл машинасиними обериб қўйсанг, ёнида ўтириб муртингни бураб тўйларга борсанг, невараларга варанглатиб, ҳеч ким қилолмаган тўйни қилиб берсанг. Яхши-ёмон ҳамсоялар ичи куйиб, кўролмай кўзи тешилса. Кунда-кунора илтимос билан қарз сўраб келишса. Машинангизда шаҳарга ёки палончининг тўйига бориб келсак, ёхуд ўглингиз оппоқ машинасида писдон жойдан келин опкелиб берса, деб етти букилиб ялинишса...

“Бериб бўпман! Мана оласан!.. Мана!.. Эвини топсанг ўзинг ол. Нима, қўл-оёғи бутун одам ҳам шунақа хор яшайдими?! Ҳаракат қил, болаларингга айт, сулайиб ётибди, бари уйда. Нима, уларни сўқимликка боқаяпсанми? Бултур молларим йўқолганда бир оғиз ҳол сўрашга ярамаганингни. Прокурорга ёзганимда сенам қўл қўй деб, қўйдиролмаганимди. Энди-и... Ҳа, ука-а, замон келди, кўрдингми? Бериб бўпман!..”

Саксония лочин фақат одам қўли етмас қояларгагина уя қуриб бола очишини яхши биларди. Шунақа жойлар Бешбармоқ тизмаларида бир нечта борлигини ҳам кўрган. Аммо умри бино бўлиб у қушнинг тиригини учратмаган экан. Қуш дегани осмонда учса, мусича, чумчуқ, зағизғон, каптарга ўхшаб унинг атрофида ўрмалашмаса қайдан кўрасан лочинни.

Бир-икки чопсон йигитлар қор ёққан кезларида яқин адирлардан ҳам каклик тутиб келишарди. Айтиш-

ларича, каклик совукда сув ичса қаноти музлаб эпга келмай қолармиш. Қўнган жойидан тепага кўтарилолмасмиш. Чаққон болалар уни сув ичишини пойлаб қўнган жойидан, қор орасидан оппа-осон тутиб олармиш.

Саксонипнинг ўгли ҳам бу иш билан шуғулланар, овидан қолган икки-учта тирик жўжа какликни қафасда сақлаб, ёзгача боқиб, ёзда тоққа желаси билан опчиқиб каклик ови уюштирарди.

Қўшниси ва аммаваччаси Эсиргап бир куни тоққа товук опчиқиб лочинга жела қўямиз, деб қолди. Аввалига у “бу шпион билан иш қилиб бўларканми”, деб шубҳаланди. Кейин шундоғам уйда ётиппан-ку, борсам борақолай, деб рози бўлди. От-улов йўқ, кўп юришга оёғи чидаш бермади. Қишлоқдан ўн чақирим наридаги Окзов атрофида тўхташди. Эсиргап қитмир йигит, ўзи уйда чандон товуклари бўлатуриб Саксонипга “хўроз олмасак бўлмайди, сизнинг бақироқ хўрозингиз бор, рангиям қип-қизил, лочин қизил қушга ўч бўлади”, деб алдади. Амакиси ноилож, опчиққанимда кичкина лочин кап-катта хўрозимни еб қўярмиди деган илинжда кўнди. Ҳар эҳтимолга қарши хўрознинг оёғига қалин ип боғлаб қозиққа тортиб боғлаб қўйишди. Табиийки, яланг тепада хўроз бир ўзи қолиб безовта бўла бошлади. Домла зовнинг у томонига, овчи укаси бу ёқ томондаги тошнинг панасига ўтиб кутиб туришди. Атрофда какликлар кўп, аммо каклик дегани какликка келади-да, хўроз билан нима иши бор. Боз устига овчилар какликка жела қўявериб обдон қўрқитиб қўйишган, уларнинг мода какликка келишга юраги дов бермайди.

Кўп ўтмай осмонда бир катта қора қуш пайдо бўлиб айланаверди. У ердаги хўрозни кузатаётгани аниқ эди. Сўнг худди тепадан ташлаб юборилган тошдай пастга шўнғиди. Домланинг ўйлашича, у шу алфозда ерга тушса тумшуғи билан бўз ерга бир-икки қарич кириб кетиши керак эди. Йўқ, ундай бўлмади. У шашт билан

айнан хўрознинг ўзига ташланди. Аввалига Саксонинг бу лочиннинг бир қорароқ туридир-ов, деб севинди. Ҳозир сиртмоққа илинади деб кутди. Қаёқда, бу отинг ўчгур хўрозни кўтариб осмонга кўтарилди. Хўрознинг арқонлаб қўйилгани панд берди, шекилли, унинг чангалдан чиқиб ерга тапилаб тушди. Бечора кўрқиб кетганидан бўлса керак, ғужанак бўлиб ётиб олди. Қора қуш негадир желага тушиб қолмади, тагин осмонга кўтарилиб жўнади ва миқ этмай ётган хўрозни яна ҳаволатди. Қозиқ ва арқоннинг маҳкамлигидан хўроз бу сафар ҳам арқон бўйи кўтарилиб чангалдан чиқиб кетди. Саксонинг хўрозига роса ачинди. Бу сабил қолгур қуш нега чилвир желага оёғи илиниб тушиб қолмаётганига ажабланаётган эди. Учинчи сафар қуш хўрозга ташланаётганда сабри чидамай “истеҳком”дан отилиб чиқди. Энди қуш хўрозга астойдил ҳамла қилаётган, уни ердаёқ ғажиб ташлашга киришган эди. Саксонинг қўлига тош олволди. Яқинроқ бориб қушга ирғитмоқчи эди. Буни пайқаган қуш тагин хўрозни кўтариб учди ва тагин панд еди: боғланган хўроз арқонини узиб кетолмади. Аммо важоҳатидан келаётган одамни ҳам писанд қилмасди, қайтиб тушиб хўрознинг патларини юмдалаб ташлади. Саксонинг “ҳой-ҳой”лаганча тош улоқтирди. Қора қуш одам яқинлашгунча ҳаракат қилди. Охири бўлмагач, ўлжани ташлаб қочиб қолди. Домла келиб кўрса хўрознинг бўйни қонаб кетган, томоғининг тагидаги патлари юлиниб яп-яланғоч бўлиб қолган эди. Нариги тошнинг панасидан чиқиб келган жияни қорнини ушлаб қотиб-қотиб қуларди. Бу ҳам етмагандай, ниҳоят ерга ётиб думалаб хаҳолаб қулди.

– Жела-пеланг билан қўшилиб ўл, касофат! – деб сўкинди муаллим.

– Амаки, кўрмадингизми, у калхат эди-ку, – деб яна қуларди жияни. Жияни жуда бўлмаганда шу гал амакимнинг хўрозини қозонга босамиз, деб калхатнинг ҳамласини атай кузатиб турган экан.

– Бекорларни айтибсан, хўрознинг пўқини же, – деди амакиси ғазабини босолмай. Ва уйига келиб хўрозга дори-дармон қилишга киришди...

* * *

Шу орада тоғқишлоқдагилар, жумладан, қўрғонтепаликлар учун ҳам бозор катта гапхона. Бир ҳафтага татийдиган дунё хабарлари шу ердаги хотинлару эркаклар томонидан тарқатилади. Йирик ахборот агентликлари учун ҳам янгилик ҳисобланувчи фалончи фалон жойга раҳбар бўлармиш, фалончи фалон айби учун фалон бўлармиш, каби муҳим янгиликлар ҳам улар томонидан тўқиб чиқарилади. Қизиги, баъзан улар ҳақ бўлиб ҳам чиқишади. Фақат муҳлатида бироз хатога йўл қўйишади, холос.

Аммо лочин ҳақидаги гап-сўзлар ҳали-бери тугайдиганга ўхшамасди. Эсиргап бу гал қўшни Олтибек қишлоғидаги Пардаевларнинг уйига бир қуш келиб товукларига ҳужум қилаётганда болалари тутиб олишганини эшитиб, дарҳол мотоциклини юргизди-да, ўша ёққа ҳайдади. Қараса – лочин! Худди ўзи. Оёғига бир нима қистириб ҳам қўйилган.

– Хў-ўш, – деди у лочинни қўлига олиб. – Бу бизнинг қуш. Ўргатиб олиб уйда сақлаётган эдим. Бу ёққа қандай келиб қолди, ҳайронман.

Унинг шумлик қилаётганини ҳеч ким билмади. Оёғига ўзим белги қўйганман деб тургандан кейин ким нима дерди. Уй эгаси Сувон ака бир товугимни бўғизлаб ташлади, товон тўлайсан, деб туриб олди. Эсиргап жон деб рози бўлди, чўнтагидан бир товукнинг пулини чиқариб берди.

– Мабодо шу ёқларга яна келгудай бўлса, ерга қўндирмай учириб юборинглар, тўғри уйга боради, бошқа қаёққаям борарди, – деди ва лочинни фуфайкасининг қўйнига урди.

Ўша куни Эсиргап Саксонинг домла ва унинг ўғли Норбугани, узининг укаларини тўплаб улфатчилик ўтказди.

– Бу – худди ўша, – деди у. – Айнан ўзи. Буни фақат ювиш керак.

Худо ол қулим деб тургандан кейин ювмай бўлади-ми?!

Қуш муаллим китобда кўрганидан ҳам юз карра чиройли эди: кўкрак томони оппоқ, кўзлари тўлиқ қоп-қора, яқинроқ бориб термулсанг, бу қоранинг ичидан ундан-да қорароқ қорачиғини пайқайсан; усти оч малла, ҳар бир патининг атрофи қора нуқталардан ҳошияланган, патлари бир-бирига чатишиб, янада чиройли уйғунлик ҳосил қилган. Бироқ тумшуғининг гажаклиги, кўзларининг ниҳоятда ўткирлиги унинг йиртқичлигини билдириб турарди. Оёқларининг одам қўли каби ўлжани сиқимлашга мойиллиги ва овозининг фавқулодда аччиқлиги ҳам аёвсиз чавандозларни эслатиб юборарди.

Саксонип тупугини қилт этиб ютди. Демак, шу қуш. У келиб-келиб Эсиргапнинг қўлига тушганини қаранг. Бошқа маънилироқ одам қуриб кетувдими? Бу қушни тутиш худди эртақдаги сингари имконсиз туюлган эди. Мана, у кимсан, жипириқ Эсиргапнинг қўлига тушибди.

Лочинни бўкиб қолгунча “ювдилар”. Сўнггида бировга лом-мим демасликка ҳам келишиб олишди. Чунки... бир оғзи ёмонроқ эшитиб қолгудай бўлса, ҳеч кимга татимайди. Боз устига тергов бериб ётиш кимга ёқади.

Қушга ҳадеганда харидор келавермади. Бу орада гоҳ Саксонип домланинг ўзи, гоҳ ўғли амакиваччасининг уйига бориб лочинни ҳўб томоша қилишарди.

Бошқа қушлардан фарқли ўлароқ, у эрталаб обдон “ювинарди”. Юзини, яъни, тумшуғини “қўли” билан тозалагач, сўнг тумшуғи билан патларини деярли

биттама-битта “тароқлаб” ясанарди. Ўлимтик гўштга кўпам эътибор қилмасди. Пиширилган нарсага-ку, қайрилиб ҳам қарамасди. Хом гўшт ташланса, аввалига қарамай турар, эгаси узоқлашгач, бир муддат ўтиб уни “қўлга” олар, шошилмай у ёқ-бу ёғини тозалаб ташлаб, кейин юмдалашга тушарди. Эсиргап лочинга тирик парранда бериш кераклигини яхши биларди. Шу боис, яқин-атрофдан мусича, чумчуқ тутиб берадиган бўлди. Ёнидаги ўлжа қушга ҳам у ҳадеганда ташланавермасди. Агар қуш учиб қочаётганини сезсагина уни ҳаволаган заҳоти ўқдай нишонга олар, тутиб олгач ҳам қассоблар сингари шошилмай, қанотларини қайириб бўғзига “тиш солар”, қон оқа бошлагач, томоғига тумшуғини босиб қонини ичар, то қон тугагунча шу алпозда турар ва охири қушнинг бошини шартта узиб ташларди. Кейин унинг патларини юлиб-юлиб ташлар, хуллас, қушни “тозалаб” бўлгач, истеъмол қилишга киришарди. Айтишларича, паррандани этига қўшилиб оғзига кириб кетган пат ва юнглариини ҳам лочин кейинчалик қусиб чиқариб ташлар эмиш.

Лочин агар тўймаса, жуда ваҳимали, чинқириққа ўхшаш овоз чиқариб юборар, дабдурустдан одам чўчиб кетарди. Ким билсин, қодир эгам бу овозни лочиннинг азбаройи бадқаҳрлиги ёхуд тутқунликка чидаёлмаслигини сездириш учун бергандир. Шу боис Эсиргап иккита товуғини ҳам “қурбонлик” қилишга рози бўлди. Ахир беш минг доллар деган жойда икки-уч товук нима деган гап! Кейинги кунларда у укаларига жела бериб, каптар тутиб келишга жўнатарди. Жиззахга аллақачон хабар кетган, харидорнинг келишини бегоқат кутарди.

Дав бахши бир қора “Жип” да Иброҳим деган йигит билан келди. Бахшининг тушунтиришига қараганда, йигит араблар билан ҳамкорликда ишлайди, арабчани мукаммал билади, лочин масаласида ҳам кировий мутахассис экан.

Иброҳим қушга разм солди-да, негадир... бошини чайқади. Эсиргапнинг ичи “шувв” этиб кетди.

– Лочин эмасми? – деди беихтиёр.

– Лочин, – деди Иброҳим ва дарҳол чўнтагидан чизгич чиқариб қушнинг бошидан думининг учигача ўлчади. – Қирқ ярим сантиметр, – деди.

Эсиргап анг-танг турарди.

– Бўладими? – деб қалтироқ тутгандай сўради.

– Лочиннинг тури кўп, – деди Иброҳим тагин афсус оҳангида. – Бу сувсан бўлса керак.

– Қанақаси бўлиши керак эди? – деди Эсиргап кўзлари олазарак бўлиб Саксонипга қараркан.

– Итолгиси керак эди, мен бахшига тушунтириб айтганман.

– Энди бу нима бўлади, бахши бова? – Эсиргап негадир бахшидан нажот кутди.

– Қўйиб юбораверинг, бошқа иложи йўқ, – деди Иброҳим бахшининг ўрнига жавоб бериб, бемалол чизгичини ўраб чўнтагига жойларкан.

– Оббо, – деди Эсиргап, – бу ёғи неча пулдан тушди. Ахир бунинг оёғида тамғасиям бориydi. Мен эмас, қизил китобчиларнинг ўзлари тамғалашган. Алюмин сим билан оёғига мустаҳкам қилиб ўрнатишган, алламбало сўзлар ёзилган эди...

– Бунинг аҳамияти йўқ, – деди Иброҳим. – Айтдим-ку, лочиннинг тури кўп деб.

Эсиргап бахшини четга тортди. Чамаси душман кўзи арзонроқ бўлсаям бир нарса бериб опкетинглар, деди. Бироқ “арабларнинг дўсти” бунга қўнмади. Эсиргап икки қўлини бурнига тикиб қолаверди.

Саксонип ҳам, гарчи ичидаги аланга бир қадар сўнган бўлса-да, бу борада бир нарсалик бўлиш осон эмаслигини билиб ҳўрсиниб қўйди.

Маълум бўлдики, лочиннинг итолғи деган тури Ну-рота тоғларида ҳам бор, унинг бошқаларидан кескин ажралиб турадиган жиҳати бўлмаса ҳам оёқлари бир

қадар узун, панжаси ҳам узунроқ бўларкан, айнан оёқ юнглари сиёҳрангга мойил кўк бўлармиш.

Саксониянинг ўғли Норбўта бу ишга жадал киришди. Қушлар ҳақидаги ҳамма дарсликлар, китобларни титкилаб чиқиб, лочин ҳақида анча мукамал билимга эга бўлди. Энди уни қўлга тушириш ва... арабларга расамадини келтириб пуллаш қолган эди.

* * *

Бешбармоқ томонларда Парандоз чўққиси бор. Китобларда денгиз сатҳидан фалон метр баланд, деб ҳам ёзган. Тоғ куйчиси Азим Суюннинг шеърларида бу ҳақда кифти келтирилган таърифлар бор. Шу чўққида денг, бизнинг қаҳрамонларимиз лочин уясини кўришибди. Унда бир эмас, бир неча тухум очишини ҳам билишибди.

Шундай қилиб, қишнинг қора совуғида ўч ўғлон йўлга тушишди: Норбўта, Эсиргап, Ботир. Ботир ҳам буларга амакивачча. Норбўта билан Эсиргап олқор ва тўнғиз овининг жуда ҳадисини олишган. Какликка ҳам обдон қирон келтиришади. Тоғдаги ҳар тош, ҳар бута буларга таниш. Олқорнинг келар йўлини ҳам, кетар йўлини ҳам, қишлаш, сувлаш манзиллини ҳам пухта билишади. Аммо дунёда олқордай сезгир ҳайвон кам топилади. Одамнинг, милтиқнинг ҳидини олган заҳоти гумдон бўлади. Ҳар қандай эпчил овчини доғда қолдириб кетиши мумкин. Боз устига нақ рўпарадан келиб қолмаса бир киши ҳеч қачон пулемёт билан ҳам олқорни ўққа дучор қилолмайди. Уни фақат бир овчи бошқа овчининг йўлига ҳуркитиб ҳайдаб юборибгина ғафлатда қолдириши мумкин. Акс ҳолда, фақат қувлашганинг, чарчаганинг қолади. Овга чиққанингга пушаймон бўласан, бошингни ишлатмаганингдан кейин оёгингдан қариб юраверасан.

Эсиргапнинг отига Норбўта мингашди. Ботир яёв. Яхшиямки, уларнинг мингани кўпқари чопадиган бар-

дошли от. Оби-тобида, вақтида совитилган, пишиган, юганни қўйиб бераверсанг олқор уюрлари бор манзилга ўзи боради. Аммо тоғ дегани чандон юришни ўнғайсизлантириб, кўп ўтмай ҳолдан тойдириб қўйиши аниқ. Шу боис йигитлар эрта азондан сой ичи билан эмас, Оқзовнинг усти билан ёввойи узумлар ўсиб ётадиган Токли томонга тикка кесиб чиқишди. Бироқ Токлининг тепасидан барибир сойга тушишга тўғри келади. Токлининг шаппатидан сойга эниш барибир ўнғайсиз. Чағатлар шиғиллаган тош, унинг устига кунга терс камарлар қор билан тўлган: қаери гуртук, қаери саёз – билолмайсан. Ботиримиз полвонкелбатроқ, бировларнинг наздида анчайин семиз йигит. Қўлига таёқ олиб, қорнинг гуртугини ўлчаб, кейин қадам ташлаб кетяпти. От жонивор нафақат йўлнинг танобини тортади, тойинчоқ тошли жойларни ҳам билади, шу сабабли бўлса керак, баъзи жойларда тўшигача қорга кириб кетсаям олға босаверади. Баъзан эса саёзроқ жой келса ҳам ҳадиксирагандай таққа тўхтаб қолади. Бир хавфни сезганини билиб, минганлар ҳам йўлни бошқа тарафга солишади. Токлининг бир камарида ҳам от шартта баландга қараб ўрлади. Ботир сойга эниш осон бўлсин учун йўлидан қолмай, пастга қараб шувшиди. Аммо у дарҳол отдаги шерикларининг бақириб юборганини эшитди. Эшитдию қараса, устига том бўйи қор оқими силжиб келаяпти. Не қиларини билмай бир бутадан ушлади.

Туясингил экан, совуқда мўртлашганми, дарҳол юлиниб кетди. Кейин жон ҳукмида бошқа бутага қўл чўзди. Ҳарқалай, бу бодом экан, ушлаганича қотиб тураверди. Кўчки уни босиб ўтиб қорга кўмиб ташлади. Отдагилар туша солиб ваҳимага тушиб пастга чопишди. Аммо улар ҳам кўчки пастга силжиб тушгунча кутиб туришга мажбур бўлишди. Қарашса, Ботирбой йўқ. Қор билан сойга думалаган бўлса омон қолмаган деган хавотирда эдилар. Бир вақт қорнинг

текис усти булкиллагандай бўлганини Эсиргап пайқади. Норбўтага имлади. Ростдан ҳам камарнинг бетартиб қорларини кафтдай бир текис қилиб кетган кўчкининг изида бир жой қимирлагандай бўлди. Норбўта юраги бетламайроқ шу томонга қадам босди. Эсиргап унга эргашди. Уша жойни қўл билан важоҳатла ковлаб ташлади. Ниҳоят йигитнинг қора чарм курткаси кўрингач, “ана, Худога шукр, ана!” деб қичқириб юборишди. Ботирни қорнинг тагидан бус-бутун чиқариб олишди. Фақат йигит бечора азбаройи кўрқиб кетганидан қалтираб йиғлашга тушди: “Мени, сизлар эмас, анави ердаги бодом қутқарди, бодом!” деб йиғларди у. Ўзингни бос, ўзингни бос дейишиб, етаклашиб пастга тушишди.

От кўчкини сезган экан. У энди бўйнида юганини солинтирганча эгасининг ортидан эргашиб келарди. Пастда шарқираб сув оқар, Ботирбой шу сувдан гўё ёзнинг жазирамасида чанқагандай тўйиб-тўйиб ичди. Сўнг бояги кўчган қорни кўриб тонг қотишди. Қор уюми худди бир катта қирдай сойни тўсиб қўйган, сув эса унинг остидан “туннел” очиб оқиб тушарди. Ботир бу беҳосият ов ўзларингга буюрсин, бормайман, деб туриб олди. Икковлон уни отга ўтқазиб, ўзлари пиёда, узр сўраб, зўрға Парандозга боришга рози қилишди.

Уч оға-ини ботирлар қир, довон, тоғ ошиб, йўл юриб, йўл юрсаям мўл юриб манзилга етганларида кун пешиндан оққан, яхшиямки, қуёш чиқиб, тоғнинг кунбеткай томонлари қорини хўп эритмоқда эди. Лекин ҳавонинг очиқлиги кечқурун аёз бўлишидан дарак бериб турарди.

Парандоз чўққиси жуда ваҳимали, пастдан қараганда бошни айлантириб юборадиган даражада кўрқинчли эди. Улкан тоғ тошдан иборат, ўшшайиб сойга гавда ташлаб тушган, паст қисми эса ёйиқ шаклда тугагани учун одамнинг устига ҳозирнинг ўзида қулаб босиб қоладигандай тасаввур уйғотарди.

Йигитлар чўққи пойида туриб дурбинда қушларни кузатишарди. Эсиргап улар орасидан лочинни топди. Унинг келиб қўнадиган уясини билди. Бироқ уя қоянинг нақ бўрнида эди. Унинг устидан келиб тепасига чиқиш осон, лекин қайси мард пастга қараб туша олади? Бу чўққиларда тоғ маликаси олқорнинг ҳам юриши маҳол. Эсиргап бобосидан бир гап эшитган. Бурунги замонда бир ўпкароқ киши жўралари билан баҳс бойлашиб белига арқон тортиб шу қоядан пастга тушган. Мақсад чўққининг қоқ ўртасида қуёшда ялтираб турувчи тош шираси – мўмиёни қўлга киритиш бўлган. Йигит алпинистлардай арқондан ушлаб, пастга бир-бир қадам босиб тушаверган, арқоннинг нариги учи тошга боғланган, қолаверса, шериклариям ҳар эҳтимолга қарши ушлаб туришибди. Йигит мўмиёга етгач, ундан елкасидаги хуржунга кўтарганича солган, сўнг энди тирмашиб тепага кўтарилаётганда дайди шамол туриб уни жойидан қўзғатиб юбориб мувозанатини йўқотган. У арқон билан қўшилиб чўққининг шамол ҳайдаган томонига ўтиб кетган. Тош қирралари арқонни титиб, кесиб юборган. Оқибатда бўз йигит пастга қараб шўнғиган. Афсуски, унинг жисми чўққи қирраларига урилиб парча-парча бўлиб кетган. Миш-мишларга қараганда йигит хуржунидан тўкилган мўмиёларни баъзи одамлар териб олиб шифо талабида ичишган. У ҳар қандай синиққа даво бўлган экан.

Мўмиёни олқорнинг қадами етган жойдан топиб бўлмайди дейишади. Сабаби жониворлар, қашқирлар, бўрилар, улардан қолса қашқирсифат одамлардан олган жароҳатларини мумиё кўмагида ўзи даволаб олармиш...

Эсиргап лочин уясига етиб бўлмаслигини билиб турарди. Бунинг устига бошқа ёввойи қушлар ҳам шу қадар кўпки, қўйган тузоқ, сиртмоғу жела-пеланг-ни, ўлжа-пўлжаси билан титиб ташлашади. Бургут, калхат, қузғун, укки, қирғий деган ўлаксахўрлар борки,

улар орасидан лочин жонивор “қайдасан Эсиргап-жон” – деб тузоққа тушмаса кераг-ов. У амакисининг хўрозини олиб чиққандаги воқеани эслаб кулиб қўйди. Чўққига арқон олиб чиқишга-ку ҳеч кимнинг юраги бетламайди. Бу ҳақда гапиришнинг ўзи қўрқинчли. Бояги воқеани эса ҳаммаси эшитган.

Бироқ Норбўтанинг эътирофича шу қушлар орасида камида эллик минг доллар пул кўкда парвоз қилиб юрибди.

– Бу бешта “Нексия” дегани, – деди Эсиргап. Сўнг Ботирга қаради. Ботир бунга жавобан “ухх” деб қўяқолди.

Аҳён-аҳёнда олқор подаларига кўзлари тушади. Аксига олиб бу гал милтиқ олишмаган. Қишлоққа кирганларида элнинг олди уйқуга кетган эди...

* * *

Саксонипнинг гапига қараганда бу тизма тоғнинг бошқа жойларидаям лочин бўлиши керак. Яъни, тизма тоғнинг Белсой томонларидаги қолип, қия чўққиларидаям учрайди. Бунни овчилар билади.

Аммо овчи дегани борки, бу ҳақда ўзининг туғишганигаям гап очмайди. Нима қилади ўзининг мўмай ўлжасини бировга текинга сотиб, луқмани ўзи ютиб қўяқолмайдими. Бошқалар юраверсин олқор, тўнғизни қувлаб.

Саксонипнинг ўзига қўйиб берса-ку, бугуноқ икки-уч лочиннинг жойини солиб, йўқолган моллари эвазига бир қусуридан чиқса. Аммо мана, кўриб турганингиздек, банданинг дегани ўттиз, Худойим қилади тўққиз. Энди балки қуш болалагунча кутиш керакдир. Ўшанда барча қушу парранда қатори лочин ҳам ўз тухуми, уяси атрофидан кетолмай қолади.

Саксонипнинг чўлда қариндошлари кўп. Илгари қишлоқдан кўчиб чиқиб кетишган. Уларнинг орасида айниқса қайни, қайноғалари билан анча иттифоқ, боришли-келишли. Бир қайнисидан Форишнинг За-

фарободга ошиб тушадиган довонида лочиннинг уяси борлигини эшитди. Қишнинг илиқ кунларидан бирида сабри чидамай ўзи мотоциклда Норбўгани мингаштириб бориб, атайлаб кўриб ҳам келди.

Энди сал кўнгли жойига тушди. Кунлар илиганда яна бориб келди. Қуш тухумлаш олдидан, тухумлагандан кейин яна борди. Бу – лочин. Лочин бўлгандаям худди ўша, араблар оладиган, рисоладаги лочин.

Саксония улкан бойликни аввалдан хусусийлаштириб олгандек севиниб, кўнгли тўқ юарди.

Қуш тухум қўйгандан кейин у қайнилариникидан деярли уйига келмай қўйди.

Қоя этагида пойлаб кунда-шунда бўлиб қолди. Уя унча тепада эмас, балки арқон тортиб чиқса бўлар. Муаллим бунинг ҳам чамасини олиб кўрди. Ҳеч кимга айтмай ўзим қушнинг болаларини оптушиб боқсам-чи, деди. Лекин яна ўйладики, қариган кезде тошдан йиқилиб-нетиб шарманда бўлиб юрмайин, эл кулгу қилмасин. Шунини ўйлаб қишлоққа, ўғлига хабар жўнатди. Норбўта дарҳол Ботир билан етиб келди. Саксония Ботирни кўриб ғижинди. Шериклик ошни ит ичмас, нима қилардинг буни, дегандай ўғлига олақараш қилди. Ботир бўлса бекорчихўжа. Уйида ётади елкасини қашлаб, зерикиб ётгандан кўра, деб овчи йигитларга эргашади, бироқ бир нарсга таъма қилмайди, ким нима улуш берса, шунга рози бўлиб юраверади. Саксония уяда учта тухум борлигини чўққининг тепасидан дурбин билан кўриб билган, улар очиб чиқса полапону отаонаси билан қўшиб ушлашса йигирма беш минг долларнинг тагида қолишни ўйлаб, ўзича ҳисоб-китоб қилар, унинг сарф-харажатиниям аниқ бўлиб қўйган эди...

Хуллас, унга шерик ортиқча эди. Ҳатто қайниларини ҳам бу ишга қўшгиси келмай, бу атрофларда дево-надай тентираб юарди.

Лочиннинг модаси ҳуросидан йирикроқ, гавдалироқ бўларкан. Араблар ҳам модасига қизиқармиш. Айни шу кунларда тухум ёришга яқинлашган эди. Қизиги, лочиннинг эркаги ҳам урғочиси билан алмашиб тухум босар, галма-галдан бориб овқат топиб, еб келишарди. Бу орада ота-бола зўр бериб, қушларни қай тариқа қўлга киритиш режасини қилишарди. Тузоқнинг желадан бошқа янги хилини ўйлаб топишди. Жела қушнинг оёғидан сиқиб қолишга мўлжалланган доира-доира шаклидаги тўр ип, янги тузоқ эса лочиннинг бошидан тутишга хизмат қилиши керак. Чунки уянинг нисбатан одам қўли етиши мумкин даражада пастлиги, полапонлару уларнинг ота-онасини ҳам қўлга тушириш зарурлиги шуни тақозо қиларди. Бунини Норбўта ихтиро қилди. У каклик овига чиққанда желани ўзи ясар, кўпинча унинг желасига тўда-тўда какликлар келиб ёпишар, бир овдан беш-олтита какликсиз қайтмас эди.

Янги ясалган сиртмоқ ҳам желлага ўхшаб тўр шаклида бўлади. Лекин унинг ўртасида яна бир тўрхалта ясаб, тўрхалтага каптар солиб қўйилади. Каптар ҳадеб ирғишлаб, типирчилайвермаслиги учун унга сурпдан “кийим” кийдириб қўйилади. Сиртмоқнинг оғзи нисбатан катта, аммо лочиннинг гавдаси сиғмайди. Тумшугини урган заҳоти бўғзидан бўғиб олади, ҳисоб-китоб бўйича ипак ип тортилганда тугунчаларга қадалиб тўхташи, яъни, қуш ўзини тортганда нафасини бўғиб қўймаслиги керак. Бу жуда пухта ишланган режа эди. Бунгача мусича ва каптарлар тутиб ҳўп синая кўришди. Лекин полапонлар темирқанот бўлиб учишга шайлангунча кутишга тўғри келди.

Бир маҳал Ботирнинг мардлиги қўзиди.

– Шу тошга чиқиб, лочинларни оптушсам қанча берасан? – деб қолди Норбўтага.

“Бекорларни айтибсан, – деди Саксония ичида, – шимилдириқ ҳам бермайман”.

– Қўй, тинч ўтир, жигар, ўларсан тушиб кетиб. Мана, шу лочинларнинг бирини оласан барибир, – деди Норбўта.

– Чиқаман, кўрасан, қараб тур, – деб у кийимларини ечиб ота бошлади.

Норбўта уни тўхтатолмади. Отаси эса негадир индамади. Ўзини эшитмаганга олиб тураверди...

Ботир қояни ён томонидан бўртиб чиққан тошларга оёғини қўйиб, тирмашиб чиқа бошлади. Тош бўйидан баландроқ кўтарилди. Бир пайт оёқ қўйишга мўлжаллаб иккинчи оёғи билан бир тошга сакраб ўтиб олмақчи эди, оёғининг тагидаги тош синиб, тушиб кетди. Мувозанатини йўқотиб қўли билан ҳам ҳеч нарсадан ушлаёлмади. Пастга қараб тошларни иширганча орқаси билан тушиб кетди. Яхшиямки, пастда мўрт, майда тошлар аралаш қум уюлиб ётарди, шу уюмга войвойлаганча гупуллаб йиқилди. Ўзига ҳеч бало бўлмаганини билдириш учун ирғиб ўрнидан турган эди, боши айланиб тағин йиқилиб тушди. Бурни, қорни ва тиззалари шилиниб қонамоқда эди.

Саксонип уни ҳозир кўраётгандек, аввал, “ие” деди, кейин:

– Нафс курсин, баднафслик одамни ўлдиради, – деб койиди...

* * *

Аввал темирқанот уч лочинчани тутиш лозим эди. Уларга тирик қуш ўлжа бўлиши шарт эмас, хом гўшт бўлаги кифоя. Фақат тузоқ яхши ўрнатилса бўлгани. Тузоқ тўрт тарафдан темир қозиққа тортиб боғланган, атрофи тўр ва ўртадаги гўшт солинган сиртмоқдан иборат эди. Аввалига темирқанот лочинлар ўз уяларидан сакраб чиқишга куч тополмадилар. Уч кун овора бўлишга тўғри келди. Тўртинчи кун эса, не тонгки, она лочин тўрга илинди. Бечора болаларига луқма тополмай овора кезиб юрган чоғда тайёр гўштни кўриб ол-

гиси келган бўлса керак. Уша куннинг ўзида катта по-
лапон, эртаси кун эса оч қолиб қийналганидан бўлса
керак, қолган иккитаси осонгина қўлга тушди.

Фақат хўроз лочинни тутишнинг иложи бўлмади.
Энди унга овчиларнинг ҳам ҳафсаласи йўқ эди. Тўрт-
таси ҳам фалондай пул бўлади, – деб ортларига қай-
тишди.

На бўлғай, она лочин худди ўлчаб қўйгандай қирқ
уч сантиметр, яъни, харидорларнинг талабига жавоб
берарди.

Эсиргапни Дав бахшига бориб келишга кўндириш-
ди. У амакисидан улуш берасизми, деб сўради.

– Бориб келавер-чи, аввал пул бўлсин, қуруқ қол-
массан, – деди Саксонип.

– Бир нарса десангиз яхши бўларди-да, харидорлар
бизники-ку.

– Боравер, қуруқ қўймайман деяпман, – дея жаҳл
қилди амакиси.

Бир ой, икки, учинчи ой ҳам ўтди – харидорлардан
дарак бўлмади.

Лочинлар учун махсус тўр катак ясалиб, унга парда
тортилган эди. Уй эгалари ўзлари емаган гўшту пар-
рандаларни озиқ учун уларга бериб туришга мажбур
эдилар. Бўлмасам-чи, ахир, йигирма минг доллар пул
шу катакда қамалиб турибди-я.

Саксонипнинг кечалари уйқулари қочиб кетар, фо-
нарь ёқиб қушларни тагин кўздан кечириб келарди.
Болаларининг биттаси мода экан, у тезда улғайиб, она-
сидан ҳам каттароқ бўлиб кетди. Демак, шу дарози қим-
матроққа кетади...

Лочин озода қуш. У эрталаблари ўзига зеб беради.
Ахлатини четроққа ўзи яшириб, кўмиб қўяди. Кўзлари
тимқора, тип-тиник, қараб тураверсанг ҳордигингни
олади. Уям кўзини узмай қатъий термилганча тура-
веради. Гўё шу алпозда бир нима деб гапириб юбора-
дигандек... Балки “бу тутқунликка ҳам бир кун барҳам

берилар, а?" деб эгасига савол бермоқчидир. Эҳтимол, менинг ва болаларимнинг нима айбимиз бор ўзи?" деб нолиш қилмоқчидир...

Саксонип Дав бахшига ўзиям бориб келди. Бахши айтдики, харидорларнинг ҳозир анча оёғи тортилиб қолди, чегарадан лочинни олиб ўтиш қийинлашиб кетипти, агар олсаям арзон баҳога олиши мумкин.

Саксонипнинг тарвузи қўлтиғидан тушди.

Бу ёғи нима бўлади энди? Шунча сарсонгарчиликдан сўнг...

Аввалига лочинлар ҳақида фақат уч эркак хабардор эди, холос. Бора-бора қўшнилари, ундан сўнг жами қишлоқ, кейин эса қўшни қишлоқдагилар эшитди. Олис-олисларга ҳам хабар кетди. Бунинг хатарли томони бор эди. Айниқса, органнинг қулоғига етиб қолса...

Бошқалар эшитишининг яхши томони эса харидор топишга ёрдам бериши мумкин эди. Кўпчилик келиб лочинни кўрар, томоша қилар, аммо уларнинг ҳеч бири харидор эмасди.

Саксонип бир куни телевизор кўриб ўтириб "Қилни қирқ ёриб" кўрсатувида айнан лочин мавзусида гап кетганини эшитди. Бир ёш олим лочиннинг кўп турлари ҳақида сўзлади. Россияда кричит, нижегородский деган зотлари ҳам бор экан. Унинг айтишича биздаги итолғи зотига чет харидорлар, хусусан, араблар қизиқармиш. Мухбир бунинг боисини сўраганда у бундай деб жавоб берди: Араб денгизи бўйларида йўрға тувалоқ деган қуш бўлади. Бу қуш денгиз тагидаги маржонларни териб ейдиган балиқларни хуш кўради, шу балиқ билан озиқланади, шу боис унинг ошқозонида маржонлар тўпланиб қолади. Йўрға тувалоқни айнан итолғи лочиндан бошқа қуш қувиб етолмайди. Шунинг учун баъзи араб овчилари лочиндан овчи қуш сифатида фойдаланадилар. Йўрға тувалоқ бизнинг юртимизда, Айдаркўл бўйларида ҳам учрайди...

Саксонип “ана холос, пишди гилос!” деб юборди қувонганидан. “Маржон бор экан-да биздаям, ў, қизиталоқ!”

Энди хаёллари бошқа ёқларга олиб кетаётганди, олим йигит қўшимча қилди:

– 199... йилдаги ҳукуматимизнинг фалон қароридан кейин лочинни овлаш қатъиян ман этилган. Бу иш билан шуғулланувчилар жиноий жавобгарликка тортилади...

* * *

Эсиргапнинг ҳикоя қилишича, амакиси Саксонип бир куни лочинини кўтариб овга чиққан. Йўрға тувалоқни ушламоқ учун Форишдан наридаги Айдаркўл бўйларигаям борган. Лочинни қўйиб юбориб, олдида бир товукни боғлаб қўйиб, ўлжа тушиши ва меҳрибон лочини унга ичи тўла маржон бўлган тувалоқни тап этиб ташлаб кетишини кечгача кутган.

Бироқ... бу лочинлар ҳам замонавийроқ, мулоҳазакорроқ, шекилли, Саксонипдай домуллани менсимай, буям етмагандай тузлиғига тупуриб, кетиб қолган. Қолган лочинларни эса... инсон зоти сўраб келмаган.

Тошкентдаги фалон институтнинг профессори бўлиб ишлайдиган Каттаев ўзининг уйида қушлар коллекциясини тўплармиш деган гапни эшитиб, Саксонип унинг Булоқбошидаги укасиникига бориб кепти. Укаси чиндан акам қушларнинг девонаси, агар бирор лочинингизни совға қилсангиз, ўзида йўқ хурсанд бўлади, деган. Саксонип сотмоқчиман, деган. У акасига телефон қилиб билса, ўн минг сўмга берса, оламан депти.

Саксонип бир ой ўтгач, Каттаевнинг укасиникига бориб ўн мингга рози эканини билдириб, бир лочин берди ва пулини дарҳол беринг, дебди. Каттаевнинг укаси у қўшниникига, бу қўшниникига борибди, пул тополмабди. Охири акамнинг ўзи яқинда байрамга ке-

лади, ўшанда беради, рози бўлсангиз ташлаб кетинг, бўлмаса опкэтаверинг, депти...

Саксонип иккилана-иккилана, охири лочиннинг овқатини ўйлаб ташлаб келибди. Байрамнинг эртаси куни эса бир отлиқ бола Саксонипнинг уйига беш минг сўм ташлаб кетибди. Саксонип ундан:

– Нега кам? – деб сўраса, – Бобом қушниям пулга сотиб оладими, деб сўқди, шунинг учун домла қўли қуруқ бўлмасин деб шуни бериб юборди, – депти.

Бошқа лочинларнинг тақдири нима бўлганидан хабаримиз йўқ.

Аммо ўша кунларда чўлда тирикчилик қилиб юрадиган Саксонипнинг қўшниси Пулат муаллимнинг ўғли Одил янги “Жигули” сотиб олти.

Саксонипнинг хўрлиги келибди: “Агар сигирларим уйда бўлганида туғарди, болалариям тана бўлиб қоларди, ҳўкизчаям балодай катта ҳўкиз бўлиб уч юз эллик-тўрт юз кило гўшт қиларди. Уларни сотсам бир машинага етадиган пул бўларди. Эҳ-ҳ, қандай моллар эди-я, пешона қурсин, пешона! Аҳмоқ бўлиб лочиннинг орқасидан эргашиб юрибман-а! Уйи куйсин бу қушнингам, ўша харидорларниям! Одамлар шусиз ҳам бойиб кетяпти-ку!.. Хў-ўш, ўзи бу Одил аҳмоқ йигит бўлса, қандай топди экан пулни? Қаранг-а, уф-ф...”

Шундан сўнг Саксонип қўлига қоғоз-қалам олиб ёзишга тушибди. Унинг хатбошиси шундай экан:

*“...туман прокурор и
...га Кўргон қишлоғида
яшовчи фуқаро
Б.Саксонип томонидан
Шикоят-ариза*

Шул ҳақдаким, 2003 йил 26 июнь куни тоғдаги Бургутлисойдан йўқолган 20 бош қорамолнинг ўғриси маълум бўлди...”

2004 йил

ТАРВУЗ

Омондавлатнинг қишлоқдан қўнгироқ қилиб индинга бола-чақаси билан келишини эшитиб Худойкулнинг энсаси қотди, нечукдир миясига лоп этиб буям пул сўраб келади, бўлмаса беш-олти йилдан бери кўришмаган синфдошга бало бормиди, деган ўй урилди. Қўнгли хижил тортиб, келмасаям ўпкаламас эдим, деди. Ўзидан-ўзи хотинига ёзгира кетди: “Бу замонда бировга аҳмоқ одам қарз беради, олган одам вақтида қайтармайди, эланиб юрасан-юрасан орқасидан, йўқ, мана, кўриб турибсан-ку, ўлдирсанг ўлдир – беролмайман, деб қақшаб тураверади. Ваъдалар бошқача эди-ку, десанг, тушса оласан-да, дея шалпаяди. Нима қиласан, ўлдирасанми, сўясанми, ўрнига келадими шунда? Айниқса, қишлоқдаги одамга қарз бер, қудуққа тушган игнадай минг йилдаям қайтмайди, емиш олади, бўғдой олади, емишни – моли, бўғдойни – ўзи еб қўяди, нима қиласан, еб қўйдик, ука, жўра, деб ҳиқиллаб тураверади. Сенам ёрдам бер менга, Сапувра, шу гал қарз бермайман, қайтмайди, энг яқин синфдошим шу Омондавлат бўлса, унданам қайтмайди”.

– Ҳўп, пулимиз йўқлигини хотинига тушунтирарман, хотини эрига айтар, шундаям йўқ, сенда бор, берасан, деб ёпишиб туриб олмас, ахир. Тўғрими?

– Ишқилиб, бир илож қил, мени қутқар шу сафар, бўлмаса, биласан-ку, қўнглим бўш, бериб юбораман.

Эр-хотин икков меҳмонларни кутиб олиш режасини тузишди.

Ундоқ деса бундоқ, бундоқ деса ундоқ эди, дея чора гап топиб берамиз, хуллас, йўқлигига ишонтирамиз, – деб келишиб олишди.

Меҳмонлар кечин-ола етиб келишди. Омондавлат хотини, бир чақалоқ қизи, тўрт-беш ёшлардаги бурни оққан ўғли билан келди. Дўстининг уйида йўқлигини кўриб чандон хафа бўлди, гўё у ҳеч қаёққа қимирламай кутиши шартдай. У қўлтиғида иккита тарвуз, хотини бир қўлида чақалоғи, бир қўлида каттакон корзинкасифат сумкаси бор эди. Сумкада туршак, ёнғоқ, майиз, қишлоқнинг тегирмон унида ёпилган талай нон ва патирлар, Худойкулнинг ёш қизчасига атаб тикилган кийим-бачкилар бор эди. Омондавлат тарвузларни ошхонага қўйди, сўнг юз-қўлини ювиб залга – меҳмон кутиладиган жойга ўтди. Ўғилчаси ур-тўполонни бошлади: телефоннинг трубкасини кўтариб “алло” деб қичқирди, телевизорнинг кнопкаларини боса бошлади, бир қоғоз қутининг ичидан турли ўйинчоқларни чиқариб ҳар ёққа судради. Ўзи ясатилган стол бўйига ўтириб чой ичди, узум еди, ёнғоқлардан чакди, телевизорга қараб ўтириб диванда ухлаб қолди. Алламаҳалдан сўнг ўртоғининг келиб туртишидан уйғонди. Сапчиб туриб қучоқлашиб кўриша кетди. Ухлаб қолгани учун узр сўради.

– Йўл чарчатган-да, нимасига хижолат бўласан, – деди Худойкул. Сўнг ўтириб сўрашар-сўрашмас атрофнинг тўзиб кетгани, ўғилчаси ҳамма нарсани ағдар-тўнтар қилгани, чақалоғи нариги хонада баралла қичқираётганини кўриб чандон кайфи учди ва сал жаҳлини билдириб бироз сур оҳангда:

– Жон жўра, оёғингдиям, носкингдиям ювиб кел ваннага бориб, – деди.

Омондавлат ўртоғининг гапи ҳазилми-чинми, билломай гаранг бўлди, бир жилмайиб “қўйсанг-чи, эй, оёғим сасимагандир”, демоқчи бўлди, қараса, мезбоннинг авзойи жиддий, жуда хижолат бўлиб ўрнидан қўзғалди. Балоғатга етгани бери бунақа дашном эшит-

магани учунми, кўнгли сингандек бўлди. Аммо кейинроқ пича ғашлигини босиб, шаҳарда уйлар тор, шунинг учун ўзимга сезилмаган тер ҳиди уйга тарқаган чиқар, бегона бўлсам бетимга айтармиди, – деб ўйлаб қўйди.

Чамаси, шундай деб ўзига тасалли берди. Худойкул қишлоқни, оға-ини, қариндошларни суриштиргач, дабдурустдан пул топиш анча мушкул бўлиб кетгани, бировга берган пулингния, молингния қайтиб олиш ўлимдан оғирлигини ёзғириб сўзлай кетди. Омондават дўстининг пул сўраб қўймасин деб, аввалдан пушкадан ўт очаётганининг маъносини тушунмади. Ҳайрон бўлди, уйнинг ҳар тарафи ялтираб туриши, телевизор, мебелларнинг баҳосини ўзича ўйлаган бўлди, ҳовли қураётгани, қанақадир чет эл машинасини миниб юрганини эшитган, миясининг бир чеккасида ҳаммаси ғимир-ғимир эътирозлар уйғотиб, ношукур бўлмасликка даъват қилмоқчи бўлди-ю, негадир ўзи ҳам ростдан одамлар ҳозир шунақа эканлигини тасдиқлаш учун амакисининг ўғлига уруғлик учун тирамода ўн беш минг сўм бергани, бироқ уни қайтариб олиш қийин бўлгани, икки-уч марта беш юз минг сўмдан бериб баракасини учиргани, охири эккан буғдойини бод уриб, ҳеч нарса беролмаслигини айтиб турганини сўзлади.

– Ана шу-да, ҳамма шу, ҳеч ўзга эмас, хоҳ шаҳарда, хоҳ қишлоқда, хоҳ дўст, хоҳ душман бўлсин – оқибати шу, – дея пишанг берди Худойкул. – Ҳалиям ўн беш минг экан-ку. Бу шаҳарда бир хил ўзига тўқ оилаларнинг бир кунлик харажати ҳам эмас.

Омондават “йўғ-э” дея телевизордан кўзини узиб жўрасига қаради, ишониш-ишонмаслигини билмади. Худойкул эса безътибор давом этди:

– Мана шахсан ўзимнинг ўн минг доллардан кўпроқ пулим ташқарида юрипти. Зарилликкаям сўраб ололмайман. Ҳаммаси кўз қиймайдиган одамлар: дўстлар, курсдошлар, қариндошлар, укалар.

Омондавлат шу доллар деганларининг башарисиниям кўрмадим-да, ўзи у неча сўм туради, қаерда сотилади, деб сўрамоқчи бўлди, аммо шу мавзу унга кўп хуш келмади. Ҳамма нарсанг етарли бўлатуриб, додлайверсанг ҳам яхши эмас-ку. Бирдан хаёлига жўраси қизчалик бўлгани келиб, чўнтак ковлади ва “тўнбичар қутлуғ бўлсин, умри узун бўлсин!” – деди. Йигирма уч йил аввалги синфдош бўлиб юрган кунлари, маза-бемаза қилган ишларини эслаб мириқиб ўтиргиси келди. Синфдошларининг аҳволдан сўзлади. Икки ойда бир марта йиғилиб туришлари, йиғилганда уч кило гўштнинг пулидан гаштак пул йиғишларини айтиб, сен ҳам қўшилсанг ўтиришга, болалар Худойқул бизларни менсимай кетди деб юрибди, бир миннатдан қутулсан, – деди.

Худойқулнинг энсаси қотди. Ё пулни, ё дўстларини менсимагандай бўлди. “Ичларингда жони бори ким ўзи?” деб кулмиш қилди. Дўсти хафа бўла бошлаганини кўриб “хўп-хўп, бошқа бундай демайман, мен сени масхара қилмадим-ку”, деди ва тагин кулди.

Омондавлат энди бу киши олдинги қадрдон синфдоши эмас, тамом бегона одамга айланиб бўлганини ҳис эта бошлади, афсусланишини-да, бегонасирашини-да билмади. Билгани шу бўлдики, айти кезда ўзи ҳам, бола-чақаси ҳам ортиқча экан. У ўйлар эдики, бола-чақа билан борди-келди қилиш дурустроқ бўлади, қалинлашиш шундан бошланади, хотинлар ҳам, болалар ҳам бир-бирининг отини айтиб эслаб туриши яхши гап. Бироқ бу каби муносабатлар Худойқулга керак эмасга ўхшайди. Меҳмон қизарди, бўзарди, хижолат бўлди. Телевизорга қараб ўтириб тош қотди, лекин қулоғига шапалоқ теккан каби қизиб турар эди. Худойқул гапи тескари бўлгани бир сари дурустроқ сийламадиям. Дастурхонга келган биринчи овқат мошхўрда бўлди. Мезбон булка нон кеса бошлади.

– Қишлоқнинг нон-патирлари бор эди, Сапуврага айт опкесин, – деди меҳмон. Мезбон хотинига тайинлади, у қоп-қора бир нон ва патир опкирди.

– Ўзи бундай бўлгани билан таъми бошқача-да, жониворнинг ранги сал нетороқ, – деди мезбон дарров Омонга қараб: – Ростингни айт, ичасанми, ичсанг опкелтирай, – деб сўради.

– Шарт эмас, – деди Омондават яна телевизорга кўзини қадаб. Овқатни олдиға тортаркан, яна қўшиб қўйди:

– Йўқ бўлса, опкелтириб ўтирма.

Бу билан у ичгиси борлиги, “яримта” устида эзилишгиси, самимийроқ суҳбат соғинаётганини сездирган эди. Аммо...

Хўриллатиб мошхўрда ичишди.

Овқат ичиб бўлишлари ҳамон эшик қўнғироғи жиринглади. Башанг кийинган икки йигит кириб келди. Мезбон билан ўпишиб кўришгач, столга чўкишди, афтидан узоқ ўтиришга вақтлари ва ҳафсалалари бор.

Мезбон ҳам дарров гирдикапалак бўлакетди. Меҳмонлар Худойқулнинг бизнес ҳамкорлари экан чоғи, тагин айни пайтда қаердандир бир ишни дўндириб қайтишар, чамаси мезбон уларга суюнчи бериши керакдай. Столга бирпасда ғалати таомлар кела бошлади. Ерёнгоқ, парварда, конфет, туршак сингари “камбағалнинг” безаклари ҳаш-паш дегунча йиғиштирилди. Колбаса, қазӣ, пишлоқ, товуқ гўштидан тортиб бошмалдоқнинг бошидай келгувчи оғзилари ланг очилган писталар ҳам келди. “Қишлоқи” меҳмон ҳушёрроқ тортиб ўтирарди.

Булар чунон нозик кишилар эканини сидқидилдан ҳис этиш учун Худойқулни ўзи томонга имлаб қулоғига айтдики, қишлоқнинг ёнғоқ-майизларидан опкелган, тарвуз ҳам бор, хотининг сўйиб узатсин, зўр меҳмонларинг кепқопти ахир.

Йўқ, Омоннинг гапи яна инобатга ўтмади, қайтанга бояги тегирмони нон ва патир бўлаклари ҳам дастурхон кўркини бузди чоғи йиғиштириб опқўйилди.

Ана холос! Бунақа дастурхонни ҳали-ҳануз кўрган эмас Омон. Қишлоқнинг тўйида елим ва сопол пиёлаларда вино ичиб хурсанд бўлиб юрган одам бу каби тансиқ таомлар борлигини ҳайтовур тасаввур қилгандир-ку, аммо кўрмаган экан.

Ҳадемай энг чиройли шишаларда ароқ келди, қўйилди, тантанавор, оҳанжамали сўзлар, бир-бировини мақташу мақтанишлар бошланди.

Омондавлат буларнинг орасида ўзининг не нав инсон эканини англади, бегонасиради, бегонасираб талай марта балконга, ҳожатхонага бориб чекиб келди, бир чеккани олиб, бошни буркаб ухлаб юборгиси ҳам келди, аммо бунгаям ор қилди, охиригача чидай, деди. Булар бўлса бири олиб, бири қўйиб ким билан қандай шартнома тузгани, неча милён туширганию уларни қандоқ ўзлаштириб, нимага сарфлашлари, тушунарсиз услублари хусусида сўзлашардики, бунини эшитиб обдон чатоқ болалар экан, ўткир йигитларга ўхшайди. Худо билса орқасида суягичлариям бордир-да, дея тасаввур қилиб ўтирди. Бир жингалак сочлиси кўйлагининг кўкрак чўнтагидан гугурт қопидан сал полвонроқ нарсани олиб ичига гапира кетганидан билдики, бу телефон, телевизорда кўрсатгани шу, э, садағанг кетай, ҳукумат, ана, бор бўл, қандингни ур, яша! Аммо бу телефонда фақат жиддий гапларни гапириш шартга ўхшамайди, бола дам бир хил хотинларга, дам буғалтирими, кимгадир бир қизга сира менсимай, охирида ўрисчалаб эркалаб ҳам мурожаат этди. Биргалашиб ичилаверганиданми, аввалги меҳмон билан кейинги меҳмонлар қовуша кетишди. Омондавлат ҳадеб булар катта кетавергач ё ғаш келдими, ё ўзи йиғиниб турган жойи борми, ҳар тугул бир хил режалари борлиги,

мабодо амалга оша кетса, Худойкул жўра, Сирғали бозоридан ўзинг бир “Жигули” танлашиб юборасан, деб айтди. Худойкул ичи ёришгандай, янгироғидан оласанми ё эскироғидан, деган маънода сўради.

– Қанчаларга мўлжаллаяпсан?

– Милён бўлмайдами, – деб қўл силтади Омондавлат.

– Оҳо, маладес, қўймайсан, – деди ўртоғи зўраки тантанавор оҳангда. Кейин ўзи пули борми-йўқлигига қизиқди.

– Буғдой бор, жўра. Ҳозир арзон, қишда кўтарилади нарх, ўшанда уриб юбораман. Гап бор-да, билдинг?

– Билдим-билдим. Демак, бир милёнга сотасан?

– Балки икки милён бўлар, кўрамыз.

Қишлоқи меҳмон ҳам тоза ўлар-қолар жойда эмаслигини кўрсатгиси келиб тиллари бийрон бўлди. Шундай қилмаса булар одам қаторида кўрмай гаранг қилаверадиган.

– Ўзи ғалладан қанча олдинг? – деб сўради барибир шаҳар бергиси келмай, беписанд оҳангда Худойкул.

– Саккиз тонна чиқади ўзимники, етмаса Самадниги бор. Уям қарийб беш тонна юк қилади. Ғалла бу йил кам одамларда, ҳадемай юз сўмдан ошар дейман. Ишонганимиз шу-да.

– Маъкул, лекин икки милён деб мақтанма. Бўларини айтавер, бир милён бўларкан-да у ёқ-бу ёғи. Оилани ҳам ташлаб қўймайсан-ку. Қишда машинаям роса кўтарилади-да, лекин.

– Етмаса сен бор – нима ғамим бор.

– Шу етмай турувди. Ўзимам кутган эдим ўлигини ташлар экан деб, айтдим-ку боя, йўғамас, бор. Лекин ололмаяпман деб.

– Қўрқма, ўлмайсан. Аввало сўрамайман, сўрасам – йўқ, дема, келишдикми?

– Ҳали қиш келсин, бир гап бўлар.

– Биламан, пул жигардан бўлармиш, шунинг учун болани отадан айирадиган бевафо бу. Боя келганимдаёқ элдан бурун ёзғирдинг, очдан ўладигандай. Қиш келсин, дейсан. Қиш келганда қор ҳам сўрамасман сендан, хотиржам бўл, уйқунг ўчиб юрмасин яна, синфдошим кеп қолади деб.

“Қуйилсин, урилсин” давом этди. Иттифоқо юпқа, нозик ликопчаларда тарвуз келди. Омондавлатнинг бироз кайфи ошгани боисми, тарвузга кўзи тушгани замон ичи ёришиб кетди. Ҳай-ҳай, ёш боладек севинди. Пича муболағаси билан айтганда, дастурхоннинг эгасидай сезди ўзини.

Дарров тили бурро тортиб, гапни даштнинг лалми қовун-тарвузларига буриб юборди. Ҳолбуки, у шундоқ Худойкулнинг уйи яқинидаги тарвуз сотувчи одамдан, уюм ичидан танлаб сотиб олиб кўтариб келган, чамаси, чўлаки, селитрага обдон тўйган қора тарвуз эди бу. Аммо шу баҳона Омондават болалигида экилмиш қовун, ҳандалак, тарвуз, бодринг, ошқовоқларни, айни пишиқчилик чоғи полизга, яна айни ўзларининг полизига тиконли бодомча шох-шаббаларидан ясалган тўсиқ узра ошиб ўғирликка тушишлари, оқибат қоровуллаётган кампир – ўз энаси томонидан кетларига чўғдай босилмиш хивич зарблари хусусида чаҳ ура кетди. Чоғроққина ҳовлисига ҳар баҳор бодринг, помидор билан қўшиб ўн-ўн беш туп ҳандалагу қовун экканлари, улар тақё палак қилиб кейин узун палак отиб кетиши, сўнг ёнғоқдек туйнак қилишидан то ранги бўзаргунча бир ҳовли бола дамбадам “кўз-қулоқ” бўлиб: гоҳ ушлаб, гоҳ бурунларини теккизиб ҳидлайверишгани сабаб онаси безор бўлиб қувганлари, боиси туйнакка ҳадеб одамнинг қўли тегаверса, азбаройи қўл захри таъсир этиб қовун ривожланмай қолар эмиш, – ҳамма-ҳаммасини завқ билан эслади. Шунингдек, хом сапчаларга бурнини теккизганда унинг тикондай туқлари тирнаб кетишию, ай-

никса эрталаблар бирор ҳандалак пишган бўлса, бутун ҳовлини муаттар ҳиди тутиб кетиши, тонгги ҳид, у орқали ҳандалакни қидиришнинг нақадар мароқли юмуш экани, палакларни у ён-бу ён ағдарганингда субҳидамдаги намхуш тупроқми, шудрингми нимадир салқин нарсанинг палакларга қўшилиб бурнинга бир отсиз яшноқ ҳидлари урилиши, кишини энтиктириб юбориши... Ошқовоқ, тарвуз палакларининг пахса девордан оша тушиб йўл-йўлакай кўм-кўк ва сап-сарик сапчалари ялтираб туриши, уй болалари уни кўча болаларидан қизганиб қўриқлашлари, оталари кўча тараф деворига қабатма-қабат супурги экиб, палакларни кўздан пана қилишлари ёхуд кучук боғлаб қўйишлари...

Беармон болаликнинг армон тўла излари булар.

– Қойил, – деди жингалак сочли меҳмон. – Э, қойил, қўйиб берса икки синфдош шоир бўлиб кетарсизлар.

– Ҳеч гап эмас, – деди Худойқул, – мана бу боланинг томири Жуманбулбулга туташ. Яна беш грамм олса, қўлини танбур қилиб терма айтар.

– Илтимос қиламиз, шу нарсани айтманг, – дея илжайди бояги жингалак сочли. – Шу туркманча қўшиқ эшитсам, кечасиям ёмон тушлар кўраман. Бахшиларнинг овозини эшитсам, қўрқавераман.

Гўё кулгу учун айтилган бўлсаям, ҳар қалай бу йигитлар илло-билло бахшининг достону термаси учун қишлоқнинг бояги орзу-эҳтиросга бой ҳаётини эшитишга-да товлари йўқлиги сезилиб турарди. Шу боис Худойқул хато иш қилиб қўйгандай дарҳол “этагини йиғиштириб олди”. Мактаб болалари шеър айтатуриб бир жойида адашиб қолса, кимдир эслатса, тагин шариллатиб айта кетади, шу сингари уям эртан-мертан божхонада ишлайдиган Қобилнинг олдига ўтиш ҳақидаги ўзининг масъулиятини англагач, икки шерикка, аниқроғи, меҳмонларнинг гулига такаллуфни давом эттира берди. Омондавлатимиз тагин уларнинг ишби-

лармонлиги-ю, катта гапларига маҳлиё бўлганича қолди. Қозонкабоб келтирилди. Ичилди. Тарвузга узалиб бир тилик олди. Еб бўлиб пучоғини ликопчага қўяр чоғ тагин донг қотди, бу бошқа тарвуз! Қорасидан опкелганди, буниси яшил-чипор.

Булар бизга тенг эмас, буткул бошқа одамлар экан баччағарлар, деган койишга ўхшаш бир шиддатли ўй муҳрланди ва кайфияти тушиб кетди. Ароқдан ўзига бир пиёла тўлдириб қуйиб, охиригача сипқорди ва мен тўйдим дегандай пиёлани тўнкариб ташлади. Мақсади тезроқ маст бўлиб олиш, маст бўлишгина эмас, бошқа ҳолатга ўтгиси, зиқ вазиятдан қутулгиси келди, бир отим нос ҳам тушириб юбордию мақсадига эришди.

Столдан четланиб креслога чўкди. Бошини солинтирган кўйи қотиб ухлаб қолди. Кечроқ уйғонди. Боши ғувуллаб, сиқиб оғрирди. Меҳмонлар кетган. Худойкул аллақачон ювиниб, соқолини олиб чой-пой ичиш тараддудини кўриб юрибди. Худди ҳеч бало кўрмагандай. Эрталабдан бир рус аёл “кук-си” деган овқат келтириб берди. Кечаги овқатлар ҳам ҳойнаҳой буюртма билан келган бўлиши мумкин, деб ўйлади Омондавлат. Чунки аёли ёш болали-ку.

Соҳибдан узр сўради, кетамиз биз, деди. Мезбон ҳам кетсанг кетавер дегандай қилди.

– Бир ўтирадиган бўлиб келасизлар. Бугун ўзимам Олмаотага учмоқчиман.

Омондавлат ўртоғи учун бу қадар аҳамиятсиз бўлганидан ўкинди, албатта. Болаларини, хотинини олиб йўлакка чиққач, Худойкул йўлни ўзича тушунтириб юборди. Аммо хотини улар билан бирга чиқди то кўчагача. Кўча бошида ахлатхона бор экан. Омондавлат эътибор бермади-ю, хотини бир туртгач, чўчигандай ишора қилган томонга қаради: темир яшиклар ёнида худди кеча ўзи кўтариб келган тарвузларга ўхшаш икки тарвуз турибди. Наҳотки, деди ўзича. Туршак, майизларни ҳам чиқариб ташлаган бўлса-я.

“Эй, инсон! Кечагина мен қатори эдинг-ку. Қишлоқдан, тезак орасидан чиқдинг-ку. Нима қилиқ ахир бу? Сенга милён сўмлик совға опкелишга қурбим етмайди. Кўнгил бу, дўст, кўнгил! Ҳақорат ҳам шунчалик бўлар. Келмасам, мен ҳам ўлиб қолмас эдим, обрўйингни қилай десам, тескариси бўлди. Бу ишинг яхши эмас, ҳеч яхши эмас. Жуда номатқул! Охири вой бўлса керак, валлоҳу аълам!” Ташқарисига эса бу чиқди:

– Сапувра, бўлди, кетаверинг. Биз кимлигимизни энди билдик. Сизларни ҳам. Тамом. Хўп. Хайр. Раҳмат.

Шундоқ деб олдинга ўтиб илдамроқ юриб кетди. Бир хаёл яна ортига бурилиб, жилакурса бир аччиқ гап айтгиси келди-ю, умрбод тескари бўлиб қолишдан чўчиб тўхтамай кетаверди.

2001 йил

АКА-УКАЛАР

Туғриси, бизнинг уйга қуёш ҳожи бобонинг иморатидан ошиб тушади. Офтоб бизга нурларини тўшашдан аввал ҳожи бобонинг уйини ёритади: кенг-мўл, девор-дармиёнсиз дашт ҳовлиси. Пастга эниб тушадиган жойда бир оёғи “оқсоқ” Т-28 трактори икки йилдан бери қадалган кўйи, ҳайкалдек туради, мабодо у юрса ҳам ё бирор транспортнинг шатагида, ё пастга қараб шўнгиб ўт олдирилади, қишлоқда аккумулятори соғ транспортни ўзи учратиш қийин.

Ҳарқалай трактор шу туришда бировга зарари тегаётгани йўқ. Ҳожи бобонинг кичик ўғлидан неваралари уни тайёр, “индамас” эшак қилиб минишларини ҳисобга олсак, “фойдали жонивор” қаторига қўшсаям бўлаверади.

Бир уйда уч оила жам бўлган. Катта ўғил чўлда, лекин бола-чақаси шу ҳовлида. Кичик ўғил шу ерда. Кичигининг болалари тўртта. Ўртанчаси иккинчи марта уйланди. Биринчи хотини туғмас чиқди – қўйиб юборди. Иккинчисидан уч қиз бор. Келин, қишлоқ тили билан айтганда нақ “қора товон”, яъни кеча-кундуз тиним билмайди, ёзда, кузда яқин-атроф қирнинг тезагини уйига ташийди. Қиш бўйи уч рўзғор шу ўтин ҳисобидан исинади, роҳатланади. Албатта, бошқалари ҳам қараб туришмас, аммо каттаю кичикнинг тилида шу келин. Кам уйқу ҳожининг ҳар таҳоратига илиқ сув тайёр, ҳар чой сўраганида аччиқ чой ҳам тайёр. Одамлар унга ўғил тирноқ тилашади. Кўпнинг дуоси кўл, боз устига ҳожи бобоям қишлоқда ягона ҳожи –

дуоси ижобат бўлиб, ажабмас, Оллоҳ ол қулим деб, ўғил ато этса.

У кампири билан яшайдиган кичик нашахонанинг деворига ҳожининг онасидан қолган чилдирма оқ сурпда сақланади. Табаррук. Кампир юз ёшни қоралаб қазо қилди. Тўқсон ёшларидаям авжи келиб сумалак бошида ё артисти йўқ тўйларда қарсиллатиб бир-икки терма айтиб ташлаб келинчакларни ўйнатиб юборар эди.

Бултур ҳожи бобо Маккаи мунавварага, ҳаж зиёратига борганида онасини ҳам ҳажжи бадал қилдириб кепти. Яхши-да. Шундан бўлса керак, бу уй нурли, баракали.

Менинг синфдошим, ҳожининг кичик ўғли кўпкарига қизиқади. Бир чўбири бор. Гаштак кўпкариларда ҳа-ҳа деб, тўдага уриб туради. Норбута обдон ичар эди, отаси ҳожи бўлгач, таққа тўхтаб номозхон бўлиб олди. Лекин “шайтон ўйини” – кўпкаридан қолмайди.

Биз эртага Қизил олмада бўладиган кўпкарига икки чавандоз ва икки яйдоқ кечин ола йўлга тушдик.

Мен Қизил олмага эмас, шу қишлоқнинг бошидаги қайнотамникига, Ингичкага борамиз, отларни қантарамиз, жойи бор, эрталаб тўйхонага тушамиз, дедим. Кўмак ака бунга кўнмади. Тўй эгаси Қорабош менинг қирқ йиллик қадрдоним, борсак, ҳамма нарсани тўкиб ташлайди, бошқаникига борганимизни эшитса хапа бўлади, деб туриб олди. Қоронғу тушган, лекин электр йўқ. Бизда-ку, кечқурун икки-уч соат чироқ ёнади, бу шўринг курғурларда шуям йўқ экан.

“Тўй тоға” деб товуш берганимиздан сўнг кимдир оёғига калиш кийиб чиқди. Қорабош аканинг армия жўралари келиб, улар билан ичиб маст бўлиб қолганини айтиб, бермон томон бошланглар, деб сойнинг нариги бетида турадиган Эсиргап дегич укасиникига бошлади. Эсиргап бир чағат жойдан уй солган экан, отларимизгаям жой тегмай, дуч келган жойга боғлаб

ичкарига кирдик. Ўртада мойчироқ, кун совуқ, печкага ўтин ташланмаган, қунишибгина ўтириб олдик. Бир маҳал дастурхон келди, нон йўқ; аллазамон ўтиб нон келди, чой йўқ. Оббо, бу ёғи неча пулдан тушди энди, деб ўтирабердик. Кўмак аканинг жонига тегдим:

– Ҳалиям кеч эмас, сурдик бизнинг қайнотаникига.

Аммо ака унамади. Қайнотанг меҳмон қилолмайди. Булар эл кезиб юрган, донғи чиққан одамлар, деб мени мулзам қилди.

Яна бир мuddатдан сўнг бир тақсимчада тош конфет ва бир тақсимчада, чамаси бултурги ҳайитдан қолиб кетган парварда келди. Бошқа ҳеч нарса келмади. Чавандозлар бирор ёғлироқ овқат еб қорин тўйғазиш қайғусида, биз ночавандоз, ҳайбаракаллачи Кўмак ака иккимиз тўйда эски ошналар билан мириқиб улфатчилик қилиш иштиёқида эдик. Додимиз Худога етмади чоғи, қамоққа тушган тўрт ўғлондай ўтиравердик. Овқатдан дарак йўқ, ҳеч ким хабар олмайди. Ухлайлик десак, уй совуқ, печкага ўт қаланмаган. Бир вақт бир одам келиб, печкага ўт қалаб керосин сепди, олов ёнгандай бўлди, аммо у яна ўчди. Қайтанга уй тутунга тўлди.

Кўмак ака димиқиб деразани очди. Дераза ортидан бир ниманинг хириллагани эшитилди.

– Ана, меҳмонга сийлов деб қўй сўйилаётир, – деди Кўмак ака хурсанд бўлиб, қўлларини бир-бирига ишқалаганча.

Лекин хирилдоқ узоқ давом этди ва бирдан тўхтаб, “онангни фалон қилай”, деган бўғиқ сўкинишга айланди. Ҳарқалай бу “сийлов” биз учунми, бошқа бировга аталганми – дабдурустдан билиш қийин эди. Алоҳа, бунинг орқасидан тарсиллаган товуш келди. Чамаси, икки эркак бўғишаётган эди. Кетма-кет сўкинишлардан кейин шундай экани аён бўлиб қолди.

Кўмак ака чиқиб уларни ажратиб қўймоқчи бўлди. Қўйинг, жанжалга аралашиб, эртага мелисага қатнаб

ўлманг, деб уни зўрға тўхтатдим. Аммо жанжал зўрайиб, сўкинишлар ҳам олий мақомга кўтарилаётган эди. Энди улар бир-бирини таёқ билан солаётгани эшитиларди. Сапчиб ўрнимдан турдим. Агар биз учун уришаётган бўлсанглар, мана, кетдик, сизлар тўхта-тинглар, демоқчи эдим.

Шундоқ даҳлизга чиқишимни биламан, оёғим сатилга тегиб кетиб, сув тўкилиб, сирпаниб, ерга думғазам билан ўтириб қолдим. Орқа оёғим пайпоғим аралаш нақ тиззамгача лой, сув бўлди. Шунгайм қарамай ташқарига отилдим. Айвонда, хира фонус ёруғида, устун тагида биров узун тушиб ётибди. Қарасам, аёл киши, кўтариб турғизай десам, ўлик. Тап-тахта бўлиб қотиб ётибди. Ичкаридан бир чол чикди. Фонусни яқин опкелди. Чол ҳам оғзига келганини қайтармай анови икки уришқоқни сўкиб ётибди.

Аъзойи баданим музлаб кетди. Бу ёғи етмагандай энди манови қотилликкаям гувоҳликка ўтсаг-а. Кампирни кўтариб ичкарига олиб кирдик. Нафас олиш йўқ, оёқлари музлаб боряпти. Шу пайт ҳарбий муаллимимиз хушсиз одамни орқа бўйнидан маҳкам қисиб бошини олди тарафга эгиш керак, деган гапи хаёлимга келди ва шундай қилган эдим, кампир бирдан хириллаб юборди, оғзидан кўпик чиқиб кетди. Аммо энди нафас ола бошлади. Кампирни узала қилиб қўйиб келиними ё қизими, бировига оёғини уқалай-веринглар, деб чиқиб кетдим. Айвонда чол катта заранг таёқни ушлаб иккала йигитга бу ёққа чик, икковингни уриб ўлдираман, деб пўписи қилаётган экан.

– Отахон, қўйинг, биз сизникига тўйга келдик, меҳмонингизмиз, – деб ялина-ялина базўр қўлидан таёқни олдик.

Йигитлардан бирининг боши ёрилиб ётибди, қон шариллаб оқяпти, иккинчисининг эса юзлари тирналган, кўзлари қовоқдай шишиб кетган. Биз шунисини ўртага олдик. Журажон, бизлар тинч кетайлик, дўхтир

чақир, акангнинг ярасини боғласин, онангния кўриб қўйсин, дедик.

– Дўхтир узоқда, мен бормаيمان, – деди у.

– Қаерда, биз бориб келайлик бўлмасам.

– Қўшилишда.

– Ўҳў, ўзларингда дўхтир йўқми?

– Бизникиям ўша, Қўшилишдаги.

Шундай деб, у бурилиб бошқа уйга кириб кетди. На бўлғай, биз шу ҳолимизча қотиб қолдик. Шу орада бир мотоцикли бор одамни топиб, ялиниб, охири бензин пули деб, тўрт-беш сўм бериб, дўхтирга жўнатдик.

Кўмак аканинг сабри чидамади. Нариги бетга, тўйхонага борайлик, деб туриб олди.

Мен яна Ингичкага борайлик, дедим.

Аммо энди кеч эди.

Ҳамроҳларим – Олмос ва Норбўта полвонлар бу фожиага шерик бўлиб қолишдан чўчиганлариданми ё жанжалдан зада бўлишдимиз, отларимизниям олиб бу ердан кетайлик, деб қисталанг қилишди. Хуллас, жанжалкашларнинг акаси, тўй эгаси Қорабош полвонникига ўтар бўлдик. Борсак, тагин бояги калишчан дастёр чиқди. Бизни уйга олиб кирди. Кирсак, уй тўла меҳмон, бариси маст. Сигарет тутунидан нафас олиб бўлмайди.

Ноилож кириб ўтирдик. Ҳечқурса қорнимиз қовзанар деб ўйладим. Лекин дастурхон ночор эди. На овқат, на қоринни алдашга дурустроқ нарсаси бор. Бир-икки пиёла чой ичганимиз ичимизни бироз илитди.

Кўмак ака мастларга қўшилиб беш-олти пиёла ароқни ютиб олди. Қийшанглаб уларга ўхшаб чучмал хангомалардан ола кетди. Мастлар эса кўпга дош беролмади, чўзилиб-чўзилиб ухлаб қолишди. Ҳатто дастёр йигит ҳам печга суянганча пинакка кетибди. Биз чўзилишимизга умуман жой йўқ эди. Энди уйқу босарди. Иложсизликдан жанжалхонага кетишга мажбур бўлдик.

Борсак, бояги “ўлган” кампир ҳеч нарса кўрмагандай ташқарида ғимирсиб юрибди. Ё тавбангдан кетай, бу қанақаси – худди жўрттага қилгандай-а! Барибир ўлмагани тузук бўпти.

Кўмак ака алжираганча:

– Ўлмайди бу тош кампир, менинг энам. Қорабош полвонди шул тувған, – деди ва тентираганча биринчи бўлиб бояги меҳмонхонага кириб кетди. Биз ҳали этикларимизни ечиб ҳам улгурмай бир аёл ичкаридан отилиб чиқди. Не бўлганини билмай қолдик.

Кирсак, мойчироқ ёруғида Кўмак ака кўзлари ҳайкалникидай тосрайиб қотиб турибди. Кайфидан асар ҳам қолмаган.

– Нима қилдингиз? – деб сўрадим.

– Ҳеч нарса, ҳеч нарса, – деди у йиглагудай бўлиб.

– Қариганда буйтиб шарманда бўлмай ўлганингиз яхши.

– Ҳеч нарса, ҳеч нарса, – дерди у яна, – бояги жанжалкаш йигит деб ўйлапман, қоронғида келинчак эканини билмапман, юзини очсам индамади, кўрпани кўтариб орқасига бир тепсам, чийиллаб эчкидай сакраб туриб кетди. Энди нима бўлади?

– Бояги жанжалда одам ўлмади ҳартугул, ўлса – энди ўлади, тайёр бўп тулинг, – дедим.

– Неужели, ай, неужели?

– Мана, қараб турасиз...

Индаллосини айтганда шу хавф-хатар бор эди-да. Шуни ҳисобга олиб уйнинг чиқиш-қочиш тирқишларини мўлжаллаб иккала деразасини ҳам очиб этикларимизни ҳам кийиб, бардам бўлиб тек турибмиз. Эшик томондан шарпа келса, пастга қараб сакрашга шаймиз.

Дераза орти камида уч қулочлик пастлик, уй нишабга қурилгани учун тош қалаб қўйилган, тошдан нариси пастлик, қуласанг шу ердан қулаб майиб бўласан. Бояги бўғишма шу пастликда рўй берган.

Тонг ҳам ота қолмади, мижжа ҳам қоқмадик. Кўмак ака мастликда қилиб қўйган ишидан пушаймон “мени ўлдириш керак, мени”, деб уф тортади нуқул Деворларга қарасам, нуқул кашта, сўзана илинган, ўртада келин билан куёвнинг тўй либосида тушган чет ёғоч, усти ойнали каттагина портрет сурати.

– Сиз бунинг эмас, нақ келиннинг кетига тепган сиз. Ҳозир куёв болта кўтариб келиб ҳаммамизни чопади, – деб газладим мен.

– Ўлдик, вой, – деди Кўмак ака. – Ростдан ҳам келиннинг уйи бу.

Аммо, не тонгким, қотилликка арзирлик мазкур воқеа бу жанжалли уйда эътиборсиз қолдирилди. Барибир деразалар ланг очиқ, эрталабга довур чегарадаги хушёр аскар мақомида тонгни ҳам отгирдик.

Шунча ғавғоларни ўз бағрига сингдирган қиш кечаси жуда узун эди...

Тонг ёришар-ёришмас уйга бир қучоқ ўтин кўтариб чол кирди.

– Меҳмонжонлар, қишнинг изғиринида тиразаларди очиб қўйганларингиз нимаси? Полвонлар-да булар полвонлар.

Бу ташрифдан биз бало ариганини чуқур англаб енгил тин олдик. “Қатлга маҳкум” Кўмак ака ҳам дабдурустдан ўзига келиб, чолни отам деб гулдурай кетди.

Печка устидаги чойнак хуштак чалиб қайнади. Чой устида кўпқари ҳақида гурун кетди. Гўё бу уйда кеча суронли жанг-жадаллар бўлиб ўтмагандек.

Норбўта полвон бари биргап ораси кечаги тепалашган йигитлар сизга ким бўлади, деб сўради. Чолаввал “онангни палон қилайлар” деди-да, сўнг:

– Икковиям менинг улим, – деди.

– Йўғ-э, – деди Олмос чавандоз, – биз тўйдан икки маст келибди деб...

– Калласи ёрилгани кичкинамик. Эркароқ. Беш-олти қафасда каклик сақлайди. Акаси райондаги молия

чи жүраси келиб ҳавас қилса, опкетавер деб биттасини берворипти. Келин шуни эрига айтиб қўйипти. Кейин шу жанжал-да: сўяман, чопаман дейди акасини, ўзларингиз кўрдингизлар-ку, кимга қийин – ўзига қийин. Болтанинг учи тегса калла кетар эди, кейин нима бўлар эди – ўлар эди. Тўйда аза чиқар эди. Уят-да. Бу ёқда кўпқарига одамлар айтилган. Мана, сизлардай полвонларди миймон қип ётиппиз. Катта улимиздинг Қорабош полвон деб чиққан оти бор, туврима, полвон?

Олмос полвон бўздай оқариб, ҳатто кўкариб кетди.

– Яхши бўлиб қолдими ахир улингиз?

– Нариги томда ўламан деб жотишти, ким билади. Тоштемир духтур келиб бойлади, унингкам кайфи боракан, ароқ сўради, бермаб эдик, кетиб қопти.

– Кампир соғми ишқилиб? – деди Кўмак ака.

– Бу энангди... – деб тагин сўкинди бобой. – Бу икки бирдай жигит разбор қилаверсин, демай ора очаман, деб ўртага тушган. Бирови нари тур деб тирсаклаб юборипти, бориб каллани устунга уриб опти, пок қолди ўлиб қолишига. Ҳалиям устун бор экан, бўлмаса тошдеволдан пастга тушиб бўйни қайрилиб ўлар эди. Ҳай, эътибор қилманг, меҳмонлар, кўпқаридан гапиринг...

Тамадди қилгач тўйхонага ўтар бўлдик. Отлар ўша ерда қолган, улоққа тайёрлаш керак. Чошгоҳда Керагатошнинг яйловида кўпқари бошланади.

Жанжалхонадан чиқаётиб кечаси кампир йиқилган жойга разм солдим. Худо асрабди. Агар устунга урилмай тошдевордан пастга тушиб кетганида, ростдан ҳам бугун азахонада ўтирарканмиз...

Атрофга қалин туман тушибди. Тўйда қозон осилган. Одамлар ғимирлаб қолган. Отларимизни оғилнинг орқасига ўтказиб боғлаб қўйишибди. Ҳар қайсининг олдида бир боғ беда... Чавандоз учун бундан ортиқ жазо йўқ. Тўқ от кўпқарига ярайдими? Уни қуруқ қийнаганинг, қамчи тушириб баданини оғритганинг қолади.

Кутганимиздай кўпқари ҳам мурдор бўлди. Пол-
вонларимиз солимгаям, жаловгаям ташлай олишма-
ди. Боз устига туман жуда қуюқ эди.

Қишлоққа ошиб тушганимизда, гарчи кеч тушаёт-
ган бўлса-да, қуёш чиқди. Бу – эртага кун илиқ бўли-
шининг белгиси.

Уйга келиб Қизил олма қишлоғи томонга қарадим.
Ҳожи бобонинг уйи равшан, оқариб кўринарди. Чўл-
даги ўғли бир тележка ошкелган, шекилли, пастликка
қараб турган тракторга тақиб қўйибди. Эртага юргизса
керак...

2009 йил

САФУРА ХОЛАМНИНГ ЭРТАГИ

Мен бир нарсага кўпам тушунмайман ва хулоса қилишгайм кўрқаман: яратган Парвардигор баъзи бировларга кетма-кет мусибат жўнатади, ёш-навжувон жигарларидан айрилиб қолиш жуда ҳам оғир, кейинчалик ҳам бошқаларга фалончи акам, укам ёки холам айна бўйи етган, ақли тўлишган, чиройи ҳаддан ошган вақтда тўсатдан дунёдан ўтди, дейиш... қийин, негадир одамнинг гапиргиси келмайди. Бироқ гапирмасанг ҳам тушуниладиган жудоликлар бор. Айтмоқчиманки, Худойи таоло ҳам жигарингни ўсмирлигида олиб қўйса, кейин анча вақт сабр қилади, чоғи. Аслида мен бундай дейишга жиддий асос айтолмайман, шундан кейин бундай бўлади, дейишга тилим бормайди, сабабики – барибир тақдир эгасининг Ўзи ҳал қилади. Аммо баъзан инсонларга раҳм-шафқат қилинади – мен шундай ўйлайман: оғирнинг кетидан яна бир оғирлик келиши мумкин. Лекин яратган эгам шундан сўнг яна ва яна оғирлик солишни эп кўрмайди, кейинига енгилликлар беради, демоқчиман...

Бу менинг хулосам эмас. Ҳаётда ғирт тескари ишлар ҳам кетма-кет бўлаверади, уларга таъбир боғлашгайм шошиб қоласан, эплаёлмайсан, бошинг қотади ва охири “э, Эгамнинг иши-да, У нимани хоҳласа шу бўлади”, дейсан. Ўзи асли шу-ку, лекин ичингда қайсар бир одам барибир шу тўғри ҳукм билан келишолмай тураверади. Сенга таскин-тасалли бермайди, қайтанга бир норозилик туйғусини, тақдир билан келишолмаслик

ҳиссини тортиқ қиладики, шу билан олишиб юрганинг-юрган, қовоғинг ҳам, дилинг ҳам очилмайди.

Бироқ ўртада тушунарли мусибатлар ҳечқурса орадан қирқ йиллар ўтиб кўнгиллар осойиш топиб бўлгач, ундан кейин неча тақдирлар ҳал бўлиб кетгач, балки сал енгил туюлиб, туғишганларинг билан баҳам кўришга имкон ва бироз енгиллик берар. Масалан, ҳозир мен Сафура холамни гапирсам онам оғзимга урмайди – биламан шуни. Тоғам ҳам энди оғир сўлиш олмайди, ёши етмиш бешга кирибди. Қўй-чи шу гапларни, демайди. Қайтанга дунёнинг у ёқ-бу ёғини ўзи ўтириб ўйлайди. Жон жигари ҳақида энди очиқроқ гапириш унга малол келмайди.

Мен холамнинг қиёфасини яхши эслайман. Майда, сийрак сепкил оралаган юзи оққувадан келган, қараганингда кўзларида ташвиш эмас, бир фавқулудда қатъиятни кўрардинг. Бу қатъият аслида нимадан иборат эканини мен билмас эдим. Шу боис ҳам холамга бироз чўчиб муомала қилар эдим. Холам баъзан уч-тўрт кунлаб кўрпадан турмай ётиб қолар эди. Онам – катта опаси ҳўл рўмолни пешонасига танғиб боғлаб қўяр эди, холам қошига бизнинг боришимизни сира хоҳламас эди. Нохайрихоҳона ёки бутунлай хоҳламай бир нигоҳ ташлар эдики, биз бу сафар эрқаланиш гали эмаслигини дарров англаб ортга қайтар эдик. Ростдан ҳам шундай бўлар эди. Аммо холам очилса шундай меҳрибон бўлиб кетардики, асти қўяберасиз. Кейинчалик билсам, холам шўрлик қисқа муддатда, дард қўйиб юборгандагина шундай баҳри дили очилиб кетаркан. Не маломатким, бундай ҳол узоқ давом этмас, қайтанга холам тез орада аввалгидан баттар буришиб оларди. Кечалари у сирли бир пичир-пичирлар билан онамга нималарнидир ўзича ошкор қилар, онам дабдурустдан “гапирма, бўлди” деб қоларди. Ўйлар эдимки, бу ёмон сир, уни кимсага оғиз очиб гапирмаслик керак. Онам бобом ва катта энамнинг бош фарзанди. Улар билан бу тўғрида ҳасратлашганла-

рини кўрганман. Катта энам гарчи мактаб кўрган, ҳарф таниган бўлса-да, жиндай бесабр, бунақа масалаларни тезроқ ҳал қилиб қўйгиси келарди. Аммо бу хусусда бирор нарсага ақли етмаса дарров онамга ағдариб: “болам, ўзинг гаплаш, бўларини ўзинг бўлди, бўлмасиниям ўзинг эпла”, деб қўл силтаб қўя қоларди.

Онам холамнинг бу галги ташрифидан жуда ташвишга тушди.

– Нега бундай кеч юрибсан, биров қувмадими сени?

Холам уйга кириб келганда қоронғи тушган, биз мойчироқнинг шишасини ҳар галгидай куҳ-куҳлаб тозалаб эндигина ўрнатиб пилигини кўтара бошлаган, онам даҳлизда шом қоронғисида эндигина оғилдан соғиб келган ярим челақдан зиёд сутни примусга қўйган ва челақни ҳам сувга чайиб, сузги билан қозонга тўкаётган эди.

Холам гарчи “йўқ, ким ҳам қуварди” деса-да, нечукдир кўзлари олазарақ, назаримда қўрққандай, хотиржамлигини йўқотгандай эди. Буни холамнинг шу сафар бизга мутлақо бефарқлигидан сезиб қолдим. У негадир ўзи билан ўзи оворадек, бир ташвиш орттириб олгандек эди. Мен ҳам худди онамдек биров таҳдид қилмаганмикан, деган хаёлга бордим. Зўр бериб бир нарсани яширишга тиришаётгани сезилиб турарди. Дастурхондан бирор нарса тотганини ҳам сезмадим. Биз ширгуручни талашиб уриб ташладик. Отам қўрага молларни жойлаштириб келиб қолди. Холамини эркалатмоқчи бўлди. Аммо холамнинг бунга тоби йўқлиги сезилиб турарди. Отам эшон бобонинг кароматларини баён қила бошлади. “Лекин садағаси кетай, жуда содда-да, ўтган кун идорага бориб ойлик опкелаётганимда, Саидбойнинг магазинидан иккита эгов олдим, эшон бобо, эй муридим, буни ювиш керак, деди, садағаси кетай-да, эллик тийинлик иккита эговга тўрт ароқ олдирди, ўзиям жуда чатоқ ичади-да, ҳеч маст бўлмайди. Шуйтиб тўрт ароқ...”

Отам гагини тагин бошидан бошлади:

– Садағанг кетай, эшон бобом...

Онам жеркиган бўлди. Чунки бу гаплар холамга ёқмаётган эди, шекилли.

Барибир отам эшон бобога азбаройи ихлоси баландлигини такроран баён эта туриб:

– Сен бир эшон бобога кўринишинг керак, Бегим-холнинг оғзи қийшайганда садағаси кетай, бир тупуриб жағини жойига опкелиб кўйиб эди. Сапура, сен...

– Бунинг оғзи қийшаймаган, – деди онам. Анчайин зардали иддао эди бу.

Отам бу мавзуда бошқа сўз очмади. Бир товоқ ширгуруч, ортидан бир чойнак чойни туширди. Назаримда бу ошқозонига урвоқ ҳам бўлмади. Хуран одам эди-да. Этигини киймай, калишчан, жўраси Сайдулла гуппиникига чиқиб кетди. Алламаҳал қайтган бўлса эҳтимол, бу вақтда мен ухлаб қолган эдим. Аммо барибир шу кеча мен анчагача ухламадим. Онам ва холамнинг анчагина пичир-пичир қилганларини эшитиб ётдим.

Онам холамни эркалатган бўлди, бошини силади, холам ҳам эркалангандек жим ётарди. Бешикдаги синглим ухлаб бўлгач, онам хира мойчироқ ёруғида холамнинг иягидан меҳрибонлик билан ушлади.

– Михли қайнимнинг сенда кўнгли бор, мени кўрса тайсаллаб қолади, – деди.

Холам чўчиб тушди.

– Гапирманг, – деди.

– Нимага, ойдаи йигит. Касби бор, қўлигул.

– Мен етмиш бир кундан кейин ўламан, – деди холам қатъий овозда.

– Нафасингни ел учирсин, нима деганинг бу?

– Биламан-да. Мен ҳур кетаман, опа.

– Отанг, энанг, бизга ўхшаган опаларинг турибди, ҳар нарсани сандирайверадими одам?

Шундай деб, онам холамнинг рўмолини ечиб, сочи-ни силади, турмагини юзига олиб ўпди.

– Оппоккина эркатойим, ёмон нарсани ўйлама!

– Менинг ичимда ит бор, опа. Бир вақт Ғойиб отанинг қўйиндиси қошидан кечқурун ўтаётганимда кучук қувган, етиб олиб ичимга кириб кетган. Шу ит менга ҳар доим бахтсизлигимни айтиб туради.

– Бўлмаган гапни қўй, айланайин, бундай деб қўрқитма. Ғойиб ота ҳамамизни қўллайди. Азиз отамиз у.

– Билмадим, қўрқиб кетганман-да. Қўрқмаслигим керак эди.

– Ичимизда энг сулувимиз ўзингсан. Ҳали тўйинг бўлади. Кўп тўйлар кўрамиз.

– Опа, – деди холам гўё онамнинг гапларини эшитмагандай. – Менгача яна биров ўлади, мен етмиш бир кундан кейин ўламан.

– Бўлди-е, гапираверадими тилимнинг суяги йўқ деб...

Сўнг яна меҳри ийиб:

– Сапуражон, айланай, бу ўрлигингни қўй, яхшисан-ку, ўзимнинг оппоғим.

– Опа, – деди Сапура холам ва ўрнидан турди. Негадир сенсираб гапира бошлади. – Буларингнинг ҳеч қайсиси мени тушунмайди. Сен тушун.

Онам оғир хўрсинди. Ўпкаси тўлиб йиғлай бошлади. Холамни йиғлай-йиғлай кўрпага ётқизди. Холам анча ватқгача худди томоғида бир сиқим балғам бордай узлуксиз йўталди. Уйқум очилиб вужудим қулоққа айланган эди. Сўнг барибир ухлаб қолибман.

Тонг отгач акам молларни чўпон олдига ҳайдаб чиқади. Қўйларни қўй чўпонига, қорамолларни бошқа чўпонга. Бунгача онам катта қозонга сутни қуйиб, тагига олов ёқади, кечқурунги уйиб қатик бўлганини қувиға ағдаради. Синглим йиғлаб бесаранжом қилавергач, қуви пишишга вақти ҳам, ҳоли ҳам қолмайди. Қуви пишишга мени ва акамни ундайди. Кичиклигимиз боис бу ишга қийналамиз. Аммо на илож, рўзғор, онамнинг

аҳволини кўриб турибмиз. Тўкиб-сочиб бўлсаям, пиш-
какни ҳар ёнга уриб, дакки эшитиб, охири кувининг
мойи юзага чиққач, ура қозондаги қирмочга ёпишамиз.
Қирмоч дегани қозоннинг тагида сўгнинг қаймоқлаб
ёпишиб қолган жойи. Жуда мазали бўлади-да.

Назаримда холамнинг ҳуши ҳам тушига ўхшар эди.
Ўзи ҳам буни фарқлашга тиришгани билан эплаёлмас
эди, паришонлиги шундан бўлса керак. Катта акаси –
тоғамнинг вафотини ҳам у бир кун аввал сезган. Ухла-
май, катта энам – онасининг тиззасига бош уриб кечаси
билан изиллаб йиғлаган, энам бечорани ҳам ухлатма-
ган. Эртасига бутун қишлоқ чувлашиб қолувди – катта
тоғам Иштихон беморхонасида бандаликни бажо кел-
тирибди. Шунда холам тоғам ёнбошлаб ётадиган кўрпа-
да миқ этмай ўтирган, йиғламаган, гапирмаган, бошқа
хотинларга ўхшаб маййитнинг устига ўзини отиб соч
юлмаган. Гўё содир бўлиши муқаррар воқеа юз берди-ю,
у аввалдан маълум эди. Буни эса холам аввалдан билар
эди ва муқаддам йиғлаб ҳам бўлганди. Онамни таъзия-
га эшакка миндириб суяб бордик. Кеч бўлганда онам,
катта энам, бобом ва Сафура холам ҳаммаси йиғламай
қўйган, ҳолдан тойган, аслида эса оддий гаплари ҳам
йиғига ўхшаб чиқарди. Намозидигар вақтида тоғамни
қабристонга элтар вақтда биз ўғиллари билан ўчоқбо-
шида ўйнаб юардик. Улар икковлон ҳар-ҳар замон-
да кўзёш ҳам қилиб олишар, лекин тагин ўйин билан
банд бўлардилар. Аммо жанозадан сўнг эшон бобонинг
ўнинчи синфда ўқийдиган ўғли Норхўжа уларни:

– Юринглар, оталарингни кўрасизлар, – деб ор-
тидан эргаштирди. Мен ҳам эргашган эдим, уришиб
берди.

Қабристондан тоғаваччаларим ҳўнграб йиғлаб ке-
лишди. Қўшилиб мен ҳам йиғлаб юбордим. Лекин
ўлимнинг маъносига тушунмаганим учунми, ортиқ
йиғламадим. Улар иккови эса шу қўйи узмасдан ҳиқил-
лар, баъзан туйқус бақириб юборар эдилар.

Самоварга ўт ёқиб ўтирган Очил тоға бўлса:

– Ана, егим бўлдинглар, шундай оталаринг ўлди, – дерди дам-бадам.

Бу шунақа хунук сўз эдики, хаёлимда ўлимдан-да ёмонроқ эди. Негадир ичимда Очил тоғани сукар ва тоғаваччаларимни жудолик эмас, самоварчининг гаплари эзаётгандек туюларди.

Атиги тўрт кун бурун тоғам бу уйнинг кўргони эди. Бобом, бувим, янгам, укаларим ва фарзандларининг боқувчиси, таянчи эди. Бугун эса... Кечагина Иштихонга уни кўргани борганлар ҳам “операциядан яхши чиқибди, ҳожатга ўзи бемалол чиқиб келаётган экан”, деб хўшхабар опкелишган. Бир йил аввал мендан уч ёш кичик ўғли Анвар тўсатдан қазо қилганди. Шунда тоғамнинг йиғлаганини сезмаганман. Мустаҳкам одам эди. Эллик ёшида турникка ёш йигитлардай осилиб ўттиз марта тортилар эди. Биз ёнғокни тош билан чақамиз, тоғам ҳар қандай ёлғиз данакни икки кафти орасига олиб эзғилаб, мажақлаб ташлаганини кўп кўрганман.

Хуллас, тоғам кетди, ҳовлиси хувиллаб қолди.

Сафура холамини ўпкаси безовта қила бошлади. Иштихоннинг Шейхлар деган жойидаги шиφοхонага олиб кетишди. Кичкина тоғам ва акам билан кўргани бордик. Овлоқроқ, сокин жой экан. Холам энди шифо топган, ранги аввалгидан тоза, кулганида бугун вужуди билан гулгун очилар эди. У ҳаммамизни яхши кўриб бағрига босди.

Қайтиб келганида акасининг қирқи ўтган, дард бирмунча пасанда бўлган эди. Ўзининг айтишича уйлари-нинг пастидаги жар ичида доим бир кампир уни кутиб туради. Сувга бориши билан дарров гапга солади. Бироқ холам унинг нималар деганини айтмайди. Чунки онам ва катта энам буни тақиқлаб қўйишган. Бироқ бир гал бизникига келганида онамга:

– Опа, ўн олти кун қолди, – деди деярли хурсандлик билан.

– Валдирайверасан-да, – деди онам ва бирдан тумтайиб олди. Бирпас уйланиб, хомуш турди-да, тўлиқиб йиғлай берди.

– Шунчаси етмайдими? – деди-да, холамга тик боқди. Бироқ холам бари бир хушxabар айтаётган-дек:

– Анов момом ҳеч уйига чақирмас эди, бу сафар уйига опкетди, сандигидан бир чиройли сарпо оберди, опкелдим, мана, кийиб олдим. Шунда чоли ҳалигини уришиб, сўкиб берди. “Ҳали вақт бор эди, нега буни ҳалитдан кийинтирдинг?” деди. Лекин момом кулоқ солмади. Мана, кўринг.

– Дарров кийиб опсан-да, – деди онам ва шошилмай уни этагидан ушлаб кўрди. Қўли қизиган темирга теккандек дарҳол тортиб олди.

– Балки тушингдир бу, жигаржоним? – деди илтижо билан.

– Нега тушим бўлади, мана, кўринг, – деди холам тантиқлангандай. Сўнг қўшиб қўйди: – Шу кампир билан ичимдаги жонивор ҳаммасини билади.

– Тилингни тиймайсан, тий тилингни! – деб уришиб берди онам.

– Қачонгача? – деди холам ҳафсаласи пир бўлиб ва негадир безътибор устидаги қўйлагини силади.

Менинг кўзимга бу либос холамининг беморхонада кийгани каби рангсиз бир матодай туюлди. Диққатни тортадиган афзаллигини кўрмаётган эдим.

– Бекор опсан, олиб яна кийиб опсан, – деди онам бу сафар тақдирга тан бергандай.

Шундан сўнг мен ўн беш кун санадим. Мактабдан чиқиб тоғамнинг уйига ўтдим. Холам ҳам шу ерда экан. Пастки қишлоқдан энди келиб туришган экан. Бирпасдан кейин онам ҳам келди. Эшакдан тушиб:

– Сен шуни миниб кетавер, моллар сувсиз қолмасин, – деди менга қатъий.

– Салқин тушсин, кетади, – деди холам менинг ёнимни олиб. – Ҳозир бу билан оқпишар ўрикдан қоқамиз. Эртапишар олманинг юмшоқларидан отамга териб берамиз.

Онам холамнинг раъйини қайтаролмади. Кўзлари илтижоланган каби холамга мўлтираб термулди.

– Отам менга кирларимни ювиб бер, ҳаммасини туз босиб кетди иссиқда деди. Мен майли, ечинг, ювиб бераман деб бир қозон сув иситдим. Кейин мева егим келиб қолди. Пастда ҳали ниҳоллар кичкина, мева йўқ. Юринг ота, катта акамнинг боғидан ўрик, юмшоқ олмалардан териб бераман дедим. Эшакка миндирдим-да, халачўп билан ҳайдаб келавердим. Э, ўлсин, кийим бўлса янгам ювар, қўли синадими? Бўлмаса эртага бориб ўзим юваман. Бир мевага тўйдирай!

Шундай деб, холам қаҳ-қаҳ отиб кулди. Юзлари бўғриқиб қизариб кетгунча кулди. Онам унга аввал хавотирланиб қараб турди, сўнг кўнглидан ғубор тарқатгандек ўзи ҳам кулди.

– Сингилжоним-а, жигарим-а, – деди алқаб ва яна негадир бош чайқаб қўйди. – Дарахтга ўзинг чиқма, буни чиқар, – деди мени кўрсатиб.

Дарахтга барибир холам чиқди. У бақувват шохларни эркаклардан ҳам дадил силкитар эди. Икки челак пишаётган довучча ва бир хуржун олма тердик.

Кетаётганимда менинг хуржунимга ҳам олма солишди. Кун санаб юрганим учун холамга зингил солиб қарадим. Назаримда холам ҳеч нарсани ўйламас эди. Худди қизалоқлардек менга шўхчан, тенгқурига қўл силкигандек қўл силкиди. Ироқи дўпписи остидан кўп ўрим сочларига таққан жамалакларига кўзим тушди. Улар ҳам қизалоқларникига ўхшарди.

Шу кеча анчагача уйқум келмади. Холамнинг сўзи ёлғон чиқишини вужудим билан истар эдим. Одатда ёмон хабар кечаси тарқалади, ҳаммани бесаранжом қилади. Ажабки, бу тун сокин кечди. Ҳатто холам ҳақида

ёруғ тушлар ҳам кўрдим. Дарсдан сўнг яна тоғамникига ўтмоқчи бўлдим. Негадир кўнглим хотиржам эди. Шу боис уйга қараб йўл олдим. Тоғамникида бобом, энам, онам, холам ва бошқалар Азроилни узоқларга қувиб ҳайдаб юбориб, энди байрам қилмоқда эдилар. Бу кеч яна ҳам сокин эди. Акам, укам ва синглим билан ёзнинг ўрталарида қип-қизил, катта-катта бўлиб пишадиган ўрик остидаги супада ухлар эдик. Холам ҳақида бугун ҳам туш кўрдим. Холамнинг ёшлигини ёки яшариб кетганини кўрдим. Кийимлари ҳам кўкайимда ёшлигидаги эди. Гапирмаса ҳам кулиб турар эди. Уйғондим. Шунда холамни соғинаётганимни сездим. Дарахт орасидан мўралаб турган тиниқ ойга, ён атрофдаги живирлаган юлдузларга қараб уйғоқ ётдим. Яна холамни туш кўргим келаётганди.

– Ёрқул, ҳў, Ёрқул!

Бу товуш тушимдами, ҳушимдами эканини билмай ётавердим.

Бироқ отамнинг уй томондан:

– О, ҳой, ким, Бекпўл, кимсан? – деб бақириб уйғонишидан ҳушимга келдим.

– Ёрқул, бандалик бўпқолди, Сапувра...

– Ўҳ, дунёси... – деб отамнинг ўтириб олганини кўрдим.

– Бевафо дунё экан, жўра, ким уйлаб ҳам эди, яйраб-яшнаб гапириб ўтирган жойида жони чиқиб кетибди, – деди Бекпўл амаки. Сўнг эшагини қайириб жўнайберди.

Тавба, холамнинг оғзига лафз солган ким экан? Айтган кунидан бери бир кун ҳам кечикмади-я. Энам куя-куя етмиш саккизга, бобом куя-куя саксон тўртга кириб фоний дунё билан ҳўшлашдилар. Онам саксон иккига кирди.

Биз айтган гаплар эса эски замоннинг, қирқ йил олдинги даврнинг ҳангомаси. Қирқ йилда ажал буларга бемаврид таҳдид қилмади.

Холамнинг зорлиғиданмикан?.. Ё шарофатидан...

ТЕГИРМОНЧИНИНГ БОЛАСИ

Мардибой бобони мен кичкиналигимда, тоғам ҳамсојси бўлгани учун ўғиллари билан ўйнаш учун бир-икки кун қолиб кетганимда кўп кўрганман. Жик-каккина, доим катак иштонда, қишин-ёзин яланг кавуш кийиб юрадиган, боз устига қора эшагини фақат яйдоқ – эгар-абзалсиз минувчи чаққон, абжир, лекин негадир овози хирилдоқ, тез-тез томогини қириб ту-пурадиган одати бор эди. Айтишларича қишлоқнинг ягона сув тегирмони шу одам бир умр юргизган, тегирмоннинг гард-чанглари бу одамни хирилдоқ қилиб қўйган эмиш. Колхозлаштиришнинг оғир йилларида бу киши буғдой ўримида чунон жонбозлик кўрсатган, айтишларича йигирма киши бир ёқ, Мардибой бобо бир ёқ бўлиб марра ўйнаганда чол голиб келар экан. Туман катталари ва раис унинг меҳнатини тақдирлаб, кечқурун битта бутун тандир нон билан сийлар экан. У киши доим иштаҳаси карнай юрганидан нонни сувга ботириб, дарҳол уриб ташлар ва кечаси ойнинг ёруғида тагин шунча майдонни қўлдан чиқараркан. Кейинчалик омонлик замонларда у киши ҳақида бир латифа тарқалган. Бобой ўзи кичкина бўлгани билан ғилминдидан нақд элликтани паққос тушираркан. Юпқага сутли атала ўралишини, сўнг куйдирилган сарёғга хўп булаб товоққа жойланиши, манаман деган полвон ҳам унинг атиги беш донасини еб кекириб юборишини назарда тутсак, бу хайрон қоларлик даражадаги очофатлик эканини тасаввур қилсангиз бўлади.

Қишлоқ ўртасидаги отам замонда қурилган тегирмонни кўп бора болалик завқи билан томоша қилганмиз. Кирар жойида йигирма-ўттизта қоп тўла буғдойи билан турарди. Мардибой бобо бир ўзи бу қопларни эшакдан тушириб қолар ва навба-ти билан бир қоп буғдой сиғадиган тепадаги ёғоч идиш-тўлга кўтариб ўзи тўкиб қўярди. Валлоҳу аълам, бу идишдаги буғдой ярим кун ё бир кунда тош ўртасидаги тешикка доналаб бир маромда тушиб турар, атрофидан худди сув сачрагандек ун отилиб турар, тегирмончи ҳеч қачон бировнинг қопи тугамай, бошқасининг қопини аралаштирмас эмиш. Етти фуддан бир килоси тегирмончининг ҳақи эмиш. Бир ўн олти килолигини билгач, бу ҳақ жуда кам эмасми-кан деб ўйлаб қўярдим.

Бир сафар отам мол орқасидан тоққа кетаман, қўлим бўшамайди дегани учун ўзим бобога буғдой тортириб келганман. Отам гап ўргатган: кимнинг улисан, деб сўрайди, палончининг улиман, дейсан. Буғдойнинг бир синтирми, дейди, сен ҳа, де. Барибир чол ўзининг ўлчагич халтасида ўлчаб олади. Бир синтирдан кам бўлса кам экан-ку, дейди. Кўп бўлса ортиқ экан, деб айтади. Сўнг қачон келайин деб сўра, айтган вақтида бор, бўлмаса жаҳли чиқади, қоплар қалашиб кетди, деб.

Мен отам айтганидай қилганман ва шунда жиккак, қоп-қора, кўримсиз, қошу кўзи, оғзи-бурни, қулоғига-ча оппоқ гард бўлиб кетган чолнинг юз килолик юкни кўрдим демай ўзи кўтариб тушириб, эртаси куни миҳдай қилиб ортиб бериб, арқон билан эшагимнинг айили устидан овуртмоқ қилиб бойлаб, мени қопнинг устига кўтариб ўтқазиб қўйганини кўриб қойил қолганман.

Одамлар тегирмончининг акс феълидан чўчишарди, айна пайтда ҳалоллиги учун шу баробар ҳурмат ҳам қилишар, шу боис ўрнига бошқа одам бўлсин, дейишга ботинолмас эдилар.

Тегирмоннинг тепа томонидан катта ариқда зилол сув шиддат билан ёғоч тарновдан шарқираб тушиб турар, у тегирмон тошини пастдаги катта ёғоч парракка зарб билан уриб юргизиб турарди. Натижада тегирмондан гусурлаб, гоҳида ғалати шийқиллаган овоз анча нарига ҳам баралла эшитилиб турарди.

Биз ёш болалар бу пайти шу тегирмон пастдаги сойдан қўлда балиқ овлардик. Гоҳида тош остидан сувилон чиқиб ҳаммамиз ҳар ёққа тирақайлаб қочиб қолардик. Биз бир гал шу тегирмон яқинидаги шарқироқ сой суви ҳаяллаб ўтадиган ҳовузсимон жойда бир челак балиқ тутдик. Сўнг чўмилдик. Сувдан чиқсак, челакнинг ёнида тегирмончининг ўғли турибди. У аввал балиғингни сувга тўкиб юбораман, деб дўқ урди. Йигит мактабни аллақачон битирган, Каттақўрғондами, Самарқанддами ўқир, бироқ отасига ўхшаган қоп-қора, яна ярашмаган тарзда ҳўппасемиз эди.

Биз нима қилишимизни билмай гуноҳкорлардай дилдираб туравердик. Яна шунча балиққа ачинардим. Биласиз, булоқ сувидаги ширмоҳи балиқ унча катта бўлмайди. Бир челак балиқни тоғамнинг хотини Суймали янгам сариёғда жуда мазали қилиб пишириб беришдан умидвор эдим.

Хайриятки, йигит биз кутган ишни қилмади. Челакдан балиқларнинг энг каттасини олиб, бошини оғзига тикди. Кейин уни яна қўлига олиб:

– Шуни мен тириклай ея оламан, гаров ўйнайсизларми? – деб сўради.

Биз бир-биримизга қараб олдик. Чунки киссамизда бир тийин ҳам йўқ эди.

– Камбағал, қашшоқлар, – деди у ва балиқни бошидан тутиб бирпас типирчилатиб турди-да, яна оғзига тикди. Кўзлари хонасидан чиққудай бўлиб тасрайиб, қизариб-бўзариб кетди, лекин барибир кучана-кучана уни ютиб юборди. Сўнг қўйлагини кўтариб қорнини қашлаб-қашлаб қўйиб: – Ҳалиям ўлмади, кўряпсиз-

ларми диркиллаяпти, – деди. Ортига бурилиб кета бошлади.

– Аканг қарағайди кўрдингларми, – деди бир маҳал тўхтаб, отасига ўхшаган хирилдоқ овозда. – Шаҳарда бўлганимда ҳозир гаровда эллик сўм ютиб олардим, сенлардан икки дунёдаям одам чиқмайди.

Акавой кетганига хурсанд бўлиб биз тегирмон томонга ўтдик. Тегирмоннинг тепасидаги сув сачраган жойлардан гулдирган – маймунжон ўсиб ётарди. Гулдирган деганимиз сиз танийдиган малинага ўхшаш майда мевали, тиканакли ўсимлик. Тиканлари қўлингга тегса дарҳол қонатади, кийимингга илашса йиртиб юборади.

Тегирмончи борида биров бу ерга яқинлашмайди. Барибир бизга ўхшаган бебошлар гулдирганнинг пишганини териб еб кетишибди, бизга қолгани аччиқлари, ҳали бўзармаганлари экан. Тоғамнинг менга тенгқур ўғли қўли билан нуқиб:

– Мардибой бобо шу деворга ғилминди урган, – деди.

Ҳа, дарвоқе, биз ғилминди ҳақида латифа бошлаб бошқа ёққа қараб ўтлаб кетувдик. Узр.

Хуллас, тегирмончининг кампири Ойгул момо чолининг буюртмасига кўра кечки овқатга сератала ғилминди пиширибди. Кечаси фонус кўтариб, мойлигина овқатни чуқур товоққа бостириб келса, чоли аллақачон таҳоратини олиб, очқаб, ер тепиб ўтирибди. Чоли овқатнинг чўғи пастлигидан хавотирланиб:

– Нечта? – деб сўрабди.

– Болаларингизам ўзингиздай жуқмахўр, ўттизта қолди, – дебди кампири.

Чол кампирини бўралатиб сўкиб, энди уришга чоғланган экан, бобойнинг бу феълини билган кампир шоша-пиша сувдан кечиб ўтиб, қорасини ўчирибди. Чоли жаҳл билан товоқни тегирмоннинг деворига урибди. Шундан сал ўтиб тегирмонга унини олгани

келган Кўмак муаллим тегирмончининг фонус ёруғида ғилминдини хас-хашакларини териб-териб паққос тушираётганини кўрибди...

Бу, албатта, тоғорадай қишлоқ учун катта гап. Ҳалигача кулгу, баъзи хотинлар боласи овқат емаса жаҳл қилиб: тўқдир хўжам тўқдир-о, бўлмаса ер балони-ё, дейишади ва орқасидан тегирмончи бобонгнинг қилиғини қиласан-да, деб қўйишади. Кун келди, шу чол ҳам қариди, тўзди. Қулоғи эшитмай, кўзи кўрмай қолди. Эшик оралаб баъзан кампири етовида, баъзан ўзи девор пайпаслаб чиқадиган бўлди. Бу куни ҳам йўқ бўлиб тўшакка михланиб қолди. Кампири Ойгул момо ҳали ғалтакдай, мен деганни бир чўқишда қочирадиган норғул, тетик эди. Ҳазрат Ғафур Ғулом “оталар ўзи шундай мўрт келади” деганда Мардибой тегирмончини ҳам назарда тутмаганмикан?

Чол ётиб қолишидан олдин ер, боғ ва уйини ўғилларига тақсимлаб васият қилди. У ҳосилдор тоқларни кичигига қолдирди. Бу катта ўғилга ёқмади. Кап-катта бошига жанжал кўтариб уруш чиқарди. Бир гал ўғли отаси таҳоратга кўтариб чиққан мис офтобасини қўлидан тортиб олиб бошига туширганини ҳам кўрдик. Ҳа, биз болалик, мурғак кўзимиз билан кўриб, додлаб юбордик. Чолнинг бошидан қон отилар эди. Сўнгра у қонга бўялган қўйи, ёнбошига мункиб тушди. Хирилдоқ овозда ўғлини сўқди. Ўғли ўлжасини қизғанған итдек бизга ҳам ўшқирди. Қўлига тош олиб, бизга ирғита бошлади. Эсласам юрагим орқага тортади, агар шу тошлардан бирортаси тегиб кетгудай бўлса, аниқки, тил тортмай ўлар эдик, астаффуруллоҳ. Сўнг опаларимизнинг пичирлаб қилган ўшакларидан шуни билдикки, тегирмончининг элликни қоралаган ўша мирғазаб ўғли орага тушган онаси ва ўзининг кампириниям ўлимичи қилиб урибди. Во дариғ. Чол барибир туршак ҳолида ўжар экан, боғни сенга бермайман, деяверибди. Ўғли яна урибди, яна, яна... Охири тегирмончи

жоҳил ўғлининг таёғидан ўлди-кетди. Шу ўғли отасининг таъзияси куни “отам” лаб товуш бериб турди...

Тегирмон эгасиз қолди. Охири маслаҳат билан Мардибой бобонинг бўйниса ўртоғи Ёлғош бобо унга қарайдиган бўлди. У чол ҳам қазо қилгач, тегирмонга ўғиллари эгалик қилишди.

Мазлумнинг, мусофирнинг ва ота-онанинг дуоси учун Оллоҳ ҳузурида парда йўқ эмиш. Кексалар бу дунё қайтар дунё, унинг ҳам эгаси бор, деганида бизнинг ўжар ва тўхтам, сабр билмас миямиз қабул қилмас экан. Кейин билдик, дунёнинг қандай қайтишини...

Мардибой бобонинг катта ўғли Чиндоли ака аввал бўлимнинг, кейин колхознинг ҳисоб-китоб буғалтери бўлиб ишлаб юрар эди. Кейин ерлар фермерларга бўлиб берилгач, у ишсиз қолди. Чамаси пенсиясига ҳам яқин қолган эди. Ишдан бўшаган йили уйининг олдидаги томорқасига тўлдириб кўкнори экди. Кўкнорининг гулини кўрганмисиз? Қирмизи рангда товланувчи бундай нафис гул оламда йўқ. Сўнг у ичидан бошоқ чиқариб бўлгач, гуллар бирин-кетин узилиб туша беради. Бошоқ қотиб, сарғайиб пишмасдан бурун устомон нашафурушлар уни тиг билан кесиб сутини ташқарига чиқарадилар, сут қотгач пичоқ билан кириб оладилар, идишга йиғадилар, тўплайдилар, сотадилар, уни яна бир устомон кукун ҳолатига келтириб героин отли маҳсулот тайёрлайди. У кейин дунёни офатга етаклаб юради...

Мен шу тоғорадай кишлоқда кўкнори экиб барака топган одамни кўрмадим. Кимдир қамалди, кимдир бор будидан айрилди. Аммо шу касофат нарса Чиндоли акани бойитди. Бошқалар меласага тушди, тушгани тушмаганларни чақиб берди. Чиндоли акаям меласага қатнади. Бироқ ё зори, ё зўри устун келди чоғи, ишқилиб тинчитди. Ҳадемай ялтилаган “Жигули” сотиб олди. “Жигули” уйида қантарилган отдай тураверди, минмади. Гап чиқдики, Чиндоли ака бу машинага

сиғмапти, каттароғидан оларкан. Ұша маҳаллар “Волга” урф эди, энг обрўли машина ҳисобланарди. Чиндоли ака “Волга” опти дейишди. “Волга”си қурмағур раисдаям йўқ эди. Лекин бу машинани ҳам на ўзи, на фарзандлари минди – кўпқарига тайёрланган тулпордай тураверди.

Кунларнинг бирида ўғиллари палончининг тўйи бугун, никоҳига сўраяпти, миниб борайлик, деб сўрашибди, ота бермабди. Ўртада жанжал чиқибди, икки ўғил отадан калитни тортиб олиб, рулга ўтирган экан, жаҳлга минган ота катта суруқ таёқни олиб келиб машинанинг олд ойнасига уравериб, синдириб ташлабди, устига шиша сачраб қон бўлган йигитлар тушиб отани дўппослай кетишибди. Ғазаб устида бири темир билан, бири таёқ билан ураверишибди. Охири боши мажақланиб, мияси, кўзлари отилиб чиқиб кетибди.

Ва улар эртаси куни “отам”лаб ҳасса суяниб йиғлашди. Куйган фарзандлар сингари то қирқи-маросими ўтгунча устларидан тўну белбоғ, дўпписини ташлашмади...

Ундан кейин ҳам кўп сувлар оқди. На бўлғай, шу сувлар Мардибой бобонинг тегирмонини ҳам юргизиб турди. Тегирмон ёнидан ўтиб қолсам ўша ўжар чол эсимга тушади. Шу деворларда ўша чолнинг бармоқ излари, нафаси қолган. Кўҳна ёғоч эшикни очиб ичкарига бўйласанг намчил ун ва яна алланарсаларнинг ёқимли ҳиди димогинга урилади.

Илгари бу тегирмон қулф кўрмаган. Ҳозир эса калладай қулф осиглик туради. Эгаси кимлиги ҳам номаълум. Лекин тегирмон аввалгидай мустаҳкам, ҳеч нарса уни ўзгартирмаган.

Тегирмоннинг тепаси қабристон. Тегирмонга яқин жойда Мардибой бобо ётибди. Ўғли ундан четроқда... Жой кам. Кейингилари ундан ҳам нарига қўйилади...

2009 йил

БЕГОНА МЕҲМОН

*Бу бир ривоят. Лекин ўзим унга ишондим.
Туқиган жойларим ҳам бор, тўқимагаларим ҳам.
Лекин ғалати. Сабаби...*

Матлаб аслида шу Оқморални деб дунёга келган экан. Саксонга кириб умрининг боши-кетини ўйласа шундай бўлиб чиқди. Шунча йил-а, шунча узун умр-а, сарсон-саргардонликка эврилган қисмат, ана, боринг, пешона-я. Оқмарални деб яшаган йиллари асли уни қиздан юзлаб чақирим нари, худди қуюндаги хашақдай бегона манзилларга улоқтириб ташлайверибди. Қариди, чуриди, энди манглайига тарсиллатиб шаппат урди.

Ҳали ҳам Талас тоғларида таёгини, чориғини судраб юрар эди. Қўра-қўтону тоғ-адирларда бу атрофларнинг эгаси бўлган янги бой – Замонбойнинг хизматини қиларди. Кунларнинг бирида бир тўп отлиқ қуролланган йигитлар куппа-кундузи келиб қўраю капасини шип-шийдам қилишди. Ўрисча-қирғизча қурама тилда бақира-бақира шу ерда чол билан бирга молбоқарлик қилиб юрган Қорақулни, хотини ва икки гўдак боласиниям отиб ташлашди. Уларга ташланаётган учта бўрибосарнияв автоматдан тариллатиб ўт очиб, ер тишлатишди. Сўнг бири Матлаб чолга юзланиб Замонбой энди йўқлиги, манави давонгирлар аллақачон уни нариги дунёга равона қилишганини бемалол, дона-дона қилиб тушунтирди, сўнг бойнинг йилқи уюри, подаси, қўй отарлари

қаердалигини суриштирди. Буткул ҳимоясиз қолган чол сойлар, адирларнинг номини, моллар ўтлаётган манзилларни айтди. Ҳалиги отлиқ қошларини чи-мириб турди-да, чолнинг юзига зарб билан қамчи қўйди. Тирқираган қон кўзларига тушди, “воҳ, па-дарингга лаънат” дея қўллари билан юзини тўсгунча бўлмай қўлидан судраганча қўра ёнидаги яккамихда бойланган байтал ёнига опкелиб, ўша моллар юрган жойни бизга кўрсатасан, дея буйруқ қилди. Чол юзи-дан тушаётган қоп-қора қонни артиб улгурмай, бай-тални эгарлаш асносида имиллаётгани сабаб бўкса-сидан тагин бир қамчи еди. Беихтиёр йигитни бўра-латиб сўкиб юборди. Ёноқлари пир-пир учди. Аммо негадир босмачи йигит бу сафар пўписа қилмади. Чамаси, бу қари инсон ҳали-ҳануз унга кераклигини эслаб қолди.

– Кўзинг-бетинга қарағанда сарт чиғарсан? – деди ажабланганнамо.

Чол иягигача келиб бармоқ энлигида сумалакдай бўлиб турган қонни ижирғаниб жабдуққа артаркан, сен тўнгиз қўшурга бунинг нима қизиғи бор, ўлди-риш ниятинг бор экан, шу ерда бир ўқ билан тинчи-тиб қўяқолмайсанми, демоқчи бўлди. Ияги, лаблари титради-ю, ҳеч нарса демади. Балки омонлиқдан умид қилгандир. Эгарга ўтирар-ўтирмас йигит байталнинг сағрисиغا аччиқ қамчи босди. Отини пишқиртирган қўйи унинг ортидан йўртди.

Хуллас, ожиз-нотавон чол минг қўйли бойнинг қўй-эчки, қорамолу уюр-уюр йилқиларини отлиқлар-нинг олдига солиб ҳайдатиб юборди. Эвазига тагин икки қамчи еди, ноинсофлар унинг остидаги байтални ҳам олдиларига солганча адирлар қуйисигача бўкир-ган қўйи от қўйдилар.

Чол энди тақдир битиги бир ерга келганига, бал-ки сўнгги кун яшаётганига тамом иқрор бўлди. Худо ўлдирмаса одам не машаққатларни орқалаб, бошдан

утказиб юравераркан. Ана қисмат: қаерда туғилдинг, қаерда яшадинг, қаерда ўлмоқдасан? Хўп, ўзи нима учун яшадинг? Туғрироғи, яшаган эдинг?

Кўз олдида ўзи туғилиб ўсган Хартанг қишлоғи жонланди. Отасининг эл қатори бир қаричгина ери бор эди, лекин қўлигул эди, шекилли, олам-жаҳон узум етиштирарди. Ота-ўғил эшак аравада Самарқанд бозорига элтиб, қайтарда қанд-новвот, ўзларига, ука ва сингилларига, онасига ҳам кийим, рўмоллар харид қилиб қайтишарди. Отаси унинг замонга мос бўлиб ўсишини, келажакда катта одам бўлишини астойдил хоҳларди. Шундай бўлаётганди ҳам. Самарқанддаги ягона очилган университетга кирди. Не балолиғ бўлдиким, йигит узок юрт – Жамбулдан келган Оқморал деган қизга ошиқ бўлди-қолди. Бора-бора қиз ҳам унга кўнгил қўйди. Лекин на йигитнинг, на қизнинг ота-онаси уларнинг турмуш қуришига рози эди. Ораларини суриштириб қарашса нақд беш юз чақирим келади. Тавбангдан кетай, ўзбекман деганнинг ҳам не ерларга уруғи сочилган-а! Жамбуллик соф ўзбек, қуралай кўз Оқморал! Хуллас, икки томоннинг ҳам ота-онаси норози, йигит-қиз ўқиш тугагач, ўз уйлари – ўлан тўшакларига қайтишди. Ўша маҳаллар қишлоқларда ўқитувчи кам, Матлаб ҳадемай ҳашар билан қурилган қишлоқ мактабига директор бўлди. Аммо қизни унутолмади. Китоблардаги сингари кеча-кундуз оқ чекди. Хатлар ёзди, хатлар олди. Оқморал! Маъноси қозоқчадан ўзбекчага ўгирилса – оқ оҳу эмиш. Оқ оҳу! Қизнинг отаси бир қалин қозоқ ошнасининг таклифи билан шу исмни танлаган экан. Не бўлғай, ўша қозоқ ошна Оқморал гўдаклигида ўғлига бешиккертди ҳам қилиб қўйибди. Оқморалнинг ёзишича уларда удумни қаттиқ ушлар эмишлар. Удум шариатдан ҳам устун эмиш.

Матлаб бу сўзларни ўқиб нақд олов каби ёниб кетарди. Оқ юзли сулув – оқ оҳуни жизғанақ бўлиб бировлардан, номаълум йигитлардан рашк қиларди.

Бу дард шу қадар кучли эдики, охир оқибат касалманд аҳволга келди. Тунлари деярли бўзлаб чиқади-ган бўлди. Отаси буни сезиб, тезроқ бошини боғлиқ қилиб қўйиш тадоригига тушди. Кўп ўтмай отаси ўз тоғасининг қизига уйлантириб ҳам қўйди. Бир ой яшашди. Йигит ҳамон Оқморалнинг кўйида жони ўртанар эди. Ахийри кунларнинг бирида ҳе йўқ, бе йўқ, Самарқанд вокзалига бориб қайдасан Жамбул дея жўнади – борди.

Топди. Оқморалини топди. Гапнинг қисқаси, йигит ҳам шу ерда ўқитувчилик қила бошлади. Шу юртнинг эгасиман деганлар ҳам аллақачон қизга совчи қўя бошлаган эдилар. Колхоз раиси урушга бориб келган ўғлига сўраттирган, йигит яримжон бўлиб келган, сўнг пешонадан кўриб ортиқ безовта қилмай қўяди. Бешиккертди бўлган йигит ана-мана тўй қиламан, деб тайёрланиб юрган кезде хирмонда ярим қоп ғалла билан қўлга тушиб қамалиб кетади. Тақдирнинг кулганини кўрингки, Матлаб камтарона тўй қилиб Оқморалига эришади. Ўзининг қайнотасиникида ичкуёв бўлиб яшай бошлайди. Аммо бахтли эди. Ғоят бахтли эди! Ҳатто ортда қолган ота-она, рўзғор, хотини ҳам эсидан чиқиб кетди.

Қишлоқ аҳли бир бегона жойдан келиб, элнинг энг сулув қизига уйланиб олганини тумшуқларининг тагидаги хазинани ўмаргандай қабул қилди. Урушдан кейинги сиёсий айбловлар авжга чиққанда Матлабнинг устидан ҳам чақувлар бошланади. Мактабда ишлаб юрган оддий ўқитувчини қарийб ватан хоини сифатида қамоққа оладилар. Матлаб Сибирга сургун бўлиб кетади.

Оқморалнинг ота-онаси, ҳатто ўзи ҳам кўёвдан умидини узадилар. Чунки Сибирга сургун бўлганлар деярли қайтмас эдилар. Умрбод сургун қилишдими: ё оч-наҳорликдан, ё касалликдан ўлиб кетаверади.

Оқморалнинг Матлабдан қолган гумонаси бор эди. “Халқ душманининг боласи” деган тамгадан

қўрқиб отаси Жамбул касалхонасига бориб болани олдириб ташлайди. Кунларнинг бирида бешиккертди қилинган йиғит қамоқдан қайтади. Ота-оналар маслаҳатни бир жойга қўйиб, ёшларнинг бошини қовуштирадилар. Беш йил, ўн йил ўтади ҳамки, улардан фарзанд бўлмайди. Йигитнинг ундови, ота-она истаги билан Оқморал эрининг бошқа турмуш қуришига розилик беради, аммо ўзи ҳам шу эшикда сиғинди бўлиб юраверади.

Тақдирнинг ҳукмига қаранг: Матлаб орадан йигирма икки йил ўтиб, яна денг, соғ-саломат тўрт мучали буг – Оқморалнинг эшигини қоқиб келади. Аҳволни билгач оҳ уриб Мажнун каби саҳроларда дарбадар бўлиб юради, тоғ-тошлар, адирларга боради. Чўпонларга ёрдамчи тушади. Шу ерда қолиб кетади. Қарийди. Ўзини қисмат ҳукмига ҳавола қилади.

Охирини, мана, кўриб турибсиз...

Аммо буям кам эмас экан. Ҳали охири эмас экан...

* * *

Чол яраларининг, суяқларининг оғриғидан қийналиб бир неча одим ташларкан, қўл билан текислангандек теп-текис катта тошни кўрди. Бориб оёқ илди. Дам олиб, сўнгра сойдаги зилол булоқ сувидан юз-кўзларини чайиб, қон теккан кийимини ҳам ювиб олишни ният қилиб қўйди. Тақдир энди тағин ҳукм ўқталаётганини ичидан ҳис қилди. Бир зум ўзига ачиниб хўрлиги келди.

Ахир энди ёруғ дунёда ҳеч бир суянчи, таянчи қолмабди. Шериги – чўпон болани ҳам итдай отиб ташлашди. Хотини, икки боласини ҳам. Хўш, бу бечораларда нима гуноҳ эди? Ўлдирмай ҳам шунча молни ҳайдаб кетаверишса бўларди-ку. Кимнинг кучи етарди у аблахларга. Ё тавба, ё қудратингдан, ким булар, нега кўзларига бунча қон тўлган? Алҳазар, ё алҳазар!

Кўзларини йириб очаркан, ён томонидаги Чотқолнинг худди зиналардай қат-қат кўтарилиб кетганини биринчи бор кўрди. Чўққилари оппоқ қор билан ўралган. Айтишларича, тоғ устида каттакон бир муз қоплаган кўл ҳам бор эмиш. Кўлнинг устига тинимсиз қор ёғармиш, кўл остидан сизган сув тоғ ёнбағирларидан булоқ бўлиб отилиб чиқармиш.

Мендай муз қотган шўрликнинг кўз ёшлари улар...

Чолнинг кўзига қор ҳар қачонгидан ҳам кўра оқариброқ, ҳатто ялтираб тургандек кўринди. Бир пайтлар эшитган эди: ўша тоғларда оқ барслар яшармиш. Ҳа, оқ барслар. Паст адирларга улар йўламайди, шекилли. Айтишларича оқ барслар фақат шу ерда бўлармиш. Оппоқ барслар. Улар ўша ёқларда кун кўрувчи ўзларига ўхшаш оқ кийикларни еб озиқланармиш.

Оқ моралларни...

Оқморал!..

Кимларга ем бўлди, озиқ бўлди у оҳу!

Умр эса ўтди-кетди. Мендан не қолди?

Хартанг... Жуда олис, жудаям олисда қолди... Отана тупроқ бўлиб кетган чиқар. Ука-сингиллар-чи?

Нимага сарфланди бу умр?

Бармоқлари билан тошни пийпаркан, миясига учқундек бир хотира урилди.

...Икки оқсоқол ҳамроҳлигида бир азиз меҳмон ташриф буюрган эди. Бир кун бурун Замонбойнинг ўзи келиб қўй сўйдириб, от гўштидан қази-қарта ҳам тайёрлатиб кетган эди. Сўнгра эртаси куни ўтов атрофини шериклари билан тозалаб яйдоқ жойга кигиз тўшаб меҳмон кутганди. Бир меҳмон келди: оқ костюм-шимда, оқ кўйлак, оқ туфлида, ёши ўтинқираган бўлса-да, қуюқ сочларини орқага тараган, бай-бай, юзидан нур томади, нур-ку майли, маъно, донолик ёғади. Кигизга ўтириб бошига қирғизи қалпоқ илди. Суратчи уни, шерикларини суратга олди.

Таомдан кўп тановул қилмас экан. Энди соғилган сутдан сипқоришни яхши кўраркан. Сўнгра қимиз, қимронни. Оқсоқоллардан овул-уруғларни суриштирди. Бир чол оқин дўмбира олиб “Манас”дан айтди. Сел бўлиб эшитди. Пиёда келиб худди шу тошда ўтиришди. Матлаб чолдан бу адиру сойларнинг номини сўради. Уруғ-авлодини ҳам сўраб қолди. Қисқа айтган эди, “бу қизик” деди. Бир келганда алоҳида “сўйлаб бериш”ини тайинлади. Матлаб чол мўмингина бўлиб қўл қовуштириб турди. “Оқ барисни кўрганинг барма?” деб сўраб қолди. Йўқ жавобини олгач, шу ерда шунча йил яшасанг ҳам кўрмайсанми дегандек иддао қилди.

Бунга ўн йил бўлди.

Кейин билса... Ҳа, кейин билса, у одам унча-мунча эмас, ҳув пастдаги овулда болалиги ўтган, дунёнинг энг зўр ёзувчиси нақд Чингиз Айтматовнинг ўзгинаси экан. Ҳа, Чингиз Айтматов!..

Ундан бери замон ўзгарди. Дунё ҳам ўзгарди. Айтматов ҳам йўқ. Ҳа, уни шу атрофдаги ўзининг овулига дафн қилдик дейишувди. Замонбой айтувди бу гапни. Матлаб чол билан суҳбати қиёматга қолди. Бу дунёда қайта кўришув насиб қилмапти.

Ўшанда Матлаб бобо “нима учун бир оғиз айтмадинглар, мен унинг қиссаларини, “Қиёмат” романини ёддан биламан-ку, икки оғиз тузук-қуруқ гаплаштирмапсизлар ҳам, бир катта бой деб ўйлабман, аттанг-а!” деб ўртаниб оху зор қилганди. Айтматов қариган чоғида сўнгги романи – “Қулаётган тоғ”ни ёзди. Ўшанда у мана шу тоғ, мана шу тоғ бағридаги оқ барслар, мана шу қотил тўдаларнинг разилликларини, охир оқибат ўз қавмининг не аҳволга келиб қилаётган қилмишларини қаламга олган экан-да...

Ҳай, гўрингга нурга тўлгур, Чингиз дўстим-а!..

Ўшанда ҳей, ўзбек чол, бу ерларда нима қилиб юрибсан, деб сўрадинг, сўрашга сўраб дарду дийдиём-

ни эшитмадинг-ку. Тинглаганингда, билганингда бирор асарингга киритиб мен ғариб чолни ҳам китобларинг каби дунёга достон қилган бўлармидинг?..

Энди бўлса, на Оқморал, на Чингиз, на Замонбой бор дунёда...

Дунё хувиллаб қолди.

* * *

Чол аввалига шу ўрганган жойини макон тутмоқчи бўлди. Бироқ кимсасиз гўша уни ютиб юбораман дерди. Замонбойнинг чиндан ҳам куни битган кўри-нади – биров-ярим бу атрофдан на уни, на бошқани йўқлаб ҳам ўтмади.

Матлаб чол ноилож тугун кўтариб йўлга тушди. Жамбулга бора-бора чегарада тўхталиб қолди. Ёнида бошпурти бўлмаганидан ҳарбийлар орқага қайтариб юбориш пайидан бўлишди. Бақиришиб қолиб уларнинг каттаси бир кеча қамаб ҳам қўйди. Эртаси куни бир майор киши қари одамни нима қиласизлар қийнаб, деб қўйиб юборди. Шунгача чолнинг ғазаби қўзғаб ичкаридан буларни бўралатиб сўка бошлаган эди. Чиққандан кейин ҳам кечаги катта ҳарбийга: “қараб тур, бола, шу қилганингга мен анави сув омборининг дамбасини портлатиб юбораман, ҳаммани сувда чўктириб юбораман!” деди ўдағайлаб.

– Қўйиб юбор уни, – деди майор. – Қария билан тенг бўласанми. Шу ҳолига, майли, дамбани портлатиб юборақолсин. – Шундай дея у ҳиринглаб кулиб чолга “хайр” дегандек қўлини силкиб қўйди.

Кейинги чегарада у тагин тўсиққа дуч келди. Фиғони фалакка чиқиб ҳаммангни портлатиб юбораман, деб бақирди. Яна тутилди. Лекин ҳамма чолнинг бу иш қўлидан келмаслигини билиб турарди.

– Ненг бар? – деб сўради ҳарбий йигит.

– Ақчам жўқ.

– Портлатўдиган ненг бар дебатирман.

– Ўзим билемин.

– Бул жерде оғайин-тувисинг барма, ким деганди қидирибатирсан?

Матлаб бобо таниган-билганларини бирин-кетин эслади, айтди. Баъзиларини чегарачилар биладиган чиқди. Афтидан, чол нукул марҳумларни таниркан. Охири тоқати тоқ бўлиб “Оқморалникига бораман!” деди.

– Биз эркекпен сўйлашамис, қотин қолқини билмеймис. Ўт, ўтабер, – дея чолнинг елкасидан суриб нарироққа итариб юборди.

Шаҳар шу даражада ўзгариб кетибдики, у билган биноларнинг ҳеч қайсисини топа олмади. Тентирай-тентирай бир замонлар ферма омбори мудир бўлиб ишлайдиган ошнаси Матёқубнинг уйини излаб топди. Ошнаси қариб букилган, лекин гап-сўзи тетик эди. Оҳ уриб, оҳдан сўнг бир оз лоф уриб тонготар гурунг қилишди. Кун келиб, ўлар вақтида суягим бегона юртда чирийдиган бўлди-да, деб ҳасрат қилди. Ошнаси, энди сенга борар юрт йўқ чиқар, қолган умрингни меникида ўтказ, невараларим сениям, мениям тепиб-тепкилаб кўмишади, деди. Айтишларича укасининг қўлида қолган Оқморал узоқ йиллар мактабга директорлик қилиб, кейин қарилик нафақасига чиқибди. Қаригани ҳам билинмайдиган сулув кампир бўлиб қолибди.

Бу орада маҳалла-кўйда Талас тоғидан ошиб келган бир девона чол сув омборни портлатаман дебди, мелиса қамаб, сўнг чиқариб юборибди, у Оқморал деган аёлни сўраб юрганмиш, деган гап чиқди. Сув омборини бир ёқлик қилишга-ку кучи етмас, аммо сулув кампир бу чолга ким бўларкин – шуниси қизиқ эди.

Шу зайл кунлар ўтди. Чолнинг кўнглида Оқморални излаб топсам, ўтган-кетганига ҳай бериб обдон суҳбат қурсам деган орзу-истак ҳам пайдо бўлди. Матёқуб ошнасини қабатига олади, ҳеч бўлмаганда қариб-чури-

ганда бир дийдорлашай девдим, дея, эшик қоқиб бо-
раверади, бошқа нима ҳам дерди.

Кунларнинг бирида кутилмаган шов-шув гап чиқ-
ди. Тепадаги сув омборининг суви тошибди. Жамбул
сув остида қолаётганмиш дейишарди одамлар. Мат-
лаб чолнинг дами ичига тушиб кетди.

Ростдан ҳам сув омборининг дамбаси очилиб кет-
ган бўлса-я, деб ўтакаси ёрилгудай бўлди. Халқда гап
ётармиди: яқингинада бир девона чол чегарачиларга
сувингни тошираман, дамбани портлатиб шаҳарингни
сувга бўктираман, деб дўқ қилган экан, шу чол айтга-
нини қилганга ўхшайди, энди ўлдик, тоққа қочмасак
кутулолмайдиганга ўхшаймиз.

Сув омборининг шаҳар томонга қуйилиб эниш
қисмида, ҳақиқатан ҳам, икки ён маҳаллага сув тошиб
чиққан, полиз, чорбоғлар сув остида қолиб, пахса де-
ворларни захлатиб ичкарига ҳам сув уриб кира бошла-
ган, одамлар жон ҳалпида қўлига илинган нарсани
олиб, тепаларга қоча бошлаган, шошганларидан ким
пиёда, ким улов, ким машинада ҳар ёнга тирқирар эди-
лар. Қуёш уфққа чекина бошлаган эди, ким подасини
қирга ҳайдаган, ким қоплаб олган бўхчасини орқала-
ганча сув кечиб тепага ўрлаган, кимлардир бола-чақа-
сини опичлаб, етаклаб, қий-чув қилиб дўнгликка, хув
ўша Талас тоғларига томон чопиб борар, саросимага
тушган аҳоли нима қилиб бўлса-да омон қолишга ти-
ришар эди. Уфқ қуёшида қизариб пичагина ёришиб
турган тоғ одамларнинг нечоғли ваҳимали товушла-
рига тўлиб кетган, бу банди оғизларнинг ўзлари эса
мисоли бир тийиқсиз, тутқич бермас каттакон мол по-
дасига айланган эди...

Шу кун Оқморал кампир яшайдиган тепа маҳал-
лада рўй берган эди воқеа. Укаси аввал томорқасига
сув тараб, ариқ бошидан хабар олиб келиб бамайлихо-
тир сўрига келиб ёнбошлаган, чой дамлатиб опаси ва
кампири билан ул-булдан икки оғиз ҳангома қилишга

тушган эди. Бир вақт кампири тараган сувингиз ҳовлига тошиб кетди-ку деб бақириб қолди. Шоша-пиша ўрнидан туриб шиппагини оёққа илай деса сув ана-мана пойафзалини ҳовли четидаги оғилхона томонга тез оқизиб кетди. Бирдан қўрқиб қолиб ариқ бошига югурди, аммо сувнинг бу қадар зудлик билан қўпайганини кўриб донг қотди. Ваҳимадан “ўлдик, уйдан чиқ ҳамманг!” деб бақириб юборди.

Сув шу даражада тез қўпайиб борардики, одамлар дарвеш чолнинг қўпоровчи эканига чиппа-чин ишониб қолишди. Умумий дард инсонларни бирлаштиради, деган гап бор. Аммо фалокатнинг ҳаммаси ҳам уларни бирлаштирмаслиги, аксинча, кимларгадир ёв қилиб ҳам қўйиши мумкин экан. Мисол учун сулув кампир, яъни Оқморал бугун шу уйдаги оила аъзолари ичида ягона тошқин қурбони бўладиган чиқди. Сабаби у укасининг хотини, келини, ўгил-қиз ва неваралари сиққан “Волга” машинасига сиғмай қолиб кетди. У бошда жиянларининг “амма, тезроқ чиқинг машинага!” деган даъвати билан “Волга”нинг олд ўриндиғига жойлашиб олган эди, кейин оила аъзолари қўп эмас, кам эмас, нақд ўн олти киши экани маълум бўлди.

Ўн олти киши-я! Шунча одам бир енгил машинага қандай сиғиши мумкин? Лекин дўппи тор келганда сиғиб ҳам кетаркан. Орқа юкхона эса шитоб билан ортилган кўрпа, бўхча ва кийим, пойафзаллар билан аллақачон тўлиб бўлган эди.

Ана холос! Шу вақтда машинанинг эшиги беркилмай қолди-ку. Жигарлар бир-бирининг устига буклашиб-суқилиб тирбанд бўлиб олган эдилар. Эшикни ука ташқаридан итариб зўриқиб ёпмоқчи бўлди, фойдаси бўлмади, одам ҳаддан ташқари қўп эди. Шунда эркакнинг калласи ишлаб қолди. Олд эшикни очиб опасига маъноли тикилди. Бирдан кўзларини пирпиратиб:

– Опа, – деди.

Кампир бир маънони сезиб қолди ва бўшашди.

Ука давом этди.

– Саксонга кирдингиз-а?..

– Мен ўлгур... Мен ўлгур... – кампир саросима ва хижолат ҳисси юзига уриб, укасининг невараларини итариб-суриб машинадан тушди.

– Хафа бўлманг яна, ахир сизнинг ёшингизга ким етди, ким етмади. Унинг устига... уйга қоровуллик қилиб турасиз. Айтиб бўладими... ким билсин, яна... Ўғри-пўғрилар ҳам йўқ эмас... Кечирасиз-да, аҳволни кўриб турибсиз-ку. Биздан норози бўлманг...

Кампир аҳволни олдинроқ тушунмагани учун ҳақиқатан афсус қилди.

– Мен меров, мен эсар... чироғим, айланай, жонимни ўйлаганимни қара. Миямни еб қўйибман-да... сен шошил, тезроқ ҳайда, бу туришда йўллaring беркилиб қолади. Мендан рози бўлинглар... Қара, каллам ишламаганини. Эҳтиёт бўлиб ҳайда.

Ука машинага ўтириб моторни юргизди. Опаси у ўргатганидай эшикни орқасидан зарб билан ёпди.

Энди юрган ҳам эдики, катта невараси қичқириб юборди:

– Вой, соткам...

– Бақирма-е, одамлар не аҳволда-ю...

– Йўқ, бўлмаса тушаман...

– Сотка керакми, жон керакми санга...

– Баҳромнинг совғаси эди... Майли, силар кетавeringлар...

Ука аччиқ билан тормозни қаттиқ босиб шартта кабинани очди-да, қичқирди:

– Опа! Опа дейман! Гарангми... Опа-а!

Кампир энди айвон тепасидаги супага чиқаётган эди. Бироз гарангсиб туриб қолди. Укасининг товушини эшитиб ортига ўгирилди. Қўлини силкиди. Тезроқ жўнамай нима қилиб турибсизлар, демоқчи эди.

– Майли, мен силардан розиман, – деди сўнг. Кейин: – Сувда чўккан шаҳид бўлармиш, ташвиш чек-

манглар, – деди-да, видолашаётган каби қўлини у ёқ-бу ёққа чайқади. Яна ортига ўгирилмоқчи эди, укаси жонининг борича бўкирди:

– Сарвининг соткасини опчиқинг деяпман! Эшитяп-сизми, телевизорнинг устида, зарядда экан.

Кампир бу гапни эшитди чоғи, уйга кириб кетди. Қайтиб чиқиб аппаратни баланд кўтариб укасига кўрсатди. Сўнг яна супага қараб йўналди. Укасининг жон-пони чиқиб кетди.

– Бу ёққа опкелинг!

Кампир гапга энди тушунди чоғи, бу ёққа қараб юраверди. Укаси сабри чидамай тез-тез борди-да, опасининг қўлидан соткани юлиб олди.

– Вой-й, жигарим-а, мен бу сабилни оволинг, гаплашиб турамиз деб тушунибман-а, кечирасан-да, қаричилик...

Ука келганча “Волга”нинг мотори ўчиб қолган, энди калитни қанча бураса ҳам машина ўт олай демасди.

– Опамизни норози қилдик-да, – деди хотини.

– Нима? – деб қичқирди унга чоли.

– Опам норози эмасмикан деб ўйлаяпман-да. Мана, техникангиз ҳам юрмай қолди-ку.

– Минғирлама-е. Ҳар нарсани гапиравермай тур, не аҳволдамиз-у... бидирлайсан. Опам саксонга кирди, саксонга... Бўлмаса ўрнига сен қол. А, қол, туш машинадан!

– Дадажониси...

– Бўлмаса мен қолай, мана, ҳайда машинани.

– Дадажониси... Сизни деб...

– Бўлмаса минғирлама.

Аммо машина ҳамон жойидан қимирламасди.

– Опа! – деб тагин чақирди ука.

Опаси қараган эди, укаси қўл имлаб чақирди. Тез бўлинг дегандек қўлини зарб билан силкитди.

Опаси кавушини оёғига илмай шошиб кела бошлади. Лозим-қўйлаги тамом шалаббо бўлган эди. Сув тобора кўпайиб борарди.

– Укажон, мени қўй, мен энди бу дунёнинг одами эмасман. Розиман, – деди кўзлари мўлтираб.

– Э, мен буни айтаётганим йўқ. Машинанинг орқасидан туртиб юборинг, юрмаяпти.

– Ҳа-я, эсим курсин, кучим етармикин?

– Етади, етади, сал туртсангиз бўлди, нарёғи пастлик, юриб кетади.

Кампир машинанинг ортига ўтиб бор кучи билан итара бошлади. Ука ҳам кабинадан чап оёғини чиқариб тираганча чирана бошлаган эди, машина кўзғалиб юриб кетди. Сўнг пастликка йўналиб мотори ҳам ўт олди.

Неваралар чий-чийлаб “аммам қолиб кетди, аммам сувга чукадимиз?” дейишарди.

Машина бироз пастликка қараб юрди-юрди-да, сўнг йўналишини ўзгартириб тепаликка қараб юрди. Текисликдаги асфальтдан тезлигини ошириб олди-да, қирга қараб кетган тош йўлдан ортига қум-шағалларни сачратганча ўрлаб жўнади. Шу зайл бора-бора кичрайиб кўздан йўқолди.

Сулув кампир ундан кўз узмай турди. Ғойиб бўлгач “хайрият” деб қўйди.

Энди унинг наздида тошқин тошаверса, ҳамма ёқни сув олиб кетса бўлаверарди. Чунки энди фалокатга, илло ўлимга ҳам руҳан тайёр эди.

* * *

Намозшом тушганда Матлаб чол қий-чув қилиб саросимада тоққа ошиқаётган оломонга қўшилмай бир ўзи тентирарди. У айти тошқин бошланган тепа маҳаллага боришни ният қилганди. Бу тошқин ҳали бошланиши экани, агар чиндан ҳам дамба ўпирилган бўлса ҳадемай қиёмат қойим бўлишини у дилидан ҳис этарди. Аммо дамба дегани шундоқ ташлаб, ҳимоясиз қолдириладиган жой эмас. Ҳамма жойда бўлгани сингари бу ерда ҳам у қўриқланса керак. Давлат учун

стратегик аҳамият касб этадиган, аҳоли учун эса жон озиғи бўлмиш сув омборини эҳтиёт қилмаслик мумкин эмас. Зеро, ўша Жамбулга тушиб келаётган куни ҳам ҳарбийлар сув омборини портлатиб юбораман деганида мазах қилиб қулишган эди-ку.

Қаршисида ариқларни аллақачон тўлдириб четдаги йўлларнинг ҳам шағал тошларини шалдиратиб оқиб тушаётган сувнинг у қадар дами баланд эмаслигидан ваҳимага тушмай бораётган чолнинг кўнглида недир хотиржамлик бор эди. Ва не бир хаёлда, урушдан кейинги дастлабки йилларда қурилган мамлакат миқёсида улкан сув иншооти ҳисобланган сув омборининг шаҳарга қуйиладиган қисмида ўша кезларда бунёд этилган осмон бўйи чархпалакни кўзлаб борарди. Чархпалак тепадан бетон каналда шитоб билан оқиб тушувчи катта сув устига ўрнатилган бўлиб, унинг сув тўлдирилган идишлари ҳам дошқозондай келувчи чўяндан бўлгани учун шамол тегирмони сингари тез айлана олмас эди. Бироқ чархпалак айланиб тепага кўтарилавергач, бири чап, бири ўнг томондаги катта бетон ариққа сув қуювчи катта чўян қозондан тўкилаётган сув офтоб шуъласида ажиб жимирлаб ўзига хос кичик камалаклар ҳосил қилар, кўрган кўзни қувонтирарди. Шу атрофда бунёд қилинган истироҳат боғининг терак, арчаю чинорларига шамолда дув-дув учиб келувчи сув зарралари келиб урилар, дарахтнинг намиққан тоза япроқлари қуёш нурида ўзгача ялтирарди. Матлаб, ўша вақтларда айни куч-ғайратга тўлган бўз бола мактабдан бўш кезлари Оқморал билан бу ерларга келар, соатлаб гурунг қилиб тўймас эди. Кечагина эди. Худди кечагина эди. Аммо ундан бери қанча сувлар оқиб кетибди. Сувлар оқибди-ю, хотира, ширин бир туйғулардан ўзга нима қолибди? Азобу укубат, тухмат, Сибир... Бу ёқда Оқморалнинг шўр қисмати... У кўриб гувоҳи бўлиб турган қисматда Оқморални айблай олмасди ҳам. Илло Сибирга сургун

дегани ажал комига тик оёқда бормоқ дегани эди-ку. Лекин шу парируй қизни деб, унинг буткул умри кўкка соврилиб бўлди.

...Сув бетон ариқдан тошиб чиқиб атрофларни ювиб кетаётганди. “Тошқинга сабабчи” бўлган девона чол эса шу атрофда, тагин ўзининг тақдирини томоша қилиб юрарди. У бир замонлар Оқморал билан сайр қилиб келиб шудринг зарралари ила чайилиб қорайиб қолгувчи, иккаласи устига чиқиб энтикиб юзларини сувга тутиб турувчи каттакон темир қувур олдида келиб қолди. Ўшанда чархпалак қозонларидан бетон ариққа тўкилиб, сўнгра шу қувурга ғалдир-ғулдир шовқин ила қуйилиб деярли тўлиб оқадиган топ-тоза сувга томоша қилиб диллари завқланар, сув зарралари ҳўл қилгани етмагандай бир-бирларига ҳовуч-ҳовуч сув сепишар, йигитнинг оқ нейлон кўйлаги, қизнинг энди урфга кирган шоҳи атласи баданига чиппа ёпишиб қолар, қизнинг дуркун кўкраги ростмана билиниб қолар, пушти дуррачаси остидаги қалин ўрилган қора сочлари ҳам зилол сувда бирров чўмилиб олар, девонаваш ёшлик сурурига қўшилиб рўмол тагидан кўкси узра бир қулоч дордай биланглаб чиқиб келиб, шўхликка қўшилар эди. Сўнгра ёшлар гўё уст-бошларини қуриштиш учунмикан, қалин дарахтлар панасига ўтиб узоқ қолиб кетишар, эҳтимол, уст-бошлари намдан аригач, қизаришиб чиқиб келишарди...

Йигитлик чоғини эслаб, яна нималардир кўксига тўкилиб чол ағанаб йиғлагиси келди.

Аммо атрофни ёритиб турган прожекторлар ёруғида қувур оғзига тикилиб турган каттакон қора нарсага кўзи тушиб бир нарсага ақли етгандай кўнгли нурланди. Яна тек қотиб бирор ҳаром ўлган мол эмасмикан деб тўхтади. Бари бир сесканди. Сўнг қари чолни мол гавдаси чўчитганига ҳайрон бўлди, аммо не-не бўриқашқир изгиб-кезган Талас овлоқларини бир зум эслаб қувур оғзига сув кечиб келди. Қарасаки, гўё тўфон уриб

ётган жойда чиндан ҳам бир нарса тиқилган. Бир катта шаҳар аҳли шунга аҳамият бермабди-я, деб ажабланди. Енг шимариб бир узун таёқ топди-да, уни қувурга узатиб, тиқилган нарсани итариб оқизиб юбормоқчи бўлди. Кучи етмади. Нарёқдан, қувур устидан юриб келмаса бўлмас экан. Шундай қилди. Қувур устидан келиб таёқ суққан эди, тагин бўлмади. Бир кўрпа ё те-ридай нарса шох-шабба билан қўшилиб қувур оғзига қопланиб қолибди. Қиш кезлари чархпалак тўхтатиб қўйилишини эслади. Қанақадир бир тормозга ўхшаган мурвати бўлиши керак. Йўқ, уни чол ахтариб тополмади. Тагин қувур устидан юриб келди. Ётиб олиб бояги қопламани бир учидан бор кучи билан тортди. Ўша парчаси йиртилиб чиқиб келди. Яна ётиб олиб тортаверди, тагин бир парча узилиб чиқди. Яна тортсам чиқади деб ўйлаган эди, йўқ, қолгани қайтанга маҳкамроқ ёпишиб қолди. Чолнинг мияси ишлаб кетди. Бояги қалин таёқ билан кўрпа ё кийим қопланган шох-бутани уриб-суриб юборгани яхшироқ экан. Сув оқимиға қўшиб таёқни суқиб итараверди. Шунда денг, шох-шаббалар синиб-синиб сув оқимининг тезлиги билан улар қувурнинг ичига бирданига сингиб ғойиб бўлди. Атрофга оқаётган тошқин ҳам туйқус тўхтади-қолди.

Маҳалла-гузар тим-тирс эди. Чол ўзича зўр иш битирганини ҳис этди. Аммо атрофда ҳеч ким йўқ, чамаси ҳамма жон ҳовучлаб қиру дўнгликларга ўрлаб кетган, балки... балки бошқалар тун зулматида ваҳимаю бедорликдан чарчаб уйқуга чўмган эдилар. Ҳарқалай дунёни сув босмаётган эди-ку. Тепаликдаги икки гузарга сув тошган эди, холос.

Чол борар манзилини белгилай олмас, лекин ўта чарчаган эди. Кесилган чинор кундасига ўтириб тин олди. Барибир ёшлик хотиралари уни тарк этмасди.

Анови ариқ четидаги бўлиқ ўт-ўлан кўмган жойларда ўша чоқда урф бўлган қора хром туфлиснинг,

Оқморалнинг ҳам учли, пошнаси ҳам учли оқ туфли-
си излари бордир. Лекин энди буларнинг қандай аҳа-
мияти бор?

Тобора ҳорғинлик ўз измига тортиб ва хийла тун
шабадасидан жунжикиб борар экан, бу ерда тунаб
бўлмаслигига, Матёқуб ошнасиникига эниб бормаса
бўлмаслигига иқрор бўлди. Бели ҳам зирқирай бошла-
ди. Иссиқ кўрпага ўранишни ният қилди.

Омонат бу дунёда ўзи бирор кун хотиржам ором
топдимми, деб ўйлади. Не ажабки, ундай кунни эс-
лаёлмади.

Шунда... нарироқдаги дарахтлар ортидан бир
хилқат қора тортиб келаётганини пайқади. Тўғри ўзи-
га қараб келарди. Ўрнидан туриб томоқ қириб қўйди.
У ҳам бир тўхтади-да йўталган бўлди. “Аёл киши”.

Бироз юриб пешвоз чиққандай бўлди чол ва:

– Келинг, – деб қўйди йўлига.

– Ассалому алайкум, бобо. Ўзи қушуйқуман десан-
гиз. Шу бугун қўшнилару бола-чақа, бариси уйларини
ташлаб қирга кетишди. Тошқин ёмон экан.

– Сиз-чи, бир ўзингиз қолдингизми?

– Бир ўзим... ҳа, уйқоровул ҳам керак-ку... Ваҳима-
си ёмон бўларкан. Ҳар ким жонини ўйлаб қоларкан.
Унинг устига бир довон ошиб келган девона чол аввал-
дан сув омбор тошади, деб каромат қилган экан. Одам-
ларнинг оғзида шу гап эди, сув тошгач, ана, девонанинг
башорати амалга ошди, деб ҳамма шошиб қолди.

– Бу тошқин эмас, анови чархпалакнинг суви, – деди
чол.

– Қанақасига?

– Шунақасига-да. Ўзи... оббо, қизиқ бўпти-ку, фар-
зандларингиз сиздай кампирни тошқин босаётган уйга
қоровул қилиб кетишгани ғалати бўпти-да...

– Шарти кетиб, парти қолган бўлсам. Қаридим. Бу
дунёда кўраримни кўриб бўлдим. Орзу-ҳавасларим
амалга ошди-ошмади, ҳар нечук бир одам қатори яша-

дим. Ҳаёт ортда қолди. Энди қирга чопиб қутулган билан нима ўзгарарди?

– Шунини айтинг! Мен ҳам кўчабошидаги Матёқуб журамникида эдим. Ўтган-кетгандан гаплашиб хангомалашиб ётган эдик, бола-чақаси гузарни сув босяпти, деб восвослардек машинага чиқиб, журамниям миндириб тепага кетишди. Мени бегона... бегона меҳмон... деб қолдиришди. Хафа эмасман. Ўзи кимман уларга? Вақти-замонида бир фариштанинг ортидан довираб эргашиб келган дайди итман-да...

– Дайди ит эмассиз, – шундай дея кампир негадир мунғайиб энгашиб олди. – Сиз Самарқанднинг Хартанг қишлоғидансиз. Дунё ҳадисшуносларининг пешқадами Имом Бухорий дафн этилган қишлоқдан.

– Биларкансиз, биларкансиз-а... – Сўнг бирдан тиккланиб: – Қайдан билдингиз? – деб сўради ва қулоғини елпана қилиб турди.

– ...

(Шу жойда Кумушбибининг “Сиз ўшаму?” номли машҳур саволини келтирсак бўларди. Аммо қаҳрамонларимизнинг бири кампир, бири чол. Ўхшаш жойи шундаки, булар ҳам бир-бирларининг дийдорларига тўймадилар. Тарих зулми дийдордан устун турди: иккисини икки ёққа юлқиб улоқтириб юборди. Биз учун қизиги ҳам шу: бировникига ўхшамаган қисмат. Қолаверса...)

Қолаверса...

(Чол ва кампирни бир-бирига суянтириб дийдиёлаштириб қўйсак ҳам бўларди. Хоҳласангиз Сиз шундай тасаввур қилинг. Яхшиси биз ҳикоячи сифатида бу ҳолатга тегинмайлик. Сабабини тушуниб турибсиз: энгил вазият эмас...)

Алқисса, сулув кампир чол билан укасининг ҳовли-сига тушдилар. Тонгни қарши олдилар. Ҳаёт жой-жойига тушди. Тоққа чиқиб кетганлар ҳам бирин-кетин тушиб келишди. Сулув кампирнинг укасининг жужуқ неваралари тоққа машинада қандай чиқиб боришгани,

тик қиялардан қўрқмай ўтиб боришганини бирин-кетин ҳам бурро, ҳам соқовланиб гал бермай ҳикоя қилишарди.

Лекин эрталаб кетаётганларида кеча чиққан жойларидан машина пастга қараб тушолмабди. Бобоси кечқурун бу ерлардан қандай чиқдик экан, деб юрак ҳовучлаб қолибди. Ёрдамчи кутиб турганмиш...

Чол ҳам, кампир ҳам уларга ёрдам кераклигини тушунишди. Бир-бирига им қоқиб ўринларидан қўзғалишди...

(Матлаб ва Оқморал эртақдагидек мурод-мақсади-га етмагандир. Лекин муроду мақсад нима ўзи? Изласанг топа оласанми?)

Хуллас, бу ёғи Сизга ҳавола. Хоҳласангиз Матлаб чолни қариган чоғида Самарқандга жўнатиб юборинг, хоҳласангиз икки қария кексалик гаштини бирга сурсинлар. Ўзингиз қолганини истаганингизча тўқийверинг.

Бизнинг ишимиз битди).

2011 йил

ЧЎЛ ЎРТАСИДАГИ ШИЙПОН

Одам ўз тақдирини ўзи ярата олмайди. Тақдирга кўндаланг ҳам туролмайди. Қўлидан келмайди! Меҳнат қилади, интилади, нималаргадир эришади: мулк, мавқе топади, ўйнаб-кула олади, минбаъд турғун нарсани қўлга кирита олмайди. Вақт эса улуғ китобда таъкидланганидек, шамширнинг дамидан ҳам ўткирдир. Зотан, одам ғурурланиб, кибрланиб юришга ҳеч бир асос йўқ. Шабада ҳам, гарчи инсонни эркалаган каби бўлса-да, вақтни эслатгани учун тиг кабидир...

Тоға буни билиб, ҳис қилиб яшайди. Мундо-оқ танашига ўйлаб қараса, эсини таниганидан бери шу аҳвол экан: кичиклигида ҳам гоҳо уйқуси қочиб ўрнидан туриб кетар, юраги гумурар, ҳовлиқарди – онам, отам, укам, сингилларим, мен, мен... наҳотки ҳаммамиз... кун келиб... худди бир чора топиш зарурдек ўзида кучли масъулият сезиб қоларди. Энди эса кексайди: аввалги шашти, ҳаяжони йўқ, энди овуниш, юпанч, тасалли бор, холос. Қариликни тан олаётгани билан барибир у ёқ-бу ёғига, хусусан, қўл-билакларига сер солиб, мушакларини ишлатиб, ҳалиям нималаргадир қодирманми, деб ўзидан сўраб кўрар эди.

У замонларда меҳнатга кўп берилган, берилмаса ҳам ўзи иш кўп бўлган, қишлоқ хўжалиги институтининг агрофагини тугатиб, қишлоққа келганида ҳам чўпонлик, сўнг табелчилик, умуман, деҳқончиликни ўзига эп кўриб ишлаб юраверган, эришган катта лавозими бригадирлик бўлган. Раиснинг зуғуми билан

пахтага қўшиб ёзишга мажбур бўлганида дарҳол ишдан бўшаган, чўл томонга, худдики, қочиб кетган эди. У ерда ҳам мондимади, яъни иши ўнгланавермади. Кейин раис, бригадирлар билан келишиб полиз, қовун-тарвуз, ерёнгоқ, кунгабоқар экди, сотиб бирмунча даромад қилди. Укасини олиб келди, шу ерда ўзидан қўпайди. Бир кун ундай, бир кун бундай, лекин бировдан муттаҳам бўлмай яшади. Икки ўғил, беш қизидан тинчиди, эрга берди. Улни уяга, қизни қияга қўйди. Тошкентдаги қизи, айниқса, бахтини топди. Ўзи ҳаракатчан эди, ўқиди, ўзига муносиб куёв топилиб, бахтли-фаровон яшаб кетди. Куёв топармонгина, хушмуомала. Айниқса, қайнотаси билан худди бўйинсадек гапхона қилади. Тоға шаҳарга бориб, бир ҳафта юриб келади. Неваралари билан овунади, қизи хоҳлаган овқатини қилиб беради. Куёви у ёқ-бу ёқларга олиб боради. Кейинги гал у Ҳастимомга элтиб қўйди, жума намозини ўқиб, хуш кайфиятда қайтди. Шаҳарда яхши, ёш-яланг ҳам намоз ўқийди, мачит тўлиб кетади, имомлар ҳам ғоят саводли, аксарияти шарифи каломни ёд биладиган қори йигитлар.

Тоға шуларни ўйлаб, “э, садағанг кетай, ҳўкимат” деб қўйди. Қизининг қизи – невараси таътилга чиқиб, анчадан бери қишлоқда, у пилдираб келиб, бобосининг қучоғига ўзини отди. Уни эркалади, катталардек гапиртирди. Невараси аяси устидан арз қилди, бобо аясини жазолашга сўз берди. Кўча томонда лўли хотиннинг товуши эшитилди.

– Манам девонаи Машраб, – деб йўталиб қолди лўли. Сўнг: – Атаб-атаб берганларингни даргоҳида қабул этсинлар, – деди.

“Ҳеч бир-бирига қовушмайди-да шу кампирнинг айтганлари”, – деб ўйлади Тоға.

– Ёшларга умр айланг, беморларга шифо тиланг.

“Шуям гапми энди?”

– Ўғил-қизлар мендек бўлиб юрингла-ар!

“Буниси энди инма дегани бўлди? “Мендек бўлиб юринглар” – тиланчилик қилинглар деягтимми?”

Қизча:

– Бес сўм бейинг, бобо, мўлтонига беяман, – деди.

– Қўявер, болам, ўзи келади, – деб қўя қолди Тоға.

Айтганидек қия очик дарвозадан (хуппа семиз, қоп-қора, оқ рўмол ўраган, қўлида тасбех) лўли кўри-ниш берди ва боягидай:

– Манам девонаи Машраб, – деди.

– Машраб хола, бермон юринг, – деди Тоға.

– Атаб-атаб берганларингни даргоҳида қабул этсинлар, – деб юриниб кела берди кампир. Яқинлашиб қолгач, Тоға:

– Энди, мундай-да, опа, нималар деганингизни ўзингиз тушунасизми? – деди.

– Ҳай, амак, тушунмасак элнинг назаридан қола-мез, нима деёпсиз?

– Сиз ўзи тожикча гапирасизми ё ўзбекчами?

– Уйга тожикча, кўчага ўзбекча.

– “Мендек бўлиб юрсинлар” деганингиз нимаси – ўғил-қизларимиз тиланчилик қилишсинми?

– Йўғ-э, амак, ман саксон бирга кирган, шун-ноқ-шунноқ кўп яшаб юрийлар, деёпман-да.

Шундоқ деди-ю лўли кампирнинг кўзлари ўзига ярашмаган ҳолда жовдираб қолди.

Тоға бунга парво қилмади.

– Болалигимизда Тожикистоннинг “Маччойи” деган жойидан девоналар келишар эди. Биз мўлто-ни эмасмиз, дейишарди. Оталаримиз бир хилла-рига қўшиқ айттиришарди. Томнинг устига чиқиб, берилиб ашула айтганини эслайман. Шу баҳона бир-икки сўмлик бўлиб ҳам олишарди. Икков-икков қишлоқлар оралаб юриб-юриб, кейин қайтиб кети-шарди. Бизлар таниб, отларигача билиб олган эдик. Иштихон томондан келган мўлтони-лар эса дордаги кийимлар, тузлаб қўйилган гўшт борми, қозондаги

овқат борми – кўз олайтириб, қўли эгрилик қилишарди.

– Сизга бир шарпа бор, қора шарпа, – деди кампир бу гапларга тамоман эътибор бермай. – Сизга душманлик қилиш пайига юрибдилар. Қамаласиз.

– Ҳурматингни бил-да, лўли, жўна бу уйдан. Мана, гўдакнинг қўлидаги пулни олиб, қорангни ўчир!

Кампир пулни олиб, қора камзулининг чўнтагига солар экан, дуо қилишни ҳам унутиб:

– Шак келтирманг, амак, бир мушкулкушод дуо қилсак, бало даф бўлади, бошингиздан шарпа кетаду, – деётган эди, Тоға туюқиб кетди:

– Фолбин бўлиб, сен шак келтиряпсанми ё наомимни бузмайин, деб юрган бир ғариб чолми? Биласанми фолнинг ҳаромлигини?

– Сиз тил теккизманг, эна-момолардан қолган мерос бу.

– Тиланчилик ҳам мерос сенга. Ҳаром нарсанинг ҳаммаси сенга касб. Йўқол!

Кампир гўдраниб, кўксига туфлаб, кўзлари баттар олайиб, чамаси дунёдаги жамики билган дуойи бадларини шу чолга арғумон қилиб, қайта-қайта юзига фотиҳа тортганча эшиқдан чиқиб кетди.

Тоға анча вақт бўзрайиб индамай ўтирди. “Қора шарпа эмиш. Падарингга лаънат!” деб қўйди. Сўнг яна ўзини ўнглаб неварасини чорлади-да, бошини ҳидлади. Кайфияти жойига келди, шекилли, “Садағанг кетай ҳўкимат!” деди. Қизчани ерга тушириб, ҳовли адоғига ўтди-да, таҳоратини янгилади. Узун яктагини опчиқиб, елкасига илдию йўл-йўлакай белбоғини боғлай туриб, орқасига қараб товуш берди:

– Невараларга қараб тур, кампир, мен жумага кетдим!

Одатдагидай кампири акс-садо бермай қўя қолди. У ҳам ўзи билан ўзи. Кун исийверса, бошим лўқиллалаяпти, деб кириб ётиб олади. Кореяга кетган кичик ўғлидан хат-хабар келмаётгани тағин уни хуноб қилади.

Уч ойдирки, шу аҳвол. У бир йил тинимсиз қўнғироқ қилиб, пул жўнатиб турди. Хотини у кетгач, тўрт ойдан сўнг ўғил туғди. Ўғли хотинига, онасига совғалар жўнатди. Йиққан пули ҳам чакана эмас, дейишади. Бироқ уч ойдан бери сира қўнғироқ қилмагани ота-онанинг ичини идратиб юборяпти. Яна аввалгидай ичкиликка берилган бўлса – тамом.

Мачитда бир-икки тенгқурларини кўриб лўли кампирнинг устидан гап қилди.

– Ёзин-қишин шу, жума куни эрталабдан қишлоқ оралайди, ўзи Пахтакордан қатнайди, деб эшитаман.

– Тоға, сизга ўхшаган серҳимматлар буни келадиган қипқўйган-да, – деб тегишди Тошбўл сўфи.

– Ҳиммат қилиб нимаям қипман, эл қатори куруқ қайтармайман, холос. Ўзи у Пахтакорнинг ўғрилари-дан бўлсаям ажабмас. Гаплариям бир бехосият. Қорангни кўрса, тамом – “Иби, амак, фолимга тушдинг”, – деб аврайди.

– Илинибсизми, дейман-да, Тоға. Ҳазир бўлинг, ўзларига иситишданам тоймайди булар.

– Исиб ўлиб турганим йўқ. Шу... хосиятсиз дейман-да... Ўзи бу сассиқ гапларни қаердан ўйлаб топишади занғарлар?

– Жинлари гапиртиради-да, – деди ёш имом. – Шу жин-шайтонлари учун улар иймонидан ажраган. Ҳамма гапи ёлғон. Бирортасига ихлос қилиб қолсангиз, худо кўрсатмасин, куфрга ботасиз.

– Шундай деб қўй, – деди Тоға имомга. – Индама-санг тоза бошингга чиқади. Қаердаги гапларни топиб вайсайди. Фол кўрармиш, э, ўл, ана, энди мачитнинг эшигига келиб туриб опти.

Тошбўл сўфи азон айтди. Чоллар намозга турдилар. Намоздан сўнг ҳам чоллар у ёқ-бу ёқдан гапхона қиладилар. Сувчи, раис, ҳоким, унинг пойтахтдаги тўралари, яъниким, томири сувга етгани, бу билан ҳазиллашиб бўлмаслигини бот-бот такрорлашиб, яна

унча мулоҳазаталаб бўлмаган қисқа-юлуқ ахборот алмашинувлардан сўнггина истар-истамай уй-уйига тарқалган бўлишади. Бу вақтга келиб дўли кампир ҳам улушини олиб қайгадир равона бўлган, бинобарин Тоға ҳам энди уни кўришга тоқати йўқ, кўзи тушиб қолгудай бўлсаям жеркиб, қўл силтаб кетган бўлар эди.

Тоға уйига келиб катта ўғлига отни эгарлашни буюрди. Ўғли бир лапашанг, бўш, кези келганда мана бундай от эгарлашга ўхшаган юмушларни ҳам вақтида эплаёлмайди. Одамнинг жуда бўшиям бир кулфат бўларкан. Охир-оқибат шундай бўлдики, у армия хизматига бормади, Тоға амал-тақал қилиб ўзига ўхшаган андироқ Фотимага – Шоди гуппининг ёлғиз қизига уйлади-қўйди. Ўз-ўзидан қўпайиб ётибди энди.

Бурноғи йили (унда ўғли уйланмаган эди) Мухтасам жўраси шийпоннинг ёнида ярим кўмилиб турган цистернани кўрсатиб:

– Ҳў, жўра, ит эгасини танимай кетяпти, шуни кўздан пана қил, эртага тилло пулга тополмайсан, мени айтди, дерсан, – девди.

Тўғри айтади, эртага бунақа юкни фалон пулгаям топиб сотиб ололмайди. Бир тележка топиб, амаллаб қўплашиб, “кўтар-кўтар” қилиб, ортиб келишаётса, йўлда ўғлининг қайниси Бўта тракторчига қичқириб ётибди:

– Тўхтанг, Жўра ака, поччамнинг қўлини темир қисди!

Бир муддатдан сўнг трактор тўхтагач, Аллаёрдан ҳол-аҳвол сўрайман десалар, йигит қизарган-бўзарган, ўнг оёғи цистерна тележкага ортилган заҳотиёқ унинг тагида қолган, йўлда қайниси унинг кўзлари қизариб, кучаниб бўзарганидан сезиб қопти.

Тоға ўғлига жуда ачиниб:

– Аллаёр, бошида бир оғиз айтсанг бўлмасмиди, икки бармоғинг мажақланиб кетибди-ку, болам, – деса, у:

– Манов кўриб эди, айтар дебман-да, – деб қайнисини кўрсатаётган эмиш...

Э, шунга айтаман-да, обдон одамнинг бўшиям бир кулфат. Корейдаги ўғли Дўстёр аломат, тегирмондан бутун чиқади. Лекин шу ичиши бор-да, ичганда отасиниям танаймай қолади, шу боис келин билан сен-менга бориб туришади, онасиникига кетганида Тоға бориб опкелган, кейин-кейин кетсаям ўзи келадиган бўлди, ўғли Дўстёр бўлса, димоғида “ўзи кетар ёр-ёр, ўзи келар ёр-ёр” деб қўшиқ айтади. Тоға охири уларнинг рўзгорини бошқа қилиб тинчиди. Бироқ Дўстёр ичкиликни ташламади. Имкон топилганда хорижга кетди, шуниси дуруст бўлди: пул-мул жўнатиб туради-да.

Уч ойдан буён на пул жўнатаётгани, на алоқага чиқаётгани тағин бир ғалва бўлди.

Мухтасам жўраси ғариб, оиласиз, сўққабош, келиб ўрнашиб қолган жойи – олис даладаги шийпон. Ўзи ҳам одамови бўлиб кетганига қарамай, биз тоға деётган жўрасини кўп соғинади. Одамлар эрта баҳорда унинг олдига эллик-олтмиш чоғли қорамол бериб, кеч кузгача боқиб, қараб туриш шарти билан ташлаб кетишадди. Келишилган чўпон ҳақини вақтида ололмай ҳалак бўлади, лекин барибир шу одамлар берганига қаноат қилмай иложи йўқ: бошқа иш қўлидан келмаса, фермер илиниб бирор гектар жой берса – кучи етмаса, қорамеҳнат оғирлик қилса. Шундаям трактор шудгоридан чиққан шийпон атрофидаги кафтдай ерга бодринг, помидор, ҳандалак, қовун, кечки тарвуз экади – ишқилиб эрмаклайди-да. Ўзи ҳар замон хўжалик марказига тушганда бир талай бўлка нон сотиб олади-да, келиб майда кесиб қотириб қўяди. Шакар аралаштириб бир ҳафта ейди. Бир қанча ёшлар гуруҳ бўлиб маёвка деб ўтиб қолишса, у-бу егуликлар беришади. Ҳов бир ғалуч овчи йигит кўл бўйидан роса қирғовул отишибди, қайтаётди шу ерда бирпас улфатчилик қилишди, Мухтасам амаки уларга иккита қирғовулини товада қову-

риб берди. Турваларига қараса, нақ ўн олтига қирғовул экан, баччағарлар бир дўмбоғини амакига ҳам илинишди.

Бошқа пайтлари бўлса, Тоға бу томонларга йўлаб туради. Қуруқ қўл билан келмайди. Ўтган-кетгандан эзилишади. Тузқоқи гўшт, тегирмон унидан қилинган тўрттагина тиғиз қора нондан ҳам кўтариб келади. Мухтасам ошнаси яшириб қўйган бир шиша виносини опкелиб, зўр ҳафсала билан кемшик тишлари билан “поқ” эткизиб очади. Тоға “Худонинг олдида не деган одам бўлдик, жўра”, дегани билан, Мухтасам бир гапни такрор айтади: “Чопилиб юрган от барибир чопади, қўйсанг-чи, бир гап бўлармиди”. Тоға шу гапни кутган бўлади, аслида. Шу боис аввал олазарак бўлади, кейин бош пиёз тўғрамини хидлай-хидлай икки-уч пиёлани сипқариб юборади. Сўнг сархуш бош ўрнига келгунча қумғонда қайнаган кўк чойдан бостириб-бостириб ичаверади. Уйига бип-бинойидек кириб келади.

Жўрасини охирги йўқлаганида Кореядаги ўғлидан ҳам, бу ёқдаги катта ўғлининг турмушидан ҳам кўп нолиди, ниҳоят, аслида ошна уйланмай, бола кўпайтирмай тўғри қилаётибсан, дейишгача борди. Ҳолбуки, у Мухтасам ошнасига бир эмас, икки марта бева аёл топиб уйлантирган, жўрасининг азбаройи бўшанглиги боис бўлса керак, аёллар кўп турмаган – кетиб қолишган. Бошида бир тутқаноғи бор аёлни хотин қилиб эди, у туғилган уч ойлик гўдаги устига тутқаноқ билан йиқилиб нобуд қилиб қўйганида қишлоқдаги турмушдан илкини узиб чиқиб кетган эди, бошқаларида ҳам бахтиёр ҳаёт ҳақида энди юрак бетлаб уйланмай қўйган эди, чоғи. Зоҳидона турмушга ўрганганининг боиси шу.

Ўшанда Тоға Мухтасам билан очилиб, тўйиб ҳангомалашди. Мухтасам ҳеч ким билан тузук-қуруқ гаплашмайди, бироқ жўраси келганда тил-забон би-

тиб, чунон иборалар қўллайдики, тоға бу чечанлик қайдан экан, деб қолади. Бошида таъкидлаганимиз каби одам ўзининг пешонасини ўқий олмайди. Тоға буни яхши англайди, лекин дўсти билан боғлиқ терс ишни тушида ҳам кўрмаган эди.

Гап шундаки, қишлоқдан нақд ўн олти чақирим наридаги эски шийпондаги суҳбатдан роппа-роса беш кун ўтиб, Тоғани мелиса йўқлаб қолди. Уларнинг “УАЗИК”ига ўтириб борса, Мухтасам деган ошнангиз борми, деб сўрашди. Бор, деб жавоб берди-ю, дарҳол нима бало урибди, даштда ҳалиги диний оқимга қўшилган жойи бормикан, деган ўй келди беҳосдан.

– Нима қип қўйипти? – деб сўради дарҳол.

– У эмас, сиз қилгандирсиз?

Тожикбашара мўйловли терговчи шу саволни берибқоқ зимдан Тоғага синчков тикилиб қолди.

У саросималанди. Бир фалокат қўпганини сезса-да, нима эканини англаёлмай гаранг бўлди. “Тушунтирибқоқ гапир, ука”, демоқчи эди, терговчи аввалроқ:

– Унда нима қасдингиз бор эди, Тоға? – деб оғзига урди.

– Нега қасдим бўлади, жўрам-ку.

Тоға ўзи тирикмикан, деган хаёлга борган заҳоти, бу бегона йигитга қандай тоға бўламан, ё уям мени ҳамқишлоқларимга ўхшаб умумий Тоға демоқчими, деган ўй келди-ю:

– Ўзи тинчликми? – деди батамом шалвираб.

– Сиз биласиз-да, жондай ошнангиз, – терговчи капитан ҳам зеҳн ила, ҳам калаванинг учини топган ғолибдай иршайиб қолди. Зум ўтмай ғолибона таҳдидини давом эттирди:

– Далага чиқиб винохўрлик қилардингиз, а? – деди ва изоҳ талаб қилгандек шу кўйи туриб қолди.

– Бу – бор гап, майли, лекин ўзи соғми? – деб сўради Тоға довдираб.

– Соғ қоладиган қилиб калтаклаганмидингиз? – деди капитан. Тоғанинг довдирагани уни тагин хўрозлантирган эди.

– Тушунтирсангиз, жўра, ўзи нима бўпти? – деди Тоға ҳамон гаранг бир аҳволда.

– Мен қотил билан жўра эмасман, унинг устига соқоли кўкрагига тушган ҳожи ота бўлсангиз, – деди кесатиб.

Тоға бунга эътибор ҳам қилмай:

– Ўлиптими? – деб юборди, кўзлари нақ хонасидан чиққудек бўлиб.

Капитан энди пича шаштидан тушди. Тоғанинг ўзини тутиши қотилликни эслатмас эди.

– Юринг, – деди у ва ручка-қоғозни йиғиштириб, Тоғани хонадан чиқариб, коридорнинг охирига бошлаб борди. Полда эски-туски калта кўрпачалар билан усти ёпилган мурда ётарди.

Тоға юролмай қолди. Капитан болани судраклагандай уни гандираклатиб етаклаб борарди. Энди у дўстининг ўлганини тушуниб етган, бироқ буни кўз олдига келтиришга, идрок этишга капитан қўймас эди.

– Шошма, шошма, – деди тисарилиб, шу заҳотиёқ кўз олди қоронғилашиб ўтириб қолди.

Мурдага уч қадам қолган эди. Капитан чироқни ёқиб, мурданинг юзини ҳам очди. Бир қўланса ҳид анқиди. Тоға ўрнидан туролмади, бироқ энгашиб эмаклаб келди. Тилидан нима сас чиққанини капитан тугул ўзи ҳам англамади. Жўрасини қучай деб чоғланди-ю, бадбўйдан юзи буришиб кетди.

– Ё Аллоҳ! – дея ёнбошлаб қолди.

Капитан камзулининг ёқасини кўтариб, жуда совуққонлик билан:

– Кетмоннинг сопи билан урмай, темир билан солибсиз-да, пешонаси бир зарбда мажақланиб кетибди, – деди. – Бу ҳам етмагандай иягини синдирибсиз. Ё биринчи урганда жони чиқмадимми? Ахир ўшанда мана-

ви ўнг кўзи ҳам хонасидан чиқиб кетган-ку, яна уриш шартмиди?

Ёнбошлаган жойида чалқанча тушганини ўзи сезмади. Капитаннинг буйруғи билан поғонида бирор белгиси йўқ мелиса Тоғани изоляторга судраб кетди.

Шу кўйи у уч кун ётди. Ҳар куни сўроқ қилишди. Ҳар сафар у беҳолгина ҳеч нарса билмаслигини айтарди. Ва ҳар сафар дўстини ювиб-кафанлаб, жаноза ўқиб, кўмилганми-йўқми, шуни сўрарди. Тағин ҳар гал мурда суд-медицина экспертизасига жўнатилганини эшитар ва охири бунга кўникиб ҳам қолди.

Охирги куни ҳам у ўша капитан сўроқ қиляпти, деб ўйлади ва беихтиёр:

– Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъувн! – деди баланд қироат билан. – Унинг арвоҳи қай аҳволда – билмаймиз, лекин эртага сен ё мен нима топамиз – буниям билмаймиз-ку, а, ё биласанми?

Тоға энгашиб олган, қаддини ростлаш тугул кўзини очишни ҳам истамасди.

– Файзулла тоға, – деди мелиса, – сиз гумондор бўлган ягона шахс эдингиз, муҳлат тутади, энди уйга кетасиз!

Тоға ажабланиб бошини кўтарди. Хона нимқоронги эди.

– Сизни уришмадими? – деди мелиса.

– Худонинг ургани етмайдими?

– Мелиса Худога қараб ўтирмайди-да.

– Энди барибир: урсанг ҳам, ўлдирсанг ҳам.

– Мен Мустафо полвоннинг ўғлиман, танимаяпсиз чоғи?

– Мелисаси бор деб эди, сенмидинг?

– Ҳа, мен, кичиги – Абдужаббори.

– Мухтасамни қандай кўмдинглар?

– Ўша куни Абдували имом мўргдан одамлар билан келиб опкетган. Иримини қилиб кўмган чиқар.

Тоға изолятордан чиққандан тўрт кун ўтиб, пайшанба куни дўстига қўй сўйиб маросим қилиб бер-

ди. Маросимда чоллардан бири Мухтасам шу ҳолига ҳажга боришни орзу қилганини кулиб айтиб берди.

– Сиз билан мен-чи, – деб чолнинг оғзига урди Тоға. – Ундан қаеримиз ортиқ?

Уч ой деганда Тоғанинг кичик ўғли Шерали Корейдан келди. Бир болали сигирни унга берди. Кечаги жумада ўғлини мачитга опкелиб, кўпнинг дуосини олди. Бугунги жума намозига чоғланганда лўли хотин эшик қоқмай кириб келди. Эшикдан кираётиб:

– Манам девонаи Машраб, – дея хиргойи қилди.

Бу сафар Тоға уни қабатига чақириб олди. Тилаганидан ортиқ пул берди.

Қора аёл супага ўтирганча тасбеҳига қараган кўйи:

– Мушкулларингиз кушойиш, амак, – деди.

Тоғанинг яна бир жини кўзиди-ю, бу гал ўзини босди.

– Учта бети қаро қамалди, жўронгизга қасд қилган ўшалар.

Жамоат намозидан кейин тенгқур чоллар билан гаплашиб ўтириб эшитди: бузуқ йўлга кирган уч йигит Мухтасам чолни йўриғига ундаган, у бўлса кўнмаган, қайсарлик қилган, оқибати – шу, чол беҳуда ўлиб кетди. Мелиса барибир қўлга опти – садағанг кетай, ҳўкимат.

Мачитдан чиқаётиб тагин лўли хотинни кўрди. Кўзи кўзига тушмаслиги учун бошқа қарамади. Лекин кўчага чиққанда шерикларига:

– Шу занғар мўлтониларда ҳам бир гап бор-ов, – деди. Яна бир нима деб изоҳламоқчи бўлди-ю, шерикларининг авзойига қараб индамай қўяқолди.

2014 йил

МИННАТ

Акамни, мана, орадан олти йил ўтибди вафотига, энди-энди шундай қўмсайманки, Худо ҳаққи, агар ҳозир ҳаёт бўлганида, бўйнига осилиб тўйиб, бўкириб йиғлар эдим. Одам шундай экан-да: тирик ва соғлом юрганида худди мангу шундай қоладигандек, сен ҳам ошингни ошаб, юз йил яшаб юраверадигандек туюлавераркан. Талабалигимда, Абдухолиқ акам ичимизда катта бўлгани учун даставвал бир кило конфет кўтариб уйига ўтардим, ўғил-қизларини эркалаб ўтиришни хуш кўрардим. Акам номи чиққан уста эди. Отам ҳам уста бўлган, лекин кейинчалик колхозга биринчи келган тракторни бошқарган-у, то кучдан қолгунча трактор ҳайдади, шу боис усталиги ҳам эсдан чиқиб тракторчилик асосий аъмолига айланди. Акам ҳам феъл жиҳатидан отамнинг худди ўзи эди: иккови ҳам бировнинг иши тушса, худди қарздордек юкини енгиллатишга тушиб кетар, то ишини тугатмагунча тинчимайдиган одамлар эди. Отам бировнинг ерини ҳайдаб ёки юкини ташиб бериб ҳақ олманини кўп эшитганман. Акам ҳам шунақа: одамларнинг томини ёпиб, эшик-ромини ясаб, ўрнатиб берар эди-ю, ҳақ олишга шошмас, қўл силтаб кетаверар ёки у одам кўярда-қўймай уйига ташлаб кетса олар ва кўпинча кўпайтирворибсиз, бизнинг ишимиз бунга арзимайди, деб туриб оларди.

Иккинчи курс эдим чоги, борсам, акам сой бўйидаги теракларини кесаётган экан, бироз қарашган бўлдим-да, қариб қолган, деразадан ташқарига бўйлаб

ўтирган отамнинг қошига ўтдим. Отам юришга қийналар эди, аммо ташқарининг ҳавосини олишга иштиёқи борлигини сезиб, қўлтиғидан олдим-да, секин юргизиб акам ишлаётган сой бўйига етаклаб тушдим. Кузда бир неча марта мўл ёмғир ёққани учун ёзда қуриган сойдан яна сув оқа бошлаган, илиқ кун, салқин шабада, терак барглари акам ҳар болта урганда дувва шитирлаб тушар, аср ўтиб вақт шомга яқинлашарди. Отам атроф манзара ва салқин, тоза ҳаводан ҳам кўра акамнинг ғайратига қизиқиб қараётган, эҳтимол, ўзининг ёшлигидаги шиддати эсига тушаётган эди. “Кўрдингми, аканг қандай абжир уста!” деяр эди, гўё. Майкачанг бўлишига қарамай қора терга ботган акам оқ белбоғини ечиб пешонасини артаркан, шоҳкадидаги муздай айрондан қайта-қайта сипқораркан: “Буни пўстини шилиб оғилга териб қўяман, баҳоргача селгийди, кейин офтобда бир ой қуритиб, Тошбувининг уйини ёпиб бераман”, деди. Отам буни айтмаса ҳам акамнинг авзойига қараб ўзи биладигандек индамай қўяқолди. “Аҳрор қайтгунча сенга қарашиб юборади, ёмғирда қолса терак қийшаяди”, деди. Сўнг эри дардмандлигидан қўли калта бўлиб қолган жўжабирдай жон – отам Тошбуви опамнинг иморатига бу тераклар етармикан, дегандай нарёқларга ҳам бўйин чўзиб қаради. Акам буни сўзсиз тушуниб: “Қўрқманг, етади, ҳали-ку қизингиз битта экан, иккита Тошбувининг уйидан ҳам ортади!” деди-да, дадил, кучли одамларга хос гулдураб кулди. Отамнинг хира кўзларига жиққа ёш тўлди. Бу ўғлидан рози, шод эканини билдирарди.

“Совқотдингиз, уйга опкирай”, деб отамнинг қўлидан тутдим. Бир қўлида ҳасса, биридан мен тутганман, уйга қараб кетган тепаликка чиқа бошлаган эдик, орқадан акам: “Тўхта, эй бола!” деди бақириб. Шошиб бизга етиб олди-да, худди туядек отамнинг олдига чўк тушди. “Ўтиринг!” деди. Шу тахлит отамни ёш болага ўхшатиб елкасига опичлаб олди. Тепаликдан деярли югуриб

чиқди. Отамни қалин кўрпача устига ўтқизиб қўйиб, қўлларини шап-шап бир-бирига ишқалади-да: “Аҳрорбой, отани етакламайдилар, кўтарадилар!” – деди.

Изза бўлдим. Қариб кичрайиб, бир бурдагина бўлиб қолган отамни мен ҳам кўтара олар эдим...

Кечки овқатга янгам қулчатоё қилган экан. Тузқоқи гўшт ва сарёгли шўрваси жуда мазали эди. Акам қора нонни бўктириб бир товоғини туширди ва мойсочиққа юз-қўлини артаркан: “Шукур келмадими?” деб сўради янгамдан. Янгам тўрсайиб олди. “Шунинг ишини бошлаганингизда мен нима деб эдим? Икки дунёда келади!” Акам янгамнинг ўқ қарашидан кўзини олиб қочди. “Икки ойдан ошиб қолди-ку”, деди. “Ўзим бориб ёқасидан оламан, бўлмаса бермайди”, деди янгам. “Ёқасидан олма-ку, зарил эди деб кўр”, деди акам алланечук хижолат бўлиб. “Пули йўқ чиқар-да”. “Жир битиб қолган, бергиси йўқ, сиз мундай мум тишлаган бўлсангиз”. “Билганингни қил, берса берсин, бўлмаса – кечдим, шуни айтсанг, бас. Эрта-индин Аҳрор ўқишга кетади, қуруқ қўл билан жўнатмайлик деяпман-да”. Янгам остонага етмай яна бир ўқ қараш қилди, сўнг зарда билан чиқиб кетди.

– Ота, – деди акам зўр қониқиш билан бир нарсани ўқтирмоқчидай. – Аҳрорбойни ўқитиб яхши қияпмиз-да. Бешовимиздан ҳеч бўлмаса шу кичкинамиз ўқимишли бўлсин-да. Эрта бир кун юрт сўраб келса ажабмас.

– Юрт сўрамасаям майли, ўқисин, ўқиса кўзи очилади, – деди отам.

– Хат-саводли, ўқимишлидан катталар ҳам чўчийди, диплом олиб келиб, зора каттакон бўлиб кетса.

Шундай дея акам завқ билан кулди, сирли бир азмойиш билан менга кўзини қисди.

Акамнинг кичик ўғли мен олиб келган “Карамель” конфетни бирини олиб-бирини қўйиб, шира қўллари билан билагимга осилиб эркаланар эди.

Айвондан тапир-тупир кириб келган янгам:

– Бир юз ўттиз берди, эл қатори қилинг десам, Холик билан ўзим гаплашаман, деди барибир етмишни бўйнига қўйдим, – деди ва зўр ишни қойиллатгандек, газетага маҳкам ўралиб, устидан ингичка ип чандиб ташланган пулни эрининг олдида думалатиб юборди. Акам уни ушладию ўша заҳоти менинг олдимга “тап” этказиб қўйди.

– Бошқалар укасини, боласини талтайтириб ўқитади. Биз бориға қаноат қиламиз, йўл пули қиларсан, кийим олмасанг ҳам овқатинга етиб турар, бошқа келганингда кўпроқ берарман, – деди акам.

– Бу кўплик қилади, – дедим мен. Ростдан ҳам бу пул кўп эди.

– Олавер, – деди отам. – Пенсия олсам, униям қўшамиз.

Мен пулнинг ичидан бир қисмини олмоқчи бўлдим. Олиб тугунни ечмоқчи бўлаётганимда, янгам тилға кирди:

– Одамлар бор, ойда-йилда шунча пул тополмайди. Акангиз топмасаям сахий. Катта жиянингизнинг суннатини ўйламайди, кейинги йил мактабга чиқиши керак. Уйда бир пайса ун қолмаган, магазинники қиммат деб тегирмонникини ишлатамиз. Айвонга дераза, ойна қўйиб беринг, устасиз, десам, пул йўқ, дейди. Неча вақтлардан бери бугун пул кўрдик, буям қайнижон, сизга экан, олинг, ошиғингиз олчи бўлсин.

Отам ёнбошлаган жойидан турди. Этим музлади. Онамнинг арвоҳи шу ерларда кезаётган бўлса, чинқириб юборгандир.

– Сен гапни кўпайтirma-да, – деди акам хотинига тик қараёлмай. – Кун ўтиб турибди, ишлаяпмиз, топяпмиз, аллақаяқдаги нарсаларни гапираётибсан. Эртага Аҳрор катта одам бўлади. Ҳаммангизга фойдаси тегади.

Пулни олмаётганим янгамга боп тушаётганини тушуниб:

– Янга, тўғри айтасиз, менга стипендия етиб турибди. Болаларингизга ишлатинг, айвонга ишлатинглар, – дедим-да, пулни янгам томонга суриб қўйдим. Янгам уни бутунича олиб нариги уйга ғойиб бўлди.

Акам янгамнинг қошида довдираб қолиши мен учун янгилик эмас эди. Лекин бу сафар у портлади:

– Ота, қулдан одам чиққан эмас, шунга уйлантирдингиз, неча марта талоқ қўяман десам қайтардингиз, энди қайтиш йўқ!

– Холиқжон, – деди отам. – Уйинг куйиб кетади, болам. Тўрт чуғурчуғингни ўйла. Биров ундай, биров бундай. Тўрт кунлик ўтар-кетар дунё бу. Аҳрорни ўйлама, боши тошдан бўлсин, келинни хафа қилма.

Шунда ҳам акам даст ўрнидан турдию хотинининг ортидан кетди. Отамнинг “қайт!” деганини эшитмади ҳам. Энди қий-чув бошланса керак деб ўйлаган эдим. Йўқ, ундай бўлмади. Акам пойабзалини кийганча қаёққадир ғойиб бўлган эди.

– Толибникида тўхтайди, – деди отам.

Толиб дўкончининг ароғи бор...

Отамни даст кўтариб Мухтор акамникига олиб келдим. Кичик акам уйлангач, ўзига икки хона, бир даҳлизли уй қуриб чиқиб олган, ҳали рўзгорини бутлашга ҳам улгурмаган эди. Лойшувоқ устидан қумшувоқ қилинмаган, электр ҳам ўтмаган, мойчироқ ёруғида ўтиришган экан. Булар ҳам янгамнинг хурмача жиззакликларидан безор бўлиб бу ёққа чиқишган эди.

Эрталаб янгам келиб, ўттиз сўм ташлаб кетди. Янгамнинг юз-кўзи кўкарган эди. Дипломатим ва кийимларимни олиш баҳонасида Абдухолиқ акамникига ўтдим. Акам кўринмас, янгам ошхонада юрар, менга эътибор бермас эди. Нарсаларимни олдим, дастурхонга бояги пулни ташладим-да, вокзалга қараб кетдим. Отам берган қирқ беш сўм менга кифоя эди.

Шу билан отам дунёдан ўтгунча қишлоққа бормадим...

...Отамнинг қаншари, ёноғи, жағи меникига ўхшаш эканини туйқус кўриб қолдим, мен билан бирга кирган Холиқ акамнинг ҳам қиёфаси шунга яқин, негадир силкиниб йиглаётган акамнинг ҳиқиллаб йиғлаши ҳам отамникига ўхшайди, – деб ўйладим. Отам билан ви-долашгим келмади. “Видолаш!” деди кимдир. Бу овоз ҳам отамникига ўхшайдими, деб ўйладим. Йўқ, бу эркак овози эмас эди ва опам бўлса керак дея тахмин қилдим, ундай бўлса, онамникига ўхшаши керак дедим, онам олисдаги шарпадай туюлди, чунки онамни аниқ эслай олмайман, хира юлдузга ўхшайди, шу лабларим билан кўксини эмганман, хархаша қилганман, устимни булгаганман, меҳрини туйганман, олис, жуда ҳам олис, энди отам ҳам, гарчи гавдаси кўз ўнгимда бўлса–да, ниҳоятда олисда – кўз илғамас жойда эди.

...Уни излаб кетдим...

“Видолаш!” деб қистади кимдир яна. Мен “кейинроқ” дедим.

– Сени кутиб тургандик, энди ювишга оладилар...

Кун энди ёришгандай бўлди.

– “Алвидо!” деб айт, “розиман” де, ортига бурилмасин.

“Алвидо” дедим, тўғрироғи кимдир бўғзимдан чиқиб шундай деб юборди. “Розиман” демадим. Нега айтишим керак бу сўзни? Шу одамнинг пуштикамаридан бўлсанг-у, нега рози ё норози бўласан, албатта, розисан-да.

Ва... отамга тикилиброқ қарадим. Совуқликдан бошқа ҳеч нарса сезмадим. Руҳи онамнинг ёнига учиб кетди-да, дея хаёл қилдим. Акаларим билан қўшилиб ташқарига чиқдим. Чопон ва белбоғ, кўз ёшини артиб туришга даструмол ҳам беришган эди, мен тартибга хилоф равишда улардан ҳали фойдаланганим йўқ, бир аёл бўлса чуввос солиб менга осилиб йиғлар, бир зум тўхтаб: “сиз ҳам йиғланг, уят бўлади”, деб қўярди, тикилиб қарасам – янгам.

Мозордан қайтиб келаётгандагина бирдан дунё кўзимга қоронғи кўринди. Отам энди бутунлай кетгани, етим эканим эсимга тушди, билмадим, ўзимгами, акаларим ё опамга ачиндимми, ўкириб юборганимни сезмай қолдим.

Одатда, қабристондан қайтганда жигарларни аёллар бўзлаб кутиб олишади, менинг бўлса биргина жигар опам бор, онамнинг расмини опамга ўхшатаман. Ҳовли ва қўрани битта қилиб бекитадиган кенг ҳовли ғовлари олиб ташланган, акамнинг болалари, жиянларим, акаларим ва мен отасиз ҳовлига йиғлаб қадам қўяётган эдик. Опам бечора эзилиб юзини юзимга босар эди. Бундоқ қарасам, опам эмас, янгам экан. Опам нарида, чорпояга чўкканча ўзича бўзлар эди. Борганимни, қучоғига ўзимни ташлаганимни кўриб баттар эзилди, бошимни силади. “Отажонимни ҳиди келди”, деб сира қўйиб юбормади, шунда мен ҳам, – кишида шундай бўларкан-да, – опамда онамнинг ҳидини туйдим, бу афтода, жигари куйган, меҳрини ҳовучлаб яқинларига улашаётган жонсарак бир инсоннинг, ожиз аёлнинг бўйи эди. Ўзимни опамнинг жисмига қоришиб кетгандай ҳис қилдим. Опам ҳам, мен ҳам йиғлаб тўймадик.

Отам кетгач, дунё ҳувиллаб қолди. Қишлоқда ортиқча эканим яққол билина бошлади. Маърака кунининг ўзидаёқ Тошкентга отландим. Шу бўйи ўқишимни тугатиб шаҳарда қолиб кетдим. Акаларим бирин-кетин йўқлаб туришса-да, мен энди қишлоққа бормас эдим. “Ёлғиз юрма, бошингни боғлаб қўяйлик” дейишарди улар. Бу самимий хоҳиш эканини билсам ҳам унамасдим.

Акаларим, айниқса катта акам, ундан ҳам кўпроқ жонҳалак опам мени қишлоққа қайтишга, жуда бўлмаганда тез-тез бориб туришимга кўндиришга ундашарди.

Бироқ нима қилай, кўнглим безган эди.

Огам – мен учун бир илинж, тўғрироғи, кексайган бўлса-да, суянчим ва қўргоним экан – энди атрофим хувиллаб қолганда билипман.

Лекин қишлоққа бордим, улар мақтаган қизларни ҳам кўрдим. Маъкул бўлмади, ахийри факультетимиздаги ўзимдан ёш қизга уйландим. Камтарона тўй қишлоқда бўлди. Чиллага ҳам қарамай шаҳарга келиб ижарада туриб ишлай бошладим. Зиёли бир одамнинг уйида беминнат турардим. Олижаноб одамлар бор, мен фақат коммунал тўловларни онда-сонда бир тўлаб қўярдим. Миннат гапни шунда ҳам янгамдан эшитдим. Нима эмиш, бизнинг тўйга боқилган ҳукизларни, овора бўлиб посёлкадан, шаҳардан қоп-қоп қора булка нон опкелиб, олти ой боқиб, семиртирган эмиш, демак, тўйимни ўтказишган, одам бўлишимга ҳам улар сабабчи эмиш. Адашмасам, тўйимиз қўшалок – уларнинг ўғиллари суннати ҳам қўшилган, бошқа акаларим ҳам қараб туришмаган, келин-куёв либосларини эса ўзим олганман, келин томон базмининг харажати ҳам камининг бўйнида эди – тўлаганман.

Эл қатори, беш йил деганда, ўғлим туғилиб, хотиним қизимга ҳомила кўтарганда уйлик бўлдим. Ўзининг беминнат оёқ узатиб ётадиган ватанинг бўлишига нима етсин. Шу уйда бир кунимни кўрдим десам, такаббурлик бўлади, фарзанд ўсгирдим, ўқитдим, балоғатга ҳам етказдим, ўзим ҳам, китобий тилда айтганда “мансаб пиллапояларидан бир-бир кўтарилдим”. Акамнинг ўғли, сўнгра қизи ҳам бизникида туриб ўқишди, битириб ҳам кетишди. Буларга ҳам янгам бемалол у ерда еб-ичиб кам бўлмай юринглар, пул керак бўлса, амакиларингдан сўрайверинглар, биз ўтказиб қўйганмиз: етимлигида катта қилдик, ўқитдик, уйлантирдик, деб айтаркан. Бу гапларни хотиним орқали эшитганимда шунақа гашим келардики, ўша “ўтказиб” қўйган жойлари қаерда экан, мен ҳали ҳам қутулмабман-да, деб эзилардим. “Қўявер, улар катта,

укага ҳақлари бор, билиб билмасликка ол” дердим хотинимга. Худо шу хотинга ақл берганига шукр – ичидагини ташқарига чиқармади.

Бу гапларни акам кўп эшитган, бусиз мумкин эмас, аммо қандай қилиб чидаб, чап бериб яшаб келганига ҳайрон қолардим. Акам менинг қулоғимга гап етиб келишини хоҳламас, шу боис ҳар келганида келинига жавдираб қарар экан, унда норозилик сезилмасагина, қимтиниб сўз бошларкан. Бироқ ҳеч қачон акам бизга катта сифатида оғиз тўлдириб гапирган эмас, шунчаки эп кўрмасди, холос. Табиатан миннатни юраги кўтармас эди.

Олий даргоҳлардан бирида ишлаётганимда акам мени йўқлаб қўй сўйиб келибди. Янгам бир тандир патир ҳам ёпиб берибди. Ишдан қайтгач, акам билан обдон отамлашдик. Ўтган-кетганни эслаб ҳасратлашдик.

Лекин шу гал акамнинг хушомад қилгандай нуқул мени “сиз”лаши сира ёқмади. Аввалига индамай турдим, қарасам, яна “сиз, сиз” деяпти.

– Нега мени “сиз”лаб қолдингиз? – дедим охири тоқатим тоқ бўлиб. – Ё бирданига эшон бўлиб қолдимми? Эшон бўлсак, бирга бўлишимиз керак эди-ку?!

Акам уялди. Каловланди. Ўз-ўзидан сўзсиз пиёлани шартта кўтариб охиригача ичиб юборди-да:

– Энди ундай эмас-да, Аҳроржон, – деди. – Мартабали, обрўли одамсиз. Нима қипти, “сен” чиққан оғиздан “сиз” ҳам чиқади. Ҳайдаровлардан бир сиз шу жойгача келдингиз, мен – катта, “сиз”лаб бошласам, сўнг бошқалар эргашади.

– Қаранг, ака, биз жигар бўлсак, ўз-ўзимизга бундай мулозамат қилиб ётсак ярашмайди. Бошқалар ҳам фалончи укаси фалон ишга ўтгандан кейин уни “сиз”лай бошлади, деса уят бўлмайдами? Қўйинг, “сен” денг.

Кап-катта одамни шу оддий нарсга сира кўндиrolмасам денг. Барибир билганидан қолмади. Бошида қитиғи келган одамдай бўлиб юрсам ҳам бора-бора

кўникдим. Лекин жигарлар ўртасида бир парда тутилгандай бўлиб қолар экан.

Акам ёз пайтлари иккита қайниси билан шаҳарга келиб мардикор ишлаб кетар эди. Бир-икки таниш-биродарларникида ҳам устачилик қилишди. Баъзиларидан иш ҳақи олмаган, баъзиларидан жуда кам сўраган, шаҳар халқи пишиқ келади, бир хили фалон вақтда, пистон вақтда бераман, деб алдаб юрганларини ҳам эшитдим. Аралашиб иш ҳақини олиб берган пайтларим ҳам бўлди.

– Ахроржон, устага дуо кетган, унинг ҳақи пайрахага ўхшаб сочилиб кетади, бизга ўхшаганлар уни йиғиб-териб ололмайди, келинг, яхшиси сизнинг уйингизни ремонт қиламиз, – деб қолди бир куни акам.

Материал етказолмай қолган кунларим гоҳо қўшниларнинг ҳам у-бу ишларига қарашиб кетаверар, ҳақ олмай анча-мунча таъмир ишларини битириб қўйишарди.

Иш тугаганда ўзи пул олмаслигини билиб қайнисига “қўшнилар ҳам беришди”, деб икки ҳисса пул бериб юбордим. Жуда хафа бўпти.

Ҳали пайғамбар ёшга етмаган эди, қайдан ҳам бир дард юқтирди. Ҳадеганда соғаявермади. Бориб ўзим дўхтирга учрашдим. Жигар циррози эмиш. Даволаш имкони борми десам, бу ёғи Худодан деди елка қисиб.

Акамга буни енгил қилиб айтдик. Аммо вақт ўтиб дард кучини кўрсатаверди, қорнига сув йиғилиб шиша бошлагач, акам тақдирга тан бергандай бўлди. Биринчи марта уч, иккинчи сафар беш литр сув олишди. Сув олингач, акам бироз енгил тортар ва тагин ҳаётга умид уйғонар эди. Дўхтирдан ҳам, биздан ҳам жавдираб илиқ гап кутарди. Шундай кезларда унинг кўзларига қарай олмасдим: гўё акам кўзларимдан ҳамма гапни уқиб олаётгандек бўларди. Менинг қарай олмаслигим эса акамнинг аҳволини баттар қиларкан.

Бир гал кечқурун палатасига кирганимда у янгам, ўгли ва қизини чиқариб юбориб, мен билан ёлғиз қолди.

– Ука, – деди бир ҳомуза тортиб, – энди бизнинг сафар қариди – билиб турибман. Энди сиз кичик бўлсангиз ҳам биздан кейин бошқаларга катта бўлиб қоласиз. Акаларингизга оқсоқол бўлинг. Биз бу ишни эплаёлмадик. Хотинимнинг олдидаям, бошқаларнинг олдидаям муттаҳам бўлиб яшадим. Сизнинг олдингизда хижолатман. Янгангиздан кўп хафа бўлаверманг, асли ўзим ожиз эканман, ҳарна бўлса хотин киши-да, оғзига эрк беради.

– Бу гапларни қўйинг, ака, ҳали соғайиб кетасиз, ўшанда баримизга бош бўласиз, ота ўрнига ота бўласиз, ёмон нарсаларни ўйламанг, – дедим.

– Ўйласам, унча ёмон ҳам яшамабман, – деди акам худди эшитмаётгандай. – Бировдан қарзим йўқ, ҳалол топдим, мана, болаларни сиз ўқитдингиз, биз эса жигар бўлиб сизга ёрдам беролмадик, шундан уяламан.

– Ундай деманг, сиз ҳам, бошқа акаларим ҳам мен учун отадайсиз. Қўл-қанот бўлиб уйлантирдингиз, ҳозир камим йўқ, болаларингизга ёрдам берсам, бу – менга қарз, ҳеч ўйлаб ётманг.

– Ўйламай бўлармиди, ўйлайман-да... – деди-ю, беихтиёр кўзига ёш олди. Эгилиб-мунғайиб олди. Негадир акамга далда бўлиш ўрнига ўзимнинг ҳам ўпкам тўлди. Унинг олдида йиғлаб юбормаслик учун ташқарига чиқдим.

Янгам билан Отабек бир гап бўлди, шекилли, деб палатага югуриб киришди. Ҳовлини айланиб босиб сигарет чекдим. Ўзимни тетик тутиб, ичкарига кирдим.

– Акангизни нима қилиб қўйдингиз, – деди янгам менга бақрайиб қараб. – Боя яхши эди-ку?

– Акамни урдим, хўпми, янга, мен урдим, маъқулми шу?

– Ундай демоқчимасман, қайнижон, негаям урасиз, ўзи ярим жон бўлса...

– Ярим жон бўлмаганда урардим-ку, а, ҳар доим урганман-ку!..

Қоним қайнаб кетаётганини кўриб янгам чўчиб кетди. Илгари мендан бундай аччиқ гап эшитмаган эди.

– Отабек, – дедим ўғлига, – нима дори керак бўлса олиб бер, пул керак бўлса, мендан сўра! Акамни энди кўп эзманглар!

– Пул бор, дори оберапмиз, – деди минғиллаб Отабек.

Баъзи бир қиммат дориларни обермаганини, энди бу ёғига дори кор қилмаслигини билгани учун ҳам онаси билан келишиб шундай қарорга келганини билардим. Шу боис чиқмаган жондан умид – дўхтирга ўзим пулини бериб осма уколларини олдирган эдим. Ростки, у дорилар чиндан ҳам қиммат эди. Ҳолбуки, у препаратлар қон, жигар ва ўтни энди ювиб тозалай олмас, буни мен билардим. Врачнинг елка қисиб “ҳаммаси Худодан” деб туриши бунга ишора эди.

Эртаси тагин борсам, палатада учаласи уч томонга ўгирилиб, тўрсайиб туришибди. На салом, на алик бор.

– Нима гап? – деб сўрадим акамдан.

– Э, ука. Бу ёғи бўлмади, – деди акам ва иккала қўли билан юзини тўсиб олди.

– Нима бўлмади?

– Охири миннатга қолдим... Шунчаликка боришди деб ўйламаган эдим! Икковиям дорининг пулини ҳисоблаб, қанча кетганини юзимга солишди.

Акам бу миннатдан жаҳлга минган, йиғлаган ва энди ҳовридан тушган эди. Миннат деган нарсанинг оғирлигидан менинг ҳам кўзимга қараёлмаётганди.

Тумба устида рецепт ва дорилар нархи турарди.

“Гепомерц – 4 млн. 370 минг

Урсосан – 3 млн. 900 минг

Эссенциал форте – 324 минг

Дюфалак – 296 минг

Креон – 217 минг
Дўхтирга – 200 доллар
Палатага – 500 минг
Жами: 10.807 минг”.

Отабекнинг хати, лекин янгамнинг ақли билан ёзилган эди у. Қоғозга қараб қолганимни кўриб янгам тезда уни олиб чўнтагига тикди. Жуда нашъа қилди менга. Негадир қоғоздаги ёзувлар, айниқса нархлар миямга мухрланиб қолди.

– “Дюфалак” билан “Креон” қанча туради, янга? – дедим янгамга. – Отабек икковингиз шу иккита дорини олдингиз. Беш юз мингга борса керак, мен беш миллион берсам, бўладими сизга? Кейин акамга миннатингизни йиғиштирасизми? Уят! Дўхтирга, палатагаям берибсиз-да? Қойил!

Отабекка қарадим.

– Ўл, хўкиз, ҳайвон! – дедим.

– Ҳаммасини билиб турибман, – деди акам. – Жаҳлингиз чиқмасин, буларнинг ҳали кўзи очилади. Фақат биргина илтимосим бор...

Акам шундай дея янгамга шундай ўқрайиб қарадики, у худди одобли қизалоқлардек Отабекни етаклаганча ташқарига отилди.

– Укажон, сиз энди мартабали, ақлли одамсиз. Қон билан кирган жон билан чиқади. Ажал рўпарамда турибди, бугун-эрта олиб кетади. Маъракаларимга, жанозамга борасиз, билиб турибман. Фақат илтимос, жиянингиз уйланганда тўйига боринг, бўлмаса узилишиб кетасизлар. Илтимос, илтимос, деяпман.

Мен ҳали ғазабимдан тушмаган эдим. Акамнинг ўтиниб-ёлбораётганига эътибор ҳам бермабман.

– Хўп, ака, нима десангиз шу, – дедим.

Уни қучоқлаб олдим.

Акамнинг илтимоси билан уларни қишлоққа жўнатиб юбордим. Саккиз кундан сўнг, жума куни саҳар вақти акамнинг узилганини эшитдим. Маъракалари

ҳам ўтди. Йили ўтгач, ўгли ҳам уйланди. Уларни кўчириб Тошкентга олиб келдим. Ишли ҳам бўлди. Янгам кунда-шунда эди. Ҳар келганида яхши кийим, жуда бўлмаганда кийимлик мато совға қилар эдим. Янгам худди шундай қилишим керакдай, ҳеч иккиланмай, тортинмай олар, “ахир мен қайнижонга она ўрнидан-ман-да”, дер эди. Кунларнинг бирида тенги чиқиб, қизимга тўй келди. Тўғриси, қизимни чақалоқлигидан қайнонам тарбиясига олган, ўн кун, бир ойлаб уйида олиб қолар эди. Қизим қанча ақл, одоб, имон эгаси бўлган бўлса, ёлғиз шу аёл сабабчи эди. Шу боис тўй тарқагач, уйда қариндошлар билан чой ичиб ўтирганимизда янга лоф-қоф билан мени тарбиялагани, ўқитгани, уйлантиргани ва ниҳоят, қизимни ҳам ўзи тарбиялаганидан мақтаниб кўпираётганида, ўғлимни чақирдим, унга тўёнага тушган пулларни опкел, дедим. Икки катта пакет пулга тўла эди. Унинг икковини ҳам қайнонамнинг олдига қўйдим. Қайнонам ҳўнграб йиғлаб юборди.

– Нега, ахир куёвжон, – дерди изиллаб, – бунга ҳеч ҳаққим йўқ, қиз сизларники, тарбияни ҳам, илми ҳам ўзларингиз бердингиз, менинг ҳеч қандай хизматим йўқ...

Бунга сайин авжим келиб костюмим чўнтакларида тўпланган доллар пулларни ҳам олиб бир чангал қилиб қайнонамнинг олдига ташладим.

– Олинг, – дедим. Негадир хўрлигим келиб: – Шунинг ҳаммаси сизники, қизим сиз туфайли одам бўлди, демак, сиз туфайли бахтини топди, – дедим.

Қайнонам йиғлай-йиғлай пакетдан битта минг сўмлик олиб, “бу сизнинг ҳалол пулингиз”, дея кўзига суртиб, эҳсоним учун қайта-қайта раҳмат айтиб узоқ дуо қилганча халати киссасига солди, шунда ҳам бекор қилдингиз-да, дея хижолат тортар эди.

Акамнинг ўғли Отабек ишни қўйиб ўзини бозорга урди, аввалига яхши топди, янгам билан кечқурунлари

тинимсиз пул санашлари, сўнг пулни турли тирқишларга яширишларини келиндан эшитиб қулиб ўтирар эдим. Сўнг бозори касод бўлди. Миниб юрган машинасини ҳам сотиб молга ургани, яна панд еганини эшитдим. Икки марта мендан қарз олди, уч йилдан ошди, ҳали узаман, деб ишонтиради. Бу ҳам майли, қишлоқдаги укаси ҳам шаҳарга кўчиб келиб, уй-жой ва молларини сотиб, Отабекка берса, у пулларни бир-икки айлантириб кўпайтирмоқчи бўпти, яна касодга учраб, бармоғини тишлаб қолибди. Янгам шу жиянингизни қаватингизга олмасангиз бўлмайди, қайнижон, ишонганимиз сизсиз, айланай, деб ёлвориб келди.

Билмадим, қайдан бир киноя, такаббурлик кўприб келди:

– Янгажон, – дедим, – миннат ёмон-а?

– Қайси миннат? – дея у аланг-жалаңг қилди.

Мен бўлсам у қизариб-бўзарар, қилган ишларига пушаймон бўлиб кечирим сўрар деб ўйлаган эдим. Қаёқда! Менга миннатнинг ёмонлиги ҳақида матал-массааллар ўргата бошлади.

– Миннатли ошни ит ичмас, – деди охири.

Кулдим.

– Акамни йўқлаб, дуо қилиб тулинг, – дедим.

Янгам ирғиб ўрнидан туриб намоз вақти бўлганини айтди. Валдираб вақт ўтказганидан ўзини айблай кетди, фарз намозидан сўнг тиловат қилиб арвоҳларга бағишласа, Парвардигор ҳузурида қабул бўлиб, ўтганларнинг руҳи шод бўлишини менга ётиғи билан “туншунтириб” қўйди.

Ҳайрон қоламан, ҳайронлар қоламан-да...

2015 йил

САРИШТАЛИ ОДАМЛАР

Муртоз ака – акамнинг ошнаси бўлса ҳам менга кўпроқ ёвуқми – баъзан билмай қоламан: акам билан синфдош бўлгани билан менга кўнгилсозлиги бор. Бунинг сабаби менга ноаён десам, катта гапирган, балки олифталиқ қилган бўламан. Чунки Муртоз ака қишлоқда туғилиб вояга етгани билан чўл ҳудудда, қисқаси Жиззахнинг ҳам қақраган бир чеккасида яшади. Қаттиқ ишлар эди. Аммо доим ўзига тоза, ўзига пишиқ, бирор ножўя иш қилмас эди. Уни “Муртоз ўрис” дейишарди, ҳа, “честний Муртоз”, “Муртоз ўрис” деган лақаб ўз одамлари томонидан тўқиб ёпиштирилган. Касаба уюшмаси бошлиғи, ҳисоб-китоб ишлар қўмитаси, директор ўринбосари, бош бухгалтер, йўқ директор бўлмаган, шу-у, шу бош бухгалтерлиги энг катта вазифаси эди. Кўпни меҳмон қилди. Кўп билан улфат бўлди, аммо “ўрис”-лиги барибир фойда берди. “Честний”лиги сабаб ҳужжатларидан бирор ишқал чиқмади, вой бў-ў, бошқа кўпларнинг уйи куйди, “нарёққа”, ҳа, ундан ҳам “нарёқларга” бориб таъзирини еб, емаган сомсага пул тўлганлар қанча бўлди.

Муртоз ака вақтида этагини йиғиштирди. Ҳа, ўз вақтида. Ўзи чўл деган жойда нон тугаб бўлган эди. Қишлоқ хўжалиги, айниқса, суғориш тизимлари бирин-кетин издан чиқиб бўлаёзган, аҳвол ўнгланиш ўрнига ёмонлашаётувди. Йигит қўлини ювиб қўлтиғига урди. Тўрт қизи бор эди, бешинчи қизи ва ниҳоят олтинчиси – ўғли Тошкентда тугилди.

Шаҳарда суянган одамлари бўлган, албатта. Гоҳо сизга кўп суянганман деса, бу менга ортиқча кўпиртираётгандай, “пахта қўяётган”дай туюлиб кетади-да, қўйинг ака, бўларини айтинг, деб чалғитаман.

Ака дилкаш, покиза инсон. Ўзи ҳам, юзи ҳам, кўзи ҳам, кийими ҳам – ҳамма нарсаси тоза, гўзал. Шунақа одамларни кўрганмисиз? Ўша – эслаганингиз: Чехов айтганидай-да.

Акамга синфдош бўлатуриб мен билан ошночилик қилишининг сабаблари бор. Мени пойтахтга келиб, бировга ўлигини ташламай, ўмганини кўтариб юрганлардан, бировнинг олдида тили қисик эмас, етарли обрўи бор, деб ўйлайди. Ўзи масалан, шунақа одам. Боринг, ана, камина ҳам шундай-дирман. Лекин бор-йўқ хислатларининг тилга олаверса, шаҳарга шу одамларга суяниб келганман-да, деяверса, одамга анча малол келади.

Ака, қўйинг, вақти-соати бўлади, ўшанда башарамга қараб роса мақтайсиз, дейман. Лекин бир ҳисоби, мақтов ёқиб ҳам туради. Худбинликка йўймасангиз, шу жиҳатиниям айтиб ўтганим маъқул.

Сирғалининг бир чеккасидан уч хонали уй олганида, уй тўй қилганида кўпчилигимиз борганмиз, меҳмони бўлганмиз. Иши ўзгарди, уйлари кенгайди, кўпайди. Бу ҳам эмас, одамнинг иқболи – фарзандлари, хусусан, қизлари туфайли кулиши мумкин экан. Мен бунини – Муртоз ака мисолида кўрдим.

Беш қизи бор, ўша куни тўртинчи қизига совчи келадиган бўлди. Ўзининг айтишича қуда жуда катта жойда, зўр вазифада ишлайди. “Ўзр, ҳозирча сизга ҳам сир тутаман”, ҳудди шундай деди. Гарчи қизиқсанг ҳам аввалдан гапни айлантираверса, ҳа, дейсан-да, тўғри-да.

Биринчи қизи ўзининг жўрасига келин бўлди. Кимлардир ҳа, энди қишлоққа тушса шундай “камтаргина” тўй қилингани тузук, деб кулмиш қилишган. Қизи

ўқиганлигига яраша унча-бунча дўстларини ҳам кул-масин, деб қишлоқдаги базмга чорламаган ва табиий-ки, келинни ортиқча даҳмасасиз уйидан оқ “Нексия”-га ўтқизиб опкетишган. Ишонасизми, уч йилда икки ўғил неварга кўрди. Куёви ҳам шаҳарга келиб, тузук иш топиб олди. Ҳадемай қайнотасининг ёнидан ўзи уй олиб жойлашди.

Катта қизи Шоиранинг баъзи дугоналари ҳали ҳам бахтини топмаган. Шоирадан беш-олти йил бурун шаҳарга кўчиб келган, демакки, “вотти-вотти” дейиш-га кўпроқ ҳаққи бўлган “Пари” – унинг асли исмини биров атамайди – институтдалигидаёқ Тош Раҳмон деган эстрада кўшиқчисига иккинчи ё учинчи хотин бўлиб тегиб олган, мана шуни катта мартаба билиб, бошқаларни назар-писанд қилмай юрар эди.

Ота-онасининг уйидан тўй бўлиб чиқмаслик уят. Бунинг иснодини ўзбек билади. Қиз боланинг иши оғир савдо. Қўшиқчига теккан Парининг орти-да анча гап бор эди. Қўшиқчининг Рухсорбек исм-ли ўғли борлигини ҳам қўшни ва қариндошлар би-лишди. Андижонда эмиш, ҳовли-жойи тузук эмиш. Тағин янги гап чиқди: Пари ота уйидан “пок қиз” бўлиб узатилмаётганмиш. Эри Тош Раҳмон икки юз долларга бир талаба “куёв” топибди. “Қиз”ни уйидан расм-русумини қилиб, никоҳ ўқитиб, тўғри Андижондаги Тошвойнинг ҳовлисига туширишиб-ди. Бу ёқдаги “қиз базм”да Тошвойнинг шахсан ўзи “келин-куёв”га бахт тилаб, ўнта қўшиқ айтибди, қиз-нинг “ўртоқлари” тўйда обдон эшилиб-буралиб ўй-наган. Тўйдан кейин “куёв” мартабадан тушиб, секин либосларини ечиб, узр сўраб, кўчага чиқиб такси ту-таётганмиш...

Хўжакурсин тўйнинг бу хил сирларини асли билмаган одам қолдими? Гап ерда ётармиди? Пари Шоирага ҳам таклифнома бериб кетган. Лекин бор-санг тўй ваҳимасини кўриб изза бўлиб келасан, де-

ган. Шоира тўйга бормаса ҳам тафсилотини эшитди. Энди... одам зоти ҳалол ишлар қилиши керак-да. Бу кўзбўямачилик кимга керак?

Иккинчи қизи Тошкентга, учинчиси Бухорога, тўртинчиси Фарғонага келин бўлди. Аммо кечагина қишлоқда яшаб юриб, бунча жойлар билан қуда-анда бўламан, деб ўйламаган аканинг боши гаранг эди. Қизиғи шундаки, барча қизлари бахтли, куёвларининг ҳаммаси у одамни, қизларига ўхшаб “адажон!” дейишарди. Қишлоқ одамига бирда эриш эшитилиб, қулоғининг қитиғи келса-да, бора-бора мослашиб қоларкан.

“Ука, ҳали кўраверасиз, қизнинг бахтдан тингани зўр бўларкан. Устингиздан тоғ ағдарилади, тоғ! Мана, учта тоғ ағдарилди устимдан. Тўртинчиси, мана ҳаммасидан ошиб тушибди. Ҳей, ука фалон жойда ишлайди, ҳув анов ерда!” (деб осмоннинг ҳам нарёғини кўрса-тади, куёвнинг хусусий банки бор эмиш – э, қуданинг мол-мулкини бошқаришга бир банк керак эмиш-да, тўғриям-да).

Сўнг:

– Билдингиз-а? – дейди ўсмоқчилаб.

– Ҳа, билдим, – дейман ҳеч нарсани тушунмасам ҳам.

– Кейин – тўйдан кейин биласиз, ўзи ёнида кимлар келганидан ҳам тасаввур қилаверасиз.

Ҳа, фотиҳа куни ёнида кимлар бўлди, дерсиз. Фалон эшон, фистон судур, авлиёси йўқ, валлоҳи аълам, лекин қизиқ, маърака охиригача қуда кимлигини сезмабмиз. Бир кичкина одам, уям икки киши – ака-укалар эмиш, фарқиниям ажратолмадим, ташқарига чиққанларида бири чўнтагидан иккита конверт олди, конвертнинг бирини унисига узатди, униси қудага узатиб юборди-да, дарҳол дуога қўл очиб “тўй бўлсин!” деб қўяқолишди.

“Сут пули” дир деб қўяқолдим.

Бироқ...

Кечқурун Муртоз ака юраги ёрилиб телефон қилаётир:

– Э, ука, нега кетиб қолдингиз, жуда зўр янгиликлар бор бу ёқда, тез етиб келинг!

Борсам, ака бир литрлик ароқни отиб олган, ёнида икки куёви, ўзидан-ўзи тутаб, ўзидан-ўзи ёниб ётибди.

– Энди дўстим, қизларимнинг ҳаммаси бахтли бўлди ҳисоб, Худога минг қатла шукр, миллион марта шукр! Мана, куёвларим ёнимда, дада, тўйга, ошга бир сўм сарфламайсиз, уч куёв сюрприз қиламиз деяпти, э, ука, буни сиз тасаввур қилинг-да.

– Ҳой, Бек, акангга бир тўлдириб қуй, ҳа, тўлдириб – тўл-ди-риб! Маладес, индаманг, кўтаринг! Яна битта!..

Бу жараёнлардан ҳам ўтиб бўлгач, ака кўзлари аланг-жаланг, қабатимга обдон яқинлашиб келди, тумшуғи ҳам тумшуғимга деярли тегиб турарди.

– Базм уники, ош – пап, майда-чуйда, мебель, сават, тоғора – ҳеч нарса керак эмас экан. Бунисиям майли, қанча тўёна қилганини сўранг...

Кимдир орқасидан туртдим, чимчиладими, кўзлари бир қур хушёр олайиб кетди. Хотини ё қизи телефонга чақираётганини айтди.

– Ҳозир, ҳозир... – дея русчалаб енгил сўкинди ака.

Камина билан ҳасратлашмоқчи эди-ю, булар белига тепишди: нега ахир, кимгадир яхши гапингни ҳам айтсанг, қувончингни бўлишсанг бўлади-ку.

– Ука, бу ёғи вообщё беш...

– Ҳа, тушундим, беш...

– Ука, ундан кўп... бешдан ҳам кўп!

– Қойил, барака топсин, бунинг ҳаммасини нима қиласиз, товба, қиз сотиб бойиётган одамни биринчи кўришим...

– Ҳали, ука, ҳаммаси “во” бўлади!..

Ака “телефонга” кетди ва... шу билан қайтиб келмади. Кайфи ошиб қопти. Ҳарқалай, шундай хабар келса ишонасан-да одам...

Уйнинг, айниқса, устоз Омон Мухтор айтгани каби “аёллар салтанатининг” ўз сиру асрори бўлади. Уни биров билиб қолса маза қилмайди. Мен буни тўғри тушунаман, шу боис вазиятни пайқаган маданиятли одам сифатида уйга қайтдим. Балки беш, балки ўн мингдир, ҳарқалай акага яхши бўпти, тўй харажати кам ё йўқ, куёвлари ошни кўтараётган бўлса, демак, анча енгиллик деб ўйладим. Ҳавасим келди.

Ота-она айниқса, қизига ҳар қандай шароитда обрўим тушмасин, деб юрак ҳовучлаб тўй қилади. Борган жойида тош қотсин, бахтини топсин. Бори нияти – шу.

Ака барибир кимгадир ёрилгиси келган. Мендан бошқа бирор сирдош тополмаганми, ишқилиб, икки кун ўтгач, кечки нонуштага чорлаб ёрилди:

– Ўн минг берибди!

– Кўкидами?

– Ҳа-да!

– Йўғ-э?

– Ҳеч кутмаган эдим, қизиқ бўлди, – деб бош қашлади.

– Тоза ниятда берса – берибди-да. Бити тўкилсин дебди-да.

– Майли-ку, отасига раҳмат-ку, лекин бу сабил қолгур... кўп-да, жуда кўп. Қудалар одатда у кам, бу кам деб талашиб, ёзғириб, нима қилишини билмай ётишади, бу ёғи неча пулдан тушди энди?

– Мендан сўраяпсизми?

– Энди, ёш бўлсангиз ҳам, ука, кўпни кўргансиз, шаҳарга аввал келгансиз, менинг бўйнимда қолиб кетмасин дейман-да.

– Қизингизга каттароқ сеп қилиб юборсангиз-чи?

– Сепни сира гапиртирмаяпти-да қудамиз. Ўзлари ясатиб-тузатиб қўйибди, ҳеч нарса опкелманглар деяпти.

– Битта йўли бор, – дедим.

– Қанақа-қанақа? – дея кўзлари олайиб кетди ака-нинг.

– Ярмини бизга чўзасиз, сенгаям юқсин деганингиз бўлади.

– Об-бо, нима гап экан дебман. Лекин жиддий гап: ҳақиқатан, ўйланиб қолдим.

– Ўйланманг, одамлар йўқликдан, етишмовчиликдан зорланади, сизники енгил, кўзни юмиб ўзингизга ишлатаверинг.

Шундай қилиш мумкинлигини ака менсиз ҳам билади, бироқ жўяли маслаҳат чиқиб қоладими, деб ўйлаган.

Тўйга Эрали-Шерали, Юлдуз-Пулдуз, яна аллақанча манаман деган ҳофизлар келиб қўшиқ айтди. Улай-булай тўй бўлмади. Анов-манов деганларнинг оғзи ғордай очилиб қолди. Бошқа даҳмазаларини айтиб ўтирмайман.

Одам обрў олса, обрўни агар тўйдан олса, куда бир қоп, ўн қоп семириб кетади. Аммо ўлай агар, майдагина, жиккаккина бир одамча, кўрсанг ургинг келади, тузукроқ, маънилироқ гап ҳам эшитмайсан оғзидан, бўлган-тургани шу: бегуноҳ, безиён бир одам. Бўйи ҳам пакана. Гаплашиб ичинг илимайди. Шу одамчага Худо сўраганини осмондан ёғдириб ташлайди.

Бу дунёда Вақт деган энг катта ҳукмдор бор. Унинг қиличи ҳамманикидан кескир. Ўзганни тўздириб, тўзганни оздириб қўядиган ҳам жаноби Вақтдир. У оловни сўндириб, севгини оловлантиради, жонлини жонсиз, жонсизни жонли қила олади.

Бинобарин, одам бир тўй деб, йиллаб ҳаяжонланиб юрмайди: бошқа ташвишлар қанча?! Муртоз ака ҳам аввалги ўртанишлар ўтиб, табиий ҳаёт ўзанига тушиб олди. Қизи бахтини топди, ўрганишли келин бўлди. У ота уйга неча бор меҳмон бўлди. Бир гал у куёвининг гапини эслабди. “Отам ўшанда бошқа кон-

вертни бериб юборган, бошлиғига бермоқчи бўлгани бу ёққа кетиб қолган, лекин отам бу гапни эслагиси келмайди”.

Бугуннинг одами тушунган одам. Бойлари ундан ҳам маданиятли. Муртоз ака ундан ҳам ўтиб тушган. Шу боис қудаси уч қаватли ҳовли қуриб, уй тўйига айтганида, белни маҳкам боғлаб бориб, қудасига конверт узатган.

Конвертда неча пул бўлганини янгам ва ўзи билади. Хабари бизгача келгани йўқ.

Қандай сариштали одамлар-а!

2015 йил

ФАРИШТА

Сирасини айтганда эл қатори унинг ҳам тўрт мучаси, бироқ ой деса ой, кун деса кундек жамоли, қуёшдек порлаб турувчи ҳусни бор. Ана шунисига қуяди-да йигит дегани. Бутун мактаб, балки бутун қишлоқни довдиратиб қўйганига қанча вақт бўлганини аниқ билмайман, лекин ҳамма у туфайли каловлангани, ўйламаган ҳам ўйлагани, туш кўрмайдиган ҳам уни ақалли бир марта туш кўргани аниқ. Ҳамманинг суратида бир беписандлик бўлса ҳам, сийратида маҳлиёлик, ошуфталик бор. Яна Эшбойдек подабоқарнинг, аниқроғи подабоқарга ёрдамчи, кўкламги тўл мавсумида, яъни март ойининг ўнинчисидан май ойининг ўнинчисигача чўпонларга ойига қирқ сўм эвазига соқмончилик қилиб кун кўрувчи бир ғарибнинг оиладаги катта қизи. Соқмончини одам ўрнида кўрмаганлариданми ёки чиндан ҳам ранг-туси сап-сарик бўлганиданми “Эшбой сарик”, ёки шунчаки “сарик” деб аташар, бинобарин, ҳар бир қишлоқда бўлгани сингари бу ерда ҳам одамлар табиий равишда табақаланиб, тоифаланиб, шуларнинг қуйисида, қуйисининг ҳам қуйироғида Эшбой тургани учун ҳам оиласи назарга илинмас эди. Отаси Митанбой, унинг отаси Михли узун, унинг отаси Қиёт довдир... бирортаси на махсум, на мулла, на бой, на юрт кўрган, ҳаммаси шу қишлоқни ҳатлаб ақалли Ўлаҳат, яъни ўттиз чақирим наридаги Иштихон ёхуд Челаққа ўхшаган устидан машиналар ғизиллаб ўтиб ётувчи асфальт йўлни ҳам кўрмаган, қўйингки, нари борса уч қишлоқ ҳудудини туташтирувчи Жумабо-

зорда эшак бозорга даллол ҳам бўлган эмас. Шундай бўлгач, гарчи ўзларининг саводлари говлаб кетмаган бўлса ҳам буларга камбағаллиги, бироз савдойиликлари сифатига учинчи, яъни юмшоқроқ, маданийроқ қилиб “хат кўрмаган” одамлардан, деб тавсиф қўшиб қўйишади.

Махфират шу алифни калтак дейдиган, ҳозирги йигирманчи асрда ҳам илло бир қадам олдинга силжимаган қавмнинг, уларнинг охиргиси Эшбой сариқнинг каталакдек зах босган уида туғилиб, думалаб-думалаб катта бўлган шиттахўргина бир қиз. Қизки, ўзининг ҳусни-малоҳати билан бирор қолипга, қонун-понунга тўғри келмайди. Бу обрў-маратабали, иззатли отадан бўлмағур фарзанд бино бўлганига ишора.

Махфират бешинчи синфдалигидаёқ ой жамоли билан кўзга ташланиб бўлган эди. Тулишиб, етилиб қолган эди. Юришлари, боқишлари ҳам ҳали чақимтош, моҳмак ўйнаб юрган, эрмакталаб тенгқурларидан бир мунча маънили, керак бўлса виқорли эди. Ҳамма уни билимли, ақлли деб ўйларди, илло у ҳеч вақт илмини ошқор қилмаган, фақат ўша босиқлигидан ақлли, деб ўйлашга мажбур эдилар. Ақл унинг кўз боқишидан, шошмай ҳаракатланишидан маълум. У кулмас эди. Кулса одамлар ўзлари қатори кўриб балки пастга урардилар. У бунни хоҳламас эди. Эҳтимол, ғарибу нотавон, бесаводлар оиласида туғилганидан чунон ўксик эди. Бир қарашда хафа ёки ўксиклиги ҳам яққол кўзга ташланмасди, бунга қоришиқ ғурур, орға ўхшаш кўринмас ўктамлиги зоҳир эди. Э, нимасини айтасиз, Худойим ҳусндан ташқари яна қўшқўлаб ҳамма фазилатларни бериб ташлаган эди. Бизга ўхшаган ундан икки ёш катта, ўзимизни азамат билиб, кўкрагимизга комсомол значоги таққан йигитчалар ҳам нечукдир унинг олдида ёш бола бўлиб қолар эдик. Тавба, нимасидир бор эди-да!

Шайтонларимиз ичимизга сиғмай ташқарига отилиб чиқиб, биз билан ўйнар эди. Мактабга довур кетган

олис билч-билч йўл ҳам шайтонваччалар билан тўла эди. Биз уларга қўшилиб арзон пойафзалларимизни расво қилганча асов отлар сингари олдда кетаётган қизларга лой ё сув сачратганча олдинга югуриб ўтиб қолардик. Қизлар ота-оналаримизу момомларимизга-ча ҳар хил лақаблар тақаб хурмача қарғаб қолишарди. Шу қарғишларни эшитиш биз учун битмаган ярага доримиди – тушунмайман. Махфират бўлса чуввос солиб қарғаётган қизларга бир ўгирилиб қараб қўярди, кулчага монанд оппоқ юзи рутубат босган осмонда фавқуллода ёғилган бир кучоқ илиқ нурнинг ўзгинаси эди. Бу қилиқ ва қарғишларга у ним навозиш ила қия қараб сал кулиб қўярди, холос. Сўнг олға қараб хилқатини сир тутганча мардона кетаверарди. Унга лой, сув сачрамас эди, сачраса-да унга бориб тегмас эди. Ҳис қиласизми, лой бориб унга тегмаслигини ҳам биз биллиб турардик...

Уни кўрганда Эшбой сариқнинг қизи эканини ҳам унутардик. Унга нурлар эргашиб чопиб юрарди. Устидаги кийими ҳам барча қишлоқ қизлариники каби қизил рўмол, духоба кўйлак, қалин пахталик нимча, лозиму қулинг ўргилсин тош калишдан иборат бўлса ҳам уники тозароқ, салобатлироқ, яна нима деса бўлади – маънилироқмикан...

Қишлоқдаги гўдагу чолни билмадим, аммо эркаклик кўзи очилган ҳаммаси унга ошиқ, унга дарвеш, у учун тентагу бенаво эди. Бешинчи синфни тугатаман деб турган биргина шу маъво қишлоқнинг мазмуни эди. Қишлоқнинг ори, ҳаёси, мазмуни, борлиғи эди. Ҳозирги тасаввурим ва ақлим билан ўйласам қиз етилган кейинги бир неча йил бир неча асрларга татиғулик эди.

Қишлоқ худди бир вужудга, асирга айланган девдай ҳансираб, маҳтал бўлиб, айни чоқда ошиқлик кўзи кўр бўлиб ёки хира тортиб, аммо негадир маҳлиё бўлиб ётарди. Бу ҳол уч, йўқ, тўрт йил, яъни қиз

саккизинчи синфни битириб, мактабдан тамом оёғини узиб, сўнг бир йил уйида ўтиргунча давом этди, сўнг барҳам топди.

Шамоллар тинди, тоғлар гувраниб зилзила қўпди, дарахтлар зориқди, сарғайиб сўлди, сўнг карахтланиб уйқуга кетди. Заминни қор аралаш муз қоплади. Ҳаёт гўё сўниб бўлди. Махфират саккизинчини битирдию мактабга қайтиб йўламади. Ўқувчи, ўқитувчи, директор ҳам унга ошиқ эди. Ўқитувчи зоти бирор марта уни доскага чиқариб дарс сўрашга ботинолмади. Рус тили муаллими Неъматов дарсга кириб давомат қилар экан, Махфират ўрнидан турса кўзи тушиб, тили калимага келмай қолар экан, “ўтир” дейишга ҳам журъати етмай юм-юм йиғлар, шу билан танаффусга чиқиб кетар экан. Ҳаёт биргина шу қизга боғланиб қолди. У эса қайтиб мактабга қадам босмади. Биров айтди: момо йўлига чиқиб мактабдан қайтарибди; бошқаси деди: ошиқлардан безор бўпти; униси деди: отам ким бўпти, онам саводсиз, мен ўқиб гўр бўлармидим депти.

Ёлғондан чинни ажратиб олиш қийин. Боз устига ўзбек дегани ҳасаддан холи эмас. Махфират ҳаммасидан устун бўлгани ҳам бошқа масала. Бироқ энди мактабга ҳам, кўчага ҳам чиқмай қўйгани бор гап.

Минглаб қумурсқа инига қатнаб одамникидай йўл қилади. Уни кўриб бунга иқрор бўласан. Эшбой сариқнинг сойга тушар йўли агар совчи қатнамаса бундай ялтираб кетмас эди. Кўклам чиққанда у совчиларнинг саногию отини ҳам адаштирадиган бўлди. Аввалига у директор, партком, исполком, райкомдан одам келди, бермадим, бунча қалин бераман десаям кўнмадим, деб кўпириб юрди. Сўнг жимиб қолди. Маълум бўлишича Махфират ҳеч қайсисига унамаган, хонанишин бўлган жойида норизо эканини айтиб тураверган.

Баҳорда дарахт уйғонди. Нурота тоғлари бир аксириб олди. Гуллар Махфиратни соғиниб очилди.

Сувлар уни кўриб кулди. Майсалар “Махфират!” деб чапак чалди. Чучмома, момоқаймоқ, заъфарон печакгуллар пойининг остига пойандоз бўлиб ётиб олдилар. Махфират кўк чит кўйлагининг этаклари шудрингдан ҳўл бўлгунча, майсалар устида ялангоёк юрди, гуллар, капалаклар кафтини қитиқлади. Жим-жилоқдай булбул дарахт шохида кўриниб-кўринмай уни осмонларга чорлади. Махфират ҳўл оёқларини остонадаги кигиз парчасига артаркан, отасига ҳам, онаси Гулҳаё холага ҳам “менинг майлимга қараб иш қилинглар”, деди. Қиз бу гапни учинчи бор таъкидлаши эди, ваҳоланки, ота-она кўзга кўринмас бу мартабанинг ваҳмидан кўрқиб қолган, уйларида пари, авлиё ёки ялмоғизга ўхшаган ғайриоддий зот яшаётгани тобора чўчитар, бу мушкулотдан унинг ўзи қутқаради, деб ўйлаганларидан ҳар иккови тил бириктириб қизимизнинг майлига қараймиз, деб юришар, келганлар буни совчиликнинг ирими сифатида “бир айланиб келинглар” маъносида тушуниб қайтиб кетишар, яна келганларида тарвузлари қўлтиғидан тушиб ортларига бурилишарди. Мойли, молли, ҳамёнли, мартабали одамлар ҳам қиличлари синиб, қалқонлари тешилиб кетишарди. Мўмай нарсалар ваъда қилиб Эшбойни зарга қўмувчилар ҳам бўлди. На бўлғай ўз пушти камаридан бўлган фарзандларининг сеҳрли кучи улар руҳини ўз кўйига буйсундириб турарди. Шу кўринмас оҳанрабо таъсир уларни мардона “йўқ!” дея олдиради. Ва айни пайтдаги бир хил жараён узоқ давом этиши ҳам мумкин эмас, кимдир, аниқроғи, қизнинг ўзи қурбон бўлишга маҳкумлиги ойдинлашиб бораётган эди.

Вужудлар, руҳлар, танлар бу кунга иқрор эдилар-у, айнан қайси кун, қайси соатда рўй беришини билишмасди, холос. Ҳатто суиқасд кимлар томонидан уюштирилиши ҳам тахмин қилинаётган эди. Бинобарин, ота-оналари ҳам энди ортиқ бу фарзандни бошга

ёстиқ қилиб ётиб бўлмаслигини кундай аниқ-равшан билиб туришарди.

Мингта совчи қайтди. Минг биринчисини кутиб ўтирмадилар. Қизнинг ўзидан садо чиқди. Ҳа, садо чиқди. Ким эди у? Ким бўлди бундай бахтга сазовор зот?

Лекин бу жумбоқ эмас эди. Оддий ва жўн, эшитган одамнинг ҳам ҳафсаласини пир қиладиган жавоб эди.

Орзиқтирмай вақтида айтиб қўяқоламан: ўнинчи синфдаги Турсунбой!

Махфират ундан совчи келишини ҳам кутмай шу одам ўзига муносиб эканини айтганида бир зумда хабар овулдан овулга ўтиб тарқалди-ю, ҳамманинг руҳи тушиб кетди. Шу куни тоғ йўталди – момоқалдирок урди, осмон жим турмаслигини билдирди – чўқморлар тўқнашгандай чарсиллаб чақмоқ чақди, ортидан шаррос жала қуйиб юборди – осмоннинг ҳам рашки қўзигандай. Ҳаво тўлғанди, шамол аввал тоғлар, чўққилар, сўнгра кўкатлар, гуллар, ундан кейин сувлар юзини силади. Осмон уни ҳайдаб солди, шамол ҳам жаҳлланди, ғазаби қай даражада эканини кўрсатиб қўйиш учун шафтоли, олма дарахтларининг оппоқ, пуштиранг гуллар билан қопланган шохларини ерга теккунча таъзим қилдирди, бўйсунмаганларини йўғон таналардан айириб, синдириб ташлади. Кўк рутубатга кириб, қуёш тим қора парда билан тўсилиб, гўё кундузи туннинг тусини олди.

Турсунбой бир кулбада бир ўзи яшар, ота-онаси аллақачон ўтиб кетган, жигарлари туғул яқин қариндошлари ҳам йўқ эди. У бир аждоддан бир ўзи қолган танҳо инсон эди. Айтишларича бир қавм қирилиб кетавергач, ота-онаси ирим билан Турсун (ўлмасин) деб исм берган, касалмандлигидан кўрқиб мулла Товбойга чилёсин ўқиттирган, то тирик экан, яна билган радди бало дуоларни ўқиб шу болага қараб дам солиб юришни илтимос қилиб вақтида эмчисини бериб, ўзлари

қазо қилиб кетишган экан. Бу бола нима еб нима ичади, қайси даромаддан кийим кияди – ҳеч кимга маълум эмас эди. Ҳайтовур бир қора бир қулбага кириб кетади, чиқади – мактабга боради, китобини кутариб келиб яна кириб кетади – яшаб ётибдида-е.

Очарчилик йиллари қишлоқ оқсоқоли Иброҳим бобо жўраси Қулматга ғазаб қилибди:

– Э падари қусурларни кучукбаччадай қилиб туғдиравермай олди-орқасиниям ўйласанг-чи, бир ўламса мардикор бўлсанг, бу болларни эртага очдан ўлдира-сан-ку!

Қулмат жўраси, огзида носи, бепарво қўл силтаган экан:

– Қўяберсанг-чи, ҳар қайсиси ҳар бурчақда биғиллаб-шиғиллаб ўсаберади, йўқ бўлса нима қиласан – кўзингинг сийдигини оқизиб, Худога нола қилиб юраберасан, ундан Ўзи асрасин!

Қулмат чолдан ўн уч тирноқ ўрчиди. Ўн учи ҳам соғ. Бири Тошкент, бири Москов, яна бирлари Самарқанд, Жиззахларда. Иккиси Турсунбойга қўшни. Уларнинг раҳмдиллиги голиб келиб, қўшнисининг эшигига нон-овқат чиқариб турса, эҳтимол. Ҳар ҳолда норғул йигит булар турганда очдан ўлиб кетса бўлмайди-ку – эл-юртдан уят.

Товбой бобо Бухоро таҳсилини олган кучли мулла эди. Нақшбанд ҳазратнинг йўлини тутганини айтишадди. Ғойибона дуоларида Турсунбойнинг хилқатини авлиё бобомиз Ғойиб ота ризқу насибасига улаб қўйган деган гаплар ҳам юради. Қайдам.

Турсунбой Очил қори деган чолнинг ўғли Раҳим билан жўра. Иккови мактаб кутубхонасининг жами китобларини аллақачон хатмдан ўтказган. Қўшни қишлоқ, туман маркази кутубхонасига ҳам аъзо, Махфират қошида тили чулчутга айланиб, шашқатор кўз ёши тўкувчи рус тили муаллимини ҳам доғда қолдириб ултуришган, яъниким рус тилида балиқдай сузадиган бў-

лишган. Адабиёт, тарих, география фанларидан мактабга эҳтиёж сезишмайди. Ўзлари ўқиган китоб тилида бир-бирига ғўлдир-ғўлдир қилади, бошқа биров туншунмайди. Замони кепти, баччағар Турсунбой ғойибдан хотинли бўлди-қолди. Яна кимга – бу офтобруни шолу лолу дол қилган Махфиратга эр бўлди.

Дунё Махфират деб оҳ уриб ётганида биргина Турсунбой китоб ковлаб ғўлдираб ётган эди – дунё билан иши йўқ, кун итса бўлди, балоғат вақти кимга уйланаман-у, ким менинг тўйимни қилиб беради, деб ҳам ўйламасди.

Не тонгким, тундлашган қоронғи, ёмғирли уч кун ўтганда Махфират Турсунбойнинг эшигини супуриб юрар эди.

Эй, Муқаддас Тақдир, эй, жилвагар дунё! Сизнинг ўйинларингиз қошида одамизод заковати ожиз, у ақл билан ўйин кашфини очолмайди. Акс ҳолда, рус тили муаллими бешинчи синф ўқувчиси олдида кўз ёши қилармиди, кун келиб у довдир-совдир Турсунбойга хотин бўлганида оёқ-қўли қимирламай акашак бўлиб қолармиди? Муштдай шу қиз бутун дунёнинг кўзини кўр қилиб қўярмиди?

Дунё алангаланди, гувранди, сўнди, балки баттар бўлди, охири тинчиди. Махфират кулбага келин бўлди-ю, у ўз ҳавонича яшашга ўтди. Оқмай қолган қонлар оқди, димоқлардан нафас кириб ўпкалар тўлди, бўшаган ошқозонларга овқату нон кириб кела бошлади.

Дунёсининг кўзи Турсунбойга учиб турган экан. У бўлса хотинини қучоғига олиб қоронғи кулбасига кирдию гум бўлди.

Ойлар ўтиб улар бир-бир кулбадан чиқдилар. Ёз келганда шошқин сой ёнидаги ўзлари ясаган ҳовузда чўмилдилар. Махфират ҳарир чит кўйлагига чопқиллаб келиб сувга ўзини ташлар, сузишни билмаганидан қулочкашлаб тиниқ сувни шопириб ташлар эди. Кўйлагига ва ундан ҳам ҳарирроқ ло-

зими баданига чип ёпишиб қоларди. Овул қирга чиқиб қаради, сойга тушиб тамоша қилди, бурчаклардан дурбинда зехн солди: Махфират янаям гўзаллашибди, сувга тушганда мрамардек ялтиллаган сонини, катта оқ олмадай туртиб чиққан кўкракларини кўрганлар ҳам бор эмиш. Хотин зоти унинг маҳрида ҳомила борлигини пайқабди. Фол очиб туғадиган кунини аниқлашибди. Қари қушноч “қаранглар, қорни тикка дўппайган бўлса ўғил, пастга осилиб тушган бўлса – қиз туғади”, депти. Эртаси тонгдан бошлаб эса яна аввал Махфират, ортидан эри чиқиб шалолатиб чўмилишни бошлар, бир-бирига сув сепар, овул-қишлоқ эса қир-ўнгирга чиқиб, сойга тушиб парини томоша қиларди. Келин-куёв шу кўйи бир-бирини қувлаб тагин қоронғи кулба ичра ғойиб бўлишарди.

Қишлоқ санокдан ҳам адашди.

Қишлоқ томоша билан банд эди.

Орадан уч йил ўтганини ҳеч ким сезмай қолди.

На ўғил туғилди, на қиз – фолчилар ҳам адашди.

Бу орада Махфират ғойиб бўлди. Учди-куйди – йўқ. Биров бир оғиз бир нарса деёлмайди. Қизнинг ота-онаси ғамзада, боши эгик.

Турсунбой бўлса худди хотинининг қаердалигини биладигандек, тўғрироғи, ўзи яшириб қўйгандек, ғўлдираганча юрибди. Бепарво. Айни аввал қишлоқда биргина шу инсон ошиқ бўлмаганидек, энди ҳам китобини титкилаб, сўққабош, сўраганларга:

– Келиб қолади бизди хотин, – деб қўяди.

Қишлоқ қизни истади, излади, қўмсади, соғинди, ҳалиям соғинади.

Кимдир катталардан бири Турсунбойнинг кучогидан тунда хотинини олиб шаҳарга опқочиб кетган дейди. Ота-онаси мум тишлайди. Турсунбой тирикчиликми ё савоб умиди биланми мачитга танда қўйди.

Ғойиб ота хонақоҳига қараб юрди. Тўйларда самоварчилик ҳам қилди. Энди олтмишдан ошди. Соч-соқо-

лига оқ оралаганини айтмаса ҳалиям довдир-совдир,
тентак қўйга ўхшаб ўзига ўзи гапириб юрибди. Худди
ўша кулбасига киради, чиқади – кунини ўтказади.

Орадан қирқ йилдан кўп вақт ўтибди.

Сўраганларга тагин:

– Келиб қолади бизди хотин, – деб қўяди.

Қаёққа кетди Махфират? Қушга айланиб учиб кет-
дими, нима бало?

Рости, мен ҳам севардим уни! Ҳамон кўргим кела-
ди.

Олчанинг, йўқ, қоқининг гулидай бокира, тоза, гў-
зал, фаришта эди...

2015 йил

“ҚУРБОН ҰЛАМ”

Эсингдами, ўшанда Аврам Толмаснинг ёзги саройдаги концертига кирган эдик, концерт то кечикиб бошлангунча Давлат ҳаммани лақиллатиб ўтирган, улфатимиз Олим аканинг ёнида келган маъшуқасига: “Янга, кўзингиз сизирникига ўхшаркан”, деганида боёқиш бирданига ҳўнграб йиглаб юборган, шу кўйи аразлаб саройдан чиқиб кетганида Олим ака роса хафа бўлган, “Давлат, сен одам-подам эмасакансан, бу нима қилганинг!” дея каловланиб қолган ва “севган ёри” ортидан новча бўйига ярашмаган ҳолда лўкиллаб жўнаган эди, бир муддатдан сўнг “Қурбон ўлам” қўшиғи бошланганида, ҳов бир чеккада “ошиқ-маъшуқлар” бир-бирига суянган кўйи қўшиқ тинглашаётганига гувоҳ бўлганмиз, кулишганмиз, концерт тугаганда тагин улар билан қўшилиб, Давлат ваъда қилган ҳовли-кафега кетганмиз. Эсингдадир, ҳа, эсингда. Давлатнинг ёнида бўйи пакана, бироқ жуда сулув қиз бор эди, қўйиб берса улар шу ердаёқ сўйкалишни бошлашар, аммо Давлатнинг гурури баланд, гўзал қизни қўлга илинтиргани билан мақтанишни ўзига эп билмас, аксинча, ўзига тирғалиб келувчи жононларни кўпинча жеркиб берар, сўкиб ташлашдан ҳам тоймас, негадир сулувлар унинг сўкинишига парво ҳам қилмас, гўё шундай бўлиши керакдай баттар тирғалишаверарди. Бунини билмасдинг, албатта. У учун балки оддий камтар-камсуқум қиз кўриндинг, концерт олдидан узук-юлуқ танишув ва суҳбат жараёнида у сени шоир, телевиденида ишлайди, деган хаёлга борди ҳамда одати бўйича тек турмай: “Сизда бир гап бор, янга, балки телевизорда кўргандирман, акам ҳам унча-мунчалар билан юрмайди”, деб менга қаради ва

кулиб юборди. Майрам она уни уришиб берди, “ул, сассиқ, ўзингни бил, бир манжалақини ёнингга олволиб ҳар нарсани валдирайсан, қўшиқ эшитишга келдингми ё одамларни масхара қилишгами?” Давлат тек турган кўйи пинагини ҳам бузмай: “манавини айтяпсизми, бу пишакбачча бировники, меники эмас...” деётган эди, Майрам она усталик билан ҳаммани бирдамликка, қўшиқни севишга чорлади. Сен ўшанда дув қизариб кетдинг, негадир менинг ёнимдан қочиб Майрам опанинг панасига беркиндиг, анови қиз бўлса, уялиш-тортиниш йўқ, кўзларини пирпиратганча Майрам опага тикилиб қолди. Билдим, сенга “янга” деган сўзнинг ўзи чўг теккандек таъсир қилди, чунки сен бировларнинг шундай ўйламасликларини хоҳлардинг, у бўлса, дабдурустдан, бамайлихотир қўйиб юборди: янга! Ахир мен бола-чақали бўлсам, сенинг ҳали келажагинг олдинда, боз устига номингга бунақа доғ тушишини ўзим ҳам сира хоҳламас эдим, шу боис “Давлатжон, у бокира қиз, синглим, шунчаки биз билан “Қурбон ўлам”ни эшитишга келди”, дегим келди, аммо Майрам она сансираб уни уришиб бериши ҳовурумдан туширди. “Янга” деганида этинг увишиб кетганини сездим ва... буни ўшанда сенга айтолмагман, энди айтсам бўлади: бошқа барча қизлар қатори уни бир кўришда яхши кўриб қолишингдан қўрққан эдим. Худо берган кўркам йигит, бунга тараф йўқ, лекин бирданига гапнинг пўсткалласини айтиши ҳам фақат унга ярашади, бошқа биров агар шундай қилса, албатта, уруш чиқиб кетиши тайин. Сўнгра... пули бор, ҳатто кўп, пулингиз бўлса, деб сўрамайсан-да. Бор пулини сарфлай билиш ҳам аслида мардлик, бировнинг қўлидан келади, бировникидан йўқ.

Аврам Толмас Исроилдан кўч-кўрони билан келгандай соз ва чолғувчилар бениҳоя кўп эди. Сарой эса кутилгандек одамга тўлиб, кириш патталари қўлма-қўл бўлиб кетмаган, аксинча, ақалли ярим ҳам бўлмаган, болалар у ёндан бу ёнга чопиб юришар, биз таниган атоқли ҳофизларгина қўлларини иякла-

рига тираб ёхуд бир нечтаси бирваракайига тебранишиб қўшиқ тинглашарди. Улар қаторида Майрам опа ҳам бор, қўшиқ авжига чиққанида ўрнидан туриб чапак чалиб юборар, Аврам Толмас чамаси мийиғида кулиб, опани таниганидан бўлса керак, енгил таъзим қилиб қўярди. Навбат “Қурбон ўлам”-га келганида Майрам опа бир қучоқ оппоқ атиргул кўтариб чиқди. Ҳофиз бўлса ўта маданият билан йиғилганларни опа учун қарсак чалишга чорлади, орқасида ўтирган созчиларни ундаган эдики, улар ҳам дарҳол ўринларидан туриб опага таъзим бажо этишди. Оқ камзул-шимдаги одамларнинг бу хатти-ҳаракатлари ғоят бежирим эди, энг муҳими, улуг санъаткор бу ашулани биз эмас, асли ўзингиз қойиллатиб ижро этасиз, дея опага илтифот қилаётгани бу сахнада яққол тушунарли бир ҳолат эди. Опа эса сахнада турганча бот-бот қўли кўксига, таъзим қилди – биз аҳли санъат фақат сизга қойилмиз, дегани эди бу. Бир қарашда санъаткор ўзбек қўшиқчиларигагина маҳоратини намойиш этмоқда эди.

Тушунарли: Шарқ қўшиқчилигини юксак пардаларга кўтариб куйлаган ҳофиз йигирма йил бадалида хорижда юриб, сўнгра шу ўзи туғилиб-ўсган тупроқ эгаларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатмоқда, бу олқишлашга арзийди, баланд илтифот белгиси. У шу кунларда Самарқанд ва Бухорони зиёрат қилиб келгани, у ердаги кадрдонлари, ўзи каби хорижга кетолмаган миллатдошлари даврасида бўлиб қайтгани, ниҳоят, матбуотда ва телевидениеда бу диёр ниҳоятда гўзаллашиб кетгани, одамларнинг хуш-бахтиёр, фаровон, шукроналик руҳи билан яшаётганини кўрганидан мамнун эканини эътироф этгани ҳам бор гап. Журналистлар эса бироз бўрттириб, керак бўлса шундай ёруғ кунлар келишини билганимизда, албатта, биз шу ватанни асло тарк этмас эдик, хорижда биз бундай фаровон ҳаётга ҳавас қиламиз, дея кўпиртириб ёзар эдилар. Ҳолбуки Аврам Тол-

мас ўзбек тилида кези келса ўзимиздан ўтказиб чиройли сўзлар эди.

Давлат шу дамда хиёл кўзини қисиб тишини ковлаш учун чўнтагидан чўп қидираётиб қўлига илашиб чиққан дўхтирнинг дориномасига кўзи тушди, тушди-ю, шу заҳоти қишлоқда отаси пешоб тутилишидан қийналаётганини эслади, ўзи мен нимага келган эдим Тошкентга, деб койинган ҳамон отасига эрмак қилиб боқиш учун учта сигир, тўртта хўкизча олиб берганини ва шу ёзда тоғдаги мол чўпонга элтиб бергани, кузга довур сигирлар тоғ гиёҳ-ўтларидан озиқланиб ялтираб семириши яхши-ю, лекин бўри-қашқирлар дориса нима бўлади, чўпон ҳар доим ортидан юрмаслиги, ундан ҳам қолса балчиқ сувидан ичса зулук кириб ўрнашиб олса молнинг этини қочиради, ориқлаб қовурғаси саналиб қолади, тоққа оборгани, чўпонга ҳақ тўлагани бир пул бўлади, бироқ яйдоқ юрган, ярим ёввойи бўлиб кетган молнинг зулуклаганини қандай биламиз, буям бир муаммо, отаси зулуклаган молларни арқонлаб шишадаги намакоб сувни тили остидаги зулукни тушириш учун зўр бериб мол оғзига қуйишга тиришгани, айнаи вақтда мол бўй бермай пишқираверса, арқонни калта қилиб оёғига боғлаб йиқитиб, молнинг қаршилиқ қилганига жаҳл қилиб сўкиниб, бир шиша тузли сувни оғзидан қуйганда жонивор худди керишгандек оёқларини чўзиб, сўнгра силкина-силкина ютгани, арқондан бўшагач тагин ёввойилик қилиб шаталоқ отганча ҳовли адоғидаги ёғоч тўсиққа ўзини ургани, отаси шунда хотиржам ҳолда “ана энди шуллик (зулук) ғунажиннинг ичагига тармашган бўлсаям тушади, шуллик ўзи аччиқни, шўрни ёқтирмайди-да, унга дуч келса, тамом, қочади, қочади-я қочади, қаёққа борарди – сўлакка ё ахлатга қўшилиб тушиб кетади-да, шу ҳолига молниям, эгасиниям қийнайди”, деб илжайганча хотиржам бўлганини эслади. “Подобоқар отамнинг куни шу эди, мана янги

уй куриб бердим, укамни ўқишга киритдим, синглим тўй бўлиши керак, сеплари бўйнимда эди, тиллосигача олиб бердим, “Жигули” модадан қолган эмиш, укангга ўзингникига ўхшаш “Нексия” олиб берсанг, биз онанг билан керилиб тўйларга бориб юрсак, бу сенинг обрўйинг, Давлатбой омади келиб, обрўйи ошиб ота-онасини ўйнатиб қўйибди, деган гап яхшими – яхши-да, биринчи навбатда сен учун яхши эмиш”.

Одамзодники шу – бирим икки, икким уч бўлсин дейди. Бора-бора Пушкиннинг “Балиқ ва балиқчи ҳақида эртаги”даги кампирга ўхшаб сеҳр билан бой-бадавлат қилиб қўйган олтин балиқни энди шу балиқ ҳам менинг хизматимга келсин, дейди. Одам дегани тўймас бир ирkit.

Давлат – давлатсиз одамнинг давлати бўлди. Шундоғ ҳам бўлар эмиш-да: туф деган тупуги ерга тушмаса, бўл деган иши бўлаверса, Худойжоним бошқаларга тўққиз, бунга – ўттиз қилиб осмондан тап этказиб бериб турса, қиз тиласа берса, ўғил тиласа – берса, сулув тиласа, шу заҳоти қўйнига солиб қўйса, йўқ, бунга бадбин бўлмаслик керак, шукрини келтириб ҳиммат камарини боғламоқ керак. Бу қўлдан келади, қўлиям, кетиям очиқ унинг, бор экан – сарфлайди, ҳали яширгани, яширмагани қанча, баъзиларникининг олдида тариқчалик эмасми бу, тариқчалик, а. Вой-бў, замон келди, замон!

– Зиёда, сенинг Тошкенингдаям мол шулликлайди-ми? – деди маъшуқасига.

– Вой, ўламан, ўламану қоламан, нима девосиз! – деди у ва эркаланиб Давлатнинг билагидан икки қўли билан ушлади, елкасига бошини қўйиб йигитнинг билагидаги тукларни оппоқ кўрсаткич бармоғи билан силай бошлади.

– Қитиғим бор, – деди йигит.

– Шунчадан бери сезмаган эканман, – деб қулиб йигитга термилди қиз ва шарақлаб юбориб: – Қаерингизда? – деди.

Йигит одатда уни уят аъзонинг номи билан сўкиб юборар эди, маъшуқанинг эти қотиб, бунга кўниккан, бироқ бу сафар бошқа гап айтди:

- Сенинг қаерингда зиёдинг бор, нега Зиёдасан?
- Кўрмаган экансиз-да?
- Бугун кўрсатарсан...

* * *

Ишхонамизда бир ёши каттароқ бўлса ҳам сатанг, ўзини бўяб-бежаб, қошларини териб юрадиган одам бор. Ойнага соатлаб қарайди, бурни, қулоғининг тукларини тозалайдиган ускунаси ҳам бор, қулоқ тозалатигич – пахта ўралган чўпдан чўнтакка солволади, гоҳида коридор охиридаги ойнали шкаф олдида туриб олади-да, негадир ойнага қараб бошини ўнг ё чап томонга қийшайтирган кўйи берилиб қулогини чуқалайди-ей, одам ёғжиниблар кетади.

Малик акамиз баъзида эшигини ланг очиб туради-да, қарайди-қарайди, охири у ишини тугатавермагач, шартта туриб:

– Олмахоним тошойна олдидалар, ўзларини ойнага соялптилар. Бу ой чехрани кўрмаган нозли хонимчаларнинг кўпи уни туш кўриб айни дамда соч юлиш билан оворадурлар. Аканг қарагай бўлса шу топда қош термоқ, бурун катаги ҳамда қулоқ тешиги атрофидаги тукларни дағал хашак йиққан сингари ўриб-йиғиш ила машғулдирлар. Ҳайҳот Олмахонимизнинг ушбу юмуши ниҳояси хайрлик якун топишидан умидвормиз, – дея ваъз ўқиб қолади ўзига атай эшиттириб.

Аканинг исми “Олмахон”га айланганига анча бўлган. Ўзининг тежовлиқ ва бежовлиқлигидан мамнун, айниқса саришталилигини билган биз каби оддий ходимлар бу аканинг хурмача қилиқларидан кулмай ҳам қўйганмиз. Чунки бир одатни қанда қилмай юрган одамга кўз ҳам ўрганиб қоларкан. Бошида Малик

акамиз “Абдурахмонча” деган эди. “Меҳробдан чаён” романидаги Абдурахмон Бухоро мадрасасида таҳсил олиб юрган чоғларида аввал амирлик тураларига чухралик қилиб, улар базмини қизитади, вақт ўтиб, балоғатга етгач, “бачча базм”лардан қувилади, чойхоналарда, карвонсаройларда мусофирлар “хизмати”ни қилади, эътибордан қолмай, деб ўзини туклардан фориг қилиб юради. Аммо барибир, ниҳоят, кўчада қолади. Вақти-соати келиб ўз юртига келиб хон саройига ишга киришни ният қилади, мулла деган ном олади, буям етмагандай Анварга рақобат қилиб Раънога “ошиқ” бўлади...

Акамизни “Абдурахмонча” дейиш, албатта, ҳақорат ва бўхтон эди, сабаби бола-чақали, икки қиз ва бир ўғилнинг отаси, ҳаммасини уйли-жойли қилиб бўлган, айби унинг сатанглиги ва эллик олтига кирган бўлса ҳам Катта тўрага югурдаклик қилганида эди. Малик ака ҳам кейинги кезларда “Олмаҳон” атамасини тилдан қўймаса-да, зинҳор “Абдурахмонча”ни луғат бойлигидан ташлаб юборган. Табиийки, Олмаҳон Катта тўрага яқин бўлгач, уни масхаралаш ҳам ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин-да, Малик аканинг бўйи паканалиги етмагандай мансаб поғонаси юқориламаганлигининг туб негиз ва моҳияти ҳам шу нуқталар билан изоҳланса ажаб эмас...

Олмаҳон каминани ўзига яқин олиб сансирар эди. Кунларнинг бирида сан бола китоб ўқиб турасан, Пушкиннинг “Евгений Онегин”ини топиб бер, деб қолди. Уйда Ойбек таржимасидаги “Евгений Онегин” турарди, шу қидираман, тополмайман, китоб дўконидан русчасини олиб келиб бердим. Варақлади, кўрди, қошларини кафти билан обдон силади, шундоқ ҳам мойлаб ялтиратган энгагини икки қўллаб ишқади-да, гап бор-да, ўзбекчаси керак эди-да, деди. Кейинчалик ҳам кун ора “топдингми?” деб юрди, топмаганимни билгач, охири, майли, қўявер, титилиб, чириб кетгани

чиқиб қолди, деди. Сўнг гапи эсидан чиқиб қолгандай қайтиб келиб:

– Янганг русчани яхши тушунмайди-да, – дедию ортига бурилди. Сўнг тагин қайтиб келиб, кўзларини пирпиратиб:

– Иккинчи янганг, – деди-да: – Тсс, оғзинг маҳкам-ку, сенга ишонаман, қисиб юрган бой бўлар, – дея хиринглаб чиқиб кетди.

Не бўлдики, шу одам хотин, бола-чақадан воз кечиб ёш бир келинчакка, бировнинг хотинига уйланиб олди. Бир ўғилчали келинчак санаторийда Олмахонга сирли карашма қилган, демак, ўзи изҳори дил қилган, кунларнинг ёки тунларнинг бирида “Онегин”ни ўқиганмисиз, деб сўраган, ака ўқимаган бўлиб чиққач, китобни қидиришга тушган, Онегиннинг ҳам Ольга, ҳам Татьянага ошиқлигини билгач, англаганки, энди отни қамчиламоқ даркор. Қараса, ёш, келишган, барра нараса ўлиб турибди, ё Раззоқ дейдию...

Қаёқда, йў-йў, ғалва бўлмаган, бўлган-ку чиқар, ҳарқалай оила-ку, аммо биз сезмадик. Эллик олти ёшида бундай таваккалга қўл урганига барибир қойил қолмай илож йўқ. Оппоқ “Sonata Hyundai” машинасига, бўйи бир қарич, охирги моделдаги, юзлаб функцияли мобил телефонга ёхуд оҳорли кийимига кимдир қўл теккизса, ёинки хонасида нақ Бразилиянинг ўзидан келтирилиб ҳафсала билан кофеваркада эзиб тайёрланган кофесидан биров бир чимдим олса, чақмоқ қанд, новвот ёки ялтироқ жилдли шоколадларга қўл узатса, – Малик акага ўхшаш қитмирлар ҳам борда, – шунақа тўс-тўполонни бошлаб юборадики, нақ осмон ўпирилиб ерга тушгандек, шу асно биз мансуб бўлган бутун бир миллат маданиятсизга чиқади-қўяди, буларни тарбиялаб одам қилиш учун эса ҳали камида юз йил зарурлиги такрор айтилади. Ўзинг кимсан, дейдиган мард йўқ. Худбин бир одам. Шу ҳолига Навоийдан, Пушкиндан хабардор. Навоийнинг

бирор ғазали маъно-мазмунига оид мақола учраб қолса, уни бир четга олиб қўяди, тушунарсиз сўзлар изоҳини алоҳида дафтарга кўчиришдан эринмайди, шунда туйқус “оё” деган сўз айни шевадаги “кафт” маъносини англантишини билиб, “юрибсан-да баринг пишиллаб, ҳеч нарсанинг фарқини билмай, ахир бу Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах халқининг қадимдан келаётган маҳаллий шеваси-ку, Навоий даврида ҳам ишлатилган, сен шўринг қурғурлар бўлса, ҳар қаторидан арабча сўз топиб изоҳлашга тушасан, анави шоир акаларингга айт, Навоийдай ёзишсин”, деб иддао ҳам қилади, шундан кейин кўзларини пир-пир учиради, муҳим иши бордек хонасига кириб пардоз-андозга машғул бўлади, ҳойнаҳой қулоқ тозалайдиган пахталик чўпни қидираётган чиқар, Навоийни, бутун адабиёт ташвишини ҳал қилди, энди ойна олдида туриб бундан-да муҳим ишларни амалга оширмақ лозим...

Ўзбек дегани шундоқ маданиятли бўлиши керак.

Бу одам эҳтимол, севиши мумкин, гулдай келинчак бировнинг хасми бўлишига қарамай, унинг мойиллиги боис, оиласини бузиб ўзиники қилиб олишига, шундан кейин хотини ва фарзандларидан ҳам воз кечиб бошқа ҳаётни яшай бошлай олиш, журъати кўришиб турибди, бироқ охир оқибат у фақат ўзини севган бўлиб чиқади, ўзидан бошқа ҳеч кимни севмайди! Бу у одамни яқиндан биладиган мен ғарибнинг қатъий фикри!

* * *

Шунда сен жим бўлиб қолдинг. Негадир менинг мийигимда бўлса ҳам кулишимни хоҳладинг. Кутиб турганингни кўрдим, бироқ жиддийлик сақлаётганимни кўриб, “тавба” дея ёқангга “туф-туф” қилдинг, кўзларингнинг чуқуридан сиқилаётганингни сездим, сен эркинликка ундаётган эдинг, мен буни тушундим, лекин биласан, мен ўзим айтган гапнинг таъсирида юраман, соатлаб, кунлаб давом

этиши мумкин бу ҳолат, тавба қилаётган содиқ қулнинг тавбаси қабул бўлгунча эринмай кутиб туришига ўхшайди бу, “бунча кескинлашиб кетасиз, ака” деганингдан сунггина, қаршимда эркак эмас, дунёнинг малоҳатли аёли турганини сезиб қоламан, устингдаги либос ўзгарса, янгиланса, ўзинг ҳам ўзгаргандай бўласан, мен шундай ўзгараман, кўзларинг ўпқонига сассиз чукаман, буни билиб секин томоқ қирасан, бу билан ўз жозибасидан ижирганган малика ҳолига тушасан, на ичдан, на ташдан ўзингга юқтирмайсан, бошқа эркаклар каби шилқ тушишимни ҳам хоҳламайсан, чидамли, сабрли ва гурурли бўлиб қолишимни истайсан, бу қанчалик узоқ вақт давом этмасин, шу ўрталик, шу бўшлиқ тураверсин, дахлсиз бўлсин, дейсан. Кўзларингдаги буйруққа бош эгаман. Оилали, фарзандлар отаси бўлсам, сен эса бокира, ҳаётнинг турли шафқатсиз синовларига дош бериб келаётган бўлсанг-да, ўша кўринмас риштани бир зумга бўлсин қўйиб юбормайсан, ечилиб-ёзилиб кетишидан чунонам қўрқасан, шу боис ҳатто қўлингнинг ҳароратини ҳам билмайман, юрагинг, кўзинг ва сузингнинг тафтини ҳис этиб тураман, холос.

Кўзингнинг ости билан Давлатга бир зум қарашинг ҳам мени ўртаб юборди. Шугина, биргина шу қиз унга маҳлиё бўлмаса нетарди, деб ўйладим, лаҳзаларнинг ичидаёқ кўп жойга олов кетди. Сенинг ичингда нима галаён кезди, билмадим, лекин Холиқ эгам бандасини мафтункор қилиб яратаётганда эркак-аёллигига қараб ўтирмас экан-да.

Давлат худбин эмас. Шу учундир идорамиздаги эллик олти ёшли шоввоз ошиққа ўхшамайди. Унинг пули кўплигини айтган эдим, лекин иши қалтис, чега-рага яқин жойда ҳарбийда ишлайди, бир сафар ишдан ҳайдалаётганда уч кун бизникига танда қўйиб олгани, э, айтсам биров ишонмайди, ўшанда анави эллик олти ёшга кирган танноз ака пулини олиб ишини битириб берган, мана, яна ўйнаб юрибди, бир ёнида пули, бу ёнида “ёри”...

Уч йил бурун у машхур Сохиба Мардонованинг раққосаси Мадина Комиловага қаттиқ боғланиб қолди. Қачон қарасанг кунда-шунда, шаҳарда. Қиз уни роса шилди. Кимдир йигитнинг чиройига учган дер, бўлса бордир, аммо камина раққоса унинг пулидан фойдаланмоқчи бўлганини эътироф этган бўлардим. Охир оқибат шундай бўлиб ҳам чиқди. Аввал қиз йигитни ўзига иситиб олибди, шаҳарга серкатнов бўлиб қолгач, у ёқда хитланган келин ғавғо кўтарибди, деган гап эшитдим. Ҳатто раққосага пойтахтдан бир хоналик уй ҳам сотиб олиб берибди, келса, Давлат уч кечаю уч кундуз раққосанинг уйидан чиқмай ётармиш, бўйнига юз элик граммлик тилла тросс, бармоғига қайиқнусха катта узук, эғнига “Fashion” тележурналида кўрсатиладиган сўнгги модадаги пальто олибди, ана-мана оқ “Lacetti” совға қиламан деб турганида, бирдан...

Тўғри, мен у раққосани билардим. Сохибанинг концертида кўрганман. Рақс санъатини ё яхши тушунмайман, ё Қизлархон Дўстмуҳаммедованинг ўйинидан бошқасини тан олмайдиган консерваторман, ҳарқалай раққоса мени лол этгани йўқ. Ростини айтганда чиройи ҳам нон ботириб ейдиган асал ё атала эмас. Эшитганманки, пулини чангаллаб шаталоқ отиб юрганлар телевизорда чиқиб турадиган аёлларга кўп ишқибоз бўлар эмиш, ўзаро зиёфатларда экранга қараб “ана, бизники чиқди, кўриб қўйинглар, қандай?” деб мақтаниш учун. Уйида бўлса келин қўли косов, сочи супурги бўлиб хизматни қилиб ётади, қайнотаси, қайнонасининг кўнглини олади.

Хуллас, мени раққоса эмас, Давлатнинг хуштори сифатида эътиборимни тортган. Табиийки, у ҳам ўзини ўйнаш мақомидан баланд тутолмаган. Яъни дам-бадам зобитнинг мўйлабини силаш, елкасига бош қўйиш, қўлини қўйиб юбормаслик каби шилқим хатти-ҳаракатлари билан эсимда қолган. Ҳозир Давлатнинг пинжиги суқулиб олган официант қиздан сира беҳ эмас.

Эсимда қолган, деб айтаётганимнинг боиси, энди у Давлат томонидан унугилган, ўтмишдаги қизиқ воқеадан бери эмас. Ўшанда йигит “ака, нега шу қизга бундай боғланиб қолдим, ҳеч тушунмайман”, деган эди. Ҳолбуки бошқаларини пайпоқдай тез алмаштирар эди. У Соҳиба ўз раққосасини мендан рашк қилади, деб юрди. Бу – рост. Давлатнинг хотинига ҳам Соҳиба хабар қилган бўлса керак. Мадина мени ўқитиб, ўзига иситганмикан, деган гумонга борди. Ниҳоят, бу ҳам рост бўлиб чиқди. Давлат номи чиққан муллага қайта-қайта дам солдириб, аранг қутулди. Лекин ўқитиш асносида яҳудий киши коньякка дуо қилиб бергани, раққоса уни ичириб, қолганини олиб қўйгани, то коньяк йўқотилмас экан, дуо кучида қолиши муқаррарлигини билганида...

... Эрталабки ҳарбий сафланишда турганида шериклари одатдагидек командирдан танбех, сўкиш эшита бошлаган, навбат Давлатга келганида, у боши оғиб, аввал олдинга бир, кейин орқага тентираб икки қадам ташлагану чалқанчасига йиқилган. Ҳушидан кетганча ўзига келмай ётаверган. Туман шифохонаси дарҳол шаҳардаги госпиталга жўнатмаса бўлмайди, деган. Госпиталь бош врач бошини томография қилдириб, бош мия қон томирлари ёрилиб, қон қуйилганини, аҳволи ўнгланишига умид йўқлигини аниқлаган. Ҳарбий қисмдан келган командирга ҳам уйидагилар тайёргарлик кўраверсин, энди одам бўлмайди, хоҳласанглар олиб кетаверишларинг мумкин, деган.

Ўша кун ичида ҳарбий госпиталь ҳовлисида йиғи-сиғилар бошланиб кетган. Келиннинг эси оғаёзган. Ўтириб олиб: “Тўрам ўлмайди, менинг майорим ўлмайди!” деб бақираверган.

Келин ва гўдакларини Давлатнинг Чилонзордаги уч хонали уйига қўйиб келдик. Қаёқда, тонг бўзармай тагин болаларини олиб шифохонага келиб турибди. Ҳовлига ўтиш эшиги очилмагани учун “оч!” деб де-

разага муштлайди. Шу зайл таҳлика ва хавотир ичида беш кун ўтди. Жонлантириш хонасида йигит олгинчи кечада кўзини очибди. Рус ҳамшира қиз чиқиб қариндошларидан суюнчи олибди. Қариндошлар ҳатто Исроил давлатига олиб бориб даволатамиз, деб тараддуд кўра бошлаган эди. Бироқ госпиталь бош ҳакими Исроил, Германия, Америка ҳам ҳеч нарса қилолмайди, булар иш бўлди, бу ёғига жанозага тайёрланаверинглар, деб очикдан-очик айтган эди. Аҳвол ўзгарганини кўриб у ҳам таажжубда қолди.

Беморнинг кўзи очилишга очилди-ю, у тамом хотирасидан айрилган эди. Атрофга қарар, лекин ҳеч кимни танимас эди. Ҳамшираларнинг айтишларича, у энди овқатга тўймас эмиш, қариндошлар берган егулик, шифохонадан бериладиган бўтқаю макаронларни ҳам кўрдим демай паққос туширар эмиш. Йигирма уч кун деганда бизга ойнадан қарашга рухсат беришди.

Бизга кулиб қаради. Лекин бирортамизнинг исми-мизни айтмади. Ёнидаги гўзал рус ҳамширасининг икки ўрим сочидан ушлаб сийпар, афтидан ҳамширага ҳам бу ҳолат ёқиб тушган эди. Бизга ҳам, хотинига ҳам вазият эриш туюлмас, муҳими, унинг кўзи очилгани, омон қолгани эди. Кунлар ўтиб уни палатага чиқаришди. Энди у одамларни танир, лекин исмларини адаштириб юборар эди. Укаси бир тутам бўлиб кетган соқолини олди, лекин у мўйлабимни қирқмайсан, деб қаршилиқ қилди.

– Мана, калладан ҳам қутулдик, – деди бир куни пиқ-пиқ куларкан. – Ўзи шу сабил одамни қийнаб ётаркан-да. На ишлайди, на оғрийди, сопсем маза.

– Лекин, – дейди йиғиштириниб ўтираркан, – қарз пуллар бор-ку, биринчи бўлиб шу эсга келди. Қойилмисиз? Дафтарга ёзиб қўймапман, деб афсус қилаётган эдим, ҳаммаси тип-тиниқ эсга келди. “Нексия”ни Илёс акага сотганим, ҳали уч минг доллар қарзи борлигини биринчи бўлиб эсладим. Хотин, болалар кейин хаёлга келди...

Ҳаёт ўйин эмас, у бир марта берилади.

Давлатнинг онаизори, отаси ўшанда қай аҳволга тушганини тасаввур қиламан. Агар ўғлон ўлса, уларнинг ҳаётида маъно қолмас эди. Ва мана бу ўйин-кулги, ҳазил-хузуллар ҳам аслида Давлатнинг иккинчи ҳаётида рўй бермоқда эди. Аммо йигит ҳали ҳам бу қисмат Худонинг бир инояти, иккинчи ҳаёт-улуғ марҳамати, деб ўйлаб ўтирмасди. Раққоса Мадина унинг ҳаётидан йўқолиб кетди, бугун-эрта ўлади, деган гапга ишонган дўстлари ҳам бир фурсат оёқ узсалар-да, кейин яна яқинлашиб олишди. Ёлғиз ўғлининг хатна тўйига Тошкентдан сараланган ҳофизларни чорлади. Минглаб одам келди. Ҳоким ҳам келиб тараққос ўйнади. Оддий қишлоқ аҳли артистнинг чаккасига яшил пул – доллар кистирилганини ўшанда кўрди.

Давлат Тошкентдан тагин иккита уй сотиб олиб ижарага одам қўйди. Ҳали ҳам у артист-ҳофизлар билан жўра, ошна, апоқ-чапоқ эди. Бугун ҳам ҳойнаҳой “Чақмоқ” кафесига бориб улфатчилик қилсак керак. Давлат телевидение бошловчиси Толиб Султонни, Зарина Маъдиевани, уларга қўшиб қатор эстрада қўшиқчиларини чақирса керак, Майрам опа ғаш келиб орада бирровгина ўзига навбат келишини кутиб ўтирса керак. Ҳофизлар одоб юзасидан “опадан ҳам бир жуфт мумтоз ашула эшитайлик” дейишади, албатта. Опа ноз-фироқ қилиб ўтирмайди. Навоийнинг “Тортамен” радифли ғазалини маромига етказиб айтади. Сўнг “Муножот”ни сўрашади. “Мен кампирда овоз қолдим, балларим, “Муножот”га кучим етмайди”, дейдию ўша заҳоти эшилиб-тўлғониб “Муножот”ни бошлаб юборади. Ора-чора Давлатга хезланиб: “Чўз, чўз, ўлмайсан!” дейди. Давлат бир четга ўтади-да, кўзлари қисилиб кулганча қарсак чалиб тураверади қитмирлик билан. Лекин пул узатмайди. Опа кетаётганда барибир олади. Камида икки юзга туширади ва дуо ҳам қилишни унутмайди. “Арслонкелбат укажоним, сани

яхши кўраман, олгину олдирмагин”, дейди. Пулни олгач, қулоғига яна бир нарсa дейди-да, ҳиринглаб майда юриш қилиб чиқиб кетади. Машинага чиқаётганда эса: “Сан бала қизларга кўп ўралашма, путингдан озилиб ўласан, ў, ишинг нозик!” дейди-да, йигитнинг пешонасидан ўпади...

Ўшанда нималар ҳаёлингдан кечганини билмайман, аммо мум тишлаб жим қолганингни кўрдим. Менинг ҳаётимда, умуман, менга қадрдон инсонлар орасида шунақа феъл-атворлиси ҳам борлигини билдинг. Давлат билан бугунги кўришувимизда аниқ бир режа йўқ эди, нари борса бирга тушлик қиламиз, деб ўйлагандим, Майрам опа Давлатга Аврам Толмаснинг концерти бўлишини айтганини эшитгач, сени ҳам таклиф қилгим келди. Аврам Комилжон Отаниёзов эмас, Отажон Худойшукуров ҳам эмас, аммо мумтоз қўшиқларни тинглайсан, мен ҳам сенга ўхшаб замонавий эстрадага ҳушим йўқ. Чарчаблар кетаман баъзан. Аммо эсингдами, бизнинг илтимосимизга кўра Соҳиба Муқимийнинг “Ким десун”ини ижро этди. Кўнгироқдай овози бор-а, ҳатто Майрам опа ҳам туриб қарсак чалди. Сўнг барибир орқасидан енгил-елпи қўшиқларни бошлаб юборди.

Давлат ҳам Хоразм қўшиқларини ёқтиради. Оғабек Собировнинг дискини тинимсиз эшитади, мени кечир, Хоразм оҳангларидаги баъзи тинимсиз такрорлар мени зериктиради. Отажону Комилжонлар бошқа дунё. Сени Давлат “Лазги”га ўйингга таклиф қилди. Хиром қилдинг. Илгари бир тўйда ўйнаганингни кўрганман, аммо бу даражада чиройли хиром айлашингни тасаввур ҳам қилолмаган эдим. Чиройли ҳаракатингни кўриб Давлат ўйинни бас қилди, четга чиқиб чапак чала бошлади. Ҳайратланганимдан қандайдир рақс мактабига қатнамаганмикан, деган ўйга ҳам бордим.

“Ҳаётимиз гўзал, юртимиз фаровон, юртдошларимиз қалбида хотиржамлик. Осмонимиз мусаффо, ватанимиз

тинч, осуда..." Давлат сени шу гаплар билан масхара қилмоқчи бўлади, негаки, радиода бошланадиган ҳар бир калом шундай ёки шунга яқин гаплар бўлади-да. Лекин сен эътибор бермадинг. Худди эшитмагандай муқомни давом эттиравердинг, шундай қилганинг менга маъқул, ҳар гапга жаҳл қилаверсанг, бу дунёда дўст қолмайди. Давлат бирданига Соҳиба ва ёнидаги йигитларга қичқириб "вальс бўлсин!" деди. Хорижий мусиқа янгради. Давлат сенинг қўлингдан тутмоқчи бўлди, негадир хоҳламай четга ўтдинг, у яна бориб қўлингдан ушлаган эди, мен томонга чопиб келдинг, вальс тушмоқчи эмаслигинг кўриниб турарди. Давлат яна ортингдан келганида, беихтиёр мени даврага тортиб кетдинг. Умримда вальс тушмаган эдим, белинга қайноқ тафт сездим, қўлингни елкамга қўйсанг-да, кўзимга сира қарамас эдинг. Мен эса қарашингни истаётгандим. Уятсизманми? Йўқ, майли, қарама, тананг, баданинг борлигини ҳам билмай қўяқолай, бўса олгим келади, майли, лабинг ҳам бўлмай қўяқолсин, кўзларинг етади, мен кўзларинг тубига уммонга чўккан янглиг чўкиб кетаман, тахайюлим ичида вазнсиз бўлиб юриш қандай ёқимли. Гузаллик тотиш, баҳраманд бўлиш эмас, тасаввурда. Сен гузалдирсан, У гузал бўлгани учун, хаёлинг гузал – У сенга гузал ўй бергани учун, кўзларинг чашмадан тиниқ – сенга берилган кўзёш гузал бўлгани учун, қўлларинг иссиқ – У меҳрибон бўлгани учун.

Сени қучмоқ, ушмоқ у ёқда турсин, севишга ҳам қўрқаман!..

Даврада эса Давлат аввал Соҳиба билан, сўнгра бояги официант қиз билан вальс тушди, официант қиз йигитнинг кўкрагига бошини қўйди, қўйиб берсанг йигитга ёпишиб, чирмашиб кетса. "Арслон бола" бу қизга, Соҳибага, бошқаларга ҳам кези келганда кун бермайди...

Сен эса жон синглим, жон овунчоғим, жон покиза хилқат, уни, уларни севиб қолма, биргина сен севма!

Мен уларни ёмон кўрмайман, яхши кўраман, сабаби, шуларнинг ичида яшайман, бирга ейман, ичаман, танти-

лигини ҳурмат қиламан, тўю томошаларда ёнида бўламан.

Бир пайтлар менинг иродамни ҳурмат қилишингни айтган эдинг. Худбинман. Яна-чи, деган сўрогимга, бўлди, деб қўяқолгансан.

Ҳозир ҳам сув бўйида, баланддаги чироқ ёруғида худди сокин сув юзида балқиб бораётгандексан, сен ўзингни мендек кузатолмайсан, кузатувчининг эса ичи шу қадар қораки, қайси бир вақтда “Огонёк” журналида босилган латиш фотосуратчисининг фотосини эслаб қолди: кўпикланиб тўлқин ураётган уммон, ялангоёқ қиз қиргоқдан сувга қараб юряпти, йўқ, у ялангоёққина эмас, бутунлай ялангоч. Фақат сочлари шу қадар узун ва қалинки, бутун танасини тўсиб, ёпиб турибди. Шундоқ қараганингда, сув, ҳаво, осмон, нозик оёқлар ва... ёлғизликни кўрасан, холос. Қизнинг сийрати фақат гўзалликдан иборат эмас, у – танҳолик белгиси, қизнинг мисли йўқ, шу баробар тенги йўқ, шу боис дўст тутингани – уммон, ҳаво ва осмон.

Сув юзига қўнган оққуш.

Уша қизга ўхшашиб гуноҳга ботдим. Гуноҳкорни ортда қолдириб илгари одимладинг...

“Гуноҳ – йўқотишдан, тоат – макрдан холи эмас”.

Тириклик эса – мўъжиза.

– Бояги гапни ўзингиз тўқидингизми?

– Йўқ, бу фикрни тўқиб бўлмайди. Бир авлиёники. Абул Ҳасан Нурий. Нуротани биларсиз?

– Гуноҳ – йўқотиш, тоат – макр... қизик.

Утирмоқчи бўлиб ўриндиқ қидирдик. Ҳамма жой “севишганлар” билан банд эди. Холи жойдаги скамейкага яқинлашувдик, чийиллаган овоз эшитилди. Хира қоронғиликдаги скамейкада иккита ёш вужуд битта бўлиб ёпишиб ётган эди. Овоз соҳиби ўриндиқ бўш эмаслигидан бизни очоқ қилган эди.

Мен сени ўйладим, сен – кимни?

Давлат ҳақида гапирсам, рангинг ўзгаради. Сенга тўхмат қилишдан, тўғрироғи, хафа қилишдан чўчийман.

Нарироқ юргач:

– Демак, бу йўқотиш. Йўқотиш учун аввал топиш керак, тўғримасми? Тавба қилиш учун эса аввал гуноҳ қилиш керак, а?

– Вақт – тигиз, умр – югурик. Вақт зиқлиги гуноҳ учун етарли...

– Ҳа, дарвоқе... Ака, бизлар киммиз ўзи?

– Сиз Давлатни бахтиёр деб ўйлайсизми?

– У сиз билан менга ўхшаб ўйламагани, ҳасрат қилмагани учун бахтли.

Тондинг. Тўғри.

– Калта ўйлаган, оз нарсага қийқириб қувонган бахтли.

* * *

Давлат бу атрофда телефон антеннаси яхши эмаслиги учун нарироқдаги дўнгликка чиқиб ким биландир баланд овозда гаплашаётган эди, шу боис пастда бетоқат қичқираётган ўсмирнинг товуши эшитилмаётганди... Бундоқ қараса постдаги югурдак Шухрат. У Давлатнинг тезроқ пастга тушишини ҳам бақириб, ҳам ишора чорлови билан зўр бериб тушунтираётган эди. Давлат дўнгликдан чопиб пастга тушди. Шом тушиб келаётган эди. Шухратнинг шошиб-ҳовлиқиб тушунтиришича, постга беш юз-олти юз қадам етмасдан бир “Сaptiva” қаттиқ авария бўлган. Икки томонлама йўлнинг ўртасидаги катта бетонга шу қадар қаттиқ урганки, шофёрнинг кўкрагини рул сиқиб жойида ўлган. Афтидан у ҳам ҳарбийга ўхшайди. Ланг очилиб қолган дипломатида ҳужжатлари ва катта миқдорда пули бўлган.

– Нима қилдинг уни?

– Шудгорга кўмдим.

– Яхши, лекин документи қолдириш керакмиди?

– Энди иложи йўқ, ака.

– Ҳа, бўпти. Пули кўпмиди?

– Учовимизга бир умрга етади.

– Йўғ-э, долларми?

– Ҳа, Худо берди, ака.

Машина деярли йўқ бўлиб кетган, ўриндиқ ва рул ўртасида сиқилиб қолган ҳайдовчининг аллақачон жони чиқиб бўлган, ўрнидан қўзғатиб чиқариб олиш ҳам амримаҳол. Шошилишча тиббий ёрдам ва қўшимча наряд чақирилди. Ёши элликни қоралаб қолган бу одам бошқа бир вилоятдаги чегара ҳудудидаги божхонада яхшигина вазифада ишлайдиган подполковник бўлиб чиқди. Шундан сўнг унинг орқасидан суриштира-суриштир кучайиб кетди. Шахсий ва идорага оид ҳужжатларининг йўқолгани сирли эди. Оиласидагилар ҳам келиб Давлатдан, шериги Акмал ва дастёр Шухратдан ўсмоқчилаб дипломат ҳамда ичидаги ҳужжатлар ҳақида суриштира бошлашди. Тергов органи уларни икки ой бадалида чақиравериб, тинка-мадорини қуришиб юборишди. Лекин бир иш чиқмади. Булар ҳам оғзи маҳкамлик қилишди. Охири икки ойдан сўнг қоронғида уч ўғлон дипломатни топиб, ичидаги пулни қоқ учга бўлиб олишди...

Оғзига кучи етмаганлар пул миқдорини худди санаб кўргандек мунча эди, унча эди дейишарди. Қайдам. Биз билмаймиз. Аммо туғилган кунига айна уч кун қолганида Давлат менга айна ўша “Чақмоқ” кафе-сида қирқ ёшини нишонламоқчи экани, янга ёки “янгалар” билан ўтишим зарурлиги қаттиқ тайинлаган эди.

Мен сенга телефон қилиб ўша кунийёқ огоҳлантирган эдим. “Яна туғилган куними укангизнинг? – деб сўраган эдинг. “Ҳа, бу сафар ростакамига туғилган кун, роп-ро-роса қирққа киради. Келинг, бирпас ўйнаб-кулишамиз”. “Боришга бораману, “янга” деб одамнинг шўрини қурилади-да у одам”. “Тайинлаб қўяман, айтмайди”. “Ундай бўлса...”

Шундай қилиб, рози эдинг.

Туғилган кунига уч кун қолганда...

Ҳар қандай касаллик кутилмаганда ташриф буюргани сингари ҳар қандай ажал ҳам эшик қоқмай кириб келади ва танангдан жонингни суғуриб олади-ю, хизмат вазифасини ўринлатган қарол янглиғ ҳаммани қон қақшатиб ортига совуққон қайтади.

Давлатга бир дард сўрамай келган ва не ажабки, у нақд ажалнинг комидан қайтиб келган эди. У энди кўп яшашига астойдил ишониб қолганди. Аввалига бироз дўхтир айтган парҳезларга амал қилиб юрди-ю, кейин парво қилмай қўйди, ҳар уч ойда госпиталга келиб кўриниши, зарурат бўлса, ётиши керак эди, уни ҳам қилмади. Мен зулукчи, қортиқчи табиблар топиб берган эдим, бошида зўр экан, одамнинг бошидан туман кўтарилгандай бўларкан, деб юрди-ю, кейин...

Дипломат воқеасидан кейин қаттиқ тергов қилишгани бор гап экан, умуман, ўша тафсилотлар Бўкирбойнинг гапи. Мен энди-энди орадан саккиз йил ўтиб эшитяпман Бўкирбойдан.

Қичқирбой ҳам бир нарса деганди. Бу иккинчи тахмин. Йўқ, далил ёки сабаб эмас – тахмин.

Чегарадаги постда қўшни давлат зобитлари билан бир масалада тортишув бўлиб қолади. Қичқирбойнинг айтишича, қандайдир келишмовчилик бўлиб қолган, Давлат ноҳақ бўлган, сўнг ур калтак-сур калтак қилишган. Давлат қаттиқ таёқ еган, шу бошига таъсир қилган эмиш...

Учинчи тахминни юқорида йўл-йўлакай зикр қилган эдик. Яъни раққоса Мадинахон Давлатбекка иккинчи хотин мақомида бўлиб юрган кезлар ўзига тамом қаратиб олиш ёхуд пулидан фойдаланиш ниятида дуолар ичирган. Дуо ҳам эскирса, бориб-бориб мияга уриб кетармиш. Бу энди, Милтиқбойнинг сўзи.

Милтиқбой ҳам, Бўкирбой ҳам, Қичқирбой ҳам сўзамол йигитлар. Қолаверса, Давлатбекнинг улфатлари. Ёлғон айтиб нима қилади, дўстга ачинаётгандир-да.

Нима бўлганда ҳам йигит қирқ ёшга тўлишига уч кунгина қолганида, менга телефон бўлдики, йўқ, бу сафар ўзига келмади, туман шифохоасида жони узилди, эртага пешинда, Гулчамбардан, ота уйидан чиқаришади...

Қай аҳволга тушганимни билмайман. Бироқ ўлимнинг ёлғони бўлмайди.

Кетар чоғим сенга телефон қилдим. Бирдан жимиб қолдинг. Гушакни қўйдим. Бироздан сўнг қайта қўнғироқ қилсам, кўтармадинг. Йиглаётганингни сезиб қолишимдан қўрқдинг.

Сен барча бошқа қизлар каби уни севиб қолган эдинг. Бу сафар... гумоним тўғри чиқди!

2016 йил

ЮК

Султон ғаройиб тушлар кўрар эди. Мисол, кўпинча дадасининг ва ойисининг елкасига кимдир миниб олганини кўрар, бу гал ялангоёқли икки одам икковининг елкасида ўтирганини кўриб, бирданига бу мен эмасманми, деб юборди. У энди тук боса бошлаган оёқларни таниган эди. Уйғониб кетди. Бироқ уйғонса ҳам, шу ҳолат кўз ўнгида тураверди. Гарчи ота-онаси базми жамшиддан тунда кеч қайтган эса-да, эрта туриб бомдод намозини бири даҳлизда, бири меҳмонхонада ихлос билан ўқимоқда эди. Иккита Султон икки елкага маҳкам ўрнашиб, қўллари билан икковининг ҳам ияклари остидан қисиб бўғиб олган эди. Султон онасининг эғнида бувисидан қолган узун этакли яшил кўйлақдан таралган бир мунис бўйни туйди. Бир энтиқди, айна пайтда бу ҳид бувимнинг оқ чорси рўмолидандир деб ҳам ўйлади, йўқ, ойиси сочини ўткир ҳидли ажабтовур шампунда ювган, шу боис рўмолнинг ҳиди у билан қоришиб кетган эди.

Бувиси уни айрича яхши кўрарди. Эмишки, дадаси туғилганида ярим ойни, бу неvara туғилганида бутун ойни туш кўрган эмиш. Дадаси боласининг бўш-баёвлигидан нолиб, баъзан аччиқланиб танбеҳ бера бошлаганида бувиси ўғлини тўхтатар, бу боланинг ҳали келгусида катта мартаба эгаси бўлишини куюниб уқтира бошлар, шунда ота тек турмай: ҳа, кўриб турибмиз, мактабни тузук-қуруқ ёлчителиб ўқимаяпти-ку; бундай-лигимда мен олтин медаль оламан, деб ҳаракат қилар эдим, бу эса ғирт саводсиз бўлиб ўсяпти-ку; эртага зўр

одам бўлиши учун ҳозир ўқимайдими, тентак десанг – тентак эмас, соғ десанг – соғ эмас; тавба, ҳали кўп куйдиради бизни, дерди.

Отаси шундай кез ўғлини уриб юборгудай хезла-нар, аммо қари бувиси уни бағрига олиб атай эркала-таверганини кўриб шаштидан тушар, бир илинж ис-таб нари кетар, кампир неварасининг бармоқларини ушлаб, узунлигини қара бунинг, бармоғи узун бола бахтли бўлади, ҳали қараб тур, бу тойчоғим йигит бў-либ етишса, ҳамманг ҳузур-ҳаловатини кўрасан, унда мен бу дунёда бўлмайман-да, дерди.

Ота ўйлаб қолардики, ростдан ҳам, узун бармоқ эгаси бахтли бўлармикан, деб. Ўзининг дағал қўллари-га қараб мен бахтсизманми, агар бахтсиз бўлсам, шу эсар ўғил сабаб, дерди қатъий. Султоннинг икки опаси бахтини топиб кетди. Илгари улар ҳам укасини эрка-латгиси келаверарди. Ойиси гоҳо унинг бошини силаб, елкаларини уқалар, отасининг кўзи тушиб қолса, чақа-лоқми бу, эмизақол, устундай бўлиб, онасининг тиз-засида ётишини қара, дерди тутқиб. Чўчиб уйғонган-дай туриб, ташқарига чиқиб, узоқ юрар, бир маҳаллар қайтиб келиб, ўрнида ухлаб қоларди. Агар шу ҳол рўй бермаса, яъни ойиси уни силаб-сийпаб ўтирганда ота-си келиб қолмаса, онасининг тиззасида ювош мушук-дай донг қотарди.

Отаси унга деб уй қураб, манаман маркали машина олар, дўстларидан кам бўлмасин деб оҳорли, зўр ки-йимлар харид қилар, ойиси шаҳарнинг маликасиман, деган қизларнинг остонасини супуриб юрарди.

Ёлғиз ўғил бўлса, бундай ўмганини кўтариб, яхши одам бўлишга ошиқмас, ўйлангани ўйланган, бирор нарсага бел боғлаб ҳаракат қилмас эди. Уйқудан туриб ҳам яна карахт, уйқусираб юриши отага сира ботмас, шундай вақтлари тўйиб ичиб олиб, юрагида борини тўкиб-сочар, ҳимояга отланган онасини ҳам аяб ўтир-масди. Ҳамма ёқ босилгач, ойиси эрининг фиғону ҳас-

ратлари таъсирида бўлса керак, “Қачон одам бўласан ахир?” дерди йиғламсираб.

– Ойи, ҳали зўр бўламан, кўрасиз, – дерди ўғил. Бу охирги ваъда эмас эди. Одам ўзгарса ваъдаларсиз, шундай, бир ички хулосага келиб интилиш бошланади, тамом. У эса шунча гапдан кейин ҳам хонасига кириб, жуда тинч, ҳеч нарса бўлмагандай пишиллаб ухлаб қолар, яна зўр ишни қотиргандай чошгоҳгача ёстикдан бош кўтармас, ойиси уйғотса туриб, юз-қўлини чайиб, дастурхондаги ҳар нарсадан чўқиб пала-партиш, тўйиб овқатланар, кейин хонасига кириб, бир рус файласуфининг китобини юзига қўйиб, тагин уйқуга кетарди. Унинг уйқуси кўп ва пала-партиш, тўйиб овқатланиши ақли расо одамнинг иши эмас, деб кўрқиб кетарди ойиси. Орзу-ниятлари бирин-кетин чиппакка чиқаётганидан кўнгли тўлиб хўнграб йиғлаб юборарди. Ўғил бу куюнишлар ўзи учун эканини сезар, ҳис қилар, одам бўлиш, яхши одам бўлиш ҳақида хаёл сулар, бироқ атрофидаги одамлар билан тил топишиш нақадар оғир кўринар, уйининг учига етолмай, тагин тўшакка чўзиларди...

Уйқудан туриб яна ойисига онт ичарди.

Турмушдаги бундай бир хиллик унинг ўзига ҳам ёқмасди, албатта. Аммо шу бир хилликни йўқотиш, янгича яшай бошлаш учун на журъати, на кучи бор эди.

Бувиси ҳам намоз ўқиганда устига катта оқ булут кўланка солиб турарди. Чамаси, булут вазнсиз кўрингани билан ўта залворли, қари ва озгин кампирни букчайтириб қўяр, саждадан қаъдага турганида бу яққол сезилар, “самийаллоҳу лиманҳамидах” каломини йиғлаб-инграб, базўр айтар эди.

Неварасидан бу ҳақда эшитганида, буви гапнинг маъносини тушунмаган, ишқилиб, бир нарса елкамга оғирлигини ташлаб туради, деб қўяқолган ва ўйлаб қарасам, бола чоғимдаям шу юк бор эди, ҳеч қутулмадим, балки ўлгунча қутулмасман, деб уф тортган

эди. Буви кучдан қолиб қойимни эплаёлмай, ўтирган қўйи юз ракаат нафл намози ўқиган кезлари ҳам шу оқ булут уни сира тарк этмас, қизиғи шундаки, булут фақат Султоннинг кўзига кўринарди, холос. У ҳам булут бувисининг елкасига ўтириб олардими, тегиб турардими, тегмасмиди, шунисини билмасди. Бувиси ниҳоятда қийналиб қад ростлаётганида булутни устидан тушириб ташлашни ё ҳайдаб юборишни хоҳлаб қоларди. Лекин бировнинг ибодатига халақит бериш мумкин эмаслигини яхши англади.

Дадаси қўшнисининг хароба ярим ерини катта пулга сотиб олиб, яна бунинг эвазига қолган ярмига уй қуриб бериб, ярмини ўзиникига қўшиб иморат солиб, унинг бир қисмини онаси учун яхшилаб таъмирлаб, атай, гарчи газ ва иссиқ полда уй исиб турса-да, ўтини қишда чарсиллаб шуъла сочиб ёнадиган печ қуриб, қибласига меҳроб ясатиб ва кўркам патгилам жойнамоз тўшаб берганида, момо тамом қариган, намоз ўқиш асноси мук тушиб ухлаб қолаверар эди. Узун кунларнинг бирида ўғли қўй сўйиб одам чорлади, маъракада муфтий ва домла-имомлар ҳам бор эди, зиёфат чоғи чўққи соқол бир мўйсафид онахонга каттагина ўроғлиқ қоғозни очиб ўқиди, унда Ҳабибуллоҳ исмли араб талабаси онахонни ҳожи бадал қилдиргани, бунинг тасдиғи учун Саудия подшосининг муҳри урилган қоғознинг тепасига ҳажни адо этган йигитнинг фотосурати туширилган, онахоннинг исми ва отасининг номи қизил арабча ҳарфлар билан битилган эди. Бир мис кўзада зам-зам суви, бир талай тасбеҳ, тахлам-тахлам жойнамоз, яна Қуръоннинг ниҳоятда бежирим қилиб чоп этилган нусхалари тухфа қилинди. Кампир каломуллоҳнинг бирини олиб тавоф қилар экан, қуриб қолган кўзларига ёш қуйилиб келди, ўпкаси тўлиб, негадир “Раҳмат, эшон бобожон, босган қадамингизга гул битсин”, деб йиғлади.

Атрофда қариндошлар, қизлари ва неваралари тўнланган эди. Неваралар гул тутар, қизлари эса қимматбаҳо рўмол ва кимхоб либослар кийдиришар эди. Момо шу уйда бир ой яшади, тўғрироғи, бир ой кўрпа-тўшак қилиб ётди-ю, сўнг омонатини топширди.

Султон яна бир ой шу ерда оқ булут айланиб учиб юрганини кўрди, сўнг у ҳам қайгадир ғойиб бўлди.

Иилдай узун қиш кечаларида Султон уйқуси қочиб бувисига аталган уйни айланар, меҳрибон юзли момони кўз олдига келтирар, меҳроб ёнига келиб жойна-мозга чўқар, аммо намозни билмагани учун ётиб-ётиб ухлаб қолаверар эди.

Уйдан чиққанида папка елкалаган ўртоқлари мактаб сари ошиқиб бораётганини кўрар, у ҳам ойисининг қистови билан сумкасини кўтариб йўлга отланар, аммо оёғига тош осилгандай зўр-базўр борар ҳамда қўшга қўшилган ҳўкиздай ҳориб қайтиб келарди.

Шу йўлнинг бошида жоме масжиди бор эди. Жума кунлари кўчанинг оёқ томонидан уч-тўрт, баъзан тўда-тўда намозхонлар ибодатга шошиб қолишади. Султон уларга қўшилиб масжидга борди. Дарвозада бир сержант тўхтатиб, исм-шарифи, манзили, отаси, ўқийдиган мактабини сўраб-суриштирди. Султон кўрқиб кетди. Маҳалласидаги оқсоқол Аҳмаджон домла унга раҳми келдими, мелисага рўбарў бўлиб, болани ҳимоя қила бошлади. Нима деди, нима қўйди, ишқилиб, сержант уни ичкарига киритди. Эл қатори таҳоратхонага ўтди, ундан чиқиб одамлар сафига қўшилди. Мияси ёришди. Ибодат чоғида ҳар бир одамнинг елкасида биттадан юк кўрди. Ажабланди. Бироқ нимагадир худди аввалдан ўқиб юргандек тағин тўрт ракат суннат намози ўқиди.

Қайтган чоғидан бошлаб онасининг елкасида ҳам, отасининг елкасида ҳам ўзини кўрадиган бўлди. Бунинг нима эканини тушунмади. Аксига олиб, уларнинг устидан тушай деса ҳам туша олмасди.

Жумадан бошқа кунлари ҳам масжидга қатнади. Бир куни пешинга чиққанида ҳамманинг елкасида мол ва одамлар ўтириб олганини аниқ ва тиниқ кўрди. Уялганидан масжид ҳовлисига чиқиб, кесилган дарахт кундаларидан ортмоқлаб елкасига боғлаб олди. Чунки ўзидан бошқа ҳамманинг юки бор эди. Намоздан кейин имом унинг ёнига келиб, бу иши яхши эмаслиги, бошқаларни ибодатдан чалгитганини уқтирди.

– Ҳаммаларингизда юк бор-ку, нега энди менда бўлмасин, орим қўзиганидан шундай қилдим, – деди Султон.

Имом ҳайрон бўлди. Секин чеккага ўтказиб сўради:

– Ҳўш, менинг елкамда ҳам юк борми?

– Бир қўчқор ўтирибди.

– Йўғ-э, қанақа қўчқор?

– Қизғиш қора қўчқор.

Имомнинг кўзлари олайиб кетди. Сўнг ўзига келиб:

– Тўғри айтасиз, ука, шу қўчқор меники, Қурбон ҳайитига сўймоқчиман, намоз вақти ҳайитгача ўлиб-не-тиб қолмасмикан, бир ўзи қозикда маърагани-маъраган деб ўйлаган эдим... Абдусаттор сўфида нима кўрдингиз?

– Лой.

– Лой? Ҳа, дарвоқе, камбағал, томини ёпаман деб лўмбозга ҳашарчи чақирган, намоздан қайтгунимча лойнинг нами қочиб қолмасмикан, деб алағда бўлган чиқар.

– Жалол домлада-чи?

– Машина. “Нексия”.

– Тўғри, ўғли иккови тўплаган пул машинага ет-маяпти.

Султон отаси ва онасига юк бўлиб юрганини ба-лоғатга етган куни тушунди, ўша куниеъ елкасига олача хуржунни ташлаб, падари бузрукворидан дуои фотиҳа сўради. Ота дуо берди, она эртактаги сингари мўлти-лаб кўз ёши қилиб қолди. Интернет орқали уйғур дўст-лар орттирган эди. Улар ваъда қилинган газламаларни Самарқанддаги Тошматнинг саройи омборига туши-

ришлари керак, Султон бориб молларга эга чиқиши, уч кун ичида Самарқанд, Ургут, Челақдаги улгуржи харидорларга тарқатиб, бир ҳафтадаёқ пулини йиғиб бериб юбориши зарур. Ҳар шаҳарнинг ўғриси ҳам, тўғриси ҳам бор, Самарқанд ўғрилари Султонга ола қарашди. У уйғур жўралари билан самарқандча паловхонтўрани соб қилиб, хуфтон маҳали хонаи хобига киргач, ёмон ниятлилар уйқуда босмоқчи бўлишди. Қарасалар, кароватда бир бошсиз одам ётибди. Чироқ ёқиб қарадилар ҳамки – шу аҳвол, бироқ хуррак эшитилади. Не бўлганда ҳам мурданинг товони бўйнимизга тушиб қолмасин, – дея пусиб аста чиқиб кетишди. Эртаси куни қарашса, кечаги “жасад” газламаларни бозорга юкламоқда. Қайтиб келишини кутдилар. Кечагидай тунаш мақсадида яна пойлашди.

Не кўз билан кўрсинларки, бу гал яримта гавда жонсиз бўлиб ётибди. Ё, астафзуруллоҳ, ё фалак, бу не сир, бу не синоат! Қўрқа-писа ортга қайтдилар.

Эрталаб Султон Ургут бозорига икки мошина газлама ортади. Қароқчиларнинг кўзи чиқиб кетади. Бунча молнинг пулини ҳисоблаб кўриб, тахта бўлиб қолиб қоладилар. Кеча ўсал бўлдик, бугун не бўлса ҳам ишонмаймиз, таппа босиб пулиниям, молиниям тортиб оламиз, деб келишадилар.

Кечқурун саройда балиқхўрлик бўлади. Меҳмонлар Зарафшоннинг майдақилтиқ ширмоҳиси бу қадар мазали эканини айтиб, мақтаб-мақтаб ейишади. Хуфтонни адо этиб, тагин ухлайдилар. Султон кечаги хобхонага кириб ғойиб бўлади. Ғойиб бўлганини қароқчилар ўз кўзлари билан кўришади. Ёстиғи, ўрин-кўрпасини ҳам ушлаб кўрадилар: йўқ, бус-бутун одам йўқ! Қиличи синиб, қалқони тешилган ғаюрлар эртаси яна пойлашади, бир иш чиқишига кўзлари етмагач, охири шопмўйлов, тақирбош сардор кабобхўрлик қилаётган савдогарлар олдида келиб, Султонни имлайди. Ўзининг ўғри эканини тан олиб, уни сўроққа тутади.

– Биринчи куни чарчаган эдим, хуфтондан сўнг “Оят ал-курсий”ни бир марта ўқиб эдим, шунга бошсиз кўринган бўлсам керак, иккинчи куни ҳам чарчок босиб, ётишда оятларни икки марта қайтарган эдим, ярмимни яширибди, кеча эса уч марта ўқиганман. Демак, уч марта ўқилса, бугун гавдани яшираркан-да, қойилман. Мазмуни оддий: “Эй мўминлар, на олди-сотди, на ошна-оғайнигарчилик ва на оқлов бўладиган КУН келишидан илгари ҳаёти дунёда сизларга ризқ қилиб берган нарсаларимиздан инфоқ-эхсон қилинглари! Кофир бўлган кимсаларгина зулм қилувчилардир. Оллоҳдан ўзга ҳеч қандай тангри йўқ. Фақат Унинг ўзи бордир. У тирик ва абадий тургувчидир...” Шунини ўқийман, холос.

– Тан бердим, ошна, – деди тақирбош қўлини уза-тиб, – лекин ўлай агар, ҳеч балони тушунмадим.

– Зулм қилувчи бўлманг, унда сизни ҳеч ким оқламайди. Оятда шу нарсани айтилаётир.

Сардорнинг ҳафсаласи пир бўлди. Ҳимоясиз бу чурвақаларнинг пул топиб, бойиб ётиши барибир унинг гашини келтирди.

Султон уйига қайтиб, отасига икки кундан сўнг Урумчига кетиши, учта “Фура” машина гаплашиб қўйганини айтди.

Отаси аввал ишонмади, кейин кўрқди, ўғлининг режаларини тинглагач, зийрак тортиб:

– Энди бошоғинг пишибди, болам, – деди ва тескари қаради.

– Ойи, мен елкаларингиздан тушдим, елкангизда оқ булут юрибди.

Онаси бу гапни эшитиб, шу менинг боламми ё бошқами, деб ҳайрон қаради.

Онасининг ҳам, отасининг ҳам ўпкаси тўлди.

Султон бошқа одамга айланган эди.

2017 йил

СЕЛ

– Чеча, чеча дейман, – худди онам унинг сўзларини эшитмаётгандай, аммам турткилайди. – Бир томоғим куйишди-я, товоним ҳам қизиди. Ортидан борай дедим. Чопиблар кетай дедим, тизза сабил қақшайди, чол ўлгурга қарасам, оғзида нос, узалиб мудраяпти. Худо мени бойлади, мен ҳаром ўлгурни бойлади.

– Қизжон, тақдирга таъбир йўқ. Ойингиз ботса, офтобигиз чиқиб келяпти. Оллодан домонгир бўлманг.

– Чеча, чечажон-ов...

Аммам онамни уйготмоқчидай, гўё. Челақдан бир пиёла муздай сув олиб узатади. Доғ сув қилиб берайми, дегандай мўлтайиб қарайди, аммам сўзсиз тушуниб:

– Бўлди, керакмас, ичим ёнди, шу бас, – дейди.

Тоғамнинг ўғли Алимурад мулла келиб қолди. Ажаб савдонинг устидан чиққандай бўлди: икки аёл ҳам жим эди. Вазиятни англаб, ўзича бир тебраниб, томоқ қиргач, кўзларини пирпиратди, сўнгра қобокларини йириб очиб:

– Амма, – деди салмоқлаб, – билсангиз, бу бола сизнинг халоскорингиз. Тушунган тушунади, аёл кишига бунга англатиш оғир масала, чунки у бугунни, ҳозирини ўйлайди, ожиза, заифа... – деб бошқа гап тополмагандай: – Ўзи ҳаммамизам шу, – деб қўшиб қўйди.

Бошқа давом этмади. Ўрнидан турди.

– Худонинг ҳикмати кўп, – деди эшикка йўналиб. Ортига бир қайрилди-ю, аёллардан садо бўлмагач, олға қадам босди.

Қирқ йилда бир офат келади.

Сув – офат.

Йўқ, сувсираган бу даштга асли намгарчилик керак. Ўзларининг таъбири билан айтганда осмонга қараган одамлар. Ёмгиру қор мўл бўлган йил ҳаётларига бахт киргандай бўлади. Қурғоқчилик бошланса булоқларнинг суви камайиб, қуриб ҳамманинг абгори чиқади. Ичгулик сув ахтариб ҳар ёққа елади. Лекин ўша йили ёгингарчилик кўп бўлган, кўклам адоғида ҳам ёмғир ёғавериб, шифер билан ёпилмаган молхонаю сомонхоналар ивиб қулаб тушган. Одамлар қуёшни соғиниб қолган. Сал ёмғир севаласа, ариқлар лойқаланиб, сойдаги шарқироқ катта сув ҳам бўтанадай бўлиб қолар, огиз сув ҳам арзанда бўлгач, эрта-кеч тарновлар тагига пақирларни элтиб қўйишар, ҳарна шиферли томдан жуда лойқа сув тушмас эди-да.

Сел дегани бало. Балои азим. Сой тўлиб қиёмат оқиб келади.

Ўша йили баҳорда бундай ваҳимали сел келгани йўқ. Ҳув саратоннинг бошида, июнь оёқлаганда бир жала ёғди-ю, ҳамма ёқни сувга ботирди.

Сел тоғнинг бошидан келмайди. Аксинча, адирлардан, жилға, жар, жирналардан тўпланиб катта сойга бир пайтда тушганида селга айланади. Тикка тоққа ўрлаб кетадиган қишлоқнинг тўридаги одамлар селдан талофат кўрмайди, чунки улар бош томонда жойлашган, қишлоқ адоғида эса нима бўлса бўлади. Аммо селнинг ҳайбати шу даражага етадики, молҳол, дарахтларни қўлбола ўйинчоқдай олдига солиб “ҳайдагани” ҳолда, одам бўйи тошларни ҳам юмалатиб келаверади.

Бурноғи йилларда сел туфайли фалончининг пис-тон келини бешиги билан оққани, сойда арқонланган

сигири селга қўшилиб кетгани ва ҳоказо гаплар бола-
лаб юрган. Аммо эсимизни танибмизки, ҳар йили сел
кўрдик, сойга уйи яқин Райим домла, Ҳикмат қоровул-
нинг иморатларига ҳам заҳа етганини билмадик.

Қирқ йил қирғин бўлса ҳам ажали етган ўлади...

Ўша йили ер намга тўйган эди. Ер чанқоқ бўл-
ганда бугина жала, бир пасилгина жадал ёққан ёмғир
олам-жаҳонни сувга бўктириб кетмас эди.

* * *

Аммамнинг уйи қишлоқнинг тепароғида, шу боис
жалани селга айланади, деб ўйламаган чиқар, катта
ўғли Барот ўзини ойнага солиб, узун ўсган зулфини
бир-икки тупуклаб, кўнгли тўлмагач, вазелин суриб,
шу ҳолида келиб онасига термилиб қараши ҳам ҳеч
нарсани англамас эди, аслида. Ҳатто:

– Тоғамникига бораман, қизига уйланаман, – дейи-
ши ҳам ҳеч кимни ҳадиксиратмади. Шу хушбичим,
келишган, лекин ақли норасо йигитча балки йиллар
ўтиб, эс-хуши тўлишиб, бир норгул инсонга айлани-
ши мумкинмикан, деган умид пайдо қиларди ота-
онасининг кўкайида.

Йигит чиндан ҳам гўзал рафторга эга эди. Пўрим
йигитлардек тор болоқли шим кияр, тор кўйлак, унинг
тепа қисмидан икки тугмасини ечиб, ҳали тук чиқма-
ган кўкрагини намоён этар, чап энгагидаги холи атро-
фидаги беш-ўнта соқолсифат туклар ҳам ўзига ярашиб
тушган, сочи жингалакка мойил, эгилувчанлигидан
ортга тараса бўлар, шу ҳолича қолдирса яхши, бироқ
сочга алоҳида оро берардики, тарам-тарам, учлари
жингалак бўлиб, охир-оқибат ялтираб ҳам турарди.
Қошлари, ҳатто ҳали мўйлаб, деб атаб бўлмайдиган
мўйларини ҳам силаб ялтиллашиб, олифта ўсмир кўри-
нишига келгач, бир мўмин бўлиб, онасига термилди.
Турди-турди-да, ўнг қўл кўрсаткич бармоғини алоҳида
кўкка нуқиб:

– Тоғамнинг қизига уйланаман, оти Зулфия, – деди.

– Майли, болам, аввал тоғамнинг хотини қиз тугсин, катта бўлсин, кейин уни сенга бермай кимгаям берарди.

Йигит бу гапнинг маъносини тушунгандай бўлиб индамай қолди, онаси ўйладики, ҳозир у қучоғини очиб келади, бағрига босади, ҳатто юзидан чўлпиллатиб ўпиб олади, одатда, меҳрибон, эс-ҳуши жойида бўлган фарзанд шундай қилади. Йигитча худди шу шашт билан онасига юзланди, яқинлашиб келди, қучоқ очгудай ҳолатда эди-ю, тагин ақлли инсонларга хос, ғоят меҳр билан юзини икки қўллаб силади, кўзларига бир бошқача тикилди, сўнг шартта қўлларини олиб ўзининг сочларини атай тўзитиб эшикка қараб тез юрди, кетаётиб тоқчадан фонарини олди, йўл-йўлакай уни ёқиб-ўчириб кўрди. Онаси куппа-кундузи фонарни нима қиларкан, деган хаёлга борди, сўнг тунда қайтса керак бўларда, деб индамади. Шу бир сонияда фарзанди бирам ақлли туюлдики, ортидан бориб, қучиб эркалагиси келди.

Йигит узоқлашиб кетган эди.

Қуёш чарақлаб турса ҳам енгил ёмғир севалар, сомонхона дарчасида қўниб олган қизғиш патли товуқ тухум қўйиш маъносини берувчи майин, бир хил оҳангда қоқолашни бошлагач, ортига бурилди.

Шунда томоғи қуришганини сезди...

Товони ҳам қизиётган эди. Дарҳол пайпоғини ечиб, оёғини даҳлиздаги зах ерга босди...

Эри бепарво, оғзида нос, кўзлари ярим юмук, мудраб ётар эди...

Эгизаклари Ҳасан ва Зухро – бири дераза рахига ўтириб, бири гиламда, оёғини узатиб телевизордаги “мультик”ни берилиб томоша қилишмоқда.

* * *

Аммам тўрт фарзанднинг каттаси, бобомнинг бош боласи бўлгани билан ягона қиз бўлгани боисми, жуда эрка эди. Шаҳарда ўқиб домулло бўлиб келган Аҳмад

муаллимдан совчи келгандаям обдон тихирлик қилган, тегмайман деб туриб олган, отасининг ана-мана ову-тувчи гапларига бўйни ёр бермаган, охири онасининг:

– Ўқимишли одам, ҳўп де, бўлмаса қанча фаришталар тегаман, деб ўлиб турипти. Кимсан, бир ўтирикчи атторнинг қизи бўлсанг, ҳе, ўлмаганинг яхши, – деганидан сўнг бир қур ўнгирилини йиғиштириб майл билдирган, катталарнинг қистови билан, куёв бўлмиш билан кўришгач эса яна бир қарра:

– Сап-сарик пишакдай нарса экан, – деб толхошовлик қилган, “пишакдай нарса” бора-бора меҳр кўрсатиб, ўз измига солгач, мўмин-қобил келинчак бўлди-қолди. Лекин қисмати аччиқ келди. Нарёқ-берёғи йигирма йилга ёвуқ тирноқ кутди. Худойим ол қулим демади. Дўхтир-пўхтирга кўринган чиқар, албатта, бироқ Асал момо, қушноч энамиз фарзанд бобида жуда билгич эди. Кимлардир ирим билан бир нарсалар, мисол дейлик, тошбақанинг моягини тавсия қилса, ҳадеганда болали бўлиб кетганларини бот-бот эшитар эдик. Аҳмад домлага келганда эса доим сукут сақларди.

Туш кўрарди момом. Тушида аён бўларди. Лекин ёмон гапни, айниқса, ажални тилга чиқармасди. Бир куни онамни яқин олиб:

– Шу қизжоннинг куёвининг пушғти соғ эмас, – дебди.

Бу – тушининг таъбири. Бўлар гап ҳам шу. Асал момонинг бу борада хато қилгани ёхуд алдам-қалдам қилиб, бировнинг пулига эриб иш қилганини эшитмаганман.

Сўнроқ, домланинг таъзиясидан кейин маълум бўлишича, домла шаҳарда ўқиб юрганида, ядро физикаси лабораториясида иш олиб борганида, ўзи билмаган, уруғи куйган экан. Ҳатто буни аммамга ўзи очиқ айтган, лабораторияда бирга ишлаган шериклари ҳам бефарзанд эканликларини айтиб, шу соҳани танлагани чакки эканидан пушаймон бўлган, лекин умри-

нинг охирига қадар аммамни ва айвонида, яккамахда арқонланиб турган қизил саманини ёнидан жилдирмаган. Не дард билан ажал келган, биров билмайди, бироқ муаллимнинг ортидан фарзанди, боласи эмас, аммам дод солиб, оти... мунгайиб йиғлагани рост!

Саман оти йиғлаган эди, кўрганман, десам ёлгон гап бўлади, аммо жанозаси кунни майит ҳовлидан чиқарилаётганда от безовта бўлиб кишнайверганида, охири оқсоқол:

– Қани, нўхта-юганини олиб қўйиб юборинглар-чи, кўрамиз, – деган.

Бўшатиш билан одамлар билан мазорга эргашиб борган. Одамлар тарқалганда ҳам тураверган. Қариндошлар зўрлаб келтириб боғлаб қўйишган. Эртасига боришса, не кўз билан қарашсинки, от қабр устига бош қўйиб... йиғлаб ётганмиш...

* * *

Аммам бу обод, аммо энди шамол эсиб ётган ҳовлида бир йил турди. Сочи оқарди. Бир хотини ўлмиш сўққабош келиб етаклаб кетди. Аммам шу уйни гуллатди. Болаларини – болам, деди, эрини тўрам, деди. Худо ол қулим, деди: сочи оқарганда – Баротни тугди, кейин эгиз: Ҳасан-Зухро, кейин яна қиз...

Бахт бераман деса, кечи бўлмас экан-да.

* * *

Барот этакдаги овулга, Ўтқир тоғасиникига отланган. Тоғасининг хотини Ўлбўсин тўрт ўғил ўстиряпти, кейингиси – қиз бўлади. Бир сулув қиз туғилади, кўзлари, қошлари унинг... эҳ, улғайса уни хотин қилиб олади! Ҳамманинг хотинидан гўзал бўлади у, кўрасиз, ҳа, кўриб қўясиз!

Кетаётиб у Шукур дўмнинг жоноқи қизил олмаларидан териб еди. Яхшисини саралаб еди. Қишлоқда фақат Барот ўғри эмас, бошқалар олмага тегса – ўша

заҳоти мугтаҳамга чиқади. Биргина Барот хоҳлаган уйга ҳайқириб кира олади, хоҳлаган нарсасини сўрайди ва қозонида борини еб кетаверади. Тўхтаб дўмнинг олмасидан тишлаб отаркан, девор бўйлаб кўринган дўмнинг кампиридан овқат ҳам талаб қилади. Қовоғини уйса, ёмон кўради. Косани бўшатаётиб Улбўсин янгаси эсига тушади. У икки коса овқат беради, бирини иссиғида, бирини сал совутиб ейди, лекин янгаси қовоқ уймайди, қайтанга эртага туғажак қизини келинликка тортиқ қилади. Ажойиб-да бу янга. Ўткир тоғаси ҳам анов кун и велосипед тузатаётиб эди, тузатса жиянига бермоқчи. Бу ҳам майли, келаси бозор яхши бир “сотовий” телефон обермоқчимизиш...

Аслида Баротнинг хоҳлагани мотоцикл. У ҳамма бу хоҳишини айтиб улгурган, одамлар айна эртакка ҳам кўникиб бўлган, қачондир улғайса, эсини таниган чоғда отаси балки бир эскироқ мотоцикл олиб ҳам берар, аммо бу тахминга биров ишонмайди, тўғрироғи, этак овулдаги тоғасининг унга велосипед тортиқ қилиши ҳақиқатга яқинроқ бўлса керак. Сабаби тоғаси ҳарқалай унга мотоцикл ваъда қилган бўлсаям велосипед рамасини бошқа эҳтиёт қисмлари билан тўлдириб, ростмана велосипед тиклаётгани рост гап. Шу боис мотоцикл масаласида ҳам тоғасига суянса бўлади. Қолаверса, Барот ўзи ҳам дуч келган иргадан мотоциклга дея “запчаст”лар йиғиб юрар, кун келиб улар қип-қизил рангли “ИЖ-Юпитер” русумли, ариқлар, тўлиб оқувчи сойлар устидан деярли учиб, вағиллаб еладиган тулпорга айланар. Шу хаёллар оғушида анграйиб, хаёллардан сармаст, илжайиб кетаётса, Исмоил фермернинг чорбоғида тўрт мелиса маёвка қилиб кайф сураётибди. Уларнинг бири хуштак чалиб, Баротни чақирди. Борди. Ўтир, деди, ўтирди. Ичасанми, деди. Ароқ аччиқ бўлади, деди бу. Мўйлабинг бўртибди, аччиқ бўлсаям ичавер, деди у. Ичмайман, заҳарданам аччиқ, деди бу.

Исмоил фермер кимнинг боласи экани, мактаб ўқи-
маганини шивирлаб, сабабига:

– Чунки... – деди олазарак бўлиб. Қўли билан мия-
сига нуқиб айлантириб “анақа” ишорасини қилди.
Барот буни кўрмай қолди. Кўрса... башарасини олиб
тепарди. Лекин бошқалар тушунгансимон “ҳа”, “э”лаб
қолишди. Бири чўнтагидан қўл телефонини чиқариб
узатди. Барот дарҳол функцияларига кириб ўқий кет-
ди, “игры”ни топиб “мусобақа”га киришди.

– Ана, соппа-соғ бу, – деди бир капитан.

Барот унга ўқрайиб қаради. Телефонни олиб тошга
урмоқчи бўлди-ю, бироқ аппарат бегонаники эди-да.

Ёмғир шаррос қуйиб берди. Мелисалар ёстик, кўр-
пачаларини бошларига тутиб фермернинг уйига қа-
раб чоғиб қолишди.

У кўчада қолди. Биров бир оғиз юр, демади. Айвон-
да анграйиб турган қизчага қараб:

– Тоғамникига бораман, қизини беради. У сендан
чиройли, – деди.

Қиз тилини чиқарди. Бу муштини силкиди.

* * *

– Жала тўхтамай ёғди. Кўп ўтмай сел келди. Бирдан
қоронғи тушди, мол-ҳолларни киритишга ҳам улгур-
мадик. Бир одам фонарь кўтариб темир кўприкнинг
устида юрган экан. Сел қутурипти, қаранглар-чи, ким
экан, бир палакат бўлмасин, дедим болаларга. Чиқиб,
кўринмай қолди, деб қайтиб кирди каттаси. Билмаб-
миз-да, аттанг. Ҳалиям пушаймон қиламан, майор,
ўзим чиқсам бўларкан.

Исмоил фермер мелисахонада шундай тушунти-
риш берди.

* * *

– Аммам телефон қилганда уйқуга ётаётган эдим.
Чиқсам, гувуллаган сел, ҳамма ёқ сув, ваҳима. Унга ве-

лосипед созлаб қўйган эдим. Бутун-эрта кенқолади-ёв деб турувдим ўзимам. Қўлида фонари борлигини эшитиб у ёқ-бу ёққа қарадим, йўқда-е, зимистон, сел. Жала, бу ёғи – ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Келинингизни бўлса дард тутиб қопти десангиз, роддомга элтишга мошин топиш керак, мошин топсак, селдан ўтолмайди, шуйтиб оворагарчилик билан, ноилож, онам уйда туғдириб олди. Орада тонг ҳам отди. Қарасак, ит ҳуради, болларга қаранглар десам, олманинг тагида биров ётибди, Барот акамга ўхшайди, деб қолди. Учиб келдим. На бирон жойида яра, доғ бор, сочи ҳам қўқимаган, ҳатто ҳамма ёқ жала, сел – кийими ҳам ҳўл бўлмаган, баччагар жиян, кулимсираб ётибди. Ҳўдди ҳозир Ўтқир тоға-а, деб туриб келадигандек.

Қизиқ, шу кунни қорақош, оппоқ қизим дунёга келди. Исмини Зулфия қўймоқчимиз. Ажабланаман-да, ҳайронлар қоламан, жиян шу туғилмаган қизнинг қўлини сўраб юрар эди, ҳаётнинг зарбасими, ҳазилими – тушунмайман. Ўлай агар, ҳеч тушунмайман, ўртоқ майор.

* * *

Мулла Алимурод аёлларни юпатмоқчи бўлганидан беҳабар, Тошкентдан бориб уйга кирсам... икки кампир ўтирибди. Бири аммам эканини овозидан билибман, Худоё тавба. Ой юзли, бодом қовоқ, бизни ва болаларини, айниқса, Баротини еру қўкка ишонмайдиган шаддод аммам... бир кунда қариб, чўкиб қолибди.

Барот жиянимни эсласам – кўнглим ёришади, аммамга қарасам – қўрқаман...

– Бобурми? – деди онамга юз буриб.

– Бобур бу ердагиси. Бу – Собир – деди онам.

Беихтиёр ҳўрлигим келди...

2019 йил

**“ОТАМЗАМОН
ҲАНГОМАЛАРИ”
ТУРКУМИДАН**

ЖОНДОР

Отам раҳматли овчи эмас эди, лекин ҳайвон зоти, айниқса жондордан – бўрини бизда шундай деб қўяқолишади – қўрқмаган. Мен буни баралла айтаман. Сабаби у одам умрида бирор марта ёлғон гапирмаган. Қирқ йиллик тўпори, содда ва бағрикенг Ҳамза чўпон эди. Умри қир ва тоғларда ўтди. Чўпонлик, биласизми, энди эсласам ўша давр учун энг бемаза касб экан: на кечаси, на кундузи ором йўқ, тиним йўқ, қўйни ё молни бировнинг олдига солиб, ақалли бир ҳафта таътилга чиқиб дам олиш йўқ. Чамаси, ёз чилласида қўйлар ётоқжойда бир неча соат бошларини эгиб ёхуд ётиб тин олгандагина отам бир чойнак чойга суви қочган нонни ботириб еб олгач, бир ё бир ярим соат мизғиб оларди. Куннинг тафти пича пасая бошлагач қўйлар туриб куёшдан бошларини бекитиш учун бир-бирларининг “пинж” ларига суқилганча тўда-тўда бўлиб жавдираб жўнай берардилар. Отам ўрнидан туриб чайлатом ёнига ялангоёқ ўтиб, қўлини пешонасига тираб овозининг борица “ҳай-айт!” деб бақирар эди. Ана шунда нақд беш юзта қўй сергак тортиб бир-бирига қўшилар ва бир томонга қараб ўрлаб жўнар эди. Овознинг бақувватлиги ҳам бир ҳунар экан дейман энди-эндилар. Икки чақирим масофадан молнинг бошини қайтариб қўйиш ҳам шунчаки иш эмас.

Эчки аҳмоқроқ жонивор келади.

Қўй ундан ҳам баттарроқ, тўрт юз-беш юзтаси ўнта эчкига эргашиб жўнайди. Ахталанган така – серка жаноблари бўлса, бўйнига тақилган қўнғироқни юксак мартаба билганидан бўлса керак, отарни қулай-ноқу-

лай жойларга бошлаб кетаверади. Қўнғироқ чўпон учун бир белги: қўйлар қаерда эканини чамалаб олади. Отарга жондор оралаганда ҳам даставвал эчки товуш беради. Қўй бўлса дарҳол тақдирга тан бериб мик этмай тураверади.

Бир бўлган хангомани айтай. У вақтда отам ёшроқ бўлган экан. Керагатош томонда молларни бир жойга тўплаб, шох-шабба, тезакни тўплаб, чойгумни қайнатиб, чойни ичиб бўлиб мултиб, энди уйку элитиб чийдомини устига тортиб турган экан, бир эчкининг “бақириғи” қулоғига чалинибди. (Ҳа, эчки нақд бақиради, маъради дейиш, қанақадир ўхшамайди). Фавқулодда бақириқ бир фалокатнинг дарағи. Отам ўрнидан туриб товушнинг қаердан келаётгани ва масофасини чамалабди. Айвонсифат жойлашган тошнинг учигача энгашиб келиб қараса, жондор эчкини эрмак қилиб (қорни тўкроқ, шекилли) у ёқ бу ёққа силтаб уриб ётипти. Одатда бўри молнинг бўғзидан олади. Савқи табиий йиртқичлик сезгиси билан жончиқар жойини мўлжаллай олади ва ҳамлада деярли адашмайди. Эчки ҳадеганда мурдор бўлиб таслим бўлавермагач, бўри охири уни таппа босади ҳамда ғиппа бўғишга тушади.

Отам тош олиб чамалайди, таёқ олиб чамалайди. Охири чийдомини ечиб, эҳтиёт шартидан олдига тутади ва... бор оғирлигини солиб этиклари зарби билан бўрининг елкасига тушади. Шу ҳолда чийдом билан жондорнинг тумшугини ўраб олади. Биров ўша заҳоти бўрининг умуртқалари синиб кетувди, ўз-ўзидан жониям чиқиб кетган, Ҳамза аканинг тошиям ҳазилакам эмас-да, дейди. Биров эса отанг чопқисини ишга солиб бўрининг бўғзидан тортиб юборувди, дейди.

Икковиям худди кўргандай гапиради.

Отамнинг ўзи бўлса худди узоқ тарихни ўйлагандай ёки хира тушни эслагандай, ёки бўлмасам хушламагандай тураверади. Жондор ҳақида нимагадир гапиргиси келмайди.

Шунақа эди менинг отам...

ТУНҒИЗ БОЛАСИ

Авлоқул отам – Унар бобомнинг кичик укаси уруш қурган, чап елкасидан яраланиб, ўмров суягидан айрилган, аммо пай-этлари жойида бўлганидан меҳнат қобилиятини йўқотмаган, қайтанга шу ҳолида ер чоппиб, кўп тер тўкадиган, ҳаммадан ошиб тушган зўр боғбон эди. Боз устига биз каби болапақир невараларни кўп севгувчи, искайман деб нос ҳиди анқиб турган соқолини томоғимизга пийпаб обдон безор қилгувчи, болажонлигидан бўлса керак, яктаги енгини сириб қўйиб, этидан бўртиб чиқиб турган чала суякларини хунук кўрсатиб бизни қўрқитгувчи, сўнг ўтириб олиб уруш таассуротларини тамом ёлғон-яшиқ аралаштириб ўртоқлашгувчи, тешик қулоққа тайёр хангома бергувчи қизиқ бир чол эди. Сўзлаганда чамамда ўзи ҳам ролга киришиб кетарди. Айтайлик, менинг эсимда қолгани – у киши Калашников автоматини ушлаб олиб, немисни қийратгани қийратган, кўринганини соғ қўймаган, урушга бирга борган Нарзиқул тоға ёки Мансур тоғалар ўлган душманларни санайвериш эслари кетган, худдики улар ҳам сон-саноғини билмайдилар. Уккағар немислар жудаям авом халқ экан-да, деб бизлар ачишиб қўяр эдик. Бунинг устига урушда мағлубиятга учрашган бўлса, бечоралар.

Ўмир амаким бўлса бу хангомани ўзича талқин қилар эди: “Булар – бир тўда қишлоқилар уруш кўрмай қайтиб келган: тил билмаса, милтиқ ушлашни эплаёлмаса. Сталин орқа отрядга қора бўлиб турсин, деб таёқ ушлашиб қўйиб юборган, бир-икки йил юриб қайт-

ган-да, бир хиллари қочолмай ўқ еган бўлса бордир, лекин кўпчилиги ўқ товушиниям эшитмаган...”

Авло отам қайсарфеъл эди. Уч марта уйланган бўлса, учинчи кампири, катта қушноч Мусал энамни халачўп билан додлатиб урганларини кўп кўрганмиз. Шу ҳолига яраша уйида барака бор эди. Боғига гилос, сархил олма, антиқа ўрик, беҳи, анор, турли гуллардан тортиб биз чақалоқ панжа дейдирган патисон ҳам экар эди. Житирмасида, яъни қоронғи ғаллахонасида қишда ҳам карсиллаган тойфи узумлар шохда илинган турарди. Биз невараларига меҳри ийса, бир бош бериб ейишини томоша қилиб ўтирар, охири ейилган узум ё беҳига ғаройиб нарх-наво белгилаб одамни хуноб қилишни хуш кўрарди: “Узум бир бош, икки беҳи, парварда, чой – ҳаммаси бўлиб беш сўму қирқ олти тийин бўлди. Отангда борми шунча пул, бўлмаса топганида олиб кетади сени, унгача қамаб олиб ўтираман!” Йиғлагандирмиз, ёлборгандирмиз, қутулгандирмиз, лекин иккинчи ё учинчи куни шу ҳол барибир такрорланар эди...

Отамнинг айтишича шу меҳнаткаш, қадоққўл, ўрфеъл чол жуда кўрқоқ бўлган. Бир гал тоққа ҳайдаган молларини тугал қилиб қайтай, деб Гумсойга бориб отам билан ҳангомалашиб қолиб кетибди. Биласиз, тогда жимжит ҳаёт. Кечаси яна зимистон. Бурганинг учишиниям эшитса бўлади. Жониворларнинг товуши-ку жуда ваҳима. Шу атрофда “пирқ-пирқ” этиб бир нарса шарпа бериб қолармиш.

– Ҳамза, ҳой, Ҳамза. Ухламаяпсанми?

– Ҳой ака, нима гап?

– Анов пирқиллаётган нима, эшитдингми?

– Чўчқалар-да, оқшом сувга келган чиқар.

– Ие, чўчқа борми бу ерда? Ёриб ташлайди-ку!

– Одам билан иши йўқ, ухласангиз-чи.

– Тентакмисан, иши бўлмаса одамнинг олдида нима қилади?

– Пастда кўлмак бор, балчиқ оралайди-ку бу.

– Эй сен менинг қабатимга келиб ёт! Бир тош жойга урин солибсан, мундай ҳангома қилиб ётайлик.

– Ака, уйқу бермаяпсиз, ухлайлик, одам чарчаган.

– Бўлмаса чўққаларингни йўқот, ёмон пирқиллаяпти, менинг исим ёқмаяпти чоғи, тўнғиз одамхўр деб эшитганман...

– Тоза жонга тегдингиз-да...

Шундай деб, отам узашиб ёнида ётган калладай тошни олиб сойга отибди. “Пирқ-пирқ” тўхтабди. Лекин Авло отам ухламабди. Тонг отгач, секин сойга мўрала-са эндигина мугузи бўртган бир қоп-қора тўнғиз боласи боши қонга бўялиб кўлмакда ётганмиш.

– Ҳамза, ҳей Ҳамза, – деб уйғотибди отамни. – Анов бир қора нарса йўлимда ётибди, опташла, мен қишлоққа қайтаман...

ЎТИРИКНИ ЭПЛАЙ БИЛМАДИ

Отамга ўзини яқин олганлардан бири, гарчи ёши каттароқ бўлса ҳам Фақир бобо деган чўрткесар, айнаи вақтда ёлғон-чин гапини ажратиб бўлмайдиган сарик, ялпоқюз, биткўз бир одам эди. Оддий ҳангома йўлида ҳам зарур бўлса-бўлмаса ўтирик қўшаверганидан бўлса керак, одамлар бировнинг гапига ишонқирамай қолсалар “буёғи Фақир бобоси бўлмасин яна” дейдиган бўлишган.

Бир вақт бобо кеч кузда тоғдаги чайлатомидан хабар олишга бориб йўлда учинганми, кўзига бир бало кўринганми, биринчи дуч келган Файзи бобога хабар берибди:

– Пайзи ака, тогдан яхшиям эртароқ кўчиб тушганимиз. Мана ҳозир чайладан чиқиб қарасам, йўлимдан бир тўда улиган қашқир ўтди. Орқадан, панадан туриб санадим: бир юз йигирма битта экан. Кўчмай турганимизда ҳар биримизнинг молимизга қирон келтирар экан, пак Худо сақлабди.

– Э, қўй-е, – дебди Файзи бобо, – эшитган қулоқ-қаям уят-е. Тоғни қидириб чиқсанг йигирмата қашқир чиқади-ми-йўқми. Нималар деяпсан?

– Пайзи ака, мана шу кўзларимминан кўрдим, ўлай агар.

– Фақирқул, қасам ичма. Бўладиган гапдан айт. Бир-иккита кучукдир, тулки ё пишакдир. Кўзингга кўрингандир. Улай-булай учинган бўлсанг, Тўхсулув бахшига бор, қулоқ-бошингни тортиб қўйсин.

Фақир бобо молларига ҳазонбарг йиғиб юрган Ирисбой муаллимни тўхтатибди.

– Ирисбой, мана шу кунбеткайдан ҳозир ўн беш чоғли бўри ошиб кетди, кўрдингми? Мен уларни чайлани олдидан қувиб сойдан ўтказиб қўйдим.

– Эс борми сенда, Фақир. Хўн эчки ҳайдаб юрибсан-а. Бўри эмиш! Тулки кўрсанг туматақингни ташлаб қочарсан. Бор-э, бу ўтирикни кампирингга айт.

У Болиқул бобога учраб, бу йил тирамоҳ тоғда тулки кўпчилиги, болалари ундан ҳам кўпчилигини айтиб бошлаган экан, бобо раъйини қайтарибди.

– Подамидики, тулки тўдалашиб юрса. Одам исидан чўчийдиган бир жонивор бўлса. Товуқ излаб бир рорта келса, келгандир. Индамаганга ҳадеб кўпираверасанми?

Болиқул бобоникидан ҳафсаласи пир бўлиб чиқиб кетаётса, Муҳаммад оқсоқол кўриниб қолибди.

– Шу чайлатомга ўтсам, ҳамма ёқни ёввойи пишак босиб кетибди...

– Қани-қани, Фақирбой, нечта эди?

– Анча бориди-ёв, қизталоқ.

– Ўзингники қолган бўлса ёввойиладигандир-да.

– Йўқ, мен пишакни қишлоққа опкелганман Муҳаммад, бўлмаса, жийданинг орасида “шитирр” этган нарса нимаиди?..

ЎЗИНГНИКИ – ЎЗИНГНИКИГА

Бурунгининг одамлари ҳам қўлига газета тушса бекорчиликдан кўз югуртириб ётар эдилар. Исмат чавандоз Фақир бобонинг туғишган жияни, менинг амаким. Чамаси амаким ўша вақтдаги “Ёш ленинчи” газетасининг тўртинчи бети, охирги колонкасидаги “Турфа олам” деган жойини ўқиб берган. Эмишки, Қозоғистон чўлида илонлар уйғониб, бирваракайига қўзғалиб, автомобиль йўлидан ўта бошлаган. Улар шу даражада кўп ва ғуж бўлиб ҳаракатланишганки, натижада бир неча соат автомобиль қатнови тўхтаб қолган.

Фақир бобо бу гапни илиб олган. Кўпларга айтиб чиққан. Албатта, кўпиртирган.

Бирор ойлардан кейин Исмат чавандознинг ўзига айтиб ётган эмиш:

– Жиян, энди буям бир кўргулик-да. Қара, Қозоғистон чўлида ўн миллиёндан зиёд илон ўн километр бўлиб поезд йўл, мошин йўл, ҳаммасини бир ой тўсиб қўйган, ҳаммаси заҳарли, қўлвор илон десанг, уларнинг орқасидан ўн километрлик тошбақа, ўн километрлик юмронқозиқ карвони қўзғалибди десанг. Қозоқ энди қайга боради, а, қайга боради? Биз чигиртка балосини кўриб оч қолганмиз. Эй, Исмат, бу қўлвор илон-ку. Тошбақа, юмронқозиқ, қурбақалар ҳам эргашиганига қара, эрта-индин шу Қўрғонтепадан ошиб бизнинг қишлоққаям ўрлайди-ёв...

ЖАЙРАНИНГ ОЁҒИ

Жайранинг гўштини дориликка ейишади, деб эшитганман. Бодга, хафакон, мижозга фойдаси ҳақида гапирадилар. Инида кавш қайтаради, дейишади. Биласиз, айритуёқ ё кавш қайтарган ҳайвон ҳалол эмиш. Бироқ жайранинг оёғи айнан чақалоқникига ўхшаши одамни сескантиради. Буни мен Қулмат жўрадан эшитганман.

Қулмат жўра бояги Фақир бобонинг кичик ўғли. Кўпириш бундаям бор. Лекин “жўра, отангникиям етади, сен сал калтароқ қайт!” десак, “ҳе, ўлинглар” дея шаштидан тушиб қолади. Унинг унда-бунда шериклари билан тоққа чиқиб олқор, тўнгиз отганиниям биламиз. Лекин жайра овига бир ўзи чиққан. Тизза бўйи қор ёғиб, одамлар гуртиқдан юролмай турган куни акасининг армиядан кийиб келган валинкасини кийиб олиб, елкасига битта паншахани ташлаганча тоққа йўл олган. Молхона, уйлар устида қор кураб юрган қўшнилари ҳайрон қолишган, босинқи туш кўрибди-ёв дейишган. Фақат хотинига “бугун бир жайра ушлаб келаман, кечки овқатга пишириб еймиз, кейин тўққиз ой ўтиб, ўғил туғасан”, дебди.

Унинг кетганини кўрганлар келганини кўришмаган. Фақат эрталабига Исмат полвоннинг ўғли ҳожатга чиқаётиб уй олдидаги симтўсиқда олтита... чақалоқ оёғи осилиб турганини кўриб турган жойида иштони-ни ҳўллаб қўйган. Исмат полвон одатдагидай булкиллаб-булкиллаб, дамини чиқармай кулган. Қулматнинг бир эмас, учта жайра тутиб келганини айтган. Дастав-

вал Қулматнинг жайра тутишига, жайранинг оёғи чақалоқнусха эканига ишончсизлик билдирганлар ҳам ўшалар бўлгани учун овчи атайин шу йўлни тутибди.

Мен Тошкентда эдим. Тенгқурлар Қулматникига ўтишган.

Ўртоқлар баъзан “тоғда ўсгансан, қайси ҳайвонларни кўргансан?” деб сўрашади. (Бул замонда фалон ёввойи ҳайвонни кўришлик ҳам бир обрў, бир арзандаликдай гап). Ўйлаб қарасам бўри, тулки, тўнғиз, қуён, жайра, қўлвор, ўқилон, сувилон (майли-да энди), бургут, каклик, қирғовул, ғажир (адабий тилда ёхуд фанда нима дейишларини билмайман, ҳайбатининг катталигидан майдароқ одамниям чангалида кўтариб кетади дейишарди), укки, лочин, тувалоқ, зарғалдоқ, бойўғли, тира-тира, сассиқпопишак, тўрғай (майли-да энди)ларни кўрганман. Ғажир, сассиқпопишак кўп бўларди, ҳозир негадир йўқ, ҳамма ёқ қарға. Дарвоқе, зағча деган қўлга тез ўрганувчи мусичадай бир қора қуш бўларди. Ўзича хушомад қилиб қўшнилари тугма, игна, ипи борми, тумшуғига нима илинса эгасининг уйига ташигани-ташиган эди. Эсимда, бир гал чақалоқ укам оғзини очиб бақириб йиғлаётса, зағчамиз унинг тилидан чўқиб олган. Укам бирпас индамай, балки кўрққанидан қотиб қолган, сўнг тилидан қон томаётганини кўриб баттар кичқирган. Қушимиз шу “гуноҳи” учун хонадонимиздан бутунлай бадарға қилинган.

Тоғимизда айиқ бор дейдиганлар топилади. Бе, бу бир боди гап. Айиқ ўрмонли тоғда бўлади. Бизнинг тоғ – бахил тоғ. Асосан, чағир тош. Соилари ҳам санг, қайроқтош.

Жайрани чиндан ҳам кўрганман. Қўнақишлоқдаги чайлатомимизга кўчиб чиққанмиз, отам кечки пайт молларини тўплаб келган, овқатдан сўнг ҳаммамиз супада пинакка кетаётган эдик. Қозоқи, йирик итимиз бирданига безовта вовуллаб қолди. Одатда у бегона

шарпани кўриб қолса шундай безовта “ҳов-ҳов” қиларди. Отам дарҳол туриб ялангоёқ токзор оралаб кетганини билмай ҳам қолибмиз. Бир пайт қарасак, худди одамни сўккандек бир нималарни сўкиб тошлаб қувиб юрибди. Акам билан мойчироқнинг пилигини кўтариб секин-аста кўрқиб бордик. Биз яхши кўрган қизил ҳусайнининг тагида икки кўз ялтирайди. Қотиб турибди. Отамнинг қўлида кесак эканми, шошиб унга улоқтирди. Бир қучоқ типратикан. Тиконлари узун, катта одамнинг тирсагича келса керак. Албатта, у қочди ва таёқдан ҳам, ўлимдан ҳам қутулди. Токзор ёнидаги жарга тўрт-бештаси бирданига калла ташлаб кетди. Зимистонда уларни топиб бўлармиди. Бунинг устига яқинлашган одамга игнасини отади деб эшитганмиз. Отам бунисини ўйлаб чўчийдиган одам эмас – дуч келса тош ёки таёқ билан соламан дейди. Ўшанда жайралар тикон отганини кўрмаганмиз. Лекин узумхўрлик қилган жойида тўрт дона найзаси тушиб қолган. Ва ўшанда биз пишишини зориқиб кутаётган, энди ранг ола бошлаган қизил ҳусайнининг ғажиб ташланганини кўриб жудаям хафа бўлганмиз. Қайтиб жайра зотини кўрмаганман, табиийки, оёқ изи чақалоқникига ўхшаш-ўхшамаслигини текшириш ҳам ўшанда хаёлга келмаган.

Не тонгки, буни овчи дўстимиз Қулматбой яхши билади. Азбаройи оёқ одамники сингари бўлгани учун ҳам қозонга солиб пиширишга юрак бетламайди. Тасаввур қилинг-да энди: мурғак гўдакнинг оёқчаси – қайнаган сув ёки қизиган ёғда... Майли, сизнинг ҳам жигарингизни эзмай қўяқолай. Учта жайрани неча кунда еганларини билмайман. Аммо айтишадики, қизил эт, парранданики сингари юмшоқ экан, иликлари ҳам майингина.

Қулмат ёзда жайрани кўп пойлаган, тутишнинг эпини келтиролмаган. Ҳатто инининг устидан тешиб ҳам кўрган, оғзини беркитиб ҳам кўрган, бўлмаган. Ини узунлигини чамалай билмаган. Ўзи тушиб бо-

ришга қўрққан: найзаларини бирин-кетин ўқдай отиб, баданини илма-тешик қилиб ташласа нима бўлади?

У мўлжал қилиб юриб, қор босган кунни айна пайт ҳисоблаган. Таваккал бир ўзи паншахани кўтариб борса, жониворлар худди ўша пайт сувлашга тушишган экан. Сувга қонган жайра юқорига чополмас экан. Шу боис ўчовиниям қийналмай паншаха суқиб жойида қолдирган. Шу.

Ҳа, дарвоқе, тўққиз ой эмас, келаси йили қишга бориб Қулмат жўра бир неча қизлардан сўнг чиндан ҳам ўтил кўрган. Фақир бобо тирик бўлганида, албатта, жайралар сони ғарибона учта, деб ўтирилмас эди. Ўтирикдир, муболағадир, нималардир дейилган бўларди. Буни энди Сиз ҳам билиб турибсиз...

БҮРИ ОВИ

Мен аввалги асрнинг етмишинчи йиллари ўртасида туманимизнинг “Истиқбол сари” газетасида пангатлик машҳур Сафар мерганнинг ҳаёти давомида етмишдан зиёд бўри овлагани ҳақида бир мақола ўқиган эдим. Кўрганлар ўзи жиккаккина, кичкина одам дейишарди. Лекин одамнинг ботири зўр келади-да ўзи: қопқонга туширган, отган, ҳатто тириклай ҳам тутган-э, қаддингдан, бунақасини эшитмагансиз.

Нурота тоғ тизмасида давлат отарларида чамаси юз мингдан ортиқ қўйлар ёзда, асосан, тоғ биқинида боқиларди. Меҳнат қаҳрамони Мамадиёр Шосимовнинг ўзи саккиз юздан зиёд қўй отарга эга, ҳар йили камида шунча тирик қўзи қолдирарди. Бир гуруллаган чўпон эди. Қўйлар то ёз адоқлаб бугдойикор ерлар бўшаб, ангор бўлгунча тоғда юрар, албатта, тоғ кўкати ва салқинида ялтираб семириб қайтар, ангор сомонига яна бир тўйдирилгач, уро-ур, кузда сунъий қочириш мавсуми бошланарди. Сунъий қочирилган қўйлар беш-олти, баъзан саккизта туққанини кўрганман. Март ойидан бошлаб туман газетаси хўжаликларда қўзилатиш мавсуми қай тариқа қизгин бораётгани ҳақида ошириб-тошириб мақолалар берар, туққизта совхознинг гўё кимўзарга қўзилатиш мусобақаси жадвал билан ўринларга бўлиб берилар, орқада қолаётган хўжаликлар, отарлар танқид қилинарди. Газетанинг бошланиш саҳифасиданоқ илғор чўпонлардан бирининг эгиз қўзиларни қучоқлаб кўтариб турган сурати босиларди. Биз ҳам даставвал шу илғорлар ҳақида мақола

ёзиб, газетада чиқса журналист бўлдим, деб осмонга сакраб юрар эдик. СЖК деган бир кимёвий восита қорақул тери режасига хизмат қилгани ҳолда аслида совлиқларнинг жонини қуритиб, қирилиш даражасига олиб келаётгани, қўзилар аксар ўлик туғилиши сабаби ҳам шу доридан экани кейин очиқ айтилганида жуда ҳафсаламиз пир бўлган.

Ўша йиллари тоғдаги молларга қирон келтираётгани учун туман раҳбарияти бўри отганга фалонта қўй, фалон сўм пул мукофоти ваъда қилади. Тўғриси, ўзим кўрганман. Сафар мерганнинг тумшуғи бандланган тирик бўри билан тушган сурати туман газетасида босилган. Маълум бўлишича ёши етмишдан ошган Сафар бобо Пангат тоғидаги энг йиртқич гажак бўрини қопқонга туширган, қанжиғини эса инига кириб “бола-чақаси” билан қопга солиб тирик опчиққан эмиш. Она бўри ва болаларини қўтқаришга келган гажак кўк бўри уя оғзида беҳос мерган қўйган қопқонга тушади. Шу ҳолида – синган оёғи қопқонда, ичкарига кираман деб уринганида оғир қопқон уя тешигига қопланиб қолади. Урғочиси ва болаларини қопга солиб чиқаётган Сафар мерган гажакнинг ҳамласига дуч келади. Чопонини қўлига қўшиб ўраб йиртқичнинг оғзига тутади, бўри ғарч этиб тишлаган заҳоти бўйнига пичоқ тортиб юборади...

Сафар бобо бундан аввал эркак бўрини ҳам уясида тирик тутишга уринган. Бироқ...

Биласизми, бўри уяси, оғзи тор бўлгани ҳолда хув нарида – чамаси ўн метр – “уй”ига кириш олдидан аввал, худди одамларники сингари “даҳлиз” ясаб оларкан. Мерган олдига чопон тутиб шу даҳлизгача етганда гажак уни ўмганлаб шундай куч билан уриб юборадик, мерган ағанаб тушиб нақд ҳушидан кетаёзади. Аммо дарҳол ўзини ўнглаб бўрига ташланиб қолади. Ҳайҳот, одамзоднинг қўрқмасига, ботирига ёвуз ҳайвон ҳам ён беришга мажбур бўларкан. Сафар мерган

аҳмоқ бўлмаган. Бирда бўлмаса бирда тоғ йиртқичи уни бурдалаб ташлашини яхши тушунган. Аммо ҳайвоннинг ҳиссий тилини яхши тушунган, ҳайвоннинг девидан ўзиники баланд эканини билган, кези келганда тап тортмай олишган.

Етмиш бўрини тинчитган одамни аввал ҳам эшитмаган чиқарсиз. Бу одам доим “айбдор”, яъни бировнинг молини еб кетган бўрининг ортидан пойлаган, жондор ҳам бу зотдан мудом қочганини, лекин аксарият қўлга тушганини эшитганман.

Сафар мерган уларни қақшатқич қийратган. Етмишта бўри-я! Райком балки уни эшгиртгандир. Лекин у сўзида туриб худди райком идорасигача эшак миниб келиб, парад ўтказиладиган майдонга гажак кук бўрининг терисини ёйиб қўйган. Она бўри ва болаларини қопдан чиқариб кўз-кўз қилган. Райком бова мерганни олқишлаган, уруш қаҳрамонидай эъзозлаган, айтган ваъдасида туриб йигирма-ўттиз, балки зиёдроқ жайдари совлиқ мукофот берган. Бўрининг мен деган бўйсунмасини ер қоплатгани учун тагин бир зотдор от ҳам берган дейишади. Мерган кейин кучдан қолган, овни йигиштирган, ёшини яшаб, ошини ошаб дунёдан ўтган, бироқ ўлгунича қишлоғига жондор ораламаган. Мана бу гапни биздан эмас, Пангат элидан сўранг.

Йиртқичнинг юрагига ваҳима солиб, кўрқмай олишган шундай зот ўтган! Сафар мерган!

Бўри-ку – бир йиртқич. Унга бас келиш оғир. Яхшиям одамзод қурол, милтиқ ўйлаб топган. Шунинг воситасида у ўзини ҳимоя қилади, аммо йиртқичнинг кўзи шу даражада ўқдай қадаладики, беихтиёр оёқ-қўлингиз титраб, жонингиз товонингизга тушиб кетади. Ҳар қандай зўрман деган овчи, агар қуролини ташлаб юборибди ё ортига қараб ура қочибди деса, бу – турган гап, рост. Лекин Сафар мерган бўрининг кўзига қараб таслим қилар эди, дейишади. Бу ҳам рост гап. Мен Сафар бобони кўрмаганман, бироқ бўрига рўпара бўл-

ганман. Очини, унда кичик мактаб боласи эдим. Тўқ кўк бўрибосар итимиз бўларди. Отамга эргашиб даштга, тоққа кетар, яна эргашиб қайтиб келарди. Бир вақт ёзда, Кўнақишлоқда, уйимиз ортидаги тарвузпалакдан пишгани бўлса, узиб келай деб оралаб юрсам, шарпа сезгандай бўлдим. Палакзордан дўнгда бир қоратош бўлиб, бизлар кўпинча унинг тепасига чиқиб ўйнар, гўё дўненинг нариги чеккаси ҳам кўринаётгандай ҳайқирар эдик. Шу тошнинг тепасида бир калла, менинча итнинг калласи бўй кўрсатиб турарди. Ўзимизнинг ит деб уни чақира бошладим. “Кўкбой-Кўкбой, маҳ, кел!” дедим. Қимирламайди. Қотириб қўйилгандай. Ҳайрон бўлдим. Яқинроқ бориб яна чақирдим. Кўзлари қадалганча қотиб қолган эди. Итимиз бўлганида, қадалиб қарайвермай ғингшиб, буралиб ёнимга келар, ўзича ётиб, думалаб эркаланар эди. Бегона ит, шекилли, деб ўйладим. Энди сескана бошладим. Қўлимга тош олдим-у, ботинолмай уйга қайтдим. Келиб акамга айтдим. Акам чайланинг ёнидаги катта таёқни олиб мен билан юрди. Қарасак, ит деганимиз ортига ўгирилиб қир томон йўртиб боряпти. Акам “бу бўрига ўхшайди, қулоғи кесилмаган, лекин калта, шундан билдим”, деб қўйди.

Қишлоққа бўри оралаганини кейин эшитдик.

Бизнинг қуйидаги ҳангома тамоман бошқа, бироқ буям бир мардлик тимсоли бўлса ажабмас.

Фозил – раҳматли Омон амакимнинг ўғли. “Фозил амаки” дейман уни. Сабаби – амакимнинг оташинлиги, одамни ғоят яқин олиши бор. Амаким шундай меҳрибон, жонсўз одам эди. Фозил ўқимаган, лекин қишлоқнинг ҳамма иссиқ-совуғига аралашиб, чўгидан кириб кулидан чиқиб юради. Қишлоққа борсам ошиб-тушиб қолади, пой-патак бўлади. Шунисига ўламан. Эркин, Низом, Тўлқин, Мадраҳим амакиваччалар билан тоққа чиқади. Гоҳо олқор тутиб келишса биринчи Фозил хабар беради. Келинг, дейди. Кунлар ўтиб ака, дейди

телефонда – тузқоқ қилиб қўйганман икки килосини, келсангиз ўзингизга пишириб бераман, дейди. Ош бўлсин, майли, деб қўяман. Шуйтиб эсдан чиқиб ҳам кетади. Лекин бир-икки марта, ёлғон бўлмасин, тузқоқидан тотинганман. Ғирромчилиги йўқ-да, шуниси керак.

Фозил ёдлаб олган бир мақол бор: “Қирқ кун тов, бир кун – ов”. Яъни қирқ кун тоғ кезасан, бироқ бир кун ов қиласан. Бизнинг амакиваччалар казо-казоларни меҳмон қилишади: милиса, прокурор, ҳоким. Иши тушганда илтимос қилишга яхши-да. Биздан не наф? Баъзан ўпкалайман ҳам – аттанг, шу прокурорлик ё мелисаликка ўқимаппиз. Кейин қизариб, ака, кейингисидан сизга кафсан бор, мана, кўрасиз, – деб ўзаро қўл ташлашиб қолишади овчилар. Орамиз олислиги панд беради – тузқоқ ва... вақт ўтгандан кейин ундан ҳам қуруқ қолиб юрамиз...

Бе, шу гўштни еб майишат қиламиз деб юрибмизми дунёда, насиб қилгани бўлади-да, туғримасми?

Гоҳо уларнинг ўзларига яраша илтимослари чиқиб қолади. Мисол, боя ўзлари меҳмон қилган милиса уларни милтиқ билан ушлаб қўлга туширади, гоҳи прокурор таъқиқланган жониворни овлабсан, деб обориб опкелади. Ака, танишингиз йўқми, дейишади.

“Бу қалтис иш-ку, кимга айтаман?” дейман. Гўшт еган ўзинг ва улфатинг, улфатинг номардлик қиптими, энди менга не дейсан, дейман ичимда-ю, шайтонга ҳай бераман.

Баъзан овни бўлишолмай ғижиллашиб қолишади. Мен нима қилай, дейман Фозилга: бориб яраштириб келайми?

Бўри овида ҳам шунақа ғишова бўлган.

– Асли жайра овига чиққанмиз, – дейди Фозил. – Уяни ҳам жайраники деб ўйладик. Қаздик-қаздиқ, жуда узоққа кетган экан. Аммо тупроғи созлов экан. Охири чарчаб, устидан “дуп-дуп” этказиб тепсак, ичкаридан ғингшиган овоз эшитилди. Йўлига қарасак, тулкиники-

дан катта. Яна тепиндик. Энди ириллаган товуш эшитилди. Қўрқиб иннинг оғзини тупроқ билан беркитдик. Калла қотди. Тўлқин нарироқдан, устидан тешиб тушсак-чи, деб қолди. Шундай қилдик. Нақд бўри уйининг даҳлизидан тушибмиз. Энди чўчий бошладик. Жайрага деб опкелган қопқон ва хўрагимизни ҳам тайёрладик. Бироқ уни қаёққа қўямиз? Она бўри ё ота бўри чиқиб қолса-чи? Таваккал, “даҳлиз”ни ҳам очиб ташладик. Даҳлиз деганимизам кичкинароқ одам оёқ узатиб ётса бўладиган жой. Чамаси, бўри опкелган ўлжасини шу ерда сақлайди ва бўлишади. Ичкари “уй”га кирадиган тешик кўриниб очилиб қолди. Не кўз билан кўрайликки, мушукдай-мушукдай келадиган саккизта бўрибачча. Бари бизга қараб ириллайди. На она, на отаси йўқ. Буям ўлжа. Ирилласа ириллар, бўйнидан ушлаб иккита рюкзакка тўрттадан бўлиб жойладик. Кетяпмиз. Тўлқин тўхтади. “Фозил ака, – деди, – бирини қолдириб кетайлик, бўри аламзада бўлиб қолмасин”. “Ўҳ, отангга раҳмат!” деб юбордик. Бунисига бизнинг калламиз ишламапти. Бир урғочисини қолдирдик.

Бўри зоти мард келади-да. Уйга етгунча ғиқ этган товуш чиқаргани йўқ. Неча одамлар учради – куппа-кундузи, вовиллаб қолса нима дейсан: тоғдан кучукбачча тутдик деёлмайсан-ку.

Ҳай, опкелиб Тўлқиннинг сомонхонасига қамадик. Ўзимизча хомчўт қиламиз: хў-ўш, энди буларнинг ҳақиқий харидорларини топиш керак. Қизиқадиган ва пули бор одам бўлсин. Одам қўйиб шипшиш лозим. Прокурор, мелисадан фойда йўқ: текинга бер, семиртириб бер, гўшти фалон дардга даво эмиш, тишини, тирноғини олиб бер – душманинг мағлуб бўлаймиш, урғочи бўлса анов-манов жойини кесиб олиб бер... каттартириб терисини шилиб бер, креслога ёпиб устида ўтираман, лекин зинҳор пул деб оғиз очма. Йў-ўқ, аковси, бунақаси кетмайди, яхшиси бу акалар беҳабар қолаберсин.

Лекин... энди тушакка чўзилиб пинакка кетганимни биламан, икки киши барабар дарвозани уриб қолди-ку. Ой ёруғ, дарров билдим: участковой Ҳасан, ёнидаги Тойир терговчи. Ҳой акалар, нима гап? Бўрини топ, ўзинг Тўлқинни чақир, мошинга чиқ, мелисахонада гаплашамиз. Сесканиб кетдим. Хаёлимдан кимлар ўтмади. Лекин бегона одам сотмаган. Жуда хафа бўлдим. Ҳасанни четга тортдим: майли, жўра, бўлар иш бўлди, айт-чи, ким хабар қилди сенга? Қани айтақолса. Энди-и, хабарчиларимиз бор-да, дейди. Ахир ким? Бўриларнинг ҳаммасини ол, ошна, лекин мен билай у одамни. Ҳиринг-ҳиринг қилади. Билдим: овга кимларни шерик қилмаган бўлсак, шу ё шуларнинг бири.

Сомонхонага фонарь ёкиб кирдик. Олтитаси ириллаб турибди, бири йўқ. Овни силар қилгансилар, бенасиб қолманглар, деб тўртовини тўрвага солиб “Вилис”га ўтириб жўнаб қолишди.

Эртасига қарасак, бир бўйи каттароғи сомоннинг ичига кириб ўлиб қопти: учта қопти. Бориға барака. Бировини совуқ булоқдаги Актам чавандоз олди – ҳалиям насия, бири Гарашадаги дом бобога кетди – бир кўрганда Тўлқинга эчки пули берибди. Қолган биттаси охири одамга ириллайдиган бўлди. Индамаса ҳамла қиладиган. Охири Тўлқин сумкага солиб Тошкентга – Сизнинг олдингизга жўнади, у ёғи ўзингизга маълум-ку.

Ҳа, бу ёғи бизга боғлиқ тарих.

Кимга айтсам, э, буни қаерга қўяман, қандай боқаман дейди. Уч кун ваннада сумкадан чиқармай сақладик. Зерикканидан бўлса керак, увиллаб юборадиган бўлди. Баногоҳ Садриддин жўрамга ялиниб-ёлвориб топширдим. Кучугингга чатиштирасан, сиртлон туғдириб оласан, у бўрибосар бўлади, деб қизиқтирдим. Тўлқинга беш-олти сўм олиб бердим. У шунисигаям шукур, деб жўнаб қолди. Бир ой ўтмай Садриддин

пулини сўрамайман, лекин қайтариб олинглар, обдон зерикяпти, бу туришда боқолмайман деб ёзғириб қолди. На бўлди, у бўлди, гўр бўлди, ўламан саттор бундай қилма, деб тайсалладим. Қочиб юравердим. Кейин билсам, жўрам азбаройи ачинганидан ўз қўли билан зоопаркка обориб топширибди...

Фозил бўлса, ака, тўғриси, пул бўлгани ўша эди дейди. Яна дейдики, олдимдан бир тўда бўрибачча чиқиб: жон Фозил ака, бизни олакетинг, боқинг, кимга пулласангиз пулланг, деб ғингшиб эргашса ҳам қайрилиб қарамасман.

Қайрилиб қарамайман, ака!

РАШИД ЖҶРА

У ёшимиз тенг бўлгани билан биздан икки ёш кичиклар билан ўқиб мактабни тугатган. Бўлади-ку шунақаса ҳам. Синфдан бир эмас, икки марта қолса шундай бўлади. Туғрисиям, давлат у вақтлари аяб ўтирмас эди, биласиз. Лекин Рашиднинг куядигани бу эмас. Кейин ҳатто ўша вақтнинг мен деган олий ўқув юрти – халқ хўжалиги институтига киришга ҳам куч топди. Билим топмасаям, куч... топди-да. Битирмади, шекилли. Кўкнори бизнесига аралашиб ҳаёти алғов-далғов бўлиб кетди. Қамалиб чиқди. Қутулганида, ота-онаси, яқин жигарлари – жами олти нафар яқинидан ажраган эди. Одам бундай жудоликка дош беролмай тентак бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Бошда борини кўз кураверар экан. Худойим бандасини сақлайман деса қирқ йиллик қирғинда ҳам асрар эмиш. Туғри, Рашид жўра афғон урушида ҳам уч йил юрган. Қулоғининг орқасидан осколка ҳам еган. На бўлғай, ота-онаси умидини узиб ўтирганда ғоз юриб, тик оёқда уйига кириб келган.

– Покистоннинг чегараси Қандаҳорда хизмат қилдим, дейди у. – У ер энди бир ажалхона эди. Кўкиққисдан минага, дайди ўққа учиб қолаверасан. Қарғанинг шарпасини сезасан, лекин афғон “босмачи”нинг қорасини кўролмайсан. Оёғинг остидан ё осмондан тариллатиб ўққа тутиб қолади. Ўзингни ўнглагунингча сафдошларингни титиб ташлаган, қарасанг – изи ҳам, сояси ҳам топилмайди. Шуйтиб биз улардан, улар – биздан аламзада, кўринса аямас эдик. Аёл, бола, қари деб ўтирмай отиб ташласанг ҳам биров бир нарса демайди.

Бир куни штабдан қора чодра ёшнган аёлни опчиқишди. Қирғиз аскарлари ва менга буйруқ бўлдики, тоғнинг нариги камарига обориб отиб ташланглар. Аёлнинг тилига тушунмаймиз, бироқ имо-ишораларидан олтига боласи борлиги, бири кўкрак эмадиган чақалоқ эканини англаймиз. Бунақа ҳолат кўп бўлади: эринг қайда, босмачилар қаердалигини айт – жавоб бўлмаса, ўлимга маҳкум. Бу бечоранинг бошида ҳам шу кун экани маълум. Ким ҳам беҳуда жувонмарг бўлиб кетишни хоҳлайди? Кўхликкина аёл. Болажон, мусулмон, йиғлаб жавраб боряпти, сен ҳам мусулмон боласидирсан, дейди. Негадир жуда раҳмим келди, онам, опаларим кўз олдимга келди. Саматга нима қиламиз, дедим. Билмасам, деб елка қисди. Кел, дедим – шунини ўлдирмайлик. Лекин бизни вишка тепасидаги навбатчилар дурбинда кузатиб туришади. Ҳийла қилганимизни пайқаб қолишса, ўзимизни отиб ташлашади.

Аёлга ўзимизча тушунтирдик: етиб тўхтаганда биз устингдан ошириб ўқ отамиз, сен гушна ташлаб “ўлиб” қолсан.

Адирда жасадлар жайраб ётипти. Дунёда одамнинг мурдасидай сассик, бадбўй нарса бўлмайди. Эскилари этсиз суяк, скелетларга айланган, парранда-дарранда еган чиқар. Кўпчилиги... аёл. Бор-йўғи бир дақиқадан сўнг бу келинчак ҳам шулар сафига қўшилиши керак. Тўхтади. Отдик. Йиқилди. Йиқилгач яна отдик. Типирчилаб қўйди ролни яхши бажарди.

Қиларини қилдиг-у, ваҳимадамиз: билиб қолишса – тамом. Ахир у юриб шу ерларданми, қаерлардандир ўтади-ку. Бир-икки кун ўтди орадан. Ҳартугул гап чиқмади.

Иттиқофо бир куни кечки сменадамиз. Шерикларим ўрис аскарлар. Роса чеккилари келиб қолди. Кечаси бирор шарпа сездиришинг жуда хавфли, пайқаган заҳоти отадилар. Чекманглар деб тахирлик қилсам ҳам унашмади, ўзларича шинелга бекитиб чека бошлашди.

Заҳар танг қилиб, бўшаниш учун сал нарига юришим-ни биламан, бошимнинг устида бир нима момақал-диروقдай гүмбурлаб кетди-ку. Ҳушимга келганимда қулоғимнинг орқасидан шариллаб қон оқар, аскарлар, санчаствагилар атрофда тимирскиланиб юрар эдилар.

Тонг отгач, ўрис шерикларимнинг парча-парча гўшгларини топиб олишди...

Қишлоқ оралаб “гозалаш” қилиб турамиз. Биз излаган “босмачи”лар одатда уйга кириб қамалиб ўтиришмайди-ю, барибир қиладиган ишимиз нима – эшикларни тепиб, бузиб очиб кираверамиз. Навбатдаги эшик ҳам очилмади. Турумани бузиб, қулатиб ичкарига кирсак, олти нафар афғон бола нафас ютиб қалтираб турибди, онаси ўртада ғоз турибди. Шунанча, биз уларни ўлимга тик қарашга ўргатиб қўйганмиз. Бошқа хоналарни титкилашга ўтдик. Бир маҳал ҳалиги хотин менинг енгимдан тортади десанг. Қараб таниб қолдим: биз ўша ёлғондакам отганимиз – келинчак. “Тек, дамингни чиқарма!” деб дўқ қилган бўлдим. Тинтув тугагач, бир тоғора олма опчиқяпти ҳалиги. Нима бўлса бўлди деб, чўнтакларимни тўлдириб олдим. Не бўлса бўлар деб командиргайм улашдим. “Қаёқдан олдинг?” дейди. “Ўзим, боғдан тердим”, дейман. “Аввал ўзинг е”, дейди. Қарсиллатиб тишлайбераман, кейин у ҳам қўл чўзади...

“Бош қаттиқми, тош қаттиқми” деб тирашиб яшаб келаман, жўра, деб осмонга қарайди Рашид. Ҳойнаҳой, тепадан не савдолар тушади деб ўйлар. Ўлмаган қул яшайди, яшайберади. Жудоликлар уни эгса эгтандир, лекин синдирмади, янчиб ташламади. Тоғдан искана қилди. Бунга ҳам йигирма йиллар бўлди. Отаси Холдор ака қишлоқнинг молини боқиб юриб Оқ зовдан ўтиб, Қиёматнинг оғзидаги бир парча ерни тошини тозалаб ўн беш туп ёнғоқ экиб эди. Мол-ҳолдан асраб дарахт қилди. Бошқа майда-чуйда ҳам экди. Ота-она, жигарлар кетгач, шу ер Рашидга қолди. Хотини Озода билан келиб

отасининг чайласига ёнбош икки хона қўшди, устига шифер босди, эшик-дераза қўйди. Қишлоқдан ун чақирим наридаги тоғ ичида ҳовли пайдо қилди. Дарахтдан ташқари сабзавот эқди. Тош аралаш қора тупроқда қовун-тарвуз ҳам экиб кўрди. Бўлар экан. Ағдарилиб қолди. Палак мезон шамолини еса, пишмаган сапча қовун ҳам болдай бўлиб кетади. Ган мезонга етишда. Тоғда тез салқин тушади. Ёзда ҳам кўз ёшидай милдираб ёмғир тўкилиб қолади. Ҳайтовур, билсак, бу ерларни сел ювмас экан. Нима бўлса пастда – сойлар қўшилган жойда бўлар экан. Кейинги кезларда айнаи ёз чилласида ҳам сел айқириб келиб, ҳамма ёқни балчиққа, тошга тўлдириб, кўприкларнинг энг зўрини ҳам санаб-санаб бирма-бир олдига солиб “ҳайдаб” кетадиган бўлди. Санглоқда кўприк қуришга ҳам одамлар чўчиб қолди. Лекин керак. Икки йил бурунги эрувда ҳам кўприк қолмаган эди. Ҳар йили ҳашарга айтиб, тўрт-беш сўм пул йигадиган оқсоқоллар ҳам бир нима деёлмай қолдилар. Мана, бу йил барибир қуришга тўгри келади.

Ойдаи энам – онамнинг онаси айтар эди: Абдулласой, Солисой, Бургутлининг тепасига ёзда чайла қуриб чиқар эдик. Буғдойлиқ мўл эди. Ораласа қўй-эчки кўринмай кетар эди. Ўттиз-қирқ қўй-эчкини, молларни соғиб, кунбўйи куви пишиб чарчар эдик. Ўнталаб қорин мойи тўлатардик. Давлатнинг чигит мойини кеча эшитдик. Буғдойлиқ еб семириб, думи тарс ёрилиб кетган қўчқорларни ўшанда кўрганман. Тепада лалми қовун ҳам нақд тўнкарилиб қоларди. Ҳандалак, бўрикалла, кампирчопон, кўкчаз, олатарвузнинг туйнаги тубига тош тираб чиқмасанг, бандидан узилиб сойга думалаб сочилиб кетар эди. Ай бир замонлар эди-ёв.

Ҳалиям ўша-ўша ерлар. Фақат нафс, очкўзлик балосими, дарахтлар – сой бўйи кета-кетгунча сариқ тол, яъни мажнунтоллар билан қопланган, орасидан зўрға ўтиб борардинг, қўлинг узилгурлар, на иморатга ёғоч бўлади, на деворбоп, на ўтинликни обод қилади – шу-

ларниям битта қўймай қирқиб олишган-а! Солисойнинг оғзида бир тупгина ёввойи қизил олма бўлиб ўшанинг шарафига бир парчагина ер Қизил олма аталар ва ҳамма учун тушунарли манзил ҳисобланарди. Олма то пишмагунча оғизга олиб бўлмас, тахир бир бало, аммо пишгач, жуда мазали, сувли, еганда жонбахш қилувчи мевага айланарди. Қайрағочдай сой четида серсоя бўлуб турувчи шу олманиям кесибдилар – бўйнингга от тепгурлар. Бир сойда икки-уч туп ёввойи ўрик, яна бирида ёввойи олмурут – нок, тоқли деган жойда ёввойи узум ўсади. Уч тупгина узум Униям фақат пишганда татиш мумкин, холос. Бўлмаса оғзингни шунақа тахир қилиб ташлайдики, уч кунгача еган-ичганингнинг таъмини сезмай юрасан.

Хайриятки, тоғ ёнбағрида, Қоразовнинг пастида тик қирда ўсгани боисми, одамлар унга тегмаптилар. Ойбек муаллим айтгани янглиғ “ўшшайган қоя лаби”да очофат молларнинг ҳамласидан ҳам холи, бир хил кўкариб, кўзни яшнатиб турибди. Оч баччағардан қоч баччағар – тик қирда ўсгани ўзининг жонини сақлашга боис бўлган, чамаси. Қишлоқ тўқсабоси – юз йил аввал, тўқсабонинг отаси, менинг бош бобом ҳам ундан тотинган. Биларсиз-билмассиз, ток қаримайди, чинорга ўхшаб минг йил яшайди.

Яна бир ҳолат: тоғда тез очқайсан. Нон ҳам гоҳида бир ёқимли овқатдай кетади. Сариёғ суриб урсанг гўё ошга тўйгандай маза қиласан. Унда-бунда учраб қолган мевалардан есанг ҳам тўймайсан. Бу дунёда тамом бегуноҳ яшаб ўтган отажоним бир сафар хуржунини тўлдириб ўша қизил олмадан опкелган. Бир-икки кунда уни тинчитиб, мазахўрак бўлиб, сўнг ўзимиз тагин эшакка хуржунни босиб қизил олмага борганмиз. Ўзиям аввал салкам бир хуржун олмани укам иккимиз паққос тушириб ташлаганмиз. Қоринлар дўмбира бўлган, йўл-йўлакай дарахт паналаб тўхтаб-тўхтаб келганмиз...

Гапнинг калтаси, шу йил май ойининг тўққизида
жўра, амакивачча, бола-бақра Рашид жўранинг чай-
латомига бориб маёвка қиладиган бўлди. Фотиҳали
жойларга кирдик, қариндошларни кўрдик, Бойтемир,
Абдишукур, Абдували, Ғайбулла синфдошларимизни
ҳам кўрдик. Сўнг узун-қисқа бўлиб, бир от, уч эшак-
ка ўтириб тоққа ўрландик. Яқин дўстим, беғубор инсон
Абдуолим мен билан бирга борган. Фозил амаким бир
серка сўйган, гўштини нимталаб шашликбон қилиб
хуржунга жойлаган. Солиқчи дўстим Абдуолим тоза
“ўрис боласи”дан ҳам олган экан, чарчоқбосди, ҳам
гапни қовуштиради деб. Холмурод, Жозил, камина,
Абдуолим кўлик – эшак, отда, қолганлар пойи пиёда
сой кесиб, қайдасан Қиёмат деб уриб турибмиз. Дарҳол
салқин бошланди. Тоғлик ғамини ейди-да: Фозил ҳар
биримизга биттадан чопон олибди. Борсак, Рашид йўқ,
молларни тугал қилгани тоққа кетибди. Хотини Озо-
да пой-патак бўлиб қолди. Сариёғ, чаккиларни уйиб
ташлади. Қумғонда чой қайнатди. Шом бўлай деганда
Рашид икки тарғил сигирини олдиға солиб қийшанг-
лаб келиб қолди. Абдуолим “Тошкентники табаррук”
деб икки пиёла бостириб узатган эди, жигит чечилиб
жўнади-ку. Бояги юқоридаги афғон воқеаларини айт-
ди. Хотинининг бир ёмон дардга йўлиқиб, дўхтирлар
одам бўлмайди дегач, шу тоққа опкелиб соғайтиргани-
ни сўзлади.

– Собир жўра, олти ой қийналиб ётди, дўхтир нима
касал эканини айтолмайди, охири бечора беҳуш бў-
либ комага тушди. Қарамай ҳам қўйишди. Уч кун ко-
ридорда ётди. Мажоли йўқ, тинкаси қурийди. Амал-
лаб шу чайлагача опкелдим. Нима бўлса булар деб,
ҳар хил тоғ ўтини дамлаб ичиравердим. Йўқ, Худо
боқди: аста-секин жон киргандай ўзгараберди. Ҳай-
товур бир кунлари оёққа ҳам турди. Ҳай, ёз ўтиб ти-
рамога келганда одам бўлди-да. Мана, юрибди, жони
тош экан, ўлмади.

Рашид ишча кулимсираб, Яратганнинг марҳаматидан тулиқибми, ортига, хотини томонга бурилиб қўяди. Озода бўлса, иягига рўмол танғиб, кетмон кўтариб куншувоқдаги янги экилган помидорга сув тараяпти. Урчукдай хизмат қилиб юрибди. Бир маҳал у бир даста кўк шиёз ташлаб кетди.

– Манов катталарни танийсанми, эй? – дейди Рашид мазахлангандай.

– Ҳа, – дейди у.

– Гўрингни танийсан, – дейди Рашид. – Булар катта, кўрмагансан, Тошкентда туради.

– Рашид жура, келинни олиб ўтинг пойтахтга, – дейди Абдуолим, атай келинга эшиттириб.

– Кўрамиз, – дейди Рашид юз граммнинг таъсириданми, тагин хотинига ўтирилиб: – Ай, мен сени катта кучук қилиб буларга мақтаб ётиппан, – дейди-да, ўзининг гапи ўзига нашъа қилиб энкайиб-энкайиб кулади.

– Чуччисиз-да, тузингиз йўқ, – дейди хотини ва Фозилнинг иккита пишган шашликни опкетинг, деб ҳай-ҳайлашига ҳам қарамай жуфтакни ростлайди.

– Фозил, бор, обориб бер, уялди, – дейман мен.

Фозил резинка шиппакни оёғига илганча янгасининг ортидан йўртади.

– Энди ўлмайди, – дейди Рашид секингина.

Тагин бир ютумдан кейин авжланиб ҳангомага шайланади.

– Собир ошна, шу чайлада олти қишладик келиннинг билан. Бозор-учарниям боллар эплаб туришадди, емиш, ўтинниям ғамлаб олганмиз, сабил қолсин, жондор кўп келар экан. Бир куни моллардан хабар олай деб ўтаётсам, симдарвозанинг олдида бир қора турибди. Одам деб ўйлаб “келинг, меҳмон” дебман. “Так-так” қилади. Ит ҳам эмас, англаб қолдим, мол ҳайбатли бир қоп-қора бўри. Узлуксиз тишини такиллатади.

Босар-тусаримни билмай келиб уйнинг ташқарига очиладиган эшигини ичкарига қараб итараверибман. Келинингиз ҳадаҳа келиб эшикни очиб, сув сениб хушимга келтирди. Ёмон қўрқдим. Эшикни ҳар балолар билан тамбалаб ухламай тонг оттирдим.

Тонг отиб билсам, ҳарқалай, тинч кетибди.

Бир қулайи келди, сиртлон урчитдим. Билсангиз, бўри билан итнинг чатишуvidан кучукбаччалар бешта, олти, еттитадир, туғилиб, шуларнинг бири сиртлон бўлади, оёғида қўшимча бир белги – ортиқча панжа бўлади. Бўри бунни билади, баччалигидаёқ ё опкетади, ё эплаёлмаса бўғизлаб кетади. Чунки улғайса ўзига кун бермайди-да.

Қишлоқда амаллаб икки яшар қилиб олдим. Учинчи йили чайлага опчиқдим. Гавдаси қозоқнинг Олабойидан катта эди. Ундан бошқаям бир қозоқи кучугим бор эди, қиш куни шу ғингшийверди, кейин вовуллашга ўтди. Ўзи асли бу мени уйғотишга келган экан. Ортидан эргашиб борсам, бир нарса сулайиб ётибди. Бошини кўтаролмай ҳарсиллайди, фонусни тутсам, боши қонаб ётибди. Сиртлон ҳам чарчаб қолган, тилини чиқариб индамай турибди. Оғилдан кетмонни опчиқдим-да бўрининг бошига икки марта солдим. Қолган жони ҳам чиқиб кетди. Сиртлон бўрига бас келишини шунда ўз кўзим билан кўрганман.

Рашид кейин сиртлонни асрай билмаган. Ўғирлатган. Тоғ ортидан келган хешларнинг иши, деб ўйлайди. Пастки қишлоқларда бўлса, топиларди. Кўп сўрадим, уларга керак эмас, ахир бу ит билан тулки овламайди-ку, деб қўяди у.

Сиртлоннинг йўқолишидан сўнг жондорга ишонч йўқ, тағин қишлоғга қишлоққа кўчиб тушадиган бўпти. Ўт-хашак, ўтинни тўплайди, салқин тушиши билан эпини қилиб ташийди. Мол-ҳолни олдига солиб ўзлари ҳам тушиб келишади.

Биз бўлсак – дам олиш, маёвканинг уйини куй дирган зотлар, қуёш чиқиб бўлган, сойга, булоқларга юзимизни чайниб тоққа бир ўрлаб келамиз. Қайда баланд қирнинг ортида ундан ҳам баланди бор. Ур кач-уркач тоғларнинг ортида, тизманинг адоғида Бел бор. Тоғнинг бели. Ундан ошсанг, тожиқ хешларнинг қишлоғи – Можримга тушасан. Форишга қарайди.

Қирдан тоғрайхон, кийикўт, телпақул, ширачани кига ўхшаган узун бўйли гул териб тушдим. Милтиллабгина суви қўзғалиб, лекин оқмай турган булоқларга ҳам кўзим тушди. Рашид жўра у ерларга ҳам ёнғоқ олма, ўрик экибди. Шаҳарда бозорга пишган ўриклар чиқди. Бу ўрикларнинг ҳали данаги қотмаган, барра довучча.

Чой ичиб бўлгач, зилол булоқ сувларидан қўшилиб шарқираб оқиб ётган сойдаги қўлбола ҳовузда чўмиламиз. Ўзимизча уни кенгайтириб, ичидан тошларни олиб чуқурлаштирамиз. Боя этга пичоқдай санчилаётган сой суви энди мулойимлашгандай, қандайдир та-нага хуш ёқаётган эди.

Рашид жўра тоғнинг бир камарларидан молларни топиб, бошини тўплаб қайтиб келди. Туш пайти бориб суғориб келиб, ётқизиб, ундан кейин яна ўтга ҳайдар эмиш. Моллар ҳалитдан тирсиллаб, ялтираб семирган, соғса челак-челак сут беради. Буям бир барака, саломатлик, роҳат-фаровонлик. Бир ҳисобда Рашидга ҳавас қиласан. Квартира, коммунал тўлов, газ пули, ис-сиқ–совуқ сувлар тўлови йўқ, биров пишагини “пишт” демайди. Тоғ ҳавоси, суви тоза. Ҳаракатинг ҳам, ема-гинг ҳам фойда.

Яша, яшаб қол, оғайни.

Сафар қариб уловларга минамиз. Эшакларга халачўп урилади.

Рашиднинг хотини яна сигир соғаяпти. Елинлари тўлгандир-да. Сут ва ўтга тўйинган, худди оналари син-гари икки қўнғир бузоқча шаталоқ отиб ўйноқлайди.

Рашид оғилхона ёнида. Соғилаётган сигирга, соғаетган келинга бир-бир қараб қўяди.

– Абдуолим ошна, – деб уни тўхтатади. – Ҳалиги кўк бўрини шу ерда, манови ёғоч қозиқнинг олдида тинчитганмиз-да. Эсизгина сиртлоним, қаерларда экан.

Кейин бемалол:

– Кўк бўрининг терисини шилиб, кетган баҳосига сотиб жардим. Тирноқ-тишиниям сураганларга тарқатдим. Бировлар уни пулга сотаймиш, – деб йирик тишларини кўрсатиб кулди. – Яна келасилар бир.

– Тошкентга ўтинг, Тошкентга.

– Ҳай энди, Тошкент... Йўл тушса кўрармиз.

Бу Тошкентни қўявер, биз бу ерга боғланиб қолганмиз ёки бу жаннат турганда шаҳарингни бошга урамани деётган, дунёга, биз ортидан югураётган – шуҳрат, обрў-иззат, мол-пулга мутлақо бефарқ оддийларнинг оддийи, бир жўмарднинг шунчаки қўл силташи эди.

Шаҳарга яқинлашганинг сари нафс отлиғ бир жодугарнинг тобора комига кириб бораётгандай сезасан ўзингни.

Ғаройиб тоғ ортда қолади. Ортда қолган сари улканлашаётганга ўхшайди...

БОБОЛАРИМ

УНАР ЧОЛ

Мен Ҳамзанинг ўғли, Ҳамза Унарнинг ўғли, Унар Сулаймоннинг ўғли, Сулаймон Хидирнинг ўғли, Хидир Ғойибназарнинг ўғли, Ғойибназар Ҳусаннинг ўғли, Ҳусан Холбойнинг ўғли, у ёғи катта уруғ – Шўрлик, Шўрлик эса Бўгажили, Бўгажили бўлса Туркман ё Қўнғиротга бориб уланиб кетади. Мен ўқиган бир неча тарихий китобларда Бўгажили (Бўхчали) Қўнғирот дейилади, аммо нечукдир Эргаши Жуманбулбул ва бошқа ижодкорларимиз туркманга тааллуқ эканимизни ўқтиришган. Ҳайрон бўламан: туркманга ёвуқ тил ё одатимиз бўлмаса...

Майли, бу тарихнинг иши. Мен билганларимни сўзлайман. Сулаймон бобомни отам ва онам яхши эслашарди. Темирчи уста бўлган экан. Жини кучли бўлган чоғи, ясаган кетмони обдон қизаргач, яланг оёғининг кафтини кетмонга босиб тураркан, оёқ тутаб, ҳамма ёқни ҳид босиб кетаркан. Ажабки, асли оёғининг ойасига ҳеч нарса қилмас, бобой ҳеч нарса кўрмагандай мўкисини кийиб кетаверар экан. Одам териси олти қават бўлади дейди, сиз билан биз бу ишни қилолмаймиз, қилсак, олти қават теримиз ҳам гўштигача куйиб кетади.

Қора уйни биласизми? Ўтовни эсланг. Бобом пирларими, жинларими кўзғайверса, ўтовнинг деворларидан ёнламасига тик оёқда юриб айланаверар экан. Қора уй ўзи бир омонат нарса, оёғингни қўйсанг, албатта, ёғочлар одам вазнига дош беролмай, тоб ташлаб юборади ё қорувли эркак юкига чидамай чонғороғи,

яъни тена туйнути билан қўшилиб ерга қапишиб қолади. Шунинг ўзидан билиб олаверасиз бобомизнинг сир-синоатли ҳаракатларини.

Сулаймоннинг отаси Хидир бобом чавандоз ўтган, ўзи майдарок, лекин чорпахилдан келган ўта полвон одам бўлган экан. Негадир кўпқарига байтал чопган, байталининг фазилати кўп бўлган чамаси, эҳтимол, кучли ва ўзғирлиги, айғирлардан ўзармонлиги сабаб Тўқсабонинг назарига тушади ва... оқибат бобомиз уловсиз қолади. Ун пуддан зиёд юк босувчи зўр тўқсабонинг тагига бошқа отлар чидаш беролмас экан. Булар буткул бошқа ҳангомалар. Мавриди билан бошқа сафар гурунг қилармиз.

Сулаймонда икки кампир бўлган. Биридан Ўнар отам, иккинчисидан Эгамқул, Овлоқул отамлар ўргиган. Тўқсулув, Нозанин, Ашя аммаларим ҳам яшаб ўтишди. Улардан бир дунё ўғил-қиз, ана улардан эса бир қишлоққа сиғмас, неvara, чевара, эваралар юрибди. Барчаси бизни тоға дейди, очиқ тан олай: таниганимиздан танимаганимиз кўп. Одамзодники шу эканда: бора-бора бир-бирингдан узоқлашаверасан. Кунинг етса ажалга тоб йўқ, буниям бўйнингта оласан... Ҳай-хай, ҳай-хай!.. Биздан нари, сиздан нари!..

Ўнар отам барваста бўй, полвон чол эди. Умрининг сўнгида ўз чорбоғини ўғиллари Ҳамро, Ҳамза, Ҳазан, Омонларга бўлиб берган эди. Чорбоғдан ўриб олинган 300-400 бовлиқ емишни эшакка ортишга эриниб ўзи елкасига даст кўтарганча орқалаб ташиб ташлар эди.

Овқатни ҳам полвонларга хос ерди. Данакли меваларнинг данагини чиқитга чиқариб ўтирмас экан. Син солганлар юз-икки юз дона, ярим челақнинг зиёдроғини чамалашаркан... Саройнинг Қурисойидан Давир бобо бир маҳал сув ёқалаб келиб чорбоғда соялаб ўтириб бир уюм данакни тош билан чақиб еётган эмиш. Сойдан эшагига сомон ортиб ўтаётган Сафар бобо жўрасидан ҳол сўрабди.

– Данак ширин эканми?
– Э, ширин бўлганда қандай!
– Ҳафта бурун шу ерда Ўнарбой зардоли еб кетган экан... тўғри айтасан, ширин бўлиши керак...
– Ў, отинг ўчсин, Ўнарингнинг оти ўчсин! Ўл, ўл!
Шундай дея Давир бобо оғзидаги данак мағизларини жирканиб тунуриб ташлаётганмиш...

* * *

Бобом бузоқбошдан қўрқшини одамлар афсона қилиб айтишади. Ўроқ вақти Ўртачўл даштида бобом ишдан чарчаб пичанга бош қўйиб ухлаб ётса шўтанок жўраларидан бири ўлик бузоқбошни ипга бойлаб бўйнига осиб қўйибди. Бобом уйқудан уйғонса... кўкрагида жондор ётибди. Силкинса ҳам, урса ҳам тушмас эмиш. Турасолиб уйига қараб югурибди. Бўйнига тумордай осилганидан беҳабар, ўнгдан урса, чап томондан, чапдан урса ўнг томондан келиб кўкрагида туриб қолар эмиш. Катта гавда билан калишни ҳам қолдириб ялангоёқ нақ ўн беш чақирим масофага ўзича бузоқбошдан қочиб уйига келиб қўйган. Уйда эса кампири Майрам энам масхаралай-масхаралай бўйнидаги ипни кесиб олган, шундай бузоқбошнинг ўлигидан чўчиб ташқарига қочишга шайланиб турганмиш.

* * *

Бобом бир вақтлар тожик жўраларидан кўчат олиб чорбоғига ариқ бўйлаб кўп олма экиб ташлаган экан. Чучук қизил, сариқ, катта-катта олмалар эди. Карсиллаган, шунақа мазали эдики, еб тўймас эдинг. Ёзда бирваракайига пишиб тўпиллаб тагига тушиб ялтираб ётар, ариққа тушиб оқиб кетаётганидан пастки овулдагилар ҳам баҳраманд бўлишаркан. Бир ғаройиб олмалар эди. Дарахтлари ҳам худди ёнғоқ дарахтидек тарвақайлаб осмонга бўй чўзиб кетган, то қузгача

шоҳларида илиниб қолган олмаларни битта-битта узиб ёб маза қилар эдик.

Тақдирни қарангки, Унар бобом етмишдан ошиб чол бўлиб қолганида ҳукиз судраб, мана шу ўзи эккан олма танасига гавдаси урилиб шол бўлиб қолди. Эҳ, менинг оққўнгил, меҳрибон бобом неча йиллар маҳтал бўлиб ётди-я. Кўрпада ётиб елкалари ачишиб кетаварарди чоғи, “ағдар!” деб бақирар эди. Биз бола эдик, амакиларим, келинлари, гоҳо бўйи ўсиб қолган Исмат, Дамин, Сайимбой акаларим бобомни у ёндан бу ёнга ёнбошлатиб қўйишар, шу қўйи бир неча соатгина тек ётар, тағин бояги аҳвол такрорланар эди. Кунларнинг бирида кичик амаким қишлоқ шифохонасидан оёқсиз сим каровот топиб келган, кароватнинг оёқлари ўрнига тош қўйиб, бобомни унга ётқизишган эди. Бобом шўрлик қоронғи уйчада бир ўзи ётар, ҳўл-қуруғи бир жойда бўлганидан зах хона ҳидланиб ҳам кетган эди.

Онам ёки келинларидан бошқа бирови нон пиширса биринчи кулчаларини олиб бобомнинг ёнига чопар эдим. Ярим нон катталигидаги кулчани бобомнинг оғзига тутсам, боёқиш очиқиб кетармиди ё ошқозони ҳам ўта бақувватмиди, катта кулчани бор-йўғи икки тишлаб адо қилар эди...

Тенқур-бўйинсалари шу ётганида ҳам ё тегишибми, ё яхши мақсаддами бобомнинг кўкрагига боягидай ўлган бузоқбошни ташлаб қўйишган. Шояд қўрққанидан, ҳа, албатта, қўрқувга дош беролмай ўрнидан даст туриб кетишини ишташган. Лекин... бобом қўрқса қўрққандир, бақириб бергандир. Бироқ шундай полвон одам... қимир этмай ётаверган! Шу дард бобомнинг сўнгги нафасигача дўст бўлиб қолди...

* * *

У вақтлар, қизиқ, дунёда шовқин кам эдимиз, одам оз эдимиз, олис-олис масофадан кишилар бир-бирини чақириб олар эдилар. Отам раҳматли яқин йиллар

ичида ҳам уч-тўрт чақирим масофадан молларини қайтариб олганини ўз кўзим билан кўрганман.

Ажаб!

Катта қишлоқ номи Қувкалла бўлгани билан у тармоқланиб кичик қишлоқларга бўлиниб кетади: Аллаберди, Бургали, Уртақишлоқ, Зулмонота, Бердибулоқ, Қирғи Шўрлик, Тўдақишлоқ. Аллабердида Қамбар тоға яшар эди. Новча бўйли, полвон, бир авомроқ киши эди. Бобомга ўхшаган ҳуран, бир ўтиришда қишлоқнинг катта тандир нонидан уч-тўртини сарёғ суркаб уриб ташлар эди, дейишади. Эшак минса негадир узанги боғламас, узун оёқлари ерга тегиб бўта, хашакларни супуриб юрар эди. Шу одам кун ботиш шашпатдаги қишлоқда яшовчи жўраси Унар бобом билан гоҳ Қўрғонтепа устига чиққанида, гоҳ Кўкқум деган жойга, Уртақирга мол ёйгани чиққанда иккови икки қишлоқда туриб гаплашиб, ҳангомалашиб ётар экан.

Кўкқум – Аллаберди. Ораси уч-тўрт, балки беш чақирим, яъни чақирим деганни километрга менгаб айтаётирмиз... Шунча масофа узоқликда икки чол гурунгини тасаввур қилинг! Қандай товуш керак бунга!

Ҳозирги “сотка”ларимизнинг ҳам чидаш бермай жони чиқиб кетар-ов!

ЭГАМҚУЛ ОТАМ

Сулаймон чолнинг Унардан кейинги ўгли. Ўзига етарли жиндор бобой эди. Хотинбоз эди деб айтмайман, бироқ тақдир тақозоси билан беш марта уйланган. Не тонгки, уч ўғил, бир қизи фақат бир кампирдан туғилиб эди. Қолганларига туллигича жавоб берган эди.

Биз болароқ эдик, икки кампирини яхши эслайман: бири қоп-қора, семизроқ, униси узун бўйли, сариқ кампир эди.

Эгамқул отам атторлик қилар, Каттақўрғондан улбул опкелиб хотин-халажга сотар эди. Мисол, ҳайитда бир хуржун ҳолва, бошқа вақтлари арзон мато, сақич, ҳуштак, матобўёқ, аччиқтош, ёғоч қошиқ, ироқи дўппи, қовун қирғич, шунга ўхшаш энг керакли нарсалар олиб келарди. Бошқа атторларга ўхшаб қишлоқма-қишлоқ, уйма-уй кириб юрмас, шундоқ уйида пуллаб қўяқоларди. Инсофли бўлганини ҳалигача айтиб, қилиқларини эслаб юришади. Келинларининг ҳар бирига ўзи от қўйиб, фақат шу лақаб билан атар, атай ўзининг исмини билмаганга олиб кетаверарди. Масалан, бир неча келинларини “ёвғон” деганини кўрганман, фақат танимоли бўлиш учун бўлса керак, “катта ёвғон”, “кичик ёвғон” дея аниқлик киритиб қўярди ўзи. Опкелган молини бошқа нарсага, мисол, тухум, эчкининг жуни ёхуд баъзан ўзига керакли бирор буюмга ҳам алмаштириб кетаверарди. Назаримда энг “учиб кетадиган” моли бўёқ эди, қизиги, Эгамқул отам мана шу бўёқларининг ишлатилишида ҳам устида турарди.

Оқ жунга бун ишлат, қорасига уни, мунча миқдорда қўш, аччиқ тошдан бунча қўш, кўп қўшсанг ипни қотиради, оз қўшсанг бўёқ тез кетиб қолади, дея кечгача катта қозонда сув иситиб бўёқ ўрнига кучоқ-кучоқ йиғирилган ипларни бўяётган хотинлар билан аралашиб юраверар эди. У одам билан яқинлашиш ҳам, аразлашиш ҳам осон эди. Бирданига “отангнинг қоқ лаҳати-га!..” деб сўкиб қоладими, тамом эди, шу куни демак, ким биландир қирпичоқ бўлди, деяверинг.

Қорамағиздан келган келинлар, ҳатто неваралари ҳам “мўлтони” аталарди. “Тошбақа”, “сояки” ким эканликларини ҳам биламиз.

Ўзи сариқ одам бўлгани учун янгалари “малла” деяр экан. Бу янгаларининг, қайин исмини тутмаслик иримидан келиб чиққан, бироқ у огиздан оғизга ўтиб то невараларигача етиб келган, не муродким, бизлар-да “Малла ота” деб юравериб, то эсимиз кириб, хат-савод ўргангунимизга қадар “Малла ота”нинг асли Эгамқул чол эканини англамаганмиз.

Ҳайит сайлида “ушбуллак”, яъни ҳуштакнинг турли рангдагиси, бир-бирига тамом ёпишиб ётган, ранг-баранг, чўпи билан оғизга тикқанингда бирпасда эриб тамом бўлувчи хўрозқандларнинг ҳам асл муаллифи Малла отам эди. Каттақўрғон сақичи, барака топгур ким ишлаб чиқарар экан-а, кунжут ҳолвадай кулча шаклида ишланган, отамиз хоҳлаган еридан беш, ўн, йиғирма тийинлик қилиб синдириб узатиб ётар эди. Сабил шуниси билан қизиқ эди. Ҳозиргидай турли-туман ўйинчоқлар йўқ, ўнлаб болаларнинг оғзида бирданига чуруллай бошлаган йиғирма тийинлик “ушбуллак” энг қимматбаҳо матоҳ эди. Сайил эрта тонгда, тонг қоронғисида мачит ёнида бошланар, ур-тўполон билан бир соат ичида тамом бўлар эди. Бунча шошилинч, нега тонг қоронғисида – ҳеч ақлим етмайди. Ҳозир ҳам худди шу “Нонбер ота” мачити ёнида ҳайит сайли бўлади, ҳозир ҳам ҳолва сотилади, лекин “ушбуллак” йўқ,

жиян, невараларга совға улашиш йўқ, чунки ҳайитсиз ҳам ўйинчоқ бор, ҳайит кунисиз ҳам ҳолва, ҳатто хурмо тиқилиб ётибди. Энди одамлар ўзгача ҳашамат билан қурилган янги мачитга ҳайит намозини ўқиш учун келадилар. Аввал уч-тўрт мулла чол тор, зах бир хонага кириб намоз ўқиган бўлса эҳтимол, буни биз билмаймиз. Биз мачитнинг яқинига ҳам йўламас, ё қўрқар, ё ҳаддан зиёд муқаддас деб ўйлар эдик. Ҳатто мачит ҳовлисидаги дарахтнинг шохини синдириб қўйсак оғзимиз қийшайиб қолади ёхуд қўлимиз шол бўлади, арвоҳ уради, деб қўрқар эдик. Бизнинг тасаввуримизда бу ерда арвоҳлар яшайди, яқинлашган кимсага зиёни тегаверар эди...

Ота-оналаримиз ҳам бу иримга ишонганлари учун шундай бўлган, эҳтимол.

Малла отамнинг биз билган қора кампири анча саховатпеша эди. Каминани айрича яхши кўриб эркаларди. Битта тухум келтириб шу моякдай сақич беринг, десам, моякдай сақич берар, сўнг “қора-кура қақажонлар” уни бир чайнамдан тишлаб бўлиб ачқимтил-тахир бўлишига қарамай то ухлагунча зўр бериб чайнава ухлаганда сулак билан қўшилиб эриб ёстиққа, ундан сочимизга ёпишиб қолиб абгоримиз чиқиб юрар эдик. Абгоримиз чиққани шундаки, эрталаб онамизга шикоят қилсак, дарҳол қайчини олиб сақич ёпишган беш тийинлик ҳажмидаги жойни ўйиб қирқиб ташлар ва биз бошига темиратки чиққан боладек кўчада ийманиб юрар эдик.

Малла отам ўжарлиги учун бўлса керак, қишлоққа бошқа аттор оралатмас эди, ҳайқириб, бақириб сўкиб ўртақирдан ошириб кўяр эди. Булоқдан Раҳмон бақироқ, Бердибулоқдан Берди Тўмор бу қишлоққа фақат Малла отам йўқлигида бирров оралаб, дарҳол кўч-кўронини йиғиштириб жўнаб қолар эди. Шунда ҳам Малла отам дарагини билиб қолса, тек ўтирмай чўбирига ўтириб боёқишларнинг додини бериб қайтарди. Алҳол, келинларининг: “Ака, нега буйтасиз,

сизда йўқ нарсалар у атторда бор экан, нима қипти, ҳайдаманг!" деб зорланишларига қулоқ ҳам солмай жеркиб ташлар эди:

– Ота-бобонгнинг қоқ лаҳатига... ҳаммангнинг!

Шу хитобдан сўнг жами қишлоқ хотин-халажи уй-уйига пусиб, дами чиқмай қоларди.

* * *

Эгамқул отам дугор чертиб қўшиқ хиргойи қиларди. Уйида иккита дугор осиглиқ турарди. Уйининг ортида "житирма", яъни ертўлага ўхшаш қоронғи, паст томи бўлиб, ичида ҳар бало, эгар ясайдиган усқуна, молларнинг қуритилган пайларидан тортиб ҳар хил темир-терсақлар уйилиб ётар, мезон шамоли еган, қишга сақланган қовун-тарвузлар ҳам шу ерда қалашиб ётар, шифтидаги қарағай ходаларига эса кампири қишқи беҳиларни қатор қилиб илиб чиқар, кирганинга димоғинга гуп этиб беҳи ва қовун ҳиди урилиб бошинг айланиб кетарди. Аммо бошқа туйнук йўқлигидан ичи мудом қоп-қоронғи бўлар, кундуз куни ҳам шам ёки фонус кўтариб кирмасанг, ичкаридан бирор вақо тополмасдинг. Житирма-йитирманинг маъноси шу бўлса керак.

Сулаймон бобомнинг уста қўли шу ўғилга, ундан ўз ўғли Ўмирқулга ўтган бўлса керак. Ўмир акам ҳам, Худо раҳмат қилсин, оз умр кўрган бўлса-да жуда пишиқ эгар ясар, одамларнинг уйларига ясаган эшик, ромларни ҳалигача мақтаб гапириб юришади.

Сўнгги кампири Хонбеги энамиз сулув аёл эди. Малла отамнинг кичик ўғли Халил акамни жуда қаттиқ суяр, худди ўзи туғиб катта қилгандек еру кўкка ишонмасди. Эгамқул отам кампирини уриб-сўкиб қўйиб юборгач ҳам онамиз тўй-маъракаларда аёллардан Халил акамни сўраб-суриштирар, ҳам гапириб, ҳам соғиниб юм-юм йиғлайверар экан.

Бу кампири пастки Камаровул қишлоғидан эди.

Мен болалигимда бу қишлоққа талай марта бориб икки-уч кунлаб юрганман. Сабаби шу қишлоқда отамнинг синглиси Қандолат аммам турарди. Тўрт ўғли, тўрт қизи бор, серфарзанд, қизи Мактаб мен тенги, Абдуҳамид мендан икки ёш катта эди. Ёзги таътилда Абдуҳамид тоғаси Омон акамнинг уйида у-бу ишларига қарашиб юрар, кўпинча жиқиллашиб уришиб ҳам қолардик. Мактаб ҳам Омон акамникига келиб икки ойлаб юриб, биз билан бир синфда ўқиб, сўнг шу ҳақда маълумотнома олиб ўзининг мактабига кетар эди.

Аммам ўпка касалидан кўп қийналар, тинимсиз пўкиллаб йўталар, оқшомларни ҳам уйқусиз ўтириб ўтказар, ҳар тўлиб йўталганда “ҳа, сағана қолгур!” деб йўталини қарғаб норози бўлиб қўярди.

Аммамнинг уйининг орқа тарафида, тошлоқ сой бўйида бир Усмон деган гунг чол яшарди. Биз эрмактаб болалар офтобшувоқда эриниб ўтирган чолни бориб ўзимизча гапга тутар, у бўлса ишоралар билан нималардир дер, қўққисдан хунук товуш чиқарар, шунда қўрқиб кетиб урра орқага қочар эдик. Шумлигимиз тутиб яна йиғилишиб келсак, бу сафар чол яқинига йўлатмай тош отиб қувиб соларди. Биз бўлсак уни масхаралаб қочардик. Ҳолбуки у тентак эмас, мияси бутун одам, айби – гунглиги эди.

Менинг Хонбеги энам шу чолнинг синглиси экан. У бошқа жойга турмушга чиқибди. Яна туғмабди. Лекин ҳар келганида Халил акамни эслаб, соғиниб аммамга йиғлаб кетар экан...

* * *

Эгамқул отам даставвал худди эртақдагидек сойдаги булоқ бўйида бир қиз билан танишади. Бу қиз қишлоқнинг тенгсиз сулуви эди. Ана-мана тўй қиламиз деб ер тегишиб турганида отамизни урушга чақириб қолишади. Қарағандада поезддан ўзини ташлаб, оёғи лат еб, ундан Семипалатинскда даволаниб, кейин штраф-

баталонда хизмат қилиб, кимларнингдир кўнглини олган чиқар, – урушга бормаслик учун нималардир қилган-да, ҳарқалай уруш тугаганда қайтса ўша куни суюклисининг тўйи бўлаётган эмиш. Қаранг, худди китобдагидек. Янгаларидан бу гапни эшитгач, от қўйиб қизнинг уйига боради-да, – норғул, бақувват солдат эмасми, – қизни отга ўнгариб опқочиб келади. Солдат тўйи билан келин тўйини қўшиб юборади. Бу, бўлган воқеа. Момомиз ҳозир ушбуни ўқиб турган баъзи бошқа одамларнинг момоси бўлиши мумкин эди. Айб этмасинлар бизни, бу бўлиб ўтган рост гаплар, начора, бошқа момодан ўраган невара бўлдинг нимаю, шу сулув кампирдан тарқадинг нима – тақдир шуни ёзган экан-да. Тарихдан ўпкалаш на ҳожат. Малла отамдан ўпкалаш ҳам на ҳожат. Дунё айвонида энди улар йўқ. Пишқириб, ёвқурлашиб яшаб ўтиб кетишди.

Эгамқул отамнинг худди ўша аёлидан Саломат аммам, Ўмир акам, Суюн акам, Халил акамлар туғилган. Катталар ўтишди. Фарзанду неваралари бир олам.

Халил акам – кенжаси барваста бўлмаса-да, жуда келишган, юмшоқтабиат, ақлли одам. Ота қўли, рубоб олиб қўшиқ айтиб туради. Уялчанг. Одам тўпланса айтмай қўяди.

Хонбеги онамизнинг суюб-эркалаши, соғиниб кўз ёши тўкканларича бор...

Эгамқул отамнинг қариб, бетобланиб тўшакка михланиб қолган кунларини яхши эслайман. Шу ётишида ҳам келину невараларини лақаб билан чақирар эди. “Ёвғон”, “Тошбақа”, “Палакат”, “Серри”.

Аммо ўғилларига бошқача бақирар эди:

– Ўмир, Суюн! Менга бир кампир обберинглар! Шуйтиб ётмас эдим, уялганимдан туриб кетар эдим. Мени уйлантиринглар ахир, эй серри, ҳўкиз, гўрсўхталар!

Уйлантиришмади.

Бобом ҳам кутиб ўтирмай бу дунёга талоқ қўйиб юборди...

ҚОРА ОТАМ

Қора отам, яъни Овлоқул отам Эгамқул отамдан ҳам ўтиб тушган қайсар эди. Негадир бир онадан бўлса ҳам бири сариқ, бири қора эди. Қора отамга ҳам номни янгалари қўйишган. “Қора бола” дейишган чиқар. Пича вақт эски мактаб кўрган, унча-мунча сураларни оёғини осмондан қилиб ўқиб ташлар эди. Шу боис баъзилар мулла Овло дейишарди. Биринчи хотинидан Санобар аммам ва Исмоил акам туғилган, кампир қайтиш бўлгач, иккинчисига уylanган, буниси билан турмуш яхши бўлмаган, бир туққан, бола турмаган, кейин қўйган. Ичи қорароқ аёл эканини яқинларда Исмоил акам айтиб берган.

Қора отам уруш кўрган. Ўзининг айтишича то Берлингача немисни қувиб ташлаб қайтган. Лофи кўп эди. Ёнига ўтқизиб олиб биз каби тешик қулоқ бола-бақрани обдон ишонтиришга уринар, ҳар замон бу гаплар бекор эканини кимдир айтиб қўярди-да, ёмон ҳафсаласини пир қиларди. Аммо кейинги сафарги суҳбатда яна янги мақомда, қўшиб-чатиб ҳикоя бошларди, айтганларига ўзи ҳам ишониб кетарди, чамаси. Қизиги, қишлоқдан бирга кетган бир гуруҳ қуролдошлари – Нарзиқул тоға, Ҳамро бўла, Жума тоға, Ҳамид бобо, Икром тоға, Мансур тоғалар бир жойда хизмат қилишган. Мансур тоға оғзидан, Икром тоға оёғидан, Қора отам чап қўлидан ўқеган. Чап қўлининг елка тарафидан тирсагигача-суяги йўқ, мускул ва териси турарди, холос.

Ана шу қулоқ қўли билан кетмонни соғ одамдан зўр чопарди. Ўт ўрар, ўтин қилар, тоғдан бодомча, шувок

чоғиб эшакка орғиб келарди. Шиддатли, чарс, шунга яраша жуда меҳнатқаш, энг муҳими, меҳрибон, бағри-иссиқ одам эди. Мен чақалоқлигимда авлодимизда тенгкур болалар бўлмаган экан, шу боисми, янгалар, боболар, момолар ўртасида доим талаш бўлган эканман. Онам юмуш билан бўлиб, мени хамир қорадиган тоғорага ўтқазиб қўяркан, ювош эканман, шу жойда кечгача миқ этмай ўтираверарканман. Қора отам пастки овулдан бу ёққа йўли тушса, мени тоғора-поғора билан қўшиб уйига кўтариб жўнаarkan, эмизиш вақти бўлганда онам сўроқлаб келиб тоғиб оларкан.

Қора отам ҳам акаси Малла отам каби бировга от қўйишга уста, бироқ биз каби невараларини ўзгача меҳр билан яхши кўрар, пийпалаб искар, соқолининг тиканаклари билан атай юзинг, бўйнингни тирнар, қитиқлар, охирида том шифтига осилган қушхалтадан егулик мевалар олиб узатар, сўнг унинг нархини фалон сўм деб айтиб, отанг шуни тўлаб, кейин сени опкетеди, дея ўзича жиддий қўрқув солиб уйига эринмай қамаб ҳам ўтираверарди.

Нега ахир, бу одамларнинг шунча вақти кўп эдими, меҳри ўз фарзандларидан орғиб қолармиди, шундай қилмаса бир жойи камайиб қолармиди?

Бир қадар эсимизни таниб қолганимизда ҳам Қора отам бизни қувлаб юрар, қочсак чоғиб изимиздан келарди, ушламай қўймасди. Етса пийпалагани-пийпалаган эди. Лекин биз худди ғаним қувлагандек жон-жаҳдимиз билан қочардик.

Қишда ҳамма ёқ қорга тўлиб кетарди. Эрталаб мол-қолга, сўнг эса пастки овулга бир курак сиққудай йўл очиларди. Бўлмаса у ёқдан баланд товушда “падарингга қусур”, “от тепкурлар”, “ёвғонлар”, “отангнинг қоқ лаҳатига!” дея ё Малла отам, ё Қора отам йўл очиб келаварарди. Бу одамлар бир-бирига қаттиқ гапирар, айблашар, мундоқ қарасанг ўшқираётган бўлардилар, энди-энди ўйласам бир-бирларини аяган экан, бошқа-

ча қўпол сўзлар билан аслида меҳр билдирган эканлар. Бу меҳрдан эса биз болалар тамом безор эдик...

...Қарасам, рўпарадан Қора отам чопонининг ўнгири бургутнинг қанотидай ҳилпираб чопиб келаётир, ура ортга қочдим. Этигим тойғинчоқ эди, бир-икки мункиб ҳам кетдим. Йўлакдан чиқай десам илож йўқ, гуртук қорга ботиб қоламан. Қора отам ўлжани қўлдан чиқаргиси йўқ, шашт билан югуриб келаётирки, бир пой калиши гуртукка учиб кетди ҳамки, маҳсичан илгарилаётир. Шу вақт рўпарамда сузонғич қораола сигиримиз пайдо бўлди. Сигир маъқулми, Қора отамми – бирпас иккиланиб турдим-да, сигирнинг ёнидан алдаб ўтиб кетмоқчи бўлдим. Бахтга қарши яна этигим сирпаниб кетиб, нақ умбалоқ ошиб тушдим. Не кўз билан кўрайки, шу ҳолимда сигир устимга бостириб келяпти. Ҳарқалай шохи баданимга тегмади-ю, лекин қаттиқ, дўнг пешонаси билан мени қалин қорга ботириб киргизиб юборди. Бунинг энди ваҳимасини кўрсангиз, сигир худди жонимни чиқариб олаётгандай бақириб-додлайман. Қора отам қандайдир мол тагини тозалайдиган белкуракни топиб олибди-да, сигирнинг қуймичига қарсиллатиб уриб қувиб юрибди. Бу уришда жониворни беланги қилиб қўйиши ҳам ҳеч гап эмас. Аёллар дувуллаб чиқиб чолни тўхтатишди.

Қора отам қорга сўлагини чўзиб, нос тупурди-да:
– Бермон кел, дабба. Ҳеч нима қилмадимми? – деди.

Қора сигирдан қутулиб, Қора отамга тутилдим.

Қасоскорнинг қўлига тушганим учунми, ҳарқалай ўзим билиб-билмай ювошланиб қолган эдим...

* * *

Ҳайит куни эди. Сайилдан қайтяпмиз. Энди мактабга борадиган каттагина боламан. Ёнимда синфдошларим, Қора отам сайилдан эшакда қайтаётган экан, бизга етиб олиб, қўққисдан эшакдан тушасолиб аканг

қарагайни қувиб жунади-ку, тойғоқ йўлда дарров етиб олди. Қорга буркаб роса пийпалади. Нима деб жеркинганим эсимда йўқ, аммо шу сафар жуда хафа бўлиб йиғлаганман. Синфдошларнинг олдида изза бўлганман-да.

Саксон саккизинчи йил бир журналда Қора отам ҳақида “Қора чол” деган ҳикоям босилди. Бобой невараларидан бирига уни ўқитиб эшитибди. Мана шу гаплар, кампирини уриши, уруш ҳангомаларини лофқоф қилишларини кула-кула ёзганман. “Ҳай, баччағар, отасини ўшак қипти-да”, дебди. Менинг ўзимга ҳеч нарса демади, бироқ хафа бўлгани шу гапдан маълум.

Кампири Мусал энамни яхшигина дўппослар эди. Нозик жусса энамиз неча бор халачўпда таёқ еганларини ҳам эшитардик. Балки бу гаплар ҳақиқатан ўшак, яъни гийбатдир. Улар ҳар иккови чин дунёга кетди. Мусал энам ҳам фариштали кампир эди. Қушноч, одамларни даволар эди. Восвосга учраган одамнинг давосини ўша заҳоти айтар, кўпларга сабабчи бўлиб, палакатдан қутулиб қолишига сабабчи бўлган эди. Буни ҳамма гапирди. Тирноққа зор кўп келин-куёвларга ҳам туғри маслаҳатини берар, бир неча ўғилга муҳтож одамларнинг ўғилли бўлишига ёрдам берганига гувоҳман. Бу энди туғмасакни туғдирарди дегани эмас, баъзи бировларга сенда уруғ кўринмаётир, деб ҳам очик айтаверарди. Бир киши ҳақида унинг белида бола йўқ, кичкиналигида ўйнаб юриб қудуққа тушиб кетган, ваҳимага тушиб, қўрқиб уруғи қуриб кетган деган эди. Нега, боласи бор-ку, деганман. Ўзиники эмас, деди, таажжубландим: қанақасига? Дўхтирларнинг устакорлиги-да. Яна таажжубланаман.

– Гапиртирасан-да, болам.

Без бўлиб турганимни қуриб:

– Келинчакнинг тухумдонига бегона эркакнинг уруғини солиб тувдириб оғон, тушундингми? – деб бақириб юборган.

Бу сирни менга айтганига пушаймон еди, шекилли, дарров тескари ўғирилиб гапирмай қўйган. Менга эса хафа бўлиш кайфиятидан кўра бояги янгилик ўта муҳим туюлганми, ағрайиб қотиб қолганман.

– Бор, кет энди! – деб жеркиган қушноч энам тескари қараган кўйи.

Туриб чиқиб кетдим. Хафа ҳам бўлмадим. Ўзи энам раҳматли жини тутса, бирдан туси ўзгариб, бошқа одамга айланиб қоларди.

Талай йиллар бурун Алла Пугачёва деган артист кампир Максим Галкин деган артист болага эрга чиқиб, эр-хотинлик қилиб юриб, ўртадаги уруғни маҳрга туширмай, ўн йил холодильникда сақлаб, сўнг бир бегона одамнинг қорнига тушириб, пул бериб туғдирганини газетада ўқиб иқрор бўлганман: ё фалак! Бу хунарлар илгаридан бор экан-да!

Бемор келиб дардини айта бошласа тинглаб ўтирмасди. Титроқ тутиб “хайй!” дея узун эснаб оларди-да, шартта ағанаб беш ё ўн дақиқа ухлаб оларди. Сўнг туриб уёқ-буёғини тузатиб оларди-да, турган уйининг қандай жойда ўрнашгани, агар аҳамиятли бўлса, фалон жойдаги култепада зиён илашгани, қорачадан келган, кўзлари чақчайган бир жувон ирим қилиб уйига, ёстиғига, кўрпасига ёки бирор жойга дуо бекитганини кўриб тургандек гапираверарди, лўлига ўхшаб ўзи бориб топиб, қизил қўй сўйдириб, фалон сўм ата, деб ётмас, нари борса, бир қора хўроз буюриб ҳожатини раво қилиб юбораверарди.

Энамиз ўзи етимликда катта бўлган, ўғай онаси кўп азоб берар экан. Бир маҳал эна кеч тушганда сув олиб кел, – деб ёш қизни булоққа жўнатади. Борса булоқ бўйида бир суқсурдай келишган қиз соч тараб ўтирибди. Олдида бир бутун нон.

– Мана бу нонни олакет, очқагандирсан, – дебди ҳалиги нозанин. Энамиз унамаган. Шунда ҳалиги зўрлаб нонни қўлтиғига тутқазибди.

– Дугона, ўзинг ҳам очқаб-нетиб юрма-да, – деб минг истиҳола билан ноннинг ярмини ушатиб олибди. Уйга кирган заҳоти ўгай она бошлайди-ку тўполонни. “Нега ҳаяллаб кетдинг? Ўйнаш орттиргансан, шу нонни ўйнашинг берган, ҳаромга тўлдирдинг, кет, йўқол, ўл!..” Энамиз ҳалиги қиз нон берганини исботлайман, деб бориб қарашса, ҳеч зот йўқ, соч тараб турган сулув учди-куйди жойида йўқ. Қиз бечора калтакнинг тагида қолади. Одамнинг золими ёмон бўлар экан, таёқ билан уравериб қизнинг бир кўзини кўр қилиб қўяди. Энам саксонга кирганида ҳам ўша ҳикоясини эслаб ачинар эдим, оқ чандиқ қоплаган кўзига қараб эзилардим. Энам бўлса, “э, аттанг, ўшанда мортувнинг нонини бутун олишим керак экан, ҳозиргидан юз баробар билгир бўлар эдим” деб афсусланарди. Қизиқ.

Яна ҳам қизиги, Худо берган тақдирни ҳар қанча билгич бўлса ҳам англаёлмай қоларкан-да киши. Ҳали тетик эди, тўқсондан ошар дердим, неварасининг машинасида чўлга кетаётиб ҳалокатга учраган. Машинада биргина энамнинг ўша заҳоти жони чиқиб кетибди. Бошқалар омон қолган.

Ҳой болам, оёғим тортмаяпти, бир палакатни сезяпман демаган. Туш-пуш кўрганиниям айтмаган.

Менинг покизагина энам...

ИСМОИЛ АКАМ

Исмоил акам Овлокул отамнинг Худодан тилаб олган ёлғизгина ўғил тирноғи эди. Шунга яраша қорувлигина бўлса экан, эллик-олтмиш килодан кўп вазн босмас эди. Худо берган оқкўнгил, ҳай-ҳай, оғзини очса юраги кўринадиганлардан эди. "Эди" деётганимнинг боиси акани ҳам шу йилнинг эрта баҳорида олтмиш олти ёшида бой берганмиз.

Ака Овлокул отамнинг биринчи кампиридан. У энамизни биз билмаймиз – эрта қазо қилиб кетган. Исмоил акам, гарчи камбағал, болажон одам бўлса-да ёзғирмайдиган одам эди. Фақат бир кун менга ёрилгиси келдим, болалигини эслаб йиғлади. Ўғай энаси кўп азоб-уқубатлар берган экан. Булоқ қишлоғидан опкеган экан уни Қора отам. "Эрига билдирмай ўғай болани ўз-ўзидан ураверар экан, мен-ку майли, ўғайман, ўзи туққан чақалоқ укамни ҳам босиб ўлдириб қўйган. Бир вақт уриб ҳаммаёғимни шилиб, кўкартириб ташлаганида отам нима бўлганини сўраган, жим ўтиравердим, сўрайверди, йиғлаб юбордим. Отам гап нимада эканини тушуниб ўғай онамни шу қадар қаттиқ ура бошладики, охири чўзиб сулайтириб ташлади. Аламига чидаёлмаган эна чақалоқни босиб нобуд қилди. Отам уни ҳайвондай уриб, ҳайдаб қирдан ошириб юборди. Қайтиб кўрмадим".

Мусал энам "Исмоилжон, жон болам" деб гапирарди. Бош фарзанд Санобар аммамни ҳам "Санаваржон" деб эркаларди. Ўзи Сафия опамни туғди. Исмоил акам Ойсара чечамга уйланиб қаторлаштириб фарзандлар туғдирди. Худойим бир жойдан бермаса, бошқа

тирқишдан ол қулим деб юборар экан-да. Ҳовлиси бо-
лага тўлди. Бир йилда икки марталаб тўй қилди. Бирини уйласа, иккинчисини турмушга берди. Бола парваришига қўмилиб қолди. Исмоил акам аввал Пангат совхозини ва биопункт директори Ҳусан Ҳақимов қўлида ишлаган. Яп-янги “Белорус” тракторни маст бўлиб қирдан юмалатиб юборган, ўзи бир яшик пиво билан қирда омон қолган. Шундан сўнг Ҳақимовнинг кўзига қарашга уялиб ишга чиқмай қўйган. Кечиримли оқсоқол экан ёхуд бу оқкўнгил инсонни яхши кўрганидан бўлса керак, аввалги тракторни иш устида, қўрага емиш ташиётган вақти содир бўлди, деб далолатнома қилиб, бошқа трактор ҳам ваъда қилган, маошини ҳам тўхтатмаган. Бироқ акам шу орият юзасидан қайтиб оқсоқолга йўлиқмади, бир умр кўзига кўринмай қочиб юрди.

Трактор дегани ҳам у маҳал тоза исқот қолган эканми, акам чўлда, Зафаробод туманида ҳам бир муддат тракторчилик қилиб юриб авария қилган, йиқилиб жағи, тишлари синган. Оғзидаги тўртта тиши билан умрининг охиригача юрди. Ҳойнаҳой чол отасининг тишидан камроқ эди десам ишонаверинг-да қўйинг. Ўша ҳалокатдан кейин мункисланиб, бироз соқовланиб қолган. Яқин-яқинларда ҳам ўғиллари ор қилиб тиш қўйдирайлик, деб қўйдиролмадилар. Сабаби акам тиш тақса баттар соқовланиб гапиролмай қолар экан. Жаҳлдор Овлоқул отам бақириб-сўкиб уришса ҳам барибир ўғлини аяр эди, тракторни думалатганда бир-икки халачўпеганини инобатга олмаса, деярли калтакламаган.

Акам армия хизматидан қайтган йили уйланган. Бўйи ўзидан бирор қарич баланд Ойсара чечамни қизил саман отга мингаштириб, тепа овулдан пастки овулга – ўзининг уйига оптушган. Ораси жуда яқин эди. Куёв йигит келинни отдан кўтариб тушириб қўйганини кўриб хотинлар “вой, бети қора, нима қилгани бу, шарманда-а!” дейишган. Русия ўрмонларида дарахт кесиб келган соғлом йигит парво ҳам қилмаган.

Ёқилган гулхан атрофида келинни уч бора айлан-тириб, сунг шинелининг ёқасини тик қилганча ўзи ҳам ғоз тураверган. Шинель... уша кунларнинг ярашиқли кийими ўзи шу эди-ёв. Уям кимда бор, дейсиз. Ҳам-ма куёв ҳам хоҳлаган вақти мана шу шинелни тополса дўпписини осмонга отса бўларди.

Келин саломни доим ҳаётдан мамнун шаддод Мас-тура хола айтар, чилдирмани бир хил тарзда уриб-уриб бир маромда қўшиқ қилар, ҳар замон икки қоши ўртасига жуводдиз билан уриб қўйилган кўкимтир майда холларини кўз-кўзлаётгандай қош учириб ўзи-ча “ҳайт жонидан!” деб қийқириб қўяр, томошаталаб эркак, аёл, бола-бақра учун бу қизиқ эди. У замоннинг ҳаётида ўзи қизиқлик тўй эди. Ичганинг бир коса шўрва, лекин кечгача тўйда тўйдим, – деб шаталоқ отганинг отган эди. Давра сўнмаслиги учун гулханни сўндирмас-лик лозим, шу боис чолма, таппидан тортиб Овлоқул отам тоғдан эшакда ташиган шувоқларни ҳам оловга дасталаб улоқтирар эдик. Бундан бурунроқ Мастура холанинг ўғли Жўрабой тоғанинг суннат тўйида бир йигит рубоб чалиб Ортиқ Отажонов ва Олмахон Ҳайи-тованинг қўшиқларини зўр бериб куйлаб ётганида ўр-тоғим бу ёққа қара, – деди. У биздан тўрт ёш катта Тенг-лаш аканинг фуфайкаси орқасига сийдикдан шакл ясар, яъни елкасига бемалол чоптирар эди. Аввалига бу ҳол беадаблик, Тенглаш ака билиб-нетиб қолса ўр-тоғимни нақд бўғиб ўлдириб қўйишини ўйласам-да, унинг сезмаётганиданми ё бу сурбетлик обдон кулгили эканиданми, қотиб-қотиб ичакларим юлиниб кетгу-дай кулдим, қизиғи, бу ҳолни кейин унинг укаси, бизга синфдош бўлиб бирга ўқиган Абдували жўрамиз ҳам кўрган, уям негадир биргалашиб кулган эди.

Ўртада бир йигит гоҳ Олмахон, гоҳ Ортиқ бўлиб оҳанг тортади, рубобни ўйнатади, бирпас медиатрни тишлаб торларни тузатиб тинғир-тинғир қилиб қолса, ўртадан таклиф тушади:

“Жуда зур айтдинг, ука, шўхроқларидан ҳам бўлсин, ёшлар ўйинга тушсин”.

Ҳофиз худди Ортиқ Отажоновдай одоб билан:

– Хўп бўлади, талабларга биноан, – дейди-да рубоб дастасини пастга, баландга кўтариб-тушириб тиринглатиб шўх чала кетади. Гулхан ёруғида сабза мўйлови-ни яна бир силаб сувсар телпагини бироз кўтаради-да:

– Қани, жонон қизлар, ўйинга марҳамат!

Шўх-шўх ўйнар эдим,

Сен билан қирғоқда мен...

Ҳеч ким ўртага чиқмайди. Бир пайт Гулсум опа деган саккизинчи синф ўқувчиси, сочи товонига довор бир ўрим тушган, келишган, сулув қиз даврадан бир ўзи ажралиб чиқиб, гулхан теварагида ўз-ўзидан муқом қилиб ўйнай кетди. Назаримда Тошкентдаги энг яхши раққосалар ҳам ўйнаса шундан оширмайди. Фақат шоҳи атлас, бежирим нимча, оқ ялтироқ туфли, тошлари электр чироғи шуъласида ялт-ялт эттувчи манглайқош бўлса бас эди. Гоҳ тез-тез юриб, гоҳ тўхтаб-тўхтаб энгаги остида қўлларини қия қилиб бош тебратиб кўяр, бунга сари қўшиқчи ҳам авжга миниб “ҳайт!” деб кўяр, қўшиқдан чиқиб “қулинг ўргилсин санинг!” дерди илҳомланиб. Ҳамма, тавба, биздан ҳам ўйинчи-артист чиқар экан-ку, деган таажжубда. Чунки бир-икки Мастура холага ўхшаган ёши ўтган кампирлардан бошқа бирор қиз-жувон қўлини кўтариб даврага чиқиб ўинамас, уялар эди. Гулсум опанинг пойабзали, яъни калишлари ҳам янги, янги бўлмаса ҳам ёғлангандай топ-тоза кўринар эди. Гулхан бўйига бошқа ҳеч ким чиқмади, Гулсумнинг бир ўзи ўйнайверди, ҳофиз қиздан кўз узмаган кўйи, “зеболаниб келибсиз”, дея иккинчи ашулани улаб кетди, ҳар замон қиз унинг ёнига ўйнаб келганида боягидай одатдан ташқари “ўргилсин қулинг!” деб ҳайқирар, ярим эгилиб ҳам кўяр, бу ҳайқириқ оломонга ҳам, қизга ҳам маъқул келаётганди, лекин шу пайтда орқа тарафдан бир йигит юлқиниб чиқиб, қизнинг қўлидан ушлаб қолди.

– Бўлди! – деди у.

Қиз хижолат бўлдим, бирпас тўхтади-да:

– Наридур, қўшиқ тугасин, – деди.

– Бўлди деяпман! – деб бақириб юборди йигит. Қиз унинг кўкрагидан итариб юборди-да, рақс тушишда давом этди. Унинг хиромони ҳаммага ёқаётган, ичидан тасаннолар айтар, “қўй, уйнасин” деган хитоблар ҳам эшитилди.

Йигит тек турмай тагин гулхан ёнига чиқди. Қиз муқом қилиб рўпарасига келишини кутиб турди ва келгач, бор кучи билан юзига шапалоқ тортиб юборди. Қиз ловуллаб ёнаётган юзини чангаллаганча даврандан чиқди. Хўнг-хўнг йиғлаб йигитни қаргади. Шу қўйи уйига қараб кетди. Йигит ҳам секин унинг ортидан юрди.

Бу Гулсум опанинг укаси Тўлқин эди...

Ҳофиз қўшиқчи охиригача айтди. Тугатиб:

– Афсус, одамлар орасида санъатни тушунмайдиганлари ҳам бор. Шунинг учун зўр талантлар қишлоқларда қолиб кетаётибди. Санъатни хор қилади бундайлар, – деди.

Шу билан давра совиди. Қўшиқ бўлса ҳам ўйин бўлмади. Мастура хола:

– Боламнинг тўйида ўйна ҳамманг, манов артист Иштихондай жойдан келиб ўтирибди, – дея бироз силкиниб ўйнади. Тенглаш ака синфдоши Гулсумнинг ўрнига бироз лапанглаб ўйинга тушди-ю, бизга ўхшаган унинг “айби”ни билувчилар ҳиринглаб кулавергач, йиғиштириб қўяқолди. Биз унинг ўйинига эмас, елкасининг ҳўллигига кулар эдик.

Гулсум опа шундан кейин бирорта тўйда ўйнамади. Саккизинчи синфни битиргач, эрга тегиб кетди. Олис қишлоқда бола қўпайтириб юрганини эшитамиз.

Ойсара чечамнинг ҳам этаги тўла фарзанд экан, Исмоил акам жўрттага бир искаб қўйсаям юкли бўлиб қолаверади, кейинги фаслда ингалатиб бир чақалоқ армуғон қилади.

Исмоил акам отасига ўхшаб бола-бақрани босиб-нийпалаб “мазлум” қилмаган бўлса-да, барибир болажон эди. Бировнинг кўнглини қолдириш қўлидан келмас эди. Кимдан кўп, кимдан оз умр кўрди. Энди-энди билаятмизки, эр-хотин тамоман бир-бирига бағир босиб қолган экан. Гап шундаки, тўрт йил бўлди, урчуқдай айланиб, келинларга ҳам иш қилдирмай рўзғорнинг хизматини қилиб юрган Ойсара чечам ҳадаҳа биқиним-биқиним, деб юриб озгина вақт ётди-ю, дунёсига қўл силтаб жўнаб юборди. Исмоил акамнинг гаранги чиқди. Дарду дунёси қоронғилашиб кетганини биров билмаган ҳам. Ўғиллари бошқа уйлантиришга ҳам уриниб кўришди. Жиянларидан бири Ингичка томондан ўрислашганроқ бирини топибди. Акам бориб кўрибди ҳам, маъқул келиб ўша қуниёқ таксига босиб опкелибди. У ёқда танишганимда ёшини анча камайтириб айтган экан, келиб ёруққа тутиб қарасам, ёши менга ёвуқлиги билинди, деб кулади акам. Ўша қуни аптекадан бунча, дўкондан бунча қарзим бор деди, э, улай-булай билан бир миллиённи бўйинга олиб келдим.

Ҳаммасиям майли, ҳар кеч кирганда янга европаликларга ўхшаб овқат олдидан икки юз грамм урадиган одати бор экан. Аввалига хўжайин, байрам қилмаймизми, деб ўзи таклиф киритади. Акам болалари ва келинларидан уялишини айтиб бу одатни ташла, жўра, деб илтимос қилади. Лекин ҳар кеч ароқ сасиб туради, дейди. Эй, бу нима гап деса, тунги тўшак ўйи-нида бу асқотади дермиш.

Таъқиқлаш қўлидан келмагани акага алам қилади. Кундуз кунлари ҳам кўрпа орасига бутилкани яшириб дам-бадам хўплаб кетишини келинлари кўради-ю, эна бўлмиш янги хотиннинг қилмишларини сотишга юраклари дов бермайди. Ахийри уйда сотишга мўлжалланган икки-уч яшик ароқлар ўз-ўзидан камайиб қолаётганини акамга кимдир шипшийдди. Қараса бутилкани бўшатиб бемалол қутига жойлаштириб қўярмиш.

– Энди жўра, сийинг битди, – дебди охири акам, – кавушинг уйингга қараб тўғри турибди, кийда, жўна, орамиз очик сен билан.

Худди шуни кутиб тургандай у йўл пули сўрабди.

Пулни бериб, уйда хайрлашиб, ҳайдагандай қилиб чиқаради ака.

Ундан олдин ҳам, кейин ҳам баъзиларини эшитдим. Ака уч маротаба муваффақиятсиз никоҳни бошидан ўтказди. Зерикиб, Ойсара чечамни қўмсаб юрган кезлари шўтанок укаларидан бири:

– Исмоил ака, сиз шошмай туринг, бугун-эрта сизни бир бақувватига уйлантирамыз, хотин кўргандай бўласиз, ёпишиб шу билан яшаб кетасиз. Муҳими – у хотин рози, – дейди.

– Ким экан, билсак бўладими?

– Танийсиз, эшитсангиз хурсанд бўласиз. Ҳозирча сир. Эртага Кўмак аканикига ўтиришга борасиз, ўша ерда оға-инилар билан бамаслаҳат ҳал қиламиз бу ишни.

Шу куни шўтанок ука Кўмак аканикига борибди.

– Энди ака, биласиз, Исмоил акам ёлғизликдан қийналиб юрибди, бир ёрдам қилмасангиз бўлмайди, – дебди.

– Хўш, мен нима қилиб ёрдам берай, хотин топ, совчи бўлиб борай.

– Йўқ, совчилик керак эмас, рози бўлсангиз бўлди.

– Нимага рози бўлай?

– Адаш чечамни акага бермасангиз бўлмайди. Кўкрагидан уриб қолган.

– Ие, ҳали мен ўлганим йўқ-ку. Ўлмай туриб хотинимни тортиб оласанми? Калла-палланг ишлайдими ўзи?

– Гап шундаки, – дебди шўтанок, – Адаш полвоннинг ўзи ҳам рози, бир келиб куёв йигит қўлимни сўраса майли, эргашиб кетавераман деяпти. Сиз қаршилиқ қилманг, хўпми?

Шўтанокнинг авзойига қараб гап нимадалигини тушунган Кўмак ака кутилгандай шартини айтибди:

– Гап бундай, Исмоилдай укамизга бир хотин садағалар бўлсин. Шарт шуки, эртага келганда иккови курашсин, Исмоил йиқитсин, ол ҳалол – ошкетаверсин. Биз рози.

Шанба куни Кўмак аканикида ейишма-ичишмадан кейин келишувга мувофиқ бошқа уйда Кўмак аканинг хотини ва Исмоил акам ўртасида кураш маросими уюштирилган.

– Бир, икки, уч, бошланди! – шундай дея шўтанок шартга чироқни ўчиради.

– Бўлди! – дея қичқиради Адаш чеча. Чироқ ёқилса йигит ётибди – чалқанча, абгор, ҳансирайди. Устида гўмасдай бўлиб Адаш чеча ўтирибди.

– Оёғимдан биров тортгандай бўлди, – дейди Исмоил акам инқиллаб.

– Туринг, чеча, сизники ҳалол. Лекин, қаранг, куёв бола норози бўляпти, яна бир қўл олишинг.

Боягидай яна чироқ ўчирилади. Исмоил акам гул этиб “келин”нинг остига тушади.

– Энди-чи? – дейди шўтанок. – Яна оёғингиздан ушладими биров?

– Йўқ, лекин энди чаламан деганимда ўзим чалиниб кетдим. Худди биров атайлаб...

– Бўлди, ака, ўзиям чечам гупчак қилиб урди, баҳона қилаверманг, чалқанча тушганингизда бир нарса “пирт!” этди. Шимингизнинг у ёқ-бу ёғига қаранг. Чеча, сиз оғир гавда билан босаверманг-да, яна бир жойи пиртиллайди ҳозир...

– Ҳа... – дея қолганини ичида сўкиниб телпагини топиб, кийиб жўнашга шайланади ака.

– Бир қулайи келган эди, Исмоил ака, қўлдан бой бердингиз-да. Ҳай, аттанг.

Шўтаноклардан бири шундай дея бош чайқаб кулади. Исмоил акам оёғимни тортган шу деб ўйлаб чаллипатранг қилиб сўқади.

Кўмак аканинг катта ўғли Анвар бўлса:

– Мол синалган мол эди, қуруқ қолдингиз-да. Отам иккимиз ҳасратлашиб жалов Исмоил акамда кетди, ана энди сиз хотинсиз, биз онасиз қоладиган бўлдик. Кўп куйинманг, Исмоил акам қўйганларнинг полвонроғини сизга қайтариб опкеламиз деб туриб эдим, – дея “ҳамдардлик” изҳор қилади.

Исмоил акам бунга сари уни ҳам бўралагиб сўкади. Анвар эса иложи борича акани сўкишини эшитмаслик чораси билан унинг оғзига ароқ тўла пиёлани тутиб:

– Олинг-олинг, шунинг учун олинг, раҳмат, жуфт бўлсин, ҳа, аканг қарағай, тагида қолмасин, – дея қистайверади.

Ака ноилож уни сипқоради. Яна сўкишга оғиз жуфтлаганида Анвар газак деб оғзига илик тутати. Ака сўкишга қўймаётгани учун завқи келиб ўзи ҳам ағанаб-ағанаб кулади.

Кўмак ака ўғли Анварга қараб:

– Ҳай, энағар, бунга нега ароқ берасан, энангга қуй. Йиқитган буми, уми?

Бизнинг оға-инилар шунақа, гап, ҳазил билан бир-бирини обориб-опкелади. Бир нарсани гап қилиб ҳаммага шов-шув қилади, кимдир ўсал бўлади. Бироқ охир тоқибат бунинг тагида оддий ҳазил, бир одамнигина мот қилишга қаратилган қитмирлик ётган бўлади.

Ўшанда Исмоил акам амакисининг хотинига уйланишни хоҳлаган дейсизми? Шўтанок айтган заҳотиёқ бу ерда бир гап борлигини сезган, лекин Кўмак акани мот қилсам керак, ўлибманми, эркакман-ку, Адаш чечани йиқитарман, деб ўйлаган.

Кўмак ака пухтароқ чиққан.

Қай бир қўл четдан келиб Исмоил акамнинг оёғига ёпишиши, чироқ ўчирилиши ҳам уюштирилган.

Исмоил акам буни, ҳатто ўша қўл кимники эканини ҳам яхши билади. Билиб туриб қўл эгасини сўкади. Қўл эгаси ҳам аканинг шубҳаланаётганини билади,

шу ва айни онаси акага янга бўлишини яхши билгани учун Анвар ҳам қозоқча сўкишларга чидаб, айби ичида, тумшайиб тураверади. Қайтанга кулиб енгади.

Бу гаплар эл аро ёйилиб, кулги бўлиб, тилдан тилга ўтиб эскиргач, Исмоил акамга тағин хотин излашга тушишди. Холмурод бир кунда Жиззахнинг Пахтакоридан, боладан тинган, отасининг уйида икки сигирга чорвадор бўлиб михланиб қолган аёлни топдию ўйлаб-негиб, сўраб ўтирмай уйлантирди-қўйди.

Ҳозир нима кўп, – қишлоқни ҳам, шаҳарни ҳам босиб кетди, – такси кўп. Биттасига ўтириб, бозордан бир кило оқ, бир кило сариқ қанд олиб тўғри бостириб боришган. Такси кўчада кутиб туради.

Отаси – бир чол одам экан, қўлини бигиз қилиб Исмоил акамни кўрсатиб:

– Ҳай, бола, мен сенга ишонётганим, лекин мана бунинг ғирт жинойтчи, кўзи айтиб турибди, ҳойнаҳой ўтирлик ҳам қилса керак, қизимни бахтсиз қилади бу! – дейди.

– Э, бобо, бу одам пишакни “пишт” дейишдан олдин ҳам бир ўйлаб олади, қизиқ экансиз, нималар деяпсиз? – дейди Холмурод.

– Мен сенга ишондим. Ёш бўлсанг ҳам кайвоничилик қўлингдан келар экан, агар қизимнинг кўзидан ёш шўрғаласа сенинг ёқангдан оламан.

Исмоил акамнинг ўзи бўлса, ғирт жинойтчига чиққанидан букилиб-букилиб, қотиб-қотиб кулармиш.

Шуйтиб бир кунда савдо пишиб, Исмоил акам хотинли бўлди-қолди. Икки йилгача гап-сўзсиз яшаб юришди. Янга пошшо ҳам болаларга, келинларга сингишди. Невараларни ўзиникидай бағрига босди, кўтарди, юпатди. Холмурод ҳам акамни бир кунда бахтли қилиб қўйганман, ҳе, юрибсан-да баринг, – деб катта гапириб юрди.

Лекин Исмоил акамнинг ўзи...

Атиги тўрт кун аввал ўғли Исроилникида ўтириб менга телефон қилди. Димоғи чоғ эди. Келиннинг

туғилган куни экан. Амакиваччалар Жозил, Холмуродлар ҳам шу ерда, улар акага кетма-кет ароқ бостириб эвазига сўкиш эшитаётганларини ҳам билдим. Телефонда кайфиятидан маълум эди.

Исмоил акам келинга бир пачка пул тутқазган.

“Кейинги туғилган кунингда бераманми-йўқ. Борида олиб кўявер, пенсия олганман”, деб мардлик қилибди. Ўша кунлари “Ойсарани соғиняпман-да, чақириб кўймаяпми”, деб юрган.

Одам соппа-соғ бўлса, бу гапларга ҳеч ким эътибор қилмайди. Кўз очиб кўргани, болаларининг жондай онаси эди, қўмсаётгандир, деб уйлашган. Кейинги икки кунда янги янгамиз билан ҳам кўрпа-ўринни бошқа қилган. Янга бундан хавотирга тушган. Қабатидан кетмасликка тиришган. Жеркийвергач, мажбур, бошқа уйга ўтиб ётган.

Кейинги кун тонг саҳарда... оғилхонага кириб...

Янгамиз чала уйқуда орқасидан борса, танаси совиб бўлган экан. У ўзини юлиб, ўзини қарғаб йиғлайди. Энди нима фойдаси бор?

Онаси Мусал энам тирик бўлганида бу ишлар бўлмас эди. Шундайку-я, лекин энамнинг ўзи ҳам... ахир ким яшашни хоҳламайди – ажални сезмай қолди-ку.

Исмоил акам Ойсара янгамни орзиқиб, ўртаниб соғингани рост. Ҳа, рост, жаноблар, Исмоил акам Ойсара янгамнинг дийдорини соғиниб юрган, имлайвергач, бу ҳаёт билан хўшлашиб қўяқолган. Ҳаётдаги барча лаззат, завқ янгамнинг висоличалик ширин туюлмаган.

Мен буни тўғри деб ҳисобламасам ҳам яхши ҳис қиламан...

Ҳеч кимнинг хотини бемаҳал, бир-бирига суяниб турган маҳал кетмасин. Жуда оғир...

ҚАДИМГИ ГАПЛАР

Баъзан олис болаликни эслаганда йиллар қаърига шунғиб чиққандек, шунда асли болаликдан жуда узоқлашиб кетгандай ҳам бўласан, олисликни ҳис қилганини сайин унча кам яшамабман, деб ҳам қоласан. Болалигини ва ҳозирги туриш-турмушини муқояса қилсанг, осмон билан ерчалик фарқ бор. Масалан, олача-кигизлар билан ёпилган қўлбола чайлада баҳордан то кеч кузгача бир оила бўлиб яшаш, яна тоза қийиғи чиққан ибтидоий яшаш тарзини танангиздан, кўнглингиздан ўткази оласизми: ўша одамлар ўрнига ўзингизни қўйиб томоша қилиб кўринг. Ахир Тибетда Покистоннинг Хунза водийсида одамлар бундан енгил бўлмаган шароитда, боз устига деярли ёвғонхўрлик, мевахўрлик билан деярли бир хил тарзда ўртача бир юз йигирма йил ҳаёт кўриб, истиқомат қилиб қоладилар. Хунзага элтар сўқмоқлардан фақат эшаклар юра олади. Нима бўпти, хунзалик учун бир кунда юз километр йўл босиш эрталабки сайру саёҳатдек бир гап: юраги пўкилламайди, ўпкаси тўлиб нафаси сиқмайди, суяк ёки бўғимлари қақшаб, кечаси додлаб чиқмайди, аёли олтмиш беш ёшгача фарзанд кўради, элик ёшида навқирон келинчақдай жилваланади. Камина лоф урмоқчи бўлган маконларда ҳам пойафзал деган матоҳ кейинчалик урфга кирганини айтсам, айбситмассиз. У вақтларни кўрганим ва баайни ўша турмушнинг ичидан чиққанимни иддао қилмасам ҳам, барибир ўша замон ва маконга сизни бошлаб кирмасам ишонақолмайсиз-да.

Биз туғилган қишлоқ, ўша вақтнинг тасаввури билан айтсам, дунёнинг энг чеккаси, чамаси тепада Нурота

тизма тоғларининг чўққилари қорайиб, бўртиб тургани, пастки асфальтга яқин қўрғон ва қишлоқлар ундан ҳам наридаги олис Самарқанд шаҳри жанубда жойлашганини англаганимча, ўзимча “бўлди, биз ер куррасининг энг шимолий нуқтасида яшарканмиз”, деган муқим бир таассурот пайдо бўлган. Бу тасаввур узоқ вақт, аниқроғи, бешинчи синфда амаким Ҳазан муаллим каттакон глобусни кўрсатиб, бу ер шари дея таъкидлаб, сўнгра барчамизга тушунарли қилиб, тахминан қишлоғимиз шу нуқтада жойлашган, дея қаламда авайлабгина кўрсатиб, сўнгра, глобусни, ер бунақасига ўз ўқи атрофида айланади, дея айлантириб юборганида худди мен, бизлар, қишлоқ, пахса уйларимизу оғилхона, кўраларимиз мол, қўй, эшак, товуқларимиз билан қўшилиб, муаллим айтган атмосферага сочилиб, бетартиб учиб кетаётгандек сескантирувчи бир ҳолат юз берган эди.

Амакиларим бир қатор тушган, бир-бирига девори бир қилиб қурилган уйларда туришарди. Бизники икки уй, бир даҳлиз, Омон акамники ҳам шундай, Ҳамро бобомники бир том ортиқроқ эди. Табиийки бу қатор уйларнинг ҳовлиси ҳам бор, бироқ оғиллар алоҳида-ю, лекин анча йилларгача Омон акамнинг моллари бизнинг молхонага қамаларди. Ўша вақтда узун уй тугаган жойда бизнинг майда дарахтлар ўсиб ётган кичикроқ чорбоғимиз ҳам бор эди. Эндигина ҳосилга кирган гилоснинг ранги бўзарар-бўзармас шохини эгиб еб битирар эдик. Сўнг у боғ бузилиб, ўрнига Ҳазан акам иморат солди. Биргина шу амаким институтда ўқиган, мактабда география фанидан дарс берарди. Ўнар бобом кўли калталиги туфайлимикан ё ўқиш унча аҳамиятли туюлмаганми, ҳарқалай, тўрт ака-укадан биргина Ҳазан акам шаҳар кўриб, Тошкентдай жойда ўқиб, олий маълумот олиб келган.

Отам бир замонлар мароқ билан оғиз тўлдириб айтишига қараганда Ҳазан акамни шахсан ўзи ўқитган, ўзи уйлантирган, хуллас, одам бўлишида отадай кў-

макчи бўлган. Вақти-замони келганда йигирмата қўйнинг баҳридан ўтиб мактабга директор ҳам қилган. Биз бўлсак, мактаб директорининг обрў-мартабаси бу қадар баланд бўлганини англаёлмай ўтдик, ҳатто Ҳазан акамнинг қачон директор бўлганиниям эслаёлмайман. Бир гуруҳ ўқитувчилар юқори синф ўқувчилари билан қўшилиб волейбол ўйнашганини, сетка ёнида туриб олган Ҳазан акам гўштор, қорувли қўли билан айқириб тўпга зарба берган чоғлари эсимда, холос.

Отам ўтган асрнинг 53–56-йилларида Владивостокда армия хизматида бўлган. Уч йиллик қурилиш батальонида, чамаси, каттагина маош ҳам тўлашган, шекилли, армиядан қайтишида белим, пойчаларимга белбоғда пул туғиб қайтганман, бир катта қора ўрис чамадони ҳам ўша эски шапалоқдай пулга тўла эди, дейди отам. Ҳар нечук шунча қоғоз пул кичик ҳисобланмаган чиқар, отасию бобоси кўрмаган бу пулларга укасини уйлантирган, ўқитган, керак бўлса директор ҳам қилган бўлса ажабмас.

Отам гавдали, полвон эди. Ўнар бобом, Сулаймон бобом ҳам қорувли, ундан олдинги Ҳизир бобом эса тақими қаттиқ, қўли чайир чавандоз ўтган. Тўқсон ёшдан ошган. Ҳаммаси ҳам сертухум, баракали умр ўтказишган. Омон акам бир дард туфайли эллик тўрт ёшда кетди. Лекин ортида тўрт ўғли, беш қизи бахтли яшаб қолди.

Отам армияда дурустгина ўрис тилини ўзлаштирган. Етмиш ёшларида ҳам русча гапларни бир-бирига улаб бир гапларни чапарастасига солиб қолар эдики, азбаройи армиядан кейин қарийб эллик йил ўрис билан мулоқот қилмаганидан бўлса керак, худди ўзбекчага ўхшаб кетгани, бир қисми жайдари, аскарчасига сўкиш элементларига бойлиги учун жуда кулгимизни қистар эди. Бир гал шамоллаб госпиталга тушиб қолган. Санча дўхтири ҳар куни кечаси келиб тўрт дона майиз ташлаб, бу нарсанинг мижози иссиқ, тўрттадан тановул қилиб турса, иммунитетни кучайтириб, соғайишига ёрдам беришини айтибди. Отам майиз то бир сиқим бўлгунча

емабди. Охири бир куни врачдан даkki эшитгач, майиз-ни бир сиқим қилиб оғзига солиб чайнайверибди.

– Рядовой Унаров, умерать хочешь, да, ну ка сплюнь быстро, – дермиш врач шошиб.

– Не бойся ты, командир, у нас каждый раз по полкило положено, сами выращиваем, никто не умирает, – деб ўргатибди отам.

Лекин командир-шифокорнинг бу қадар дозаси баланд дориворни еган одам абжағи чиқиб қолади, деб хавотир олгани бор гап. Чунки... чунки отам ёлғон айтишни эплаёлмай кетган одам...

Бурунги замонда армияга борганлар қиличдай бўлиб қайтишарди. Отамниям жўраси Сайди муаллим сал илгарироқ хизматдан қайтиб, солдат кийимида кўрганнинг кўзини ўйнатиб юрган экан. Отам ҳавас қилган ва уч йил бадалида қиличдай бўлмаса ҳам милтиқнинг кўндоғидай бўлиб қайтган экан.

Сайди бобо тўқсондан ошди. У кишининг укаси раҳматли Нарзулла муаллим ҳам отам билан соз, қўшни, улфат эди. Отам билан Сайди бобо ўртасида бўлиб ўтмиш бир ҳангома эсимга тушади.

Отам хўжаликка тегишли отарни боқарди. Ёзда кундуз кунлари Қайнар дея аталмиш кунбеткай жойга қўйлар учун ётоқ белгилаб олган эди. Ётоқнинг одамлар учун аҳамиятли жиҳати – икки марта туш пайти ётган қўйларнинг кийини супуриб олишга шошар эдилар. Қоплаб-қанорлаб йиғиб, алоҳида қийхоналар қуриб олган пишиқ одамлар ҳам бор эди. Шу боис отамга бир кун-икки кунлик ётоқ қийларини супуриб олишни сўраб илтимос қилгувчилар кўп бўларди. Кейинги гал отам Фақир бобонинг кампирига қий супуришга лафз қилган экан. Ўша куни бир аёл ётоқда куймаланиб юрганини кўриб ҳа, энди Махфират чечадир-да, деб қўяқолибди. Аммо кечқурун Махфират чеча отамга қий йўқлигидан, қуруқ қайтганидан шикоят қилибди. Отам хайрон, кейин суриштириб билса, ўзининг жондай ўр-

тоғи Сайди муаллим аёлининг эски кўйлагини кийиб, қизил рўмолини ўраб олиб, қийга чиққан экан...

Бу кўзбўямачиликни, ёлғончиликни ҳазм қилолмай жўраси билан урушиб қолибди. Ўртоғи гапга уста, барибир дўсти билан тил топишиб ярашиб олибди. Ушбу можарони кўзгаганлар ҳам, сўнгра гап қилганлар ҳам бор. Балки шу низо кимлар учундир керак бўлган, албатта. У гап томоша учун, ушакни кўпайтириш учун, холос. Бошқа нарса эмас.

Бир неча кун ўтиб отам Сайди бобо билан чақчақлашиб Эгамқул отамникига – пастки овулга ўтаётган экан, йўлда уларни Ражаб муаллим тўхтатибди.

– Э, Ҳамза ака, қий нима бўлди, қий? – деб сўрабди.

– Э, очик мозор бўлди, ҳозир Эгамқул акамдан бир бўлак сақич опкелмоқчимиз, сенга берамиз, бир ой ғилчиллатиб чайнайсан, – дебди отам.

Отамнинг бу даражадаги кескин жавобидан Ражаб муаллим ҳам мулзам тортиб қолган.

Очиғи, Ражаб ака отам билан Сайди бобонинг ўртасидаги можародан хабардор, бир кўзгаб кўйсам жўралар тағин ғижиллашиб қолади, томоша бўлади, деб ўйлаган. Лекин аксига олиб, иш тескарисига кетган – отам ўз пайтида жўрасини киши билмас ҳимоя қилган. Айни вақтда отамнинг баъзан бўлиб қоладиган ҳозиржавоблиги эди бу. Қишлоқда биргина аттор Эгамқул отам, бинобарин, сақич ҳам ёлғиз шу одамда бор, сақич чайналиши ғийбатга ишора, бир ой чайналиши эса – ўзингиз билганингиздек бир ой гап саситиб ётсанг бўлади, деганидир.

Бу энди йўл-йўлакай гаплар. Бошида камина ўйлагани ўша вақтнинг манзараси, табиати, кези билан одамларнинг ҳам бугунгидан бошқачароқ, феъл-атвори эди. Ўнар отамнинг тўрт ўғли – тўрт оғайни ботирлар бола-бақраси билан бир ҳовлида истиқомат қилишини айтдим. Бир парчагина боғимизни ҳам аввал Ҳазан акамнинг иморати-га, кейинроқ қолган қисмини энди уйланган Исмат акамнинг уйига бўлиб бериб юборганимизни ҳам эслайман.

Ўзи шу, отамнинг мол-мулк талашмайдиган, жигарлар билан тортишиб ўтирмайдиган, бирпасда э, дея воз кечиб юборадиган ғалати одати бор эди. Шу фетъли туфайли бора-бора буткул ерсиз қолганмиз. Уйни ҳам ташлаб, пастдаги тоғамлар истиқомат қиладиган Зулмон ота овулига кўчиб тушганмиз. Бу қишлоқ кенг, суви мўл, яйдоқ ётган бўш ерлари ҳам бор эди. Бир-икки ой ёзда холамнинг бир уйида ётиб турганмиз, биз болалари, молларимиз моллари билан қўшилишиб яшагани яхши эсимда. Тавба, дунё кенг экан-да ўша пайт. Улар унта бола, биз олти бола бир дастурхон, бир тўшак, бир том остида – яшаганмиз-да. Болаликка хос аразлашиш, ўйинқароқлик, чўқишувлар ҳам бўлган аслида. Аммо бутун катта ҳовлинга бир меҳмон келиб икки соат ўтирса, ортиқчалиги сезилиб қолади.

Бугун ўша дунёсини кенг қилиб турган ота қайда?

Меҳри билан қалбларни ҳароратлантириб турган, их, десанг, жонини ҳовучлаб зардоб ютган мушфиққина онанг қайда?

Хуллас, Зулмон отага кўчиб тушишдан олдин ёзги чорбоғ сифатида олти-етти чақирим наридаги Қўна-қишлоққа кўчиб чиқар эдик. Камбағални кўчганда кўр деганларидек дов-доскаemiz ҳеч жойга сиғмай кетар эди. Қўна деганимиз, адабий тилдаги Қўхнани англа-тади. У ерда олти туп эскидан қолган хасаки тут, ик-кита қадимда ковланган ертўла бор. Айниқса, йиллар давомида тупроғи емирилиб, оғзи деярли беркилиб қолган ертўла кундуз кунлари ҳам ваҳимали кўринар эди. Биз унга яқинлашсак, узоқдаги шамолнинг гувуллашига ўхшаш бир товуш эшитилиб турар, хира ёруғ тушган қисмидан ҳайвон ва паррандаларнинг эски суяклари кўринар, тош ёки кесакни ичига думалатиб юборсак, у анчага довур гусурлаб борар, тўхтаб қолар ва сувга ташланган каби “чўлп” этар ҳамда, болалик тасавури бўйича, хўрсиниққа монанд вишиллаш эшитиларди. Бу “Зулфизар” ва “Авазхон” дostonларидаги аждарҳонинг ўзгинаси эди. Ертўланинг оғзи деярли

беркилиб қолгани аждарнинг ташқарига чиқишига монелик қиларди, холос...

Бу ерларнинг ҳам эгаси бор. Хидир бобом, сўнг Сулаймон бобом бу ерларни тасарруф этишгани, шу ерда чўпон-чўлиқ сақлаб мол боққанлари, буғдойлиқ ва қўриқ ўтларда тўйиб семирган молларнинг сути, қатиғи, сариқ мойи шу ертўлаларда сақлангани ҳам оталар ва момолар орқали бизгача етиб келган. Ҳарқалай шу ривоятлар боис бизда кенг яйловлар, даштлар, булоқлар ва ҳатто тошларга ҳам эғалик туйғуси ўшанда пайдо бўлган. У жойлар кенг эди ва қўзимиз илғаган ҳудудларнинг ҳаммаси ўзимизники эди. Биз бой эдик ва шундан мағрур эдик.

Отам Омон акамни яхши кўрарди. Омон акамнинг кўнглида ғирромлик йўқ, ҳали эндигина уйланган, Саломат чечам ҳам отаси Ашир бобо, онаси Қурол момо Иштихонда яшаса-да Қудуқча қишлоғидан тракторда яқинда келин бўлиб келган, Красноярск шаҳрида хизмат қилиб совуқларга чидамли бўлиб қайтган Омон акам энди аввалгидай ариқнинг музларини мушти билан ёриб, матросча йўл-йўл майкасини ҳам бир чеккага улоқтириб, айқирган кўйи ювинишларни бас қилган, ота кетиб, она кетиб кичик ўғил – эркалигидан асар ҳам қолмаган, турмуш бўйинтуруғи елкага тушиб, мўминқобилгина бўлиб қолган, кўпқариларга ҳам бир-икки от солиб кўрган, атоқли чавандоз сафига киришга кўзи етмай, эндигина Зармитан кони очилиб, у ердаги шахтага ишга ўтиб олган, қора чўбирини миниб гоҳи эрталаб, гоҳи кечқурунги сменага қатнар эди.

Юқорида тилга олинган ертўланинг тепаси тик ва баланд, пичоқ билан кесгандай теп-текис, тақир эди. Омон акам энди уйланган, катта фарзанди Жозил ҳали чақалоқ, отам ўзими ё укаси икковими ертўланинг тепасидаги қирдан ерни ўйиб, ертом қилишган, унинг устини бир хари, шох-шабба, бута ва пичан би-

лан бостириб, ўзидан чиққан тупроқни шох-шабба устидан тўкиб, бир қўлинг ўргилсин уй ясаган эдилар. Ўзимизга эса қора уйга ўхшатиб толнинг шох ва буталаридан эгиб чайла қуришди. Устини шолча, олача, дуч келган латта, пўстаклар билан ёпиб, кун кўрса бўладиган бошпана ясашди. Ялпоқ қайроқтошдан ўчоқ қурилди. Хас-хашак, тезак, қий ва ҳар жойда ўсиб ётган бодомча, яъни аччиқ бодом дарахтлари, лошакаррак, бу дегани, китобда қушқўнмас дейилувчи йирик тикан билан қопланган бута ҳар куни ёқади-ган ўтинимиз ҳисобланади.

Биз ҳуш кўриб тановул қиладиган таом жуқмо-юпқа эди. Баъзи ерларда уни ғилминди, Навоийда судратма ҳам дейди. Онам ҳафсала билан хамирни юпқа ёйиб чиқади. Ўттиз-қирқ-эллик-олтмишта юпқани пичап доғланган ёғ солинган қозонга ташлаб бироз қотириб пиширади. Биз бошқа ўчоқда атала ковлаймиз. Атала – суг, қанд, ун қўшилган бир таом. У қайнай бошлагач то пишғунича тинимсиз тагини капгир билан қўзғаб турилмаса тезда тагига олади, қовурмоч бўлиб қолиш эҳтимоли бор. Қотирма юпқа ҳам тайёр бўлганда биз икки-уч буклаб бошқа товоқларга жойлаштираверамиз. Охирида онам ҳозир ейиладиган аталали юпқаларни ўчоқда қизиб турган сарёғга бир-бир ботириб олиб дастурхонга қўяди. Мой ва аталани оқизиб иштаҳа билан тушираётган тирмизакларни томоша қилинг-да энди. Омон акам гавдаси йирик бўлмаса-да, иштаҳаси қўзғалса нақ ўттизтасининг жойини солади. Иштаҳаси йўғида йигирматадан қайтиб, қўлсочиқ сўрайди. Биз болалар учтадан нарёғига ўтмай тиқиламиз. Шундаям кечаси билан сув ичиб, мазамиз қочади. Отам очирқаниб мол ортидан келиб қолса нарёқ-берёғи йигирматани уриб ташлайди. Шундай қилиб, Ўнар авлодни жуқмахўрлар, деб таърифлашарди.

Бир гал Омон акам қиш пайти Ўмир акамникига хангомага ўтибди. Узун қиш кечалари амакиларим

хангоманинг уйини куйдиришарди. На бўлғай, Омон акам бир кечада бир дostonни қўшиқ қилиб ўқиб, ҳатм қилиб қўярди. Ҳангоматалаблар анграйиб лоф-қофга тўла дostonни эшити-иб ўтираверишарди. Бош қаҳрамонлар китоб сўнгида мурод-мақсадига етганда биз ҳам муродимизга етган – аллақачон қийшайиб пинакка кетган бўлардик. Аммо “Эрали ва Шерали”, “Авазхон”, “Нурали”, “Равшанхон”, “Рустамхон”, “Зулфизар”, “Қундуз билан Юлдуз”, “Тўруғли”, “Алпомиш” дostonларини худди шундай узун қиш кечалари тинглаганмиз. Овлоқул отам – Ўнар отамнинг кичик укаси даврада бўлса дoston-постонининг белига тепиб қоларди. Тўхғат китобингни, мана, биздан эшит, деб урушда кўрганларини бирин-сирин лоф аралаштириб айтaveарарди. Урушнинг Овлоқул отам кўрган бу саргузаштлари жуда кўп такрорланган, ҳатто атрофдагилар безиб ҳам қолган. Биз болалар ҳам отамиз Севостополда аввалги сафар олтмишта немисни кирган эди, бу сафар бир ўзи яксон этган немислар сони юзтага етиб қолгандир, деб масхаралаб ўтирамиз. Кўзда тутилганидек Овлоқул отам юзта немисни ер тишлатган бўлиб чиқади. Хохолаб кулиб юборсак-да, бобой бунга парво қилмайди. Мансур тоғага ўхшаган фронтдош жўрасининг олдида тек туради, одоб сақлайди. Бўлмаса Мансур тоға урушда биз ўзбекларга қурол тегмаган, таёқ кўтариб милтиқ, автомат кўтарганларнинг ортидан “ура!” деб бақириб юраверганмиз, деб ростини айтиб қўяди.

Хуллас, Омон акам пастки овулга, укаси Ўмир акамникига келса, дастурхонда ғилминди. Одамлар еб бўлиб қўлини артаётган эмиш. Садаф чечам:

– Ака келинг, қайнонангиз хўп суяр экан, – деб олдида бир товоқ юпқа қўйибди.

– Уйдаям жуқмо қилган экан, қорним тўқ, икки оғиз хангомага кирдим, – дебди Омон акам.

– Олинг, кетганича олинг, – дебди Ўмир акам.

– Қўймадиларинг-да, – деб ўнкалагансиб акам ошашга тушибди. Бир пайт:

– Бўлди, қорним қаппайиб кетди, олтита едим ўзиям, – дебди кекириб.

Садаф чечам гапга уста.

– Ака, ош бўлсин, санаб турдим, ўн саккизта едингиз, яна олаверинг. Бу ёқда кўп, – деб юборибди.

– Оббо жувонмарг, санаб ўтирганмидинг, – деб изза бўлиб қолган экан Омон акам.

Шу боис бизникилар юпқа тайёрлашса товоқ, лаганлар тўлиб кетмаса ҳисобмас.

Ўша куни, ўтин йиғишга эринадиган биз каби болалар ҳам сертикан лошокарракни зўр ғайрат билан ғамлаймиз.

Икки-уч овқатга етадиган қилиб ошириб-тошириб тўнлаймиз.

Мактабга бормаган бола эдим. Эрта кўклам қишлоқдан Кўнақишлоққа кўч ташидик, охирги юкларни элтганимизча кеч тушиб қолди. Мен минган эшакда йигирмадан зиёд оёғидан боғланган товуқ-хўрозлар бор эди. Қоқоқлайвериб, уст-бошимга ахлати тегавериб безор бўлдим. Қоронғида акамга қичқириб товуқларни қаерга қўйишни сурадим.

– Ўлсин, ўша ерга оёғини ечиб қўйиб юборавер, ҳали бу ерда катак-патак ҳам йўқ, – деб товуш берди онам.

Айтганидай қилдим. Эшакларни ҳам шу атрофга арқонлаб қўйдик.

Тонг отди. Отам ер ковлаб, устидан тешик тунука бостириб катак ясаб қўйибди. Онам акам билан мени уйғотиб, пастдаги булоқ бўйидаги ўтлоқдан товуқларни ҳайдаб келишни буюрди. Тушиб, не кўз билан кўрайликки, товуқларимиздан дарак йўқ. Ҳар жойда патлари сочилиб ётибди. Баъзи ерларда чала ғажилган, қонталаш суяклар, оёқлар.

Этим увишди. Шунча товуқни тулки еб кетса-я. Буталар орасида “биқ-биқ” этган товуш чиқди. Бориб

қарасак, бұғизланмаган-у, бироқ патлари шипшийдам қилинган икки товук пусибгина турибди.

Ҳай, ноинсоф тулкилар-а! Еб-еб, қорни тўйгач, эрмакка буларни “ечинтириб” ўйнабдилар.

Онам бизни аяб кечаси товук орқалаб юрмасин, деган чиқар, отам онамни бу иши учун эси пастликда айблагандир – эсимда йўқ, эсимда қолгани ҳар икки товук питир-питир – бегона жой – у ёққа, бу ёққа чопиб юрганини кўриб завқланган эдик, барибир кечгача офтоб уриб ўлиб қопти. Уша ёз рўзгор товуксиз, тухумсиз ўтди.

Пастда иккита булоқ бор. Биридан жилдирабгина сув оқади, бири, қанча қазиб кўзини очма – барибир икки-уч қадамдан нарига оқиб ўтмайди. Кафтдайгина жой ботқоқ бўлиб ётаверади. Шу булоқнинг захи уриб турган жойига отам иккита тут ва икки тут зардоли экиб қўйган. Сув бор жойда ҳаёт бор-да: яқин йиллар ичида бутун оиламиз билан ўша жойларни, Кўнақишлоқни кўргани бордик. Отам эккан дарахтлар эски тутлар қатори осмонга бўй чўзиб, тарвақайлаб кетган. Пастликлар ҳамон хашак, бутазор, май ойи эди, лошакаррак майда тиконлари орасидан бўтакўздай қирмизи гул оча бошлаган, сап-сарик, қип-қизил, сиёхранг майда гуллар очилиб қирларни сўзанадай безаган, чорбоғ атрофи мол кирмаслиги учун тиконли сим, симтўрлар билан ўраб қўйилган. Албатта, бу ерларга энди мол ораламайди. Ҳамма жой эгалланган. Лекин ҳеч жой дарахтзор, экинзор бўлиб обод қилинмаган. Бобомнинг, отамнинг ери деб кимлар келиб эгаллаб қўйган: ерни ўз ҳолига ҳам қўймайди, ўзлаштирмайди ҳам.

Кўҳна, эски, хароб бир жой.

Атрофда кўҳна иморатларнинг топқирт ўринлари... Иморатларки, ер билан битта бўлиб кетибдими, одамнинг нимасидан ўпкалайсиз?

Қўриқ. Йўнгичқазор. Гавзомбир, қизил, сарик ари, итчивинлар ғувва ўраб олган кафтдайгина ботқоқ жой. Бир замон, укам иккаламиз икки сигиримизни шу ерга олиб келиб суғорар, қўриқ бўйига кечгача арқонлаб

қўяр, кечқурун тўқ сигирларнинг сутини соғиб олиш учун онамга етаклаб обориб топширардик.

Ҳув нарида қирлар ўрқачида биринчи мактабга борган кунимни эслатувчи газа, ёлғизоёқ йўл. Овлоқдан, овлоқ йўллардан ялангоёқ, иссиқ тутироқдан, тикандан қочиб йўртиб-йўртиб мактабга қараб шошиб кетган йўлларим.

Мен минган эшакларнинг суяклари қайси жарларда қолиб кетди. Мен елинидан сут ичган сигирлар... Кўкрак тутиб меҳр берган онажоним, бошимни силанган суянч тоғим – отам... барчалари бир титроқ шамолдай эсиб ўтиб кетишдимми?..

Қизик, бу ерлар ҳали ҳам овлоқ.

Бу ерларда ҳали ҳам кечаси ёввойи ҳайвонлар улийди.

Менинг фарзандларим бўлса... “қадим, кўна” деган сўзларни унчалик тушунмайдилар...

“ҒОВ ҚИЛМАСАНГ ТОВ ҚИЛМАЙСАНМИ!”

Қишлоғимиз аҳли гарчи тубдан туркманга ётса ҳам тўрт аймаққа бўлинган: шўрлиқ, қопой, меҳоём, сувити. Ҳойнаҳой шўрлиқ шуларнинг каттаси чиқар. У – менинг уруғим.

Юртимизда ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам, зот айирган полвонлар кўп. Хидир бобом, айтишларича, ўзи жик-каккина бўлса-да, путиям, қўлиям пўлатдек бўлган. Келбатли қора байталида бу офтобрунинг солими, жиловини қириб-супуриб оларкан. Хидир – Унар бобомнинг бобоси, Сулаймон бобомнинг отаси. Юзга кирган эмиш. Кейинчалик қора байтали нега тўқсабонинг путига ўтиб қолгани биз учун жумбоқ. Эҳтимол, оқсоқоллар ўртасида ҳалол кенгаш бўлгандир, эҳтимол, юрт сўраб турган баччағарнинг қўли узунлик қилган чиқар... Элни гапиртирсанг ҳар хил миш-миш эшитасан.

Исмат акам – отамнинг акаси Ҳамро отамнинг тўнғич ўғли, ўмрови, пойчаси, қўл мускуллари келишган, ярашиқли кулгуси, қитмир ҳазилу шумликлари бор ғаройиб одам эди. Полвон акам ўтгиз саккиз ёшда, айни кучга тўлган чоғда, доврўғи дунёни тутган вақтда, Ойсафар янгамга бир этак болани қолдириб, элни, қавму қариндошни қақшатиб бу дунёсига қўл силтаб жўнаб юборди.

У даврнинг одами бир-бирига оқибатли, меҳрибонроқ эдими ё ер юзида одам камроқ эдими, ишқилиб, бир-бирини кўп йўқловчи, ҳамма қўшни бир хил пайтда бир уйда жам бўлиб, йигирма-ўтгиз чоғли эркак обдон гурунгу сураб эди. Уларнинг бир-бирига ўтказиб ҳазил қилиши, от, лақаб қўйиб ўсал қилишлари... сиртдан

қараган одам бу даҳанаки олишув охири жанжал билан тугаса керак, сўнг булар тамом гаплашмай тескари бўлиб кетсалар керак, деб гумон қиларди.

Қувкалла сойининг бошида Пангат биопунктига қарашли тош девордан қурилган отхона бўларди. Бу ерда отбоқар, ветеринар дўхтир ва бир неча ўрис киши лабораторияда ишлар, ҳовуз, тегирмонариқда рангли, ушлаганда ҳиди ўтириб қолмайдиган чиройли бақалар ўстиришар, кўпайтиришар, хуллас, ҳаёт қайнаб ётарди. Байталларнинг туғадиганлари, қочадигани алоҳида хода билан ўралган қўраларда боқиларди. Отлар учун шу атрофда, Жановуз даштида беда экилар, бир қанча одам емиш парвариши, ўрими, қоровуллиги билан шуғулланарди. Уларнинг ҳар бирининг остида биттадан бедов от бор эди. Ўйлашимча биопункт раҳбари томонидан уларга “шу от тоғдаям, даштдаям кишнаб ёввойи юраверади, ундан кўра бир талайининг эгаси бўлсин, устига эгар босиб миниб юрсин: ҳам емишига қарайди, ҳам минги қилиб қўлга ўргатсин” дейилган, шекилли. Аммо айғирлар кўп эмас эди. Асосан, улар тоққа – байталлар ортидан қўйиб юбориларди. Биргина мақсад – урчитиб насл олиш эди.

Аммо кейинчалик Исмат полвон билан Мустафо полвонни сафга қўшган, довруғини чиқарган Қора от бундан мустасно эди. У авваллари бош отбоқар Муҳаммад оқсоқолникида, сўнгги кезлар биопунктда отбоқар чўпон бўлиб юрадиган Ҳамро отамникида (отамнинг акаси) боқиладиган бўлди.

Кейин билсам, асли Муҳаммад бобо Пангат биопункти директори Ҳусан Ҳакимовдан биз насл олишимз учун шу қора отингизни берасиз деб туриб олган, директор Муҳаммад оқсоқолнинг асли кўпкари ишқибози эканини, шумлигини билса ҳам, ҳай деб бериб юборади. Айғирликка қўйилган от эса кўпкариники бўлмайди. Биялар кетидан чопавериб асов бўлиб кетади. Қўлга ўрганиши қийин кечади.

Муҳаммад бобо отни билганидай парвариш қилди. То от қариб кучдан қолгунча кўпқари деганнинг додини берди. Исматни – Исмат полвон, ўғли Мустафони – Мустафо полвон қилди. Муҳаммад бобо билан Қора от полвонлар етиштириб чиқарди. У одамларнинг кўпи энди йўқ: Муҳаммад бобо, Ҳамро отам, Омон акам, Исмат акам, Ҳусан Ҳакимов, Исмоил акам... худди бу дунё уларга ризқ топиб беролмагандай. Албатта, Исмат акам ҳам бугун кўпқарини ташлаб, айна етмишни қоралаган дўстлари Мустафо ва Элибек полвонлар каби шогирдлари, ўғиллари далдасида кўпқарининг гаштагида бир майдон улоқ опқочиб, озод от чоптириб, терлатиб чортоққа катта улоқни гупуллашиб ташлаб, томошаталаблар, мухлису жўралари олқишлови, ҳайқириқлари остида отдан тушиб тенг-тўшларига қўшилиб даври даврон сурса қани эди! Одатда бундай чоғда устоз, ветеран чавандознинг ортидан ҳеч ким чопмайди, улоқ талашмайди, у ҳали ҳам улоқ кўтара олиши, от гижинглата олиши, майдондан чиқиб кетмаганини бир мартагина кўрсатиб қўяди, холос.

– Олдини тўсма, эй бола, бола дейман, улоққа ёпишма, нонкўр бўласан, устозинг Элибек полвон келяпти-я! Қўй, дедим сенга!

Кўпқари оқсоқоли чортоқ четида туриб микрофон орқали ўйинни бошқаради. Одамларни тартибга, инсофга чақиради.

Муҳаммад бобо оқсоқол бўлган кезларда микрофон деган нарсаси йўқ эди. Аммо у кишининг овози шу қадар тегик, ўткир эдики, мазкур ускунага ҳожат ҳам қолмасди. Ўғли Мустафо акани кўп койиганига гувоҳ бўлганман. Энди-энди ўйласам, орийат, обрўни ўйлаб жонини берар экан. Қиш пайтлари мактабдан қайтаётиб тойинмачоқ ўйнаётганимизни кўрса, важоҳат билан уришарди. Синф раҳбаримиз ким эканини сўраб билиб, эринмай унияма топиб қойиб, манави сенинг ўқувчиларингми, дарс тайёрламай қилиб юрган ишини қара, деб

туғилганига пушаймон қилдирарди. Ҳар қандай одамни тавбасига таянтирарди. Чўрткесар, қатъий феълли киши эди. Ўнар бобомнинг укаси Эгамқул отам савдогар, қишлоқ оралаб атторчилик қилар, хотин-халаж билан сен-менга бориб, урушиб савдо қилиб ётар эди. Буниси-ку майли, жуда кампир алмаштиришга чаққон эди. Менинг саноғим бўйича бешта, бировларнинг гапича етти маротаба уйланган эмиш. Укаси Облоқул отам бир сафар Эгамқул отамни серхотинликда айблаб койиса, акаси, хўш, ўзларидан сўрасак, деб тиржайибди. Бармоқ букиб кампирлар отини санайберса, бунисиники ҳам бир қўл тўлар даражада экан, валлоҳу аълам. Шунда Облоқул отам акасига катта кетолмай қолган.

Бу борада Ўнар бобом юввош эди. Туршакдайгина Майрам энам бобомга тўрт ўғил, икки қиз туғиб берган. Мен гўдак эканман, онамнинг айтишича оғзи югурик, тезоброқ, ҳадеганда тескари бўлиб қолаверадиған аразчи кампир бўлган. Лекин Ўнар бобом ўта қаноатли бўлганидан осойишта ҳаёт кечириб ўтган. Аввал кампири, беш-олти йил ўтиб ўзи бу дунё билан тинчгина хўшлашган.

Эгамқул отам чарс феъллиги учун ҳеч ким олдига тушолмаган. Бобом кимга уйланмасин, кампирларини ҳам дарҳол атторликка жалб қилар эди. Эгамқул отамнинг ўзига ўхшаш сап-сариқ новча кампирини, ундан сўнг қоп-қора, давангирдай, рўмолини катта касса қилиб ўрайдиган кампирини яхши эслайман. Ҳар иккаласидан ҳам сақич, шар, ҳайит кунда хўштак харид қилган ёки товуқ тухумига айирбошлаганмиз.

Муҳаммад бобо бир гал, гарчи ўзидан ўн тўрт ёш катта бўлса-да:

– Эгамқул, нега хотин қўйдинг яна? – деб сўрабди.

Эгамқул бобом э, улай эди, булай эди дебди.

– Чайналасан-турасан, э, уятсиз ўсироқ чол, қараб тур, бугун опкелиб бераман, тинч яша, болларингдан, элдан уял, – дейди-ю, қир ошиб отни йўрттириб кетади.

Бориб кампирини отга мингаштириб опкелиб беради.

Эгамкул отам кўрққанидан ё уялганидан шу кампир билан тўрт-беш йил яшади...

У замоннинг оқсоқоллари шунақа эди.

* * *

Нурота тизма тоғининг ортида тожик дўстлар яшайдиган овуллар бор: Сентоб, Ўхим, Можрим. Бир йили қоронғи қишда Муҳаммад бобо Мустафо, Исмат, Элбек полвонларга қўшиб бир тўда мактаб болаларни ҳам Ўхимда бўладиган кўпқарига бошлаб кетди. Кун совуқ, қор тиззадан келади. Аччиқ совуқ жун пайтава ўрамасанг оёқни, пахталик шим киймасанг – пойчани, телпак киймасанг қулоқни бирпасда уради. Уларнинг ичида акам ҳам бор. Акамни онам худди боғқоровулига ўхшатиб кийинтирган: отамнинг пахталик шими, тулупдай пахта фуфайка, ичидан қалин жун жемпир, отамнинг армиядан опкелган қалин шарфи, телпак, унинг ичидан ҳарна иссиқ бўлсин учун бахмал тоқие, жун пайпоқ, устидан жун пайтава. Уларни кийиб акам отамнинг кўк ханги эшагига ўтираркан, кийимларининг залворидан орқа-олдига ўтирила олмас эди. Чоллару кайвони кампирлар Муҳаммад оқсоқол қора совуқда бу болаларни зардақдай қилиб етаклаб юришига бало борми, деб ёзғиришарди. Ростдан ҳам ўзимизнинг тоғдан Ўхимга ошадиган Белдан ҳатто ёз пайтида ўтиш амримаҳол, нарёқдан эсадиган кучли елвизак шамол кўксингдан итариб тентиратиб юборади. Қишда қори одам бўйи гуртук бўлиб ётгандир. Бироқ оқсоқолга биров бас кела олармиди – айтдими, тамом, ўша иш амалга ошиши шарт.

Акам ўша изғиринда эшакда, пиёда қандай ошганини ҳануз юраклари увишиб сўзлаб беради.

У вақтда икки-уч кунлик кўпқарилар бўларди. Ҳозир у-бу деймиз-у, ўшанда ҳам замонининг бойлари бор экан-да. Ўхимда икки кунлик иккита кўпқари-

ни ўтказамиз, деб нақ бир ҳафта йўқ бўлиб кетишган. Одатда, биринчи кун оддий солимлар, иккинчи кун катта жаловлар қўйиларди. Акам Ўхим халқи обдон меҳмондўст, егулик-ичгуликни аямай бостириб ташлаши, аммо ориятчил – тўрт кун кўпқарида нуқул оғайнапарастлик қилишганини айтарди. Биринчи кун полвонларимиздан бирортаси кичик солимгаям ташлаёлмайти. Иккинчи кун ҳам хоҳ Элбек, хоҳ Исмат, хоҳ Мустафо полвон бўлсин, улоқни олган заҳоти чортоқдаги раис бор товуши билан “ғов ку-ун!” деб бақирар, бошқалар унга жўр бўлиб шу сўзни айтиб қичқиришаркан. Навбат катта совринга етганда Муҳаммад бобо Қора отни Мустафо полвонга миндиради. Қора от тўдагир, ундан кучли от йўқ. Улоққа бордим, таққа тўхтайди. Чавандоз улоқни ердан азот кўтардим, бир чайқалиб олади – тўдани ёради, кейин тўғри чортоққа қараб қулоғини жуммийтиб ҳайдайди. Ана энди кўринг бошқалар унинг чангида қолиб кетишини!

– Ғов ку-ун! Ғов ку-ун!

Қора отга муносиб чавандоз бўлса бас, тақими тарашадай, қўли темирдай бўлса етади, гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа чайқалиб, тўғри чортоққа ҳайдайди, чавандоз орада улоқни олдириб қўйиб, яна бошқа отнинг ортидан “ҳа-чув, ҳа-чув”, деб қувлаб юрмаса бўлгани. Мустафо полвон уста, қўли узун, ичига туз тиқиб тагин оғирлаштирилган такани тўдадан бирданига ўнгариб олмайди, унда ёндан тортадиган четгирлар кўпаяди, полвонни қийнайди. Мустафо улоқни аввал отнинг олд оёқлари орасига олиб судрайди. Қора от бу фирибга ўрганган: атай оёқларини кериб, олчонглаб қадам ташлайди. Тўда икки ёнбошдан қисиб келади, яна бир тўда олдини тўсади – ғов қилади. Олдиндагиларга аҳамият бермайди, аввал ёнбошни тозалаш керак. От гўё тентирагандек ўнг томонга сурилади, кейин сўл томонга сурилади: икки томондаги ўнлаб отлар қора отнинг

умганидан узоқлашиб қолади. Чавандоз жиловни қўйиб юборади. Икки қўллаб улоқни эгаргача кўтарадию тақимига маҳкам босади.

– Чув, жонивор!

Полвоннинг шу биргина буйруғи Қора отга етиб ортади.

– Ғов қу-ун!

От “ғов”га қараб тикка солади. Аммо от кўпайиб, “ғов” зичлашиб қолган – ёриб ўтиш маҳол.

– Ғов қу-ун!

Бари бир от “ғов”гача тикка бостириб боради. Лекин кутилмаганда тўхтаб, катта гавдасига ярашмаган абжирлик билан ортга қайрилади. Қизик, чортоқ орқада қолди-ку. Йўқ, барибир у тескари томонга қуюндай учиб кетади. Шу қўйи дукурлаб қир устига чиқиб кетади. Кимлар оғир улоқ чавандознинг қўлини толдириб ташлаб юборишини кутади. Аксинча, Мустафо улоқнинг қўлини эгарқошга яна бир марта қайириб ўрайди, тақимини зичроқ қилиб қисади. Бақироқ тўда унинг ортидан от қўяди. Қора от қир устида тўхтайди. Яна ортига қайрилади. Мустафо бир қўлини баланд кўтариб:

– Чувв, жонивор! – деб ҳайқиради.

Жонивор энди қирга ўрмалаб чиқаётган отлар устига тўхтамай бостириб келаверади. Тўда бундай ҳолатда ўз-ўзидан тирқираб тарқалиб кетади. Қани бир мард чиқиб олдини тўсиб кўрсин-чи, тепадан учиб тушаётган тулпор агар фил учрасаям ерга қапиштириб ташлайди.

Чортоқ бошидагилар чувиллашади:

– Ғов қу-ун, ғов! Эй, ғов!

Қора от энг чопағон илғор самандан ҳам юз қадам олдинда елдек учиб келарди.

Оломон бўлса тинмасди:

– Ғов, эй, ғов қу-ун!

Муҳаммад оқсоқол ҳам чортоқда эди. Бошидаги тулки терисидан тикилган туматоқни илкис ҳавога кўтариб:

– Э, ғов қилмасанг тов қил! Барибир опкелади! Ана, хало-ол! Хало-ол! Э, қизигарди боласи, бундай бўпти-да!

Мустафо полвон қаторасига тўрт марта ташлади. У билан Қора от бугуннинг қаҳрамониға айланиб турганида, Муҳаммад оқсоқол ўғлини чақириб:

– Мустафо, туш отдан, – деб қичқиради.

Полвон отаси амриға бўйсуниб секин четға чиқади.

– Исмат, бери кел, Қораға сен ўтир!

Исмат полвон отда икки бор совриндор бўлди.

– Жони бордай чоп, э, гўрсўхта, нима бало, кеча ичиб бўкканмидинг? Омон, Ҳамро, Аввалбой, ҳай-ҳай-ла, бўшашма!

Омон акам, Ҳамро отам, Аввалбой акалар эски полвон, бири ундай, бири бундай бўлиб қаторға қўшилиб юрган. Номи чиқмаган, холос. Аммо уларнинг бугунги вазифаси – ўхимлик биродарларға ўхшаб ёнбошдан от қўшиб ҳадаҳа деб туриш. Бегонанинг олдида далда, қувват бўлиш.

Икки той совринға қўйилган бўлса, бирини Исмат полвон Қора отда, бирини Элибек полвон ўхимлик тўй эгаси Парданинг Пеле лақабли отида опкелиб ташлади.

Шу куни қувкаллик полвону қўноқлар Ўхимда талаш бўлди...

Орада икки кун дам, сўнг тагин икки кун кўпқари чопилди. Парданинг туғишган укаси Рафиқ ўн бир йилдан буён фарзанд кутиб, охири ниятиға етган, той-чокдай ўғил кўрган, унинг шарафига офтобрўнинг довруқли, манаман деган чавандозларини дараклаб қўйган эди. Аслида-ку мен деган полвоннинг бари шу ерда, фақат Туркманистоннинг Тошҳовуздан Конъяк, Ўратепадан Шербек, Жетисойдан Суюндик полвонлар кутилаётган, улар шарафига катта туя сўйилиб ош тортилган, жаловға ҳам олти бош бўғалоқ тикилган эди.

Ана кўпқари, мана кўпқари!

Қаҳратон қиш, совуқ изиллаб, қор учқунлаб турибди, лекин ер ёрилиб одам чиққандай ўру қирни

томошатаблар босган. Ҳай-ҳай демасанг қиз-жувон, чол-кампи́рлар-да далага отилган.

Кўпқари – ҳалол ўйин, тишлаб тортадиган шадда, бақироқ эмас, билаги зўр, тақими зўр, оти зўр олади. Муҳаммад оқсоқолнинг чагир самани ҳам бор, аммо ҳали жуссаси кичик, тезотишлиги бор, лекин қулоғини жуммийтиб шамолдай учади. Йирик отлар турганда унга йўл бўлсин. Кези келганда оқсоқол Аввалбой, Омон полвонларни чагирга ўтқазиб тўдага кир, дейди. Мақсад – катта чавандозларга йўл очиш, тўда ёки катта ғовга дуч бўлганда ёриш, улоқни олиб чиқишга кўмак бериш, қисқа айтганда қўшимча куч. Тоғлик қардошлар буни эпини келтиришади, ўнлаб от, ўнлаб тўдакашлар улоқ тегса-тегмаса ўзларининг Рашид, Учқун полвонларига йўл очиб бериш, марра – сомонга чиқиб келишига ҳадаҳа ёрдам бериш.

Кўпқари – орият ўйини. Чавандознинг ортидан юз оркаш, минг оркаш қичқиради, ол, ҳайда, бўшашма, қамчи торт, деб ҳайқириб туради. Полвон қизишганда бу ҳайқириқни эшитмайди. Кўпқарининг деви бор дейдилар, у хуруж қилганда товуш тугул елканга тушган қамчи, қўлинг, оёғинг шилингани ҳам сезилмайди. Имкон бўлди деганда от сезади, полвон сезади – шу гал меники дейди, таппа босади, ўнлаб узалган қўлнинг энг қорувлиси меники, дейди. Бир бўйин наридаги ўлжани бир узалишда ушлаб чангақдай қотади, вужуд темирга айланади, темирқўл абжир ҳам бўлиши керак, яъни така тўғрига қараб тортилса ўнта қўлнинг чангалига тушади, пастга тортса – ушлаган рақибига ноқулайлик туғилади. Така ўта оғир, яна рақиб уни оғир томонга – ерга қараб силтаяпти, манаман деганиям бу кучга дош беролмайди, ерга қараб босилган улоқни қўйиб юборади, энди тўдадан узиб чиқаман, айқириб отга қамчи босаман, деган чавандоз доғда қолади. Пастга босилган улоқ ерда эмас, Исмаи полвоннинг қўлида қолади, у туёқлар, оёқлар оралаб, энгашган қўйи, лой, қор ара-

лаш ҳўл, ичига туз тиқилиб саксон кило қилинган улоқ-ни шипиллатиб тортиб ўнгариб олади, тўда ўнгаргани кўярмиди, ўнгарган заҳоти кўз иярмай қолади – улоқ бир зумда ерга тушиб кетаётгандай бўладими, узангига етиб тўхтайди, Исмат полвон уни тақимига босиб, улоқнинг бир оёғини эгарқошга илдирган, бир ўраб, маҳкам тутганча олға қараб “ҳа, ҳа, жонивор, бос олға!” дейишга улгурган, қора от гази босилган мошинадай дарҳол бир чайқалиб отларни суриб, керак бўлса ўмови билан тўдани қоқ ёриб чортоққа қараб интилган бўлади. Қамчини тишлаб олган Исмат полвон қўлини бир кўтариб кўяди. “Энди етиб бўпсан оғайни!” дегани бу. От боши ерга бир эгиладию, сўнг озод кўтарилади-да, тўғрини кўзлаб худди устида юки йўқдай илдам отилади. Отнинг ҳам деви бўлади, шу кетишда у туркман, қозоқ, тожик отларини тойчоқчалик писанд қилмайди. Майли, улар арғумоқ бўлсин, қувсин, полвони қичқирсин, ёлига, узанги, улоққа тармашишга уринсин, етсин, ҳе, етиб бўпти! Чавандознинг-да деви бўлади. “Келавер, полвон, ушлашавер, улоқнинг пойчасидан ол, торт, жонингнинг борица тортавер, бу – мен, Исмат полвон деб қўйибдилар, ўнта, юзта қоракўз қараб турибди, ори учун чопаман, тагимдаги бедовни Қора от дерлар, минг қўйли бойингни писанд қилмайди, қанот бойлаб учади, ҳа-ҳа, уч, жонивор. Отнинг деви, полвоннинг деви қўш келди, полвон дегани, отман дегани чувлашиб ортда қолди, кета-кета отнинг кўзлари олайди, қизарди, бу – қизишгани, жаҳллангани эди, узиб кетди, ўзиб кетди, оломон ортида қолди, полвон дегани бундай бўлади, тулпор дегани бунақа бўлади! От жаловни озод, кўз-кўзлаб опкелди, полвон кўз-кўзлаб зўрлик қилди, неча темир панжанинг қутқусидан тортиб олиб, у ҳам озод кўтарди. Қандингни ур, азамат! Саксон килолик така сомоннинг қоқ ўртасига думалаб тушди, от кета-кета боши билан чортоқ аҳлига, тўғрироғи, эгаси Муҳаммад оқсоқолга салом солгандай бошини путлари орасига қараб эгди,

аммо тўхтамади, тезлигини ҳам пасайтирмади, шу туришда, чавандози устида, кун чиқиш уфқига қараб елдай учиб кетди.

– Ҳало-ол! – деб ҳайқирди Муҳаммад оқсоқол.

Оломон тек турди.

– Ҳало-о-ол! – дея жони бориचा қичқирди оқсоқол.

Оломон энди кўз очгандек, бирданига:

– Ҳало-о-ол! – деб юборди.

От ва чавандоз уфқ ортига яширингандай бўлди, кўздан йўқолди. Халқ ҳайрат бармоғини тишлади: ким бўлди бу азамат – қозоқми, ўзбекми, туркманми – қай юртнинг одами?

– Билиб қўй, халойиқ, бу – Исмат полвон, билиб қўй, халойиқ, бу – бизнинг дулдул – Қора от! Манов тоғнинг орқасида Қувкалла деган жой бор, шу ернинг чавандози, шу ернинг полвони, тагидаги от ҳам Қувкалланики. Баракалла, полвон, ҳалолнинг бўлсин! Нима дединг, эй, халойиқ!

Халойиқ олқишлади. Телпагини ҳавога ирғитди. Полвон дегани бундай бўлади, тан бер, қувватлаб қўй, халойиқ!

Биринчи туя Қувкаллага кетди. Бўталоқни оқсоқол эгаллади.

Халқ ҳали эсини йиғиб олмаган эди.

Кимдир ўйинни давом қилдириш кераклигини эслатди. Оломон уфққа кўз тиккан эди.

– Ўйинингни бошла! – дея ҳакамлик қила кетди Муҳаммад оқсоқол. – Бошла!

Қараса, ўздан бошқа раис қолмабди. Эълон қилди:

– Эй, биродар, иккинчи жалов – яна туя, устига икки қоли гилам. Жонинг бўлса, ҳайда отингни! Омон, ҳей, Омон. Такани кутар, Аввалбой, бояги камарга обориб ташла, дастёрлик қил икковинг, Абдурафиқ бойнинг тўйхонасидан бир-бир солим атаймиз икковинга, кутар, полвон, улоқ ерга тушгунча тармашмайсан, ҳалол чоп, ҳалол опке. Ҳайда, отингни йўрттир! Ке-етди, ол, ана!

Уфқ томондан қора от кўринди. У янада ҳайбатли, виқорли эди. Чавандози ундан-да виқорли эди. Бу гал ҳам якка ўзи тўдага урди. Омон полвон энди баковулнинг одами бўлиб қолгани учун Исматни ҳайда-ҳайда қилишга ҳаққи йўқ эди. Шу боис, мажбур, четга чиқди. Аввалбой полвон тажрибали, у тўдагирлик қилса бўлади. “Ҳайда-ҳайда”ни у қилсин. Бироқ Исмат полвон энди юзлаб полвон ичида отнинг қашқасидай танимали бўлиб қолган эди, энди оломон ундан ҳайиқса бўларди, аммо оломон – оломон-да, ҳар ким ўзининг шайнини ўйлайди, ҳар ким ўзининг нафси ортидан қувади.

Қора отнинг эшгирмалиги тутган эди. Бу сафар бошқа отларни ошкора итариб ўзига йўл очди. Улоққача борди. Исмат полвон улоққа етган заҳоти аввал думғазаси, сўнг ўмрови билан тўдани ёриб ташлади, икки қадам тисланиб, полвон такага эгалик қилганига ишонч ҳосил қилгач, ўзининг одатига хилоф равишда худди ракетадай жойида учди.

Қора отнинг гавдаси йирик, у бошида тезотиш қилмас, атрофини очиб, сўнгра тезлик олиш одати бор эди. Исмат полвон улоқни тақимга мослади, оёғини эгарқошга илдирди-да, худди боягидай ўнг қўлини ҳавога кўтарди. От чортоққа қараб учди-ку!

Оломон энди жим кузатарди. Ҳатто оқсоқол ҳам жим эди.

Бу гал ҳам узиб опкелиб ташлади.

– Ҳало-ол! – деб олқишлади оқсоқол.

– Ҳало-ол! – деди ҳамма.

Лекин бу гал Муҳаммад оқсоқол Қора отнинг уфққа қараб учиб кетишига йўл қўймади.

– Тўхтат, эй, Исмат, бермон кел, орқадан кел! – деб буйруқ берди. Сўнг одамларга қарата:

– Халойиқ, ҳалол опкелдими шу бола? – деб сўради.

– Ҳалол, ҳалол! – дейишди ҳамма.

– Ундай бўлса, келинг, шу йигитнинг ҳаққига бир дуо қилайлик! Кўз тегмасин, олсину олдирмасин, эли-

нинг, ўзининг юзини ёруғ қилиб юрсин, бола-чақасига бош бўлсин!

Исмат полвон отдан тушди. Отаси отни совутиш учун етаклаб кетди. Қонаган қаншарини енги билан артаркан, кўз ости билан оқсоқолга норози қаради. Оқсоқол ҳам кўзи билан маъноли буйруқ берди: “тек ўтир, дамингни ол, бола!”

Исмат полвоннинг бировдан аразлаш одати йўқ, лекин оқсоқол ҳе йўқ, бе йўқ, уни дабдурустдан майдондан чиқариб юбораётгани алам қилди. “Нега ахир, юрт уни олқишляпти, ҳамманинг кўзи унда, мақтов эшитяпти, мендай отилиб чиқмади-ку ҳеч ким? Энди авжига чиққанда шаштимни туширгани нимаси! Оқсоқолнинг ўзиям шуни хоҳламаётганмиди?”

Кейинги бўталоқ Суюндикда кетди. Чимкенту Жетисойдан келган қозоқлар бир-бирини ҳимоя қилиб, бири юганидан тортиб, ўраб опкелди. Бу иш оқсоқолга маъқул келмади-ю, бироқ кўпнинг ризқи, бир нарса деёлмади. Кейинги икки туя ўҳимлик хешларга тегди. Булар энди обдон келишувчанлик, маҳаллийчиликка ўтиб олди. Оқсоқол боз индамади: “Маили, ер эгаси, тўй эгаси, айил ботмасин, четдан келганлар шипириб опкегди, деб гина қилмасин”. Бироқ ўзига алам қилди. Шартта ўғли Мустафо полвонни чақириб:

– Чагирни ҳайда, чаккалаб сол, ўртадан боролмайди, – деди.

Охирги жаловга барака берилди.

Оқсоқол Омон полвон, Аввалбой полвон, Элибек полвонларни ҳам тўдага солди, Мустафога қара баринг, деб тайинлади.

Отлар уюри гоҳ олдга, гоҳ ортга, гоҳ сўлу гоҳ ўнгга сузди. Сўнгги мукофотни ҳеч ким қўлдан чиқаргиси келмасди. Чагир ҳали тўдага ўрганмаган, чавандоз ўртадан солади, чеккадан солишни номардлик деб ўйлайди.

Кеч тушиб ер тўнгнай бошлаган, кундуз куни бироз юмшаган ер энди қатқалоқ бўла бошлаган, отлар оёғи

ўзлари қолдирган чуқур изга суқилар, палахса муз ва қотган лойларга қоқилар эди.

Шундай кезде баъзан майда от ҳам иш беради. Аввалбой полвон тўриғини, Элибек Холбойини тўдага солди. Элибек кўтарди, Аввалбой илди, ортидан Мустафо саманни қўшди, саман тўриққа етганда Аввалбой абжирлик билан такани Мустафого ошириб юборди. Сўнг кета-кета отни ёнга бурди, мақсад – ортдаги отларни тўсиб, шаштини қайтариш. Аввалбой ўнгда, Элибек чапда Мустафони муҳофаза қилиб келишар, ҳадеб саманга қамчи урар эдилар, Мустафо полвон ҳам улоқни ўнглаб тақимини босгач, бир қўли билан чагирнинг бўйнига савалай кетди. Саман борган сари енгиллашиб учар, негадир бурилмай, тўғри чортоқдаги одамлар гуруҳига қараб бостириб борарди, одамлар тирақайлаб ҳар ёнга қочди. Шу туришида агар йўлни бурмаса, чагир тележкаси устига мол, туя ортилган тракторга ўмгани билан урилиши ҳам мумкин эди.

Бу ҳолдан оқсоқол ҳам довдираб қолди. От ақли мол, шунга қарамай, оқсоқол:

– Полвон, отнинг юганини ўнгга торт, ўнгга! – деб бақирди.

Бироқ энди бефойда, бедов етовга кўнадиган аҳволда эмасди. Полвон ҳам бунга яраша отни салт қўйиб борди. Ўзи эса оғир така зўриқтираётгани учун гавдасини орқага чалқайтириб олди. Хайриятки, мол тракторга урилмади, етай деганда ўзини бироз ўнгга олай деб, тойғана-тойғана нақд чортоқ ўртасига келиб тўхтади.

– Полвонники ҳалолми? – деб атрофига ярим ўғирилди оқсоқол. “Ҳалол, ҳалол” олқишини ҳам кутмай:

– Ҳалол демай ҳам кўр-чи! – деди мамнун кўзини қисиб ва хотиржамлиги ифодаси сифатида муртини буриб қўйди.

Йигинга фотиҳа тортиш олдидан халойиқ ундан рози ё норози эканини сўраб олди. “Ғов кун”га ўрганган халқ бу сафар хижолат эди, рози эканини, қайтан-

га баковул этиб хизматга қўйгани учун уятли эканини айтиб, қўноққа чорланган раисники қолиб, “бизникига, оқсоқол, бизникига!” деб ўраб олувчилар кўнайди.

– Биз бир жамоатмиз, айтилган уйга бирга бора-миз, – дея узрхоҳлик қилди.

Хешлар зўр меҳмон қилди. Мол сўйилди, дастурхон тизза бўйи бўлди. Оқсоқол ўтиришнинг гули бўлди, булбулдай сайраб ўтирди. Кайфи чоғ эди. Ахир полвон шогирдлари, Қора от орқасидан шунча элни мот қилди, мақтанмасинми? Сўзамол, гапи тетик одам, Саманни мақтади, Қора от ўн учга киргани, энди қарийётганини айтди. Бироқ чавандозларни унча алқамади. Исмат полвон мулзам эди, у худди айб иш қилгандай бурчакда қисилиб ўтирар, егуликдан татимас, фақат олдидаги пиёлага қуйилган шарбатни бир кўтариб бўшатиб қўяверар эди. Мезбонларнинг Қора отни, полвонни нега тўхтатдингиз, деган саволига оқсоқол жавоб бермади, атай гапни бошқа ёққа опқочди. Печга Қизилқумнинг саксовули, сўнгра тошқўмир солиб қиздирилди, суҳбат ундан қизиди. Меҳмонлар бўзарган қуёш манглайга келгунча ухладилар. Фақат Муҳаммад оқсоқол намозини ўқиб, сўнг совитилган отлару бедовларнинг ҳолидан хабар олиб, бедасини ташлаб, арпасини солиб юрар эди. Қора отнинг юлдузи балқиб турибди, аммо энди ёш эмас, арпасига бир кило қўшиш шарт. Шу кунни тоғурти қариндошларнинг ҳиммати билан арпага бир кило қўшилди. Энди иссиқ кўк чой, шир-чой ичиб ични қиздириб, сўнг йўлга тушмоқ керак.

Уюм-уюм гуртук қорнинг бети қотган, от-эшакнинг юришига ҳалал беради – юрганда туёғи ботиб, тиззагача кириб кетиб, қайтиб олганда палахса-палахса қор кўчиб чиқади. Тогнинг белигача шундай, у ёғи энди беткай, қуёш тафт бериб қор эруви бошланса ажаб эмас, унинг устига Қувкалага қараб эниш келади, тепага чиқишдан бу осон, улов кўп қийналмайди-да. Белнинг қоқ устига чиқиб кичик газга етаверишда Муҳаммад оқсоқол йўловчиларни тўхтатди.

– Энди бир пасил гидир, оға-инилар, кўпқари қандай ўтди?

– Зўр.

– Зўр бўлди.

– Бўлади, – деб тўнғиллади Исмат полвон.

– Тўнғиллама, Исмат, бундан ортиғи бўлмайди. Шу туришинг билан ҳамманинг кўзини, оғзини қаратдинг, баракалла. Исмат, сен мени ёмон кўряписан, қани айт, сени, отингни нега тўхтатдим?

– Билмасам, – дея елка қисди Исмат полвон.

– Ҳамро, сен айт, нега бундай бўлди, мана, полвон ўғлинг шумрайиб турибди, билмайди.

– Назарланмасин дедингиз чоғи-да, – деди Ҳамро отам.

– Ҳа, отангга раҳмат, – деб юборди оқсоқол. – Бу кўпчиликнинг тирикчилиги, яхши бор, ёмон бор. Биринчи узиб келгани яхши, дуруст, бир мартаям чиқмаса-чи, каллани эгиб қайтаверардик-да, тўғрими? Лекин қарасам, полвон шишиб кетди. Қора от ундан баттар эшгирди. Ҳай, бир палакат бошланмасин деб қўрқдим, отга тўққиз кўз тақибсан, полвонга энаси тумор таққандир, дўлана кўз тортгандир, у бир кўзни кесар, лекин бу ерда кўпнинг назари бор, бирови бўлмаса бирови ағдаради, Худо кўрсатмасин. Шундан қўрқдим. Муҳаммад шунча йўлга полвон ияртиб бориб кўпқари чоптириб обрў опкелибди деган қандай, обориб Исматни, Қора отни кўзиштириб, майиб қилибди деган гап қандай? Яхши бўладими шу? Шундайигаям қувкалликдан ўтари бўлмади, бир-бирингга мадад бўлиб чопдинг, раҳмат. Лекин вақтида иззатингни, ҳадингни билганинг ҳам маъқул. Энди бу хешлар орқамиздан не дейди? Бировнинг бурнини қонатмадикми – йўқ, кимнингдир ҳалол зотини тортиб олиб номардлик қилмадикми – йўқ. Ғов қилиб ғирромлик қилса, бузиб ўтиб, пешлигимизни исбот қилдикми? Ҳа, оға-ини. Энди ўзидан ўпкалайди, бизни қораламайди. Майдон бор,

мард бўл, керагида тентак бўл, ғирром ўйнама, чилвир бойлама, ҳалол ошкелиб ташла – ким нима дейди? Керагида тўхташни бил, кучим бор экан деб ҳаволанма, эртага бу куч, бу отлар қайда – ким билсин.

Бироқ от ўрнини той босади. Манов буларни пуқларни нега ияртиб юришсан? Кўрсин, кўзи очилсин, ўргансин ҳалитдан. Пишийди. Эртага Мустафонинг, Исматнинг, Элибекнинг ўрнини босади, булардан зўр бўламан деб ташланади.

Бир нарсадан кўнглим тўлди, оға-ини: Саманимиз етилибди. Энди уни Исмат, Мустафо, Элибек, алмашиб чопасан, Қора отнинг нари борса икки-уч йиллик даври қолди, тан олиш керак, қарияпти. Энди, тушунган бўлсанг, мендан ўпка-гина қилма, йўлнинг таноби-ни торт, ҳа!

У вақтда биз ёш бола эдик. Муҳаммад оқсоқол кўпқарида эмас, ҳамма жойда оқсоқол эди. Қишлоқнинг, яқин офтобрунинг сояси, виждони эди. Ёт деса ётганингдан, тур деса – турганингдан мазатланмас эди. Шундай бўлиши керакми – керак, вассалом. Тўғрилиқ, инсофдан четга чиқмас, ўзганинг манфаати учун иш қилмас эди, шунинг учун унга буйсунар эдилар. Мана, гап қаерда? Ёлнинг орини олиб юриш осонми?

Ундан бери кўп сувлар оқди. Муҳаммад оқсоқол ўтди, Омон полвон, Аввалбой полвон, Исмат полвонлар ҳам чин дунёга сафар қилишди.

Ҳикоя бошида Исмат полвон, менинг амаким ўттиз саккиз ёшида кўзикканини англатиб эдим. 1992 йил эди, Аввалбой полвон паркинсон касаллигига йўлиқиб тўдага аралашмай қўйган, Омон акам унча-мунча кўпқарига хоҳиши йўқ эди, Исмат акам бир кўпқарида оёғини синдирган, ётибди гипсда. Шу ётишда олти ойдан зиёд ётди. Охири болдорчиқ қўлтиқтаёқда эшик-орага чиқадиган бўлди. Шу аҳволидаям ҳазилкаш, қитмир, янгаларининг барига лақаб қўйган. Борсанг, бери кел, деб бурнингга бир чертиб, кейин гап бошларди.

Пастки овулдаги Исмоил акам бир куни от сўйиб гўштхўрликка, сўнгра тартибини биларсан, деб қазиз-қарта яшаш учун Исмаат акамни чақирибди. Кулчатойга қўшиб гўштхўрлик қилишгандан кейин зиравор қўшиб, отнинг ичагига тўғралган гўшт тикиб қазиз яшашган. Отнинг икки сони анча-мунча қазиз бўлиб кетган. Исмаат акам қайтганича қазининг ярим тоғорадан кўпини кўзни пана қилиб гумдон қилибди, Исмоил акам сезмай ҳам қолган, акам уйига кеп қўйган.

– Исмаат, ҳой, Исмаат, – деб келармиш Исмоил акам. – Қайтаётганингни кўриб эдим, қўлингда ҳеч нарса йўғиди, мўлжалимдаги қазининг анчаси йўққа ўхшайди, нима бўлган экан-а?

– Мен қайдан билай, ўғрига чиқарасизми энди? – дейди Исмаат акам пинагини безмай.

– Ҳайронман-да, сендан бошқани айтмаганийдим, – дермиш Исмоил акам.

Исмаат акам оёққа турди. Бу воқеадан кейин ойлар ўтиб кетган. Бир куни Исмоил акамнинг ўғли Исроилни чақириб:

– Пишакларинг қайси юкнинг устида ухлайди? – деб сўрабди.

Исроил ҳеч вақога тушунмай билмаслигини айтибди. Иккинчи гал яна чақириб:

– Пишакларинг меҳмонхонангдаги ўрта бўҳчанинг орқасида ухласа кераг-а? – дебди.

Энди бу гапни Исроил отасига бориб айтган.

– Э, энағарди боласи-е, тушундим, – деб тахмоннинг ортини қараса ўн килоча қазиз панглаб-кўкариб ётганмиш.

Бу – оддий шумлик, беғараз ҳазил.

Исмоил акам анчага довур оғзини тўлдириб Исмаат полвоннинг шумтакалигини таърифлаб юришига бир сабаб.

Исмаат полвоннинг икки ўғли – Низом билан Жалол кўпкарига қизикди, гаштакларда улоқ опқочади,

айниқса Низомнинг уқуви бор. Такани ўнгариб олға босганда, қамчини тишлаб ўнг қўлини бир кўтариб, сўнгра “хувв!” деб ҳайқариши, гарчи ҳали жуда ёш бўлса ҳам отасига ўхшайди. Жалолнинг келбати ҳам аини ўзига монанд.

Сарой қишлоғида бўлган гаштак кўпқарига, оёғи синиб, соғайгандаги биринчи улоққа асли болаларини чоптириб, томоша қилиш учун борган эди. Низом бир-икки қўл ташлайди.

Исмат полвон қизиқиб кетиб ўғлини чақиради ва отдан тушириб ўзи ўтиради. Хув-хувлаб уч қўл ташлайди, оёғини синаб кўради, барибир ўзини эҳтиётлаб четга чиқиб отдан тушмоқчи бўлади.

– Исмат, болларинг яраб қопти, лекин ҳалиям ўзинг зўр экансан, – дейди орқадан кимдир. Исмат полвон кўзини қисиб қарайди, беҳосият Холбой. Кўпқарига серсолиб ўтирган Элибек полвон учиб ўрнидан туради.

– Отдан тушма, Исмат! Қамчиминан сол анов беҳосиятни, биласанми кимлигини?

Исмат полвон хотиржам отдан тушиб оёғини узангидан бўшатади.

– Исмат, менга қара, сол анови ярамасни!

– Нега, ёмон нарсa демади-ку?

– Сол дедим, буни мен айтяпман!

– Негa соламан?

– Жуда бўлмаса сўк, қаттиқ сўк!

– Негa энди?

– Негалигини кейин биласан, сўк!

Исмат полвон жўраси Элибек полвоннинг ирим қилаётганини англайди-ю, кўнгли бўшлиқ қилади. Сўкмайдиям, урмайдиям Холбойни. Улоқ ўйин ту-гагач яна хотиржам “Нива”сига ўтириб қишлоққа жўнайди. Нонбер ота зиёратгоҳига етганда бўғи-лаётганини, ичи ёнаётганини сезади. Аммо тўх-тамайди. Машинани уйигача базўр ҳайдаб келиб эшикни очадию гурс йиқилади. Дўхтир чақариша-

ди. Тоштемир дўхтир полвоннинг кўйлагини кўтариб ҳайратдан қотиб қолади: бадани қоп-қорайиб кетган. Чавандоз ичим ёнаяпти, деб у ёқ-бу ёққа думалайди. Бироқ иситмаси йўқ, шундай бўлсаям анальгин, димедрол укол қилиб тинчлантирмоқчи бўлади. Бироқ фойдаси бўлмайди. Дақиқалар ичида полвоннинг жони узилади.

Ювишга олганида баданида тангадек оқ жойи қолмаган, ҳаммаёғи қорайиб кетган эди, дейишди.

Жаноза маросими тугагач, одамлар йиғлайвериш тамом бўлган, катта ўғли чарчаганидан юзтубан тушиб ухлар, печка ёнида чайқалиб утирган Омон акам, бошқа сўз йўқ:

– Ҳай, аттанг-а, ҳай аттанг! – дерди дам-бадам.

Тақдир. Шундай бўлсаям ўйлайсан, ачинасан, ярим кун аввал от ўйнатиб, улоқ тортиб, юлиб чортоққа қараб айқириб келаётган эди, бир зумда... буйтиб... гўрга кириб ётса... Аттанг, дейсан, ортидаги саккиз боласини ўйлайсан. Хаёл ҳар ёққа кетади, яна ўйлайсан: кўрганларинг чин эмас, босинқи бир тушдир, полвон ўрнидан айқириб туриб қабрни ўпириб чиқиб келиб, қитмирлик билан булкиллаб кула-кула:

– Ҳазиллашиб эдим, баринг ишониб ўтрибсана-а! – деса. Аммо... бундай бўлмайди-да. Боз устига Қора отамнинг кампири Мусал энам туш кўриб эдим, билиб эдим, деб ҳаммани ўсал қилади. Полвон келиб тушган заҳоти оғилидаги шохли қорамолнинг бирига ҳад уриб, атаб, дарҳол пичоқ тортиб бўғизлаб юбориш керак эди, кўз одамдан молга ўтиб кетарди, деб оқилалик қилади.

Мастон кампир, ўша пайтда қай гўрда эдинг, бегона эмас, қариндошинг-ку, деб ҳасрат қилганинг энди бефойда.

Муҳаммад оқсоқол тирик бўлганида Исмат полвонга сўзи ўтиб беҳосият Холбойни ур деса, Исмат акам савалаб кўздан қутулиб қоларди, албатта. Оқсоқолнинг бу ёруғ оламда йўқлиги бизга боғлиқ бўлмаганидек,

Элибек полвонинг жўрасини “тур, ур” деб қилган даъватига полвоннинг бепарво бўлгани ҳам тақдир...

Шунингдек, фарзандлари Низом билан Жалол бугун шу офтобрўнинг кўзга кўринган полвонлари бўлиб етишгани, жаловнинг зўри – машиналаргача ютиб чиқаётгани, замоннинг мен деган бойлари “қўшимча бунча мукофот биздан, отимни жаловга солинг!” деб юганни узатиб илтимос қилиб юрганлари ҳам аслида Исмат полвоннинг, оқсоқолнинг кейин насиб қилган тақдири ҳукмидир балки. Балки... Валлоҳу аълам биссавоб.

Қора от, ҳа, Қора отни айтасизми? Эсимда, ўн олтига тўлганда кўпқарига ярамай қолмасин, деб кўкнориға ўргатишди. Икки йил ўтгач, кўкнори ҳам фойда бермади. Бунинг устига у гиёҳванд ўсимлик сифатида таъқиқлаб қўйилди. Кунига ўн дона, кейин йигирма донадан “анальгин” дори бериб ўргатишди. Буям фойда бермай қўйгач, жонивор сиёлмай қолди. Одамдай довруқ қозонган тулпор... сўйилди.

Ундан зот қолган-қолмаганини билмадим, аммо ўзи қариб-чуриб, тишлари тўкилиб ўлди, ундан армон қилмаса бўлади. Исмат полвон эса ундан икки баробар кўп умр кўрган эса-да, ҳали қирчиллама ёшгаям етмаган эди-да, шуниси дард қилади одамга...

Бу ҳам ҳаёт, ёниқ бир хотира, тақдир. Валлоҳу аълам.

КУХНА ҚИШЛОҚ ЭСДАЛИГИ

Қайсидир йили баҳор сернам бўлиб ёз ва куз ҳам обдон баракали келган эди. Уша йили беда ҳозиргидай турт марта ўроққа илинган эди. Қолган йилларда эса, на бўлгай, учинчи ўрими ақалли қорамолнинг ямлаб ейишига етақа бўлмади. Бу йил ҳам чамаси Худо ол қулим деди. Йўнғичқанинг тўртинчи ўрими кўрпадай бўлиб далани қоплаб олди. Бу ер дашт жой, сув узокдан келади, Яйловча текислигига бориб Учбулоқ қўшилиб сув қуядиган катта ҳовузнинг бандини беркитиб, икки оқшом кутиб, учинчи кун тонг азонда оқизиш керак. Қуёш қўтарилаберса дашт иссиғи ариқнинг сувини тортиб олиб қўяди, чошғоғча сув ариқнинг чанқоғини қондириб то бедазорга етиб олса, сўнг тушгача бутун майдонни бир сидра суғориб чиқса бўлади: сув тоза ёйилиб ҳам кетмайди, тезда оёқлаб, чала ҳам бўлиб қолмайди. Ишқилиб, ёз бўйи қақраб ётадиган бу даштнинг ўзига яраша инжиқликлиги, кутилмаган “хунарлари” бор.

Икки ака-ука оиласи билан бу эски, ота-боболардан қолган кўхна изли қишлоққа ҳар баҳор кўч-кўрони билан чиқиб мол-ҳолини боқади, ўзлари егулик нарса экишади. Ака кўп уқтирганидек мазкур дашт қишлоқда фалон боболарининг ертўлалари қолган, тўқсабо замонидан бурунроқ улар, қора уй – ўтов расм бўлгунча ертўлаларда яшаб ўтишган. Ҳозир ҳам ўша икки ертўла бор. Бироқ олдига боришга қўрқасан: тепа жарлик ўпирилиб тушиб, оғзини тамом беркитган, болалар ўйин-ўйин билан катта тўланинг ўнгирдай қилиб очиб, ичига тош-кесак отишибди. Ичкаридан вишиллаган то-

вуш келаримиш. Зах, қоп-қоронғу, бадбўй ҳидлар тутиб кетган, не бир жондору молларнинг ўлиги қолиб кетган чиқар – униқиб, ҳидланиб ётибди. Тош ҳам ичкарига қараб дусурлаб юмалайди. Шунда тўланинг узунлиги қирнинг ярмигача борганми, зап катта эканми, деб ўйлайсан.

Нима бўлгандаям ертўлада яшаб, ертўлада мол боқиш бурунгиларнинг расми. Бу жойларга, мана, ўриснинг қадами етди. Геологлар Зармитан деган қўрғон қуриб, у ерда кечаю кундуз тилла қазиб Москвага жўнатиб ётган эмиш. Кунда, кунора вариллаган “Урал” машиналар бу ерларни ҳам силкитиб геологларни ортиб ўтиб қолади. Не тонгки, улар орасида икки-уч нафар иштонсиз, лекин оқ рўмолли ўрис хотинлар ҳам бўларди. Геологлар кўпинча қизил тошли чағат жойларни сим тортиб, ўлчаб, сўнгра портлатиб юборишарди. Шунда ҳамма ёқ чанги бердан осмон бўйи тупроқ кўтарилар, қора булутдай анча вақт само-ни қоплаб оларди-да, бора-бора тарқаб кетарди.

Геолог дегани бир жойни портлатмоқчи бўлса, келиб обдон текширади, бир нималар билан ўлчайди, шу атрофга мошинасини қўйиб, уч-тўрт кун келиб кетади. Палатка қуриб, шунинг ичида яшайди. Олис қўрғондан улар учун бир “Виллис” машина овқат ташийди. Ўрис дегани тўқ яшайди, кўп вино ичади, консерваларни қалаштириб ейди, банкаларни атрофга отади, бу овқатларнинг ҳиди бирам ёқимлики, қизигар, ўзиям жуда маза-ли бўлса керак-да. Шортик кийган, оёғу сонлари анови хотинларникидай оппоқ ўрислар, ҳей бола, очмисан, ма, буни ол, деб бермайди. Жуда одамни ўсал қилади. Берсанг бўлади-ку, биз бир камбағал бўлсак.

Буниси ҳам майли, анови чиройли аёлларни бир-пасгина томоша қилиб ўтирсанг ҳам майли эди. Оҳ-оҳ, бу аёллар мунчаям чиройли, мунчаям оппоқ, а? Баданлари худди ёглангандай ялтиллайди-я. Билагидан бир мартагина ушлатармикан? Қанийди биргина ўптирса. Ўптирармикан? Йў-ўқ! Шу жулдурвоқиларга-я!

Ўпгирсаям менга ўпгириб анови зарчага, айтаманда ўпгирмаса, алам қилдирса, жуда яхши бўларди. Чунки у жуда қизғанчиқ, яна денг ўта мақтанчоқ. Ўртилиб кетдим.

Аммамнинг боласи. Ёз бўйи амакимникида юради. Мактаб бошланганида амаким унга Зармитандан оқ кўйлак, қора шим, оёғига шиппак сотиб опкелиб беради, у шундан талтаяди. Эрка тутаяди ўзини.

Амаким учун жуда “муҳим инсон” лигини сезгани учун мени менсимайди. Мол айирарга чиққанимизда ҳам у гўё амакимнинг моллари худди ўзиники каби тутаяди. Менга шуниси ёқмайди. Нима керак ахир бировнинг нарсаси учун талтайиб?..

Кечқурунлари Жарбулоқнинг подасига қўшилган молларимизни қайтариб келиш учун ўша қишлоқ тепасидаги хирмонжойга борамиз. Жарбулоқлик болалардан қўрқмаймиз. Олифталари йўқ. Бир-икки пичинг қилувчиси бор, аммо бундан чўчимаса бўлади.

Хирмонжойга тўпланганлар билан ўрислар ҳақида гаплашиб ўтирамиз. Аммамнинг ўғли Мамат айтадики, ўрислар хотинини сеники, меники деб ўтирмайди – “общий” бўлади. Демак, биз ҳам уларга бемалол гап отсак бўлади. Афсус, русчани билмаймиз, унинг устига уст-бошимиз ҳам бир ахволда. Ҳай, устимиз бут бўлганида биз тирранчаларга оқбилак нозанинларнинг кўзи учиб турибдимикан?

Эшакларимизни буриб уларнинг палаткасига яқинлашамиз. Кимдир папирос чеккан, бирови консерва очиб еётибди, бежиримгина кийинган ёш рус қизи дам-бадам шамол қийшайтириб кетадиган кепкасини оҳиста тўғирлаб қўяди. Тилла-қўнғир сочлари товланиб яланғоч елкаларини ялайди. Қўйлаги мунча калта бўлмаса-я!

У ёғоч чемоданни очиб бир хил чизмаларини кўриб ўтиради.

– Вова! – дейди палатканинг ичкарасига қараб.

Моряк қўйлагида, елкасига хол шаклли расм чизилган хитой башара мўйловдор йигит чиқади. У кўзини қисиб бизга қарайди.

– Уят, уят! – дейди менга жиддий термилиб. Камина ҳамон анграяман. Эслаб хижолат тортяпман-да, ахир шунақаси ҳам бўладими – қизнинг баданини томоша қилиш учун шунчалик тирғалиб бориш шартми? Қизга эса барибир.

Фақат мана бу қора хитойнинг жаҳли чиқди-да. Балки эр-хотиндир, эҳтимол севишганлардан. Ана шу қора одам қандай бахтли, а: хоҳласа ўпади шу қизни, хоҳласа... эҳ-ҳ! Мунча бахтли бу тўнка?! Катта бўлсак, геологликка олишармикан? Олишмаса кераг-ов: чунки, буларга ўхшаб портлатишни, қумлар, тошларни текширишни, сўнгра ҳар хил рангдор, рақамланган канопп халтачаларга жойлаб, “Урал” ёки “Газ-66” машинасининг бортига юклаб, бир балоларни ёзиб жўнатиб юборишни билиш керак.

Геолог бўлиш ҳам осонмас!

Геолог бўлсангу ановиндай роҳатижон, офатижон қизлар билан бирга ишламасанг-чи? Унда ҳаммаси бир пул!

Қора хитой рўпарамга келиб чўккалади-да, соф ўзбекча қилиб:

– Шу қизни емоқчимисан, нима бало? – деди ва икки бармоғи билан даҳанимдан ўзига қаратиб кўтарди.

Шундагина юзим чўғдай қизиди. Аҳволимдан жуда уялдим. Чунки деярли эмаклаб жонон қизнинг қабатига бориб қолган эдим-да. Ким ҳам буни ёқтирарди. Мамат ҳам кейинчалик мени роса масхара қилди. Мустафо амаким, Суймали чечамга ҳам айтибди. Улар ҳам кулибди. Амаким менга танбех берди:

– Ўрис халқи апанди, қишлоқиларни ёмон кўради, културнийларни яхши кўради.

Сўнг мен ҳали гўдаклигимда армияда хизмат қилган жойи – устига темирдан “Красноярск – 1966-68 гг” деб ёзилган, қизил духоба қопланган каттакон альбомини бир-бир очиб томоша қила бошлади.

Ўша замонда урф бўлган, шкаф, сумка, альбом ёхуд дипломатга сувлаб ёпиштириладиган немис

қизларининг табассумли чеҳралари акс этган рангли фотосуратлар. Назаримда амаким уша немис қизларнинг барисини танирди. Шунинг учун жуда беписанд томоғини “тиқир-тиқир” этиб мақтаниб ҳам қўярди. Орада акам қора қўзойнак таққан гимнастёркали аскарнинг ўтлоқда тиззасининг тепасигача ширяланғоч ўрис қиз билан ўтириб, гўё қизнинг сочларини ҳидлаётгандай бўлиб тушган расмига қараб тўхтади. Хўрсинди. Суймали чечамга қаради. Чечам мудрар эди. Бундан фойдаланиб амаким қизни ва солдатни бармоғи нуқиб кўрсатди, сўнг ўзини: аканг қарағай-да мана бу! Хў уйнатганмиз-да маржа-паржаларини. Эҳ-ҳ, сен ниманиям кўрибсан, мишиқи?

Боболардан қолган эски жой, бу – Қўнақишлоқ. Қишлоқ дегани билан қишлоқ сиёғи йўқ. Ёз ойлари-дан бошқа фаслда бу ерга ит ҳам йўламайди. Фақат баҳорнинг ўрталаридан бошлаб бу ёввойи дашт тинчини шу икки оила аъзоларининг тирикчилик саслари бузиб юборади. Биринчи йил кўчиб чиққанимизда отам кенг супа қилиб, устига қора уйга ўхшаш чайла қурган эди. Мустафо амаким шу чайланинг биқинидан кетмон билан ўйиб ертон қурган эди. Атроф шувоқзор, қўзиқулоқ, қуврай, ширач, исийди, мингбош, сачратқи, печакзор. Чайла билан ертўла ўнгиридан ўтгандаги кунгай ва ниша берни отам кетмон ва шунгида ағдариб беда эккан. У ерга Яйловчадан, шунча узок ердан ариқ қазиб келган. Бедапоянинг пастидаги қўриқда Хидир бобомиздан қолган уч туп оқ ва бир туп қора мевали тут бор. Қора тутнинг барги сийрак, ўзи ҳам нишабдан қийшайиб ўсган, устига чиқиш жуда ўнғай. Аммо унинг таги доим балчиқ бўлиб ётади. Биз ичишга сув оладиган булоқнинг суви кам, шу қўриқ бўйлаб сингиб ётаверади. Бир майдон балчиқ булоқнинг ҳузурини кўради. Кечқурун молларни айиришдан опкелганимизда даставвал шу ерга келиб пишқирганча кичик қўлмакчалардан сув ичмоққа шошади. Биз сигирла-

римизнинг зулук ютиб қўйишидан чўчиймиз. Турғун сувда қора зулук бўлади. Агар у молнинг тили тагига ёпишиб олса қонини сўравериб оздириб юборади, мол шўрлик ҳолдан тойиб бир томчи сут ҳам бермай қўяди.

Отам ёз келиши билан олти юздан зиёд ферманинг қўйини тоққа ҳайдаб кетади. Шу билан кузгача ҳар уч-тўрт кунда, нони туганганда келиб туради. Мол шулуклаб қолса, оғзидан сўлак аралаш қон томиб туради. Энди молнинг оғзига чучитилмаган оқ ёғдан шиша билан қўйиш керак. Бу ишни фақат отам уддалайди. Бошқа одамнинг молга кучи етмайди. Амаким бўлса молга яқинлашишни хуш кўрмайди. Унга Зармитандаги шахтага миниб қатнайдиغان қора чўбири омон бўлса бас, бошқа ҳеч нарса билан иши йўқ. Бедапоядан чиққан икки юз боғ беданиям қиш бўйи гулини тўкмасдангина чўбирига егизиб чиқади.

Узун ёз кунларида биз шу салқинроқ тут сояларида ўйнаймиз. Эрмакка кўриқ оралаймиз. Кўриқ ўтлари кўклам оёқлаганда бўйимиз баробар бўлиб кетади. Йўнғичқазар бўйлаб ҳар хил, рангдор холли, сарик, оқ капалаклар, кўк ниначилар учиб юради. Кун бўйи ўнлаб капалак, ниначи, чигиртка тутамиз. Уларни лойдан ясаган уйчаларимизга бекитиб қамаб, устидан ялпоқ тош бостириб қўямиз. Гоҳо тут ковагидан тутиб олган қуш полапонларига чигиртка егизамиз. Тут ковагидаги уяларда сасикпопишак, майна, олашақшақ болалайди. Чумчуқ ва мусича уйнинг сиртқи томига, қалдирғоч уй ичига, шифтга уя қуради. Қушқўнмас деган тиканакли узун бута бор. Зарғалдоқ ўшанга уя қуради. Уяси жуда чиройли, ихчам ва мустаҳкам бўлади, уни олиб қаттиқ ерга отиб юборсанг ҳам бузилмайди, копток қилиб тепсанг ҳам бўлаверади. Аммо онам айтганидай мусича ва зарғалдоқ уясига, боласига тегиб бўлмайди – уволи тутаркан. Худди қалдирғочники сингари. Муллатўрғай эса гоҳ бутага, гоҳ қоқ ерни озгина ковлаб ин қуриб, хас-хашакдан одмигина уя қилиб тухум қўяди, қуш бе-

чора омироқ бўлади, шекилли, баъзан шундоқ ёлғизоёк йўлнинг биқинидан ҳам уя ясаб тухум босиб ётаверади. Ўзи ер рангида бўлгани сабабли то унга оёғинг тегиб кетмагунча билмай, сезмай бораверасан, қуш бирданига партиллаб учиб қолади. Дабдурустдан чўчиб кетасан. Аслида тургай биздан, биз ундан чўчимасак ҳам бўлади. Чунки биз уни увол билганимиздан озор етказмаймиз, озор етказсак ҳам бечора жуда чорасиз қолган бўларди. Чунки қўлидан нима ҳам келарди?

Ёзнинг айни саратонида осмону фалакка ёлғиз кўтарилиб, муаллақ вижир-вижир сайраётган тургайни кўрганмисиз, у бир нуқтада туриб олиб шу даражада тинимсиз сайрайверадики, қараб туриб кўзларинг жимираб кетади, қуш ҳам шу қадар ўйноқи, қўшиқчи, шўх-шодон бўларкан-да, деб ўйлаб қоласан.

Сирасини айтганда бу қушларнинг додини дашт илонлари беради. Қўлвор илон, оқ ва қора чипор илонлар, ўқилон – бариси қушларга душман. Ҳатто бир гал тут бошига чиқиб сассиқпопишакнинг боласини тутамиз деганда тут ковагидан узун қора илон чиқиб келган. Индан чиқибоқ у ўзини ерга ташлаган ва ҳеч нарсга кўрмагандай судралиб бориб хашак-буталар орасига кириб йўқолган. Шу бўйи дарахтга чиқсак, унинг ковагига қўл эмас, таёқ тикадиган бўлдик. Онам “илон” сўзини ёқтирмас эди.

“Отсиз” деб атанглар, дерди. Кейинчалик бу “отсиз” янги қурган чайламиз шифтларида ҳам юрадиган бўлди, аммамининг ўғли Мамат ва укам Қаҳрамон билан кўрган жойимизда таёқ ёки тош билан уриб ҳайиқмай ўлдирадиган бўлдик. Илонни ўлдириб ташлаб қўйсанг, уни шериклари ҳид билиб излаб келармиш, одамдан ўч олармиш, шу боис илоннинг ўлигини дарҳол хашакка қўшиб ёқиб юборадиган бўлдик.

Овлоқ жойда тулки кўп. Кўрган заҳоти бирдан сесканиб кетасан. Муғомбир ҳайвоннинг қочмай, сал нарида туриб тикилиб туравериши яна ҳам қўрқинчли:

худди шу орада пайт пойлаб сенга ташланиб қоладигандек. Аммо унга қараб бир қадам ташласанг у ҳам бироз қочади, сўнг қулоғини динг қилиб тағин сенга қараб тураверади. Қувласанг қочиб бориб яна тўхтайди. Муғомбирлиги шу.

Дастлаб Кўнақишлоққа кўчиб чиққаннимизда мен беш ё олти яшар эдим. Қишлоқдан кўчимизни эшақда ташидик. Охирида кеч тушиб қолди. Қоп-хуржунларнинг устидан товуқларни оёғидан боғлаб қоқоғлатиб ортмоқлаб олганмиз. Кўнақишлоқнинг кўриғи обдон қоронғи экан. Ўтлар одамни кўмаман дейди. Баттар кўрқинчли. Шунда онам хира мойчироқ ёниб турган чайла том тарафдан қичқирди: “товуқларни оёғини бўшатиб қўйиб юборинглар, тунда бир нима ермиди!” Биз шундай қилдик. Қоп ва хуржунларни ҳам жойига тушириб, эшақларни ҳам кўриққа боғлаб чайлага кетдик.

Эрталаб турсак онам вой ўлмаса-ам, деб турибди. Отам онамни бўралатиб сўқяпти. Бундай нохуш вазиятда одатда фарзандлар она тарафда бўладилар. Онамни ёнини олай деб чиқсак, не кўз билан кўрайликки, тўрт дона товугимиз ширяланғоч, яъни патлари бутунлай юлинган ҳолда чайла олдида қалтираб турибди. Қолганини тулкилар кечаси еб кетибди. Роса пушаймон бўлдик. Онамни ҳимоя қилишнинг иложи бўлмади. Аксига олиб бу тўрт шўринг қурғур ҳам кундуз куни ўлиб қолди. Отамнинг айтишича, кўкламнинг қуёши ўткир бўлади, офтоб уриб ўлган, ўша пайтда сўйиб ҳалоллаб олиш керак эди.

Бундан аввал биз Кўнақишлоққа эмас, Учбулоққа кўчиб чиқардик. Учбулоқ бу ердан тўрт чақирим келади. У ерда қишда ҳам яшаса бўларди. Икки уй, бир даҳлиз бизнинг бошпанамиз эди. Қиш кунлари бўйра ташалган, девори чимдан кўтарилган уйимиз одамга тўлиб кетарди. Тўл, яъни кўзилатиш мавсумида икки-учта соқмончи – ёрдамчи чўлиқлар бўларди. Улар кўзилаши яқин қолган совлиқларни ажратиб боқишар, кўзилаганда кўзи совқотиб

ўлиб қолмаслиги учун кечалари ҳам кўрадан хабар олиб туришарди. Мустафо амаким, Тоштемир тоғам, Кўмак акалар, кўпинча бу юмушни бажаришар эди. Соқмончиларга икки ой маош беришарди, мавсум ўтгач, улар ўз-ўзидан бўшаб қолишарди. Тўл пайтида тиним билишмасди, қўй-қўзиларнинг оёқостидан қийларни супуриб-курашдан тортиб янги туғилган қўзининг қулоғига номер ёзилган резинкасимон лента тақиш-у, кечалари аёз ҳаво бўлса биз яшайдиган уйга қўзиларни ташиб тонг отгунча қараб чиқиш, хашак, ем ташлаш ҳам уларнинг зиммасида. Шундай қилиб, чўлиқлару қўзилар маълум муддат бизнинг оила аъзоларимизга айланишар эди. Боз устига тўдалашиб, кечалари қамалишиб яшасак ҳам қулбамиз негадир яхши исимас эди. Бир маҳал барра гушти ейишга келган Ёрмамат қассоб бу уйни раиснинг забти билан мен қурганман, ўшанда ҳали қорлар эриб кетмаган, ер муз, музлаган чимдан шу деворни кўтарганман, устиниям ўзим ёпганман, муз чимдан кўтарилган уй исимаиди, деганини эшитганман. Ўшанда бу ҳолатни шундайича қабул қилиб тушунганман: демак, музи ҳали ҳам эримаган эканда. Энди эса бошқачароқ ўйлайман: уй битгандан сўнг ёз келган, кунлар исиган, бир неча марта саратон, чиллалар ҳам ўтган. Шунча иссиқ кунлар деворга кор қилмадими? Ёки тупроқнинг мижози ўша-ўшалигича қолганмикан? Табиат билан ўчакишишнинг бир оқибатимикан бу?

Шукур раис ўзидан катта чолларни ҳам сенсирар, хоҳлаганича бақириб сўкар эди. Чўлиқлар тугул, отам ҳам унинг олдида дағ-дағ титрар эди. Аммо отамнинг айтишича барибир у инсофли одам эмиш. Ҳисоб-ки-тобни билмайдиган оми бўлсак, қўзи топшириш режасини уддалаёлмасак, қўзиларимиз қаторлашиб ўлик туғилса, тери топшириш ҳам режага етмаса, ёзда йигирма-ўттиз қўйни бўрига олдирсак, эҳ-ҳе, ноинсоф раис бўлса бемалол қаматиб юборар эди.

Бу томонларга туман катталари ораламас эди. Келсаям бўлим идорасида йиғилиш ўтказиб қайтиб ке-

тишарди. Отам Тиллаев деган райкомни кўрган, у чўпонларнинг меҳнати оғирлигини айтган, қишлоғни яхши ўтказдинглар, деб ташаккур билдирган. Райком бўлгани билан чўпонлар билан ҳам бирма-бир қўл бериб кўришган. Ўша мажлисда отамга қатта қулоқчинли пўстин, сув ўтиши қийин қалин плаш, пахталик шим ва ўзига лоппа-лойиқ кирза этик беришган. Қўли ниҳоятда юмшоқ, ниҳоятда иссиқ экан, чақалоқникидай. Бундай қўлни ҳеч ерда кўрмадим, райкомнинг қўли шундай бўларкан-да, дейди отам.

Отамнинг ҳукуматдан олган биринчи ва охири муруввати ҳам шу бўлган. Ўша пўстин, ўша плаш, пахталик шим, ўша кирза этик отамнинг танасини неча қишдан бери иситади, касал қилмай олиб чиқади. Садағанг кетай ҳукумат!

Отам ўшандан бери Тиллаевни кўргани, кўришганидан ғурурланади. Эҳ-х, деб юборади. Бош чўпонлиги тагин ғурурини кўтариб, би-ир одамларга ҳомийлик қилгиси келади. Қўли калталиги доим панд беради. Ахир шу раиси тушмағур лоақал икки ойда бир марта маош берса экан... Нукул ердан олиб, ерга солиб жеркигани-жеркиган, одамни муттаҳамга чиқариб, давлатнинг молини ўлдирдинг, қамокда чириб кетишинг керак эди, деяверади. Аммо комиссия келганда Нуркул шофёрни жўнатиб иккита яхши ширбоз бериб юборсин, дейди. Бу ҳам чўпоннинг бўйнига... Эрта тақалиб келса, бу қўйлар қани, деб отамнинг ёқасидан олишади, камомад деб бўйнига қўйишади. Шунинг учун чўпонлар маош деб овоз чиқаришга чўчиб туришади. Баъзан онда-сонда омборга келиб тушган емдан бир қоп-ярим қопини сотиб болаларига егулик сотиб олади, қиш тугар арафасида, иложини топса бир-икки қанор сомон ҳам сотади – кун кўриши керак-ку.

Акам қишлоқ марказида, сайхонликка тушган жойдаги оппоқ бино – мактабга қатнайди. Укам кичкина, мен энди оёғи чиққан болакайман, онам тикиб берган гулли чопонни кийиб олиб қўйлар, қўзилар орасида ўралаша-

ман. Қўйларнинг ем-хашак ейиши учун сомондан уч қатор узун нов ўрнатишган. Эрталаб ва кечқурун бу охурларга отам ёки сақмончи аввал сомонхонадан қопларда дағал хашак опчиқиб тўкиб чиқишади, хашакнинг қўпи сомон, қўйлар сомонни хуш кўрмайди, шунинг учун унинг устидан ёрма, кепак ёки комбикорма солиб чиқишади, у хашакка аралашиб кетгач, қўй-эчкилар қўшиб сомонниям ейишга мажбур бўлишади. Бу есанг ҳам ейсан, емасанг ҳам ейсан, дея чўпоннинг мажбурлаши эди. Чўпон жуда бўлмаганда, шу йўл билан совлиқларга ҳукмини ўтказарди. Бошқа бировга эмас. Эчки, улоқлар шаддодроқ бўлади. Шунинг учун аввал қўнғироғини жаранглатиб серка ва унинг издошлари охурга сакраб чиқиб олишади, ўз улушлари, тансиқ таом ерни паққос туширмоқчи бўладилар. Кейин сурув келиб новга таппа ташланганда, юввош қўй бошқалари орасида ризқини тополмай, тўдадан қайтиб чиқиб, сурув сийрақроқ жойга ўзини уради.

Барибир моллардан нишхўрд қолади. Чўкирттак, қаттиқ тиконли хашакларни еёлмайди. Эрта кўкламда, хашак узилганда мана шу нишхўрдлар ҳам бир арзанда бўлиб қолади, қоп кўтариб келиб чўпондан нишхўрд сўраб келувчилар кўпаяди. Қишдан ҳамма чиқиб олиши керак. Отам охурларга нишхўрд ташлаб, сўнг устидан тузли-намакоб сув қуйиб чиққанини кўрганман. Кўкламда моллар тузсираб қолишади. Шунинг учун шўр хашакни, гарчи қаттиқ бўлсаям чайнаб ютаверади.

Менга буниси эмас, нишхўрддан бўшаган охурда темир зўлдир ёки ғилдирак думалатиб ўйнаш ёқади. Пастга қараб нишаб қилиб қурилган новнинг ичида айникса, зўлдирли ғилдиракни тикка қилиб қўйиб юборсанг бирам чиройли думалайдикки, сўнг унинг орқасидан қийқириб қувганинг-қувган. Зерикарли қиш кунлари шундай эрмакталаб ўйинлар қандай ёқимли.

Баъзан қишлоқдан қий супуриб кетишга одамлар келиб қолишади. Шундоқ қўтондан ҳўл қийни супуриб олиб бир четга ёйиб қўйиб, қуришиб, бир неча кундан

кейин қопларга солиб эшакка ортиб опкетишади. Ёзда эса сурувнинг ётоғини супуриб олиш талаш бўлади.

Палончи ака, палон ётоқда икки кунгина қўйларингизни ўтқизиб беринг, қийини супуриб олай, шу қишга етади, ош-овқат қилиб бераман, бир тандир нон ёпиб бераман, деб сўрағувчи, илтимос қилғувчилар бўлади. Отам кўнгилчан одам, уларнинг ҳаммасига ваъда бераверади ва лафзида туради ҳам.

Қайси бир йили эди, отамнинг туғишган тоғаси Қосим тоға деган чол келиб кўра ичидаги қишда шитта бўлиб, сўнгра қалин шувалиб кетган қўй тезакларини кетмонда ўйиб олиб уйига ташиб кетмоқчи бўлди. У аввал бизга эртак айтди. Кейин қўшиқ, ундан сўнг шеърий эртак айтди.

– Тулкича, тулкича.

Тунда қайга борасан?

– Момом уйи бораман.

– Момонг сенга не берар?

– Эчки соғиб сут берар.

– Эчкисининг сути жўқ,

Улоғининг пути жўқ,

Кодисининг кети жўқ.

Вой-вой-эй, дея ўзи ҳам пихиллаб кулар эди Қосим тоға.

Бироқ ўшанда қаердан ҳам отам келиб қолди-да, Қосим тоғани уриша кетди.

– Бир оғиз сўрамайсизми, ҳеч бўлмаса келинингизнинг олдидан ўтмайсизми? – деди.

– Тувған жияним бўлсанг, нега сўраб ўтираман? Сўрмайман. Бор, четга ўт.

Отамнинг жаҳли чиқди. Сенсираб уриша кетди.

– Тувишқон бўлсанг, буни кампирингам билар. Тирамо бўйи қовун кўриб сотади. Боламди жўнатсам, пулини тўлаб опкет, қопи беш сўм, дебди. Эй, кечдим шундай тоғадан, инабўйи кўринмайсан, тўртта сапчани болларимдан қизғанасан.

– У-ку сапча экан, сен молингнинг гунгиниям бер-
маянсан-ку.

Отамнинг қизишганини кам кўрганман. Шу маҳал
раисдан уруш эшитганми, нима бало, тоғасини сен-
сираб қўрадан итариб чиқариб юборди. Қосим тоға
бўлса, сариқ юзлари қизариб, бир балолар деб чайнал-
ганча қопидаги тезакларни ҳам тўкиб ташлаб эшагига
ўтирганча хала босиб жўнаб қолди. Шу-шу кўзда қо-
вунпалакка бормаймиз, борсак ҳам Қосим тоғаникига
бормаймиз.

* * *

Онажоним.

Дунёдаги энг азиз одамим, тиргак-суянчигим.
Меҳрибонгинам. Бу қалби пора аёлни биз – фарзанд-
лари қаритдик. Фарзанд, жигар доғлари букчайтириб,
ҳилвиратибгина қўйди.

Онажоним!

Укам Рустамжон туғилганида, билмадим, уч яшар
эдимми... қош-кўзи қоп-қора, мунчоқдек, киприклари
қайрилма, чақалоқ бўлса-да, оппоқ юзли эди. Биз уни
ўпавериб йиғлатар эдик, безор қилар эдик. Олти ойлик
бўлди-бўлмади, не бало урди – нобуд бўлди. Кечаси
билан йиғлади, кечаси билан бешиқдан онам кўкраги-
ни олмади. Худога тавба-тавалло қилди, охири акам-
ни уйғотиб қушнотга – Мусал энамга жўнатди. Мусал
энам келганида бола узилган – йиғламай қолган эди.
Қушнот мен тушимда кўрган эдим шундай бўлиши-
ни, деди. Билсанг нега айтмадинг, қандай овсин, қандай
жўрасан, – деб йиғлаб тармашди онам. Бир неча эркак
гўдакни ёстиққа қўйиб мазоротга опкетишди.

Биз эса ҳали йиғлашни, жудоликни билмас эдик.
Ҳа, билмас эдик. Кейин билдик.

Бир куни онамга “жаннати” экансиз дедим.

Ғойиб бўлган паҳлавонингни кутиб анча ойлардан
бери кўзи тўрт, йиғлайвериб кўз ёшлари қуриган, кам-

пир тусли аёлга айланган эди. Бирпас менга термилиб қолди.

– Ким айтди? – деди онам.

– Ҳадисда ўқидим. Уч фарзандидан айрилган онадан дўзахни Оллоҳ тўсиб қўяр экан...

– Билмасам, болам...

Онам учинчи жудоликка бардош беролмади. Йигирма йиллаб кутиш қаддини икки буклаб қўйди.

Дунё гами, ташвиши, елкасида, бир парчагина бўлди-қолди. Гўдакни кича юки қолди муштипаримнинг.

Ўша, Рустамжон ерга қўйилганда, ҳали дуркун аёл эди. Икки кун ўтиб тагин Қўнақишлоққа кўчиб чиқдик. Онам сигир соғар, ўт урар, отамга қўшилишиб иморатга лой қилар эди. Ёшлигини эслаб, оғир кунларни кўрганман, оёққа илишга калиш ҳам тополмай, аканг чақалоқ – қўлимда, ялангоёқ, қирқ сигирни соғиб, сутини сепаратордан ўтказиб колхозга топширар эдик. Олов ҳам ёқмай оёқни бир чайиб ташлаб акангни эмизиб ухлатиб, яна молларни даштга ҳайдаб чиқиб бориб, кейин сут пишириб, овқат қилар эдим, дейди. Демак, Қўнқишлоқда биз қийналмай яшаган эканмиз-да.

Акам мендан етти ёш катта, уй ишларига қарашишга яраб қолган. Қўшиқ айтишни яхши кўрарди. Бироқ уяларди. Узоққа бориб берилиб қўшиқ айтса, биз бекиниб, пойлаб эшитардик. Комилжон Отаниёзов, Фахриддин Умаров, Таваккал Қодиров, Олмахон Ҳайитоваларнинг деярли ҳамма қўшиғини ёд биларди. Бироқ ёзда мактабдан хашак йиғишга, кузда пахта теришга олиб кетиши чатоқ эди. Саккизинчи синфдан сўнг ўрта мактабни Юқори сарой марказидаги мактабда ўқий бошлади. Энди ҳафтада бир кунгина, шанбада келадиган бўлди.

* * *

Сигирларни подадан кечқурун ҳайдаб келамиз. Онам икки сигир – Қораола ва Сариолани соғади. Челак устига

дока боғлаб томнинг ходасига осиб қўяди. Тонгда соғилган сут билан уни қўшиб пиширади. Бир қозон қирмочли сут пишади. Сут совиганда бир қошиқ қатиқ-увитқи қўшади. Кейин қарабсизки, кундузги иссиқда сут қатиққа айланади, кечқурун ё эрталаб онам бир қозон қатиқни ёғоч қувига ағдариб, пича қайнаган сув қўшиб оби-тобига келтиради-да пишкакни босиб қуви пишишга тушиб кетади. Бир соатдир-ярим соатдир вақт ўтиб пишила-пишила айронга айланган қуви ичидаги оқ суюқлик устида бурда-бурда сариёғ пайдо бўлади. Сариёғни ажратиб олгач, онам уни – бир пишим мойни кадидаги сариёққа қўшиб қўяди. Қувини чакки халта – тулупга ағдариб, тулупни отам ясаган икки ёғоч ўртасидаги тиргакка осади. Айрон икки кунда чаккига айланади. Чаккига айланинча тулупдан айроннинг сариқ сувлари тўкилиб, атрофини қорайтириб ҳўл қилиб юборади. Бир кун-икки кун унга бироз сув қўшиб қайнатиб олинмаса, саратоннинг иссиғида тулупда қотиб қолади.

Агроф-жавонибда саратон. Қуёш жизиллаб этни куйдиради. Сирач, шувоқ, қўзиқулоқ, лошакаррак, мингбош ва исийдиларга қўниб олган жизилловуқлар бўлса жазирама офтобга тагин газ бераётгандек бир симфония бўлиб жиз-жиз қилиб тураверади. То кечки салқин тушгунча бу қўшиқ давом этади. Кеч кириб, мол-ҳол жойлангач, супа устига сув сепилиб олача тўшалади. Кўрпача, ёстиқдан сўнг дастурхон тўшалади. Кўпинча ичгулигимиз қора шўрва бўлади.

Қора шўрва нима?

Қизиётган қозонга икки қошиқ куйдирилган сариёғ ташлаб, бир бош пиёз тўғраб қовурилгач, устидан қанча сув қуйсанг қуй, ўша сув қайнаб чиқса бўлди – қора шўрва тайёр. “Шарманда шўрва” ҳам дейишади. Суви қочган нонни бўктириб бир косасини туширасан. Ана сенга тансиқ кечки овқат! Қоринни қашлаб уйқусираб ётавер.

Куннинг жазирамасида салқин чайла-уйда бирпас мизғиган бўлсанг кечда ҳадеганда уйқу ҳам келавермай-

ди. Юлдузларга, ойга, тип-тиниқ осмонга, сомон йўлига тикилиб, онанг айтаётган ўтмиш воқеалар, эртақларга қулоқ тутасан. Худди Учбулоқдаги сингари кимдир қўқиган бошини қашласа, елканни уриб-уриб уқаласа ҳубу ҳуи, ҳадемай донг қотасан, бўлмаса қора чигиртканинг қўшиғи, кечки намга инидан қўзғалиб келган сассиқ қурбақанинг шигир товуши ҳам диққатини тортаверади. Узоқдаги машина чироғи кўрингани ҳам сени сескантириши ёхуд бир олам қувонч улашиши мумкин. Жобутай қишлоғининг тепасидан Лолаҳовузга ёхуд Накурт қишлоғига ошиб кетаётган бортли машинанинг олисдалиги учун товуши билинмаса-да, чироғи аллапаллагача кўриниб туради. Ғалла ёки сомон ортганидан бўлса керак, машина тепага қараб жуда секин ўрлайди, узоқлашаверса бора-бора чироғи ҳам хиралаша боради. Сўнг бутунлай ўчади. Худди эртақ тамом бўлгандек олам бирдан зимистонга айланади.

Кун шанба бўлса экан...

Шанба куни шом қоронғисида, уфқ ғарбда ҳали қизғиш пардасини йиғиштириб олишга улгурмаган маҳал... Катта текис қир ёнидаги сўқмоқ йўлдан бир одамнинг қўнғирокдек товуши келади. Таваккал Қодировнинг “Ўхшайди-ку” ё бўлмасам “Шунчамиди?” деган қўшиғини баралла айтиб келаётган ҳофиз ким бўлиши мумкин? Бу қўшиқ тун қўйнида шундай майин, шундай ўйноқи жаранглайдики, онам бечора ўғлини соғинганини яширолмай ўрнидан туриб кетади.

– Менинг полвоним, менинг қорақўзим келаётир-ку! Айланайин товушингдан! Соғинтирган бўларингдан сенинг!

Акам уйга яқинлашгани сайин овозини пасайтира боради. Биз эса уялмай, баралла айтишини хоҳлаймиз.

Уялади, тортинади.

Ҳалигача тушунмайман: бу одамлар қўшиқ айтишга нега уялади? Ҳозиргача шу аҳвол. Дунёни хашаки ашула босиб кетди, ҳамма ёқ қўшиқ, ашула, бақир-чақир,

шовқин. Аммо у вақтлар одамнинг товуши, одамнинг қўшиғи бир тансиқ эдиким, айниқса Қўнақишлоқдай овлоқ бир маконда яна ҳам соғинтирарли эди.

Қўшиқ орасида акам томоғи билан қўшиқ мусиқасини ҳам “чаларди”. Жудаям ёқимли эди.

Акам яқинлашгани сайин қўшиғи пасая беради. Уй яқинидаги жарлик қошига етгач, бутунлай тўхтайди.

– Сайимбой! Сайимбойжон, болам!

– Ҳа, она, келаятман!

Акам бултур ёзда тоғамга икки юз даста ёнтоқ чопиб бериб, эвазига қирқ сўм иш ҳақи олган. Ўттиз етти сўмига Болтабой аканинг дуконидан “Урал” велосипед харид қилган.

Шу велосипедда Саройдаги ўрта мактабга қатнайди. Шанба куни келиб, якшанба куни кечкурун кетади. У ерда ётоқхона борлиги, кечкурун овқат пишириб беришларини биламиз. Лекин онамнинг хавотири босилмайди. “Ўзганинг юртида оч-наҳор юрасан-да”, деб бир тандир нон пишириб, катта белбоққа туғиб велосипеднинг багажига ип билан маҳкам боғлаб бериб юборади.

Ҳар гал онам бозорнинг биринчи куни, яъни душанба куни кетсанг-чи, болам, дейди. Акамнинг дийдорига тўймайди. Акам қирда велосипед миномаслиги, минса чақиртиконни босиб камераси ёрилиши, камераси ёрилса икки соат мобайнида ҳам уни етаклаб мактабга вақтида етиб боролмаслигини рўкач қилади.

Онам акамни бекитиб қўйган ҳўл мевалар билан меҳмон қилиб, еб-ичишини эринмай томоша қилар, орада уст-бошини кир босиб кетганининг қайғусини ҳам чекиб қўяр эди.

Барибир ёз бўйи қилинадиган уй юмушлари, айниқса ўт ўриш, йиғиб боғлаш, эшакка ортиб қишлоққа ташишдек оғир ишлар акамнинг зиммасида эди. Ёзда, куннинг иссиғида тикан оралаш ўт-хашак йиғиш кони азоб эди. Ўт боғлангач, уни арқонлаб эшакка тенг миқдорда уч боғдан таранг тортиб ортиш, сўнг устига яна

бир боғ қўйиб, эшак жонивор зўрға кўтарадиган қилиб ортиш, сўнгра арқон билан икки ёнга, орқага ҳам оғмай-диган қилиб сириб боғлаш, эшакка эргашиб, эҳтиёт бўлиб қишлоққа бориш, йўлда эшак нишабликлар, тош, яккам-дуккам ёввойи дарахтга урилиб ўт оғиб кетиши ёки ўт бутунлай устидан оғиб тушиб қолиши – турган-битгани ташвиш, охири кўринмас ғурбат эди.

Акам ёки отам бу ишнинг бошида бўлмаса мен укам билан хашакни на орта олар, на бошқа эпини қилаолардик. Ёзда ўрган ўтимиз уч юз-тўрт юз боғ бўлар, бундан ками қишлоққа етмай қоларди. Бир эшакка етти боғ ўт юк бўлади. Июнь ойидан сентябргача ташиганинда ҳам баъзан улгуролмайсан. Бу атрофларга на юк машинаси, на трактор келади – фақат эшакда юмуш бажаришга мажбурсан.

Икки эшагимиз бор, бири мода, бири ҳанги эди. Отам мол ортидан ҳангини миниб кетар, қўпинча шу модага кунимиз қолар, бу қурмағур ҳам жуда қашқатаёқ, яъни таёққа суяниб қолган, отам уни аямай урар, гўё бу билан ақлини киргизмоқчи бўлар, баъзан худди одамга гап уқтиргандай:

– Яна шундай қиласанми? – деб сўрар, табиийки, жавоб бўлмагач: – мана, мана бўлмаса! – деб заранг халачўп билан калласига аямай қарсиллатиб солиб юборар эди. Шунда эшак шўрлик бошини пастга эгиб, яшириб, гангалабош бўлар, боши айланиб, мувозанатини йўқотиб, устидаги юкни тушириб қўярди. Кейин отам ундан баттарроқ қасос олар, эшакнинг бошида қонамаган жойи қолмас, қаттиқ таёқ зарбидан кўзи отилиб чиқмаса-ку, деб чўчиб қўярдим.

Оғир меҳнат ва ҳаёт шароити одамнинг дийдасини қотириб қўяди. Меҳнатдан ёруғ натижа кутмасанг, ҳаммаси алам қилади. Бу қийинчиликларнинг адоғи йўқдай туюлади. Нисбатан бойроқ, осонроқ меҳнат қиладиган тенг-тўшларингга ҳавас билан қарайсан. Ўшандай кун кўрсам экан ҳеч бўлмаса дейсан. Гоҳо уйингда

ўз жигаринг билан ғижиллашиб қоласан. Сабаби, ота ё онанг сенга қийинроқ, укангга осонроқ юмуш тайинлаган бўлади. Ўз-ўзидан уни ёмон кўрасан, ўз-ўзидан уришиб кетасан, ёқалашиб, тепалашиб кетадиган вақтларинг бўлади. Дунё шу азоблардан иборат бўлиб кўрилади, қасосини ўз уканг ё акангдан олмоқчи бўласан.

Вақт югурик, тўрт кунда ҳаммаси ўтиб кетиши хаёлингга ҳам келмайди.

Ҳолбуки вақт илдам, вақт – ҳакам, у подшоҳ, у барчасини бирваракайига қўлдан ўтказишига кейин иқрор бўласан. Иқрор бўлганигда кеч қолганингни ҳис этиб пушаймон ҳам бўласан.

У маҳаллар вақт ўтмас эди.

У вақтларда сокинлик ҳукмрон эди.

Кунақишлоқ ростдан ҳам кўҳна, зерикарли эди. Кечалари ҳам узун – қора чигиртка чириллайвериб чарчаб кетарди, кундузи ундан ҳам узун – жизилловуқ офтобда жизиллай-жизиллай мадори қурир, ёз охирида ширачнинг қурий бошлаган таналарида жизилловуқ ҳам қатор, худди қуриган гипсдай поядан уқаланиб тушар, сон мингта жизилловуқ салқин келиши билан буткул қирилиб битар, ниначилар, қовунқирғич – булоқ устида тўда бўлиб рақс тушувчи ялтироқ қўнғизлар ҳам ер ютгандай бир ёқларга ғойиб бўлиб қолар, нохуш куз ҳавоси баданни, терини-да ҳушёр, тетик торттирар, ҳатто ошқозонинг ҳам энди ўрик, тут демай қолар, баъзи кузнинг иссиқ кезида қовун ё тарвузни қўмсардинг.

Кўкқумнинг пастидаги бир жарда қўнғир эшакнинг жасади ётарди. Унга яқинлашганинг баробари бадбўй ҳид таралиб димоғингни ёриб юборай дерди.

Ихтиёрсиз енгинг билан бурнингни беркитасан. Бу – Абду аканинг эшаги. Эшак қариб, юк қўтаролмай қолганида эгаси ҳайдаб келиб, жарга итариб юборган. Отамнинг тахмини шу. Бировлар эшакнинг ўзи қовун ортиб келаётганда тентираб йиқилган дейди. Абди аканинг болалари қовунни бошқа эшакка ортмоқлаб опкетган. Ҳар нима

бўлганда ҳам жонивор бир ой шу жарда сасиб ётди. Сасиганда ит ҳам яқинлашмас экан. Куз ўргасида кечагина йўргалаб юрган кук эшакнинг калла ва сон суяклари оқариб ётарди. Эти, жунини ҳам ўлаксахўрлар талаб-тортқилаб кетган. Биз эса ўрганиб қолибмиз? Кукқумга яқинлашаверсак, бўрнимизни беркитамиз. Ажаб.

Ҳойнаҳой отамнинг таёғини еб ўрганган мода эшагимизни ҳам шундай ажал кутарди.

* * *

Қўй текис ерда ётмайди. Қанақадир нишаб, ноқулай жойни танлайди. Отам, боя айтганимдай, тол тушнинг қизиган чоғида уйга яқин чагат манзилга қўйни ёйиб, ётқизиб қайтаркан, том соясидами, уй ичидами иссиқ чойни хўриллатиб ича-ича терлаб кетган қўйи бирпас бошини ётоққа қўйиб мизғиб оларди. Қўйларнинг ургигани шу жойдан маълум, сабаби тентак серка қўнги-роғи жиринглаган томонда, албатта, сурув ҳам бўлади. Отам ялангоёқ томнинг ёнига ўтарди-да, отар бошқа бир отарга қўшилиб кетиш хавфини сезса ёхуд бировнинг экинига қараб ўриш олганини кўрса, бирдан жон жаҳди билан “ай-а, қайт, қайт!” деб бақирарди. Мол эгасининг товушини танийди. Аввалига бошини бир-бирининг пинжига тиқиб олганча номаълум ёққа кетаётган қора тўда – беш юз қўй таққа тўхтайтиди. Қўйни эмас, серкани бошқариш керак. Қўй – авом, эчки – айёр. Шу кетишда девор ошиб бировнинг чорбоғига тушса борми, ёш ниҳоллари, сабзавотини қийратиб чиқади биратўла. Сўнг томорқа эгаси билан бир умр ёвлашасан.

Серка тўхтайтиди, ортидан – қўй.

Отам ғоз турганча тағин “қайт, қайт!” деб ҳайқиради. Шунда, қизиқ, серка ўрмалашга жойиз томонни ўзи топади. Баъзан шартта ортига бурилади...

Қизиқ қонуниятлар.

Отам қайтиб уйга кириб ёйиб қўйган пайтавасини топиб оёғига ўрайди. Кирзи этиги ёхуд Ўнар бобомдан

қолган мўкини оёққа илади. Қирга арқонланган кўк ханги эшакни опкелиб бераман. Гоҳо агар эшак мол ошувга арқонланган бўлса, бир кўзига қизил белбоққа ўралган пичоқ, қора латга чандилган ойболта, икки букланган “йигирма саккиз” дейилувчи милтиқ ва икки дона кўпкан нонни солиб елкасига ташлайди-да, заранг таёғини белига қўйиб йўл-йўлакай хангини миhib жуда ҳафсаласизлик билан секин хала босади. Қир оша туриб кўпинча ортига бурилиб иш тайинлайди.

– Собир, ҳой болам, анов тарвузпалак обдон сувсабди, ҳовузни оқизсанглар биринчи четидаги тарвузга сув тортинглар, ай, кўзичоғимдан-а!

Кета-кета эркалашни ҳам унутмайди.

Шу кетгани бўйи ярим тунда, бўлмасам эртаси куни чошгоҳда қайтади. Ярим тунда қайтса биз маст уйқуда бўламиз. Отам келса бир-бир бизнинг бошимизни ҳидлайди. Гарчи кагта йигит бўлиб қолган бўлса-да, акамни ҳам ҳидлайди.

Бу – бобомерос эркалаш. Ўнар бобом, Облоқул бобом ҳам шундай қиларди. Облоқул бобом, айниқса мени қиш кунлари чопонининг ўнгирига солиб пастки овулга – ўзининг уйига опкетиб қоларди. Житирмасининг томига осилган ҳидли беҳидан олиб чопқисида қовундай сўйиб бир бўлагини берар, ҳар гал “отангда борми шундай нарсас?” деб одамнинг бўйнига кўяр, сўнг ўзига жавоб бериб “йў-ўқ!” дерди. Сўнг яна бориб житирма, яъни қоронғи уйчасининг шифтидан бир бош қизил тойфи узум кўтариб кирарди. “Отангда борми узум?” деб сўрар-сўрамас, ўзи “йў-ўқ!” деб жавоб берар, “қаёқдан бўлсин, бу молнинг ортидан юраберади-да!” деб кўяр, узум бошининг бир шингилини синдириб оларди-да, “кўшиқ айтсанг бераман” деб туриб оларди. Бу фақирда кўшиқ нима қилсин? Кўшиқ ўргансам биринчи сизга айтиб бераман, дея минг ваъдани бериб шингил узумни ердим. Бунча тотли бўлмаса бу қишки узум. Қанча ялинмай, қанча мўлтирамай, бобом бошқа узум бермас, кейинги келишимга

асраб, умидвор қилиб қўярди. Бобомнинг искаши одамни безор қиларди. Қалин қора соқоли юзимга қаттиқ боғар, безор бўлиб бақирардим. Соқол аралаш нос ҳидлари ҳам гутгуриб, бошқача бўлиб кетардим. Онаминг айтишича, амакилар ичида мен тенги неваралар ҳали туғилмаган, акалар йиғит бўлиб қолган, шу боис ҳаммасига эрмак бўлган эканман. Онам бир маҳаллар бевақт бўлиб қолди, деб мени қор кечиб опкетарди. Эртаси куни Улбозор чеча деган аёл мени кутариб ўтириб кетарди, у онамга, ҳеч кимга айтмай опкетгани учун онамдан кўп қарғиш эшитар, шунда ҳам шаддодлигини қўймай:

– Ўзим туққунча қўймайман, ҳа, алам қилдими? Алам қилсин! – дерди янга силкина-силкина куларкан.

Қишлоқ аёли ўзини катта хотин сеза бошласа, қасаба ўрашга мажбур эди. Қасаба деганимиз тўртта пахтали чорси рўмолни бир-бирига улаб, уни узун қилиб бошга ўраб, йиғиб, тепасини учли қилиб чиқариб қўйиш эди. Бу бошқа жойда эмас, шу офтобрўда мода эди. Кейин катта бўлиб, дала-даштни, шаҳарни кўрганда билдим буни.

Лекин Улбозор янга тирноққа зор эди. Қасаба ўрайдиган ёшга ҳам етди, бироқ фарзандсиз эди.

Туққиз ё ўн йил бир ёстиққа бош қўйиб юрган эри уста Ҳамдамнинг онаси Ойраба хола ўғлига, “бўлди, энди бўлак рўзғор қилади, бу туғмасак чиқди”, деб ажратиб олганида чеча зор йиғлаб онамнинг қошига келган экан. Бундай чоғда бировнинг оғирини биров бўйнига ололадими? Улбозор янга пешонасига бир муштлаб қир ошиб қишлоғига кетган.

Орадан бир муддат ўтганда уста Ҳамдам бошқа бир аёлни опкелганини эшитиб, қир ошиб келиб, бир майдон тўполон қилиб кетганини эшитган эдим.

Қисматни қаранг, тез орада ўзи ҳам Қўшоғочга бир сўққабошга жуфт бўлиб, қаторасига беш ўғил туғибди, уста Ҳамдам ҳам янги аёлидан аввал қиз, кейин икки ўғил кўрди. Уззу-кун Улбозор янгани ёзғириб:

– Бу Улбозори тушкурнинг мижози суст, туғмайди, боламниям қаритади охири, – деб силкина-силкина ўтаётган кунини қаргаган Ойраба кампир ҳам тинчиди-қолди.

Улбозор янга биринчи ўглини қўлига олганини эшитганда:

– Бировнинг боласи чиқар-ов, бу бетўпик ҳеч нарсадан қайтмайди, боламнинг бошини шунча йил гаранг қилди, – деган экан онамга.

Бир эмас, икки эмас, беш бола туққанини эшитгач:

– Этаги тўла бола экан, нега менинг Ҳамдамимдан қизғониб ўтди? – деб ёзғирибди.

Агар уста Ҳамдамнинг ичи бўш, болага зор бўлиб юрганда борми, чеча ҳар ўғил кўрганда келиб бир чайқалиб, боласини кўз-кўзлаб кетармиди? Шундайига ҳам биринчи ўглини бир гал опкелиб онамга кўрсатиб:

– Собиржонга ўхшабдими? Сиз пуфлагансиз, чеча, тўлалигини қаранг, ўғлингизга ҳавас қип эдим-да, мана, бу қорин ичи тўла ўғил, Худо хоҳласа, бир қишлоқ ўғил тугаман, – деб айтибди.

Улбозор чеча шаддод хотин, туғмаса бўлмас эдиям-да.

Шуйтиб денг, ўн-ўн бир ёшимдаям, мактабга чиққан имдаям боболаримга эркатой неvara бўлганман. Иккинчи синфдалигимда чоғи, мактабдан қайтаётганимда Қора отам – Облоқул бобом шартта эшакдан тушиб каминани таппа қорга босган. Соқоли билан пайпалаб роса ҳидлаган. Синфдош ўртоқларимнинг олдида ўсал бўлиб роса йиғлаганман. Кейин-кейин Қора отамдан бир бўйин нари қочиб юрадиган бўлдим.

Дастлабки ҳикояларимдан бири “Қора чол”ни Облоқул отамга бағишлаганман. Ҳикоя оқ кўнгилли, мактанчоқ, невараларини қўярда-қўймай пайпаслайверадиган “Қора” чол ҳақида. У “Ёшлик”да чиқди. Қишлоқда гап бўлган. Бобом Ҳазан акамнинг ўғли Холмуродни чақириб, “қани, ўқи-чи, нима деб ёзибди?” деб қизиқибди.

Бобомнинг менга қизиқ қилиқлари ўзига ёқимсиз, шекилли, нуқул “ўшак қипти-ку бу мени” дегити. Шундай дейишини билардим. Анчагача кўзига кўринмай юрдим. Қариди, дунёдан ўтди. Энди қадри билинади.

Ҳозир қишлоқда неварасини қувиб, тутиб, пий-паслаб, ҳидлаб, ўзининг думоғини чоғ қилиб юрадиган чоллар бормикан?

Бормикан?

Менинг эса Қора отам бор эди!

* * *

Облоқул, Эгамқул боболарим Ўнар чолнинг укалари. Ҳамза – менинг отам, Ўнар бобомнинг иккинчи ўғли. Шундай бўлгач, эркалайди-да боласини!

Дағал, аммо меҳрибон одамлар.

Кўнақишлоқнинг тарихини билмайман. Боболаримиз бу жойни макон тутишгани, отамерос жойлигини биламан, холос. Мана, икки ертўла, беш-олтита қари тут, булоқ, унинг пастида қўриқ. Нарёғи жарлик. Жарлик адоғида яна булоқ. Бу булоқнинг суви кўпроқ. Азиз булоқ дейишади. Ирим билан танга ташлашади, ичи сариқ, оқ тангаларга тўлиб кетган. Бу ерда ҳам уч туп қари тут бор. Кўкламда бердибулоқликлар шохини пиллага кесиб кетишади. Отам бир сафар барг қирқишга келган Абдиаҳад акадан катта балхи тутни кесмасликни илтимос қилибди. Болаларга егулик, ҳали бу ерда мева ўстиролмадик, деб сўрабди. Эртаси кун қарасак, Алибой почтачи ток қайчи кўтариб тутнинг бошида юрибди, катта бир шохини қирқиб бўшатибди ҳам. Онам бориб Худонинг зорини қилди. Почтачи юввош одам. Қайчини ташлаб, ўзи ҳам пастга тушди.

– Нима қилай, чеча, – деди ўзи ҳам зорланиб. – Бригадир икки қути пилла берган. Мен ишда бўламан, келиннингиз чақалоғи билан кечаси барг шилиб ўтиради. Икки уй пиллага тўлган, ўзимиз ташқарида ётамиз.

Почтачи сарғимтил кўзларини менга тикиб, кулим-сирайди.

– Ҳа, тоғамнинг боласи, шунингиз ўқимишли бўлади-ёв.

– Газит, қоғоз кўрса киссасига солади. Ўқирман бўлар дейман. Отасининг изидан бориб чўпон бўлмасин, ишқилиб.

– Сиз, чеча, бунингизни эшакка ўтқазиб, хуржунга икки сатил солиб жўнатынг бизникига, оқпишар зарғалдоғимиз пишиб турибди. Есин, опкесин, бу чўлда нима бор?

Ҳали мактабга бормасам ҳам ҳарф танир, ўқий олардим. Акамнинг таъсирида, албатта. Қўлимга газета тушса ҳам бир бошидан ўқийверардим. Шу боис Алибой ака менга бир тўп газета-журнал беришни канда қилмасди. Эртаси куни мода эшакни миниб Алибой аканикига бордим. Улар уч ака-ука: Ортиқ, Толлибой, Алибой. Почтачи кичиги. Алибой ака газета, хатлардан ташқари нафақа ва пенсия пулларини ҳам тарқатарди. Онам ҳам ўн икки сўм нафақа оларди. Бу сафар кам чиқибди.

– Мана бу даптарчани кўрсат, чечам ўзи тушунади, – деди у киши.

Нозон аммам – Алибой аканинг онаси. Гўштдор, огир-босиқ кампир. Касаллиги боисми ё оёқлари оғрийдими, бир жойда ўтиргани-ўтирган. Ўнар бобомнинг синглиси. Биргина қизи бор – Ойқанд аммам. Пастдаги Бойтўп қишлоғида туради. Куйиб қўйгандай Нозон аммамнинг ўзгинаси. Мен билан тенг ва каттароқ болалари бор. Жоним-жоним деб обдон сийлайди. Ёз, кузда борсам, лалми қовун-тарвуз сўйиб беради.

Толлибой ака ҳам Алибой ака билан бир ҳовлида туради. Ўғли Шавкат билан иккимиз оқпишарни силкитиб икки челақ зардоли териб олдик.

Қайтаётиб эшакда ўтириб Алибой ака берган дафтарчани варақлаб кетдим. Тушунганим – июнь ойига олти сўм нафақа чиқибди. “Ҳамзаев Рустам. Ўлган”

Этим жимираб кетди. Шу меҳрибон туюлган одам ҳам совуққон туюлди. “Вафот этган” ёки қишлоқчасига “четнаган” деб ёзса бўлмасмикан...

Демак, синглим Манзурага олти сўм ёзишибди. Рус-там учун... энди пул ёзилмайди. Онамнинг қўлига иккита уч сўмлик тутқаздим. Шугина пулни ҳам онажоним не кунларга яратади. Ҳар замон Туғил аканинг ё Болтабой аканинг магазинидан бир сўмлик бир кило оқ қанд олиб қайтаман. Эрталаб сут ичаётганимизда онам иккитадан қанд санаб беради. Биз ёғоч қошиқда қандни эритиб, сўнг устидан нон туғраймиз. Бўккан нон қоринни тўқ тутади.

Шу билан тушгача шаталоқ отиб юрамиз. Аммам-нинг ўғли Мамат билан Яйловгача ҳовуз оқизишга борамиз. Гоҳо кийимларимизни ечиб ҳовузда чўми-ламиз. Ҳовузнинг ичи балчиқ, суви оқиб кетганда қа-расангиз чувалчанг, қора зулуклар билтанглаб юрган бўлади. Аслида иссиқдан, офтобдан қочиб чўмиламиз. Бўлмаса бу ҳовузнинг чўмилгилиги йўқ.

Оғзига латта тиқилган қувурнинг оғзини бўшата-миз-да, сув билан қўшилишиб югурамиз. Йўлда бута, қўзиқулоқ, хашақлар тўпланиб қолса, сув ариқдан то-шади, бошқа ёққа кетиб, исроф бўлади. Тўзон, қуюн хашақларни ариққа тиқиб кетаверади. Шу боис ариқни тозалаш ҳам бизнинг вазифамиз. Акс ҳолда, катталар-дан дакки эшитамиз.

Ҳовуз оқизиш, сўнг унинг сувини бошқариб кели-шу экин, бедага, картошка, макка, қовун, тарвузга та-раш алоҳида бир юмуш, аммо у узлуксиз давом этар, бир кун Мустафо амаким, бир кун бизнинг навбат, одам безор бўлиб кетарди.

Қўнақишлоқ асли шу ҳолича қишлоқ эмас, валлоху аълам, мана шу икки уйга учинчи оила қўшилса улар билан чиқишмас эдик. Янгам Иштихондан келин бў-либ тушган, ёш нарсаси, бу шароитларга ҳадеганда кўни-ка олмаган, дам-бадам бўҳчасини туғиб онасиникига отланганларини биламан. Онам овсин сифатидами ё

каттароқ келин сифатидами, дарҳол янгамни юпатишга тушар, ҳадеганда у ҳам рӯзгорга эл бўлишга шошмас эди. Йўқ, янгам бой хонадоннинг эрка қизи эмасди. Шунчаки табиати бироз оғирми, ҳарқалай оиланинг ўтидан кириб, кулидан чиқиши қийин кечган. Бундай мослашувчанлик жараёнига Ҳамро отаминг кампири Ҳалима энам, Ҳазан акамнинг кампири Ойдин чечам қандай муносабатда бўлганини, тўғриси, ҳозир эслаёлмаيمان. Гуё Мустафо амаким билан отам азалдан қўл ушлашиб иноқ катта бўлган, шу боис янгаму ўғил-қизларини биз ҳам яхши кўрамиз, тамом-вассалом.

Онам ҳар юмушда ўзини жавобгар сезар, ҳеч эринмас, яқин-яқинларгача қўли косов, сочи супурги эди. Одам дунёга роҳат кўриш учун келмас экан. Заҳмат, мусибат, айрилиқ машаққатларини чекиш ва яна заҳматлар чекиш учун келаркан. Онам роҳатни хуш кўрса, ҳеч бўлмаса, қариганда семирарди, болалари, неваралари ардогида эди.

Кўнақишлоқ, билмадим, боболарим замонида қандай кўринишда бўлган, тахминимча, ертўла, қора уй, яъни ўтовлардан иборат тўрт уйли ибтидоий жамоа тузумига хос бир жой бўлган.

Қирликнинг қия қисми булоқдан сув келиши мумкин бўлган жойдан икки уй тушган. Ҳар иккови ҳам даҳлизсиз, бир уйдан иборат. Уй пастидан булоқдан сув келиши учун ариқ тортиб келинган. Икки туп ўрик экилган, лекин ёз бўйи булоқ суви камайиб, бу ёққа сув чиқмайди. Икки дарахт орасига қизиқиб бодринг уруғи ташлаган эдим. Дарахтга эмас, бодрингга ачиhib флягада сув таширдим. Ўша йили бодринг шунақа ҳосил бердики, ҳеч нарёғи йўқ. Янги ер бўлгани учундир, палагиям узумники сингари ғовлаб ўсиб кетган, оралари тўла бодринг, ялтиллаб дўмпайиб ётарди. У вақтлар банка ёпиш урф эмас, егунимизча еб, қолгани молларга емиш бўлгани, пишиб қизариб кетганларини уруғликка олиб қўйган эдик.

Ундан пастдаги ўн сотихдан ортиқ ерга саксон туп ток экканмиз, унинг ҳам пастроғига сабзи, нишабликка картошка экканмиз. Одамзод эринмас экан, боғнинг сиртини отам девор қилиб чиққан, жар томонини мол ҳатламаслиги учун белкуракда текис девор қилган, текислик қисминини лой ва чимдан девор қилиб кўтариб, устига ёввойи бодомнинг тиконли наваларини тикка қилиб чиққанмиз. Албатта, бу ҳам мол-ҳолдан ҳимоя бўлиши учун эди.

Сабзини билмадим-у, ўша йили картошка жуда ҳосилга бой бўлган. Бир неча бозор отам билан қоп-қоп картошкани Жумабозорга эшақда олиб бориб сотиб келдик.

Йигирма йил аввал кичкина видеокамера олиб амакимнинг ўғли Жозилнинг чўбирида Кўнақишлоқни сувратга олиб келдим. У вақт отам тирик, онам ҳам анча тетик, ўзим гапириб, ўзим сувратга олиб юрибман. Отамни, онамни ҳам гапиртирдим. Зўр хотира!

Афсуски, ноодатий кичик кассетага ёзилган ушбу ёзувни бир укамиз одатдаги катта кассетага кўчириб бериш ваъдасини олиб тамом йўқотиб юборди.

Ҳозир ҳам бу жойлар овлоқ манзил. Аммо булоқларнинг сувини одамлар эгаллаб, қувур билан пастки қишлоққа олиб тушиб кетган. Пастдаги азиз булоқнинг суви ҳам эгалланган. Эшбой аканинг болалари дарахт экиб боғ қилишган.

Икки йил Омон акамнинг ўғли Камол у ерда тирикчилик қилиш учун кўчиб чиқди. Бир омонат уй ҳам қурди. Пастдаги Бердибулоқ қишлоғининг қорамолларини боқиб тирикчилик қилди. Кейинги йили, ҳа, аниқ эсимда, 2012 йили май ойида биз у ерга йўқлаб бордик. Камол ва келин уйда экан. Чақалоқли бўлишибди. Муборак қилдик. Омон акам ертон қазиган қирлиқдан уй қурибди. Май ойи. Ҳаво иссиқ. Булоқ бўйидаги эски тутлар остига тўшамчи тўшаб ўтирдик. Акам, укам, сингилларим бор, ўтган-кетганни эсладик, чақчақлашдик. Бир ажойиб дийдорлашув. Хотирада муҳрланди. Булоқ сувини бошқариб жар бўйидан ки-

чик ер очибди Камол. Мен ўша ток ва картошка экилган жойни кўрсатиб: “агар шу жойни томорқа қилиб ўзлаштирсанг, сув олиб боришинг учун икки юз метр қалин шланг обераман”, деб ваъда қилдим. Бу гап унга ҳам, бошқаларга ҳам маъқул бўлди. Келишдик.

Жар бўйидаги кичик ерда помидор, булғори кўчатлари яшнаб кўкариб турарди. Ўтган кунлар эсланди. Биз яшаган икки уй аллақачон бузилиб, ёғочлари опкетилган, мен сув ташиб суғорган икки туپ ўрик ўтинга айланган, сувли булоқлар эгалланган, отам урган деворлар нураб соб бўлган, ҳув нариги бетдаги қарийб бир гектарлик текис қир шудгорланиб лалми нўхат экилган. Бизнинг назаримизда у бийдай текис жой, даставвал баҳорда чиққанимизда у ер оппоқ замбуруғга тўлиб кетган, териб-териб кўйлақларимиз орасига сиққунча олиб, қолганини бир-биримизга отиб “замбуруғбўрон” ўйнаганмиз.

Ўшанда Шерқул тоғам келган, мен, акам, укам Ўткир бор эди. Усти текис қирни “текис” деб қўяқолардик. Ёзда ҳар жойидан янтоқ, қолган қисми аксар бўз, ёнбағрида буғдойлик, саёз жойларида тиканаклар ўсарди. Жарга қараб тушган тик қисмидан аввал қўйлар из солган, биз эшакда шу оқ йўлдан ўтардик. Кейинчалик акам шу йўлдан велосипедини ҳайдаб, кечқурунлари етаклаб ўтарди.

Қирнинг шу ёнбош қисмида худди бошдаги кокилдай бўлиб бир майдон буғдойлик, яъни кўм-кўк бўлиб ёввойи буғдой ўсиб турарди. Тик жой бўлгани учун молларни у ерда ўтлатишга қўрқардик, чунки палакат босиб оёғи сирпаниб кетса, пастки кўриқ сойга тушгунча соғ қолмас эди. Отамнинг нақл қилишича буғдойлиكنинг куздаям яшил бўлиб кўкариб туришининг сабаби, бунинг ўрнида аввал булоқ бўлган, кейинчалик сув пастга ташлаб кетган, эҳтимол қудуқ қазса ҳадеганда сув чиқар, аммо пастдаги кўриқдан икки-уч кетмон урса сув чиқиб кетармиш. Лекин отам ҳам, амаким ҳам кўриқни қазиб, булоқнинг кўзини очишга қизиқмас эдилар, чун-

ки булоқ чиққани билан унинг суви ўз йўлига – сойга кетади, тепадаги боғу полизга буриб бўлармиди.

Кўкқумга қараб ошувдаги паст қир ёнбағрида ҳам бир майдон қуриқ ер бор, сувга яқин жойда кўкарадиган ўтлар ям-яшил ўсиб ётар эди. Мол-қол бу ёққа кўп оралар, борганда туёқ ости чуқур из бўлиб қолар, эрта кўклам чоғлари излар тиниқ сувга тўлиб турарди.

Ҳамма жойдаям ҳаёт бормиди дейсиз. Агар одамзодга зарурат туғилсайди, шу қуриқни ардоқлаб атрофини ихота қилиб олмасмиди? Не тонки, у бугун ҳам яйдоқлигича турибди. Кўм-кўк ажриқ ўсиб ётади, деб эшитаман.

Болалигимиз ўтган ерларни кўмсайман-да, албатта.

Кўкқумга ошар қирнинг адоғи учли, қиррали тошлар чўнқайиб турар, тошлар орасида гўж бўлиб тиконли ёввойи бодомлар ўсиб ётарди. У вақтлар одамлар бодомнинг мевасига эмас, тиканли танасига муштоқ эди. Сабаби шуки, уни болта билан кесиб олиб тикандевор ясашарди. Мол ошиб ўтмаслиги учун. Қўй ва қорамол тикандан ҳайиққани, тумшуқ чўзиб интилганда лабига тикан кириб ортига чекиниши учун.

Мен бугун, пойтахт шаҳарнинг қоқ киндигида туриб болалик, ўсмирлигим ўтган жойларни бир декорация сифатида эслаётгандек кўринарман сизга. Йўқ, кечирасиз, ҳар бир гиёҳ, тикан, тош, қумлоқ, қуриқ, буғдойликларда юрак изларим турибди. Бир ҳаёл камзулни елкага ташлаб, ўша жойларга кетиб юборсамми, деб ҳам ўйлайсан. Ҳозир ҳам у ерлар овлоқ. Аммо сувларнинг, булоқларнинг эгаси бор. Пастдаги тўда қишлоқларга қувур тортиб олиб тушиб кетишган. Худди шаҳардагидай уйи олдидан кран қилиб чиқариб қўйишган, шу сувдан юз чайишади, қўл ювишади, овқату бошқа эҳтиёжларига ишлатишади, узум ва боғларини суғоришади.

Менга ўхшаб камзулини елкалаб бориб яшашга иштиёқманд қишлоқликлар йўқми? Бор, албатта. Аммо у ерда заҳмат чекиб, боғ яратиб нима манфаат кўради? Боғ, мева пул турадими? Мана, шаҳарда ҳам

урик оёғинг тагига тукилиб турибди-ку, уни ким қизиқиб териб оляпти? Бозорда ҳам нархи сариқ чақа.

Энг асосийси – электр опкетиш катта муаммо. Беш-олти чақиримдан, яна ўз ҳисобингдан симёғоч тортиб келишнинг ўзи бўларканми? Ҳовли қурдинг, ясаддинг, дов-дарахт ўстирдинг, яшнатдинг, лекин мени бу овлоқ манзилга сўроқлаб келувчи бўладими? Йўл нобоп: қир, нишаб, ўр. Тракторинг чиқолмаса, ҳай-хуй деб чақиришга ҳамсоянг йўқ, югуриб бориб харид қилишинг учун дўкон, маркет-бозор бўлмаса, меҳмон кутолмасанг. Ойда-йилда бир-икки ошириб-тошириб меҳмон ҳам кутдинг дейлик, аммо... Кейин-чи, кейин...

Бу зерикарли ҳаётга – ўша ёққа талпинаётиб ўзим чидайманми? Манфаатлар – қорин, кўз, қулоқ, бадан манфаатлари бизни мегаполисга улоқтириб ташлайди. Катта шаҳарга келгач, манфаату нафсларимиз яна кенгаяди. Бўлсам сари бўлсам деймиз.

Бироқ мен ёлғизлик, ёлғизликда яшашнинг роҳати ҳақида ўйлайвераман, ўйлайвераман. Яғриним ўша ёққа тортади. Билмадим.

* * *

Ахир Кўнақишлоқ – менинг болалик хаёлим, маконим, ватаним, овлоқ манзилим. Хушҳавоси, жазирамада ястаниб ётган адиру қирлари, ўт-ғиёҳи, жизилловуқларнинг жизиллаб баттар саратон тафтини ошириши, зарғалдоқ, қумри, муллатўрғайлари сайраб ётган тиниқ осмони, чирилдоқлар ашула бошлаб қоладиган зим-зиё тунлари, тун қўйнида текис қир бағридаги адирдан акамнинг велосипед етаклаб баралла қўшиқ куйлаб келишлари...

Дахлсиз бир Ватан. Дахлсиз кенглик. Очқамайдиган, чанқамайдиган, янги кийим, пойабзалга ҳам муҳгож бўлмайдиган ғаройиб кунлар. Ғаройиб эрмаклар. Ажиб шамоллар. Кўйлагингнинг тугмаларини ечиб, орқадан ҳавога, шамолга қарши кўтарсанг, ўзига яраша елкан ҳосил бўлади. Ўзинг нишабда турсанг-да,

шамол ортга итариб кетаверади, олдга эгилсанг, юрасан, шамол – ортга сураверади. Худдики қанордай кенг кўйлагинг бўлса, шамол сени кўкка учириб олиб чиқадигандек. Бу эрмак, ҳавас, ўйин, шамол билан баҳслашиш ўйини. Соат неча бўлгани билан қизиқмайсан, соат, умуман вақтнинг ўзи йўқ. Вақт дегани катта камарнинг бир четида ёнбошлаб кутиб ўтирибди. У сенинг болалигинг, ўйинқароқлигинг билан ҳисобалашади. Шамолга ўхшаб шошмайди, кутиб туради. Вақт кутиб ўтириш учун яралган, сенинг беғубор ўйинларингга даҳл қилиш учун эмас.

Қўзикулоқ. Дағал хашакнинг бир тури. Ерда нам кам бўлган йилларда, шувоқ, исийди сингари қишки емиш қатори у ҳам ўриб ғамланади. Баргию танасида қипиғи бор. Энгашиб ўроқ солганида қипиғи кўйлақ, шимингга ўрнашади. Аввалига терлаб-пишиб юрган бўлсанг сезмайсан, баданинг қуриса шундай қичитишни бошлайдики, ҳеч чидаб бўлмайди. Кийимларингни ечиб қоққанинг ҳам бефойда, ювиб захрини кетказмасанг бўлмайди. Бир тупида ўнлаб поялари бор. Пишганда сербарг новда учлари гунча очиб пушти, қизил гул очади. Япроқлари жуфт-жуфт бўлади. Ёз бошларида пишган бўлади. Япроқлари кўклигида ўриб йиғмасанг, қуриса қипиғи ҳам пишиб, тез ажралади, яқинлашсанг қичима бўлиб қоласан, айниқса, хашак сифатида қуриганда, жоди остига қирқиш учун келтирганингда жонингни олади, қипиқ шамолга қўшилиб баданингга ўрнашади, кечаси билан қашиниб чиқасан. Барглари жуфт-жуфт бўлгани учун. Биз болалар жуфт баргни кичкина пояси билан узиб олиб, поясини тукдан тозалаб, қамишнинг найига поясини тиқамиз, сўнг уни шамолга тутамиз, шунақа вариллаб айланадики, завқинг тошади. Катта новда бўлса, қамиш найи ҳам шунга яраша бўлса, нақд вертолётнинг қаноти дейсан. Айланиши чиройли, қитир-қитир овози ундан чиройли, шамол кучига қараб яна тез пириллаб айланишини кўрсанг...

Қўғирчоқ, ўйинчоқ осмонда, шаҳарда ёхуд мактабдаги ўқиш китобларида эди. Болалик осмонларида учиб юрса бўларди, ростдан тушларимда тинимсиз учар, хоҳлаган еримгача борар, хоҳлаган еримда оҳиста қўнар, ҳозиргидай баланд иморатдан тушиб кетсам, ерга гурсуллаб қуламас эдим, тиниқ сувда ҳам жуда оҳиста сузар, балиқлар билан ачомлашиб ўйнар, ўйнар ва ўйнайверар эдим. Ерни қуршаган сув, денгизни кўрдим, аммо у сувлар, у сувнинг балиғи бўлакча эди, кўп балиқ қовуриб едим, у балиқларни эса тутиб пиширмас эдилар, чунки азиз эди. Ҳа, азиз балиқлар.

Ўрик териб келишга борганда кўрувдим, почтачи Алибой аканинг уйи пастида жуда катта булоқ бор эди, булоқ олди икки чим босилгани учун катта ҳовузга ўхшарди. Ичида балиқ борлиги учун шундай қилинган бўлса эҳтимол, нарёқдан, ҳавза устидан бир ариқ сув тошиб чиқиб, одамларнинг томорқаларига қараб ялтираб, чуруллаб оқиб ётарди. Ўша балиқлар оқ балиқлар эди. Оппоқ. Ушоқ ташласанг чўлп-чўлп қилиб сувнинг пастида ҳам кўриниш берар, сўнг қорни тўйгач, ҳар хил ўйинлар қилар, бир хиллари ўликка ўхшаб тескари ётиб олар, ости ундан ҳам оқ эди...

Нозан аммам айтдики, зинҳор буларга тегманглар, азиз балиқлар, булоқнинг тўрида Нуротадаги чашмага йўл бор, бир кечада Нуротага бориб зиёрат қилиб қайтиб келади булар, сира тега кўрманглар!

Улғайганда Нурота чашмасининг сонсиз балиқларини томоша қилдим, лекин улар қорамтир балиқлар эди. Ким билсин, улар эркак, булар урғочи, демак, ошиқ-мошиқ балиқлар эканми.

У балиқлар энди йўқ. Одамлар тутиб олиб еб қўйишмаган, албатта, замон ўзгаргач, тухуми қуриб кетган, булоқдан ҳам жилдираб кичик сув чиқади, одамлар шу сувни деб талашадилар, бир-бирларини кетмон билан соладилар...

У булоқ худди менинг тушимга ўхшаб олисда қолган, кўҳна тушга ўхшаб ҳавзаси кичрайиб қолган. Уни тирилтириш, балиқларни Нуротадан қайтариш керак, ялиниб-ёлвориб. Дуолар қилиб, дуосини ўқиб...

Бунинг учун Нозан аммам, Ўнар, Эгамқул, Облоқул боболарим тирилиб келиши керакка ўхшайди...

* * *

Олисларда ялтираб, товланиб Зармитан кўринади. Кечалари юзлаб чиройлари юлдузлардай жимирлаб, баъзилари порлаб туради. Маматнинг айтишича у ерда чироқлар кундузиям ўчмайди, теп-текис асфальт деган йўли бор, ундан автобус деган нарса юради. Автобус дегани Қулмат аканинг сомон ташийдиган машинасидан тўрт баробар катта, усти ёпик, ичи илиқ, ўтирадиган юмшоқ курсиси бор. Ўтирсанг икки соатда Самарқандга обориб қўяди. Лекин пул тўлаш керак, бир одамга икки сўму йигирма тийин, тўламасанг шопир тушириб юборади, мени бир марта отам Самарқандга автобусда оборман, зўр жой, батареяли радио опкелганмиз, сен бўлса Зармитанниям кўрмагансан.

Ҳа, биз мишиқи Зармитанниям кўрмаганмиз. Лекин акам кўрган бўлиши керак. Ким ҳам юборарди мени у ёққа. Ялтирашидан зўр шаҳар бўлса керак. Омон амаким икки кунда бир, чўбирини миниб Зармитанга қатнаб шахта деган жойда ишлаб келади. Аммо зўр жой деб мақтамайди. Ўрганиб кетган бўлиши керак. Шахта деганимиз чуқур ертўлага ўхшаш жой эмиш. Полвон-полвон одамлар ер тагига тушиб, чўкич билан ер ковлаб ётар эмиш. Улар ковлаган тупроқни ўзи юрадиган вагонлар ташқарига ташиб чиқариб кетар эмиш.

Вагон деган нарсасиям зўр чиқар. Мен бўлсам бир мартагина косилка деган техникани кўрганман...

Учбулоқда осмон охурда гилдирак ўйнаб юрар эдим. Акам мактабдан келиб қолди. Кичкина газанинг орқасидаги тепада тракторнинг бир бўлаги борлигини айтди. Икков ўша ёққа борадиган бўлди. Узоқдан бир кук темир кўринди. Чопкиллаб кетдик. Ўзиям шудгорнинг қоқ ўртсида экан. Борганимиз сари у катталашарди. Етганимизда кўрдик: у дуппа-дуруст техника эди. Лекин дашт, кимсасиз жойда, энг муҳими, хўжайинсиз, бир ўзи ётиши жуда мароқли эди. Гилдиракларини ушлаб кўрдим. Бошқарадиган рули, рул ёнида темир курсиси ҳам бор. Аввал акам ўтирди, оғзида трактор овозини чиқарди, ўзича газ босиб рулни гилдирата бошлади. Ерда туриб хархаша қилдим. Акам мени кўтариб темир ўтиргичга ўтқазиб қўйди. Рулини ушлаб айлантирсам, оз-моз айланыпти. Хурсандлигимдан шунақа кичқириб юбордимки... Энди ҳар куни йиғлаб чопадиган, бориб косилка курсисига ўтиргачгина овунадиган маконим шу бўлиб қолди. Онамни, акамни, соқмончи чўпонларни ҳам безор қилиб юбордим.

Тоштемир тоғам бир туманли кунда мени у ёққа етаклаб кетди. Туман шунақа қуюқ эдики, икки қадам нарини ҳам кўриб бўлмасди. Қуюқ туман қоронғидан ҳам ёмон бўлар экан. Хуллас, менинг ғаройиб эрмагим – техникани тополмадик. Эртаси куни, туман тарқагач яна бордик. Бироқ бу сафар ҳам тополмадик. Тоштемир тоғам айтдики, у Жозил ёки Уроқбой тракторчинингки бўлган, тракторга тиркаб ўт ўрадиган косамга – бузилиб қолган. Энди тузатишга гаражга опкетган. Катта бўлганингда у ёққа гаражга обориб ўзим кўрсатаман. Ундан ҳам зўр мошин, тракторлар бор, хоҳласанг кабинасигаям ўтирасан.

Мен кечгача йиғладим. Онам шифтга илиб қўядиган қушхалтасидан жийда, туршак, олмақоқи, шафтолиқоқи олиб берди ҳамки, овунмадим. Оқшом отам ашула айтиб елкамни қашилаганидагина ухлаб қолдим.

Чамбилбелнинг ойдаласи даладур,
Ой далада бир қуй ётиб қоладур.
У қузини Собир билан
Ўткир ҳайдаб келадур-эй...

Ёзда Тоштемир тоғам ваъдасига вафо қилмай дух-
турлик ўқишига кетиб қолди.

* * *

Баҳор чиқиши билан бу яқин атроф тамом яш-
наб кетади. Булоқлар суви кўпайиб нариги қўриқ ва
бўз ерларгача тошиб боради. Қишда чашма сувлари
негадир илиб қолгани учун қўриқлардан булутсимон
ҳовур кўтарилиб том бўйи булутдек туриб қолади. Си-
гир ва қўйлар ҳам эрталаб даштга ўтлаб кетадилар-да,
сўнг чошгоҳ пайти сувлаш учун қўриқ ёнидаги булоққа
қараб тўп-тўп бўлиб кела бошлайди. Югура-югура ке-
либ чўк тушганча ютоқиб сув ичаётган эчкиларни кўр-
сангиз эди. Улар сув ичардаям қизғанчиқ бўлишади,
ёнида ўралашаётган қўй-қўзиларга бигиз шохларини
қадаб нарига суриб юборишади. Баҳорнинг илк қуш-
лари қалдирғочлар ҳам ипакдек пат ва қанотларини
шу булоқда ювиб, обдон чўмилиб олишадию сўнг биз
оила аъзоларимиз аранг сиғиб кун кўраётган қоронғи
ва тор кулбамизнинг даҳлизига болорга “уя” қуриш-
га киришиб кетишади. Чуғур-чуғур қилишиб бир неча
кунда қўнғир тупроқли лойдан қойилмақом қилиб
ўзларига маъқул “уйча” қуриб, кейин устига майда ва
ингичка чўплардан “кўрпача” тўшаб олишадию тухум
босиб, шоҳона кўкрак кериб истиқомат қила бошлай-
дилар. Тоғамнинг айтишича бу азиз қушлар уй қуриш
борасида дунё архитектурасида ўзига хос ўринга эга
эмиш. Гавдаси қалдирғочдан бир неча чандон савлат-
ли мусича бўлса тузукроқ уя ясай олмайди. Натижада
у ерга ўзи ҳам яхши жойлаша олмай тухуми ҳам ерга
тушиб, синиб, абгори чиқиб юради. Боласини учирма

қилаётганда ҳам бесаранжомлигидан болаларини мушукка едириб юради.

Даҳлиздан чапдаги уйда биров яшамайди. Бироқ бўйра тушалган. Қиш кунларидан бирида онам у ерга ҳам олача тушади. Тушаётғиб бир нарса бўйрани тешиб қудуқдай пастга чуқур қазганини кўрди. Мен ҳам қизиқиб қолдим. Тош ташласам ғилдираб ичига кириб кетди. Онам юмронқозиқники эмасмикан, деб тахмин қилди, лекин уй ичида юмронқозиқ нима қилади, қизиқ? Каламушникидир деди онам. Қишлоқдан мушук опкелишга қарор қилишди. Ўша мушук опкеладиган куни бобомни ҳам аробага солиб опкелишди.

Ўнар бобом жуда полвон одам бўлган. Чорбоғидан чиққан неча боғ ўт бўлса сомонхонагача бўлган бир чақирим масофага эшакка ортишга эриниб ўзи, арқонга маҳкам қисиб, елкасига ортмоқлаб келар экан. Бир қишлик ўтни шундай ташиб ташлар экан. Бобомнинг чорбоғида олма ва ўрик кўп эди. Ёзда пишадиган чучук сариқ олмалар пиёладан ҳам катта бўлар, мазаси ниҳоятда тотли эди. Бу чорбоғни бобомнинг отаси ўғилларига тақсимлаб берган. Ўз навбатида бобом ҳам тўрт ўғлига тенг тақсимлаган. Унда бизнинг ҳам улушимиз бор. Уч туп олма ва икки туп ўрик бизнинг тегишимиз, улар тагидаги ўтлар ҳам бизники, тепадаги етмиш туп ток ҳам бизники эди. Омон амаким ва биз қишлоқда ҳам бир уйда яшар эдик. Бир даҳлиз, икки ён уй эди. Катта амакимнинг уйи ҳам шунга туташ, узун, қатор уйлар эди. Кейин кўпая бошлагач, биз алоҳида уй қурдик. Яна икки уй, бир даҳлиз. Ўша биз яшайдиган катта уй амакимнинг меҳмонхонаси бўлиб қолди. Ўзлари бобом билан то болалари туғилгунча кичик уйда туришди. Бобом нобоп касалликка йўлиқдию бутунлай кичик уйни макон қуриб олди.

Бобомнинг отаси Сулаймон бобом онамни яхши кўриб келин дейиш ўрнига “энажон” деб мурожаат қилар экан. Сулаймон бобомнинг бахшилиikka иқтидори бўлган. Эмраниб бир нарсаларни айта берар экан. Авжи

келса ўтов уйнинг деворидан йиқилмай юриб кетавераркан, балки циркчи артистларга ўхшатиш мумкин: ҳеч нарсага таянмай, суянмай, деярли ҳавода... тасаввур қилиш қийин. Ўзи темирчи уста бўлган, отам ва онам бахшилигини кўп эсламасаям “уста отам” дейишади. Шу уста отам кўрда тоблаб, пишириб ясаган, қип-қизил қизиб турган кетмоннинг бетига бемалол ялангоёғини қўйиб тураркан. Одамнинг эти ёмон сасийди, чидаб бўлмайди, лекин бобом атрофдагиларни ҳангу манг қилиб ҳеч нарса бўлмагандай калишини кийиб кетавераркан. Катта бобомнинг ўғилларидан бирига, яъни менинг бобомга савлатдорлик, полвонлик, юввошлик, меҳрибонлик ўтган. Ундан кейингисига устачилик ўтган. Эгарсоз, тунукасоз, ёғочсоз уста эди. Бироз бесабр, сариқ одам эди. Атторлик ҳам қиларди.

Алдамчи, айёр, товланувчи, жилваланувчи йиллар, самовий, қаҳри қаттиқ вақт қиличи бир зумда уларга етиб олди. Бир-бир кетдилар менинг бир-бирига ўхшамайдиган, аммо меҳрибон боболарим. Улар уришган, ўжарлик қилишган, урушда қон кечган, олов билан ўйнашган, қамалган, дугор чертиб қўшиқ айтган, дostonчилариям бўлган, хотин олиб хотин қўйишган – етти мартагача уйланганлари бор, қаҳатчиликни кўришган, зоғора нон билан кун сақлаб қолганлар, кепакнон еганлар, бири эрта навжувонлигида қутурган туя судраб шаҳид кетган, юзни қоралаб мўйсафид ўтганлари, муллалари бор. Аммо эл шоҳид, эшитиб юрамиз, барчаси ҳалол яшаб, ҳалол кун кечиришган. Нон чайнаса ҳам ҳалолидан, ош ошаса ҳам ҳалолидан ошаганлар.

Ўзимнинг бобом Ўнар отамни айтаётувдим. На бўлғай, бир куни ўзининг чорбоғида, ўзи эккан олмалар остида тўйга боқиб ўтирган ҳўкизини жилдираман – жойини ўзгартираман дейди. Ҳўкиз бўй бермай арқонни узар даражада тортинаберибди. Бобом, энди одамнинг авомлигини қаранг, арқоннинг қозиқ томонини белига бир неча карра ўраб олиб, мени судраб қаёққаям кетарди, чарчаб

бир жойда тўхтайдиган деган бўлса керак. Аммо ҳукиз шу қутургандан қутуриб бобомни судрайверган. Бобом бечора йиқилган, судралган, лекин белидан арқонни қўйиб юбормаган. Қайтанга ўрнидан тик туриб ҳукизни тўхта-тиб қолмоқчи бўлган. Боқувдаги катта мол куч берарми-ди. Ўчакишгандай ортга қараб забгига олиб чопган. Бобом оёғи ердан узилиб бориб, олманинг қалин танасига урилган. Ҳукиз шунда ҳам анча жойгача чолни судраб бориб абгор қилган. Ўшандан бери неча йилдирки, оёқ-қўли ишламайди. Овқатини ҳам еёлмайди, ҳўл-қуруғи жойида, ҳатто бир томондан иккинчи томонга ағдарила олмайди.

Ким тоққа, ким чайлага қўчиб чиқади. Бобом кичкина одам эмас, кучи етадиган эркак одам қўтариб тўсиши, тағидаги кўрпасини алмаштириши керак, ўз кўзим билан кўрганман, қийналди бечора. Келинлар, ҳатто эркаклар ҳам жирканиб олдига киргиси келмай қоларкан. Қорни очқайди, чанқайди, яна бир кори ҳосил бўлади – кимдир керак. Тенгқур, бўйинсалари ҳам кун-кунора келиб турса экан. Оёқ-қўлдан қолиш ёмон. Елкаси ачишиб кетса керак, “ағдар” деб бақирарди. Келинларининг ичида фақат онамгагина яхши гапирарди. Чунки онам ниҳоятда саботли ва садоқатли аёл эди. Бошқача яшашни билмас эди.

Бир неча марта онам тандир бўйидан янги узилган иссиқ нон, кулча бериб “катта отанга егизиб кел” деганида, – болакай эдим, – бориб косадаги муздай сувга ботириб нон узатганман. Аввал кичик бурда қилиб берсам жаҳли чиққан. Нонни бутунлигича тутсам, катта оғзи билан шапалоқдай қилиб узиб-узиб еган. Полвон одамнинг егулиги ҳам полвонларга хос бўларкан.

Хуллас, бобом мени Ўчбулоққа обораинглар, дебди. Бу у кишининг қишлоқдаги амакиларимдан аразлагани эди. Нима дегани экан, мени кўрса “ҳа, ҳўданагинам, бўғалоғим”, деб жилмаяр, майин кулар эди. Лекин бетоқат бўлса, овози деразани зириллатар эди.

Қор ва ёмғирда чакка ўтиб турадиган, ҳадеганда исимайдиган чимдевор кулбамиздаги аъзолар сони

яна бир арзанда ҳисобига кўпайган эди. Энди онам бечора деярли уйку юзини кўрмай кўйган эди.

Этиклар даҳлизда ечилади. Ташқаридан этик билан кирган лой у ерни ҳам лойхандақ қилиб юборар эди. Уйга кирган ҳар бир сақмончию ёрдамчи этигини, ҳўл пайтавасини ичкарига кўтариб кириб печканинг ёнига ёйиб кўярди. Ана энди “маза” қилаверинг! Катта тоштовққа кўпинча кулчатой сузиларди, унга икки-учта ёғоч қошиқ ботириб кўйиларди. Меҳмонми, мезбонми, қошиқни алмашиб бир ҳўпладан нон ботириб ураверар эди. Бизнинг эса энг севимли таомимиз қанд солинган сут эди. Аҳён-аҳёнда, кўпинча бозор куни – Жумабозордан хуржун тўлиб келган кунлари онам жуқмага уннаб қолар эди. Аталали, саримойга бўктирилган жуқма ҳар биримизнинг жону дилимиз, ўша куни чайлатомда чексиз-ададсиз байрам! Кўлинг ўргилсин жуқма, ол, тўйгунингча олавер! Иймоним комил, бобом ҳам ўша симкаравотида ётиб бир неча юпқани атала-ёғини соқолига оқизиб ёб чунон роҳат қилар эди, оёқда юргандагидек бу овқатни кўриб ошқозони қулдираб кетарди. Биз ҳам бу байрамона таомдан сўнг қоринларимизни силаганча инқиллай-инқиллай кечаси билан сув ичиб чиқар эдик.

* * *

Кейинги қишда бобом омонатини топширди. Ер алачалпоқ қор, чошгоҳга довур ҳамма ёқ қатқалоқ бўлиб ётар, кейин, қуёш бироз қиздиргач, қатқалоқ лойга дўнар, суви чиқиб, билчиллаб ётар, юрганингда этикка ёпишиб қадам ташлашинг ҳам оғирлашиб қоларди. Таъзияга Нурқул аканинг бортли машинасида борганмиз. Қўрғонтепага чиқаверишда машина лойга ботиб қолган, таъзияга борган чопон белбоғли қариндошлар келиб машинани лойдан чиқаришган. То Унар бобомни узоқдан кўриниб турувчи баланд тепалик – мозоротга обориб кўмиб келишгунча ташқарида дилдираб совқотиб, бурним оқиб юраверганман.

Очил чўлоқ дейдиган, одамларнинг тўй-маъракасида самовар қайнатиб юрадиган амаки бўларди. Ака-укалари ҳам бор, лекин уйланмаган, оёқлари маймоқлигидан ташқари тутилиб, зўрға гапирар, гапини ҳам тушунган тушунарди. Бу нуқсони ҳам борлиги учун кўрган одам уни тентак деб ҳисоблар, айниқса, биз болалар шундай деб ўйлардик. Бўйи баландроқ, чопағонлар уни эрмак қилиб “Очил чўлоқ!” деб масхаралаб, кейин жуфтакни ростлаб қоларди. Очил ака унинг ортидан онасини қўшиб бура-лаб сўкар, қўлига илинган нарсани ортидан отар, оғзи кўпикланар, кўз косаси ташқарига чиқиб кетар даражада олайиб кетарди. Ўзига тенгқур бирор бўйинсаси чойнак кўтариб олдиға келиб, “қўй, Очил, бола-да, нима қиласан норасидаға тенг бўлиб, Суюндикни боласими, ўзим гапла-шиб қўяман”, дегунча ҳовуридан тушмасди. Бечоранинг шу ҳолиға тағин ўнг қўли ҳам маймоқ, қўлиға бир нарса тутса ҳам зўрға, омонат ушлар эди. Ака-укасининг эмас, кимларнингдир уйида сиғинда бўлиб, молхона, сомонхоналарида ётиб юрар, тутун чиққан ерда ҳозир у нозир эди. Бошқа маҳал – қишу ёз мактаб биқинидаги дўкон ёнида танда қўяр, то қора кечгача қулоқчинли қора телпагини босгирганча ўтираверарди. Шу ўтирган ҳолида неча ўн марталаб “Очил чўлоқ!” каломини эшитиб, сўнгра, у болани юз марталаб чалипатран сўкишдан чарчамас, кеч киргачгина аллақерға ғойиб бўларди. Зинҳор бир одам “Очил, юр бизнинг уйға, сен ҳам одам бўлиб қорнинг тўйиб овқат е, иссиқ чой ич!” деб марҳамат қилмас, кишиларнинг бари турқини кўрибоқ беихтиёр ирганар эди. Доим шошиб юргувчи почтачимиз Алибой ака хат-газет, пенсия-нафақаларни дўкон пештахтаси қошида тарқатиб бўлгач, қолган-қутган хатларни Очил амакиға ишониб топшириб кетар, у бечора қўлиға тушган бир дона “Правда” ёки “Известия” газетасиға ва хатларға термилганча ўтираверар, хат эғаси келиб қолса, ғоят муҳим юмушни адо этгандек қувонар, ана, кўрдинг, аканг қарағай қандай зўр иш қилди деган мисол анчадан буён кулги кўрмаган юзи-

да ғалати табассум пайдо бўлар, бироз қизарар ва албатта, хатнинг эгасини суриштириб қўяр, таниса-танимаса “а-а, яхши, дуруст” деб ўзича мамнун бўларди.

Тақдир қарғаган шу бечора одам бобомнинг жанозаси кунни ҳам кечгача самовар қайнатди. Албатта, ғўлак ёролмайди, тайёр тезак, пайраха. Утинларни самовар утинхонасига эринмай ташлаб, қуруқ чой, коса, чойнак, пиёлаларга хўжайинчилик қилиб ўтиради. Ўша кунни раҳми келиб менга ярим коса шўрва, икки пиёла иссиқ чой ичирган ҳам шу одам бўлди.

Қизик одамлар.

Шу кишигагина маърака охирида қотган-қутган нон бурдалари, увоқ-ушоқ, ийиб кетганлари бир тўғрагина гўшт ҳадя этишади. Очил амаки бўлса шундан ҳам боши кўкка етиб, мўйлов-соқолини соғ қўли билан силаган кўйи ака ё укасиникига мамнун йўл олади. Чунки бугун унинг ётар жойи сомонхона ё ғаллахонада эмас, одамлар қатори иссиқ уйда, кўрпа-ўринда бўлиши мумкин. Ахир у қуруқ қўл билан бормаяпти-ку...

Ҳазан амакимнинг “қолавер-да, Очил, эрталаб яна самовар қайнатиш керак, келди-кетди бўлиб туради”, дейишига қарамай, худди уни биров интизор кутгандай маймоқланиб йўлга тушади.

Акам иккаламиз бўз эшакда Учбулоққа қайтамыз. Ер қота бошлаган. Эшак гоҳо сирпаниб кетиб йиқилмоқдан бери бўлади. Акамнинг белидан маҳкам қучоқлаб олган бўлсам ҳам қўрққанимдан бўлса керак, оёқларимни ерга тушишга шайлайман. Ахир – йиқилсанг, у ер бу еринг лат ейиши, тиззанг қонаши мумкин. Учбулоқдаги чайламизда бизни онамнинг холаси, катта энамнинг опаси Холида холам кутиб ўтирибди – печни қиздириб, чой қайнатиб, шўрва пишириб. Катталар таъзияхонада то худойи ўгунча туришади. Пайшанба ва якшанбада – ис кунлари ҳам тўпланишади. Омон амакимнинг уйи гавжум бўлади. Қасаба ўраган, оқ ёпинган аёллар ҳамон йўқлаб йиғлашади, чуввос солишади. Эркаклар ичида

отам тинимсиз йўғон овозда отамлайди. Кечгача овози бўғилиб зўрға гапирадиган бўлиб қолади, кап-катта одам йигиси туянинг ортидан чопиб бўзлаган бўғалоқ ҳолатини эслатади. Бобомни қўйиб келдилар, бироқ отамнинг томоғидан ҳеч нарса ўтмайди. Амакиларим унга қайноқ доғ сув ичираверадилар. Самовардаги қайнаб турган сувдан бир коса сув олишадию унга пичоқ ботирадилар, шу билан сув доғ бўлар, одамнинг ҳовурини олар эмиш.

Холида холам қорамағиздан келган, юзи ойдай юмалоқ, ўнг бетида данак катталигида бўртма холи бор, ўзини худди бизнинг оила аъзосидек тутишни, ҳамма нарсага аралашишни хуш кўрар, кулиб туриб бизни ҳам болам, деб эркаларди. Гўдаклигим боисми, холамини ҳам она деб ўйлардим, иккинчи катта энам деб ҳисоблардим. Холамнинг уйдаги юмушларидан кўра айни кўклам чоғлари қўрамизнинг тепакидаги кунбеткайдаги қўй ётоғида уззу-кун қий супуриб юрганларини аниқ-тиниқ эслайман. Ростини ҳам Холида холам деганда супурги кўтариб қий йиғаётган қорамағиз, кулиб турувчи ёрқин чехрали, майда гулли малларанг қўйлагини кавушига тегиб турган, қўйлагини устидан қалин пахтали энгли нимча кийса ҳам мудом кўп қаторли малла мунчоғини устидан ташлаб селкиллашиб юрувчи бир меҳрибон кампир кўз олдимда гавдаланаверди.

Холида холамнинг уйи ё борадиган жойи йўқмиди, узун қиш тунида ҳам, узун ёз кунларида ҳам бизникида юраверганидан бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмасдим. Кейинчалик ақлим бир жойга келганида онамдан сўрадим. Холам бечора тўрт ўғил туққан, фалакнинг гардиши билан ҳаммасини гўдаклигида ерга қўйган, валлоху аълам, поччамиз ҳам бошқа аёлга уйланишни маъқул кўриб, холамини чиқариб юборган. Негадир холамнинг юз қиёфаси, туриш-юриши, кийган кийимию ўн қатор мунчоқларини ҳам эслайман, бироқ вафотини эслаёлмайман. Онамнинг айтишича, тоғамнинг уйида қайтиш қилган, маъракалари ҳам ўша ерда ўтган.

Қораманиз бир кампир. Эртадан кечгача қирдаги ётоқда қий супуради. Кенг қўйлаги дашт шамолида елвагай ҳилпирайди. Ҳар замон қомагини тик тутиб бир томонга оған қасаба рўмолини тутирлайди-да, кейин яна чуқир супургини оладию энгашиб қий супургани-супурган. Кейин тулланган қийларни катта тоғорага жойлайди. Тоғорада ташиб бир жойга тутилайди. Қий хирмони ҳосил бўлади. Қий тушлашнинг ҳам қизиқ қоидаси бор. Бир жойга қўйлар икки кундан ортиқ ётса, тўда юришда аввалги қийларни, агар супуриб олинмаган бўлса, оёқосги қилади, яъни аввалги қий қўй туёғи остида уқаланиб, майдаланиб кетади. Шу боис қийни кунда, кун ора йиғиштириб олиш керак. Аслида-ку, қий тушлашга талабгор бисёр, бир марта ётқизиб бер, икки марта супуриб олай, деб келгувчилар кўп бўлади, шу туфайли отам фалончига ваъда қилганман, ундан кейин пистончи супуради, сен ҳафтанинг фалон кунига мўлжалла, деб тайинлайди.

Уқаланган қий ўғитдан бошқасига ярамайди. Лекин ўғит бўлганда ҳам мол гўнгидан чандон кучли, айниқса, дарахт томири ва узумни ривожлантиради, дейишади.

Шу ўринда бир ҳангома эса тушади. Отам дала-дашт, яйловда қўй боқиб келиб қишлоқдаги уйимизга қўринарли Мулақирнинг нишабидаги кунбеткайга қўй ётқизар эди. Қўй жонивор кун чошгоҳдан ўтганда мияси қизийди, соялайдиган жой йўқ, бир-бирининг пинжига, бутига бош суқиб қуёшдан паноҳ топгиси келади, тўда-тўда бўлиб олади. Икки-уч соатлик тол тушда, қирнинг белгиланган беткайида туриб қолади. Чўпон уларни шу ҳолича қолдириб уйига кетади, тушлик қилиб, имкон топса, бирор соат мизғийди. Мол уйқута тўйгач, яна очқаганидан, чанқаганидан тўда-тўда бўлиб дуч келган томонга кетаверади. Қўй авом жонивор. Бўйнига қўнғироқ осилган серка қаёққа юрса, беш юзта қўй ўшанинг ортидан кетаверади. Серка, такага эргашади Эчки бебош. Кўпинча тошли қияларга чиқишни хуш кўради. Кийик авлоди-да. Қўй эса тошли жойда юришга нўноқ. Бироқ серкани товуш билан бошқариш ўнғай. Чўпоннинг товушига бўйсунди. Бу унинг

кўрқоқлигидан бўлса керак. Отам нақ икки чақирим наридан туриб серкага товуш берса, серка йўлини ўзгартиради. Чўпоннинг буйруқ бераётганини фаҳмлайди. Айни пайтда ўз хўжайинининг товушини яхши илғайди. Бошқага негадир бўйсунгиси келмайди. Хуллас, беш юз бош қўйнинг икки соатлик ётиши ҳам бир рўзгорнинг бир қишлоқ қийини кўтаради: икки-уч қанор ўтин тўпланиб қолади.

Отам пастки овулдан бир кишига, ундан кейин амакисининг кампирига навбати билан ётоқ ваъда қилган экан. Орада отамнинг дўсти Саъдулла муаллим келиб илтимос қилибди. “Жўра, Махфират чеча сўраган, сен ундан кейин, шанба куни келақол”, дебди. Отам жума куни тушдан сўнг молларни сувга ҳайдай деса, бир қизил қўйлакли аёл қий супураётган эмиш, Махфират чечадир ё бирор келинидир, деб индамай ўтиб кетибди. Кечқурун Махфират момо келиб онамга зорланибди. Куёвинг мени шуйтди, алдади, овора қилди, дебди. Отам буни эшитиб ким қийга борганини дарров фаҳмлабди. Жўрасига бориб:

– Сайдулла, ўл бу кунингдан. Нафс учун аёл бўлишдан ҳам қайтмайсан! – деб уришибди.

Домла шўх одам, кулибди-кулибди, лекин бўйнига олмабди. Отам хижолат бўлиб янгасидан узр сўрабди. Дўстининг қилиғини ҳам айтибди, яъни аёл қўйлагига кимдир қий супураётган экан, мен сиз деб хаёл қилибман, ўлгур Сайди экан у, сиз кейинги гал икки марта супуриб олинг, деб лафз қилибди.

Икки ошна ўртасида низо чиққанини одамлар эшитган, бир-бири билан гаплашмас, терс бўлиб кетди, деган гаплар тарқалган. Лекин бир куни икки жўра иттифоқо гангир-гунгур қилиб пастки овулга Ўнар отамнинг укаси, Эгамқул атторникига кетишаётган эмиш. Эгамқул бобом Каттақўрғондан ип-калава, бўёқ, жуводиз, нина, қайчи, пичоқ, аччиқтош, яна алламбало, дўконда йўқ нарсалар олиб келиб аксар хотинларга сотарди. Сайил вақтида бир қоп ҳолва келтирарди. Аммо қишин-ёзин

болаларга деб онкелган сақич ҳеч узилмайди. Сақич деганингиз бир сариқ тусли, ҳозирги кунжутли ҳолвани эслатувчи думалоқ ой шаклидаги, четидан бир тиш-ламини олиб оғизга солиб чайнасанг, қаттиқ, сўнгра уни чайнай-чайнай оғзингда эпақага келтирасан. Таъми ҳам аччиқроқ, бироқ одамзодда шу нарсани чайнашга ишғиёқмандлик азалдан бор чоғи, нега бўлмасам, унга бу қадар хумори тутади одамнинг, қизиқ?

Ҳай, аввалги ривоятларимиздан бирида Ўнар чолнинг укаси Эгамқул отам етти марта уйлангани тўғрисида гап қистириб ўтувдик. Икки кампирини ўзим биламан. Бири қоп-қора, кейингиси сап-сариқ кампир эди. Шу қора энамизга сақич бобида кўп ишим тушган. Эгамқул отам, ўйласам, анча демократ савдогар экан. Мисол, товар айирбошлаш, хотин-халаж олган молининг пулини кечикиб тўлаш имкониятлари бор эди. Бобом кези келса ҳеч кимни аяб ўтирмай уришиб берар, ёқалашиб кетадиган қизиққон киши эди-ю, мана шундоқ демократлиги ҳам аслида бор эди.

Шу боис мен Қора энамга кўпинча бир тухум оборардим-да:

– Эна, менга шу тухумдай катта сақич берасиз, – деб эркаланардим. Энам мени яхши кўрганидан бўлса керак, мояк катталигидаги сақич синдириб берар, кейин уни акам ва укаларим билан бўлишиб чайнаб юрар эдик. Қишлоқ бола-бақраси ёппасига чапиллатиб сақич чайнаши шу бобомнинг кароматидан эди.

Қишлоқ одами бир қарасанг анди, бир қарасанг шумроқ келади.

Отам билан Сайди жўраси ўртасида бўлиб ўтмиш можаро кўпнинг тилига тушади, кулгу қилишади.

Отам кек сақламайдиган, уришган одами билан тез тил топишиб кетадиган хилидан. Ҳали қий ҳангомаси совимай туриб, қарашса, икки ошна яна қалинлашиб, жўрачилик қилиб юрибди. Эгамқул отам чарс феъллиги баробарида, кун келса доно маслаҳатчи, босиқ одамга

айланар, деворда осиглиқ дугторини қўлга олиб, қадимий қўшиқлардан ҳам қўйлаб қоладиган одатлари бор эди.

Отам Сайди ошнасини олдиға солиб, Эгамқул акамнинг бир суҳбатини олайлик, деб пастки овулга тушиб кетаётса, Ражаб муаллим буларнинг иттифоқини кўриб, уйи ёнида ажабланиб турганмиш. Домла гап пойлашга, киноя қилиб, бировнинг устидан кулишга уста одам.

– Аҳай, ошналар, йўл бўлсин энди?

– Эгамқул акамникіга, оқсоқолнинг тўртта суҳбатини олайлик.

– Майлику-я, лекин қий масаласи нима бўлди? Кечагина...

– Ҳа, қийми, – дебди отам. – Шу қийни Эгамқул акамнинг сақичига алмаштириб сенга опкеб бермоқчимиз, йил бўйи ғилчиллатиб чайнаб юрасан...

Ҳа, бу ўткир гап. Эгасини топса мулзам қиладиган фикр.

Отамни, ғарчи гапчиноз, сўзга уста деб айтмасам-да, вақтида бетинг-кўзинг демай уриб қоладиган ғалати одатлари бор эди.

Гапнинг тағмаъносини қаранг: Эгамқул бобомдан ўзгада сақич бўлмаслиги рост. Бу – бир. Сақични ғилчиллатиб чайнаши – энди, бўлиб ўтган сассиқ хангома-ни ҳадеб кўзғайверадиган одамга ишора. Сен чайнаб, саситиб юравер бу гапларни, лекин биз ошнам билан узилишиб кетганимиз йўқ, бир-биримизни кечирдик, деган гап. “Биз-ку, тил топишиб кетдик, гап-сўз босилди, лекин сенга ўхшаган ғийбатчидан кўрққулик”, деган ибратли хулоса.

Кези келса мулойим, меҳрибон, гоҳида қизишиб кетса, гап келса отасини ҳам аямайдиган, лекин юрагида хусумат сақламайдиган ғаройиб одамлар.

Ахир бундай феълли одамларни нафақат эсламасликнинг, дўст бўлмаслик, кўнгилга яқин тутимасликнинг сира иложи йўқ.

МУНДАРИЖА

Йигитларнинг бири	3
Қиш кунларидан бири.....	17
Кунсулуннинг сирли хатлари.....	24
Қора чол	34
Ўлмайдиган одам	46
Жинқучадаги муштипар	53
Алағдалик	63
Офат	78
Алла	87
Олишув	97
Бир ўларман чавандоз.....	106
Умидсизлик	113
Интизор	119
Қуш	129
Тарвуз	151
Ака-укалар	162
Сафура холамнинг эртаги	171
Тегирмончининг боласи.....	181
Бегона меҳмон.....	188
Чўл ўртасидаги шийпон	208
Миннат	220
Сариштали одамлар	235
Фаришта	243
“Қурбон ўлам”	253
Юк	274
Сел	282

“ОТАМЗАМОН ҲАНГОМАЛАРИ” ТУРКУМИДАН

Жондор	292
Тунғиз боласи.....	294
Ўтирикни эплай билмади	297
Ўзингники – ўзингникига	299
Жайранинг оёғи.....	300
Бури ови	304
Рашид жура	312

БОБОЛАРИМ

Ўнар чол	322
Эгамқул отам.....	327
Қора отам	333
Исмоил акам	339
Қадимги гаплар	350
“Ғов қилмасанг тов қилмайсанми!”	362
Кўҳна қишлоқ эсдалиги	383

Адабий-бадний нашр

СОБИР УНАР

**КУНСУЛУВНИНГ
СИРЛИ ХАТЛАРИ**

Муҳаррир Санжар Турсунов
Бадний муҳаррир Оловиддин Собир угли
Мусаҳҳиҳ Ирода Умарова
Саҳифаловчи Сурайё Раҳмедова

Нашриёт лицензияси рақами АИ № 290. 04.11.2016
2021 йил 18 январда босишга рухсат этилди.
Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. Palatino Linotype гарнитураси.
Офсет босма. 22,68 шартли босма табоқ. 19,4 нашр табоғи.
Адади 3000 нусха. 12 – рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.

Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.
100128 Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

Телефонлар: (371) 241-25-24, 241-83-29
Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz info@gglit.uz

16+



ISBN 978-9943-6450-3-5



9 789943 645035